

ПЕДАГОГИКА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Педагогика назарияси ва тарихи
I-қисм. Педагогика назарияси

5140000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани
таълим соҳаси бакалавриат йўналишлари учун

Тошкент - 2005

Педагогика олий таълим муассасалари учун мўлжалланган мазкур дарсликда педагогика фанининг асослари, мақсад, вазифалари, тадқиқот методлари, дидактика ва тарбия назариясининг умумий мазмуни (чунончи, тамойил, шакл, метод ва воситалари, ижтимоий тарбия турлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, самарали ташкил этиш омиллари, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими, таълим муассасаси менежменти, шунингдек, коррекцион (махсус) педагогиканинг моҳиятлари) хусусида сўз юритилади.

Дарслик Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “Умумий педагогика” кафедрасида ишлаб чиқилган дастур талабларига мувофиқ яратилди.

Дарсликдан педагогика, шунингдек, муайян мавзуларни ўрганишда нопедагогик йўналишда фаолият олиб бораётган олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб таълими муассасаларининг педагог-ходимлари, талабалар ҳамда илмий изланувчилар фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар: М.Х.Тўхтаўжаева, С.Аширбоев, Ж.Ҳасанбоев,
С.Нишонова, С.Мадиярова, А.қолдибекова,
М.Усмонбоева, Н.Нишонова

КИРИШ

Илм-фан, техника ишлаб чиқариш ҳамда технология соҳаларида эришилаётган ютуқлар узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасалари учун янги авлод дарсликларини яратишни тақозо этмоқда. Бу каби ўқув манбаларининг яратилишига қўйилаётган талаблардан энг муҳими – уларнинг мазмунида мавжуд илмий билимлар ўз ифодасини топибгина қолмай, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг моҳияти ҳам очиқ бериш саналади.

Педагогика олий ўқув юртлири учун мўлжалланган педагогика дарслиги амалдаги ўқув дастурида илгари сурилган талабларга мувофиқ яратилди. Дарсликнинг мақсади – педагогика фанининг назарий-методологик асосларини очиқ бериш, бўлажак педагоглардан томонидан уларнинг чуқур ўзлаштирилишига эришиш, талабаларда педагогик фаолиятни муваффақиятли ташкил эта олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Дарсликнинг таркибий тузилмасидан ўрин олган мавзулар ўз мазмуни ва йўналишига кўра “Педагогиканинг илмий асослари”, “Ягона педагогик жараён”, “Таълим тизимини ташкил этиш” ҳамда “Коррекцион (махсус) педагогика” каби бўлимлар ўрин олган. Бўлимларда ўз ифодасини топган мавзуларни очиқ беришда ғоялар ўртасидаги ўзаро изчиллик ва мантиқийликнинг таъминланишига алоҳида эътибор қаратилган. Мавзуларнинг баёнида мақсадга мувофиқ равишда Шарқ мутафаккирларининг қарашлари, халқ педагогикаси асосларидан фойдаланиш баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга хизмат қилади.

Дарсликни яратишда муаллифлар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” каби меъёрий ҳужжатларда илгари сурилаган фикрларга таяндилар. Педагогика фанининг умумий асослари мавжуд ижтимоий зарурият нуқтаи назардан баён этилган.

Дарслик М.Х.Тўхтаўжаева (1-, 4-, 11-, 13-, 14- ва 15-параграфлар), С.Нишонова (3-, 16-, 17- ва 18-параграфлар), Ж.Ҳасанбоев (8- ва 10-параграфлар), С.А.Мадьярова (5-, 6-, 7-, 9- ва 22-параграфлар), А.қолдибекова (10-, 20- ва 21-параграфлар), М.Усмонбоева (2-, 11-, 12-, 14-, 15- ва 19-параграфлар) ҳамда Н.Нишонова (4- ва 11-параграфлар) кабилардан иборат муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти. Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Тоталитар бошқарув усули асосида иш юритилаётган халқ таълими тизимида ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш вазифаси Республика ҳукумати ҳамда мутасадди ташкилотларни таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга ундади. Бу борадаги саъи-ҳаракатларнинг самараси сифатида 1992 йил июл ойида мустақил Ўзбекистоннинг илк «Таълим тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун мазмунида Республика таълими тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад, вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топди. Бироқ, 1997 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва унинг мазмунида илгари сурилган ғояларнинг амалиётга тадбиқи таҳлил этилганда бу борада муайян камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, таълим тизимида олиб борилаётган ислохот аксарият ўринларда чуқур илмий асосларга эга бўлмаганлиги маълум бўлди ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш зарурлиги белгиланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Ҳар қандай мамлакатнинг кучи унинг фуқароларининг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳиятга эгаллиги билан белгиланади.

Фуқароларнинг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳияти эса таълим тизимининг мазмуни, шахсининг ҳар томонлама шаклланиши учун хизмат қилувчи моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг мавжудлиги, жамиятда қарор топган ижтимоий соғлом муҳит даражаси, ижтимоий муносабатлар мазмуни, шунингдек, аҳолининг этнопсихологик хусусиятлари, ахлоқий қарашлари ва ҳаётий эътиқодлари асосида шакллантирилади.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг яратилишида мазкур жиҳатлар тўла ўрганилди. Миллий дастур асосини Ўзбекистоннинг тараққиётини таъминлай оладиган, уни жаҳоннинг илғор мамлакатлари даражасига кўтарилишига ҳисса қўшувчи дадил, мустақил фикрловчи, билимли, малакали мутахассис, шунингдек, ижобий сифатларга эга бўлган кадрларни тайёрлаб вояга етказиш жараёни ташкил этади.

Хўш, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қандай ҳужжат? Унинг мазмунида қандай ғоялар ифода этилган?

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар

асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир¹.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қараш ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборатдир².

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илгари сурилган мақсаднинг тўлақонли рўёбга чиқариш бир қатор вазифаларнинг ижобий ҳал қилинишини назарда тутди. Дастурда бу борадаги вазифаларнинг қуйидагилардан иборатлиги кўрсатилади:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув, илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошираётган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаштириш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятининг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини,

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим: меъёрий шужжатлар тыплами. – Тошкент: Шар= нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таъширияти. 2001. – 20-бет.

² Ыша манба, – 25-бет.

устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

- таълим, фан, ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳар бир босқичда муайян вазифаларнинг ҳал этилиши¹ назарда тутилади. Ушбу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий шарт-шароитларни яратиш.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) - Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш. Бу босқичда, шунингдек, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичда таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш вазифаларининг ҳам ҳал этилиши алоҳида урғу берилади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш. Бу босқичда, яна шунингдек,

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш;

- ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланиши;

- миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш;

- таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан

¹ Ыша манба, – 27-29-бетлар.


тўлиқ камраб олинишига эришиш каби вазифаларнинг ҳам ижобий ечими таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таркибий тузилмаси қуйидагича акс этади (1 - чизма).



Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари. Кадрлар тайёрлаш миллий модели фақат таълим-тарбия жараёнинигина қамраб олмай, ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини акс эттирувчи андоза, лойиҳа ҳисобланади (2-чизма):



2 - чизма. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосида кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг моҳияти ёритилади. Миллий моделнинг ўзига хос хусусияти мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этилиши билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларига ўтилишига замин яратади¹.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчидир.

Шахс узлуксиз таълим жараёнида дунёвий, илмий билимларни ўзлаштиради, фан асосларини пухта эгаллайди, ишлаб чиқариш соҳалари билан танишади, шунингдек, ўзида ижтимоий таъсирлар ёрдамида маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаб боради. Шахсда ўзлаштирилган билим, фаолият кўникмалари ва ҳаётий тажриба асосида касбий маҳорат ҳам шаклланиб боради. Юксак маънавий-ахлоқий сифатлар ва юқори даражадаги касбий малакага эга бўлиш учун шахс ўз олдига муайян мақсадни қўя олиши ҳамда унга эришиш йўлида тинимсиз изланиши, ўқиб-ўрганиши лозим. Шундагина у ижтимоий рақобатга чидамли, малакали кадр бўлиб шаклланади.

Ўз-ўзини англаш туйғусига эга бўлиш, таълим соҳасидаги хизматлардан тўлақонли, самарали фойдалана олиш, илмий ва касбий билимларни пухта ўзлаштиришга эришиш шахсга етук мутахассис бўла олиши учун пойдевор яратади. Инсон камолоти, энг аввало, унинг ўзига боғлиқдир. Шу боис миллий дастурда шахс ва унинг камолотини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

«Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлигидан ўтиш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва уз билими ҳамда тажрибасини ўргатишда иштирок этади»¹.

2. Давлат ва жамият таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилларидир.

Шахс камолоти нафақат ўзи учун, балки давлат ва жамият тараққиёти, равнақи учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, фуқаролари юксак маънавиятга эга жамият ҳар томонлама тараққий эта олади.

¹ Ыша манба, – 34-бет.

¹ Ыша манба, – 30-бет.

Шахс ва давлат (жамият) ўртасидаги алоқа икки томонлама хусусиятга эга. Шу боис ҳар қандай давлат (жамият) ўз фуқароларининг яшаши, меҳнат қилиши, иқтисодори ва салоҳиятини рўёбга чиқариши, уни намоён эта олиши учун етарли даражада шарт-шароит яратиб бера олиши лозим. Республика таълим тизимида давлат ва жамият шахсининг ҳар томонлама шаклланиши, ўзлигини намоён эта олиши учун етарли даражада шарт-шароит яратиб бериш масъулиятини ўз зиммасига олувчи субъект сифатида намоён бўлади.

Давлат ва жамият таълим муассасаларининг юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги фаолиятини ҳам уйғунлаштиради ҳамда қуйидагиларга кафолат беради:

- фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқларнинг рўёбга чиқарилишига;
- мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълимини олишга;
- давлат грантлари ёки пулли-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни олиш ҳуқуқига;
- давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга;
- таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифаларнинг ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;
- таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватлашга;
- соғлиқ ва ривожланишида нуқсонли бўлган шахсларнинг таълим олишига¹.

3. Узлуксиз таълим малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳа бўлиб, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахсининг шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрларнинг жадал тайёрланиши учун зарур шарт-шароитларни яратади².

Узлуксиз таълим жараёни шахсининг ҳар томонлама қарор топиши учун энг қулай давр саналади. Мазкур даврда шахс фан асослари ҳамда касб-хунар маълумотларини ўзлаштиради, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга шахс ва малакали кадр сифатида камол топиб боради. Унда муайян дунёқараш шаклланади.

¹ Ыша манба, – 30-31-бетлар.

² Ыша манба, –31-бет.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Узлуксиз таълимни ташкил этиш муайян тамойилларга асосланади. Жумладан:

- таълимнинг устуворлиги;
- таълимнинг демократлашуви;
- таълимнинг инсонпарварлашуви;
- таълимнинг ижтимоийлашуви;
- таълимнинг миллий йўналтирилганлиги;
- таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;
- иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш¹.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари ҳам аниқ кўратиб берилган. Мазкур йўналишлар сирасига қуйидагилар киради: кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш; педагогларнинг касбий нуфузини ошириш; давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг турларини ривожлантириш; таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш; таълим дастурларини тубдан ўзгартириш; мажбурий ўрта умумий таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш; янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш; янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан, бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; таълимнинг барча даража ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш; таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш; шахсга таълим бериш ва уни тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш; таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш; таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш; узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш; чет эл ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш; туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда уларнинг ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитларни яратиш; таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш².

Узлуксиз таълим қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;

¹ Ыша манба, –31-32-бетлар.

² Ыша манба, –32-33-бетлар.

- ўрта махсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилади. Бу каби таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этишда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги тармоғи шаклланиб бормоқда. Бу ўринда «Хонадон боғчаси» ҳамда «Болалар боғчаси – бошланғич мактаб» мажмуаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мактабгача таълим муассасаларида Ёлаларга тасвирий санъат, мусиқа, тил ва компьютер саводхонлигини ўргатувчи гуруҳлар ташкил этилмоқда. Бу каби ҳаракатлар мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашга хизмат қилади.

Умумий ўрта таълим тўққиз йиллик мажбурий характердаги умумий ҳамда уч йиллик мажбурий-ихтиёрий характердаги ўрта махсус, касб-хунар таълимидан иборат. Умумий ўрта таълим бошланғич таълимни ҳам қамраб олади. Мазкур босқичда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари, уларда билим олиш эҳтиёжининг юзага келиши, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларнинг ўзлаштиришлари, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатлар, меҳнат, ижодий фикрлаш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш, шунингдек, касб танлаш кўникмаларининг шаклланиши учун педагогик шарт-шароит яратилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат ўқувчиларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотиغا эгалликларини белгилайди.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш вазифаси мактаб жамоаси ва ота-оналар ҳамкорлигида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари раҳбарлигида амалга оширилади.

Ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури саналиб, умумий ўрта таълим негизида ташкил этилади. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг икки муҳим йўналиши бўлган – академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олиш ўқувчилар томонидан ихтиёрий равишда танланади.

Академик лицей ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишларини таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасасидир.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) бўйича билим савияларини ошириш ҳамда ўзларида фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Академик лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади. Касб-хунар коллежлари эса ўқувчиларнинг муайян касб-хунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танланган йўналишлар бўйича бир ёки бир неча замонавий касб сирларини эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасасидир.

Касб-хунар коллежлари янги типдаги таълим муассасалари бўлиб, уларнинг жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг пухта танланганлиги, шунингдек, ўқув жараёнининг замонавий техника ва технологиялар ёрдамида ташкил этилиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Ушбу дипломлар асосида битирувчилар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Олий таълим ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланиб, икки босқич (бакалаврият ҳамда магистратура)да ташкил этилиб, мутахассисликлар йўналишлари бўйича халқ хўжалигининг турли соҳаларига олий маълумотли мутахассисларни тайёрлайди. Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалаврият - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим.

Бакалавр даражасига эга бўлган шахс олий таълим тизими йўналишидаги ўзи танлаган соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис ҳисобланади ва давлат классификаторида белгиланган лавозимда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муаддати камида икки йил давом этадиган олий таълим бўлиб, магистратурадаги таҳсил якуний классификацион давлат аттестациясига мувофиқ олиб борилади.

Магистр бакалавр даражасидаги мутахассисдан фарқли маълум ихтисослик бўйича таълим олган юқори малакали мутахассис ҳисобланиб, у илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият кўрсатади. У аспирантурага кириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги турдаги олий таълим муассасалари фаолият кўрсатади:



Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шахснинг ижодий таълим – касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилиб, олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасаларида аспирантура, адъюнктура ва докторантурада таълим олиш, шунингдек, мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш асосида амалга оширилади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим номзодлик ёки докторлик диссертацияларининг ҳимояси билан қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан олиб борилган якуний давлат аттестацияси натижалари тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси ҳамда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломга эга бўлиш ҳуқуқини беради.

Ҳар икки (аспирантура, докторантура) даражада ҳам мақсад муайян мутахассисликлар бўйича олий тоифали илмий-педагогик кадрларни шакллантиришдан иборат.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнида асосий эътибор мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилади. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ана шу йўналишда фаолият юритувчи таълим муассасаларида амалга оширилади. Бу муассаса тингловчилари ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификатга эга бўладилар.

шахсий фаоллигини рағбатлантиради, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда бевосита иштирок этади»².

Авваллари ишлаб чиқариш тайёр кадрлар кучи ва салоҳиятидан фойдаланувчи истеъмолчи сифатидагина фаолият олиб борган бўлса, бугунги кунда ушбу фаолиятнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Эндиликда ишлаб чиқариш кадрларни тайёрлаш сифати ва савиясига нисбатан ўз талабларини қўя олади. Шу билан бирга сифатли ҳамда юксак савияли мутахассисни тайёрлаб етиштириш йўлида узлуксиз таълим ҳамда фан тармоқларининг молиявий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шу асосида кадрлар тайёрлаш тизимининг фаол иштирокчисига айланди.

Миллий модел Концепциясининг мазмуни ўзбек халқининг миллий турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий анъаналари билан ҳамнафасдир. Зеро, халқ орасида қадимдан «маърифатли инсон» тушунчаси қўлланилиб келинган бўлиб, у ўзида кенг маънони ифода этади. Билим олишга интилиш, маърифатли бўлиш ўзбек халқи, миллатининг руҳиятида устувор ўрин тутувчи омил саналади. Маърифатлилик – фақатгина билим ва малакага эга бўлиш эмас, айтилиши вақтда чуқур маънавий ахлоқ ҳамдир. Билимли, комил инсон қиёфасида ана шундай хислатларга эга шахслар намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлаш миллий моделининг бутун моҳияти ўзбек халқининг миллий тарихи ва ҳаёт тарзи билан боғланиб кетган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида ўзига хос, такрорланмас, тарихий анъаналарга асосланган ҳамда бугунги кун талабларига тўла жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди.

Педагоглик касби, унинг пайдо бўлиши ва раванқ топиши. Педагоглик касбининг шаклланиши кишилик тараққиёти тарихи билан узвий боғлиқ. Териб-термачлаб кун кечирган ибтидоий давр кишилари болаларни ўзлари билан эргаштириб юриб, уларга ов қилиш, турли дарахт меваларини териш, ўсимликларнинг илдизи қовлаб олиш, сув манбаларини излаб топиш каби ҳаракатларни амалга оширишни ўргатганлар. Бундай ҳаракатлар қабила (уруғ)нинг тажрибали кишилари ёки кексалар томонидан амалга оширилган. Оддий кундалик эҳтиёжларни қондириш йўлида олиб борилаётган хатти-ҳаракатлар асосида ёшларга мавжуд тажрибалар асосида маълумотларни бериб, уларда амалий кўникмаларни шакллантирганлар. Турли товушларни чиқариш ёрдамида атрофдагиларни яқинлашаётган хавфдан огоҳ қилишни болалар катталарнинг намуналари асосида ўзлаштирганлар. Нутқ ва ёзув пайдо бўлгунга қадар бу каби ҳаракатлар имо-ишоралар асосида амалга оширилган. Кишилик тарихида туб инқилобни содир этган нутқ ва ёзувнинг пайдо бўлиши, шунингдек, уруғ жамоаси томонидан бажариладиган меҳнат

² Баркамол авлод орзуси //Тузувчилар Ш.+урбонов, Ш.Саидов, Р.Ашқиддинов. – Тошкент: Шар= наشريёт-матбаа концерни Бош тащририяти, 1999. – 173-174-бетлар.

фаолиятининг турли соҳаларга ажралиши ёшларга нисбатан муносабатнинг илғор (прогрессив) характер касб этишига имкон берди.

Турли табиий офатлар таъсиридан ҳимояланиш, кишилар ҳаётига хавф солаётган касалликларни даволаш, ҳаёт кечириш учун етарли озиқ-овқатларни жамлаб олишга бўлган табиий эҳтиёж ёшларга ҳаётий тажрибаларни маълум меҳнат фаолияти йўналишида етарлича билимга эга бўлган кишилар томонидан берилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Натижада болаларга ҳаёт тажрибаларини ўргатувчи кишилар гуруҳи шаклланди ҳамда болаларга маълум йўналишлар бўйича билимларни бериш махсус ажратилган жойларда ташкил этила бошланди.

Дастлабки мактаблар қадимги Шарқда (Вавилон, Миср, Ҳиндистонда пайдо бўлиб, уларда болаларга маъмурий-хўжалик бошқаруви асослари ўргатилган.

Антик даврда мактаблар Спарта, Афина ва Рим тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида фаолият олиб борганлар.

қадимги Юнонистонда бундай жойлар академия деб номланган. «Академия» сўзи афсонавий қаҳрамон Академа номидан келиб чиққан. Эрамиздан аввалги ИВ асрда Афина яқинидаги Академа номи билан номланувчи жойда Платон ўз шогирдларига маърузалар ўқиган бўлиб, кейинчалик таълим ташкил этилувчи маскан ҳам шундай ном билан атала бошлаган. қадимги Рим ва Юнонистонда болаларга билим бериш файласуфлар зиммасига юклатилган.

Жамиятнинг табақаланиши натижасида кудорлик тузумида болаларни таълим масканларига олиб бориш ва олиб келиш вазифасини қуллар бажаришган ва улар «педагог» деб номланганлар. Ушбу тушунчанинг маъноси «бола етакловчи» демакдир.

Тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида болаларга тизимли билимларни бериш билан доимий шуғулланувчи кишилар айнан шу ном билан атала бошлаганлар.

Феодализм даврида аксарият мактаблар масжид (мусулмон мамлакатларида) ёки ибодатхоналар (Ҳиндистон) қошида ташкил этилган. Бундай мактабларда ёшларга диний билимлар билан бирга дунёвий билимлар ҳам ўргатилган.

Ўрта асрлар даврида Шарқда академия кўринишидаги таълим муассасалари ҳам фаолият юритган бўлиб, улар «Донишмандлар уйи» (IX аср, Бағдод), «Маъмун академияси» (XI ар бошлари, Хоразм), обсерваториялар қошидаги жамиятлар (XV аср, Самарқанд) тарзида номланган. Академияларга турли фан йўналишлари бўйича кучли билимга эга бўлган комусий олимлар жалб этилган бўлиб, улар томонидан математика, геодезия, минералогия, медицина, астрономия каби йўналишларда кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган.

Ўрта асрлар ҳамда капитал ишлаб чиқаришига асосланган жамиятларда академия (Шарқда мадраса)лар кўринишидаги мактабларда маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, турли соҳалар бўйича мукамал билимга эга педагогларнинг фаолият юритишларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Чунончи, Муҳаммад Тарағай Улуғбек томонидан барпо этилган мадрасаларда ўз даврининг таниқли олимлари – Али қушчи, Тафтазоний, қозизода Румий, Мавлоно Муҳаммад, ғиёсиддин Жамшид Коший, Муиниддин Коший ҳамда Мансур Кошийлар талабаларга таълим берганлар.

ХИХ аср охири ҳамда ХХ аср бошларида юзага келган жадиализм ҳаракатининг асосчилари, таниқли маърифатпарварлар – Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Абдуқодир Шакурий, Исматулла Раҳматуллаев, Абдурауф Фитрат, Исоҳхон Ибрат ва бошқалар аҳоли орасида нафақат мураббий, балки маънавий етук инсон сифатида ҳам ном қозондилар.

Шарқ мутафаккирлари ва ғарб педагоглари жамиятда педагоглик касбининг тутган ўрни ҳақида. Жамият томонидан ўқитувчи шахсига қўйилаётган талаблар ўз даврида Шарқ мутафаккирлари ҳамда ғарб маърифатпарварларининг асарларида ўз аксини топган.

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий ҳамда Абу Райҳон Берунийлар ўқитувчининг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлишларига алоҳида аҳамият қаратадилар. Уларнинг фикрларича, яхши ўқитувчи бошқалардан бир жиҳати билан фарқ қилади, яъни, у ўзи эга бўлган билимларни ёшларга беминнат ўргатади, ҳар бир ишда уларга намуна бўла олади.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида ўқитувчи болаларга таълим беришдек масъулиятли бурчни бажариши зарурлигини уқтирар экан, уларга фаолиятда мувафақиятга эришиш гарови бўлган куйидаги тавсияларни беради:

- 1) болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- 2) берилаётган билимнинг талабалар томонидан ўзлаштирилишига эътиборни қаратиш;
- 3) таълимда турли шакл ва методлардан фойдаланиш;
- 4) талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
- 5) фанга қизиқтира олиши;
- 6) берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;
- 7) билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- 8) ҳар бир сўзнинг боалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш¹.

Алишер Навоий ўз даврининг айрим мактабдорлари эга бўлган сифатлар, хусусан, қаттиққўллик, таъмағирлик ва жоҳилликларни қоралар экан, ўқитувчининг маънавий қиёфасига нисбатан жиддий талабларни қўяди. Хусусан, «мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва

¹ Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия шаънида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1967. – 75-бет.

олғирлик учун гап-сўз ва қавқо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса. ... Ярамасликлардан кўрқса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни мумкин, балки ҳалол қилса, қилмас ишларни қилмоқ учун содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир»².

Айни ўринда ўқитувчи меҳнатининг машаққатли эканлигини таъкидлаб ўтади: «Унинг иши одам кўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қиларди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади, кўрким бунга нима етсин.

Шуниси ҳам борки, у тўдада фаҳм-фаросати озлар бўлади, ундай кишига юзларча машаққат келса қандай бўлади. Ҳар қандай бўлса ҳам, ёш болаларга унинг ҳаққи кўпдир. Агар шогирд подшоҳликка эришса ҳам унга (муаллимга) куллуқ қилса арзийди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила»¹.

Машҳур педагог Абдулла Авлоний ҳам ўз асарларида ўқитувчи шахси ва унинг фаолияти борасидаги қарашларни ифодалашга алоҳида ўрин беради. Алломанинг қайд этишича, боланинг соғлом бўлиб ўсишида ота-оналар ўзига хос рол ўйнасалар, унинг фикрий жихатдан тараққий этишида ўқитувчининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлайди. Хусусан, болаларнинг ақлий қобилиятларини шакллантириш муаллимларнинг «диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифа» эканлигини таъкидлаб, «фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур»², - дейди.

Ян Амос Коменский ўз даврида ўқитувчининг бола дунёқарашини ривожлантиришдаги ролига катта баҳо бериб, ўқитувчилик «ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ турадиган жуда фахрли касб» эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, педагог ўз бурчларини чуқур англай олиши ҳамда ўз кадр-қимматини тўла баҳолай билиши зарур. Я.А.Коменский ўқитувчи образини тасвирлар экан, унинг шахсида қуйидаги фазилатларнинг намоён бўлиши мақсадга мувофиқлигига урғу беради: виждонли, ишчан, саботли, ахлоқли, ўз ишини севувчи, ўқувчиларга оталаридек муомала қилувчи, уларда билимга ҳавас уйғотувчи, ўқувчиларни ўз ортида эргаштирувчи ва диний эътиқод.

К.Д.Ушинский ўқитувчи маънавияти ва касбий фаолиятига юқори баҳо беради ҳамда уларнинг касбий малакаларини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги фикрни

² Навоий, Алишер. Мащбуб ул-улуб. Асарлар. Ён беш томлик. 13 том. – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. –189-190-бетлар.

¹ Навоий, Алишер. Мащбуб ул-улуб. Асарлар. Ён беш томлик. 13 том. – Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. 192-193-бетлар.

² Щошимов К. ва бош=алар. Педагогика тарихи //Педагогика олий ы=ув юртлари ва дорилфунунлар талабалари учун =ылл. - Тошкент, Ё=итувчи, 1996, - 301-бет.

илгари суради. Мазкур ғоянинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқловчи тизим – ўқитувчиларни тайёрловчи тизимни илк бор асослайди.

Ўқитувчининг асосий вазифалари ва унинг шахсига қўйиладиган талаблар. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга тадбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий киёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандир. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий киёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўймоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этади: «Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»¹.

Юқорида қайд этилган фикрлардан бугунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни англанилади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

Ўқитувчи (педагог) педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси 3-бандига мувофиқ таълим муассасаларида судланган шахсларнинг педагогик фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

Бизнинг назаримизда, замонавий ўқитувчи-бакалавр киёфасида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак (сўз юритилаётган сифатлар моҳиятан ўқитувчи-бакалавр томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифа, бурч ва масъулиятларини ифодалайди):

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бера олиши лозим.

2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

¹ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг шу=у=уйи кафолати. – Тошкент, Шар= нашриёт-матбаа концерни Бош таъширияти, 1993, 27-28-бет.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникативлик лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) қоидалари чуқур ўзлаштириб олишга эришишлари лозим.

8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи куйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак:

а) нутқнинг тўғрилиги;

б) нутқнинг аниқлиги;

в) нутқнинг ифодавийлиги;

г) нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўзларидан ҳоли бўлиб, фақат абадий тилда ифода этилиши); жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар); варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши); вульгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда концеляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) сўзлардан ҳоли бўлиши, ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак;

д) нутқнинг равонлиги;

ж) нутқнинг бойлиги (ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли ва самарали фойдалана олиш).

9. Ўқитувчи кийиниш маданияти (содда, озода, бежириим кийиниши), таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда тузилиши, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишни ўзлаштиришга эришиши.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларнинг таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятларни баратараф этишининг уддасидан чиқа олиши зарур. Ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоҳот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқ. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, ўқувчи (ёки ҳамкасби, ота-оналар)нинг муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч

билдириши у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчи шахсининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Педагогик маҳоратни эгаллаш йўллари. Ўқитувчи баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида иштирок этар экан, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратини намоён эта олиши, етук педагог сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

Педагогик маҳорат – юксак педагогик тафаккур, таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллай олиш қобилияти бўлиб, у доимий равишда педагогик билимларни ошириб бориш, янгиликлардан хабардор бўлиш, илғор технологияларни ўзлаштириш асосида таркиб топади. Ёш, шунингдек, таълим муассасасида бир неча йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратга эга бўлишлари ўзини касбий жиҳатдан такомиллаштириш йўлида бир қатор шартларга амал қилиши ҳисобига таъминланади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Мустақил ўқиб-ўрганиш (педагогика фанида рўй бераётган янгиликлар ҳақида маълумотларни берувчи янги адабиётлар, Интернет материаллари, вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилаётган маълумотлар, шунингдек, илғор технологиялар билан танишиб бориш, уларда илгари сурилаётган ғояларни умумлаштириш, хулосалаш асосида мустақил лойиҳаларни тайёрлаш).

2. Ҳамкасб тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш (таълим муассасасидан четга чиқмаган ҳолда ташкил этилиб, вақт, шунингдек, иқтисодий нуқтаи назардан самарали саналади. Тажрибали ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш улар томонидан ташкил этилаётган машғулотларни кузатиш, таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бу борада олинган таассуротларни умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир).

3. Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курс (институт)ларида касбий малакаларини ошириш.

4. Доимий равишда илмий анжуманлар (назарий ва амалий конференция ҳамда семинарлар, педагогик ўқиш ҳамда тренинглар)да фаол иштирок этиш.

5. Республика ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш (стажировка).

Айни вақтда республикада «Устоз» жамғармасининг ҳомийлигида таълим муассасаларининг ўқитувчилар ривожланган хорижий мамлакатларда бўлиб, уларнинг таълим тизими ва иш тажрибаларни ўрганмоқдалар.

Педагогик маҳоратни эгаллашда гуруҳли ва оммавий тадбирларда иштирок этиш ижобий натижалар беради. Бинобарин, бундай муҳитда ўзаро фикр алмашиш, шахсий мулоҳазаларни бошқалар томонидан билдирилаётган карашлар билан таққослаб, уларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш, мавжуд билимларни янада бойитиш, хато ёки камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни баратараф этиш йўллари топиш имконияти мавжуд.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш гарови бўлибгина қолмай, айни вақтда ўқитувчининг жамоадаги обрў-эътиборини ҳам оширади, ўқувчиларга унга нисбатан ҳурмат юзага келади.

Касбий маҳоратни ошириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш педагогик фаолиятда йўл қўйилган ёки қўйилаётган хатолардан ҳоли бўлиш, ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар билан муносабатда муваффақиятларга эришиш имкониятини яратади.

Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги карашларни ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган шахс таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Уларнинг педагогик маданиятлари негизини болани тушуна олиш, унга инсбатан инсонпарвар муносабатда бўлиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, педагогик фаолиятнинг ҳақлиги, жамият таракқиёти ҳамда педагогик жараёнда ўқувчилар онгига сингдирилаётган эзгу ғояларнинг ҳаёт мавжудлигини таъминлашда қудратли омил (восита) эканлигига ишонч кабилар ташкил этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида малакали (маҳоратли) ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳоратли ўқитувчиларни аниқлаш мақсадида турли кўрик, танловлар ташкил этилмоқда. Хусусан, «Йил ўқитувчиси» Республика кўрик-танлови таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларга педагогик маҳоратларини индивидуал равишда намоиш этиш имкониятини бераётган бўлса, «Йил мактаби» Республика кўрик-танлови ўқитувчиларга жамоа асосида таълим муассасасида қўлга киритилаётган ютуқларни оммага кўрсата олишлари учун шароит яратмоқда.

Шунингдек, республика миқёсида педагогик фаолиятда улкан ютуқларни қўлга кирита олган ўқитувчилар таълим соҳасида нуфузли

саналувчи давлат мукофоти – Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси кўкрак нишонига сазовор бўлмоқдалар.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон республикасида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳалар мазмунини ўзида акс эттирган муҳим юридик ҳужжат бўлиб, истиқбол учун йўлланмадир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-худудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – комил инсон ва етук мутахассис қиёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунадир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларининг амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ҳаёти учун муҳим саналган бир қатор ҳолатларнинг қарор топишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалга ошириш жараёнида ўқитувчи кадрлар муҳим рол ўйнайдилар. Комил инсон ва етук малакали мутахассис¹ махсус ташкил этилган педагогик фаолият жараёнида тарбияланар экан, ушбу жараёнда ўқитувчиларнинг ўрни беқиёсдир. Шу боис уларнинг шахсида бир қатор ижобий маънавий-ахлоқий сифатлар намоён бўла олиши мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун саволлар:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг бош ғояси нимадан иборат?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий модели нима?
3. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари нималардан иборат?
4. Узлуксиз таълим тизимининг моҳиятини ёритиб беринг.
5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим мазмунини изоҳлаб беринг.
6. Педагоглик касбининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
7. Ўқитувчи қандай сифатларга эга бўлиши зарур?
8. Сизнинг назарингизда бугунги кун ўқитувчисига қандай педагогик талаблар қўйилмоқда?

Тест топшириқлари:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

¹ Баркамол авлод орзуси //Ўқувчилар Ш.+урбонов, Ш.Саидов, Р.Ашқлиддинов. – Тошкент: Шар= нашриёт-матбаа концерни Бош таъширияти, 1999. – 143-бет.

а) узлуксиз таълим тизимини яратиш асосида жаҳон таълими даражасига эришиш;

в) таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни юзага келтириш;

с) таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш;

д) шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги асосида таълим тизимини юқори босқичга кўтариш;

е) миллий педагогика ва жаҳон таълими тажрибасига таянган ҳолда малакали мутахассис, илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашда сифат даражасига эришиш.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) таълим муассасаси, педагоглар жамоаси, Педагогик Кенгаш, Халқ таълими Вазирлиги, Давлат тест Маркази;

в) шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш;

с) халқаро донор ташкилотлар, олий ўқув юртлари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари;

д) «Устоз» жамғармаси, педагогик ходимлар жамияти, доимий ҳаракатдаги семинарлар, методик бирлашмалар, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги;

е) педагог ходимлар ассоциацияси, Халқ таълими Вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги., Методик Кенгашлар, халқаро донор ташкилотлари.

3. «Кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилаш, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш» вазифаси кадрлар тайёрлаш миллий моделининг қайси таркибий қисми томонидан амалга оширилади?

а) шахс;

в) давлат ва жамият;

с) узлуксиз таълим;

д) фан;

е) ишлаб чиқариш.

4. Мактабдан ташқари таълим функцияси тўғри белгиланган жавоб вариантини топинг:

а) тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини бериш;

в) маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш;

с) мутахассисликлар йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий билимларни бериш;

д) боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлаш, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш, уни мунтазам билим олишга тайёрлаш;

е) барча жавоблар тўғри.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Тошкент, Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Баркамол авлод орзуси ғузувчилар: Ш.қурбонов, Р.Ахлитдинов, Ҳ.Саидов. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1999.
4. Педагогика ғўқув қўлланма. А.Мунавваров таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
5. Олий таълим: меъерий ҳужжатлар тўплами.- Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001. – 18-52-бетлар.
6. Очилов М., Очилова М. Ўқитувчи одоби. – Тошкент, Ўқитувчи, 1998.

И БЎЛИМ. ПЕДАГОГИКАНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

ПЕДАГОГИКА ФАН СИФАТИДА. УНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.
ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Педагогика предмети. Педагогика (юнонча паидагогике бўлиб, паидагогос «бола» ва «етаклайман») ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан. Педагогика ижтимоий фанлар тизимида кирувчи фан саналиб, ёш авлод ҳамда катталарни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

Педагогика фани шахсни ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳати – уни ўқитиш ва тарбиялашга асосий эътиборни ҳаратганлиги боис дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Дидактика ((таълим назарияси, юнонча дидактикос «ўргатувчи», дидаско «ўрганувчи») таълимнинг назарий жиҳатлари, таълим жараёнининг

моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқитувчи фаолиятлари, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммоларни тадқиқ этади.

Таълим ўз моҳиятига кўра умумий ва махсус каби турларга ажратилади. Умумий таълим ҳар бир шахснинг камол топиши ҳамда у томонидан ҳаётий фаолиятни ташкил эта олиши учун зарур бўлган маълумотларни беришга йўналтирилади. Умумий таълим асосида ўзлаштирилган маълумотлар келгусида шахснинг касбий тайёргарлигини таъминлашга имкон берувчи махсус таълим олиши учун асос бўлади. Махсус таълим – ўзида мутахассислик хусусиятларини намоён қилиб, шахсга муайян касбий фаолиятни ташкил этиш борасида назарий билимларни бериш асосида амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим, шунингдек, турли даражадаги таълим дастурларини амалга оширишига кўра мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълим каби турларга бўлинади.

Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганеди.

Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир.

Ижтимоий тарбия ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик ва жинсий тарбия каби йўналишларда ташкил этилади.

Ижтимоий тарбия ва унинг босқичлари. Инсониятнинг яшаш учун курашиш ва турли табиий офатлардан ҳимояланиш йўлида олиб борган ҳаракатлари тарбия ғояларининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган.

Ибтидоий жамоа тузумида одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаёт кечириши сабабли болаларга тирикчилик ўтказиш йўлидаги фаолият (ўсимлик мевалари, илдизларини териш, ҳайвонларни овлаш)ни ташкил этиш борасидаги тажрибаларни ўргатиш гуруҳ аъзолари томонидан бирдек амалга оширилган. Билимлар, аксарият ҳолларда, меҳнат ва ўйин жараёнларида ўзлаштирилган. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш жинсий характерга эга бўлганлиги боис ўғил ва қиз болаларни тарбиялашда ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланган.

Оила, хусусий мулк ва давлатнинг пайдо бўлиши ижтимоий тарбия мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг содир этилиши, қулдорларнинг пайдо бўлиши олиб келди. Айнан мана шу даврдан тарбия жамиятнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжлари асосида йўлга қўйила бошлади. Эркин фухароларни тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни ва воситалари борасидаги фикрлар Демократик, Платон ва Аристотелларнинг асарларида муҳим ўрин эгаллаган. Мутафаккирларнинг асарларида ушбу фикрлар мустақил педагогик назария сифатида эмас, балки фалсафий ҳарашлар ёки жамиятни ташкил этиш

лойихасининг муҳим компоненти тарзида баён этилган. Ушбу даврда табиий-ижтимоий фанлар тизими шаклланиши учун бошланғич асослар қўйилди.

қулдорлик тузумида эркин бўлмаган кишилар (қуллар)нинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланганлиги боис тарбия тизими фақатгина қулдорлар, уларнинг фарзандлари учун хизмат қилган.

қулдорлик тузуми ўрнида шаклланган феодал тузумда педагогик ғоялар феодаллар манфаатини ифода эта бошлади. Мазкур давр педагогик жараёни ташкил этишда диний ғоялар етакчи ўрин эгаллаши билан тавсифланади. Ижтимоий ҳаётда диний муассасалар (ғарбда черков, Шарқда эса мачитлар)нинг роли оша бориб, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари асосан шу масканларда ташкил этилди. Гарчи дунёвий ғояларни илгари суриш, илмий назарияларни яратиш ва тарғиб этишнинг дин пешволари томонидан қораланиши каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланган бўлса-да, аммо савдо-иқтисодий алоқалар кўламининг кенгайиши, табиий офатларга ҳарши кескин чора кўриш эҳтиёжи илмий билимларнинг ривожлантириш ҳаётий зарурият эканлигини исботлади. Инсоният тарихидан мустаҳкам ўрин олган Шарқ Уйғониши деб ном олган тарихий жараён айнан феодал тузуми – ўрта асрлар даврида содир бўлди. Шарқда буюк алломалар - Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райқон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, ғарбда эса Т.Мор, Т.Кампанелла, Э.Роттердамский, Ф.Рагле, М.Монтень ва бошқалар томонидан ҳар томонлама ривожланган, руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, антик дунё ва буржазия даври ютуқлари асосида илмий билимларни ўзлаштира олган шахсни тарбиялаш ғояси илгари сурилди ва пухта асослаб берилди.

Савдо, ҳунармандчилик ва мануфактура негизида ривожланиб бораётган ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш йўлидаги амалий ҳаракатлар бу борадаги муваффақият мураккаб техникани бошқара оладиган шахсни шакллантириш эвазига ҳал этилиши тасдиқлади. Мазкур даврда илғор, прогрессив педагогик ғоялар илгари сурилди. Аксарият ғоялар мазмунида билим олишга нисбатан ижтимоий тенгликни ҳарор топтириш борасидаги ҳараш ўз ифодасини топди.

Айнан шу даврда педагогика фани асослари муайян тизимга солинди ва илмий жиҳатдан асосланди. Бу ўринда педагогика фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган мутафаккирлар: ғарбда - Я.А.Коменский, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Ф.Гербарт, В.В.Дистервег, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинский, Шарқда И.Ибрат, С.Сиддиқий, А.Шакурий, С.Айний, А.Авлоний, А.Фитрат, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, М.Абдурашидов, М.Бехбудийлар шахсга таълим бериш ва уни тарбиялаш борасидаги ҳарашларни янда бойитдилар ҳамда таълим тизимига илм-фан, техника янгиликларини тадбиқ этиш, ўқитишни янги тизим (изчил, узлуксиз, асосланган) асосида ташкил этиш каби ғояларни илгари сурдилар.

Собиқ Шўро даврида педагогика фани мазмунан илм-фан, техника ва технология ютуқлари асосида бойиди, таълим муассасалари тизими шакллантирилди, шунингдек, ҳар томонлама (гармоник) ривожланган шахсни шакллантириш назарияси асосланди. Бироқ, мазкур назария

ғояларини амалиётга тадбиқ этишнинг пухта асосланган механизми яратилмади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритгач, ривожланиш ва тараққиёт йўли демократик, инсонпарвар ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишдан иборатлиги эътироф этилиб, «таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш»¹ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири дея белгиланди. Асосий эътибор юксак маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи, юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилди.

Республикада таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мазмун ҳамда йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Демак, мавжуд шароитда педагогика фани баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат истиқболлари, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини ўрганади.

Педагогика фанининг вазифалари. Педагогика фани шахсни шакллантиришдек ижтимоий буюртмани бажариш асосида жамият тараққиётини таъминлашга алоҳида ҳисса қўшади. Педагогика фани мақсади ва вазифаларининг белгиланишида ижтимоий муносабатлар мазмуни, давлат ва жамият қурилиши, унинг ҳаётида етакчи ўрин тутувчи ғоялар моҳиятини муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шароитида мазкур фан юксак маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, миллий истиқлол ғояси асосида таълим ва тарбия назариясини ижодий ривожлантириш вазифасини ҳал этади. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қаратилади:

1. Маънавий ва ахлоқий талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараённинг моҳиятини ўрганиш.

2. Шахсни ҳар томонлама камол топтириш қонуниятларини аниқлаш.

3. Ижтимоий тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизими тажрибасини ўрганиш асосида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш.

4. Таълим муассасалари ҳамда уларда фаолият олиб бораётган педагоглар фаолияти мазмунини асослаш.

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим: меъёрий шужжатлар тыплами. – Тошкент: Шар= нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош ташририяти, 2001. –25-бет.

5. Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш.

6. Педагогларни педагогика назариясига оид билимлар ҳамда таълим-тарбия усуллари билан қуроллантириш.

7. Таълим-тарбия бирлиги ҳамда ижтимоий тарбия йўналишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиш.

8. Ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёнининг самарали технологияларини яратиш.

9. Оила тарбиясини муваффақиятли ташкил этиш юзасидан ота-оналар учун илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Педагогика фанининг асосий категориялари. Бизга яхши маълумки, ҳар бир фан ўзининг таянч тушунчалари, қонуниятлари, тамойиллари, қоидалари тизимига эга. Айнан мана шу ҳолат унинг фан сифатида эътироф этилишини қафолатлайди. Фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча категория деб аталади. Педагогика фанининг асосий категориялари шахс камолотини таъминлаш, таълим ва тарбия самарадорлигига эришишга ҳаратилган жараёнларнинг умумий моҳиятини ёритади. Энг муҳим категориялар сирасига қуйидагилар киради: шахс, тарбия, таълим (ўқитиш, ўқиш), билим, кўникма, малака, маълумот, ривожланиш.

Шахс – психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян ҳулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.

Тарбия - муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, ҳулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Таълим –ўқувчиларни назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган жараён.

Билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Кўникма – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

Малака –муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси. Ижтимоий тарбия моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш маълум педагогик ҳодисанинг муайян вазиятларда намоён бўлиш қонуниятларини билишни тақозо этади. Бизга маълумки, педагогик ҳодиса мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун бир қатор фанларнинг имкониятларига таянилади. Ана шу нуқати назардан педагогика фани билан қуйидаги фанлар ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд:

1. Фалсафа – шахс ривожланиши жараёнининг диалектик хусусиятлари, муайян педагогик ғоя, қараш ҳамда таълимотларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларни таҳлил этишга имкон беради.

2. Иқтисод – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, ўқув биноларини қуриш, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника ва замонавий технологиялар билан жиҳозлаш каби масалаларнинг иқтисодий жиҳатларини англашга хизмат қилади.

3. Социология – ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларни ташкил этиш шартлари хусусида маълумотларга эга бўлиш асосида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш учун имконият яратади.

4. Этика- шахс маънавиятини шакллантириш, унда энг олий инсоний сифатлар, ахлоқий онг ва маънавий-ахлоқий маданиятни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи назарий ғояларни педагогик жараёнга татбиқ этишда алоҳида ўрин тутаяди.

5. Эстетика – шахс томонидан гўзалликнинг ҳис этилиши, унга интилиши, шунингдек, унда эстетик дидни тарбиялашда муҳим йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

6. Физиология- ўқув-тарбия жараёнида болаларнинг физиологик, анатомик хусусиятларини инобатга олиниши учун бошланғич асосларни беради.

7. Гигиена – ўқувчиларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларнинг жинсий жиҳатдан тўғри шакллантиришда назарий ва амалий ғоялари билан ёрдам беради.

8. Психология – шахсда маънавий-ахлоқий, руҳий-интеллектуал, ҳиссий-иродавий сифатларни таркиб топтириш учун замин яратади.

9. Тарих – педагогика фани тараққиёти, таълим-тарбия жараёнларининг динамик, диалектик хусусиятларини инобатга олиш, шунингдек, халқ педагогикаси ғояларини келгуси авлодга узатиш учун йўналтирилади.

10. Маданиятшунослик – ўқувчиларда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият асослари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, уларда маданий хулқ-атвор хислатларини таркиб топтириш учун хизмат қилади.

11. Тиббий фанлар – шахснинг физиологик-анатомик жиҳатидан тўғри ривожланишини таъминлаш, унинг организмида намоён бўлаётган айрим нуқсонларни бартараф этишга амалий ёндашув, шунингдек, нуқсонли болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш муаммоларини ўрганишда кўмаклашади.

Педагогика фанлари тизими. Шахс камолотини таъминлаш, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда жисмоний жиҳатдан ривожланишига эришишда турли ёш давлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, боланинг физиологик, психологик ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис яхлит педагогик жараён муайян туркумни ташкил этувчи педагогик фанлар томонидан ўрганилади. Улар қуйидагилардир:

1. Умумий педагогика – мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларини ўрганади.

2. Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

3. Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синфлар ўқувчиларини тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг ўзига хос психологик ҳамда физиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

4. Коррекцион (махсус) педагогика – ривожланишида турли психологик ва физиологик нуқсонлари бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганади.

Ўз навбатида коррекцион педагогика таркибига махсус педагогика ва психологиянинг турли соҳалари киради. Улар қуйидагилардир:

Сурдопедагогика ва сурдопсихология – эшитиш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Олигофренопедагогика ва олигофренопсихология – ақли заиф болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Тифлопедагогика ва тифлопсихология – кўриш қобилияти бузилган болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

Логопедия ва нутқий бузилишлар психологияси – нутқи, шунингдек, моторли-ҳаракатланиш доирасида мураккаб нуқсонлар бўлган болалар (кўр, соқов ва кар болалар)ни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ўрганади.

5. Методика – хусусий фанларни ўқитиш хусусиятларини ўрганади.

6. Педагогика тарихи – таълим ва тарбиянинг юзага келиши, тараққий этиши, муайян тарихий даврларда етакчи ўрин эгаллаган педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади.

7. Педагогик технология – таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

8. Педагогик маҳорат – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

9. Таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш масалаларини ўрганади.

10. Ижтимоий педагогика – ижтимоий муносабатлар жараёнида педагогик ғояларнинг тутган ўрни ва роли, шахсни касбий ва ижтимоий фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари. Педагогика фани ривожини муайян педагогик муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларининг ғояси, мазмуни ҳамда натижалари ҳисобига таъминланади. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнининг кескин ривожланиши шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини берувчи омил ҳамда педагогик шарт-шароитларни аниқлаш, жамият ва шахс маънавиятига зиён етказувчи ҳолатларни бартараф этишни тақозо қилади. Тарбия жараёнларининг моҳиятини англаш уларни кенг ёки тор доирада ўрганиш, мавжуд кўрсаткичлар воситасида уларнинг содир бўлиш сабабларини ўрганиш, зарур чора-тадбирларни белгилаш илмий изланишларни ташкил этиш заруриятини юзага келтиради. Педагогик изланишларнинг самарали кечиши бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Мазкур жараёнда мақсадга мувофиқ келувчи, мақбул. Айни вақтда самарали бўлган методларни танлай олиш ҳам муҳимдир.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни беришга бериш тамойиллари, объекти ва субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари дидир.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида педагогик йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар диалектик ёндашувга асосланади. Педагогик ҳодиса, воқелик ва уларнинг қонуниятлариларни аниқлашга бундай ёндашув педагогик ҳодиса ва жараёнларнинг умумий алоқаси, уларнинг изчил, узлуксиз ривожланиши, боланинг физиологик ривожини унинг психологик, интеллектуал жиҳатдан такомиллаштириб боришини таъминлаши, ҳарама-ҳаршиликларнинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва роли, шунингдек, диалектика категорияларининг аҳамиятини эътироф этади.

Педагогик илмий тадқиқотларни амалга ошириш мураккаб, муайян муддатни тақозо этувчи, изчиллик, узлуксизлик, тизимлилик ҳамда аниқ мақсад каби хусусиятларга эга бўлган жараён бўлиб, унинг самарали бўлиши учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур. Улар қуйидагилардир:

- 1) муаммонинг долзарблиги ва мавзунинг аниқ белгиланганлиги;
- 2) илмий фаразларнинг тўғри шакллантирилганлиги;
- 3) вазифаларнинг тадқиқот мақсади асосида тўғри белгиланганлиги;
- 4) тадқиқот методлар тизимида нисбатан объектив ёндашув;
- 5) тажриба-синов ишлари жараёнига жалб этилувчи респондентларнинг ёш, психологик ва шахсий хусусиятлари, шунингдек, шахс ривожланиши қонуниятларининг тўғри ҳисобга олинганлиги;

6) тадқиқот натижаларини олдиндан ташҳислаш ва унинг натижаларини башоратлаш;

7) тадқиқот натижаларининг кафолатланганлиги.

Замонавий шароитда педагогик йўналишда тадқиқотларни олиб боришда қуйидаги методлардан фойдаланилмоқда:

1. Педагогик кузатиш методи.
2. Суҳбат методи.
3. Анкета методи.
4. Интервью методи.
5. Таълим муассасаси ҳужжатларини таҳлил қилиш методи.
6. Тест методи.
7. Педагогик таҳлил методи.
8. Болалар ижодини ўрганиш методи.
9. Педагогик тажриба методи.
10. Математик-статистик метод.

Педагогик кузатиш методи. Уни қўллаш жараёнида таълим муассасаларининг ўқув-тарбия ишлари жараёнини ўрганиш асосида тадқиқ этилаётган муаммо ҳолат аниқланади, тажриба- аввали ва якунида қўлга киритилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ тўғрисидаги маълумотга эга бўлинади. Педагогик кузатиш мураккаб ва ўзига хос хусусиятларга эга. Кузатиш аниқ мақсад асосида, узлуксиз, изчил ва тизимли амалга оширилса, кутилган натижани қўлга киритиш мумкин. Олиб борилаётган педагогик кузатиш таълим-тарбия сифатини ошириш, ўқувчи шахсини шакллантиришга хизмат қилса, мазкур методнинг аҳамияти янада ошади.

Педагогик кузатувни ташкил этишда хатога йўл қўймаслик муҳимдир. Бунинг учун тадқиқотчидан қуйидагилар талаб этилади:

- 1) кузатув жараёнида аниқ мақсадга эгалик;
- 2) кузатишни тизимли равишда йўлга қўйиш;
- 3) кузатишнинг ҳар бир босқичида муайян вазифаларни ҳал этиш;
- 4) ҳар бир ҳолатнинг моҳиятини синчиклаб ўрганиш;
- 5) хулоса чиқаришга шошилмаслик.

Суҳбат методи. Бу метод педагогик кузатиш жараёнида эга бўлинган маълумотларни бойитиш, мавжуд ҳолатга тўғри баҳо бериш, муаммонинг ечимини топишга имкон берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш, тажриба-синов ишлари субъектлари имкониятларини муаммо ечимига жалб этишга ёрдам беради. Суҳбат мақсадга мувофиқ ҳолда индивидудал, гуруҳли ҳамда оммавий шаклда ўтказилади. Суҳбат жараёнида респондентларнинг имкониятлари тўла-тўқис намоён билишга эришиш муҳимдир. Унинг самарали бўлиши учун қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувоиқ:

1) мақсаддан келиб чиққан ҳолда суҳбат учун белгиланувчи саволларнинг мазмуни аниқлаш ҳамда саволлар ўртасидаги мантиқийлик ва изчилликни таъминлаш;

2) суҳбат жойи ва вақтини аниқ белгилаш;

3) суҳбат иштирокчиларининг сони хусусида маълум тўхтамага келиш;

- 4) суҳбатдош тўғрисида аввалдан муайян маълумотларга эга бўлиш;
- 5) суҳбатдош билан самимий муносабатда бўлиш;
- 6) суҳбатдошнинг ўз фикрларини эркин ва батафсил айта олиши учун шароит яратиш;
- 7) саволларнинг аниқ, қисқа ва равшан берилишига эришиш;
- 8) олинган маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш.

Анкета методи (французча – текшириш). Ушбу метод ёрдамида педагогик кузатиш ва суҳбат жараёнида тўпланган далиллар бойитилади. Анкета методи ҳам тизимланган саволлар асосида респондентлар билан мулоқотни ташкил этишга асосланади. Анкета саволларига жавоблар, кўп ҳолларда, ёзма равишда олинади. Ўрганилаётган жараён моҳиятидан келиб чиққан ҳолда анкета саволлари қуйидагича бўлади:

1) очик турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, бафсил жавоб беришлари учун имкон берувчи саволлар);

2) ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар «ҳа», «йўқ», «қисман» ёки «ижобий», «қониҳарли», «салбий» ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларга жавоб берадилар).

Анкета методини қўллашда ҳам бир қатор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуйидагилардир:

1) анкета саволлари тадқиқ этилаётган муаммонинг моҳиятини ёритишга хизмат қилиши лозим;

2) анкета саволлари йирик ҳажмли ва ноаниқ бўлмаслиги керак;

3) анкета саволлари ўқувчиларнинг дунёҳарши, ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш асосида тузилиши зарур;

4) анкета саволлари респондентлар томонидан тўла жавоблар берилишини таъминловчи вақтни кафолатлай олиши зарур;

5) анкета ўқувчиларнинг педагогик ва психологик тавсифномаларини тузиш манбаига айлантириб юборилмаслиги зарур;

6) анкета жавоблари муайян мезонлар асосида пухта таҳлил этилиши шарт.

Интервью методи респондент томонидан тадқиқ этилаётган муаммонинг у ёки бу жиҳатини ёритувчи ҳодисага нисбатан муносабат билдирилишини таъминлайди. Интервью респондент эътиборига туркум саволларни ҳавола этиш асосида ўтказилади. Интервью жараёнида олинган саволларга нисбатан тадқиқотчи томонидан муносабат билдирилиши унинг самарасини оширади.

Таълим муассасаси ҳужжатларни таҳлил қилиш методи. Педагогик ҳодиса ва далилларни текшириш мақсадида таълим муассасалари фаолияти мазмунини ёритувчи маълумотларни текшириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур метод Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларининг таълим муассасалари амалиётидаги бажарилиш ҳолатини ўрганиш, бу борадаги фаоллик даражаси, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва таълим муассасаси педагогик тажрибасини ошириш мақсадида қўлланилади.

Таълим муассасаси фаолияти моҳиятини ёритувчи хужжатлар куйидагилардан иборат: ўқув машғулотларининг жадвали, ўқув дастури, гуруҳ (ёки синф) журналлари, ўқувчиларнинг шахсий варақалари, буйруқлар, Педагогик Кенгаш йиғилиши баённомалари ёзилган дафтар, Педагогик Кенгаш ҳарорлари, таълим муассасаси сметаси ҳамда паспорти, тарбиявий ишлар режаси, ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш борасидаги ҳисоботлар, таълим муассасаси жиҳозлари (ўқув парталари, стол стуллар, юмшоқ мебеллар ва ҳоказолар) қайд этилган дафтар ва ҳоказолар.

Мазкур метод муайян йўналишларда ўқув-тарбия ишлари самарадорлиги даражаси, ўқувчиларда ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми, илғор педагогик тажрибалар мазмунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Тест методи. Ушбу метод респондентлар томонидан муайян фан соҳаси ёки фаолият (шу жумладан, касбий фаолият) бўйича ўзлаштирилган назарий билим ва амалий кўникма, малакалар даражасини аниқлашга хизмат қилади. Тест ўз моҳиятига кўра куйидаги саволлардан иборат:

2) очик турдаги саволлар (респондентларнинг эркин, бафсил жавоб беришлари учун имкон берувчи саволлар);

2) ёпиқ турдаги саволлар (респондентлар «ҳа», «йўқ», «қисман» ёки «ижобий», «қониҳарли», «салбий» ва ҳоказо тарздаги жавоб вариантларини танлаш орқали саволларга жавоб берадилар).

3) тўғри жавоб вариантлари қайд этилган саволлар (респондентлар ўз ёндашувларига кўра тўғри деб топган жавоб вариантини белгилайдилар).

Тест методини қўллашда аниқланиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни туркум асосида берилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ушбу методнинг афзаллиги респондентлар жавобларини аниқ мезонлар бўйича таҳлил этиш имконияти мавжудлиги ҳамда вақтнинг тежалиши билан тавсифланади. Бироқ, метод айрим камчиликдан ҳам ҳоли эмас. Чунончи, аксарият ҳолатларда жавоблар ёзма равишда олинади, шунингдек, респондент таклиф этилаётган жавоб вариантлардан бирини танлаши зарур. Шу боис респондент ўз фикрини батафсил ифода этиш имкониятга эга эмас.

Педагогик таҳлил методи. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида ушбу методни қўллашдан кўзланган мақсад танланган муаммонинг фалсафий, психологик ҳамда педагогик йўналишларда ўрганилганлик даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, тадқиқотчи илгари сураётган ғоянинг назарий жиҳатдан ҳаққонийлигини асослашга хизмат қилади.

Болалар ижодини ўрганиш методи. Мазкур метод ўқувчиларнинг муайян йўналишлардаги лаёқати, қобилияти, шунингдек, маълум фан соҳалари бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Уни қўллашда ўқувчиларнинг ижодий ишлари – кундаликлари, иншолари, ёзма ишлари, рефератлари, ҳисоботлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Методнинг афзаллиги шундаки, у маълум ўқувчига хос бўлган индивидуал имкониятни кўра олиш, баҳолаш ва уни ривожлантириш учун замин яратади.

Болалар ижодини ўрганишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- 1) фан олимпиадалари;
- 2) турли мавзулардаги танловлар;
- 3) мактаб кўргазмалари;
- 4) фестиваллар;
- 5) мусобақалар.

Педагогик тажриба (эксперимент – лотинча «синаб кўриш», «тажриба қилиб кўриш») методи. Педагогик тажриба методидан муаммо ечимини топиш имкониятларини ўрганиш, мавжуд педагогик шароитларнинг мақсадга эришишнинг кафолатлай олиши, илгари сурилаётган тавсияларнинг амалиётда ўз инъикосига эга бўла олиши ҳамда самарадорлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Муайян муаммо ечимини топишга йўналтирилган педагогик тажриба маълум доирада, сони аниқ белгиланган респондентлар иштирокида амалга оширилади. Мазкур методдан фойдаланиш тадқиқотчи томонидан илгари сурилаётган махсус методиканинг самарадорлигини аниқлай ҳамда унга баҳо бера олиши зарур.

Педагогик тажриба ташкил этилиш шароитига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:



3- чизма. Педагогик тажриба турлари

Педагогик тажриба ҳам бир қатор шартларга амал қилган ҳолда ташкил этилади. Хусусан:

- 1) тажрибанинг мақбул лойиҳа (дастур) асосида уюштирилиши;
- 2) тадқиқот илмий фаразининг пухта асосланиши;
- 3) тадқиқот объектлари вв усулларининг тўғри танланиши;
- 4) тажриба ўтказилиш вақти ҳамда давомийлигини аниқланиши;
- 5) зарур педагогик шарт-шароитлар (асбоб-ускуна, жиҳозлар, воситалар)нинг яратилганлиги;
- 6) тажриба маълумотларини умумлаштириш, таҳлил қилиш ва натижаларни қайта ишлаш.

Педагогик тажриба якунида олинган натижаларга асосланиб умумий ҳулосага келинади ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилади.

Математик-статистик метод тажриба-синов ишлари, шунингдек, умумий ҳолда тадқиқотнинг самарадорлик даражасини аниқлаш мақсадида

қўлланилади, муаммо ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар махсус математик формулалар ёрдамида қайта таҳлил этилади. Яқуний қиймат тадқиқот самарасини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Айни вақтда педагогик йўналишда тадқиқотлар олиб боришда Стьюдент, Кўвирляг, Рокич, В.П.Беспалько ҳамда В.В.Гречихин методларидан кенг фойдаланилмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. «Педагогика» тушунчаси қандай мазмунни англатади?
2. Таълим назарияси (дидактика) нима?
3. Тарбия назарияси нималарни ўрганади?
4. Педагогика фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Педагогиканинг асосий категорияларини айтинг ва моҳиятини ёритинг.
6. қандай фанлар педагогик фанлар тизимига киради?
7. қандай методлар педагогик илмий-тадқиқот методлари ҳисобланади.

Тест топшириқлари:

1. қайси жавоб вариантыда педагогика фанлари тизими тўғри кўрсатилган?
 - а) умумий педагогика, мактабгача таълим педагогикаси, коррекцион (махсус) педагогика; сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедия;
 - в) умумий педагогика, мактабгача таълим педагогикаси, коррекцион (махсус) педагогика, методика, педагогика тарихи, таълимни бошқариш, ижтимоий педагогика ва бошқалар;
 - с) умумий педагогика, ижтимоий педагогика, касб таълими;
 - д) умумий педагогика, методика, таълимни бошқариш; ахлоқ-тузатиш педагогикаси;
 - е) барча жавоблар тўғри.
2. Мазкур ғоя қандай тушунча моҳиятини ёритади: «... шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари бўлиб, улар асосида муаммони ижобий ҳал этишга ёрдам берувчи тамойиллари, объекти ва субъектив омиллари аниқланади»?
 - а) педагогик илмий-тадқиқот методларининг;
 - в) таълим назариясининг;
 - с) тарбия назариясининг;
 - д) педагогик фанлар тизимининг;

е) педагогика фани вазифаларининг.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғўБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, Халқ мероси нашриёти, 1993.
5. Педагогика ғўА.қ.Мунавварованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1993.
6. Подласўй И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн. 2. – Москва, Владос, 1999.

ШАХСНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ТАРБИЯСИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВИ

Шахс ривожланиши ҳақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик. Шахс тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзосини ифодалашга хизмат қилади. Одам шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида ҳис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак.

“Индивид” нима? Бола маълум ёшга қадар “индивид” саналади. Индивид (лотинча “индивидуум” сўзидан олинган бўлиб, «бўлинмас», «алоҳида шахс», «ягона» маъноларини англатади) хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта олувчи биологик мавжудотдир.

Индивидуаллик эса шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унинг намоён бўлиши тарбия жараёнини амалга оширишда бола шахсини пухта ўрганиш, унинг яшаш шароитларидан етарли даражада хабардор бўлиш ва уларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади.

Индивидуал ёндашув ўқувчиларнинг ақлий қобилиятлари, билишга бўлган қизиқиш ҳамда истеъдодини намоён этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бола ҳаракатлари онгли, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки натижасида шакллана боради.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида таърифланади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутади.

Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуҳаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқни кафолатлайди.

Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Ривожланишнинг ўзи нима?

Ривожланиш шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараёндир. Ривожланиш моҳиятан оддийдан мураккабга, куйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгиланиш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди. Ривожланишининг манбаи қарама-қарашликларни ўртасидаги курашдан иборатдир.

Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Чунки шахснинг фаолияти, ҳаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бошқа фожиаи ҳолатлар, касалликлар ҳам таъсир этади.

Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У ҳам ижтимоий, ҳам психик жиҳатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради.

Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим.

Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал этиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омиллар ҳамда шахс хусусиятларини яхши билиш зарур.

Тарбия болага самарали таъсир этиши учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

Шахс тарбиясига таъсир этувчи омиллар. Фанда одамнинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара кўпдан буён давом этмоқда.

Инсоннинг шахс сифатида ривожланишида ижтимоий ҳодисаларнинг таъсири кучли бўладими? Ёки табиий омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир? Улар ўртасидаги ўзаро муносабати қандай?

Фанда биологик йўналиш деб номланган нуқтаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Аристотел, Платонлар табиий-биологик омилларни юқори қўяди. Улар туғма имкониятлар, тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берган, дейдилар.

XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намояндалари эса шахс ривожланишидаги наслнинг ролига катта баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини инкор этади.

Хориж психологиясидаги яна бир оҳим – бихевиоризм XX аср бошларида юзага келган бўлиб, унинг намояндалари, онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга ўтиб, инсонга у табиатан берилган, дейилади. Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайдир.

Прогматизм оқими ва унинг вакиллари Д.Дьюл, А.Комбе ҳам шахс ривожланишини биологик нуқтаи назарда асослайдилар. Улар ривожланишни фаҳат микдорий ўзгаришдан иборат, деб қарайдилар. Наслнинг ролини абсолютлаштириб, уни инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб билдилар.

Демак, бир гуруҳ хорижий олимлар ривожланишни биологик (наслий) омилга боғлайдилар.

Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгилайдилар. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган муҳитга боғлиқ деб кўрсатадилар.

Муҳит деганда одам яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир тушунилади. Шу нуқтаи назардан тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Улар ижтимоий муҳитнинг ролини ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайдилар. Демак, одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараққий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида насл (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга ошадиган тарбия ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниқлашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади.

Фалсафада шахсни жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётдаги мураккаб воқелик деб қаралади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муносабатларига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, шахс меҳнат фаолияти заминида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахс маълум ижтимоий тузум маҳсулидир. Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Файласуфлар шахсни табиатнинг бир бўлаги деб баҳолайдилар. Бу инсондаги лаёқат куртаклари бўлиб, унинг ривожланиши учун тарбия керак, деган ғояни ифодалайди.

Жамият тараққиёти шахс ривожланиши учун кенг имкониятларни яратади. Демак, шахс билан жамият ўртасида ҳам узвий алоқа мавжуд.

Шундай қилиб, одам шахсининг жамиятдаги ривожланиши табиат, муҳит, инсон ўртасидаги мураккаб алоқа таъсири остида рўй беради, инсон уларга фаол таъсир этади ва шу йўл билан ҳаёти ва ўз табиатини ўзгартиради.

Шахсга ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳам муҳим. Бу тарбия тизими орқали амалга оширилади. Яъни,

Биринчидан, тарбия таъсирида муҳит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам ўзгартирилиб, шахс камолга етади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди.

Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бу тарбия доимий ва узлуксиздир.

Шундай қилиб, бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакчи ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида ҳар томонлама ривожланишга қодир, деган хулосани чиқариш мумкин.

Шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни. Шахс ривожланишида ирсият, муҳит, тарбия билан бир қаторда инсон фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу дегани инсон қанчалик меҳнат қилса, унинг ривожланиши шунчалик юқори бўлади.

Фаолият ўзи нима? Фаолият шахс томонидан табиий ва ижтимоий ҳаётни мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши. Инсоннинг қобилияти ва ёши у томонидан ташкил этилаётган фаолият моҳиятига кўра белгиланади.

Фаолият жараёнида инсон шахси, ҳар томонлама ва бир бутун, яхлит ҳолда ривожланади. Лекин фаолиятни мақсадга мувофиқ амалга ошириши учун уни тўғри ташкил этиш лозим. Лекин кўп ҳолатларда шахсининг ривожланиши учун имкониятлар яратилмайди, тарбияланувчиларнинг ижтимоий меҳнат, билиш фаолиятлари чекланган бўлади.

Ўсмир ва ўспиринлар фаолиятининг асосий турларига ўйин, ўқиш ва меҳнат киради. Улар йўналишига кўра билишга доир, ижтимоий, спорт, бадиий, техник, ҳунармандчилик ҳамда шахсий қизиқишга кўра танланган соҳалардан иборат. Фаолиятнинг асосий тури – мулоқотдир.

Фаолият фаол ва пасив бўлиши мумкин. Ўсмир фаолияти муҳит ва тарбия таъсирида фаоллашиши ёки сусайиши мумкин. Инсон шахсининг ривожланишида унинг бутун вужуди билан севиб, ўз имкониятларини

намоён этиб, меҳнат қилиш, ўзини шахс сифатида кўрсата олиши унда ўз фаолиятдан қониқиш ҳосил қилади. Унинг ижтимоий меҳнатдаги иштирокида фаоллик кўзга ташланади.

Таълим жараёнида фаоллик ўқувчига билимларни чуқур ва мустақкам эгаллашга, ўз қобилиятини намоён этишга йўллайди. Билишга бўлган фаоллик ўқувчининг интеллектуал ривожланишини таъминлайди.

Фаоллик кўрсатишнинг асосини эса ҳамма вақт эҳтиёж ташкил этади. Эҳтиёжларнинг хилма-хиллиги фаолиятининг ҳам турларини кенгайтиради. Шунга кўра, ўқувчининг турли ёш даврларида уларнинг фаолияти турлича бўлади. Таълим муассасасида ҳамма вақт бир хил талаб шахс ривожланишида ижобий натижа беравермайди. Турли ёш даврларида фаолиятнинг турлари ва моҳияти ўзгариб туриши керак.

Инсоннинг ижтимоий фаоллиги, қобилияти барча муваффақиятларининг гаровидир. Чунки ҳар бир инсон ўз меҳнати, ғайрати, интилиши билангина фаоллашади. Ўқитувчи қанчалик яхши ўқитмасин ёки тарбия бермасин, тарбияланувчининг ўзи ҳаракат қилмаса, ривожланиш муваффақиятли кечмайди. Зеро, барча маънавий-ахлоқий камчиликларнинг асосий сабаби ҳам инсоннинг ўз фаолиятини тўғри йўлга қўймаганлигидадир.

Шунинг учун ҳам инсон фаолияти унинг ривожланиши натижаси ҳамдир. Демак, шахс фаоллиги асосида ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорлик хислатларини шакллантириш – унинг шахслик имкониятларини намоён этиши орқали фаолиятини ривожлантириш муҳим саналади.

Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари. Муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли бўлади.

Болаларнинг тарбиясига тўғри ёндашиш, уни муваффақиятли ўқитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки бола организмнинг ўсиши ҳам, ривожланиши ҳам, психик тараққий этиши ҳам турли ёш даврларида турлича бўлади. Абу Али Ибн Сино, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский, Абдулла Авлонийлар ҳам болани тарбиялаш зарурлигини уқтириб ўтганлар.

Боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар ҳам психик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин.

Масалан, кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаш, суҳбат фикр юритиши, ҳовлиқма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, серғайрат ёки ғайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йиғинчоқлиги ёки ишга тез киришиб кетиши, қобилияти кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири бўлиб, ўқитувчи ёки тарбиячи уларни билиши зарур.

Боланинг индивидуал – ўзига хос хусусиятини билиш учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг ўзига хос хусусиятини

ўрганиш методикасини билиш муҳим. Темперамент (лот. «темпераментум» «қисмларнинг бир-бирига муносабати» маъносини англатиб, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Шунингдек, турли ёш даврларининг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари ҳам мавжуд. Масалан, 5-синф ўқувчилари билан 10-синф ўқувчисини тенглаштириб бўлмайди. Шунинг учун боланинг жисмоний ва психик камолоти қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Гўдаклик даври – чақалоқлик (1 ой) даври тугагандан то бир ёшгача бўлган давр.

2. Боғчагача бўлган ёш даври – 1 ёшдан 3 ёшгача.

3. Мактабгача таълим ёши – 3 ёшдан 7 ёшгача.

4. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар – 7-11-12 ёшгача.

5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар) 14-15 ёш.

6. Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари (ўспиринлар) – 16-18 ёш.

Кичик мактаб ёшида ўйин фаолиятининг ўрнини энди ўқиш фаолияти эгаллайди. Бу жуда қийин ўтиш даври бўлиб, боланинг бўйи, оғирлиги жиҳатдан унинг ташқи кўриниши кам фарқ қилади. Суяклари қотмагани туфайли тез шикастланади. Мускуллари тез ўсиши туфайли серҳаракат бўлади. Бош мияси тез ривожланади.

Жисмоний ўсишига хос бу хусусиятлар тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб этади. Бу ёшда бола билим олиш ва ўрганишга қизиқувчан бўлади.

Болалар қизиқишини қаноатлантирувчи қизиқарли учрашув, сайр ва томоша ва экскурсияларни ташкил этиш зарур. Мазкур ёш даври ўқувчиларига эмоционаллик хос, уларнинг фикрлаши образли бўлади, ҳис-туйғулари мазмуни ўзгаради. Улар одамлар билан алоқа қилишга қизиқадилар.

Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик 12-15 ёш). Ўсмирликнинг мураккаблиги анатомик-физиологик ва психологик хусусиятдаги кучли ўзгаришлар билан боғлиқдир. Боланинг ўсиши тезлашади. Бу даврни ўтиш даври ҳам дейилади. Бу даврда жинсий етилиш даври бошланади. Бу боланинг феъл-атворига таъсир этади. Ўсмир ҳаётида меҳнат, ўйин, спорт ва жамоат ишлари катта рол ўйнайди. Баъзиларининг ўзлаштириши пасаяди, интизоми бўшацади.

Ҳозирги давр ўсмирларининг руҳиятида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Интеллектуал ривожланиш – тафаккур қобиляти, ақлий фаолиятни юқори савияда ташкил этишни талаб этади, билишга қизиқиши ортади. Бу даврда тўғараклар, студия, секция, турли тадбирлар ўтказиш катта аҳамиятга эга. Уларнинг китоб ўқишга қизиқиши ортади.

2. Ўз-ўзини англаш, баҳолаш, тарбиялаш шаклланади. У ўзини бошқалар билан солиштира бошлайди.

Аммо юқоридагилар билан бир қаторда ўсмир характерида мураккаб карама-қаршилиқлар ҳам мавжуд бўлади. Бу ўсмир фаолияти, хулқида янги хислатлар – ёш хусусиятнинг янгидан бошланиши саналади.

Лекин ўсмирларнинг ҳаммасида ҳам билишга қизиқиш даражаси юқори эмас. 38 фоиз ўсмир ҳеч қайси ўқув фанларини ўқишга қизиқмайди.

Бошқаларининг учта ёки иккита ўқув фани, аксарият ҳолатларда эса битта ўқув фанига қизиқиши аниқланган. Кичик ёшдаги ўсмирлар қизиқиши ўқитувига боғлиқ. Лекин уларнинг қизиқишлари, шунингдек, китоб ўқишлари ҳам барқарор эмас.

Турли тўғаракларга 21 фоиз ўсмир қатнашади, қолганлари спорт ёки муסיқа билан шуғулланади. 40 фоиз ўқувчида синфдан ташқари ишларда қатнашишда ҳам барқарорлик йўқ.

Энг муҳим қизиқиш – телеэшиттиришларга қаратилган. ТВни ҳар куни 88 фоиз ўсмир томоша қилади.

Улар оддий кунни ўз ихтиёрлари билан қандай ўтказадилар, деган саволга жавоб топиш учун ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидагиларни қайд этди: 85 фоиз ўсмир вақтини ўз ҳолича ўтказди, 70 фоизи кино ёки телевизор кўради, 50 фоизи спорт билан шуғулланади, 45 фоизи ухлаб ёки ётиб дам олади. Шунингдек, ёмон баҳо олмаслик учун мактабга бордиган ўсмирларнинг сони 15 фоизни ташкил этади.

Ўсмирларда бирор нарсага эришишга нисбатан талаб ривожланади. Улар томонидан ижтимоий талабларнинг бажарилиши асаб тизимининг ривожланишига таъсир этади. Шунинг учун мактаб ҳаёти “қийин” вазифаларга тўлиқ бўлади.

Бу ёшда ўсмирлар катталар олдида ўзининг эркинлигини намойиш этишга ҳаракат қилади. Ўз-ўзини тарбиялашга бўлган талаб ўсади. “Дангаса”, “қўпол”, “беътибор”, “қобилиятсиз” деган катталарнинг баҳоларини улар оғриниб қабул қиладилар.

Ўсмир ёшида ўғил ва қиз болалар ўртасида фарқ кучаяди. ВИИ синфдан интеллектуал малакалар пасаяди. Шунинг учун бу даврда болалар ривожланишига катта эътибор бериш лозим.

Ўз-ўзини тарбиялаш натижасида ўғил болалар кучли, эркин, эътиборли, жасур; қизлар эса – ўта кўникувчан, камтар ва жиддий бўла бошлайдилар.

Шунинг учун ўсмирга ўз вақтини режалаштиришда ёрдам бериш зарур. 13-14 ёшгача ўсмирда бурч ҳисси, масъулиятни ҳис этиш, вазминлик пайдо бўла бошлайди. Муҳими, ўсмир шахсини ҳурмат ҳилиш, камситмаслик, катта бўлиб қолганлигини тан олиш зарур.

Катта мактаб ёши – коллеж, лицей ўқувчилари (ўспиринлик даври 15-18 ёш). Бу давр ўспиринларнинг илк балоғатга етган давридир. Мазкур даврда жинсий етилиш тугайди. Уларда мустақиллик сезила бошлайди. Ўспирин ёшлар ҳаётга келажак нуқтаи назаридан қарай бошлайдилар. Маданий даражасини орттиришга интилиш кучая боради. ҳис-туйғуларида ҳам ўзгариш юз беради. Ўз-ўзларини тарбиялашга киришадилар. Идеал танлаш ва унга эргашиш кучаяди. Бу даврда улар ўртасида мунозаралар ўтказиш яхши натижа беради. Ўспиринлар ўз гуруҳига интилади. Шунинг учун ҳам ўспириннинг барча интилишлари маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур. Уларда ўқув фанларини танлашга нисбатан эҳтиёж кучая боради.

Ўспиринлик бу ахлий фаолиятнинг ҳам ривожланиш даври саналади. Улар ўз фикрларини мустақил ифодалашга ҳаракат қилиб, шахслик хислатларини намойиш эта бошлайдилар. Шунда ўқитувчилар ва катта ёшлар уларнинг ҳали ёш фикрлари ва дунёқарашларини тўғри йўналтиришлари муҳим. Зеро, бу даврда ўз-ўзини англаш, маънавий-ахлоқий, ижтимоий хислатлари тез шаклланади.

Бунга унинг фаолияти, жамоада ва жамоат жойларида ўзини тутиши, одамлар билан тез мулоқотга киришиши ҳам туртки бўлади. Ўзини катталардек ҳис этиш, ўзига хослигини намоён этиш, бошқаларнинг диққатини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Ахлоқий муаммоларни ўз қарашлари нуқтаи назаридан ҳал эта бошлайди. Ҳаёт моҳияти, бахт, бурч, шахс эркинлигини ўз қизиқишлари билан ўлчайдилар. Шу боис уларга катта ёшларнинг беғараз, тўғри йўналиш беришлари ўта муҳим.

Мазкур даврда ёшлар ҳулки ҳам таркиб топа бошлайди. Бунда шахснинг жамоадаги мавқеи, жамоа шахслари билан муомала-мулоқоти муҳимдир.

Албатта, бу борада таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсири катта аҳамиятга эга. Чунки ўспирин-ёшлар мустақил ҳаёт оstonасида бўлиб, уларнинг бу ҳаётга тўғри қадам қўйиши унинг жамиятнинг фаол фуқароси бўлишининг муҳим шартидир.

Шахснинг ижтимоийлашуви. Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Чунки таълим жараёнида болаларга жамиятда бирга яшаш билан боғлиқ бўлган ҳолат ва ҳодисалар ўргатилади. Бу жараёнда ўқувчи жамиятга «киришади» ва у билан ўзаро муносабатда бўлади. Улар маълум ижтимоий тажриба (билим, қадрият, ахлоқий қоида, кўрсатма) орттирадилар, яъни, ижтимоийлашадилар.

Ижтимоийлашув узоқ давом этадиган мураккаб жараён. Чунки ҳар қандай жамият ривожланиш жараёнида ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар, идеаллар, ахлоқий меъёрлар ва қоидалар тизимини ишлаб чиқади, ҳар бир бола юқоридаги қоидаларни қабул қилиб, ўрганиб мазкур жамиятда яшаш, унинг аъзоси бўлиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун жамият у ёки бу шаклда шахсга мақсадга мувофиқ таъсир этади. Бу таъсир таълим воситасида амалга ошади. Иккинчи томондан, шахснинг шаклланишига турли ғоялар, ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади.

Одамлар ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий қоидалар билан муносабатга киришадилар ва уни ўрганадилар.

Ижтимоийлашув жараёни ички қарама-қаршиликларга эга. Ижтимоийлашган инсон жамият талабларига мос келиши, унга «киришиб» кетиши, жамият ривожланишидаги салбий жиҳатларга, шахснинг индивидуал ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳаётий ҳолатларга қарши туриши керак. Лекин ҳаётда баъзан акси ҳам бўлади: тўлиқ ижтимоийлашган, жамиятга киришиб кетадиган, аммо муҳитда баъзи салбий ҳолатларга қарши курашишда фаоллик кўрсатмайдиган одамлар ҳам мавжуд.

Бу ҳолат кўп жиҳатдан бутун жамият, тарбия муассасалари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарга ҳам тааллуқли. Тарбияда қарама-қаршилик инсонпарварлик ғояси ёрдамидагина бартараф этилиши мумкин.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам таъкидлаб ўтилганидек, узлуксиз таълимни ташкил этиш, ривожлантириш ҳамда таълимнинг ижтимоийлашувига эришиш долзарб масаладир. Таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни шакллантириш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш кабилар муҳим ижтимоий талаблар ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. «Индивид», «шахс», «индивидуаллик» тушунчаларини шарҳланг.
2. Ривожланиш ва шахс ривожланишини таърифланг.
3. Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ҳақида нималарни биласиз?
4. Шахс фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини тавсифланг.
6. Шахснинг ижтимоийлашувини қандай тушунаси?

Тест топшириқлари:

1. Шахснинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга индивидуал хусусиятларига берилган тўғри таърифни белгиланг:
 - а) шахс ривожланишидаги умумийлик;
 - в) шахс ривожланишидаги ўзига хослик;
 - с) тарбия жараёнини амалга ошириш;
 - д) ўқувчиларнинг ёш ва педагогик-психологик хусусиятларига асосланиш;
 - е) барча жавоблар тўғри.
2. Нима учун В-ВИИ баъзи ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва интизоми сусаяди?
 - а) синф раҳбари ва ўқитувчилар уларга бошланғич синфдагинга караганда кам эътибор беради;
 - в) ўқувчилар ўқишнинг янги талаблари ва шароитига ўрганмаган ёки тайёр эмаслар;
 - с) бошланғич синф ўқувчилари ривожланишида В синфда ўқиш учун зарур бўлган масалаларга эътибор берилмаган;
 - д) мазкур даврда ўқувчиларнинг ривожланиши уларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ;
 - е) барча жавоблар тўғри.

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.
2. Педагогика (А.Мунавварованинг умумий таҳрири остида). – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. –Т.: Ўқитувчи, 1997.
4. ғозиев Э. Психология (Ёш даврлари психологияси). _Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Подласўй И.П. Педагогика. Новўй курс. В 2 кн. . Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.
6. Алметов Н. Педагогика: саволлар ва жавоблар ғғЎқув қўлланма. - Алматы, Ўлўм, 2001.

ТАРБИЯ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Тарбия ҳақида тушунча. Тарбия назарияси педагогика фанининг таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади. Ёш авлодни тарбиялашда нималарга эътибор қаратмоқ лозим? Бундай масалаларни ҳал этишда аввало мамлакатимизда сиёсий-ижтимоий соҳаларда юз бераётган ислоҳатлар моҳиятини чуқур ва атрофлича мушоҳада қилиб олишга тўғри келади. Чунки давр ҳам, инсон тарбияси ҳам ўзгариб бормоқда. Айниқса, ХХИ аср инсоният тарихида компьютер даври бўлиб кириб келди. Бироқ, фан-техника қанчалик жадал ривожланиб, жамият ҳаётида муҳим жой олиб, ишлаб чиқариш жараёнларини тезлашувига қанчалик самарали таъсир этмасин, тарбия назариясида шахсни комил этиб тарбиялаш, бу борада Марказий Осиё мутафаккирлари, халқ педагогикаси ҳамда жаҳон педагогикасининг илғор фикрларига таяниб иш кўриш зарур бўлади. Ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда биринчи навбатда Шарқ мутафаккирларининг қимматли маънавий мерослари муҳим дастурил амал аҳамиятига эга бўлади. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Наҳшбанд, Амир Темур, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Алишер Навоӣ ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари оламга машҳур алломаларининг ижтимоий, сиёсий ва фалсафий қарашлари барча замонлар учун муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўтмиш маданий меросини чуқур ўрганмаган ва эъзозламаган, аждод-авлодлари босиб ўтган тарихий йўлни идрок этмаган, миллий мустақиллик йўлида жон фидо қилган буюк аждодлар фаолиятдан хабардор бўлмаган инсон ўзлигини ҳеч ҳачон англаб етолмайди.

Ўтмиш маданий меросини ўрганиш мураккаб жараёни саналади. Маданий мероси намуналари ва уларда илгари сурилган эзгу ғояларни ёш

авлод онгига сингдириш узлуксиз, изчил, тизимли ҳамда мақсадга мувофик амалга оширилиши зарур.

Тарбия мақсади ва вазифалари. Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир. Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳиятан турлича ифодалаб келинган бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган.

Тарбия мақсади ижтимоий буюртма асосида белгиланади. Энг оддий ҳаракатдан тортиб то кенг кўламли давлат дастури асосида ташкил этилувчи тарбия доимо муайян мақсадга йўналтирилган бўлади.

Мақсадсиз, маълум ғояни ифода этмайдиган тарбия бўлмайди. Тарбия мақсади асосида унинг мазмуни асосланиб, мақсадни амалга оширишга хизмат қилувчи метод ва усуллар аниқланади. Тарбия мақсадининг муаммоси педагогиканинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Тарбия мақсади умумий ва индивидуал характерга эга бўлиши мумкин. Илғор педагогика умумий ва индивидуал мақсадлар бирлиги ва уйғунлигини намоён этади.

Мақсад тарбиянинг умумий ижтимоий мақсадни ижобий ҳал этишга йўналтирилади ҳамда аниқ вазифалар тизими сифатида намоён бўлади. Демак, тарбия мақсади тарбия жараёнини ташкил этиш асосида ҳал этиладиган вазифалар тизимидир. Тарбия мақсадлари моҳияти ва кўламига кўра умумий ва аниқ вазифалар сифатида гуруҳланади.

Тарбия мақсади қандай шаклланади? Унинг шаклланишида кўплаб объектив сабаблар етакчи рол ўйнайди. Организмнинг физиологик етилиш қонуниятлари, инсоннинг руҳий ривожланиши, фалсафий ва педагогик фикрлар ютуғи, ижтимоий маданият даражаси мақсадга умумий йўналиш беради. Бироқ асосий омил доимо давлат мафкура ва сиёсати бўлиб қолаверади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ёшлар орасидан энг иқтидорли, салоҳиятлиларини танлаб, саралаб олиб, уларни илмий, маданий-маънавий жиҳатдан камолотга эришишлари, замонавий фан-техника асосларини пухта ўзлаштириб олишлари учун ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг истиқболи назарда тутилиб, кўпгина ёшларнинг Туркия, Хитой, Япония, АҚШ, Германия каби ривожланган хорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун юборилаётганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонунини ҳаётга жорий этиш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда умумий тиббиёт муаммоларини замон талаблари даражасида олиб бориш, мактабларни миллийлаштириш, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиш борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Жамият маънавияти ва шахс камолотида муҳим ўрин тутувчи маънавий ва ахлоқий поклик, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат,

кексаларга ҳурмат сингари инсоний фазилатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Барчасининг асосида ёш авлодга оила, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим тизимида амалга оширилаётган таълим-тарбия мазмуни, ғоявий йўналиши ва самараси ётади.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг замон талабларига мос, баркамол инсон бўлиб шаклланишлари учун ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмлари – ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ҳамда жинсий тарбияни ташкил этишга нисбатан янгича нуқтаи назардан ёндашиш, уларнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади. Бу эса тарбиядаги энг муҳим вазифалардир.

Тарбия мазмуни. Ақлий тарбия – шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билим асосларини бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, шахс томонидан табиат, жамият, шунингдек, инсон тафаккури ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, унда илмий дунёқарашни шакллантиради. Ақлий тарбия юксак маънавий ва ахлоқий сифатларга эга шахсни тарбиялашда етакчи ўрин тутаяди.

Билимлар тизимини онгли равишда ўзлаштириш мантиқий фикрлаш, хотира, диққат, идрок этиш, ақлий қобилият, майиллик ва иқтидорни ривожлантиришга кўмаклашади.

Ақлий тарбиянинг вазифалари қуйидагилар саналади:

- шахс томонидан илмий билимларнинг муайян ҳажмини ўзлаштирилишига эришиш;
- билишга бўлган қизиқишларни юзага келтириш;
- ақлий қобилият ва иқтидорни ривожлантириш;
- билишга бўлган фаолликни кучайтириш;
- мавжуд билимларни мунтазам равишда бойитиб бориш, умумий ўрта таълим ва махсус касбий тайёргарлик даражасини оширишга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш.
- илмий дунёқарашни шакллантириш.

Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларида; «Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгайдир. Илму хунарни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганинглар. ... Илм эгалланг. Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош бахтсиз дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мадаккор, одамлар орасида зебу-зийнат, душманларга қарши курашишда қуролдир» дейди.

Шунингдек, ҳадиси Шарифда «Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» дейдилар.

Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонидан Фарҳоднинг ақлу-идрокли, билимдон, хунарманд, камтар, инсонпарвар, иродали ва эътиқодли бўлганлигини тасвирлайди.

Жисмоний тарбия ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, ижтимоий тарбиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Юқори

даражада ривожланган ишлаб чиқаришга асосланган мавжуд ижтимоий шароит жисмонан бақувват, ишлаб чиқариш жараёнида юқори унум билан ишлашга қодир, қийинчиликлардан чўчимайдиган, шунингдек, ватан ҳимоясига доимо тайёр бўлган ёш авлодни тарбиялаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жисмоний тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни тўғри жисмоний ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятларини ошириш;
- уларнинг табиий ҳаракатчанлигини ривожлантириш ва мукаммалаштириш;
- ўқувчиларни ҳаракатнинг янги турларига ўргатиш;
- уларнинг иродавий сифатлари (куч, чاقқонлик, уқувлилик ва бошқалар)ни ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг гигиеник кўникмаларни ривожлантириш;
- уларда маънавий-ахлоқий сифатлар (дадиллик, қатъиятлик, интизомлилик, масъулиятлик, жамоа билан бўлиш)ни тарбиялаш;
- ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спорт билан доимий ва мунтазам шуғулланишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг соғлом ва бақувват бўлишларига эришиш.

Жисмоний тарбияни болаларнинг мактабгача ёшидан бошлаб мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Жисмоний тарбия таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган фанлардан бири саналади. Синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда ташкил этилувчи жисмоний машғулотлар жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини таъминловчи қўшимча тадбир ҳисобланади. Жисмоний тарбия тарбиянинг бошқа таркибий қисмлари билан мустаҳкам боғланган ҳамда улар билан биргалликда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш вазифаларини ҳал этади.

Демак, юқорида таъкидлаганидек, ёшларни ақлий жиҳатдан камол топтиришнинг биринчи шартини уларни илм олишга даъват этишдир.

Ахлоқий тарбия муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига сингдириш мақсадида ташкил этилувчи педагогик жараёндир. Ахлоқий тарбия ҳам ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади. Ахлоқий тарбия асосини шахсни ижтимоий ахлоқий меъёрлардан хабардор этиш ташкил қилади. Ахлоқ (лот. «моралис» - хулқ-атвор маъносини билдиради) ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланиб, ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларининг мажмуи сифатида акс этади.

қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифлардаги ахлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоятлар асрлар давомида таркиб топган миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятлар мазмунида ўз ифодасига эга бўлган. Шарқ

мутафаккирлари Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Наҳшбанд, Амир Темур, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Абдурахмон Жомий, Саъдий Шерозий Алишер Навой ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг ахлоқ ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси – кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларига, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир».

Амир Темур ахлоқи хусния – яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тадбирли саркарда сифатида кишиларни турли лавозимларга тайинлаш ва вазифасидан озод этишда ҳам шошма-шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб, бир кесган.

Имом Исмоил ал-Бухорий «Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик – мана шу тўрт хислатни Оллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир», деган эди.

Демак, ахлоқий тарбия баркамол инсон тарбиясида етакчи бўғин, инсоний сифатларни яратувчи, шакллантирувчи, мукаммаликка эриштирувчи восита ҳисобланади. Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, ахлоқий тарбия инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир омилдир. Яхши хулқларнинг яхшилиги, ёмон хулқларнинг ёмонлигини дадил ва мисоллар билан баён қиладурғон китобдир.

Худди шу маънода ахлоқ кишининг хулқ-атвори, эътиқод-иймони, юриш-туриши, фикр-мулоҳазалари, мушоҳада ва мулоқотида намоён бўлади. Ахлоқли инсон ўзини қаттиқ ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади. Сухбатдошнинг кўнглига қараб гапиради, кишининг дилини оғритмайди, мулоқот одобига риоя қилади.

Ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми меҳнат тарбияси саналади. Меҳнат тарбияси шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англатиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёндир. асоси, ҳаёт манбаи, умр мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад, аввало, ўқувчиларга меҳнатнинг моҳияти, мазмунини чуқур англатишдан иборатдир.

Меҳнат ижтимоий ҳаётнинг муҳим асоси, шахсда маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларни шакллантиришнинг кафолатидир. Меҳнат қилаётган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса, ҳис қилса, ўша натижалардан қониқса, роҳатлансагина меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади. ҳалол меҳнат – киши ҳаётининг мазмунини ташкил қилади.

Халқимизнинг «Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат», «Бугунги ишни эртага қолдирма», «Дарё сувини баҳор тоширар, инсон қадрини меҳнат оширар», «Ишлаган тишлайди, ишламаган кишнайди», «Меҳнатдан кўркма, миннатдан кўрк», «Одамнинг ҳусни меҳнат» каби мақоллар бежиз яратилмаган. Буюк аллома Баҳоуддин Наҳшбанднинг «Дил ба ёру, даст ба кор» деган ҳикмати бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Алломанинг фикрича, «Агар киши ҳунарли бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради, борди-ю касби бўлмаса, билимини кун кечиришга сарфлайди, ҳалолликни унутади».

Таъкидлаш лозимки, меҳнатсиз келган бойлик инсон руҳиятини бузади, ҳар қандай муқаддас нарсани қадрсизлантиради. Меҳнат жараёнида кишиларда дўстлик, биродарлик, жамоа бўлиб ишлаш каби барча тарбиявий сифатлар шаклланади. Энг муҳими, меҳнат муҳтожлик, бекорчилик, ахлоқий жихатдан бузилишдан сақлайди. Меҳнат орқали инсон ўзининг ва ўзгаларнинг қадрини билади.

Аждодлармиз бола тарбиясида, энг аввало, уни меҳнатга ўргатиш, касб-ҳунарга қизиқтиришга алоҳида эътибор беришган. Ўзлари фарзандларига меҳнатсеварликлари билан намуна бўлганлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Кримов таъкидалаганидек: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни, бу нарса уларнинг собитқадам, ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлилига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимизнинг равнақ топишининг асосий шартидир».

Бу вазифаларни амалга оширишда ота-она, устоз ва мураббий, кенг жамоатчилик ўз меҳнاتини аямасликлари, айниқса, мактаб ўқувчиларида меҳнатга ва меҳнат аҳлига тўғри муносабатни шакллантиришдаги масъулиятни чуқур ҳис қилишлари керак.

Нафосат тарбияси (эстетик тарбия: лот. «эстеziо» – «гўзалликни ҳис этаман» маъносини билдиради) шахсни ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат муносабатлари ҳамда турмуш турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш, тўғри тушунишни ўрганатиш, уларнинг эстетик дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, шунингдек, гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялаш жараёни бўлиб, ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми саналади. Ақлий, ахлоқий, меҳнат тарбиясини эстетикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эстетик тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахсга ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат муносабатлари ҳамда турмуш турмуш гўзалликлари ва уларни англаш тўғрисидаги билимларни бериш;

- шахсда ижтимоий воқелик, табиат ва меҳнат муносабатлари ҳамда турмуш турмуш гўзалликларини англаш ва идрок қилиш қобилиятини тарбиялаш,

- унда мавжуд гўзалликларни кадрлаш ҳисси ҳамда эстетик дидни шакллантириш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш;

- гўзалликни яратиш эҳтиёжини қарор топтириш, бу борадаги қобилият ва эстетик маданиятни шакллантириш.

Эстетик тарбия ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш, уларнинг ижодий қобилиятларини тараққий эттиришга катта таъсир кўрсатади. Таълим муассасаларида мусиқа ва тасвирий санъат дарслари, адабиёт каби фанларнинг ўқитилиши эстетик тарбияни самарали йўлга қўйиш воситаси ҳисобланади.

Эстетик тарбия бола туғилгандан бошлаб умрининг охиригача амалга оширилади. Шу сабабли, у нафақат мактабда, балки синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда уюштирилувчи тадбирларда, турли анжумаларда ёш авлодни гўзаллик ва нафосатни ҳис этишга ундовчи воситадир.

Халқимизда, «Оқ бўлмасин, пок бўлсин», «Поклигинг – соғлигинг», «Соғ юрай десанг, озода бўл», «Яхши либос танга оройиш» каби мақоллари билан ёшларимизни табиат ва жамиятдаги гўзалликларини кўра билишга, уларни кадрлашга ўргатиб келишган.

Эстетик тарбия фақат нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаш, гўзал жиҳатларини кўра билишнигина эмас, балки ички гўзалликни ҳис қилиш хислатини ҳам тарбиялайди. Инсондаги хулқий гўзалликни кадрга етишга ундайди.

Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида Ширинни зоҳирий ва ботиний гўзаллик соҳибаси сифатида тасвирлайди. Биламизки, унинг бу даражага етишишда холаси Меҳрибонунинг тарбиявий таъсири катта бўлган. Ширин мамлакат ободончилиги, канал қизиш, сув чиқариш каби ишларда иштирок этади ва уша хайрли ишларга раҳбарлик қилади.

Ширин энг оғир дамларда ҳам Фарҳодга вафодор, садоқатли, иродали ёр бўлиши билан бирга тадбирли мураббия, одил ва донишманд давлат арбоби, қомила, оқила ва фазилатли, латофатли қиз эди. Шириннинг бу фазилатлари минглаб қизларга ўрнак бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Эстетик тарбия томонидан амалга оширилувчи вазифаларини шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) ўқувчиларга назарий эстетик билимларни бериш;
- 2) уларда амалий эстетик кўникмаларни шакллантириш.

Назарий ва амалий эстетик билимларни эгаллаш асосида ўқувчиларда қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

- эстетик билимларнинг таркиб топганлиги;
- эстетик маданиятнинг тарбияланганлиги;
- эстетик ва маданий мерос намуналаридан хабардор бўлиш;
- эстетик туйғунинг ривожланганлиги;
- ижтимоий ҳаёт, табиат ва меҳнат гўзалликларини ҳис этиши;
- гўзалликка интилиш эҳтиёжининг ривожланганлиги;
- эстетик идеалнинг шаклланганлиги;
- фикрлаш, фаолият, хатти-ҳаракат ҳамда ташқи кўринишда гўзал бўлишга интилиш.

Эстетик фаолиятга киришиш вазифаси ҳар бир тарбияланувчининг тасвирий санъат, мусиқа, хореография тўғаракларида фаол иштирок этиши, ижодий бирлашмалар, гуруҳлар, студиялар ва ҳоказоларда қатнашишини назарда тутати.

Бироқ, ҳозирги замон мактабларида ташкил этилаётган эстетик тарбия шахсни эстетик жиҳатдан шаклланишини таъминлаш борасидаги мавжуд талабларга жавоб бермаяпти.

Ижтимоий тарбия мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун тарбия жараёнининг хусусиятларини англаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёнининг моҳияти. Тарбия жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг муҳим хусусияти аниқ мақсадга йўналтирилганлигидир.

Замонавий талқинда тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни демакдир. Зеро, тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятлари ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади.

Тарбия жараёни кўп қиррали жараён бўлиб, улар тарбия моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташқи (субъектив ва объектив) омиллар асосида ташкил этилади. Субъектив омиллар шахснинг ички эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳаётий муносабатларини англашиш, объектив омиллар эса шахснинг ҳаёт кечириши, шаклланиши, ҳаётий муаммоларини ижобий ҳал этиши учун шароит яратати. Тарбия мақсади педагогик фаолият мазмуни, йўналиши, шакли ҳамда объектив шароитлар билан қанчалик мутаносиб келса, шахсни шакллантириш борасида шунчалик муваффақиятга эришилади. Тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва бошқарилишида нафақат ўқитувчи фаолияти, балки ўқувчининг ёш ва психологик хусусиятлари, ўй-фикрлари, ҳаётий қарашлари ҳам муҳим ўрин тутати.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг узок муддат давом этишидир. Тарбия натижалари тез суръатда яққол кўзга ташланмайди. Ўзида инсоният сифатларини намоён эта олган шахсни тарбиялаб вояга етказишда узок муддатли давр талаб этилади. Мактаб тарбияси шахс онги, дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутати. Чунки ёшлик йилларида инсонда одоб тизими юқори даражада таъсирчан ҳамда беқарор бўлади. Шу боис тарбия муваффақияти айни ўқувчилик йилларида шахсга тўғри тарбия бериш лозимлигини тақозо этади. Тарбия жараёнининг яна бир муҳим хусусияти унинг узлуксизлиги саналади. Тарбия жараёни ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари жараёнидир. Ўқувчиларда ижобий сифатларни қарор топтиришда ягона мақсад сари йўналтирилган, бир-бирини тўлдирувчи, бойитиб боровчи, такомиллаштирувчи тарбияни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигида ташкил этилаётган тарбиявий тадбирларни узлуксиз ўтказилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ёшидаги болани тарбиялашда мактаб етакчи ўрин эгалласа ҳам, болаларга узлуксиз таъсир ўтказа олмайди. Чунки болалар маълум муддатгина мактаб, ўқитувчининг тарбиявий таъсири остида бўлиб, қолган вақтнинг асосий ҳисмини оилада, кўчада, жамоат орасида ўтказадилар. Кузги, кишки, баҳорги ва айникса, ёзги таътил даврларида ўқувчилар мактаб, ўқитувчи таъсиридан четда қоладилар. Демак, мактабда болаларни тарбиялаш вақт жиҳатидан чегараланган бўлиб, синфдан ва мактабдан ташқари амалга ошириладиган тарбиявий ишлардан ҳоли вақтда улар ўқитувчи ёки тарбиячининг тарбиявий таъсири ва назоратидан узоқлашадилар.

Ўқувчиларга нисбатан мактаб (таълим муассасаси)нинг таъсирини сусайтирмаслик мақсадида, синфдан ва мактабдан ташқари ҳамда таътил даврларида тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилади.

Айни вақтда, республикада ўқувчиларнинг таълим-тарбия муассасаларидан узоқлаштирмаслик мақсадида кўшимча таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. кўшимча таълим муассасаларида ўқувчилар хусусий фанлар ва хорижий тилларни мукамал ўрганишлари, техника ва бадий йўналишлар бўйича билим олишлари, амалий фаолият кўникмаларига эга бўлишлари мумкин. кўшимча таълим муассасаларида ташкил этилаётган турли йўналиш ва мавзулардаги учрашув, кўргазма, кўрик ва суҳбатлар ўқувчиларнинг тафаккур дунёсини бойитишда, уларда мустақкам характер ва иродани таркиб топтиришда муҳим ўрин тутди.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг яхлит тарзда тизимли ташкил этилишидир. Яхлитлик шундан иборатки, тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, вазифалари ва методларининг бирлиги шахсни шакллантириш ғояси амалга ошириш учун хизмат қилади. Бизга маълумки, шахс сифатлари навбатма-навбат эмас, балки яхлит тарзда ўзлаштирилади. Шу боис педагогик таъсир ҳам яхлитдир, тизимлилик характериغا эга бўлиши мумкин.

Тарбия жараёнининг яхлитлик, тизимлилик хусусияти бир қатор муҳим педагогик талабларга амал қилиши ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорликни эҳтиёткорлик билан қарор топтириши талаб қилади.

Икки томонлама алоқа икки йўналишда, яъни, ўқитувчининг ўқувчига нисбатан кўрсатадиган таъсири (тўғри алоқа) ҳамда ўқувчининг ўқитувчига нисбатан муносабати (тескари алоқа) тарзда тишқил этилади.

Тарбиянинг педагогик технологияси назарияси ғоясига мувофиқ эндиликда ўқувчи тарбия жараёнининг объектигина бўлиб қолмасдан, субъектив сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчининг ички имкониятлари, унга нисбатан бўлаётган ташқи таъсирлар, ахборот манбаларини инобатга олиши зарур. Агарда, мазкур талаб унутилса, шахсни тарбиялаш қийинлашади ёки барча уринишлар самарасиз яқунланади.

Мана шундан тарбия жараёнининг яна бир муҳим хусусияти – тарбияда қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги келиб чиқади. Ушбу қарама-қаршиликлар ўқувчиларда ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган

дастлабки сифатлар ўртасида ёки ўқувчиларга қўйиладиган талаблар билан уларни бажариш имкониятлари ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқиши учун замин яратади.

Бундан ташқари, бу қарама-қаршиликлар кўпинча боланинг онги билан хулқи бир-бирига мувофиқ бўлмаслигидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўқувчилар ёш ва шахсий психологик хусусиятлари (фёъл-атвори, характери, қизиқишлари, жисмоний, рухий ва физиологик соғломлиги)ни яхши билмаслиги оқибатида келиб чиқади.

Демак, тарбия жараёни ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этиди:

- 1) аниқ мақсадга йўналтирилган жараён;
- 2) кўп қиррали жараён;
- 3) узоқ муддатли жараён;
- 4) яхлит тизимлилик жараён;
- 5) икки томонлама алоқа жараёни;
- 6) қарама-қаршиликлардан иборат жараён.

Назорат учун саволлар:

1. Тарбиянинг мақсади нимадан иборат?
2. Шахсан Сиз тарбиянинг вазифаларини қандай тушунасиз?
3. Тарбиянинг турларини тасвирлаб беринг.
4. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Тест топшириқлари:

1. Таълим олувчиларни фан асосларига оид билимлар тизими билан қуроллантириш ижтимоий тарбиянинг қайси йўналиши асосида амалга оширилади?

- а) ахлоқий тарбия;
- в) жисмоний тарбия;
- с) ақлий тарбия;
- д) меҳнат тарбияси;
- е) эстетик тарбия.

2. қайси жавоб вариантыда тарбия жараёнининг хусусиятлари тўғри кўрсатилган?

- а) диалектик жараён;
- в) технологик жараён;
- с) гностик жараён;
- д) диагностик жараён;
- е) аниқ мақсадга йўналтирилган, кўп қиррали, узоқ муддатли, яхлит тизимли, икки томонлама алоқа, қарама-қаршиликлардан иборат жараён.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғғБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, Халқ мероси нашриёти, 1993.
5. Педагогика ғА.қ.Мунавварованинг умумий таҳрири остида. - Тошкент, Ўқитувчи, 1993.
6. Подласўй И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн. 2. – Москва, Владос, 1999.

ИИ БЎЛИМ. ЯҒОНА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН

1-ҚИСМ. ДИДИКТИКА (ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ)

ДИДАКТИКА – ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ СИФАТИДА. ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАЛАРИ

Дидактика ҳақида тушунча. Дидактиканинг предмети ва вазифалари. Дидактиканинг ташкил топиши ва ривожланиши. Инсоннинг фаолиятида ўқитиш ҳар доим жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Таълим тасодифий, интуитив хусусиятга эга бўлганда ҳам ва асосан тасодифан ахборотларни бериш ҳамда тақлид қилишдан иборат бўлганда ҳам шундай бўлган; кейинчалик ҳам, таълим мақсадга мувофиқ мунтазам ва режалаштирилган жараёнга айланганда, мактаб пайдо бўлганида ҳам шундай бўлган. Бироқ узоқ вақт давомида таълимни назарий таҳлил қилиш ва ўрганиш ишлари олиб борилмади, шунинг учун ўз назариясига эга бўлмади. Фақатгина ХВИИ аср бу соҳада муҳим ўзгаришлар олиб келди: айнан ўша пайтда таълим алоҳида ном олди ва тарихда биринчи дидактик фаолиятнинг илмий асосланган тизимига асос солинди.

Дидактика (таълим назарияси): юнонча «дидактикос» “ўргатувчи”, «дидаско» эса – “ўрганувчи” маъносини билдиради) таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва хоказо муаммолар)ни ўрганувчи фан.

Бу сўз 1613 йили Германияда немис педагоги Вольфганг Ратке (1571-1635 йиллар) томонидан киритилди.

Бу тушунчани шунга ўхшаш усулда буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) “Буюк дидактика” номли машхур асарида тилга олади. Лекин Коменский “дидактика бу фақат таълимгина эмас, балки тарбиялаш ҳам”, деб таъкидлайди. Мазкур асарда олим таълим назариясининг муҳим масалалари: таълим мазмуни, таълимнинг кўргазмалилиги, кетма-кетлиги каби тамойиллари, синф-дарс тизими борасида сўз юритади.

Дидактиканинг предмети, функциялари ва вазифаси. Педагогика фани таълим ва тарбия жараёнини уларнинг яхлитлиги ва бирлиги асосида ўрганеди. Икки фаолиятнинг ҳар бирининг моҳиятини аниқ баён этиш учун дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назариясини ажратиб кўрсатадилар.

Ҳозирги даврда дидактика ўқитишнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шакллари илмий асослаб берувчи педагогика соҳаси сифатида тушунилади.

Умумий дидактикадан ташқари хусусий дидактикалар ёки алоҳида фанлар бўйича таълим методикаси деб аталувчи дидактикалар ҳам мавжуд.

Уларнинг мазмуни таълимнинг маълум босқичларида у ёки бу фанларни ўрганиш ва таълим беришнинг назарий асосларини белгилайди. Ҳар бир ўқитувчи дидактика асосларини пухта билиши ва уларга таянган ҳолда фаолиятни ташкил этиши зарур.

Дидактика предметини аниқлаш бўйича турли қарашлар илгари сурилган. қарашларнинг турлича бўлиши дидактиканинг методологик категорияларини аниқ ажратилмаганлиги билан боғлиқ.

Кўпчилик олимлар таълим объект деб ўқитиш жараёнининг мақсади, мазмуни, қонуниятлари, методлари ва тамойилларини кўрсатадилар.

Дидактика таълимни ижтимоий тажрибани бериш воситаси сифатида эътироф этади. Таълим ёрдамида ёшларни ҳаётга тайёрлаш амалга оширилади. Таълимий фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи - ўқувчи, ўқувчи – ўқув материали, ўқувчи - бошқа ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар юзага келади.

Педагогик адабиётларда улардан қайси бири дидактика учун асосий ҳисобланиши кераклиги борасида ҳам турли фикрлар келтирилади ҳамда ўқувчининг ўқув материалига бўлган муносабати, яъни, билимларни ўрганиш муносабатини асосий деб эътироф этувчи қарашлар сони нисбатан кўп.

Дарҳақиқат, ўқиш, ўрганиши таълим жараёнининг ажралмас хусусиятидир. Таълимга психология нуқтаи назаридан ёндашилса, ушбу муносабатнинг устуворлигига шубҳа қолмайди. Бироқ, таълимга педагогик, яъни, ижтимоий тажрибани бериш, ўргатиш нуқтаи назаридан қаралса фаолият учун асосий саналувчи муносабат – икки шахс (ўқувчи ва ўқитувчи) ўртасидаги муносабатлар етакчи ўрин эгаллаши лозим эканлиги англанади.

Дидактика предметини моҳиятини очишга хизмат қилувчи яна бир қараш таълим-тарбия жараёнини яхлит ўрганиш зарурлигини илгари суради.

Таълимнинг тарбиявий вазифалари ўқувчининг билимни ўзлаштиришларини таъминлабгина қолмай, шахс хусусияти, унинг ривожланиши, маълум маънавий-ахлоқий сифатларни ўзлаштириши, феъл-атвори, хулқини тарбиялаш учун зарур шарт-шароитни яратишдан иборат.

Дидактикага таълимнинг мазмунли ва жараёнли жиҳатларини биргаликда ўрганиш хосдир. Амалиётни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш масалаларини назарда тутган ҳолда дидактика таълимни фақатгина ўрганиш объекти сифатидагина эмас, балки илмий асосланган лойиҳалаштириш объекти сифатида қарайди.

Умумий дидактиканинг предмети дарс ўтиш (ўқитувчи фаолияти) ва билим олиш (ўқувчининг ўрганиш фаолияти)нинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ҳисобланади.

Дидактиканинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнлари ва уларни амалга ошириш шартларини таърифлаш ва тушунтириш;

- таълим жараёнини янада мукаммал ташкил этиш, яъни, таълим тизимлари ва технологияларини ишлаб чиқиш;

- таълим жараёни учун хос бўлган умумий қонуниятларни аниқлаш, омилларини таҳлил қилиш ва таърифлаш.

Дидактика назарий ва бир вақтнинг ўзида меъёрий-амалий фан. Дидактиканинг илмий-назарий вазифаси таълимнинг мавжуд жараёнларини ўрганиш, унинг турли жиҳатлари ўртасидаги боғлиқликлар, уларнинг моҳиятини очиб бериш, ривожланиш тенденциялари ва келажагини аниқлашдан иборатдир.

Ўзлаштирилган назарий билимлар таълим амалиётини йўналтириш, таълимни жамият томонидан қўйилаётган ижтимоий талабларга мувофиқ такомиллаштиришга имкон беради. Таълим мазмунини англаб олиш, таълим тамойиллари, таълим метод ва воситаларини қўллаш меъёрларини аниқлаш асосида дидактика амалий-меъёрий ҳамда ташкилий-технологик вазифани бажаради.

Дидактиканинг асосий категориялари ва дидактик тушунчалар тизими. Муайян фанга хос бўлган тушунчаларда инсоният томонидан ижтимоий тараққиёт жараёнида тўпланган билимлар акс этади. Мавжуд илмий тушунчалар икки асосий гуруҳга ажратилади:

1) фалсафий тушунчалар;

2) хусусий илмий, яъни, муайян фангагина хос бўлган тушунчалар.

Дидактика учун “умумий ва алоҳида”, “моҳияти ва ҳодиса”, “қарама-қаршилиқ”, “боғлиқлик” каби фалсафий тушунчалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дидактикада қўлланиладиган умумий-илмий тушунчалар орасида “тизим”, “тузилма”, “вазифа”, “элемент” кабилар алоҳида ўрин тутаяди. Педагогикага хос дидактик тушунчалар сирасига қуйидагилар киради:

1) таълим - ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш

қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён;

2) дарс – бевосита ўқитувчи раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли;

3) билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни;

4) таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

5) ўқув фани – таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган ҳамда ўзида муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билим асосларини жамлаган манба.

б) таълим мазмуни – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган ҳамда маълум шароитда муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар моҳияти.

Дидактикада “идрок этиш”, “ўзлаштириши”, “маҳорат”, “ривожланиш” ва бошқалар (психология) ҳамда “бошқариш”, “қайта алоқа” (кибернетика) каби турдош фанларга хос бўлган тушунчалар ҳам қўлланилади.

Дидактиканинг тушунчали-терминологик тизими мунтазам янгилашиб ва тўлдирилиб борилмоқда.

Дидактиканинг асосий категориялари қуйидагилардан иборат: дарс, билим олиш, таълим, билим, кўникма, малака, таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим жараёни, таълим жараёнини ташкил этиш, таълим турлари, шакллари, методлари ва воситалари, таълим натижаси.

Сўнгги пайтларда асосий дидактик категориялар сирасига таълимнинг дидактик тизими ва таълим технологияси каби тушунчаларни ҳам киритиш таклифи илгари сурилмоқда.

1) билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи;

2) билим олиш – идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни;

3) кўникма – шахснинг муайян фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти;

4) малака – муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли;

5) таълим – ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён;

6) таълим методлари – таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи усуллар мажмуи;

7) таълим мазмуни – шахсинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқараши, одоби, хулқи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти;

8) таълим воситалари – таълим самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув қуроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитофон, видеомагнитофон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар) ва субъектив (ўқитувчининг нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва ҳоказолар) омиллар;

9) таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён;

10) таълим мазмуни – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган ҳамда маълум шароитда муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар моҳияти;

11) таълим мақсади (ўқиш, билим олиш мақсади) – таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи ғоя;

12) таълим натижаси (таълим маҳсули) – таълим якунининг моҳиятини қайд этувчи тушунча; ўқув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси;

13) таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш;

14) таълим тизими – ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамойиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари мажмуи.

Дидактик назария (концепция)лар ва уларнинг фалсафий асослари. Таълим жараёни психологик-педагогик концепциялар (улар аксарият ҳолларда дидактик тизимлар ҳам деб аталади) асосида ташкил этилади.

Дидактик тизим (юнонча «сйстема» – яхлит қисмлардан ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнинг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш демакдир. У таълимнинг мақсади, тамойиллари, мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг бирлиги асосида ташкил этилган тузилмаларнинг ички яхлитлигини ифодалайди. Тадқиқотчилар мавжуд дидактик концепция (тизим)ларни умумлаштириб қуйидаги гуруҳларга ажратадилар:

- 1) анъанавий;
- 2) прогрессив;
- 3) замонавий.

Таълим назариясида Я.А.Коменский, И.Песталлоци ва И.Гербартларнинг дидактик концепциялари муҳим аҳамиятга эга.

Анъанавий дидактик тизимнинг яратилиши немис файласуфи, психолог ва педагог И.Ф.Гербарт (1776-1841 йиллар) номи билан боғлиқ. У Я.А.Коменскийнинг синф-дарс анъанавий тизимини танқидий нуқати назардан қайта асослаб, этика ва психологиянинг назарий ютуқларига таянган ҳолда таълим тизимини яратди.

И.Ф.Гербарт таълим тизимининг асосий белгиси қуйидагилардан иборат. ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини таъминлаш мактабнинг асосий вазифаси; болани тарбиялаш эса оиланинг вазифасидир.

Прогрессив (педоцентрик) тизим боланинг билим олишида фаолиятининг асосий роль ўйнашини эътироф этади. Мазкур тизим асосини Д.Дьюи тизими, Г.Керштейннинг меҳнат мактаби, В.Лай назариялари ташкил этади.

Замонавий дидактик тизим. XX асрнинг 50-йилларида психолог ва педагог Б.Скиннер қисмларга бўлинган ахборотларни етказиш, бу жараёни мунтазам назорат қилиш асосида материални ўзлаштиришда самарадорликка эришиш ғоясини илгари суради. Мазкур ғоя кейинчалик дастурий таълим деб аталади. Кейинчалик Н.Краудер назорат натижаларига қараб ўқувчига мустақил ишлаш учун турли материалларни таклиф этадиган тармоқлаштирилган дастурларни яратди.

Д.Дьюининг назарий ғоялари муаммоли таълимнинг асоси бўлиб қолди. Бугунги кунда муаммоли таълим деб номланувчи, ушбу ғоя ўқитувчи раҳбарлиги остида муаммоли вазиятни яратиш ва уларни ҳал этишда ўқувчиларнинг фаоллик ва мустақилликларини таъминлашга эришишни назарда тутди. Муаммоли таълимнинг вазифаси фаол ўрганиш жараёнини рағбатлаштириш, ўқувчиларда фикрлаш, тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Л.В.Занковнинг (1901-1977 йиллар) ривожлантирувчи таълим концепцияси XX асрнинг 50-йилларида кенг тарқалди. Унинг ғояларини амалга ошириш таълим жараёнига инсонпарварлик ғоясини сингдириш, шахсни баркамол ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга имкон беради.

Психолог Л.С.Вүготский (1896-1934 йиллар) томонидан 30-йилларда илгари сурилган “Яқин ривожланиш зонаси” ғояси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра бола катталар ёрдамида билим олиб, ўзи мустақил бажара олмаган ишларни бажара бошлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида таълим ва тарбияни инсонпарварлик, демократик ғояларга мувофиқ ташкил этилиши эътироф этилган.

Таълимни инсонпарварлаштириш таълим жараёнида ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унинг шаъни, обрўси, кадр-қимматини поймол этмаслик, мавжуд истеъдодини ривожлантиришни назарда тутди. Демократлаштириш эса педагогик жараёнда расмиятчиликка йўл қўймаслик, таълим дастурларини танлашда ўқувчиларнинг фикрларини инобатга олишни ифодалайди.

Республика узлуксиз таълим тизими ижтимоий буюртмани бажаришга хизмат қилади, баркамол шахс ва етук мутахассисни тарбиялаш вазифасини бажаради.

Замонавий педагогикада таълим парадигма (модел)лари.
Педагогик парадигма (юнонча «парадеигма» - мисол, намуна) – педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (модел, стандарти) сифатида илмий педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами бўлиб, у таълимнинг концептуал модели сифатида қўлланилади. Бугунги кунда таълимнинг қуйидаги парадигмалари кенг тарқалган:

1. Анъанавий – консерватив парадигма (билим парадигмаси).
2. Рационалистик (бихевиористик) парадигма.
3. Феноменологик (гуманистик) парадигма.
4. Технократик парадигма.
5. Эзотерик парадигма.

Айни вақтда таълим парадигмаларини белгилашга нисбатан уч хил ёндашув мавжуд:

1. қадриятли (аксиологик) ёндашув - маданият инсон ҳаётининг мазмуни сифатида тушунилади.

2. Фаолиятли ёндашув асосан маданият моддий ва маънавий бойликларини яратишга йўналтирилган фаолиятнинг синалган усуллари сифатида талқин этилади.

3. Шахсий ёндашув - маданият муайян шахс тимсолида намоён бўлади.

Маданиятга нисбатан турли ёндашувларнинг мавжудлиги бир қатор парадигмаларнинг яратилишига замин яратади.

Ҳар бир парадигма муайян таълимий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Хусусан:

- ижтимоий институт сифатида ўқув муассасаларининг вазифалари;
- таълимнинг самарали тизими;
- ўқув юртлари олдида турган энг муҳим, устувор масала;
- таълимнинг ижтимоий аҳамиятли мақсадлари;
- муайян билим, кўникма ва малакаларнинг қимматли ҳисобланиши.

Айни вақтда қуйидаги парадигмалар мавжуд:

1. Билим олишнинг анъанавий парадигмаси (модел) (Ж.Мажо, Л.Кро, Ж.Капель ва бошқалар)

Унга кўра таълимнинг асосий мақсади - “Билим, қанчалик қийин бўлмасин билим олиш”. Анъанавий парадигма мактабнинг мақсади ёш авлодга индивидуал ривожланиши ҳамда ижтимоий тартибни сақлаб қолишга ёрдам берувчи маданий меросларнинг муҳим элементлари – билим, кўникма ва малакалар, илғор ғоялар ва қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда уларни ёшларга етказиш муҳим эканлигини ёритади. Билим олиш

парадигмасининг асосий мақсади: таълим олиш, тараққиёт ва маданиятнинг энг муҳим элементларини авлоддан-авлодга етказиш.

2. Рационалистик (бихевиористик) парадигма (П.Блум, Р.Ганье, Б.Скиннер ва бошқалар). Рационалистик парадигма диққат марказида таълим мазмуни эмас, балки ўқувчилар томонидан турли билимларни ўзлаштирилишини таъминловчи самарали усуллари ётади. Таълимнинг рационалистик модели асосини Б.Скиннернинг ижтимоий инженерия бихевиористик (инглизча *беҳавиор* - хулқи) концепцияси ташкил қилади.

Мактабнинг мақсади – ўқувчиларда ғарб маданияти ижтимоий коидалари, талаблари ва кўзлаган мақсадларига мос келадиган мослаштирувчи “хулқий репертуар”ни шакллантиришдир. Шу билан бир вақтда, “хулқи” атамаси билан “инсонга хос ҳамма таъсирланишлар – унинг фикрлари, сезги ва ҳаракатлари” ифодаланади (Р.Тайлер).

Бунда таълимнинг асосий методлари, ўргатиш, тренинг, тест синовлари, индивидуал таълим, тузатишлари бўлиб қолади. Бунинг оқибатида, таълимнинггина эмас, балки дарс беришнинг ҳам ижодий характерини аниқлаш муаммоси муҳокама қилинмайди.

П.Блум барча ўқувчилар фақат ўзлаштирибгина қолмай, балки муваффақиятли ўқишлари мумкин деб ҳисоблайди. Ўқувчининг оптимал қобилиятлари маълум шароитларда, ўқувчига таълим бериш натижаси унинг суръати билан аниқланади. Олимнинг фикрича, таълим олувчиларнинг 95 фоизи таълим муддатларига бўлган чеклашлар олиб ташланганда ўқув курсининг бутун мазмунини ўзлаштириб олишга қодирлар. Ана шу нуқтаи назардан ўқувчилар томонидан билимларнинг муваффақиятли ўзлаштирилишини таъминловчи методика ишлаб чиқилади, унинг моҳияти қуйидагичадир:

1. Бутун синф ёки курс учун тўла ўзлаштириш эталони, мезонини аниқ белгилаб олиш асосида ўқитувчи таълим якунида эришилиши керак бўлган аниқ натижаларнинг рўйхати ва унга мувофиқ келувчи тестларни тузади.

2. Ўқув бирликлари, яъни, ўқув материалларининг яхлит бўлимлари кўрсатилади, уларни ўзлаштириш натижалари аниқланади, якуний баҳога таъсир кўрсатмайдиган навбатдаги тестлар тузилади. Бу тестларнинг вазифалари – тузатиш, коррекциялашдан иборат.

3. Тўла ўзлаштиришга йўналтирилган ҳар бир ўқув курс материалларини ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун тест синовларини ўтказиш. Бу ўринда ҳар бир ўқувчига баҳо ва таълим мақсадларининг аҳамиятини тушунтириш муҳим.

Предметларни бўш ва ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг қобилиятларини жадал ривожлантириш П.Блум концепциясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Турли мамлакатларнинг (Австрия, Бельгия, АҚШ ва бошқалар) таълим тизимлари тажрибаси рационалистик (бихевиористик) парадигма ғояларига мувофиқ иш кўрилганда 70 % ўқувчилар юқори натижаларни қайд этганликларини кўрсатади.

Юқорида қайд этилган таълим йўналишлари ўзида инсонпарварлик ғояларини ифода этмаган, улар бола дунёқарашининг ривожланиши, шахснинг ривожланишида шахслараро муносабатларнинг муҳим ўрин тутушини назарда тутмайди.

3. Гуманистик (феноменологик) парадигмага кўра (А.Маслоу, А.Комбс, К.Роджерс, Л.С.Вўгодский ва бошқалар) таълим олувчи эркин шахс, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ўзига хос ривожланиш имкониятларига эга. Улар болани ривожлантириш мақсадида уни шахслараро муносабатлар жараёнига йўналтиради. Таълимнинг феноменологик (феномен юнонча «пҳаиноменон» – ҳисобланган, яъни, машҳур, алоҳида нодир одам) модели ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг талаб ва қизиқишларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни кўзда тутди. Унинг вакиллари ўқувчини нодир шахс деб ҳисоблайдилар. Гуманистик парадигма доирасида фаолият олиб боровчи ҳар бир таълим тизими ижодий ривожланади ва ўқувчи ҳамда ўқитувчининг эркинлиги ва ижодкорлигини ёқлайди.

Гуманистик парадигма ғоялари 1991 йилдан кейин республика узлуксиз таълим тизимига жорий этила бошланди. Парадигманинг диққат марказида ўқувчининг баркамол ривожланиши, унинг интеллектуал эҳтиёжлари, “эркин фикрлайдиган шахсни тарбиялаш” масаласининг ижобий ҳал этилиши ётади. Айни вақтда республика таълим муассасаларида кўйидаги ғояларга амал қилинмоқда: “Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашга ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. ... Мустақил фикрлаш – ҳам катта бойликдир”¹.

Эзотерик парадигма (юнунча «есотерикос» ички, сирли, яширин, фақатгина билувчилар учун мўлжалланган инсоннинг дунё билан ўзаро алоқалари юксак даражаларини акс эттиради). Моделнинг моҳияти ҳақиқат абадий ва ўзгармас, доимий эканлигини таъкидлашдан иборат. Парадигма тарафдорлари ҳақиқатни билиб бўлмаслиги, унга фақатгина фаҳмлаш асосида эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Педагогик фаолиятнинг олий мақсади коинот билан мулоқот, ўқувчининг табиий кучларини озод этиш ва ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ўқитувчининг ҳимоялаш вазифаси муҳимдир, у ўқувчининг мавжуд имкониятларини уни маънавий, жисмоний, психик жиҳатдан ривожлантиришга йўналтиради.

Илмий-техник, **технократик парадигманинг** асосий мақсади амалиётни такомиллаштириш асосида таълим олувчиларга “аниқ” илмий билимларни бериш ва уларнинг ўзлаштирилишини таъминлашдир. Билим - кучдир, шу боис шахс қиммати унинг ўрганиш, билим олиш, имкониятлари билан белгиланади. Шахс муайян (ўртача, стандартлаштирилган) билим ёки хулқ-атвор эгаси бўлсагина кадрият сифатида эътироф этилади деган ғоя ушбу парадигманинг асосини ташкил этади.

¹ Каримов И.А. Баркамол ривожланган авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 9-бет

Сўнги йилларда ноинституционал парадигма ривожлана бошлади. У таълимни ижтимоий институтлар, яъни, мактаб ва олий таълим муассасаларидан ташқарида ташкил этиш ғоясини илгари суради. Бу таълим “табиатда” - Интернет, “очиқ мактаблар” – компьютерлар воситасида таълим дастурларига (масофадан ўқитиш) мувофиқ ўқитиш самарали дея ҳисоблайди.

Назорат учун саволлар:

1. “Дидактика” тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Дидактиканинг предмети ва объекти нималардан иборат?
3. Дидактиканинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Дидактиканинг асосий категориялари қайсилар?
5. Дидактик концепциялардан қайсилари билан танишсиз?
6. Ривожлантирувчи концепциянинг моҳияти нимадан иборат?
7. Ривожлантирувчи таълимнинг асосий тамойиллари қайсилар?
8. Муаммоли таълимнинг моҳияти нимадан иборат?
9. “Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусиятлари” тушунчасини Сиз қандай тушунасиз?
10. Замонавий дидактик тизимнинг ўзига хос белгилари нималардан иборат?
11. Педагогик парадигма нима? Таълимнинг асосий парадигмаларини айтиб беринг.

Тестлар топшириқлари:

Дидактика деб нимага айтилади?

- а) дидактика бу шахснинг ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги фан;
- в) таълим мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларини илмий асослаб берувчи таълим педагогик назарияси, педагогиканинг соҳаси;
- с) бола шахсини шакллантириш қонуниятлари ҳақидаги фан;
- д) тарбияловчи таълим моҳиятини ўрганадиган соҳа;
- е) дарсни самарали ташкил этиш шартларини белгилайдиган ёндашув.

2. Умумий дидактиканинг предмети нимадан иборат?

- а) дарс ўтиш ва билим олишнинг ўзаро алоқалари ва боғлиқлиги;
- в) алоҳида фанга таълим назарияси
- с) таълим фаолиятнинг алоҳида тури сифатида
- д) таълим жараёнида шахснинг психологик ривожланиши
- е) ўқувчиларни шакллантириш ва таълим олишнинг ижтимоий шароитлари.

3. қайси жавоб вариантида дидактиканинг асосий категориялари кўрсатилган?

- а) тарбия, шакллантириш, ривожлантириш, таълим, таксология;
- в) синф-дарс тизими, жараён, тузилиш, бошқариш, қайта алоқа;
- с) муқобиллик, синф, самарадорлик, идрок қилиш, ўзлаштириш, ўқув фани
- д) дарс ўтиш, билим олиш, таълим, таълим жараёни, шакл, метод;
- е) ўқувчи, тарбия, шакллантириш, бошқариш, натижа.

4. Бу ифода таълимнинг қайси парадигмаси ғоясини ифодалайди: «... парадигмалар ўқувчини ҳаёт субъекти сифатида ўзини ривожлантириш эҳтиёжига эга эркин ва маънавий шахс сифатида, диққат марказига қўяди»?

- а) анъанавий парадигма;
- в) технократик парадигма;
- с) инсонпарварлик (феноменологик) парадигма;
- д) эзотерик парадигма;
- е) рационалистик (бихевиористик) парадигма.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғўБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғўБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Мавлонова Р. Ва бошқ. Педагогика. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001.
5. Подласўй И.П. Педагогика. Новўй курс. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ЯХЛИТ ТИЗИМ СИФАТИДА. ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида. Таълим тушунчаси ва моҳияти. Таълим тизимли билим олишнинг энг муҳим ва ишончли усулидир. Таълимга икки томонлама алоқа (таълим олиш ва таълим бериш), шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ва бошқа хусусиятлар хосдир. Таълим, шунингдек, ўзига хос хусусиятлар ҳам эга. Таълим ўқитувчи томонидан бошқарилувчи ўзига хос англаш жараёнидир. Ўқитувчининг йўналтирувчи сифатидаги роли ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминловчи билим, кўникма ва малакаларни тўлиқ ўзлаштира олишларида кўринади.

Таълим ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти жараёни ҳам саналади. У ўқувчиларга ўқув материали мазмунини тушунтириб беради,

савол ва топшириқлар беради, уларнинг фаолиятини назорат қилади, хато ва камчиликларини аниқлайди, йўл қўйилган хатоларни тўғрилайди, қандай ишлаш лозимлигини қайта кўрсатади. Ҳар қандай таълим ўзида ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти, яъни, ўқитувчининг ўргатиш ҳамда ўқувчининг ўрганишга йўналтирилган фаолияти, бошқачаи айтганда тўғридан тўғри, бевосита ва нисбий муносабат¹ акс этади.

Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро мулоқат юзага келади. “Мулоқот” тушунчаси “таълим” тушунчасидан кўра кенг маънога эга.

Таълим ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш, уларда амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган жараёндир.

Таълим ва таълим жараёни (дидактик жараён) синоним тушунчалар эмас. Жараён бу яхлит педагогик ҳодиса, педагогик фаолиятнинг таркибий қисми сифатида таълим тизимининг муайян ҳолатини ўзгартириш ҳисобланади. Жараён моҳиятини В.П.Беспалько томонидан таклиф этилган қуйидаги формула асосида тўлақонли англаш мумкин:

$$ДЖ \text{ к } М \text{ к } \text{ ЎфкБ}$$

Бу ерда; ДЖ – дидактик жараён;

М – ўқувчиларнинг ўқиш (таълим олиш) мотивацияси;


Ўф – ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолияти;

Б – ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш.

Таълим жараёнининг яхлит тизим сифатидаги тавсифи. Таълим жараёнининг “яхлитлиги” “тизимлилиги” ва “мажмуавийлиги”ни бир хилда талқин этиш мумкин эмас. Бироқ, таълим жараёнининг яхлитлиги унинг тизимлилиги билан узвий боғлиқ.

Тизим (мустақил тушунча сифатида) ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва ўзаро яхлитликдир. Демак, таълим яхлит тизим сифатида кўплаб ўзаро боғлиқ қуйидаги элементларни ўз ичига олади: таълим мақсади, ўқув ахборотлари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълимий фаолиятлари, унинг шакллари, педагогик мулоқот воситалари, шунингдек, таълим жараёнини бошқариш усуллари.

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида қуйидагича намоён бўлади (4-чизма):



Барча таркибий қисмларнинг ўзаро бирлиги ва яхлитлиги сифатида намоён бўлувчи таълим жараёнининг негизини ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълимий фаолиятлари ташкил этади.

Таълим функциялари. “Функция” тушунчаси “таълим вазифалари” тушунчасига яқиндир. Таълим функцияси таълим жараёни моҳиятини ифода этади, вазифаси эса таълимнинг компонентларидан бири ҳисобланади.

Дидактика таълим жараёнининг қуйидаги учта функциясини ажратиб кўрсатади: таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш.

Таълим бериш функцияси таълим жараёнининг ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат. Таълим натижаси сифатида билимларининг тўлалиги, чуқурлиги, тизимлилиги, англанганлиги, мустақкамлиги ва амалий хусусият касб этиши муҳимдир. Бу каби ҳолатлар таълим жараёнининг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ифодалайди.

Таълим жараёнида ўқувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар асосида ҳосил қилинган амалий кўникма ва малакаларнинг шаклланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Кўникма – шахснинг муайян ҳаракат ёки фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

Малака деганда муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлашган шакли тушунилади. Умумий кўникма ва малакаларга оғзаки ва ёзма нутқни билиш, ахборот материалларидан фойдалана олиш, ўқиш, манбалар билан ишлаш, реферат ёзиш, мустақил ишини ташкил этиш кабилар киради.

Таълимнинг ривожлантирувчи функцияси таълим жараёнида билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчининг ривожланиши содир бўлишини кўрсатади. Ривожланиш қуйидаги йўналишларда содир бўлади:

нутқи ривожланиши, фикрлаши, шахнинг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий ва эҳтиёж-сабабли соҳалари ривожланади. Тўғри ташкил этилган таълим шахсни ҳар доим ривожлантиради, лекин ўқитувчи ва ўқувчининг шахсий ҳар томонлама ривожланишига қаратилган махсус ўзаро муносабатларида ривожлантириш функцияси янада самаралироқдир.

Таълимнинг ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилганлиги “ривожлантирувчи таълим” тушунчаси билан ифодаданади. XX аср 60-йилларидан бошлаб ривожлантирувчи таълимни ташкил этишга нисбатан турли ёндошувлар юзага келди.

Буларнинг ҳаммаси таълимни ташкил этиш фақат билимларни шакллантиришга эмас, ўқувчини ҳар томонлама ривожлантириш (биринчи навбатда, ақлий ривожлантириш, ақлий фаолият усуллари, анализ қилиш, таққослаш, турларга ажратиш ва бошқаларни кузатиш, хулоса чиқариш, объектларнинг муҳим белгиларини ажрата билиш, фаолият мақсади ва усуллари аниқлашни билишга ўргатиш, унинг натижаларини текширишни билиш малакасини ривожлантириш)га хизмат қилишини англатади.

Таълим жараёни тарбияловчи хусусиятга ҳам эга. Тарбия ва таълим ўртасидаги боғлиқлик объектив ва қонуний ҳисобланади. Бироқ шахсни таълим жараёнида тарбиялаш ташқи омиллар (оила, микромуҳит ва бошқалар)нинг таъсири туфайли қийин кечади.

Тарбиялаш функцияси. Таълимнинг тарбияловчилик хусусияти турли ижтимоий тузум ҳамда шароитда ҳам яққол намоён бўлади. Тарбиялаш функцияси таълим мазмуни, шакли ва методларининг моҳияти билан белгиланади ва ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ташкил этиш жараёнида етакчи ўрин тутаяди.

Таълим жараёнида шахнинг маънавий-ахлоқий ва эстетик тасаввурлари, хулқ-атвори ва дунёқараши шакллантирилади.

Таълимнинг тарбияловчилик хусусияти, энг аввало, таълим мазмунида акс этади. Бироқ, шуни ҳам эътиборда тутиш керак-ки, барча ўқув фанлари ҳам бирдек тарбияловчилик имкониятига эга эмас. Гуманитар ва эстетик фанларнинг бу борадаги имкониятлари юқори.

Таълим жараёнида тарбиянинг иккинчи омили ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабатлари, синфдаги психологик муҳит, ўқиш жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятларига ўқитувчининг раҳбарлиги ҳисобланади. Замонавий педагогика ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатнинг энг қулай усули сифатида демократик усулни эътироф этади. Бу усул таълим жараёнида ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқишларини инобатга олинишини англатади.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаолиятлари.
Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ва тузилиши. Таълим муассасаси (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасалари)да ташкил этилувчи таълим жараёнида ўқувчининг фаолияти ўқитувчи раҳбарлиги

остида кечади. Ўқитувчи фаолиятининг вазифаси ўқувчиларнинг ижтимоий борлиқни онгли ва фаол идрок этишга йўналтирилган фаолиятларини бошқаришдан иборатдир.

Таълим жараёнини бошқариш қуйидаги босқичлардан иборат:

- 1) режалаштириш;
- 2) ташкил этиш;
- 3) бошқариш (рағбатлантириш);
- 4) назорат;
- 5) натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Ўқитувчи фаолиятини режалаштириш босқичи календар-тематик ёки дарслар режаларини тузиш билан яқунланади. Режалар, режа-конспектлар ёки конспектларни тузиш учун узоқ, жиддий ишлаш керак бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг тайёрликлари даражаси, уларнинг ўқув имкониятлари, моддий база ҳолати, шахсий (касбий) имкониятларини ўрганиб чиқиши, ўқув материали мазмунини танлаб олиши, дарс олиб бориш шакли ва методини ўйлаб чиқиши керак бўлади.

Ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ўқувчилар олдида ўқув масалаларини қўйишни ва уни бажариш учун имкониятлар яратишдан иборат бўлади.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти. Билим олиш фаолиятнинг ўзига хос кўриниши сифатида муайян тузилиш, ривожланиш ва фаолият қонуниятларига эга. Билим олиш борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни ҳисобланади. Билим олишнинг муҳим компоненти мотив, яъни, таълимий характердаги ҳаракат ёки фаолиятни ташкил этишга нисбатан рағбатни ҳис этиш, эҳтиёжнинг юзага келишидир.

Ўқишнинг кейинги компоненти ўқув ҳаракатлари (операциялари) саналаиб, улар анланган мақсадга биноан амалга оширади. Ўқув ҳаракатлари ўқув жараёнини ташкил этишнинг барча босқичларида намоён бўлади. Ҳаракатлар ташқи (кузатиладиган) ва ички (кузатилмайдиган) кўринида бўлиши мумкин. Ташқи ўқув ҳаракатларига предметли ҳаракатлар (ёзиш, расм чизиш, тажрибалар ўтказиш); перцептив ҳаракатлар (тинглаш, фикрлаш, кузатиш, сезиш) ҳамда нутқдан фойдаланиш киради.

Ички (мнемоник, юнончадан «мнемоникон» - эслаб қолиш маданияти) ҳаракатларга материални эслаб қолиш, уни тартибга солиш ва ташкил этиш, шунингдек, тасаввур ва фикрлаш ҳаракатлари (интеллектуал) киради.

Ҳар қандай билимни ўзлаштиришда ўқувчилардан идрок этиш маданиятига эга бўлиш ва ўқув материални англаб етиш талаб этади. Педагогик жараёнда ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг маъносини етарли даражада тушунмай, фақат товушлар бирлиги сифатида қабул қилиниши ва ёдлаб олиниши хавфилидир.

Ўқувчиларни илмий билимларни уларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўзлаштириш шартлари билан таништириб, уларга ўзини ўзи назорат

қилишнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Ўзини ўзи назорат қилишда ўқувчилар улар қўллаётган ақлий меҳнат воситаларининг самарадорлиги, шунингдек, ўз меҳнати натижаларини баҳолаши керак.

Натижаларни баҳолаш, назорат қилиш ва таҳлил этиш ўқув ҳаракатларининг ажралмас қисмлари ҳисобланади. Таълим жараёнида ўқувчи томонидан ўзини назорат қилиш, ўзини баҳолаш ва ўзини анализ қилиш амалга ошириш ўқитувчининг шунга ўхшаш ўргатувчи ҳаракатларини кузатиш асосида шаклланади. Бу ҳаракатларни шакллантириш ўқувчиларни ўз тенгдошлари фаолиятини кузатишга жалб этиш, ўзаро назоратни ташкил этиш, ўрнатилган мезонлар асосида ўз фаолияти натижаларини ўзаро баҳолаш ва таҳлил қилишга ёрдам беради.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг тузилиши. Ўқувчилар ўқув идрок этиш фаолиятларини бошқаришга ўрганиб олиш учун билимларни ўзлаштириш жараёни тузилишини яхши тасаввур этиш, ўқувчилар томонидан билимларнинг эгаллаш босқичларини билиши зарур: идрок этиш, ўқув материални англаб етиш, мустаҳкамлаш, амалий фаолиятида билимларини қўллаш.


Биринчи босқич идрок этиш ҳисобланади. Психологиядан маълумки, идрок этиш аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни бўлиб, у танлаш хусусиятига эга. Шунинг учун биринчи навбатда ўқувчиларга мавзунини, яъни, уларнинг нимани ўрганишлари (масалани қўйиш)ни тушунтириб бериш керак. Шу асосида ўқув материали билан дастлабки танишиш амалга оширилади. У ҳақиқий мавжуд ёки ҳаёлий предмет, ҳодиса, вазиятларни кузатиш, мумкин бўлган тажрибаларни ўтказишдан иборат бўлади. Биринчи босқич ўқувчи қайси ҳодиса ва воқеаларни, предметларни ўрганиш ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлганида ва ўқув масаласини тушуниб етганда яқунланади.

Иккинчи босқич – ўқув материални англаб етиш. У маълумотларнинг назарий жиҳатларини ажратиб олиш ва анализ қилишдан иборат. Бунда асосий мазмунни топиш, тушунчани ажратиб олиш, уларнинг белгиларини асослаб бериш, тушунтириш материални хусусиятини аниқлаб олиш, мисоллар ва тушунтирувчи далиллар тўпламини ўрганиб чиқиш керак. Бу вазиятда билимлар ўртасидаги тизимлилик муҳим аҳамиятга эга. Унда ўқувчи энг асосий, иккинчи даражали ҳамда қўшимча, тушунтирувчи элементларни ажратиб кўрсатсин. Ўқувчи ўқув масаласини ечиш усулини тушунса, билимлар ўртасидаги тизимни англаб етса ушбу босқич яқунланган саналади.

Учинчи босқич – эслаб қолиш ва мустаҳкамлаш. Бу босқич ўзлаштирилган билимларини узоқ вақт давомида сақлаб қолишдан иборат. Унда идрок этиш фаолияти кўпроқ машқлар, мустақил репродуктив ва ижодий масалалар хусусиятига эга бўлади. Назарий материал, тушунча, қоида, исботлар турли хил машқларда такрорланади. Ўқитувчи ўқувчилар топшириқларни тушуниб бажаришларини кузатиб бориши керак. Улар

матнларни механик кўчириб олишлари, топшириқларни бажаришлари, қоида ва тушунчаларни чуқур англаб етмай бажаришлари мумкин. Босқич якунида ўқувчилар назарий материалларни биладилар ва улардан машқларни бажариш, масалани ечиш, теоремани исботлашда фойдаланишни биладилар. Уларда ўқув малакалари ва кўникмалари шакллантирилган бўлади.

Тўртинчи босқич билим, кўникма ва малакаларни амалий фаолиятда қўллашдан иборат бўлади. Билимларини қўллаш ўрганилаётган материалнинг мазмуни хусусиятига қараб фаолият турли шакллари ва кўринишларида амалга оширилиши мумкин. Бу ўқув машқлари, лаборатория ишлари, тадқиқот топшириқлари, мактаб ер майдонидаги ишлар бўлиши мумкин. Билимларни эгаллаб олиш босқичлари схематик кўриниши куйидагичадир:



Таълимнинг гносеологик асослари. Ўқув жараёнини мантиқий қурилиши таълим мазмунининг хусусиятлари ва гносеологик жиҳатларига боғлиқ.

Гносеология (юнонча – «гносис» («гносеос»)- билим, онг, ўрганиш, логия –фан, таълимот) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот.

Ижтимоий тараққиёт тарихида инсоннинг атроф-муҳитни билиши умумий тузилишига ва босқичларига турлича ёндошишлар маълум. Ана шу ёндошишлар ўқув жараёнини қуриш ва таълим мазмунини тушуниш мантиқини белгилаб беради.

Муҳаммад ал-Хоразмий (IX аср) билиш назарияси ривожланишига катта ҳиссасини қўшган. У биринчи бўлиб коинот объектларининг ҳаракатлари ҳамда ердаги нуқталарининг жойлашишини жадвал кўринишида акс эттириб, тажриба-кузатиш ва тадқиқотлар методларини илмий жиҳатдан асослаб берди, ягоналикнинг бирлиги тамойили, шунингдек, алоҳида ва умумий, индукция ва дедукцияларнинг моҳиятини аниқлаштирди; математик масалаларни ечишнинг алгоритмик методини ишлаб чиқди. Бу методдан бугунги кунда ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Ал-Киндий (IX аср) илмий билишнинг уч босқичли концепциясини илгари суради. Аллома инсоннинг билишини: сезгига оид ва рационал билиш тарзида иккига ажратади. Сезиб билишнинг предмети ва объекти барча жисм ва моддий нарсалар ҳисобланади. Киндийнинг фикрича, сезиб билиш ақл учун муҳим материални беради.

Фақатгина ақл ташқи дунё ҳақида ҳақиқий билим ва тушунчани ишлаб чиқишга қодир, - деб ҳисоблайди Киндий.

Абу Наср Форобий (X аср) Киндий ғояларининг моҳиятини аниқлаштиради. Бирор нарсани билишга интилган инсон аввало унинг маълум ҳолатини ўрганади, ўзлаштирганларини ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларга йўналтиради. Аллома фанлар классификацияси, шунингдек, билиш фаолиятини ташкил этишга оид тавсияларни ишлаб чиқади. Яхши назарийчи бўлиш учун дейди, - Абу Наср Форобий, - қайси фан билан шуғулланишидан қатъий назар қуйидаги учта шартга амал қилиш керак:

- 1) фан асосида ётувчи барча тамойилларни яхши билиши;
- 2) ушбу тамойил ва маълумотлар асосида зарур хулосани чиқариши, яъни, мулоҳаза юритиш қоидаларини билиши керак;
- 3) хато назарияларни исботлаб бериш ва бошқа муаллифлар фикрларини таҳлил қилишни, шунингдек, ҳақиқатни ёлғондан ажратиш ва хатони тузатишни билиши зарур.

Абу Райҳон Беруний Беруний (XI аср) билишни узлуксиз, тўхтовсиз давом этадиган жараён сифатида тушунади. Алломанинг фикрича, инсоният борлиқнинг ҳақиқий моҳияти, ҳозирча номаълум бўлган жиҳатларини келажақда билиб олади.

Абу Али ибн Синонинг (XI аср) билиш назариясида сабаб ҳақидаги таълимот алоҳида ўрин олади. У сабабларни аниқ, сезиш асосида англанадиган ва яширин, ташқи ҳолатларини таҳлил этиш асосида тушуниладиган сабабларга ажратади ва ҳодисанинг моҳияти унинг юзага келиш сабабларини аниқлаш йўли билан англаниши мумкин деб ҳисоблайди. Аллома ушбу гносеологик қондани ўзининг табиблик амалиёти, касалликларни уларнинг симптомлари бўйича ва дорилар таъсирини кузатиш асосида аниқлаган.

Чех педагоги Я.А.Коменский XVIII асрда таълим жараёнининг моҳиятини илмий асослашга уринди. Аллома томонидан илгари сурилган таълимнинг табиийлиги ғояси таълим жараёни, унинг тузилиши, тамойил ва методлари табиат қонунларига мувофиқ белгиланишини таъкидлайди.

Я.А.Коменскийнинг табиатга боғлиқлиги ҳақидаги ғояси – ғарб олимларининг таълим жараёнининг гносеологик асосларини очиб бериш, моддий дунё қонунларининг ўқув жараёнига таъсирини кўрсатиб беришга уринишларидан биридир.

XVIII асрда француз олими Жан Жак Руссо ҳам инсоннинг табиат ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги фалсафий дунёқарашлар асосида таълим моҳиятини очиб беришга уриниб кўрган. Олимнинг фикрича, таълим

жараёнининг моҳияти боланинг атроф-муҳитни билиши табиатидан келиб чиқади. Бола табиат кўйнида, қишлоқ жойларда ривожланиши керак.

Боланинг атроф-муҳит моҳиятини тез англашини хусусиятини ҳисобга олиб экзистенциализм (юнонча «ехистетиа» - мавжудлик) вакиллари таълим моҳиятини кўйидагича ифода этадилар: мактабнинг асосий мақсади интеллектини ривожлантириш эмас, балки болани эмоционал тарбиялашдир.

Экзистенциализм рационал билишни рад этади, таълим фандан кўра санъатга яқинроқ деб ҳисоблайди, шунингдек, борлиқни бевосита билиш методини илгари суради.

Таълим мазмуни масалаларига бошқа бир ёндошиш “Прагматизм педагогикаси” ёки прогрессивизм АҚШда алоҳида ривожланди. Унинг етакчиси Джон Дьюи мазкур таълимотни ифодалашда прагматизмнинг фалсафий ғояларини асос қилиб олди. Прагматизм (юнонча прагма – иш, ҳаракат, фалсафий амал) замонавий Америка фалсафасида идеалистик оқим. Бу оқим ҳақиқатнинг объективлигини рад этади, ҳақиқат бу объектив борлиққа мос келмайди, балки амалий фойдали натижалар беради.

Д.Дьюи фикрича, билиш ва билим инсон ўз ҳаётида дуч келадиган турли муаммо ёки қийинчиликларни енгиш воситаси ҳисобланади. Билим яшаш учун кураш воситаси ва шахснинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Биз фақатгина муаммони ҳал этаётганимизда фикрлаймиз, бунинг бошланиш йўли ҳар доим қийинчиликни ҳис этиш ҳисобланади.

“Ҳаракатлар педагогикаси” концепцияси кўп жихатдан Дж.Дьюининг фалсафий (прагматизм) ва психологик қарашларининг оқибати ҳисобланади. Унинг муаллифи, реформаторлардан бири немис педагоги Вильгелм Август Лай (1862-1926 йиллар) билим олиш жараёнида кўзга ташланувчи кўйидаги уч босқични кўрсатади: идрок этиш, қайта ишлаб чиқиш, ифода этиш.

Бугунги кунда ҳам таълим моҳиятини тушунишга нисбатан турлича ёндошишлар мавжуд. Хусусан:

1. Социологик ёндошиш. Унга кўра таълимнинг моҳияти ижтимоий тажрибаларни ёшларга етказишдан иборат. Ўқувчилар инсониятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси натижалари бўлган билимларни ўрганадилар. Таълимнинг мазмуни ўқувчиларнинг аждодлар тажрибасини ўзлаштиришга хизмат қилувчи жараёнини ташкил этишдан иборат. Бу фалсафий қоида ижтимоий-тарихий тараққиётнинг муҳим омили - шахс камолотини тушунишга илмий ёндашишни англатади. Таълимга бундай ёндашиш ижтимоий жараён ҳисобланади.

Бошқа бир ёндашишни хусусий педагогик ёки дидактик ёндашиш деб аташ мумкин. Бу ёндашиш яхлит таълим жараёнининг боришини белгилаб берувчи билим олиш босқичлари (ўқув материални ўрганишни, уни англаб етиш, мустаҳкамлаш, амалий фаолиятда билимларини қўллаш)ни ифодалайди. Мазкур ёндашувга кўра таълим мазмуни ўқувчилар томонидан билим эгаллаш босқичларининг кетма-кетлигига амал қилиш асосида фаолиятни ташкил этишдан иборат.

Концепция тарафдорлари билиш йўлини қуйидагича формула асосида ифодаляйдилар: жонли мушоҳададан абстракт фикрлашга ва абстракт фикрлашдан амалиётга.

Таълим мазмунини тушунишга нисбатан **психологик** ёндашиш билимларни ўзлаштириш ва инсон ривожланиши борасидаги психологик назарияда илгари сурилган ғояларга таянади.

Бу концепциянинг келиб чиқиши Л.С.Вўготскийнинг (1896-1934 йиллар) таълимнинг шахс ривожланишида асосий омил бўлиши ҳақидаги “яқин ривожланиш зонаси” деб юритилувчи қарашининг яратилиши билан боғлиқ. Унга кўра, таълим фақат яқин зонада қурилганда, ҳали тўла шаклланмаган, лекин ўқув жараёнини қуришга асос бўла оладиган механик ҳаракатлар асослангандагина мазмунга эга бўлади.

Психологик тадқиқотлар педагогик назарияни сўзсиз бойитади. Билим олиш жараёнида шахс ривожланишининг кечиш жараёни моҳиятини очиб беради. Аммо фақат психологик ғоялар асосида таълим моҳиятини ёритиш педагогик жараёни бир томонлама талқин этишга олиб келади.

ХИХ асрнинг 40-йилларида диалектик материализм назарияси асосланди. Диалектик материализм табиат, жамият ва фикрлашнинг ҳаракатланиши ҳамда ривожланиши борасидаги умумий қонунларни ёритувчи фалсафий таълимотдир. Бу таълимотда Феербахнинг материализми ва Гегелнинг диалектикаси узвий равишда бирлашади. Бу таълимот таълим жараёни инсон онгининг борлиқни акс эттира олишига имкон бериши зарур деган ғояни илгари суради. Ҳақиқатни билиш мураккаб жараён. Диалектик назария ғоясига кўра ривожланишнинг асоси қарама-қаршилик ҳисобланади. Ривожланиш қарама-қарши кучлар курашидир.

Диалектик ёндошишга биноан таълим жараёнининг асосий қарама-қаршиликларини қуйидагилар саналади:

1. Ижтимоий-тарихий (илмий) билимлар ҳажми ва ўқувчи ўзлаштирган билимлар ҳажми ўртасидаги қарама-қаршилик. Бу қарама-қаршилик таълим жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. У таълим мазмунини доимий такомиллаштиришга олиб келади. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ижтимоий-техник тараққиёт даражасига яқинлаштириш зарурияти таълим мазмунини тубдан янгилаш, уни янги тамойил, шакл, метод ва воситаларини излашни муҳим ижтимоий вазифа қилиб қўймоқда.

2. Ўқувчи томонидан ўзлаштирилган ўрганишнинг амалий жиҳатлари (шакл, метод ва воситалари)нинг даражаси билан ижтимоий-тарихий билиш (ўрганишнинг ўқувчи эгаллаб олиши керак бўлган шакл, метод ва воситалари) даражаси ўртасидаги қарама-қаршилик. Бу қарама-қаршилиқни ҳал этиш ўқувчининг интеллектуал ривожланиши суръати ва даражасига боғлиқ. Бир хил мазмун ва ҳажмдаги ўқув материали ақлий ривожланишнинг турли кўрсаткичларига намоён этиши мумкин.

3. Ўқувчининг мавжуд ривожланиш даражаси билан ижтимоий буюртмада кўзда тутилувчи ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-

қаршилик. Агарда ижтимоий талаб боланинг идрок этиш имкониятидан юқори бўлса, унда жиддий қийинчилик юзага келади.

XX асрнинг 80-90-йилларида педагогик ҳодисалар, шу жумладан, таълим муаммоларини ҳам ўрганишда МДХ давлатларида аксиологик ёндашув кўзга ташлана бошлади. Аксиология (юнонча «ахиос» – қимматли, логия - фан) – қадриятлар ҳақидаги фалсафий таълимот бўлиб, у XIX асрнинг охири XX аср бошларида шаклланган.

Россиялик баъзи олимлар (В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, Е.Н.Шиянов) мазкур ёндашувни таълимнинг янги фалсафаси асоси ҳамда замонавий педагогиканинг методологияси сифатида тушунишни таклиф этадилар¹.

Ҳаёт, соғлиқ, муҳаббат, оила, таълим, меҳнат, тинчлик, ишонч, гўзаллик, ижод ва шу каби қадриятлар ҳамма даврларда ҳам инсон ҳаёти учун ўзига хос аҳамият касб этган. Инсонпарварлик ғояси асосини ташкил этувчи ушбу қадриятлар тарихий тараққиёт жараёнида вақт синовидан ўтган. Ўзбекистон Республикасида кечаётган демократик ўзгаришлар мазкур қадриятларни қайта тиклаш ва баҳолаш заруриятини кун тартибига олиб чиқмоқда.

Инсонпарварлик ғояси марказида шахсни ҳар томонлама камол топтириш масаласи ётади. Шахсни ривожлантирувчи таълим назарияси асосчилари ушбу масалани назария учун қилиб олганлар. Ривожлантирувчи таълим назариясининг ғоялари XX асрнинг 80-йилларида педагогикага муқобил сифатида юзага келган ҳамкорлик педагогикасида ўз аксини топди.

Ҳамкорлик педагогикасини новатор-педагоглар (Ш.А.Амонашвили, С.Н.Лисенко, И.П.Волков, В.Ф.Шаталов, Е.Н.Ильин ва бошқалар) педагогик жараён иштирокчилари (ўқитувчи ва ўқувчилар) ўртасида инсонпарварлик тамойилига асосланган ўзаро муносабатлари ташкил этишини таъкидлаб ўтадилар. Ҳамкорлик педагогикаси учун концептуал аҳамиятга эга қоидалари - А.Авлоний, ғ.ғулом, К.Д.Ушинский, А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинский, Ж.Ж.Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс ва бошқаларнинг педагогик қарашларида ўз ифодасини топган. Педагогик ҳамкорлик ғоялари бугунги кунда педагогик технологиялар мазмунига сингдирилган ва “XXI аср таълими Концепцияси” асосини ташкил этади.

Педагогик ҳамкорлик мазмуни ва методикаси хусусиятлари куйидагилардан иборат:

Болага инсонпарварлик асосида шахсий ёндашув мактаб таълими тизимида бола шахси, унинг ҳали ривожланмаган қобилиятлари, «мен»лиги устувор ўрин тутаяди. Мактабнинг мақсади мавжуд қобилиятларни ривожлантириш, шахсни ижтимоий фаолиятга жалб этиш, уни эркин ривожлантиришдан иборат.

Шахсга йўналтирилган (ривожлантирувчи) технологиялар асосида куйидаги ғоялар муҳим ўрин тутаяди:

1. Шахсга таълимнинг мақсади сифатида янгича қараш: бола мактабда – тўла ҳуқуқли шахс, педагогик жараёнда субъект; шахснинг

¹ Философия образования XX века. – Москва, Педагогика, 1992.

ривожланиши – таълим тизимининг мақсади; ҳар бир эркин, ўз фикрини мустақил ифодаловчи, баркамол шахсни тарбиялаш таълим мақсадининг асоси каби ғояларларни акс эттиради.

2. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш болаларга нисбатан муҳаббатли бўлиш, уларнинг тақдири билан қизиқиш; болага ўз кучи ва иқтидорига ишонтириш; педагогик муносабатлар жараёнида у билан ҳамкорликка эришиш, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳуқуқ жиҳатлдан тенглиги; боланинг эркин танлаш ҳуқуқи; хато қилиш ҳуқуқи; ўз шахсий нуқтаи назарига эга бўлиш каби ҳолатларни ифодалайди. Аксинча, тўғридан-тўғри мажбурлаш инкор этилади.

3. Индивидуал ёндошишнинг янги талқини. Унинг мазмуни ўқув фанини ўқувчига эмас, балки болани ўқув фанига йўналтиришдан иборат. Индивидуал ёндашиш қуйидагиларни ўз ичига олади: материални ўртача ўзлаштирувчи ўқувчиларга мўлжаллашдан четланиш, шахснинг ижобий сифатларини кўра билиш, шахсни психологик-педагогик диагностика қилиш.

4. Шахснинг ижобий «Мен-концепцияси»ни шакллантириш. Мен-концепцияси – бу шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари асосида шахсий хулқини шакллантирувчи тизим бўлиб, ижобий Мен-концепцияси (Мен ўзимга ёқаман, Мен ҳар ишга қодирман, Мен ҳамма нарсани биламан) шахсни муваффақиятларга рағбатлантириб, шахснинг ижобий намоён бўлишига ёрдам беради. Салбий Мен-концепцияси (Мен ўзимга ёқмайман, Мен ҳеч нарсани бажара олмайман, Мен ҳеч кимга керак эмасман) унинг турли фаолият йўналишларида муваффақиятга эришишига ҳалақит беради, ўқиш натижаларини ёмонлаштиради, шахсда салбий сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Ўқитувчининг вазифаси ҳар бир ўқувчи тимсолида комил шахсни кўриш, уни тушуниш, қабул қилиш ва унга ишонишдан иборат («Ҳамма болалар истеъдодли» тарзида).

5. “Нимага?” ва “қандай таълим?” масаласини ҳал этишга янгича ёндашиш. Унинг моҳияти таълим мазмунини шахс ривожланишининг воситаси сифатида тушунишдан иборат.

6. Замонавий мактабда тарбиялаш концепцияси. Ҳамкорлик педагогикаси қуйидаги муҳим ғояларни акс эттиради: билимлар мактабини тарбия мактабига айлантириш, ўқувчи шахсини яхлит тарбия тизимининг марказига қўйиш, тарбиянинг инсонпарварлик хусусиятига эғалиги, умуминсоний ва миллий кадриятларнинг шаклланиши, боланинг ижодий қобилияти ҳамда унинг индивидуаллигини ривожлантириш, индивидуал ва жамоавий тарбияни уйғунликда олиб бориш.

Педагогик ҳамкорлик юқорида қайд этилган ғоялар асосида шахсга йўналтирилувчи (ривожлантирувчи) технология яратилади. Таълим технологиясининг моҳияти шахсни ривожлантириш, таълим назариясини асослаш учун назарий шарт-шароит яратиш, фалсафаси эса инсонни шакллантиришдан эмас, балки унга ўзи ўзини тарбиялашга ёрдам беришдан иборат.

Таълим қонуниятлари ва тамойиллари. Ўқув жараёнида амал қилувчи барча қонуниятлар умумий ва хусусий тарзига икки гуруҳга ажратилади. Амал қилинишига кўра яхлит дидактик тизимни қамраб оладиган қонуниятлар умумий, амал қилинишига кўра фақат алоҳида таркибий қисмларига тааллуқли бўлган қонуниятлар эса хусусий (аниқ) деб аталади.

И.П.Подласый¹ таълим жараёнининг қуйидаги умумий қонуниятларини ажратиб кўрсатади:

1. Таълим мақсади қуйидагиларга боғлиқ: жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражаси, жамиятнинг талаблари ва имкониятлари ҳамда педагогика фани ва амалиётининг ривожланганлиги ва имкониятлари даражаси.

2. Таълим мазмуни қуйидагиларга боғлиқ: таълимнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва мақсадлари, ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт суръати, ўқувчиларнинг ёши имкониятлари, таълим назарияси ва амалиётининг ривожланиш даражаси, шунингдек, ўқув юртининг моддий-техник ва иқтисодий имкониятлари.

3. Таълим сифати (самарадорлиги) қуйидагиларга боғлиқ: аввалги босқич маҳсулдорлиги ва мазкур босқичда эришилган натижалар, ўрганилаётган материал хусусияти ва ҳажми, ўқувчиларга ташкилий-педагогик таъсир кўрсатиш ҳамда ўқувчиларнинг билим олишга қобилиятлари ва таълим вақти.

4. Таълим методлари самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ: методларни қўллашда билимлари ва кўникмалари, таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқувчиларнинг ёши, таълим олиш имкониятлари, моддий-техник таъминот ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш.

5. Таълимни бошқариш маҳсулдорлиги қуйидагиларга боғлиқ: таълим тизимида қайта алоқаларнинг интенсивлиги ва тузатиш, таъсир кўрсатишларнинг асосланганлиги.

6. Таълимни рағбатлантириш самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ: таълимнинг ички рағбатлари (сабаблари) ҳамда ташқи (ижтимоий, иқтисодий, педагогик) рағбатлари.

Замонавий фанга аниқ қонуниятлар кўплаб сони маълумдир. Улар қаторига қуйидагилар киради:

1. Дидактик қонуниятлар.
2. Гносеологик қонуниятлар.
3. Психологик қонуниятлар.
4. Кибернетик қонуниятлар.
5. Социологик қонуниятлар.
6. Ташкилий қонуниятлар.

Дидактик тамойиллар (дидактика тамойиллари) ўқув жараёнининг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан унинг мазмуни, ташкилий шакл ва методларини белгиловчи бошланғич қоидалардир.

¹ Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. – Москва, Владос, 1999.

Тамойил (юнонча «принсипиум») – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошланғич қоидаси; бошқарувчи ғоя, фаолиятнинг асосий қоидаси; умумлаштирилган талаб.

Таълим қонуниятлари ва тамойилларининг шаклланиш тарихи. Ибтидоий жамиятда инсоният ўсиб келаётган авлодга мавжуд билимларни узатиш асосида амалий билимлари аста-секин шаклланган. Ўша даврдаёқ таълим амалий қоидалари ишлаб чиқилган ва авлоддан-авлодга узатиб келинган.

Антик даврда асосан аждодлар тажрибаси анъаналар тарзида умумлаштирилиб, амалий таълим масалалари ҳал этилган. Платон ва Аристотеллар тавсия ҳамда қоидалар тўплами кўринишида амалиётнинг таълим моҳиятини умумлаштиришга уринганлар.

Шарқдаги Уйғониш даврида (IX-XI асрлар) араб, мусулмон маданиятининг Яқин ва Марказий Осиё халқларининг моддий ва маънавий маданияти билан бирлашиши асосида алоҳида синкретик (юнонча сйнкретисмос – бирлашиш, яхлитлик, қўшилиш) маданият бирлашган тури юзага келган. Алломалар Муҳаммад ал-Хоразмий (787-850 йиллар), Абу Наср Форобий (870-950 йиллар), Ал-Киндий (800-870 йиллар), Абу Райҳон Беруний (973-1050 йиллар), Абу Али ибн Сино (980-1037 йиллар) ва бошқалар унинг асосчилари сифатида машҳур бўлдилар. Бу маданиятнинг асосий марказлари Сурия, Эрон, Марказий Осиё ҳудудларида жойлашган. Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида таълим усуллари, қоидалари, тамойиллари, методлари ва шакллари асосида таълим амалиётининг моҳиятини ифода этадилар. Бироқ таълим масалалари билан улар махсус ва изчил шуғулланмаганликлари боис махсус дидактик назария яратилмади. Таълимни улар фан сифатида эмас, бошқа фанларга ўргатиш санъати, хунармандчилик сифатида тушундилар. Шарқ алломалари томонидан илгари сурилган қоида, усул ва тамойилларнинг аксарияти замонавий мактабларда ҳам қўлланилмоқда.

қуйидаги жадвалдан Шарқ алломалари Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ал-Киндий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийлар ҳам таълимнинг илмийлиги, онглилиги, кўргазмалилиги, тушунарлилиги, кетма-кетлиги, мунтазамлиги, мослашувчанлиги ва мустақиллиги, шунингдек, боланинг индивидуал хусусиятлари, лаёқати ва қобилиятларини ҳисобга олиш, таълимни инсонпарварлаштириш каби қоида ва тамойилларини ифода этиб берганлари англанади¹(93-бетга қаранг).

XVIII асрда педагогика амалий табиатшунослик сифатида биология қонуниятларига бўйсунishi эътироф этилган. Педагогикани тубдан тўла

¹ Юзликчаев Ф.Р. Педагогика институтида былажак ы=итувчини дидактик тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш. – Тошкент, Фан, 1995.

кайта қуришни чех олими Я.А.Коменский ва инглиз педагоги Джон Локк амалга оширдилар.

Улар педагогик қонунларининг қуйидаги уч жиҳатига кўра гуруҳлаганлар:

1. Ижтимоий-тарихий.
2. Табиий-тарихий.
3. Психологик.

Кейинчалик бир гуруҳ илғор педагоглар умумий тамойиллар билан қаноатланмай, дидактик қонуниятларини ифода этишга уринганлар. Хусусан, Я.А.Коменский дидактиканинг тематик белгиларига кўра гуруҳланган қуйидаги қоидалар тизимини илгари сурди:

1. “Таълим ва осон ўқишнинг асосий қоидалари” (“Буюк дидактика” - ХВИИ боб);
2. “Табиий ўқиш ва таълимнинг асосий қоидалари”;
3. “Фанларга ўқитиш санъатининг тўққиз қоидаси” (XX боб) ва бошқалар.

Дистервег томонидан асосланган қоидалар сони 33 та бўлиб, улар муайян лойиҳаларга тааллуқли эканлигига кўра гуруҳларга ажратади (биринчи гуруҳ – ўқитувчига нисбатан, иккинчиси – дарс ташкил этилаётган фанга нисбатан, учинчиси – ўқувчига нисбатан ва ҳоказолар тарзида). Шу билан бирга Дистервег мазкур қоидаларнинг айримларини қонунлар ҳам деб атади.

Таълим тамойиллари. Дидактик тамойиллар (дидактика тамойиллари) ўқув жараёнининг умумий мақсадлари ва қонуниятларига кўра ташкил этилувчи таълим жараёнининг ташкилий шакл ва методлари, асосий қоидалари моҳиятини белгиловчи мазмундир. Таълим тамойилларида таълимнинг аниқ, тарихий тажрибага асосланувчи меъёрий асослари (қоидалари) ўз ифодасини топган. Таълим тамойилларини билиш ўқув жараёнини унинг қонуниятлари асосида ташкил этиш, унинг мақсадларини асосли равишда белгилаш ва ўқув материални мазмунини танлаб олиш, мақсадга мувофиқ таълим шакли ва методларини танлаш

Шар= мутафаккирларининг педагогик =арашларилар

Ал-Хоразмий

(757-850 йиллар)
 - Муста=иллик (ижодий фаоллик);
 - кузатилган во=еа ва шодисаларни тушунтиришда мунтазамлик, кетма-кетлик;
 - тажриба вий кузатув методи;
 - индукция ва дедукция;
 - математик масалаларни шал =илишда алгоритмик методлар;
 - ы=итишнинг савол-жавоб шакли (методи)

Ал-Киндий

(800-871 йиллар)
 - '3итишнинг илмийлиги ва онглилиги;
 - англаш фаолиятининг фаоллаштириш методи;
 - манти³ий фикрлаш;
 - '3иёслаш, кузатиш, тажриба методи;
 - к'ргазмалилик;
 - тизимлик, кетма-кетлик ва шоказолар

Ал-Форобий

(870-950 йиллар)
 - амалий ва назарий билимларнинг шаёт билан бо\ли=лиги
 - илмий билимнинг =улайлиги (англашнинг илмий методи);
 - манти=ийлик ва кетма-кетлик;
 - илмийлик, кыргызмалилик, тизимлик (кузатиш ва тажриба);
 - муцокама методи ва усуллари: 1) исботлилик, 2) диалектик ёки мунозара методи; 3) сыфийлик, яъни ра=ибни адаштириш методи; 4) риторик; 5) поэтик;
 - ы=итишнинг тажрибавий кыргызмалилик методи;
 - маш=такрор лаш (ы=итишнинг умумий методи)
 - индукция ва дедукция методи

Ал-Беруний

(973-1050 йиллар)
 - эксперимент
 - ы=увчиларни илмий маълумот билан =уроллантириш;
 - илмий амалиёт;
 - тажриба ва кузатиш;
 - такрор лаш ва хабар бериш;
 - катехизик суцбат;
 - ы=ишнинг =улайлиги (я=индан узо=а, маълумдан ноъмалумга ва бош=алар)

Ибн Сино

(980-1037 йиллар)
 - тажриба;
 - ташлил, синтез, умумлаштириш;
 - жамоавий таълим;
 - ы=итиш тамойиллари: а) болани бирданига китобга бо\лаш мумкин эмаслиги; б) бола билан ытказиладиган маш=лар кучига мос, жамоавий, унинг жисмоний маш=ларга мувофи=, боланинг =обилиятини шисобга олишлик; в) ы=ишда енгилдан о\ирга мунтазам бориш; г) кыргызмалилик тамойили; д) боланинг алошида шахсий хусусиятларини шисобга олиш методлари: а) материални баён этишда тизимлик ва кетма-кетлик; б)манти=ий фикрлаш; в)назария ва амалиётнинг ызаро бо\ли=лиги; г)умумийдан хусусийга ытиш; д)ы=увчиларнинг манти=ий фикрлаши; ж)шахсий кузатиш; з)тажриба, амалиёт ва бош=алар.

Саъдий

(1184-1291 йиллар)
 - билимларни амалиётда =ыллаш;
 - а=лий =обилиятни ривожлантириш;
 - тизимлик, билимнинг тушунарлиги;
 - шахснинг фаоллиги тамойили;
 - билимнинг шаётлиги амалиёт билан бо\ли=лиги
 - мешнат таълими ва бош=аларнинг етакчилик роли

Жомий

(1414-1492 йиллар)
 илмийлик; амалийлик; тизимлик; мунтазамлик; =улайлик; билимни амалиёт билан бо\ли=лиги эгалланган билимларни мустацкамлаш, амалий ашамиятлиги;
 ы=итишнинг инсонпарварлиги ва бош=алар.

Алишер Навоий

(1441-1501 йиллар)
 -боланинг шахсий хусусиятларини шисобга олиш;
 -онглилик, фаолликни ривожлантириш;
 мунтазамлик; материални баён этишнинг =улайлиги;
 -ы=итишни инсонпарварлаштириш;
 -инсон ривожланишининг кып томонлама лилиги;
 -мешнат таълими ва шоказолар

имконини беради. Шу билан бирга бу тамойиллар ўқитувчилар ва ўқувчиларга яхлит жараёнинг босқичларига амал қилиш, ўзаро алоқалар ва ҳамкорликни амалга оширишга имкон беради.

Таълим тамойиллари ўзида тарихийлик хусусиятини намоён этади. Таълим назарияси ва амалиёти ривожланиб боргани, таълим жараёнининг янги қонуниятлари кашф этилиши билан таълимнинг янги тамойиллари ҳам шаклланади, эски кўринишлари ўзгарди. Бу ишлар бугунги кунда ҳам давом этади. Ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларини акс эттирадиган яхлит педагогик жараёнинг умумий тамойилларини келтириб чиқаришга уринишлар кўзга ташланмоқда.

Тамойиллар таълим жараёнининг моҳияти, қоидалар эса унинг алоҳида томонларини акс эттиради.

Таълимни мазмунли ва ташкилий-методик тамойилларидан ташкил топган тизим сифатида эътироф этиш мумкин:

И. Таълимнинг мазмунли тамойиллари. Улар таълим мазмунини танлаш билан боғлиқ бўлган қонуниятларни акс эттиради ва қуйидаги ғояларни ифодалайди:

- фуқаролик;
- илмийлиги;
- тарбияловчи таълим;
- фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги (таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги);
- табиат билан уйғунлиги;
- маданият билан уйғунлиги;
- инсонпарварлиги.

Фуқаролик тамойили. Унга кўра таълим мазмунини шахснинг субъективлигини ривожлантириш, унинг маънавийлиги ва ижтимоий етуқлигига йўналтиришда намоён бўлиши керак. У таълим мазмунини инсонпарварлаштиришни назарда тутаяди ва фуқароликни англаш, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва сиёсий тузилиши ҳақидаги тасаввурлар тизими, ўзбек халқи маданияти психологик хусусиятлари, унинг менталитет хусусиятлари, миллий сиёсати ва маданияти каби долзарб масалалар ҳақидаги тасаввурларининг шаклланиши билан боғлиқ.

Таълимнинг илмийлиги тамойили таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиш даражаси, жаҳон цивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди. Бу тамойил таълим вақтида ва ўқишдан ташқари вақтда амалга ошириладиган таълим мазмуни ўқувчиларни объектив илмий далиллар, ҳодисалар, қонунлар, замонавий ютуқлар ва ривожланиш истиқболларини очиб беришга яқинлаштириб, у ёки бу соҳанинг асосий назария ёки концепциялари билан таништиришга йўналтирилган бўлишини талаб этади.

Таълимнинг тарбияловчилик тамойили яхлит педагогик жараёнда таълим ва тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади. Бу тамойил таълим жараёнида баркамол ривожланган шахсни шакллантиришни кўзда тутаяди. Таълим жараёнида тарбиялашнинг самарали кечиши шахснинг интеллектуал

ривожланиши, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг қизиқишлари, идрок этиш ҳамда индивидуал қобилиятларининг ҳисобга олиниши билан боғлиқ.

Таълимнинг фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги тамойили умуий ўрта таълим мактабларидаёқ ўқувчилар чуқур назарий ва амалий тайёрликдан ўтадилар. Мазкур ҳолат анъанавий дидактикада таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги каби ифода этилади.

Ўқишда фундаменталлик билимларнинг илмийлиги, тўла ва чуқур бўлишини кўзда тутати. У одамдан юксак интеллектуал салоҳият, фикрлаш лаёқатининг тадқиқотчилик кўринишда бўлиши, билимларини доимий равишда тўлдириб бориш истаги ва малакаларини талаб этувчи замонавий илмий-техник тараққиётга асосланган. Фундаментал билимлар аниқ билимларига қараганда секин эскиради, шунингдек, инсон ва хотирасига эмас, кўпроқ унинг фикрлаш лаёқатига боғлиқ бўлади. Таълимнинг фундаменталлиги билимлар мазмунининг мунтазамлиги, назарий ва амалий жиҳатдан ўзаро нисбатда бўлишни талаб этади.

Таълимнинг табиат билан уйғунлиги тамойили. Я.А.Коменский ўзининг табиатга уйғун бўлиши ғоясини ифода этиб, табиатда ҳаёт баҳордан бошлангани каби таълим олиш жараёни учун энг қулай давр болалик эканлигини таъкидлайди. Эрталабки соатлар машғулотларни бажариш учун жуда қулай ҳисобланади. Ўқувчиларга уларнинг ёш даврларини инобатга олган ҳолда билимларнинг берилиши ушбу билимларнинг улар учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Демак, табиат билан уйғунлик ғояси аста-секинлик, кетма-кетлик ва мустақил фаолият каби таълим тамойилининг асоси ҳисобланади.

Ўзбек педагоги Абдулла Авлоний ҳам (1878-1934 йиллар) таълим ва тарбияни йўлга қўйишда табиатга уйғун бўлиши ғоясининг давомчиси бўлган. Ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли асарида бола шахсининг табиий мукамаллигига ишонч билдиради. А.Авлоний бола табиатан гўзаллик ва меҳрибонлик билан уйғунликда туғилади деб ёзади. Алломанинг фикрича, таълим ва тарбиянинг вазифаси бола шахсининг ривожланиши учун ёрдам берувчи шароитларни яратишдан иборат.

Абдулла Авлоний болани миллий маданият, ватанга муҳаббат асосида тарбиялаш ғоясининг тарафдори бўлган, бу хусусида алломанинг асарларида қуйидаги фикрлар ўз ифодасини топган: “... одам туғилган ва ўсиб улғайган шаҳарни ва шу шаҳар жойлашган мамлакатни бу одамнинг Ватани деб айтадилар. Биз туркистонликлар ўзимизнинг куёшли диёримизни жонимиздан ҳам ортиқ яхши кўришимиз каби араблар ўз Арабистонини, ... эскимослар эса ўзларининг Шимолини яхши кўрадилар” деб ёзади. А.Авлонийнинг фикрича, халқпарварликка асосланган таълим ва тарбия ёшларга ватанпарварлик намуналарини кўрсатишга ундаши керак.

Таълимда инсонпарварлик тамойилини боланинг шахс сифатидаги кадр-қиммати, унинг эркинлиги ҳамда бахтли ҳаёт кечирилишини таъминлаш, уни ривожлантириши, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариши, унга ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам кўрсатиши ва хоказоларни назарда тутати.

“Инсонпарварлик” ва “одамийлик” сўзлари юнонча ҳуманус “одамийлик” бир сўздан келиб чиққан. Инсонпарварлик, одамийлик маънавий-ахлоқий тушунчалардир. Инсонпарварлик ғояси антик давр файласуфлари (Сукрот, Афлотун, Арасту ва бошқалар) қарашларида илк бор кўзга ташланади. Марказий Осиёда инсонпарварлик ғоялари Шарқ Уйғониш даврида кенг ривожланди. Абу Наср Форобийнинг фикрича, болани энг аввал ўқимишли, саховатли инсон қилиб тарбиялаш керак, зеро, салбий нуқсонлар болаликдан пайдо бўлади. Шу боис оилада тарбияни йўлга қўйишда хато қилмаслик зарур.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий, демократик жамият барпо этилаётган мавжуд шароитда узлуксиз таълим тизими олдида баркамол, ҳар томонлама ривожланган, эркин, мустақил фикрловчи шахсни тарбиялаш вазифаси турибди. Мазкур вазифа таълим ва тарбия жараёнида болаларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиш орқали ижобий ҳал этилади. Болаларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиш уларнинг тақдири ҳақида қайғуриш, унинг қобилиятини кўра олиш, унга ишониш, шунингдек, боланинг хатога йўл қўйиш, шахсий нуқтаи назарга эга бўлиш ҳуқуқини қадрлашни назарда тутади.

Таълимнинг ташкилий–методик тамойиллари. Таълимни ташкил этиш методикаси таълим мазмунини шакллантириш каби эркин танланиши мумкин эмас. Бу борада муайян ижтимоий, психологик ва педагогик талабларни инобатга олиш зарур. Бундай талаблар таълимнинг ташкилий-методик тамойиллари деб юритилувчи тамойиллар мазмунида ўз ифодасини топган:

- таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги;
- таълимда онглилик ва ижодий фаоллик;
- таълимда кўргазмалилик;
- таълимнинг самарадорлиги ва ишончлилиги (мустаҳкамлиги);
- таълимнинг тушунарлилиги;
- гуруҳли ва индивидуал таълим бирлиги;
- таълимнинг ўқувчилар ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши;
- оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг мувофиқлилиги;
- педагогик ҳамкорлик.

Таълимнинг изчиллиги, тизимлилиги, кетма-кетлиги тамойили билиш босқичларининг объективлигини аниқлатади.

Изчиллик таълим мазмуни, унинг шакли ва усуллари, ўқув жараёни иштирокчилари бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли. У алоҳида парциал (юнонча партиалис - қисман) ва хусусий ўқув вазиятлари, предмет ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик, алоқадорлик қонуниятларини аста-секин ўзлаштириш асосида уларни ягона яхлит ўқув жараёнига бирлаштиришга имкон беради.

Изчиллик таълим жараёнининг маълум тизим ва кетма-кетлик асосида бўлишини назарда тутуди, зеро, мураккаб масалаларни оддий масалаларни ўрганмай туриб ҳал этиб бўлмайди.

Мунтазамлик ва кетма-кетлик у ёки бу ўқув материални ўзлаштириш суръати, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро мослигини таҳлил қилишга имкон беради. Таълимнинг мунтазамлиги ва кетма-кетлиги маълум фанлар бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, борлиқни яхлит идрок этиш ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал этишга имкон беради. Ушбу ҳолатлар биринчи навбатда дастур ва дарсликларни муайян тизимда яратиш, фанлараро ҳамда фанлар ичидаги боғлиқликни таъминлаш эвазига намоён бўлади.

Онглилик ва ижодий фаоллик тамойили. Унинг асосини фанни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлувчи қоидалар мажмуини шакллантириш ташкил этади. Билимларни онгли равишда ўзлаштириш қуйидаги омил ва шартларга боғлиқ: таълим мотивлари, ўқувчиларнинг фаоллик даражаси, ўқув-тарбиявий жараённинг самарали ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан қўлланувчи таълим методлари ва воситаларининг самарадорлиги ва бошқалар. Ўқувчиларнинг фаолликлари репродуктив ва ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Мазкур тамойил ўқувчиларнинг ташаббускорликлари ва мустақил фаолиятларини назарда тутуди.

Кўрғазмалилик тамойили таълим жараёнини ташкил этиш асосида ётувчи муҳим қоидалардан бири ҳисобланади. Я.А.Коменский уни дидактиканинг “олтин қоидаси” деб атаган. Унга биноан таълимда инсон сезги органларидан фойдаланиш керак. “Агарда биз ўқувчиларда ҳақиқий ва аниқ билимлар пайдо қилишни истасак, унда биз умуман ҳамма нарсага шахсий кузатиш ва сезиб кўриш билан Таълимга интилишимиз керак – деб таъкидлайди у – агарда қандайдир предметни бараварига бир неча сезги органлари билан қабул қилиш мумкин бўлса, майли улар бараварига бир неча сезгилари билан ўрганилсин”¹.

Таҷрибалар асосида ўрганилаётган нарсани намоёиш этиш ва жараён моҳиятини ҳикоя қилиб бериш ўзлаштириш даражасини бирмунча оширади. Хусусан, ахборотларни эшитиб қабул қилиш самараси 15 фоиз, кўриб қабул қилиш эса – 25 фоизни ташкил этади. Таълим жараёнида уларни бир вақтда иштирок этиши натижасида маълумотларни қабул қилиш самарадорлиги 65 фоизгача ортади.

Кўрғазмалиликдан ўқув жараёни барча босқичларида фойдаланиш мумкин: янги материални ўзлаштириш, уни мустаҳкамлаш, машқларни ташкил қилиш ҳамда ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштиришларини текшириш ва баҳолашда.

Таълимнинг самарадорлиги ва ишончлилиги тамойили. Анъанавий дидактикада у мустаҳкамлик тамойили каби ифода этилади. Агарда ўқитиш жараёни таълим мақсадларига эришишни таъминламаса, у ҳолда ушбу жараённи ташкил этиш зарурияти юзага келмайди. Шу боис таълим

¹ Коменский Я.А. Буюк дидактика. Изб. пед. соч. В 2 том. М. 1982. Т.1. – с. 384.

самарали, шунингдек, ривожлантирувчи ва тарбияловчи хусусиятга эга бўлиши керак.

Таълимнинг ишончлилиги ва мустаҳкамлилигини таъминлаш учун ўқувчилар ўқиш жараёнида ўқув-ўрганиш ҳаракатларининг қуйидаги тўла циклини ўзлаштира олишлари зарур: ўрганилаётган материалларни дастлабки қабул қилиш, уни чуқурроқ англаб етиш, эслаб қолиш, ўзлаштирилган билимларини қўллаш бўйича маълум фаолиятни амалга ошириш, уларни такрорлаш ва тизимлаштириш.

Таълимнинг чуқурлиги ва мустаҳкамлиги талаби дидактикада анъанавий ҳисобланади ва у юзакиликка қарама-қарши қўйилади. Чуқур, мустаҳкам билимнинг асосий белгиси энг фундаментал ғоялар, қоидалар, тушунча, категорияларни тушуниш, чуқур ўзлаштириш, ўрганилаётган материаллар мазмунини пухта англашдан иборат.

Таълимнинг тушунарлилиги тамойили ўқувчиларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш, жисмоний ва психик соғлиғига ёмон таъсир этувчи интеллектуал ва эмоционал қийинчиликлардан воз кечишни талаб этади. Таълимнинг тушунарли бўлиши ўқувчиларнинг ёши, билиш имкониятларини ҳисобга олиб ўқишнинг мазмунини тўғри аниқлаш демакдир, яъни, ҳар бир ўқув фани бўйича ўқувчилар эгаллаб олиши зарур бўлган билим, амалий кўникма ва малакалари ҳажмини тўғри аниқлашдир. Бу тамойил ўқув жараёнини ўқувчиларда қийинчиликларни енгиш истагини ҳосил қилувчи ва шахсий муваффақиятларининг натижаларидан қувониш туйғусини юзага келтиришга йўналтирилганлигини ифодалайди. Бу болаларда кўзга ташланувчи қаттиқ ҳаяжонланиш, шунингдек, ўқув масалаларини ечишдаги ишончсизликни йўқотишга ёрдам беради.

Гуруҳли ва индивидуал таълимнинг бирлиги тамойили шахснинг, бир томондан атрофдагилар билан муносабатда бўлиш, ижтимоий алоқаларни йўлга қўйишга интилиши, иккинчи томондан эса, яқка ҳолда таълим олишга бўлган хоҳишини акс эттиришга хизмат қилади. Муомала фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида бошқалар ҳақидаги тасаввур ва тушунча юзага келади. Атрофдагилар билан муносабатни йўлга қўйиш ўзаро алоқаларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишини, алоҳида бўлиш эса шахснинг ижтимоийлашуви ҳамда ривожланишини таъминлайди.

Анъанавий таълим ўз моҳиятига кўра гуруҳли ҳисобланади, зеро, у 30-40 нафар ўқувчилардан иборат ўқув гуруҳ (ёки синф)ларида ташкил этилади. 100-200 нафар талабалардан иборат курсларда эса таълимга сарфланадиган ҳаракатларни камайтириш мақсадида маърузалар ўқиш ташкил этилади. Гуруҳли таълим мунозаралар, музокара ташкил этиш учун қулай шароитга эга бўлиб, ўқув масалаларини ечишнинг энг самарали йўллари биргаликда излашни таъминлайди, ўзаро ёрдам кўрсатиш учун шароит яратади, ўқувчиларнинг масъулият ҳиссини оширади. Ўқув мувоқассаларида гуруҳли таълимни ташкил этиш жамоани шакллантиришнинг асосий шакли саналади.

Таълимнинг ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келиши тамойили ўқувчиларнинг ёшига кўра ва индивидуал ёндашувни англатади.

Ёшига мувофиқ ёндашиш ўқувчиларнинг психик хусусиятлари, шахсий ривожланганлик даражаси, маънавий-ахлоқий сифатлари, ижтимоий етуклигини баҳолай олишни назарда тутлади. Агарда қўйилаётган талаблар ёки таълимнинг ташкилий тузилиши ўқувчиларнинг ёши имкониятларидан ортда қолса ёки илгарилаб кетса, ўқув фаолиятининг самараси пасаяди. Индивидуал ёндошиш ўқувчиларнинг мураккаб ички дунёсини ўрганиш, юзага келган муносабатлар тизимини таҳлил қилиш ва шахс шаклланиши содир бўладиган кўп турдаги шароитларни аниқлашни талаб этади.

Оқилона талабчанлик билан бола шахсини ҳурмат қилишнинг биргалиги тамойили педагог тарбияланувчини шахс сифатида ҳурмат қилиши зарур. Оқилона талабчанлик мақсадга мувофиқ бўлса, таълим-тарбия жараёни, шахснинг тўлиқ ва баркамол ривожланишини таъминлай олса самараси анча юқори бўлади. Ўқувчиларга нисбатан талабчанлик уларни тартибли, интизомли бўлиш, бурчларни ўз вақтида бажариш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлаши лозим. Шахсга ҳурмат инсондаги ижобий хислатларига таянишни кўзда тутлади.

Ҳамкорлик тамойили таълим жараёнида шахснинг устувор мавқеини таъминлаш, унинг ўз-ўзини англашини англатади. Бу тамойил ўзаро муносабатлар жараёнида субъектлар ўртасидаги алоқаларнинг диалог шакли, шахслараро муносабатлар мазмунида эса эмпатия (юнонча «емпатҳлиа» – биргаликда ташвишланиш, яъни, бошқа одамнинг ташвишларини тушуниш)нинг устунлигига эришишни талаб этади.

Назорат учун саволлар:

1. “Таълим” тушунчасига таъриф беринг.
2. Таълим (дидактик жараён) жараёнининг алоҳида хусусияти нималардан иборат? В.П.Беспалько формуласи мисолида ифодаланг.
3. Таълим жараёни тузилмаси ва вазифаларининг моҳиятини ёритиб беринг.
4. Ўқувчилар томонидан билимларнинг эгалланишини таъминловчи жараёнининг асосий босқичлари нималардан иборат?
5. Таълимнинг асосий дидактик қонуниятларини ифода этиб беринг (И.П.Подласўй бўйича).
6. Таълим тамойили нимани англатади? Мисоллар келтиринг.
7. Шарқ Уйғониш даври алломалари – Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино) илгари сурган таълимий қоида ва тамойилларини таърифлаб беринг.

Тест топшириқлари:

1. “Таълим берувчи, ривожлантирувчи ва тарбияловчи” тушунчалари дидактиканинг қайси жиҳатини ёритади?

- а) таълим мақсади;
- в) таълим натижаси;
- с) таълим функциялари;
- д) таълим воситалари;
- е) таълим методлари.

2. Режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш (рағбатлантириш) назорат, натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш. Бунда ниманинг босқичлари кўрсатилган?

- а) таълим жараёнини бошқаришнинг;
- в) дарс ўтиш фаолиятининг;
- с) билим олиш фаолияти;
- д) ўқув жараёни тузилишининг;
- е) билим ва малакаларни ўзлаштиришнинг.

3. Материални қабул қилиш, тушуниб олиш, билимларини мустаҳкамлаш ва амалий қўллаш. Бу ерда _____ тузилиши тасвирланган?

- а) дарс ўтиш фаолиятининг;
- в) машқ бажариш ва масалани ечим;
- с) ўқиш жараёнини бошқариш
- д) ўқиш жараёнининг натижалари;
- е) билимларни ўзлаштириш.

4. Илмий ўрганиш манбалари, шакли ва методлари, шунингдек, одамнинг борлиқни идрок этиши қобилиятини ўрганувчи фалсафанинг идрок этиш назарияси бўлими қандай номланади?

- а) прагматизм;
- в) гносеология;
- с) концепция;
- д) алгоритм;
- е) экзистенциялизм;

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни Ғаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» Ғаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

4. Мавлонова Р. Ва бошқ. Педагогика. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001.

5. Подласўй И.П. Педагогика. Новўй курс. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.

ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАЗМУНИ

Таълим тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва тарихий хусусиятлари. Таълим ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш, уларнинг амалий кўникма, малакалари ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган жараён бўлиб, ушбу тушунча негизида шахснинг танқидий фикрлаши, яратиши, борликда содир бўлаётган ходисаларни ўзаро алоқадорлик нуктаи назаридан баҳолай олиши ҳам акс этади.

Таълим тушунчаси, шунингдек, аждодлар томонидан тўпланган ижтимоий аҳамиятли тажрибаларининг авлодларга доимий узатилишини таъминловчи тизимли жараёни ҳам саналади..

Шахсни ижтимоийлаштириш уни жамият томонидан тан олинган хулқ-атвор меъёрлари, билим ҳамда кадриятлар тизимини ўзлаштиришдан иборат ижтимоий ҳаётга жалб этиш жараёнидир.

Таълим мазмуни тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакалар, қарашлар, ишончлар тўплами, ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этиш натижасида эришилган амалий тайёргарликнинг маълум даражаси билан белгиланади.

Таълим мазмунининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган билимлар муҳим ижтимоий қадрият ҳам саналади. У индивиднинг ижтимоийлашиши, одамнинг социум (ижтимоий муҳит)га киришига ёрдам беради. Ўтган асрда таълим мазмунини сиёсийлаштиришга уринишга қаратилган ҳаракатларнинг юзага келганлиги унинг мазмунини белгилашда экстенсив ёндашиш (миқдорий – сонини кўпайтириш) етакчи ўрин эгаллади. Натижада таълим мазмуни ўқув фанлари сонининг доимий ортиб бориш ҳисобига кенгайтирилди, таълим жараёнида тайёр билимларни бериш асосида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга эътибор қаратилиб, ўқувчи шахсини ривожлантириш масаласи ўз ечимини топмади.

Сўнгги йилларда таълимни инсонпарварлаштириш йўлида таълим мазмунини аниқлашда шахсга-йўналтирилган ёндашув асосий ўринни эгаллай бошлади. Бундай ёндошиш В.В.Краевский, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин (Россия); М.Очилова, Н.Н.Азизхўжаева, Н.Сайидахмедов, Ф.Р.Юзликаев (Ўзбекистон)ларнинг ишларида ўз аксини топди.

Масалан, В.В.Краевский, И.Я.Лернерлар таълим мазмуни деганда шахсни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи педагогик билим, кўникма ва малакалар тўплами, ижодий фаолият тажрибаси ҳамда эмоционал-иродавий муносабат тажрибасини тушунадилар.

Демак, шахсга йўналтирилган ёндошишга мувофиқ таълим мазмуни моҳиятини аниқлашда асосий қадрият билим эмас, балки одамнинг ўзи

ҳисобланади. Бундай ёндошув шахснинг таълим олиш, маънавий, маданий ва ҳаётий талаб-эҳтиёжларини қондириш, ривожланаётган шахсга нисбатан самимий муносабатда бўлиши таълим мазмунини эркин танлаш имконини беради.

Анъанавий педагогика деярли фақат одамнинг ижтимоий моҳиятини тан олганлиги боис, таълимнинг мақсади инсоннинг жамият аъзоси сифатида ривожланиши, унда ижтимоий аҳамиятли сифатларининг шаклланиши ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида таълим жамият ва давлатнинг маънавий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланиши асоси деб эълон қилинди. Таълимнинг мақсади мустақил фикрлайдиган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг умумий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли миллий-маданий эҳтиёжларини қониқтириш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш;

- ўқувчилар томонидан ижтимоий ва ишлаб чиқариш талаблари билан белгиланадиган билимлар тизимини ўзлаштирилишини таъминлаш;

- уларда илмий дунёқараш, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий маданият, ижодий, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг мустақил билимларини ошириб бориши;

- ёшларда Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, фуқаролик дунёқараши, инсоний қадр-қиммат, демократик ўзини бошқаришда иштирок этиш, шунингдек, ўз ҳаракатлари учун жавобгарлигини юзага келтириш.

Ана шу умумий вазифалар бир қатор алоҳида масалалардан иборат бўлади. Улар ўқув фанлари мазмунида уйғунлаштирилади.

Таълим турлари ва кўринишлари. Европа ва Шарқ, Осиё ва Америка мамлакатларида таълим турлари тарихий тараққиёт натижасида юзага келган. Биринчи тури мифологик таълим бўлиб, унда дунёнинг моҳияти эртак, афсона, дoston, қисса ҳамда қўшиқлар шаклида ўрганилган.

Кейинги тарихий тури схоластик таълим бўлган. Унинг моҳиятига кўра таълимда матн маданияти ва ер, осмон ҳақидаги билимлар сўз билан ифодаланиб, хотира ва иродани машқ қилдириш асосида ёш авлодга инсон мавжудлиги ва у томонидан ташкил этиладиган фаолият мазмуни ҳақида билимлар берилган, саводхонлик ва нутқ маданиятига ўргатилган.

Таълимнинг учинчи тарихий тури - маърифатпарварлик бўлиб, у дунёвий билимлар яратилган даврда юзага келган. XX асрдан бошлаб эса турли таълим парадигма (модел)лари, турлари ва кўринишларининг ривожланиш жараёни кузатилди.

Бугунги кунда асосларига кўра таълимнинг қуйидаги турлари, кўринишлари мавжуд:

- илмий билимларни ўзлаштириши тури ва сифатига кўра (биологик, математик, физик, иқтисодий, филологик таълим ва шу каби);

- устувор мазмунга кўра (назарий ва амалий, гуманитар ва бошқалар);
- ижтимоий фаолиятларни эгаллаши тури ва маҳоратига кўра (музикий, бадиий, техник, технологик, педагогик-тиббий таълим ва шу кабилар);
- маданий қадриятларни ўзлаштиришига кўра (анънавий таълим, бадиий-эстетик, диний таълим ва бошқалар);
- кишилиқ жамиятининг маданий қадриятларни ўзлаштириш кўламига кўра (миллий, европа, халқаро, глобал таълим ва бошқалар);
- таълим тизими турига кўра (университет, академик, гимназия, лицей таълими ва бошқалар);
- таълим мазмуни йўналишининг устуворлигига кўра (формал ва моддий, илмий ва элементар, гуманитар ва табиий фанлар, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий ва бошқалар);
- таълим даражасига кўра (бошланғич, тўлиқсиз ўрта, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим).

Таълимнинг тарихий хусусиятлари. Таълим мазмуни тарихий хусусиятга эга, чунки у жамият ривожининг у ёки бу босқичида устувор ўрин тутувчи ижтимоий мақсад ва вазифалар билан белгиланади. Бу таълим мазмунининг ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш ва илмий билимларнинг ривожланиш даражаси талаблари таъсири остида ўзгариб боришини англатади. Таълим ижтимоий ҳодиса сифатида одамларнинг билимларни ўзлаштиришга бўлган прагматик (амалий) эҳтиёжлари негизида шаклланган ва у одамларга ҳаёт фаолиятларини йўлга қўйиш учун зарур. Билимларни тўплаш ва чуқурлаштириш, жамият маданиятининг ўсиб бориши билим томонидан ташкил этилувчи функциялари кўламини ошишини таъминлайди. Мазкур ёндашувлар (прагматик ва маданий) кишилиқ жамиятининг турли босқичларида таълим мазмуни йўналишларни белгилаб келади.

Ўрта асрда Яқин ва Ўрта Шарқда диний ўқув муассасалари – мадрасалар таълим ва фан марказлари бўлган. Ўзбекистонлик, Россиялик ва чет эл шарқшунос тадқиқотчилари томонидан мадраса туридаги ўқув муассасалари айнан Марказий Осиёда юзага келгани ва шу ердан бошқа мамлакатларга тарқалгани исботланган.

Сомонийлар даврида (X аср) фақат Самарқанднинг ўзида 20 га яқин мадрасалар мавжуд бўлган. Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг «Донишнома» («Билимлар китоби») номли асарида мазкур мадрасаларда фақат мусулмончиликка оид билимлар берилибгина қолмай, балки дунёвий илмлар ҳам ўрганилганлиги, илмий тадқиқотлар олиб борилганлиги, уларнинг негизида илмий мактабларнинг юзага келганлиги қайд этилади.

Ўз даврида мадрасаларда ўқитилиши йўлга қўйилган фанларни Абу Али Ибн Сино қуйидаги тизимлар бўйича ажратади: одоб (хулқ этикаси), астрономия, тиббиётшунослик, тил ва унинг грамматикаси, фикх (мусулмон қонунчилиги).

Аллома томонидан таклиф этилган тарбия турлар эса қуйидагилардан иборат: 1) ақлий тарбия; 2) жисмоний соғломлаштириш; 3) эстетик тарбия; 4) маънавий тарбия; 5) хунарга ўргатиш. Абу Али Ибн Сино томонидан таклиф этилган тарбия турлари Марказий Осиёда Уйғониш даврида (ИХ-Х аср) таълимнинг инсонпарварлик ва шахснинг баркамол ривожланиши борасидаги ғояларга асосланган эди дейишга имкон беради.

Шарқдаги Уйғониш даври Шарқ мутафаккирлари – Муаҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Бериунийлар ўзларининг таълимий қарашларида биринчи ўринга инсон шахсини қўядилар ҳамда болаларни ҳар томонлама, жисмоний ва эстетик камолотга эришишлари, шунингдек, тилларни билишларини зарур деб ҳисоблайдилар. Ақлий таълимни ташкил этувчи фанлар сирасига математика, астрономия, механика ва табиатшунослик каби табиий-илмий фанларни киритадилар.

Алломалар болага ҳурмат билан муносабатда бўлиш ғоясини илгари сурадилар, схоластик ўқитиш ва қаттиқ интизомга қарши чиқадилар. Уларнинг фикрича, ўқиш болада билимларга қизиқишни уйғотиши керак.

Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг (1394-1449 йиллар) Самарқанддаги фаолияти ХИВ-ХВ асрларда мадрасаларнинг фанлар ривожини таъминловчи марказлари вазифасини бажарганлигини кўрсатади. Муҳаммад Тарағай Улуғбек Самарқанднинг ҳукмдори бўлиши билан бирга астроном, математик ва тарихчи сифатида машҳур бўлган. Шунингдек, алломанинг моҳир педагог ҳам бўлганлигини тарихий далиллар қайд этади. Чунончи, аллома кўплаб истеъдодли ёшларни тарбиялаган. У одамлар, айниқса ёшларнинг илмий билимларни ўрганишларига катта аҳамият берган.

Аллома ўз давлатида таълим соҳасида жиддий ислохотларни ташкил этди. У мадрасаларни давлат таъминотига ўтказди, мударрис (ўқитувчи)ларга ойлик иш ҳақи белгилаган, шогирд (талаба)ларга степендия ажратган.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек мадраса ўқув режасига қуйидаги фанлар: араб тили, адабиёт, қуръон, Ҳадис, риторика, мантиқ, фалсафа, фикҳ (қонунчилик), метафизика, математика, астрономия, тиббиёт, география, тарих каби фанларни киритади.

Мутафаккир томонидан барпо этилган ҳамда ўзи бевосита таълим берган мадрасаларда ўқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлган:

1. “Анда” (кичик) – ўқиш муддати 2 йил.
2. “Ауст” (ўрта) – ўқиш муддати 3 йил.
3. “Аъло” (олий) – ўқиш муддати 3 йил.

Бундай ёндашувда бугунги кун нуқати назаридан айтганда бакалаврият ва магистратура кўзга ташланади. Айни вақтда улар ўрта аср европа университетлари учун ҳам хос бўлган.

Буюк истеъдод эгаси сифатида аллома ўз давридан бир неча асрларга ўзиб кетган. Деярли 600 йил аввал Муҳаммад Тарағай Улуғбек қуйидаги аксиомани илгари сурган: билим олишга интилиш давлат равнақига йўл демакдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ҳозирги тажрибаси мазкур фикрни тўла тасдиқлайди.

Европа уйғониш даври (ХИВ-ХВИ асрлар) маърифатпарварлари ХВИИИ-ХИХ асрларда ҳам шахснинг баркамол ривожланиши ғояларини илгари сурганлар. Мисол учун, Италия маърифатпарвари В. Де Фельтре (ХВ аср) “қувонч мактаби”ни ташкил этади. Бу мактабда болага эркин жисмоний ва ақлий ривожланиш имкони берилган. Ж.Ж.Руссонинг эркин тарбия назарияси, И.Г.Песталоццининг одамни фаол ҳаётий фаолиятга жалб этиш йўли билан уни ривожлантириш ҳақидаги ғояси ХХ аср педагогикасининг ривожига ўз таъсирини кўрсатди.

Таълим назария (концепция)лари мазмуни. Анъанавий педагогикада формал ва моддий таълим назарияси кенг танилган. Бу назарияларнинг моҳияти нима ва ўрта таълим мазмунига қандай таъсир этади?

Формал таълим назариясига Джон Локк (ХВИИ аср), Песталоцци, Кант ва Гербарт (ХВИИИ-ХИХ асрлар) асос солганлар. ХВИИИ асрнинг охирида дидактик формализм назарияси (концепцияси) вужудга келди (бу ном Э.Шмит ва А.А.Немейернинг «Принципи воспитания и обучения» асарида тилга олинади). Концепция тарафдорлари таълимни ўқувчиларнинг итидори ва қизиқишларини ривожлантирувчи воситаси сифатида эътироф этадилар. Кейинчалик бу таълим формал таълим назарияси сифатида шакллантирилди. Дидактик формализм тарафдорларининг асосий ғояси қадимий олим Гераклит томонидан айтилган (кўп билим ақлни кучайтирмайди) фикрларига асосланади. Кейинчалик бу ғояни И.Кант ва И.Г.Песталоццилар ривожлантиришди. Улар ўқитишнинг асосли мақсади, энг аввало, ўқувчининг иқтидорини ривожлантириш, ўқувчининг тўғри тафаккур юритишини кучайтириш бўлиши шарт деб ҳисоблайдилар.

Ушбу назария тарафдорлари фалсафий рационализм (лотинчада «рационалте» - ақлли)га таянадилар ва билим манбаи ақлдир, билим фақат ақлнинг мустақиллигида туғилади, шу боис таълим ўқувчиларнинг маълум билимларни эгаллаб олишлари эмас, балки уларнинг ақлини ўстириш, яъни, анализ, синтез, мантиқий фикрлаш лаёқатларини ривожлантириш каби вазифани ҳал этиши зарур деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, фикрлашни ривожлантириш воситаси тиллар, айниқса, қадимий юнон ва лотин тили, шунингдек, математикани ўрганиш лозим. Формал таълим элементларидан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилади. Англиядаги грамматик мактабларда ушбу назария ғоялари асосида иш кўрилади.

ХВИИ аср охири – ХИХ аср бошларида моддий таълим назарияси жадал ривожлади. Назариянинг пайдо бўлишига саноат ва унинг илмий-техник асослари ривожланиши асос бўлиб хизмат қилди. Бинобарин, саноатнинг жадал ривожланиши табиий фан, техник ва амалий тайёргарликка эга бўлган одамларни тайёрлаш масаласини кун тартибига олиб чиқди. Педагогика тарихида бу назария (концепция) дидактик материализм назарияси сифатида ҳам машҳурдир. Ушбу назария тарафдорлари (уларни “энциклопедистлар” деб ҳам атаганлар), хусусан, инглиз шоири ва тарихчиси Дж.Мильтон, немис педагоги Н.Б.Беседовлар мактабнинг асосий мақсади

ўқувчиларга билимлар бериш деб ҳисоблаганлар ҳамда ўзлари ўқитадиган фанга иложи борича кўпроқ материалларни киритишга интиланлар. Мактаб таълими мазмунини шакллантиришга бундай ёндошишнинг самараси кам бўлиб чиқди, чунки ўқувчиларга жуда кўп ахборотлар берилди. Натижада ахборотлар қисман ва юзаки ўзлаштирилади.

Бу назариянинг бошқа тарафдорлари эмпиризм ғояларини илгари сурадилар (лотинча «емпириа» - тажриба). Файласуф-эмпиристлар, хусусан инглиз файласуфи Г.Спенсер (1820-1903 йиллар) билиш тажриба чегарасидан чиқа олмайди ва билим манбаи фақат тажриба ҳисобланади, дея таъкидлайдилар. Бундан қуйидаги педагогик хулосалар чиқарилади: ўқувчиларни асосан табиий-илмий билимлар билан қуроллантириш керак, таълим материалларини танлаш учун эса ҳаётга, келажақда ўқувчиларнинг амалий фаолиятлари учун зарур бўлган билимларга мурожаат қилиш керак. Моддий таълим назарияси реал йўналиш деб аталувчи мактаб таълими асосини ташкил этади. Масалан, XIX аср охири ва XX аср бошларида Россия, ва Туркистонда реал гимназия ва реал билим юртлирида ўқитиш қадимги ва ғарбий Европа тилларини ўрганишга эмас, балки табиий-илмий фанлар (математика, физика, химия ва бошқалар) ҳамда амалий хусусиятли фанларни ўзлаштиришга асосланган.

Формал ва моддий таълим назарияларини К.Д.Ушинский ва А.Авлонийлар жуда асосли танқид қилдилар. К.Д.Ушинский билимларни ўзлаштиришдан узоқ бўлган формал деб аталувчи ривожланиш ўйлаб топилган ёлғон деб айтади. Ҳар бир фан бирор-бир бошқа нарса билан эмас, одамни ўзининг мазмуни билан ривожлантиришини таъкидлайди. Шундай экан, мактаб фақатгина ривожлантирибгина қолмай, балки уларнинг кейинги фаолиятларида фойдали бўладиган билимларни ҳам бериши керак. Ўзбек педагоги Абдулла Авлоний ҳам (1878-1934 йиллар) ана шундай фикрни билдирган. У ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли асарида “... билим бизнинг ақлимизни ва бизнинг хотирамизни қилич каби ўткир қилади. Билим, фанни эгаллаш тараққиёт йўлида бизнинг илгари қадам ташлашимиз шартидир.... Билимсиз одам бу мевасиз дарахтга ўхшайди” деб ёзади. Шу билан бир вақтда А.Авлоний фанни ўзлаштиришга фақатгина ҳаёлий амалиёти учун утилитар (фойдали) яроқлилиги нуқтаи назардан ёндошиш мумкин эмас деб ҳисоблайди. У ҳаёт билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган билимлар ҳам бор ва улар амалий билимлардан кам бўлмаган аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Мисол учун қадимги тарихдан амалий фаолиятда фойдаланиб бўлмайди, лекин уни ўрганиш керак ва фойдалидир: уни (тарихни) билиш ўқувчиларнинг билимларини кенгайтиради, дунёқарашни шакллантиради.

XX аср бошларида чет эл ва айниқса америка педагогикасида мактаб таълими масалалари бўйича прагматик (юнонча «прагма» – ҳаракат, амалиёт) ғояси кенг тарқалди. Педагогикада машҳур прагматизм тарафдори Джон Дьюн (1859-1952 йиллар) мактаб таълимнинг ўз концепциясини яратишга кўп уринди. Бу йўналишлар вакиллари (Дж.Дьюн, Г.Кершенштейнер)

Ўқитиш бу ўқувчининг “тажрибасини қайта ташкил этиш” узлуксиз жараёни деб ҳисоблайдилар.

Ўқитишни Дьон кундалик ҳаётдан олинган амалий масалаларни ҳал этишга оид болалар фаолиятини ташкил этиш сифатида тушунади. Бу назариянинг асосий бошланғич қоидалари қуйидагилардан иборат деб ҳисобланган: “Олдиндан тузилган ўқув курслари керак эмас”, “Ўқитиш материалларини боланинг тажрибасидан олиш керак”, “Бола ўқитишнинг сифати каби миқдорини ҳам белгилаши керак”, “Бажариш ёрдамида ўқитиш – мактабда асосий метод”. Шундай қилиб, Дьон мактабда таълим ва алоҳида фанлар аниқ белгиланган мазмуни зарурлигини рад этади, илмий таълимни тан олмайди ва ўқишни тор ҳамда ўқувчиларнинг қизиқишларига асосланган практицизмдан иборат ҳисоблайди.

Мазкур назария асосида унинг издоши Уильям Килпатрик 20-йилларда “ўқитишнинг лойиҳали тизими” (ёки лойиҳалар методи)ни ишлаб чиқди, унинг мазмуни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб болалар ўқитувчи билан бирга қандайдир амалий масаланинг ечимини лойиҳалаштиришларидан иборат. Мисол учун, ўйинчоқ уйчанинг қурилиши амалий фаолиятга киритилади ва унинг давомида тил, математика, бошқа фанлари бўйича у ёки бу маълумотларни билиб оладилар. Бу назария оммавий мактабда таълим даражасини пасайтириши мумкинлигини тушуниш қийин эмас.

Америкалик педагоглар И.Адлер, Дж.Бруннер ва бошқалар Дьон назарияси америка мактаблари ривожланишини ортга тортганини айтадилар ва таълимни модернизациялаштириш ҳамда такомиллаштириш йўллариини излайдилар.

Кўплаб педагоглар - А.Дистервег, К.Д.Ушинский, М.Бехбудий ва А.Авлонийлар мактаб таълимига тааллуқли кўплаб қимматли ғояларни илгари сурганлар. Улар халқ мактаблари, янги усулли мактабда таълим даражасини ошириш, табиий-илмий фанлар ва гуманитар фанлар бирлиги тарафдори эдилар.

Бугунги кунда турли таълим концепциялари мавжуд. Концепциялардан бири таълим мазмунини таълим муассасаларида ўрганиладиган фаннинг педагогик мослаштирилган асослари сифатида талқин қиладилар. Бу ерда шахснинг ижодга қобилияти, эркин танлашни амалга ошира билиши, одамларга ҳаққоний муносабатларда бўлиши каби сифатлари четда қолиб кетади. Ушбу ёндошиш ўқувчиларни фан ва ишлаб чиқаришга жалб этишга қаратилган, лекин демократик жамиятда мустақил ҳаётга йўналтиришга эмас. Амалда одам бу ерда ишлаб чиқариш омили сифатида иштирок этади (авторитаризм).

Бошқа бир концепция таълим мазмунини ўқувчи ўзлаштириши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар мажмуи сифатида қарайди. Бу концепция муаллифлари билим ва малакаларни эгаллаб олиш одамга замонавий жамиятда мос равишда ҳаёт кечиришга имкон беради деб ҳисоблайдилар. Одамдан фақатгина у билиши ва бажара олишини талаб этиш етарли. Бундай ҳолатда таълимга талаблар ҳам қуйидагича бўлади: ўсиб

келаётган авлодга она тили. математика, физика ва бошқа фанлар бўйича билим ва малакалар бериш зарур.

Миллий умумий ўрта таълим мактаби ҳозирги замон шароитларида ривожланиши учун бу етарли эмас. Жамиятнинг ўқувчилардан фақат маълум ўқув фанлари мазмунини эмас, балки уларда ирода кучи, ўз ҳаракатлари учун, жамият ва мамлакат тақдири учун масъулиятли, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш; миллатчилик ва диний ақидапарастликка йўл қўймаслик ва шу каби сифатларни ривожлантиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997)да замонавий таълим мазмуни ижодий, мустақил фикрловчи демократик жамият фуқаросини шакллантириш вазифаларига мос келиши керак деб ёзиб қўйилган.

Россия таълим академияси (РАО) ҳақиқий аъзоси В.В.Краевский томонидан илгари сурилган концепцияда қайд этилишича, таълимнинг асосий ижтимоий вазифаси аجدодлар томонидан тўплаган тажрибаларни авлодларга узатиш ҳисобланади.

Мазкур концепция мазмунида таълим мазмуни куйидаги тўртта ташкилий элементлардан иборат бўлади:

- идрок этиш фаолиятини амалга ошириш усуллари қайд этилган шаклидаги идрок этиш фаолияти (билимлар);

- амалий фаолиятни амалга ошириш усуллари шаклида қайд этилган амалий фаолият тажрибаси (кўникма ва малакалар);

- муаммоли вазиятлар, ностандарт вазиятларда янги масалаларни ҳал этиш шаклида (ижодий фаолият тажрибаси);

- атроф-муҳитга, бир-бирига, эмоционал қадриятли муносабатлар тажрибаси, яъни, эмоционал, ахлоқий, эстетик тарбиялаш.

Мазкур элементлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирига асослангандир. Мамлакалар билимларсиз бўлиши мумкин эмас. Одамнинг ижодий фаолияти билимлар ва кўникмалар мазмунли маълум материалида амалга оширилади. Маънавий-ахлоқий тарбиялилик одам яшайдиган жамиятининг хулқ кўникма ва малакаларини эгаллаб олганлигини кўзда тутди. Ижтимоий тажрибанинг бу элементларини ўзлаштириш одамга жамиятда муваффақиятли яшаш, яхши бажарувчи бўлиш билан бирга мустақил ҳаракат қилиш, жамиятни ўзгартира олиш, ижтимоий тараққиётга ўз ҳиссасини қўша олишга имкон беради. Шунинг учун умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими биринчи навбатда, ҳаётга тайёрлайди, иккинчидан, инсон ушбу тартибга ўз ҳиссасини қўшиш, хатто уни қайта тузишга ҳам қодир бўлади. Академик В.В.Краевскийнинг концепцияси ўқитувчини ўқувчилар онгида умуминсоний ва миллий қадриятлар тизими, одамларга инсонпарварлик муносабатини шакллантириш, эркин фикрловчи, баркамол ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган махсус фаолиятга йўналтиради.

Ҳозирги замон босқичида таълим мазмунини белгиловчи муҳим ғоялар (асослар). Таълим мазмуни – бу жамиятнинг шахсни маънавий ривожланиши даражасига қўйилган талаблар, жамиятнинг ижтимоий тажриба ва маданиятини акс эттирган ижтимоий буюртмаси моделидир.

Ижтимоий тажриба куйидаги тўрт элемент билан тавсифланади:

- инсон табиат, жамият ҳақидаги билимлари
- фаолиятнинг кўникма, малака ва усуллари;
- янги вазифаларни ҳал этиш бўйича ижодий фаолият тажрибаси;
- атрофдагилар билан ўзаро эмоционал (ҳиссий) – қадриятли муносабатлар тажрибаси.

Шуларга мувофиқ замонавий дидактика ғояларига кўра таълим мазмунининг таркибида куйидагилар ўз аксини топади: 1) олам ҳақидаги билимлар; 2) фаолиятни амалга ошириш усуллари тажрибаси; 3) ижодий фаолият тажрибаси; 4) атроф-муҳитга эмоционал (ҳиссий) қадриятли муносабат тажрибаси.

Билим ва кўникмалар ижодий фаолият асоси бўлиб қолиши мумкин, лекин унга тайёрликка қафолат бўла олмайди. Ижодга, таълимнинг ўзига хос тури сифатида махсус ўқитиш керак бўлади. Атроф-муҳитга эмоционал-умумий муносабатда бўлиш у ҳақида билиш, лекин уларга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмасликни назарда тутати. Уни ривожлантириш учун ўқитиш жараёнида махсус ишлаш олиб бериш зарур.

Илмий асосланган таълим мазмунини қандай аниқлаш мумкин? Таълим мазмунига нима таъсир кўрсатади? У нимага боғлиқ бўлади?

Таълим мазмунини аниқловчи асосий омиллар куйидагилардан иборат бўлади:

- фан, техника, маданиятнинг жамиятда ривожланганлиги даражаси;
- таълимнинг мақсад ва вазифалари;
- ўқувчиларнинг ёши хусусиятлари;
- ўқувчи шахсининг эҳтиёжлари.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмуни ўқувчиларда атроф-муҳит ҳақида умумий тасавурларни ҳосил қилиши, уларни ўзларининг амалий фаолиятлари учун зарур бўлган билимларни излашга ва бу билимларни ҳаётий муаммоларни ҳал этишда қўллашга ўргатиши керак. Таълим мазмуни ўқув режалари, ўқув дастурларида, дарсликларда акс эттирилади,

XX аср 80-йилларида амалий қўлланилган ўрта умумтаълим мактаби намунавий ўқув режалари мактабни янгилаш вазифаларига, ўқув-тарбиявий жараёни ҳозирги замон талаблари асосида ташкил қилишга мос келмас эди. Бу ўқув режасининг энг асосий камчилиги – уни шакллантиришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилишидир, бу эса мактабларнинг ҳаммаси бир хил бўлиши, таклиф этилаётган таълим идеалининг бир хиллигига олиб келади, унда шахс, жамият ва давлатнинг турли таълимий талаблари ҳисобга олинмайди; кўп предметлилик, ўқувчиларга вазифалар ортикчаллик, оғирлик қилади ва таълим мазмунининг сунъий қисқалиги, аралашлиги юзага келади; бу таълимнинг технократик йўналиши унинг инсонпарварлик ва маданий, бадий-яратувчилик ролини йўқотишига олиб келади. Ўқув режасининг ана шу ва бошқа кўплаб камчиликлари дидакт олимлар ва амалиётчилар томонидан кескин ва ҳақли равишда танқид қилинди.

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришга киришилди. Бундай шароитларда таълим, янги демократик давлат барпо этиш, маданий ва маънавий тикланиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари шаклланиши, миллий фан ва техниканинг ривожланишини дунё стандартлари талаблари даражасига кўтаришнинг асоси бўлиб қолиши керак.

Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунига талаблар таълимни ривожлантириш давлат стратегияси билан белгиланади. Бу стратегия республиканинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган (1997 йил), таълимни тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича миллий тизимни яратиш ҳисобланади. Таълим мазмунида қуйидаги икки жиҳат кўзга ташланади: миллийлик ва умуминсонийлик.

Ҳозирги шароитда ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун таълим мазмуни (ўқув режалари)ни ишлаб чиқишда таълим мазмунида қуйидаги ғоялар етакчи ўрин тутаяди:

- 1) инсонпарварлаштириш;
- 2) интеграция;
- 3) стандартлаштириш;
- 4) кўп босқичлилиқ;
- 5) ахборотлаштириш;
- 6) индивидуаллаштириш;
- 7) кетма-кетлик.

Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш таълим муассасасининг ўқувчига эътибор қаратиши, унинг шахси, хоҳиш-истак ва қизиқишларини ҳурмат қилиши, биринчи навбатда ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг мустақил ҳаётда ўз йўлларини топиб олишлари учун шароит яратишни кўзда тутаяди. Инсонпарварлаштириш гуманитар ва табиий фанларни оптимал нисбатларда бўлиши, математик, биологик, техник курслар мазмунини инсонийлик ҳақидаги билимлар билан бойитишни кўзда тутаяди. Таълим мазмунида инсонпарварлик ғояларининг акс этиши ўқувчиларда фикрлаш лаёқатининг шаклланишига ёрдам беради.

Таълимни инсонпарварлаштириш бу таълим тизими ва бутун таълим жараёнини ҳар бир инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, педагоглар ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни ривожлантириш, уларнинг соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, шахсий кадр-қимматларининг ҳис этишларини таъминлаш ва шахсий имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълимни инсонпарвар (гуманитар)лаштириш янги таянч ўқув режасининг иккинчи муҳим ғоясидир. Таълимни гуманитарлаштириш биринчи навбатда таянч ўқув режасида гуманитар фанлар ҳажмини оширишда ўз ифодасини топади (50 % дан кўпроқ). Бу хусусан эстетик тарбияни ташкил этишга ўқув вақтини икки баробар кўпайтиришга имкон беради. Гуманитарлаштириш – бу таълимнинг босқичи ва туридан қатъий

назар асосий ижтимоий муаммо - инсон фаровонлиги муаммосини ҳал этишга имкон берувчи таълим мазмунини ўзлаштиришга йўналтиришдир.

Таълим янги мазмунини ишлаб чиқишнинг учинчи ғояси – таълимни дифференциялаштириш. Бу йўналиш мажбурий курслар билан бирга катта синфларда чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган ўқитиш, фанларни танлаш асосида олиб боришни кўзда тутди. Синфда, синфлар ўртасида ҳамда турли ёшдаги ўқув гуруҳларида факультатив курсларни индивидуал, гуруҳли машғулотлар ҳамда қизиқишларига кўра тўғарақларни ривожлантириш ҳам кўзда тутилади. Дифференциациялаш – бу замонавий шароитда таълимни ривожлантириш умумий йўналиши ҳисобланади. Республикада ўтган асрнинг 90-йилларида таълимни дифференциациялаш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар ва синфлар (физика, химия, математика, чет тилларини чуқур ўрганиш билан) лицейлар, гимназиялар очилди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши таълим тизимини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб таълим дастурларининг янги авлоди ишлаб чиқилди.

Курсларни интеграциялаштириш таълимнинг янги мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган яна бир ғоя ўқувчиларда дунёни яхлит тасаввур қилиш лаёқатини ривожлантиришда умумлаштирувчи, дунёқарашни шакллантириш имконини берувчи интегратив фанларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Янги ягона (таянч) ўқув режасида интеграциялаш ҳисобига ўқув фанлари сони камайтирилди, соатларнинг умумий ҳажми ихчамлаштирилди. Хусусан, “Тарих” фани умумий тарих ва Ўзбекистон халқлари тарихига асосланади.

Стандартлаштириш – бу мажбурий ўқув фанлари тўпламини соатлари аниқ белгиланган ҳажминини белгилаш. Таълим стандартлари ёрдамида таълим муассасаларида ўқув ишларининг нормативлари мослаштирилади, ўқувчилар билимларини баҳолашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилади.

Кўп босқиччилик – бу таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг имконият ва қизиқишлари даражасига жавоб бера оладиган билим даражасига эришиш имконини берувчи кўп босқичли таълим жараёнини ташкил этишдан иборат. Турли босқичларнинг ҳар бирида ўқитишнинг яқуний ҳолати таълимнинг сифатли яқунланганлиги ҳисобланади.

Фундаменталлаштириш – шахс (ўқувчи)ни ижтимоий фаолиятига назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлашни кучайтириш. Бу ерда мактаб бўлса ҳам, лицей, коллеж ёки олий ўқув юртининг таълим тизими, ўқув режаси, барча фанлар бўйича илмий-назарий билимларни чуқур ва тизимли ўзлаштиришга алоҳида аҳамият берилади.

Таълимни ахборотлаштириш ўқувчиларни ўқитиш жараёнида ҳисоблаш техникаси ва ахборот технологияларидан оммавий ва кенг фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Таълимни ахборотлаштириш охириги ўн

йилликда кенг тарқалди, бунинг боиси шуки, замонавий видео-радиотехника ва компьютерларнинг таълим тизимида қўлланилиши мумкин бўлганлиги ҳамда фойдаланиш нисбатан оддийлигидир.

Индивидуаллаштириш таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳамма турларидан фойдаланган ҳолда уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва ривожлантириш демакдир.

Узлуксизлик жамият ҳаётининг тез ўзгариб бориши одамни доимий равишда таълим олиш (мустақил таълим олиш)га ундовчи жараён моҳиятини англатади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмунини танлаб олиш тамойил ва мезонлари. Мактаб таълими мазмунини шакллантириш куйидаги умумий тамойилларга мувофиқ амалга оширилади:

1. Таълим мазмунининг барча элементлари барча босқичларда жамият, фан, маданият ва шахс ривожланиши талабларига мос бўлиши тамойили. Бу тамойил таълим мазмунига анъанавий бўлган билим, кўникма ва малакалар билан бирга жамиятнинг ривожланганлиги, илмий билим, маданий ҳаёт даражаси ва шахснинг ривожланиш имкониятларини акс эттирувчи фанларни киритишни талаб этади.

2. Таълимнинг ягона мазмунли ва процессуал томони тамойили. Бу тамойил таълим мазмунини танлашда бир томонлама илмий йўналишни рад этади. У аниқ бир ўқув жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ педагогик ҳақиқатни ҳисобга олишни кўзда тутди. Бу умумий ўрта ва ўрта махсус таълим мазмунини лойиҳалаштиришда уни бериш ва ўзлаштириш тамойиллари ҳамда технологияси, ўзлаштириш даражаси ва у билан боғлиқ ҳаракатларни ҳисобга олиш кераклигини англатади.

3. Таълим мазмунининг яхлит тузилиши тамойили. Бу тамойил таълим тизимининг турли босқичларида назарий билимларнинг берилиши, ўқув фани, ўқув материали, педагогик фаолият, ўқувчи шахси каби ташкил этувчиларининг ўзаро мослигини кўзда тутди.

Охирги йилларда таълим мазмунини танлаш гуманитарлаштириш ва фундаменталлаштириш каби тамойиллар етакчи ўрин эгалламоқда. Бу умумий ўрта ва ўрта махсус таълим шахснинг инсонпарварлик маданиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлишини англатади. Инсонпарварлик маданияти биринчи навбатда билим, ҳиссиётлар маданияти, муомала ва ижодий ҳаракатлар уйғунлигидир.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш тамойили. Бу тамойил биринчи навбатда ўқувчиларнинг умуминсоний ва миллий маданиятни фаол ижодий ва амалий ўзлаштиришлари учун шароитлар яратиш билан боғлиқдир. Бунинг учун гуманитар ғоялар умумий таълим мазмунига сингдирилиши керак. Бу эса ўз навбатида гуманитар ва табиий-илмий фанларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро муносабатлари тамойилининг ўзгартирилишини талаб этади, унинг асосини шахсга эътибор қаратиш ташкил этиши зарур.

5. Таълим мазмунини фундаменталлаштириш тамойили таълимни гуманитарлаштиришдаги тўсиқларни йўқотишга имкон беради (анъанавий педагогикада уни илмийлик, тушунарлилик ва тарихийлик тамойили сифатида қаралади). У гуманитар ва табиий-илмий билимларни бирлаштириш, кетма-кетликни ўрнатиш ва фанлараро алоқаларни ўқувчиларнинг идрок этиш ва амалий фаолият методологияси моҳиятини англаб етишларига таянишни талаб этади.

6. Таълим мазмунининг кетма-кетлиги тамойили, бу тамойил таълим мазмунини ўсиб боровчи йўналишда режалаштиришдан иборат бўлишини англатади, бунда биринчи навбатда ҳар бир янги билим аввалгисига таянади ва ундан келиб чиқади.

7. Таълимнинг мазмуни мунтазамлиги тамойили, ушбу тамойил ўрганилаётган билимлар ва шакллантирилаётган малакаларни ягона тизимдаги ўрни, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, барча ўқув курслари ва яхлит мазмуннинг бир-бирига ҳамда умуминсоний, миллий маданият тизимига қирувчи тизим сифатида қўришни кўзда тутаяди.

8. Таълим мазмунининг ўқувчилар ёшлари имкониятларига мослиги тамойили ўқувчиларнинг ёш даражаси ва тайёргарлигини кўзда тутаяди. Уларга ўзлаштириш учун у ёки бу билимлар ва малакалар тизими ўзлаштириш учун таклиф этилади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг мазмунини шакллантириш қўриб чиқилган тамойилларини замонавий ўрта мактаблар ва академик лицейлари учун танлаб олиш қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

- эркин фикрловчи шахснинг ривожланиши ва унинг маданиятини шакллантириш масалалари мазмунини яхлит акс эттириш;
- илмий ва амалий аҳамияти;
- таълим мазмунининг мураккаблиги, ўқувчилар имкониятларининг мавжуд ўқув дастурларига мослиги;
- таълим ҳажмининг уни ўрганишга ажратиладиган вақтга мослиги;
- мактаб ҳамда лицейлар базасининг замонавий талабларга жавоб бериши;
- умумий ўрта таълим мазмунини қуришда халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш.

Таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар. Илмий педагогик адабиётларда таълим мазмунини шакллантиришнинг қуйидаги уч босқичи кўрсатилади:

- 1) умумий назарий босқич;
- 2) ўқув босқичи;
- 3) ўқув материални ўзлаштириш босқичи, яъни, таълим мазмунининг ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликлар каби меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмуни давлат таълим стандарти, ўқув режалари мазмунида намоён бўлади. Ўқув режалари куйидагилардан иборат: таянч, намунавий ва мактаб ўқув режаси.

Умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари) учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг ташкилий қисми ҳисобланган асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, у намунавий ва амалий ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таянч ўқув режаси давлат таълим стандарти таркибий қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг намунавий ўқув режалари таянч ўқув режаси асосида тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан тасдиқланади. Бу режа узоқ муддатга мўлжаллаб тузилади ва унинг асосида мавжуд шароитларни ҳисобга олиб ишчи ўқув режалари ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси – меъёрий ҳужжат ҳисобланиб (таълим муассасаси сертификати) куйидагиларни белгилайди:

- ўқув йили, чорак (семестр)лар ва таътилларнинг давомийлиги;
- ушбу таълим муассасасида ўрганиладиган ўқув фанлари тартиби;
- ўқиш йиллари бўйича фанларни тақсимлаш;
- ҳар бир фан бўйича яхлит таълим даври ва ҳар бир синф (курс)да фанларни ўрганишга ажратилган соатлар ҳажми;
- ҳар бир фанни ўрганишга ажратилган ҳафталик соатлар ҳажми;
- практикумлар, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётлар ҳамда шу кабиларнинг давомийлиги.

Ўқув режасида, яна шунингдек, аниқ бир ўқув муассаси хусусиятларини акс эттирувчи, ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича факультатив ва мажбурий машғулотлар акс эттирилади.

Ўқув дастури – муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтни муҳим билимларни ўрганилиши бўйича тақсимлаш, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.

Дастурда ўқув материалнинг таълимнинг ҳар бир йили ва ҳар бир синф, курс бўйича тақсимланиши тузилиши асослаб берилган. Дастурда кўрсатилган билим, малака ва кўникмаларни ўқувчилар томонидан тўла ўзлаштирилиши ўқитиш жараёни муваффақиятлилиги ва самаралилиги мезонларидан бири ҳисобланади.

Ўқув дастурлари намунавий, ишчи ва муаллифлик бўлиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури у ёки бу таълим соҳасига нисбатан давлат таълим стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастурлари куйидагилардан иборат бўлади:

- ушбу фанни ўрганиш мақсадлари, ўқувчиларнинг билим ва малакаларига асосий талаблар, ўқитиш тавсия этиладиган шакл ва методлари ҳақидаги тушунтириш хати;

- ўрганилаётган материалнинг тематик мазмуни;
- курснинг алоҳида саволларини ўрганишга ўқитувчи сарфлайдиган тахминий соатлари ҳажми;
- дунёқарашни шакллантирувчи асосий саволлари рўйхати;
- фанлараро ва курслараро боғлиқликни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар;
- ўқув ускуналари ва кўргазмалар қўлланмалар рўйхати;
- тавсия этиладиган адабиётлар.

Намунавий ўқув дастурлари Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан тасдиқланади, тавсиянома хусусиятига эга бўлади. Намунавий дастур асосида мактаб, академик лицей педагогик кенгаши томонидан ишчи ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Намунавий дастурдан фарқли равишда ишчи дастурда регионал компоненти таърифланади, ўқув жараёнини методик, информацион, техник таъминлаш имконияти, ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражаси ҳисобга олинади.

Муаллифлик ўқув дастурлари давлат стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фанини қурилиши бошқача мантиқидан иборат бўлиши, у ёки бу назарияларни ўрганишга муаллифлик ёндашуви, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга нисбатан муаллифлик нуқтаи назарини ақс эттириши лозим. Бундай дастурлар ушбу фан соҳасида педагог, психолог, методистларнинг ташқи рецензияларига эга бўлиши керак ва улар мавжуд бўлганида мактаб, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларининг Педагогик Кенгаши томонидан тасдиқланади. Муаллифлик ўқув дастурлари ўқувчиларнинг эркин танлови бўйича (мажбурий ва факультатив) курслар ташкил этишда кенг фойдаланилади.

Ўқув фани таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи манбадир.

Ўқув фанининг мазмуни ҳар бир педагог томонидан ихтиёрий белгиланмайди, балки ижтимоий ҳодиса сифатида таълимнинг тарихий ривожланиши давомида ишлаб чиқилади. Ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқув фанларини илмий билимнинг умумий тузилишига мос равишда шакллантириш керак деб ҳисобловчи нуқтаи назар энг кенг тарқалган ва тан олинган ҳисобланади.

Таълим мазмуни ва ўқув дастурлари ўқув адабиётларида лойиҳалаштирилади. Бундай адабиётлар сирасига дарсликлар ва ўқув қўлланмалари киради.

Ўқув адабиётлари орасида дарслик алоҳида ўрин тутаяди. Дарслик муайян ўқув фани бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлари тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба бўлиб, у мазмуни ва тузилишига кўра фан бўйича яратилган ўқув дастурига мос келади. Намунавий ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликлар мақсадга мувофиқ ҳолда Республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликлари томонидан барча

мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун тавсия этилади. ғоявий ва методик жиҳатдан мукамал бўлган дарслик таълим мазмунига қўйиладиган барча талабларга жавоб бера олиши, ўқувчилар учун қизиқарли, иложи борица қисқа, тушунарли, кўрғазмалилик нуқати назаридан эстетик хусусиятга эга бўлиши керак.

Дарслик бир вақтнинг ўзида ҳам барқарор, ҳам қулай таркибий тузилмага эга бўлиши керак. Дарслик барқарорлигига кўра мустақкам асосга эга, мобиллигига кўра эга асосий тузилмага даҳл этмаган ҳолда янги билимларни тезликда киритиш имкониятини намоён этади. Уларга қўйиладиган талаблар турли-туман ва қарама-қарши бўлиб, мукамал дарсликларнинг етишмовчилиги доимо ҳис этилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда муқобил, параллел дарсликлар нашр этилади, шу сабабли ўқитувчилар ва ўқувчилар улар орасидан энг яхшиларини танлаб олиш имкониятига эгалар.

Дарслик ўқувчиларнинг таълим жараёнида онгли равишда ва фаол иштирок этишлари, ўқув материални тўла ўзлаштиришларини таъминлаши керак. Ана шу масалаларни ҳал этиш йўлида дарсликлар қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) мотивацион вазифа - бу вазифа ўқувчиларни ушбу фанни ўрганишга йўналтирадиган, уларда ишга позитив муносабати ва қизиқишини шакллантирувчи рағбат (сабаб)ларни ҳосил қилишдан иборат;

2) ахборот вазифаси ўқувчиларга ахборотларни етказиш, самарали усуллар ёрдамида уларнинг билимлари ҳажмини кенгайтиришга имкон беради;

3) назорат-тузатиш (масқ қилиш) вазифаси – таълим жараёни, унинг натижаларини текшириш, ўқувчиларда ўзини баҳолаш ва тузатиш лаёқати ҳамда зарур бўлган кўникма, малакаларни шакллантириш учун ўрганиш масқларини тавсия этишни назарда тутди.

4) мувофиқлаштириш вазифаси материал устида ишлаш жараёнида таълимнинг бошқа воситалари (хариталар, кўрғазмали материаллар, диопозитив ва бошқалар)ни жалб этишни ифодалайди;

5) ривожлантирувчи –тарбияловчи вазифаси дарслик мазмунининг ўқувчиларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатиши, китоблар билан ишлаш жараёнида улардан меҳнатсеварлик, фаол фикрлаш, ижодий қобилият каби сифатларни шакллантиришдан иборат;

6) ўқитиш вазифаси дарслик билан ишлашда мустақил билим олиш учун зарур бўлган конпект ёзиш, умумлаштириш, асосийсини ажратиб кўрсатиш, мантиқий эслаб қолиш каби малака ва кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беришида кўзга ташланади.

Таълим мазмуни ўқув материаллари даражасида дарсликлар билан бир қаторда турли хил ўқув қўлланмалари: адабиёт ва тарих хрестоматиялари, справочниклар, математика, физика, химия бўйича масалалар тўпламлари, география, биология бўйича атласлар, тил бўйича масқлар тўпламлари ва бошқаларда очиб берилади. Ўқув қўлланмалари дарсликнинг баъзи

томонларини кенгайтиради ва аниқ масалаларни ҳал этиш мақсадига эга бўлади (ахборот, машқ қилиш, текшириш).

Давлат таълим стандарти. Таълим мазмунининг ривожланишида кўзга ташланаётган замонавий тенденцияларидан бири уни стандартлаштириш (давлат миқёсида ягона қоидалар ва талаблар ўрнатилиши) ҳисобланади. Стандартлаштиришда қуйидаги икки омил муҳим аҳамиятга эга:

1) турли таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар билимлар ҳажмининг бир хиллик даражасини таъминловчи мамлакатда ягона педагогик муҳитни яратиш зарурлиги;

2) Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти тизимига кириши натижасида халқаро таълим амалиётида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмунини ривожланиши тенденцияларининг ҳисобга олиниши.

Давлат таълим стандарти:

1) таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар эришишлари керак бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат;

2) ўқув фани бўйича якуний таълимнинг якуний натижаларини белгиловчи асосий ҳужжат;

3) таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, шунингдек, битирувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни билан бир қаторда таълим стандарти асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. «Стандарт» инглиз тилидан таржима қилинганда «меъёр», «намуна», «андоза», «модел» маъноларини англатади. Стандарт ёрдамида республика миқёсидаги турли таълим муассасаларида таълимнинг барқарорлик даражасини таъминлашга эришилади, ўқув ишлари нормативлари мослаштирилади, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Ўқувчи давлат томонидан белгиланган таълим стандарти билан чекланишлари мумкин, ёки билимларни янада чуқурроқ эгаллаб олиш мақсадида мустақил шуғулланиш имкониятига эга. Унинг учун қийин бўлган ёки қизиқарли бўлмаган фанни ўрганишда ўқувчига стандартга киритилган норматив минимум билан чекланиш имконияти берилади.

Ушбу ҳолатда ўқувчи ўзига мос келадиган таълим йўлини англаган ҳолда ва мустақил танлаб, ўз қизиқишлари, истаги, қобилиятлари ва интилишларини амалга оширишга имкониятга эга бўлади. Шакли ва мазмуни бўйича тушунарли ифода этилган стандарт талаблари олдиндан ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига етказилади.

Таълимни стандартлаштириш дунёнинг ривожланган мамлакатларида аллақачон ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, таълим маълум даражасини белгилаб билан амалга оширилади. Аммо “стандарт” термини ўзи таълимга нисбатан яқин даврлардан қўлланила бошланган. Давлат таълим стандартлари таълим сифатини оширишга имкон беради. Улар

таълим мазмуни минимал ҳажмини қайд этиш ва таълим даражасининг қуйи чегарасини белгилаб беради.

Таълим стандартини киритишдан аввал бундай мажбурий қоидалар мавжуд эмас эди. Ўзлаштиришнинг аниқ белгиланган чегаралари йўқлиги XX асрнинг 80-йилларида кўпчилик битирувчиларининг ҳақиқий билим даражалари жуда паст бўлишига олиб келди.

Давлат таълим стандартларини яратиш бўйича ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини (1992 йил) қабул қилингандан кейин бошланди. Мазкур ҳужжатнинг 6-бандида жаҳон таълими амалиёти меъёрларига мос келувчи давлат таълим стандартларини яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида (1997 йил) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги “Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилингандан сўнг таълим дастурлари янги авлоди яратилди. Жаҳон амалиёти тажрибаси асосида яратилган таълим стандартлари ҳар бир фан бўйича ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларнинг минимал даражасини белгилашга имкон берди.

Давлат таълим стандартлари таркибий тузилишига кўра қуйидагилардан иборатдир:

1. Таълимнинг янги ёки аниқлаштирилган мақсадлари, фаннинг ўрганиш объектлари ва асосий мазмунли йўналишлари кўзда тутилган ўқув фанининг умумий таърифи.

2. Ўқув фанининг мазмуни, таянч (инвариант) даражасини тасвирлаш.

3. Таълимнинг мажбурий натижаларини ифодалаш, яъни ўқувчиларнинг ўқув тайёргарликлари зарур бўлган минимал даражасига талаблар.

4. Билим, кўникма ва малакаларга қўйилувчи талаблар, бу уларнинг мажбурий тайёргарликлари даражасининг “ўлчамидир”, яъни, текшириш ишлари, тестлар ва алоҳида топшириқларни бажаришларига қараб ўқувчилар томонидан талабларнинг мажбурий даражасига эришилганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Таълим мазмунининг моҳияти нимадан иборат?

2. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмунини танлаб олиш тамойилларини таърифлаб беринг.

3. Ҳозирги босқичда таълим мазмунини белгилаш асосий ғояларини (асосларини) айтиб беринг.

4. Мутахассислик фани бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълими давлат таълим стандартини таҳлил қилиб беринг.

5. Ўқув режаларининг турларини айтинг, академик лицей ўқув режасини таърифлаб беринг.

6. Ўқув дастурларининг қандай турлари мавжуд?

7. Мутахассислик фани бўйича дарсликлар билан танишиб чиқинг. куйидаги саволлар бўйича уни таърифлаб беринг: а) дарсликда китобнинг мазмуни, мақсад ва вазифалари; б) кириш сўзининг мавжудлиги; в) китоб билан ишлаш давомида ўқувчиларни фаоллаштириш йўлида фойдаланилган усуллар; г) китобнинг кўргазмали материаллари, уларнинг дарслик матни билан боғланганлиги; д) параграф ёки бўлим охирида резюме ёки хулосаларнинг мавжудлиги; ж) китобнинг ташқи кўриниши (қоғози, шрифти, асмлари, муқоваси).

Тест топшириқлари:

1. қайси жавоб вариантида таълим мазмунини аниқловчи асосий омиллар кўрсатилган?

а) фан, техника, маданиятнинг жамиятда ривожланганлиги даражаси; таълимнинг мақсад ва вазифалари; ўқувчиларнинг ёши хусусиятлари; ўқувчи шахсининг эҳтиёжлари;

в) инсон эҳтиёжи; жамият талаби; таълим усуллари;

с) таълим босқичи; таълим жараёни; педагогик муносабатлар;

д) таълим самараси; таълим тамойиллари; педагогик технологиялар;

е) таълим мақсадини ёритувчи меъёрий ҳужжатлар, ўқитувчининг педагогик маҳорати, назорат усуллари.

2. Таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар қайси жавоб вариантида тўғри кўрсатилган?

а) илмий, илмий-оммавий ва бадий адабиётлар;

в) дарс лойиҳаси, йиллик режа, ўқитувчининг малакаси;

с) оммавий ахборот воситалари саҳифаларида берилаётган материаллар, Интернет маълумотлари, ахборотлар;

д) ўқув режаси, ўқув дастурлари, ўқув фани, дарслик ва ўқув кўлланмалар;

е) илмий адабиётлар, ўқув режаси, ахборот воситалари.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғўБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғўБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

4. Подласўй И.П. Педагогика. Новўй курс. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.

ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Таълим методлари: тушунча, функция, тасниф. «Метод» сўзининг юнонча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маъноларни англатади. Филофосия луғатида ушбу тушунча умумий тарзда «мақсадга эришиш усуллари»¹ дея шарҳланган.

Айни вақтда педагогик манбаларда «таълим методи» тушунчасига берилган таърифларнинг хилма-хил эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур ўринда уларнинг айримларини келтирамиз:

Таълим методи – замонавий даражада ы=ув- тарбиявий ма=садларга эришишга йыналтирилган педагог ва ы=увчиларнинг ызаро бо\ли= фаолият усулларидир (В.И.Загвязинс кий)	Таълим методлари – ы=ув жараёнининг мураккаб таркибий унсури (компоненти) былиб, ы=итувчи ва ы=увчи фаолиятининг барча йыналишларини ёритишга хизмат =илади, улар ыртасида кып сонли ало=а ва бо\ланишларни юзга келтиради (Г.И.Щукина)	Таълим методлари деганда ы=итувчининг ыргатувчанлиги ва ы=увчиларнинг ы=ув материални эгаллашга йыналтирилган турли дидактик масалалар ечимини топишга оид ы=ув- билиш фаолиятларини ташкил этиш усуллари тушунилади (И.Ф.Харламов)	Таълим методи – белгиланган ма=садга эришишни таъминловчи алгоритм лаштирилган, муайян мазмунга эга шаракатлар тизимидир (П.И.Подласый)
--	--	---	--

5- расм. «Таълим методи» тушунчасининг моциятини ёритувчи
=арашлар

Шунингдек, таълим методларининг ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги тартибли фаолиятлари усуллари эканлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам мавжуд.

«Таълим методлари дастлаб педагог онгида муайян йўналишдаги фаолиятнинг умумлашма лойиҳаси тарзида намоён бўлади. Мазкур лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг ўзаро туташуви, ўқитиш ва ўқишга қаратилган аниқ ҳаракатлар, амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этилади. Метод бошқа шаклларда намоён бўлмайди, бунинг

¹ Философский словарь. 5-изд. //Под ред. П.Т.Фролова. – Москва, 1987. – с. 278.

боиси таълим методи ўзида умумий ҳолда фаолиятнинг дидактик моделини ифода этади»¹.


1. қайд этилаётган тушунча моҳиятини тўлақонли ёритувчи таърифни аниқлашга бўлган уриниш бугун ҳам давом этапти, янги-янги таърифлар илгари сурилмоқда. Бироқ, «таълим методи» тушунчаси моҳиятини ёритишга нисбатан турлича қарашларнинг мавжудлигига карамай, уларни ўзаро яқинлаштирувчи умумийлик мавжуд. Аксарият муаллифлар «таълим методлари ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари» деган қарашга ён босадилар. Демак, таълим методлари таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи усуллар мажмуидир.

Таълим методлари таълим мақсадини ёритишга хизмат қилади, у ёрдамида таълим мазмунини ўзлаштириш йўллари ифода этилади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракати, хусусияти акс эттирилади.

Метод, бир томондан, таълим мақсадига эришиш воситаси сифатида намоён бўлса, бошқа томондан, бошқарилувчан ўқиш фаолиятини амалга ошириш шарти ҳисобланади.

Таълим методлари доимо у ёки бу ўқиш воситалари ёрдамида жорий этилади, шу боис уларнинг ўзаро шартланганлигини таъкидлаш жоиз.

Таълим методи тузилмаси чизмада қуйидагича намоён бўлади (М.Н.Скаткин қарашларига кўра):



6 - расм. Таълим методи тузилмаси


Чизмадан англаниб турибдики, таълим методи тузилмасида қуйидагилар ажралиб туради: мақсадли таркиб; фаолиятли таркиб; таълим воситалари.

Табиийки, умумий ҳолда эришилган натижа ҳар доим ҳам ўқитувчининг дарс бошида белгилаган мақсадига мос келавермайди. Таълим

¹ Ларнер И.Я. Дидактические основы методов общения. – Москва, Педагогика, 1981. – с. 35.

мақсади ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти асосида, шунингдек, таълим воситалари ёрдамида натижаланади, ушбу жараёнда аниқ мақсадга йўналтирилган механизм ишга тушади. Таълим тизимлари мақсадга эришиш жараёнида бош халқа айнан қандай ва қайси механизм асосида ҳамда мавжуд таркибий унсурларни қандай ишга солиш мумкинлигини ифодалашга хизмат қилади.


Таълим методлари қуйидаги асосий функцияларни бажаради:



7 - чизма. Тарбия методларининг асосий функциялари

Бу функциялар таълим методини қўллаш жараёнида бир-биридан ажратилган ҳолда ёки кетма-кет жорий этилмайди, аксинча бир-бирига ўзаро сингиб кетади. Мисол учун, ташхисли функция ўқитувчининг бир қатор методлардан яхлит фойдаланиши эвазига бажарилади.

«Таълим методи» атамаси билан бирга кўп ҳолларда «методик усул» (синонимлари – педагогик усул, дидактик усул) тушунчаси ҳам қўлланилади. У таълим методининг таркибий қисми, унинг муҳим унсури, методни жорий қилишдаги алоҳида кадам сифатида таърифланади. Ҳар бир таълим методи муайян таълим усуллари чоғиштириш орқали жорий этилади. Методик усуллари хилма-хиллиги уларни таснифлашга имкон бермайди, бироқ ўқитувчи фаолиятида тез-тез қўлланиладиган усуллари ажратиб кўрсатиш мумкин:



8 - чизма. Методик усулларнинг турлари

Ҳар бир метод маълум таълимий вазифани муваффақиятли ҳал этиш, колганлари эса бирмунча самарасиз бўлиши мумкин. Универсал таълим методлари мавжуд эмас, шу боис дарсда турли таълим методларидан ёки уларнинг мажмуасидан фойдаланиш мумкин.

Таълим методларини танлаш қуйидаги мезонлари асосида аниқланади:

- дидактик мақсад асосида;
- таълим мазмуни асосида;
- ўқувчиларнинг ўқув кўникмаларини эгаллаш ва ривожланиш даражаси асосида;
- ўқитувчининг тажрибаси ва касбий тайёргарлик даражаси асосида.

Ўқитувчи томонидан қўлланилаётган таълим методлари мажмуаси бошланғич синфлардан юқори синфларга ўтиш асосида ўзгариб ҳамда мураккаб хусусият касб эта боради. Ушбу жараёнда айрим методларни қўллаш частотаси ошса, айрим методларни қўллашга бўлган эҳтиёж камаяди. Таълим методларидан фойдаланиш кўлами, ҳолати ўқитувчининг касбий тайёргарлиги ва маҳорати даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Дидактикада мунозараларга сабаб бўлаётган яна бир муҳим объект таълим методларининг таснифидир. «Таълим методлари таснифи уларнинг маълум белгилари бўйича тартибини ифодаловчи тизимдир. Ҳозирги вақтда ўнлаб таълим методлари маълум», - эканлигини таъкидлаган ҳолда И.П.Подласўй фикрини қуйидагича давом эттиради, - «Бироқ бугунги кунда етакчи саналувчи дидактик ғоя ягона ва ўзгармас методлар мажмуини яратишга интилиш самарасиз эканлигини тушунишга ёрдам беради. Ўқитиш – фавқулудда ҳаракатчан, диалектик жараён. Методлар тизими ҳам бу ҳаракатланишни акс эттирадиган даражада жўшқин бўлиши, методларни қўллаш амалиётидаги доимий ўзгаришларни ҳисобга олиши керак»¹.

Таълим методларини танлаш муаммоси узоқ даврдан буён тадқиқ қилиб келинмоқда. Бироқ тадқиқотлар сони кўп бўлсада, бу борада ягона тўхтамган келинмаган. Ушбу ўринда таълим амалиётида қўлланилиб келаётган методлар тизими (таснифи)га тўхталиб ўтамыз.

Таълим методларининг таснифи асосий дидактик мақсадлар бўйича тизимлаштирилади².

М.А.Данилов ва Б.П.Есиповларнинг «а»рашларига кыра

- ¹ Подла
² Бу ти
номла
алла=а
1. Билимларни эгаллаш методлари.
 2. Кыникма ва малакаларни шакллантириш методлари.
 3. Билимларни «ыллаш методлари.
 4. Назорат (билим, кыникма ва малакаларни мустацкамлаш ва текшириш) методлари
- б
да

Муаллифлар тавсия этилаётган методларни қуйидаги чизма бўйича қўллаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдилар:

1. Материални оғзаки баён қилиш (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси). Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг ўқувчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзуни қўйиш, режани эълон қилиш, ўқувчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

2. Сухбат. Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эътиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид объектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат.

Ўқитувчининг раҳбарлиги: мавзуни қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади.

Сухбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда ўқувчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар.

3. Дарслик (умуман, китоб) билан ишлаш (умумлашма ва ҳулосаларни англаш, уларни хотирада сақлашга хизмат қилади).

Билимларни ўзлаштириш манбаи бўлиб босма матн хизмаи қилади. Ўқитувчининг раҳбарлиги эса топшириқни ифодалаш, фаолият мақсадини белгилаш, ўқувчиларга дарслик билан ишлашнинг янги усуллари ўргатиш, ўзлаштирилган билимларнинг тушунилиш ва мустаҳкамлик даражасини текшириш каби кўринишларда акс этади.

4. Ўқитувчиларнинг кузатуви (синфда ва синфдан ташқари (шу жумладан, саёҳат ва экскурсиялар) жараёнларда).

Ўқувчиларнинг ўқув предметлари бўйича ўзлаштириш ҳолати ва ходисаларни кузата бориб, турли фан ўқитувчиларининг кўрсатмалари бўйича уларни қисмларга тақсимлаб ҳар бир ўқувчининг ўзига хос, ўхшаш ва муҳим жиҳатларини аниқлашга йўналтирилади.

Билимларни ўзлаштириш манбаи бўлиб муайян предмет (ёки жараён), тажриба, модел, хариталар хизмат қилади. Ўқитувчининг раҳбарлиги кузатиш вазифасини белгилаш, уни маълум шахс зиммасига юклаш, объектни белгилаш, умумий раҳбарликни олиб бориш, қисмларга ажратиш, асосийларини аниқлаш ва умумлаштиришдан иборатдир.

5. Лаборатория ишлари. Мазкур жараёнда аниқ вазифа, яъни, маълум шароитда муайян ҳодисаларни кузатиш юкланади. Ўқувчилар ҳодисаларни кечиш жараёнини кузатадилар ва таҳлил қиладилар.

Билимлар манбаи кузатилаётган ҳодисалар ва уларнинг кечиш жараёнидир. Ўқитувчи вазифа моҳиятини ифодалайди, ўқувчиларни назарий билимлар билан қуроллантиради, умумий жараён ва босқичларни кузатиш йўллари ҳамда якуний ҳулоса чиқаришни ўргатади.

6. Машқ (аклий ва фаолиятли машқлар). Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёнининг ўзига хослиги, назарий асослар ўзлаштирилгач, айрим материаллардаги ўхшаш ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши кузатилади.

Билимлар манбаи: ўзлаштирилган билимлар ва хусусий тажриба саналади.

Ўқитувчи машқни бажариш учун жой ҳамда вақтни белгилайди, топшириқни ифодалайди, уни бажариш босқичларининг боришини назорат қилади, бошқаради, шунингдек, якуний натижаларни текширади.

7. Ижодий машқ. Ушбу метод ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ўзига хослик масаланинг моҳиятини чуқур англаш, уни бажаришга нисбатан мустақил ёндашиш, далилларни саралаш ва ўқитувчи томонидан берилган топшириқни ижодий бажариш жараёнида билимларни қўллаш ва кенгайтириш каби ҳолатлар билан тавсифланади.

Билимлар манбаи ва материали сифатида аввал эгалланган ижодий ишлар тажрибаси, мавжуд билимлар, кузатувлар, шахсий тажриба, ўқилган ҳикоя, ижтимоий-фойдали ишларни бошқариш кабилар қайд этилади.

Ўқитувчининг раҳбарлиги: назарий материалларни ўзлаштирилишини таъминлаш, мавзунини ифодалаш, ижодий ишлар характерини белгилаш, уларнинг бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш, синтезлаш, хатони кўрсатиш ҳамда тўғрилашдан каби ҳолатларда намоён бўлади¹.

Келтирилган тасниф «билимлар манбаи» бўйича тизимлаштирилган методлар – оғзаки, кўргазмали ва амалий методларни у ёки бу даражада ўзида мужассамлаштиради. Бироқ, М.А.Данилов ва Б.П.Есиповлар асосий эътиборни «таълим методини тўғри танлаш»га қаратишади. Гап шундаки, собиқ Шўро умумтаълим мактабларининг ўқув жараёнида методларнинг чексиз кўплиги, хатто уларни бир неча тасниф билан ҳам қамраб олиш мумкин эмаслиги, шу боисдан ҳам ўқув-тарбиявий ишлар муваффақиятининг бош омили ва энг муҳими тўғри, асосланган методни танлаш ҳисобланган, Ана шу «ғоя» моҳият жиҳатидан нотўғри бўлишига қарамай, ўн йиллар давомида дидактика «ривож»да муҳим ўрин тутиб келди. Ниҳоят, ҳар икки тасниф билимлар манбаи бўйича ҳам, дидактик мақсадлар бўйича аниқланган таълим методлари тизими мактаб амалиётининг асосий муаммосини ҳал эта олмаслигига танқидий ёндашилди, уларни қўллаш таълим сифатининг юқори даражасини таъминлаганлиги англаб етилди ва бу борадаги изланишлар

¹ Данилов М.А., Есипов Б.П. Дидактика. – Москва, Изд-во АПН РСФСР, 1957.

давом эттирилди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўқувчиларнинг билиш фаолияти характериға мос таълим таснифи яратилди.



10 -чизма. Таълим методларининг таснифи

Ушбу методлар, муаллифларнинг таъкидлашларича, бир-бирдан ўқувчиларнинг таълим мазмуни турларини ўзлаштиришда амалга ошадиган билиш фаолиятлари характери ва ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятларини ташкил этувчи ўқитувчи ҳолати ... бўйича фарқланади¹.

Изоҳли-таълим таълим методлари (бошқа номланиши ахборотли-рецепция)нинг моҳияти: одатда назарий билимлар тайёр ҳолда узатилади, ўқувчилар эса уларни қабул қиладилар (рецепция). Бу йўлда турли таълим воситалари (шу жумладан, кўргазмали воситалар)дан фойдаланилади. Ўқитувчи фаолияти бунда нафақат ахборотларни узатиш, балки уларнинг ўқувчилар томонидан қабул қилинишини ҳам ташкил этишдан иборат бўлади.

Изоҳли-таълим методдан таълим жараёнида фойдаланишда куйидаги ҳолатлар юзага келади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> - Тушунтириш; - Ҳаракатни кўрсатиш; - Далиллардан хабардор қилиш; - ўқувчининг материални англаб етишини рағбатлантиришга йўналтирувчи усуллар; - турли дидактик материаллардан фойдаланиш 	<ul style="list-style-type: none"> - ахборотларни қабул қилиш; - ўқув материални тушуниб олишга интилиш ва дастлабки маълумотларни ёдда сақлаш; - ўқув материални тушуниш

Репродуктив таълим методлари юқорида келтирилган методлардан куйидаги унсурларнинг мавжудлиги билан фарқланади: ўқитувчининг

¹ Дидактика средней школы //Под ред. М.Н.Скаткина. – Москва, Просвещение, 1982. – с. 207.

билимларни тушунтириши, уларни ўқувчиларнинг ёдида сақланишини таъминлаши ва қайта ишлаб чиқиши (репродукция). Ўзлаштирилган билимларнинг мустақкам бўлишига уларни кўа марта такрорлаш эвазига эришилади. Мазкур метод таълимнинг барча босқичлари, асосан, бошланғич синфларда ўқиш ва ёзиш, арифметик ҳаракатларни амалга ошириш кўникмаларини ўзлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Репродуктив методдан фойдаланишда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> - аввал ўзлаштирилган мавзу, параграф ёки боб бўйича сўров; - ўқувчилар учун турли машқларни саралаш ва таклиф қилиш; - масалаларни ечишдаги ўқув ҳаракатларининг намунаси ва алгоритмини намоёиш қилиш; -ўқув ҳаракатлари кўникмаси ва малакасини шакллантириш 	<ul style="list-style-type: none"> - турли контекста билимларни қайта ишлаш; - намуна бўйича топшириқларни бажариш; - машқларни бажариш; - намунавий масалаларни ечиш усуллари эгаллаш; - намунавий масалаларни ечиш алгоритмини эгаллаш


Эвристик таълим методини қўллашда ўқитувчи томонидан турли воситалар ёрдамида янги билимларни излаб топиш талаб этилади. Ўқитувчи билимларнинг бир қисмини ўқувчиларга маълум қилади, қолганини эса ўқувчилар билиш топшириқларини ечиш жараёнида саволларга жавоблар топиш асосида ўзлаштиради, ўзлари билимларни мустақил эгаллашади. Ўқитувчи томонидан қўйилган масалани бир неча қарашларга ажратилиши, уларни бажаришда ўқувчиларнинг кетма-кетликка риоя этишлари муҳим методик жиҳат саналади. Шу боис мазкур метод қисман изланувчан метод ҳам деб аталади.

Эвристик методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> - ўқувчиларни масаланинг моҳиятини ўрганишга жалб этиш; - ечим режасини аниқлашда мулоҳаза юритиш намунасини кўрсатиш; - масалани босқичларга ажратиш; -эвристик суҳбат 	<ul style="list-style-type: none"> - эвристик суҳбатда қатнашиш; - масалани ечиш режасини олға суриш; - изланувчан ҳаракат усуллари эгаллаш; - масалалар ечиш йўллари излаб топиш

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик

зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир. Бу методни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин:



11- чизма. Муаммоли ёритиш методининг тузилмаси

Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият», «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади. Чизмадан англанадиги, муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб, ўзида субъектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди, уни бартараф этиш янги билимлар, усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўллари излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса, шубҳасиз, муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди, яъни, муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб етилиши, ифодаланиши, мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланок бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади, бироқ, барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса, у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони, демак, муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса, уни муаммоли масалага айлантиради, яъни, унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда у бошқа кўрсаткичларни қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> - ўқув материалга оид тафовутларни таклиф этилиши; - муаммоли вазиятларни тузиш; - муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш; - муаммоли топшириқларни лойиҳалаш 	<ul style="list-style-type: none"> - ўқув материали моҳиятининг англаб етилиши; - муаммоли вазият юзасидан фикрлаш; - мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш; - муаммоли масалага ўтказиш; - топшириқни бажариш

Тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади, ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси, тажрибасини эгаллайдилар.

Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:


Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> - ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш; - ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатиш; - ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш 	<ul style="list-style-type: none"> - ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш; - тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда ўрнатишда фаоллик кўрсатиш; - уларни ечиш усулларини топиш; - тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш

Эвристик ва тадқиқотчилик методлари ўқувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бир мунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимига шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий


харакат амалга ошириляётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойихаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган. Шунингдек, буюк дидакт И.Я.Лернер асарлари асосида илмий тадқиқот¹ ҳам амалга оширилган.

Дидактикада таълим методларининг бинар (икки)ли ва кўпбинарли омил асосида тизимлаштиришга бўлган уринишларни ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, М.И.Махмутов томонидан таълим методлари ва ўқиш методлари ажратилади:



Шундай қилиб, жуфт (бинар)ли методлар вужулга келди:



13-чизма. Жуфт (бинар)ли таълим методларининг таснифи

Шунингдек, В.Ф.Паламарчук ва В.И.Паламарчуклар таълим методларининг уч ўлчовли моделини таклиф қилишган. Унда билимлар манбаи, ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ва мустақиллик даражаси ҳамда ўқув-билишнинг мантиқий йўли яхлит тарзда чоғиштирилади.

С.Г.Шопаваленко таълим методлари таснифини тўрт белги асосида асословчи қуйидаги тетрээддик ёндашувни таклиф этади:

- 1) мантиқий-мазмунли;
- 2) манбали;
- 3) мазмунли;
- 4) ташкилий бошқарувчи.

¹ Меретукова В.Р. Инновационные идеи в дидактических трудах И.Я.Лернера. Дисс. ... канд.пед.наук (13.00.01). – Москва, 2003.

И.П.Подласый бирмунча кенг тарқалган таълим методлари таснифига яқинлашар экан, куйидаги фикрни таъкидлайди: «Бошқа бир қатор таълим методлари таснифи ҳам мавжуд. Масалан, немис дидакти Л.Клинберг таълим жараёнида методларни ҳамкорлик шакллари билан уйғунлаштиришга алоҳида урғу беради»¹ ва куйидаги методларни кўрсатади:

Монологик методлар	Ҳамкорлик шакллари	Диологик методлар
Маъруза	Индивидуал	Сухбатлар
Ҳикоя	Гуруҳли	Интервью
Намойиш	Фронтал	-
-	Жамоавий	-

Таълим методлари турли шакллар ҳамда хилма-хил таълим воситалари ёрдамида жорий этилади.

Таълим шакллари таълим жараёнининг ташкилий-тузилмавий кўринишидир. Бугунги кунда таълим муассасаларида куйидаги таълим шакллари самарали фойдаланиб келинмоқда: маъруза, семинар, амалий мушғулот, учрашув, тақдимот, саёҳат, ўқув конференцияси ва бошқалар.

Таълим жараёнида таълимнинг самарадорлигини таъминловчи муҳим элементлардан бири сифатида таълим воситалари эътироф этилади. Таълим воситалари сирасига куйидагилар киради: техник ҳамда ахборот қурилмалари (диопроктор, кинедоскоп, ускуналар, радио, телевидение, компьютер, аудио ҳамда видео магнитофонлар), лаборатория жиҳозлари (кольбалар, пробиркалар, кимёвий реактивлар, микроскоп), харита, макетлар, диаграммалар, плакатлар, расмлар, чизмалар ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Н.С.Сайидахмедов томонидан асосланган таълим методлари таснифи асосида дидактик жараён назарияси ётади². Маълумки, дидактик жараён ҳар қандай педагогик технологиянинг асоси сифатида ўзида куйидаги учта компонентни мужассамлаштиради:

- 1) мотивацион босқич;
- 2) ўқув фаолияти;
- 3) бошқарув.

Демак, дидактик жараён тузилмасига мос ҳолда таълим методларини куйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

И. Ўқиш ва меҳнатга рағбатлантирувчи ҳамда мотивлаштириш методлари.

ИИ. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари.

ИИИ. Ўқув-билиш фаолиятини бошқариш методлари.

Ўз навбатида ҳар бир гуруҳ илмий асосда кичик гуруҳларга ажратилади:

¹ Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Кн. 1. – Москва, ВЛАДОС, 1999.

² Сайидахмедов Н.С. Методы обучения и коллектив механизированному труду в хлопководстве. – Тошкент, Ё=итувчи, 1991. – с. 112.

И. Ўқиш ва меҳнатга рағбатлантирувчи ҳамда мотивлаштириш методлари		
И кичик гуруҳ	ИИ кичик гуруҳ	ИИИ кичик гуруҳ
Ўқишга қизиқишни рағбатлантирувчи методлар	Ўқиш ва меҳнатда бурч ҳамда жавобгарликни рағбатлантирувчи методлар	Меҳнатга ва муайян касбга қизиқишни рағбатлантирувчи методлар
<ul style="list-style-type: none"> - билув ўйинлари; - ўқув баҳси; - ҳиссий-ахлоқий кечинмали вазиятлар яратиш; - апперцепцияли (идрокнинг тажрибага боғлиқлиги) вазиятларни яратиш; - билув янгиликлари вазиятларини яратиш 	<ul style="list-style-type: none"> - ўқиш ва меҳнатнинг муҳимлигига ишонтириш; - талабларни ифодалаш; - талабларни бажариш учун машқ; - ўқишдаги рағбат; - ўқишдаги камчилик учун танбех 	<ul style="list-style-type: none"> - голибларни маънавий ва моддий рағбатлантириш; - ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш воситаларини мустақил бошқаришга интилишларини рағбатлантириш; - иш жойидаги хулқини рағбатлантириш

ИИ. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари		
И кичик гуруҳ	ИИ кичик гуруҳ	ИИИ кичик гуруҳ
Ўқув-билиш фаолиятининг мўлжал асосларини вужудга келтириш методлари	Ўқув-билиш фаолиятини бажариш методлари	Меҳнатда ва меҳнатда назорат ва ўз-ўзини назорат методлари
<p>Оғзаки:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ҳикоя; - суҳбат; - тушунтириш; - маъруза; - йўриқнома 	<p>Амалий:</p> <ul style="list-style-type: none"> - машқ; - ўқув-ишлаб чиқариш тажрибаси; - ўқув-унумли меҳнат; - китоб билан ишлаш; - ёзма иш 	<p>Оғзаки:</p> <ul style="list-style-type: none"> - индивидуал сўров; - ялпи сўров; - дастурли оғзаки сўров
<p>Кўрсатмали:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иллюстрация; - намойиш 	<p>Изланувчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қисман-изланувчи - тадқиқотчилик; - алгоритмлик; - ташҳисли 	<p>Ёзма:</p> <ul style="list-style-type: none"> - назорат-ёзма иш; - ёзма синов (тест); - ёзма имтиҳон; - дастурли ёзма синов (тест); - лаборатория-амалий; - назорат лаборатория иши; - машинали назорат; - унумли меҳнатни сон ва сифат жиҳатдан баҳолаш

ИИИ. Ўқув-билиш фаолиятини бошқариш методлари

Билиш фаолиятини кузатиш методлари:

- бевосита;
- билвосита йўриқнома ёрдамида;
- ўз-ўзини назорат

Назорат методлари:

- ўқитувчи топширади;
- дастурли қўлланмадан фойдаланилади;
- таълимнинг техник воситалари ёрдамида

Ўқув фаолиятини тузатиш (коррекция) методлари:

- тезкор;
- якуний натижа бўйича;
- фоиз кўрсаткичи бўйича

Шундай қилиб, тақдим этилаётган таълим методлари тизими назарий-амалий жиҳатдан асосланган ва мазкур тизим яхлит ўқув-тарбия жараёнини камраб олади. Ушбу тизим бир қарашда академик Ю.К.Бабанский томонидан асосланган таълим методлари тизимига ўхшаш. Бироқ, Ю.К.Бабанский таснифи¹га кўра таълим жараёнига нисбатан кибернетик ёндашув мақсадга мувофиқ, унга кўра ҳар қандай мураккаб фаолият, шу жумладан, таълимий фаолият ҳам қуйидаги учта таркибий қисмдан иборатдир:


- 1) ташкилий;
- 2) рағбатлантирувчи;
- 3) назорат.

Ана шу асосида таълим методлари қуйидагича гуруҳланади:

1. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бажариш методлари.
2. Ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивлаш методлари.
3. Назорат ва ўз-ўзини назорат методлари.

Дидактик жараён назарияси асосида кўрилган ўқиш методларининг таснифи кичик гуруҳлар таркиби, сони ва унга киритилган методлар номенклатураси ҳамда функциялари билан кибернетик ёндашувли тизимдан тубдан фарқланади ва ўқув-тарбия жараёнининг методик жиҳатдан бирмунча юқори даражасини таъминлайди¹.

Таълим методларининг моҳияти ва мазмуни. қайд этиб ўтилганидек, таълим методлари тизимида **оғзаки баён қилиш методлари** муҳим ўрин тутади.



¹ Педагогика /Под ред. Ю.К.Бабанского. – Москва, Просвещение, 1989.

¹ Сайидахмедов Н.С. Система методов обучения учащихся механизированному труду в хлопководстве. Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Москва, 1983, - с. 18.

Оғзаки машқлардан таълим жараёнида кенг фойдаланилади. Улар ўқувчиларнинг умумий маданияти, мантиқий фикрлаши ҳамда билиш қобилиятини ривожлантириш билан боғлиқдир. Шунингдек, оғзаки машқларнинг нутқ бойлигини ошириш ва хорижий тилларни ўрганишдаги аҳамияти беқиёс.

Ҳикоя – ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилиниши. Методнинг самараси кўп жиҳатдан ўқитувчининг нукт маҳорати, сўзларни ўз ўрнида, ифодали баён қилиши, шунингдек, ўқувчиларнинг ёши, ривожланиш даражасини инобатга олган ҳолда ёндашувига боғлиқ. Шу боис ҳикоя мазмуни ўқувчиларнинг мавжуд билимларига таяниши, уларни кенгайтиришга хизмат қилиши зарур. Ҳикоянинг ахборотлар билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳикоя қилинаётган материални самаралаш махсус режа асосида амалга оширилади. Ўқитувчи ҳар бир дарсда унинг мақсадини аниқ белгилаб олади, ундаги асосий тушунчаларга алоҳида урғу беришга эътиборни қаратади. Ҳикоя ҳисса (5-10 дақиқа), шу билан бирга ўқувчиларда ҳис-ҳаяжон ва мавзуга нисбатан қизиқишни уйғотиши керак. Бу ҳолат ҳикояни бошқа таълим методлари (хусусан, намойиш ёки муаммоли баён этиш ва ҳоказолар) билан бирга солиштирганда рўй бериши мумкин.

Сухбат – савол ва жавоб шаклидаги диалогик таълим методи бўлиб, у фанга қадимдан маълум, ҳатто ундан ўз фаолиятида Суқрот ҳам моҳирона фойдаланган. Сухбат таълим жараёнида кўп функциялар (ақлий фикрлаш, ҳозиржавоблик, мулоқот маданияти ва бошқа сифатларни шакллантиради) бажаради, аммо асосийси ўқувчида фаолликни юзага келтиради. Сухбат ўқитувчи фикрига мос ҳаракат қилиш, натижада янги билимларни босқичма-босқич эгаллашга имкон беради.

Сухбат – фаолиятини эндигина бошлаган ўқитувчи учун мураккаб таълим методи ҳисобланади, бинобарин, саволларни тайёрлаш, уларнинг кетма-кетлигини таъминлаш кўп вақт талаб этади, уни ташкил этишда эса барча ўқувчиларнинг диққатини жалб этиш талаб қилинади. Ўқитувчи оддий саволлар бериши, ўқувчиларга улар юзасидан батафсил ўйлаш учун вақт ажратиши, ўқувчиларнинг жавобларини эса диққат билан тинглаши, зарур ўринларда уларни шарҳлаши лозим. Шу боис сухбатда билиш дедуктив ёки индуктив йўл билан амалга ошади. Дедуктив сухбат ўқувчиларга олдиндан маълум бўлган қоидалар, тушунчалар, ҳодисалар, жараёнлар асосида ташкил этилиб, ўқувчилар таҳлил ёрдамида хусусий хулосаларга келадилар. Сухбатнинг индуктив шаклида алоҳида далиллар, тушунчаларнинг таҳлил асосида умумий хулосага келинади.

Суҳбат кўпроқ ўқувчиларни янги билимлар билан таништириш, билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш, назоратни ташкил этиш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ташҳислашда ижобий натижаларни беради. Суҳбат турли кўринишларда, яъни, кириш, якуний, индивидуал ва гуруҳли суҳбат тарзида ташкил этилади.

Кириш суҳбати ўқув ишларининг бошида ташкил этилади. Уни ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳал этилиши зарур бўлган ишлар моҳиятининг ўқувчилар томонидан англаб етилганлигини текшириб кўришдан иборат. Бундай суҳбатлар ўқувчиларнинг ўқув салоҳиятини аниқлаш, лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда янги билимларни ўзлаштиришга киришиш олдидан уюштирилади.

Якуний суҳбат ўқувчилар томонидан эгалланган билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Катехизисм (қисқа баёнли) суҳбат – ўқувчиларнинг бошланғич билим даражаси ҳамда уларнинг янги ўқув методикасини ўзлаштиришга тайёргарлигини аниқлаш учун тажрибали ўқитувчилар томонидан дарс аввалида ёхуд ўрганилган материални мустаҳкамлаш учун дарс сўнггида қўлланилади.

Эвристик суҳбат янги билимларни муаммоли тарзда эгаллашга йўналтирилади. Бунда саволлар шундай кетма-кетликда берилиши зарурки, натижада уларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзидаги жавобларни олиш эмас, аксинча, ўқувчиларни мустақил фикрлаш, уларда фаолликнинг юзага келишини таъминлаш, уларни таҳлил қилишга ундаш, далилларни илгари суришга эришиш имконияти яратилсин.

Демак, эвристик суҳбат жараёнида ўқувчилар билимларни ўзларининг тиришқоқликлари ва мустақил фикр юритиш лаёқатига эгаликлари боис ўзлаштира олсинлар.


Тушунтириш ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилишдир. Бу метод ҳикояга нисбатан бирмунча кенг қўлланилади. Ундан одатда назарий материаллар ҳамда мураккаб масалаларни ўрганишда фойдаланилади. Тушунтириш жараёнида ўқув материалининг бир қадар қийин унсурлари кўзга ташланади ва шу асосда материалнинг моҳияти очиб берилади. Тушунтириш самараси кўп ҳолларда ўқитувчининг кўргазмали воситалардан оқилона фойдаланишига боғлиқ бўлади.

Маъруза – йирик ҳажмдаги ўқув материални оғзаки баён қилиш методи саналиб, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: қатъий мантикий кетма-кетлик, узатилаётган ахборотларнинг кўплиги, билимлар баёнининг тизимлилиги. Мактаб маърузаси мазмунини мураккаб тизимлар, ҳодисалар, объектлар, жараёнлар, уларнинг сабабли-оқибатли боғланишлари, қонун ва қоидалар ташкил этади. Шу боис маъруза мактаб шароитида юқори синфлардагина қўлланилади. Чунки у бутун дарс жараёнини қамраб олиши мумкин. Маъруза методи тушунтириш ва суҳбатнинг аста-секин кенгайиб боришидан вужудга келади ва бир вақтида ўқувчиларни қисқача ёзиб олиш (конспектлаш)га ўргата боради.

Мактаб маърузасининг самарадорлигини таъминлаш шартлари¹ куйидагилардан иборат:

- ўқитувчи томонидан энг мақбул маъруза режасининг тузилиши;
- режадан ўқувчиларни хабардор этиш, уларни маъруза мавзусининг мақсади ва вазифалари билан таништириш;
- режада акс этган барча бандларнинг мантиқийлик ва кетма-кетликда баён этилиши;
- режанинг ҳар бир банди ёритилгач, улар юзасидан қисқача умумлашма асосида хулосаланиши;
- маърузанинг бир қисмидан иккинчисига ўтишда улар ўртасидаги мантиқий алоқаларнинг ўрнатилишини таъминлаш;
- баён қилишнинг муаммоли ва эмоционал хусусият касб этиши;
- жонли тил, ўз вақтида мисоллар, аниқ далиллар ва қиёслашлардан фойдаланиш;
- аудитория, мулоқот жараёни, шунингдек, ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларини моҳирлик билан бошқариш;
- маърузанинг муҳим жиҳатларини турли томондан очиб берилиши;
- маърузанинг асосий қисмларини ўқувчилар томонидан қайд этиб (ёзиб) борилишига имкон берадиган ҳолатда баён қилиниш тезлиги;
- зарур (ёзиб олинмаган) ўринларни олдиндан ажратиб қўйиш;
- ўрганилаётган ҳолатларни ёзиб олиш асосида қабул қилиш ва уларнинг моҳиятини аниқлаштириш мақсадида кўرғазмалар (намойиш, иллюстрация, видеофильм ва бошқалар)дан фойдаланиш;
- алоҳида ҳолатларни чуқур муҳокама қилишда маърузани семинар, амалий машғулотлар билан уйғунлаштириш.

Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда кўрғазмали методлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.



15- чизма. Кыргызмали методларнинг турлари

Ушбу методлардан фойдаланиш зарурияти кўрсатмалилик тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқ эканлигида кўринади. Инсон миясининг 30 фоиз ҳажмини кўришни, фақат 3 фоизигина эшитишни таъминловчи нейронлар ташкил этади. Педагогик-психологик йўналишда олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан маълум бўладики, шахс томонидан ўзлаштирилаётган билимларнинг 85 фоизи кўриш рецепторлари ёрдамида

¹ Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Кн. 1. – Москва, Владос, 2002. - с. 491.

ўзлаштирилади. Демак, ўзбек халқи томонидан кўп бора қўлланиладиган «Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» мақоли илмий асосга эга экан.

Намойиш методи ўрганилаётган объект ҳаракат динамикасини очиб беришда қўл келади ва айна чоғда предметнинг ташқи кўриниши ва ички тузилиши ҳақида тўлақонли маълумот беришда кенг қўлланилади. Табиий объектларни намойиш қилишда одатда унинг ташқи кўриниши (шакли, ҳажми, миқдори, ранги, қисмлари, уларнинг ўзаро муносабатлари)га эътибор қаратилади, сўнгра ички тузилиши ёки алоҳида хусусиятларини ўрганишга ўтилади. Кўрсатиш кўп ҳолатларда ўрганилаётган объектларнинг субъекти ёки чизмаси ёрдамида кузатилади. Тажрибалар намойиши эса синф тахтасига чизиш ёки ўқитувчининг махсус жиҳозлар ёрдамида кўрсатиб бериши ҳисобига амалга ошади, бунда ушбу тажриба асосида ётувчи тамойилларни тушуниш осонлашади.

Предметлар, ҳодиса ёки жараёнларни табиий ҳолатда намойиш қилиш янада кўпроқ дидактик самара беради, бироқ, бундай намойишни амалга ошириш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди. Шу боис ўқитувчилар табиий предметларни намойиш қилишда сунъий муҳитга мурожаат қилишади (масалан, ҳайвонлар билан ҳайвонот боғида, турли ўсимликлар билан эса иссиқхоналарда танишиш) ёки сунъий равишда яратилган объектлар (макет, модел, муляж, скелет ва бошқалар)дан фойдаланилади.

Бу метод ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларни мустақил равишда объектларни ўрганиш, зарурий ўлчов ишларини олиб бориш, алоқадорликни ўрнатиш, шунингдек, ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етишга бир сўз билан айтганда фаол билиш жараёнига йўналтириши лозим. Намойиш самараси кўп жиҳатдан ўқитувчининг билиш жараёни моҳиятан ўқувчиларнинг ёшига мос ҳолда тўғри танланиши ҳамда мумкин қадар уларнинг диққатини намойиш этилаётган предметнинг муҳим жиҳатларига йўналтиришига боғлиқдир.

Тасвир (иллюстрация) методи намойиш методига чамбарчас боғлиқ бўлсада, дидактикада алоҳида ўрганилади. Иллюстрация нарса, ҳодисалар ва жараёнларни уларнинг рамзий кўринишлари – чизма, порт, расм, фотосурат, ясси моделлар ва бошқалар ёрдамида кўрсатишни тақозо этади.

Намойиш ва тасвир методлари ўзаро боғлиқликда бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилади. Агар ҳодиса ва жараённи ўқувчи яхлит ҳолда қабул қилиши зарур бўлса намойишдан фойдаланиш, агар ҳодиса моҳияти ҳамда унинг унсурлари ўртасидаги боғланишларни англаш талаб этилса иллюстрацияга мурожаат қилинади.

Тасвирнинг самараси кўпинча ўқитувчи томонидан кўрсатув технологияси қай даражада ўзлаштирилганлигига боғлиқ бўлади. Кўрсатмалардан фойдаланишнинг билиш жараёнидаги дидактик аҳамияти ўрганилаётган объект моҳиятини тўлақонли ёрита олиши билан белгиланади. Аслида иллюстрациялар олдиндан тайёрланиб, дарс жараёнида зарур ўринларда керакли ҳажмда кўрсатилади, акс ҳолда улар сонининг ошиб кетиши ўқувчиларни ҳодиса моҳиятини англашда чалғитади. Айрим

ҳолларда тарқатма материаллар (фотосурат, жадвал, табиий объектлар ва бошқалар) ёки техник воситалар хизматидан фойдаланишга тўғри келади.

Кўргазмали методлардан фойдаланишда самарадорликка эришиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- кўргазмалиликнинг ўқувчилар ёши ва ривожланиш даражасига мос келиши;
- намоиш этилаётган объектлар барча ўқувчиларга яхши кўриниб туриши;
- намоишда унинг бошланғич босқичи ва асосий жараён (ҳолат)ларнинг ажралиб туриши;
- тажрибалар намоиши макет, жиҳоз, қуроллар ёки тажриба схемасини чизиб кўрсатиш асосида ташкил этилиши;
- намоиш ва иллюстрация ўқув материалининг мазмуни билан уйғун бўла олиши лозим.

Амалий ишлар методлари ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар ёрдамида уларда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади.



16 - чизма. Амалий методларнинг турлари

Амалий ишлар методи – ўзлаштирилган билимларни амалий масалалар ечимини топишга йўналтирилган жараёнда қўллашни тақозо этади. Бунда назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси ҳосил қилинади. Амалий ишлар синфда ёки табиий шароитлар – мактаб ер майдони, иссиқхона, географик майдонларда амалга оширилади. Уларни амалга оширишда содир этиладиган ҳаракатлар ўқитувчи томонидан назорат қилинади ва зарур ҳолларда йўриқнома ёки махсус кўрсатмани ўқувчилар эътиборига ҳавола этади.

қайд этилганидек, ушбу методлар ўқувчиларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга ёрдам беради. Айнан амалий фаолият жараёнида назарий билимлар ҳаракатдаги шаклга эга бўлади.

Машқ - ақлий ёки амалий (жисмоний) ҳаракатларни бажариш кўникмаларини эгаллаш йўлидаги кўп марта такрорланишлар бўлиб, машқсиз кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш мумкин эмас. Машқлар оғзаки, ёзма, графикавий (техник жараёнлар моҳиятини ифодалаш), ижтимоий-фойдали, жисмоний ва бошқа турларга бўлинади.

Ёзма машқлар – таълимнинг таркибий қисми сифатида зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида қўлланилади. Диктант, иншо, масала, мисол, шунингдек, реферат ёзиш ва тажриба моҳиятини ёритиш ҳам ёзма машқлар сирасига киради.

Графикавий ишлар ҳам ёзма ишлар билан ўхшаш жиҳатларга эга бўлиб, улардан асосан техник жараёнлар (жумладан, география, физика, математика, чизмачилик, расм ҳамда технологик таълим)да кенг қўламда фойдаланилади.

Машқларнинг бажарилиш самараси қуйидаги шартлар ҳисобга олинганда бирмунча юқори бўлади:

- машқларни бажаришга нисбатан онгли ёндашиш;
- бажариш қоидасини билиш;
- вақт бўйича такрорланишнинг тўғри тақсимланиши.

Машқни бажаришни ташкил этиш қуйидаги босқичлардан иборат:

- ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши;
- топшириқни бажариш кетма-кетлигини кўрсатиши;
- ўқитувчи назорати остида ўқувчилар томонидан ўқув ҳаракатининг дастлабки бажарилиши;
- зарур кўникма ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши.

Айрим ҳолатларда ўқувчилар овоз чиқариб ўқув ҳаракатларини такрорлашлари ва бажаришлари лозим бўлади. Улар изоҳли машқлар деб номланади ва бажариладиган ҳаракатларнинг моҳиятини англаган ҳолда кўникма ва малакаларни эгаллашга имкон беради.

Лаборатория ишлари ўқувчиларнинг жиҳоз, маҳсус ускуна, курол ҳамда турли техникавий қолиплардан фойдаланган ҳолда тажрибаларни ўтказиш методлари бўлиб, улар кўпроқ табиий фанлар асосларини ўрганишда қўлланилади. Бу метод ўқувчиларнинг асбоб-ускуналар билан иш кўриш, ўлчаш ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш каби кўникмаларини тезкор шакллантиришга имкон беради. Лаборатория ишларини бажариш маҳсус қурилма ва жиҳозлар, шунингдек, материаллар ҳамда вақтни сарфлаш, уларни ишга тайёр ҳолатга келтиришни талаб этади. Бироқ бу ҳаракатлар ўқувчиларнинг юқори даражадаги фаоллиги асосида мустақил равишда тажриба ва ўлчаш ишларини ташкил этиш билан такомиллаштирилиб борилади.

Лабораториядан амалий ишларнинг фарқи шундаки, бу метод ўқувчиларнинг мавжуд назарий билимларни амалий масалалар ечимини топишга йўналтирилган фаолиятини ташкил этишга хизмат қилади. У ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, билиш фаолиятини назорат қилиш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш борасидаги кўникмаларини шакллантириш каби функцияларни бажаради.

Амалий машғулотларда ўқувчиларнинг билиш фаолияти қуйидаги беш босқичда ташкил этилади:

1. Ўқитувчининг тушунтириши, фаолият моҳиятини назарий жиҳатдан англаш босқичи.

2. Кўрсатма, йўл– йўриқ бериш босқичи.

3. Синов босқичи (бу босқичда икки-уч нафар ўқувчи амалий ҳаракатларни бажаради, қолган ўқиувчилар эса уларнинг фаолиятини кузатади).

4. Фаолият (ҳаракат)ни бажариш (ҳар бир ўқувчи топшириқни мустақил равишда бажаради, айти ўринда топшириқни бажаришга қийлланалган ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга ёрдам кўрсатилади).

5. Назорат босқичи (бу босқичда ўқувчиларнинг ишлари қабул қилинади ва баҳоланади; ишнинг сифати, материалнинг мақсадга мувофиқ танланганлиги, вақт нутқай назардан тезкорлик, топшириқни бажариш тизимининг тўғрилиги ва самарадорлиги каби ҳолатларга алоҳида эътибор берилади).

Замонавий таълим тизимида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар негизида амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришда дидактик ўйинлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дидактик ўйин ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури. Айти вақтда ўйин ҳам ижтимоий фаолият кўриниши саналади.

Ҳозирги вақтда ўқитувчилар кўлида барча ўқув фанлари бўйича дидактик ўйинларнинг ишланмалари мавжуд, айтиқса, бошланғич таълим бўйича яратилган ўқув дастурларда турли дидактик ўйинларнинг рўйхати етарли даражада кўрсатилган.

Таълимнинг глобаллашуви таълимий ва ривожлантирувчи характерига эга ва йўналиши жиҳатидан хилма-хил бўлган компьютер ўйинларининг мактаб амалиётига жадал кириб келишини таъминламоқда. Дидактик ўйинлар ўқувчиларга ижтимоий-фойдали меҳнат ҳамда ўқиш кўникмаларини фаол ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Дидактик ўйинларнинг аҳамияти унинг натижаси билан эмас, балки жараённинг мазмуни ва унинг кечиши билан белгиланади. Ўйинлар болаларни ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишга тайёрлайди, уларнинг турли психологик зўриқишларини камайтиради. Дидактик ўйинлардан фойдаланилганда ўқувчиларнинг манфаатдор бўлишлари ижобий аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина уларни тақдирлаш мумкин. Аксинча, методик жиҳатдан пухта асосланмаган ҳамда шунчаки ташкил этилган ўйин ижобий натижа бермайди.

Таълим методларини танлаш. Педагогика фанида ўқитувчиларнинг амалий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асоида таълим методларини танлашга ўқув-тарбия жараёни кечаётган шарт-шароитлар ва айтиқ ҳолатларга боғлиқ муайян ёндашувлар вужудга келади. Таълим методларини танлашда қуйидаги ҳолатлар инобатга олиниши лозим:

- замонавий дидактиканинг етакчи ғоялари, таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг умумий мақсадлари;
 - ўрганилаётган фан мазмуни ва методлари, мавзуларининг ўзига хослиги;
 - хусусий фанлар методикасининг ўзига хослиги ва умумдидактик методларни саралашга қўйилувчи талабларнинг ўзаро алоқадорлиги;
 - муайян дарс материалининг мақсади, вазифалари ва мазмуни;
 - у ёки бу мавзуни ўрганишга ажратилган вақт;
 - ўқувчиларнинг ёш хусусияти, билиш имкониятлари, даражаси;
 - ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик даражаси;
 - ўқув муассасалари, аудиторияларнинг моддий таъминланганлик даражаси, жиҳозлар, кўрсатмали қуроллар, техник воситаларнинг мавжудлиги;
 - ўқитувчининг имкониятлари, назарий ва амалий жиҳатдан касбий тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорати, шахсий сифатлари;
 - ўқув муассасаларида фанлараро ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги.
- Ўқитувчи бу ҳолатларни инобатга олиб, у ёки бу кетма-кетликда оғзаки, кўргазмали ёки амалий методларни, репродуктив ёки мустақил ишларни бошқариш методларини назорат ва ўз-ўзини назорат методларини танлаш борасида аниқ ечимлар қабул қилади.

Назорат учун саволлар:

1. Таълим методи нима?
2. Таълим воситаларига нималар киради?
3. Таълим методларининг таснифи нима?
4. Таълим жараёнида суҳбат методини қўллашда нималарга эътибор қаратиш зарур?
5. Оғзаки баён методларининг афзалликлари нималар кўринади?
6. Кўргазмали методлар туркумини нималар ташкил этади?
7. Амалий методлар моҳияти нимадан иборат?
8. Дидактик ўйинлар қандай мақсадда қўлланилади?

Тест топшириқлари:

1. Таълим методлари муаммоси қандай тадқиқотга тегишли?
 - а) фундаментал;
 - в) амалий;
 - с) функционал;
 - д) сонли.
2. Изоҳли-тасвирли, репродуктив, муаммоли баён, эвристик, тадқиқотчилик методларининг асосида нима ажратилиб кўрсатилган?
 - а) мазмуннинг турли кўринишларини эгаллаш хусусияти;

- в; функциялари;
- с) билимлар манбаи;
- д) шахс фаолиятининг тузилмаси.

3. Бинарли (жуфтли) таълим методларини асосланган педагог номини кўрсатинг.

- а) М.И.Махмутов;
- в) М.И.Махмутов, И.Я.Лернер;
- с) В.Г.Беспалько;
- д) В.В.Давидов, Д.Б.Эльконин.

4. Назарий билимларни бирмунча юқори даражасини шакллантиради:

- а) маъруза;
- в) намойиш;
- с) амалий;
- д) назорат.

5. Тафаккурни ривожлантиришда самарали саналувчи методни кўрсатинг.

- а) маъруза;
- в) мунозара;
- с) иллюстрация;
- д) давра суҳбати.

6. Кўникма ва малакаларни шакллантиришда асосий саналувчи метод, бу:

- а) дидактик ўйин;
- в) машқ;
- с) намойиш;
- д) муаммоли.

Адабиётлар:

1. Бабанский Ю.К. Методў обучения в современной общеобразовательной школе. – Москва, Просвещение, 1985. – 205 с.
2. Лернер И.Я. Дидактические основў методов обучения. – Москва, Педагогика, 1981. – 186 с.
3. Окань В. Введение в обхую дидактику. – Москва, Вўсшая школа, 1990. – 382 с.
4. Педагогика ғғУчеб. пособие для студентов педагогических вузов и педагогических колледжей. Под ред. П.И.Пидкасистого. – Москва, Педагогическое обхество России, 200. – 640 с.
5. Рўжков В.Н. Дидактика. – Москва, ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 318 с.

6. Сайидахмедов Н.С. Методў обучения школьников механизированному труду в хлопководстве. – Ташкент, Укитувчи, 1991, - 112 с.

7. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент, Молия, 2003. – 172 б.

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ. ДАРС – ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИ СИФАТИДА

Таълим турлари ва шаклларининг тавсифи. Дидактик ғоялар (тизимлар) тарихий тараққиёт жараёнида янги ғоялар билан бойиб давр талабига мос келувчи тизимларга айланади. Дидактик тизимларнинг кетма-кетлиги ўқитиш назарияси ва амалиётининг умумий қонуниятидир.

Таълим турлари (юнонча «спесиес» алоҳида, ўзига хос хусусиятга эга) ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга нисбатан турлича ёндашувдир. Педагогик тизимларнинг асосий турлари қуйидагилардир:

- архаик (ибтидоий);
- қадимги (Шумер, Миср, Хитойда эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик);
- авестий (Бақтрия, Суғдиёна, Хоразмда – эрамиздан авв. ВИИ-ВИ асрлар);
- юнон (Эллинс, рим-юнон, рим – эрамиздан авв. V-И асрлар);
- ўрта аср (догматик, схоластик V-XVI асрлар);
- янги (тушунтириш, тушунтириш-кўргазмали, дастурлаштирилган, масофали ўқитиш муаммоли-дастурлаштирилган, компьютерлаштирилган инновацион);
- хорижий (тушунтириш, тушунтириш-кўргазмали, дастурлаштирилган, муаммоли-дастурлаштирилган, компьютерли ўқитиш, масофали, Интернет ёрдамида ўқитиш ва шу қабилар).

Авесто ғояларига кўра шаклланган педагогик тизим эрамиздан аввалги ВИИ-ВИ асрларда Марказий Осиё ҳудудида зардуштийлик дини юзага кела бошлаганда ташкил топди. “Авесто” зардуштийлик муқаддас манбаи бўлиб, у ўз даврининг энциклопедияси ҳисоблаган. “Авесто” ғояларига биноан болалар ва ёшларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш қуйидагилардан иборатдир:

- 1) диний ва маънавий тарбиялаш;
- 2) жисмоний тарбия;
- 3) ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Ёшларни тарбиялашда она ерга, атроф-муҳит, табиатга муҳаббат ҳиссини уйғотиш муҳим йўналиш ҳисобланган. “Авесто”да барқамол шахс образи ҳақида аниқ тасаввурлар ифода этилган.

Мунтазам ўқитишнинг илк тури қадимги юнон файласуфи Сукрот (эрамиздан аввалги 469-399 эр. авв. йиллар) ва унинг ўқувчилари томонидан

кенг қўллаган ёрдамчи саволларга жавоб топиш методи ҳисобланади. Бу метод сукротча суҳбат методи номини олган. Ўқитувчи (файласуф) ўқувчида қизиқиш, билишга интилишни уйғотадиган саволдан фойдаланади, мулоҳаза юритиш асосида ўқувчини воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини идрок этишга ундайди. Ўқитувчининг мулоҳазаси кўпинча риторик саволларни муҳокама қилиш билан тўлдирилиб турилади. Сукротча суҳбатлар бир ёки бир неча ўқувчилар иштирокида ташкил этилади.

Догматик ўқитиш – жамоа асосида идрок этиш фаолиятининг илк тури бўлиб, ўрта асрларда кенг тарқалган. Ўрта асрларда ғарбий Европада догматик ўқитишда латин тили, Марказий Осиё мамлакатларида эса араб тили етакчи ўрин тутган. Мусулмон педагогик концепцияси сезиларли интеллектуаллик хусусиятига эга бўлган. Комилликка билимларидан фаол фойдалана оладиган одамгина эришиши мумкин деб ҳисобланган. “Ҳақиқий ғоялар” (Абу Али Ибн Сино. «Донишнома» ғ«Билимлар китоби»), ҳақиқий билимларни ўзлаштиришга икки тўсиқ халақит қилади: сўзларининг аниқ ва фикрларининг тушунарли эмаслиги. Мазкур камчиликни бартараф этишда логика алоҳида ўрин эгаллайди. Мусулмон мамлакатларида болани ўқитиш ва тарбиялашда у томонидан қуръоннинг араб тилида ёд олиниши билим эшаллашнинг асосий шарт ҳисобланган. Бундан ташқари ХВ-ВИИ асрларда бир қатор мактабларда форс тили ҳам ўргатилган. Асосий таълимни болалар мактаблар – бошланғич мактабда олганлар (муқаддас китобни ўқиш ва талқин қилиш машғулотлари, ўқиш, ёзиш ва ҳисобга ўрганганлар). Догматик ўқитишда ўқувчиларнинг асосий фаолиятлари тинглаш, ўқиш, ёд олиш, эслаб қолиш ва матнни сўзма-сўз такрорлашдан иборат бўлган.

Олий таълим мадрасаларда берилган. Мовароуннаҳрдаги энг йирик ўқув масканлари сирасига Самарқанд, Бухоро, Урганч ва ғиждувондаги мадрасаларни киритиш мумкин. Бу маърифий марказларининг ривожланиши ХВ-ВИИ асрларга тўғри келган. Мадрасаларда ўқитиш форс тилларида олиб борилган. Талабалар мажбурий тарзда араб тилини ҳам ўрганганлар. Ўқув режасига грамматика, қуръон, Ҳадис, риторика, логика, метафизика, геология, адабиёт, ҳуқуқшунослик каби фанлар кирган. Ўқитиш асосан оғзаки шаклда олиб борилган. Бироқ талабалар фойдаланган ўқув адабиётлари аста-секин анча кўп қиррали, турли-туман бўлиб боради. Мактаб таълими эркаклар учун мўлжалланган. Аммо ҳар бир бадавлат оила қиз болани ўқитиш учун уйга ўқитувчини таклиф этган.

Догматик ўқитиш ўрнига аста-секин ўқув жараёнида кўрғазмалиликни кенг жалб этиш натижасида тушунтириш, тушунтириш-намойиш этиш каби таълим шакллари қўлланила бошланди.

Айни вақтда республика худудида фаолият юритаётган замонавий таълим муассасаларида таълимнинг энг муҳим қуйидаги уч туридан фойдаланилмоқда:

- тушунтирувчи-намойиш этувчи таълим (у анъанавий ёки ахборот берувчи таълим ҳам деб аталади);
- муаммоли ўқитиш;
- дастурлаштирилган таълим ёки компьютерли ўқитиш.

Бугунги кунда ўрта асрда кенг қўлланилган таълим турлари – догматик ва схоластик ўқитиш элементлари ҳам сақланиб келинмоқда.

Тушунтирувчи-намойил этувчи таълим номидан моҳияти англаниб турибди. Кўргазмалилик асосида тушунтиришнинг асосий методлари тинглаш ва эслаб қолиш саналади.

Тушунтирувчи-намойиш этувчи таълим тури вақтни тежаш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кучларини асраш, қийин билимларни тушунишни осонлаштириш, таълим жараёнини анча самарали бошқаришни таъминлайди. Бироқ муайян камчиликка ҳам эга, яъни, “тайёр” билимларни бериш ва ўқувчиларни билимларни ўзлаштиришда мустақил ҳамда маҳсулдор фикрлашдан озод этиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, дифференциациялаштириш имкониятларининг камлиги..

Муаммоли ўқитишда ўқув муаммоларини ҳал этиш жараёнида билимларни мустақил эгаллаш, ўқувчиларнинг ижодий фикрлашлари ва идрок этиш фаолиятларини ривожлантириш йўли билан таълим ташкил этилади. Унинг технологияси турли-туманлиги билан ажралиб турмайди, чунки ўқувчиларни фаол идрок этиш фаолиятига жалб этиш бир неча босқичлардан иборат бўлади. Улар кетма-кет тартибда ва комплекс амалга оширилиши керак.

Бундай ўқитишда муаммоли вазиятни яратиш муҳим босқич ҳисобланади. Бундай вазиятда фикрлаш жараёнида қийинчилик ҳис этилади. Ўқув муаммоси бир қадар қийин, лекин ўқувчиларнинг кучи етадиган бўлиши керак. Муаммони илгари суриш билан биринчи босқич яқунланади. Муаммони ҳал этишнинг кейинги босқичида ўқувчилар савол бўйича мавжуд муаммони кўриб чиқадилар, таҳлил қиладилар, жавоб топиш учун уларнинг етарли эмаслигини аниқлайдилар ва етишмаётган ахборотни топишга интиладилар. Учинчи босқич муаммони ечиш учун зарур бўлган билимларни турли усуллар билан эгаллашга қаратилган. У ҳаёлига бирдан фикр келиши билан яқунланади (“Мен нима қилишни биламан!”). Шундан кейин муаммони ҳал этиш, олинган натижаларни текшириш, дастлабки гипотеза билан солиштириш, олинган билимлар, малакаларни тизимлаштириш ва умумлаштириш босқичлари келади.

Муаммоли топшириқлар саволлар, ўқув масалалари, амалий вазиятлардан иборат бўлиши мумкин. Муаммоли саволда излаш ва жавоблар турли вариантлари кўзда тутилади, яъни, олдиндан тайёр жавоб бу ерда мумкин эмас. Муаммоли саволга мисол: “Нима учун темирдан ясалган мих сувда чўқади, темирдан ясалган кема эса чўқади?”.

Муаммоли масала уни ечиш йўллари мустақил излашга интилишни юзага келтирувчи ўқув-ўрганиш топшириғидир. Муаммоли масала асосини мавжуд билимлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ташкил этади. Муаммоли масалага мисол: “2к5*3к21 тенглиги тўғри бўлиши учун қандай амалларни бажариш керак?”.

Ўқиш жараёнида муаммоли вазият субъект (ўқувчи) ўзи учун қийин бўлган масалани ечишни исташи, лекин унга маълумотлар етишмаслиги ва у ўзи уларни излаши зарурлигини кўзда тутди. Муаммоли вазиятга мисол: “6

та гугурт қутисидан томонлари бир гугурт қутиси катталигига тенг 4 та бир хил томонли учбурчаклар ясанг”.

Муаммоли ўқитишнинг афзалликлари: шахсий ижодий фаолиятини ташкил этиш асосида билимларни мустақил эгаллаш, ўқишга қизиқишни уйғотиш, маҳсулдор фикрлашини ривожлантириш, ўқитишнинг мустаҳкам ва амалий натижалари. Камчиликлари ўқувчилар идрок этиш фаолиятларини бошқаришнинг қийинлиги, муаммони кўйиш ва ҳал этиш учун кўп вақт сарфланиши, муаммоли вазиятни яратиш ва мустақил ечиш имкониятини ҳар бир ўқувчига тақдим этишнинг қийинлиги билан белгиланади.

Дастурий таълим (дастурлаштирилган ўқитиш) ҳаракат (операция)лар кетма-кетлиги тизимини ифодаловчи, уларни бажариш илгаридан режалаштирилган натижага олиб келувчи “дастур” терминидан келиб чиқади. Ушбу турнинг асосий мақсади ўқув жараёнини бошқаришни яхшилашдан иборат. Бундай ўқитиш асосини кибернетик ёндошиш ташкил этади. Унга биноан ўқитиш мураккаб динамик тизим сифатида қаралади. Дастурий таълим янги дидактик, психологик ва кибернетик ғоялар асосида XX асрнинг 60-йиллари бошларида юзага келди. У ўқувчининг билим эгаллаши йўлида ҳар бир қадамни назорат қилишга имкон берадиган ва шунинг асосида ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, қийинчиликларини олдини олиш, қизиқишини йўқотмаслик ва салбий оқибатларнинг олдини олишга имкон берувчи ўқув жараёнининг технологиясини яратишга йўналтиради.

Дастурий таълимнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув материалининг алоҳида қисмларга ажратилиши;
- ўқув жараёнининг билимларни ўзлаштириш бўйича билимлар порциялари ва фикрлаш амалларидан иборат бўлган кетма-кет қадамлардан иборат бўлиши;
- ҳар бир қадамнинг назорат билан яқунланиши (савол, топширик ва шу кабилар);
- назорат топшириқларини тўғри бажарганида ўқувчининг янги материалларни олиши ва навбатдаги қадамни бажариши;
- тўғри жавоб топганда ўқувчининг ёрдамчи ва қўшимча тушунтиришларни олиши;
- ҳар бир ўқувчининг мустақил ишлаши, кучи етадиган мавзу бўйича ўқув материални эгаллаиши;
- барча назорат топшириқлари бажарилиш натижаларининг қайд этилиши (улар ўқувчиларнинг ўзларига (ички қайта алоқа) ва педагогга (ташқи қайта алоқа) маълум қилинади);
- ўқитувчининг таълим ташкилотчиси ва қийинчилик юзага келганда ёрдамчи (маслаҳатчи) сифатида иштирок этиши, индивидуал ёндошувнинг амалга оширилиши;
- таълим жараёнида ўқитишнинг ўзига хос воситаларининг кенг қўлланилиши (дастурлаштирилган ўқув қўлланмалари, тренажерлар, назорат қилиш қурилмалари, ўқитиш машиналари).

Компьютерли таълим. Ўқитиш соҳасида жаҳон дидактикасининг муҳим тажрибаси - шахсий электрон-ҳисоблаш машиналари (ШЭҲМ)

ривожланиши компьютерли (компьютерлаштирилган) таълимнинг шаклланишига имкон берди. Махсус таълим дастурлари билан таъминланган компьютерларни деярли барча дидактик масалалар: ахборотни бериш, ўқитиш жараёнини бошқариш, натижаларини назорат қилиш ва тузатиб бориш, машқларни бажариш, ўқув жараёни ривожланиши ҳақида маълумотларни тўплаш ва бошқаларни ҳал этишга мослаштириш мумкин.

Ривожланган мамалакатларда компьютерлардан таълимдан фойдаланишнинг кенг ривожланиши бу борадаги қуйидаги асосий йўналишларни аниқлашга имкон берди:

- алоҳида ўқув фанлари (математика, табиий фанлар, она тили, чет тили, география ва бошқалар) бўйича ўзлаштириш даражасини оширишни таъминлаш;

- умумий когнитив (идрок этиш) қобилиятлари – қўйилган масалани ҳал этиш, мустақил фикрлаш, коммуникатив малакаларни эгаллаш (ахборотни тўплаш, анализ, синтез қилиш)ни ривожлантириш, у ёки бу кўникмани шакллантиришга имкон берувчи жараёнларга эътиборни кучайтириш.

Бундан ташқари компьютерлардан автоматлаштирилган тест синовлари ўтказиш, баҳолаш ва бошқаришда кенг фойдаланилади, бу ўқитувчи вақтини тежашга имкон беради, натижада педагогик жараённинг самарадорлиги ошади.

Дастурий ва компьютерли таълимлар ўқитиш алгоритмларини ажратишга асосланади. Алгоритм тўғри натижага олиб келувчи кетма-кет амаллар тизими сифатида билим, кўникма ва малакаларни тўла ўзлаштириш учун зарур бўлган ўқув фаолияти тартиби ва кетма-кетлигини ўқувчига кўрсатади. Ўқув дастурлари ва компьютерли таълимнинг самарадорлиги фикрлаш фаолиятини бошқариш алгоритмларининг сифатига боғлиқ. Ёмон тузилган алгоритмлар компьютерли ўқитишнинг сифатини кескин пасайтиради.

Компьютерли таълимнинг сифати қуйидаги икки асосий омил билан аниқланади:

- 1) ўқитиш дастурларининг сифати;
- 2) ҳисоблаш техникасининг сифати.

Бу соҳада ҳам муайян муаммолар мавжуд, яъни, ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятини ташкил этиш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда яратилган таълим дастурлари ҳозирча жуда кам, уларни тузиб ишлаб чиқиш кўп вақт ва куч талаб этилади, шу боис уларнинг нархи ҳам қиммат. Республика таълим муассасаларида ЭҲМлар сони ва улардан фойдаланиш кўлами ортиб ва такомиллашиб бормоқда, бироқ, бу соҳада ҳали жаҳон тажрибасидан ортда қолиш ҳолати бартараф этилгани йўқ.

Таълим педагогик тизимларининг ривожланиш тенденцияси. Дунёда шундай таълим тизими юзага келганки, уни кўпчилик “қўллаб турувчи, таъминловчи, ёрдамчи ўқитиш” деб атайдилар. У одамни кундалик

муаммоларни ҳал этишга тайёрлашга асосланган бўлиб, шахснинг фаолияти ва ҳаёт тарзини қўллаб туриш учун мўлжалланган.

Айни вақтда “инновацион” (янгилик киритиш) таълимни ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мазкур таълимнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлар мавжуд:

1) бу олдиндан кўра билиш, яъни, ўқувчинини аввалги ва ҳозирги тажрибаси асосида ўқитиш эмас, балки уни узоқ келажакни мўлжаллашга ўргатишдан ибора бўлиб, ўқувчи ижтимоий ҳаёт ва касбий фаолиятда тахмин қилиш, кўзлаш, моделлаштириш ва лойиҳалаштириш амалга ошира олиши зарур.

2) ўқувчининг ҳамкорликда таълим олиш ва муҳим қарорларни қабул қилиш (локал ва хусусийдан тортиб дунёни, маданият, цивилизация ривожланишини ҳисобга олишдан глобал муаммоларни ҳал этиш)да фаол иштирок этишини таъминлаш.

Кейинги йилларда масофавий таълим (лотинча дистанциа – масофа) – масофадан туриб ўқитиш кенг ривожланмоқда. Масофавий ўқитиш – таълим технологияси бўлиб, унга кўра ўқувчи қаерда ва қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар муайян таълим муассасаси таълим дастурини ўрганиш имкониятига эга бўлади. Бу мақсадни амалга оширишда замонавий ахборот технологиялари: дарсликлар ва бошқа босма нашрлар, ўрганилаётган материални компьютер телекоммуникациялари орқали узатиш, видеотасмалар, мунозаралар ва семинарлар ўтказиш, регионал ва миллий телевидение ҳамда радио орқали ўқув дастурларини намойиш этиш, кабелли телевидение ва овозли почта, икки томонламали видеоконференциялар, телефон орқали қайта алоқа билан бир томонлама видеотрансляция ва бошқаларнинг хизматига таянилади. Масофали ўқитиш ўқитувчиларга вақтини тежашда қулайлик яратади, асосий фаолиятдан ажралмаган, жумладан узоқ районларда яшовчиларга ўқиш имконини яратади, ўқув фанлари эркин танланади, фан, таълим ва маданият машҳур намоёндалари билан муносабатлар имконини беради. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фаол ўзаро муносабатлари, мустақил ишлашни фаоллаштириш ва ўқувчиларнинг мустақил билим олиш эҳтиёжларини қониқтиришга хизмат қилади.

Таълимни ташкил этиш шакллари ва уларнинг дидактикада ривожланиши. Жаҳон педагогик фани ва амалиётида таълимни ташкил этишнинг турли шакллари мавжуд. Жамият ривожининг ҳар бир янги босқичи таълимни ташкил этишга ўз таъсирини ўтказади.

Айни вақтда таълимнинг қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатилади: индивидуал, индивидуал-гурӯҳли, синф-дарс, лекцион-семинарли ва синфдан ташқари, аудиториядан ташқари, мактаб ва мактабдан ташқари. Улар ўқувчиларни қамраб олиши, ўқувчилар фаолиятини ташкил этиши, жамоавий ва индивидуал шаклларининг нисбатлари, мустақиллиги даражаси ва ўқиш жараёнига раҳбарлик қилиш хусусиятлари каби белгиларига кўра қуйидаги уч асосий турга ажратилади:

- 1) индивидуал;
- 2) синф-дарсли;
- 3) маъруза-семинарли.

қадим замонларда мавжуд бўлган ўқитишнинг энг қадимги шакли таълимнинг индивидуал шакли ҳисобланади. Ҳаётий тажрибаларни аждодлардан-авлодларга узатиш ибтидоий жамиятда юзага келган. Ёзув пайдо бўлиши билан қавм бошлиғи турли белгилар ёрдамида ўзининг тажрибаларини ёшларга ўргатган. Ўқитувчи ва ўқувчининг бевосита ва индивидуал алоқасига мисол сифатида репетиторликни кўрсатиш мумкин. Ўқишни ташкил этишнинг индивидуал шакли антик давр ва ўрта асрларда ягона усул бўлган, ундан баъзи мамлакатларда ХВИИИ асргача кенг фойдаланилиб келинган.

Индивидуал таълим бир қатор афзалликларга эга, шунинг учун бу усули бизнинг давримизгача репетиторлик шаклида сақланиб қолган. Унинг усунлиги ўқув фаолияти мазмуни, методи ва суратини тўла индивидуалаштириш, аниқ бир масалани ҳал этишда унинг ҳар бир ҳаракати ва операцияларини кузатиб боришга имкон беришидан иборат. Индивидуал таълим ўқитувчининг юқори педагогик малакага эга бўлишини талаб этади.

Индивидуал ўқитишнинг усунликлари билан бир қаторда бир қатор камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) вақтнинг тежамли эмаслиги;
- 2) ўқитувчи таъсирининг чекланганлиги (ўқитувчининг вазифаси ўқувчига топшириқ бериш ва уни бажарилишини текширишдан иборат);
- 3) бошқа ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаш имконияти чекланганлиги (бу ҳолат ижтимоийлашиши жараёнига салбий таъсир кўрсатади);
- 4) жамоада ишлаш тажрибасининг шаклланмаслиги.

Мазкур сабаблар ХВИ асрдан бошлаб индивидуал ўқитиш усулининг аҳамияти пасайиб, унинг ўрнини таълимнинг индивидуал-гуруҳли шакли эгаллашига имкон берди.

Таълимнинг индивидуал-гуруҳли шаклидаги Европада ХВИ асрда кенг фойдалана бошладилар. Марказий Осиё давлатларида бу усулдан қадим даврларда ҳам фойдаланганлар. Бунга Авесто даври мисол бўла олади, бу даврда ўқувчилар учун асосий ўқув қўлланма зардуштийликнинг муқаддас манбаи “Авесто” (эрамиздан аввалги ВИИ-ХВИ асрлар) бўлиб келган. Авесто даври жамиятидаги мактабларда индивидуал ўқитиш жамоали ўқитиш билан бирга олиб борилар эди. Ўқитувчи “Авесто” китобларидан бирини очади ва ўқувчилар навбатма-навбат келиб овоз чиқариб ўқийдилар, кейин эса ҳамма биргаликда ўқилганни такрорлаганлар, машқларни махсус тахтачаларда ёзганлар. Ақлий машқлар ўқитувчининг ўқувчи билан эркин суҳбати давомида олиб борилган. Жисмоний тарбиялаш индивидуал ва жамоали машғулотлар шаклида амалга оширилган. Жисмоний тарбиянинг мақсади ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашдан иборат бўлган. Отда юриш, ов қилиш, қиличдан фойдаланишни билиш, сувда сузиш, югуриш, найза отиш ва шу каби ҳарбий тайёргарликнинг мажбурий турлари ҳисобланган. Таълим

олиш жараёни кун чикқандан кун ботгунгача давом этган, уй вазифалари мавжуд бўлмаган¹.

XI асрдаёқ Абу Али ибн Сино ўзининг “Тадбири манзил” номли илмий асарининг махсус “Амузиш ва парвариши модрасас фарзанд” («Болаларни мактабда ўқитиш ва тарбиялаш») бўлимида ўқувчиларга жамоали ўқитиш ҳақида қуйидаги тавсияларни беради:

1) агарда ўқувчилар биргаликда ўқисалар, улар зерикмайдилар, фанни ўрганишга қизиқиш кучаяди; уларда бир-бирларидан ортда қолмаслик учун ўзаро мусобақалаш истаги ривожланади, улар боланинг ўқиши яхшиланишига ёрдам беради.

2) ўзаро суҳбатларда ўқувчилар китобдан ўқиш ёки катталардан эшитган қизиқарли маълумотларни бир-бирларига айтиб берадилар;

3) болалар биргаликда йиғилганларида бир-бирилари билан дўстлашадилар ва бир-бирларини ҳурмат қиладилар; улар фақатгина мусобақалашмайдилар, балки бир-бирларига ўқув материалларини ўзлаштиришда ёрдам берадилар; бу билан болалар мағрурланадилар, бир-бирларидан яхши одатларни ўрганадилар².

Бурхониддин Зарнужи (ХИИ аср) «Билим олиш йўлида ўқувчига маслаҳатлар» номли ўзининг илмий асарида дарс олиб бориш бўйича тавсиялар беради. Унинг кўп йиллик дарс ўтиш тажрибалари асосида мазкур илмий асар яратилган ва XX асргача ўзига хос педагогика дарслиги сифатида Марказий Осиё мадрасаларида фойдаланилиб келинган. Асарда мактабда дарс тахминан бир соатлар давом этиши кераклиги ёзилади. Ўқитувчи мактабда дарсга тушиниш ва ўзлаштириш мумкин бўлган ўқув материалларини танлаб олиши, дарсда ўрганилагандиган материалларни тушунтириб бериши керак. Ўқув материали шундай танланиши керакки, у икки маротаба такрорланганда ўзлаштирилсин. Шунинг учун у катта матнларни қисмларга бўлиш ва бошқа дарсларда уни албатта такрорлашни таклиф этади¹.

XV асрда жамоали ўқитишни ташкил этиш ғоясини Муҳаммад Тарағай Улуғбек давом эттиради. Мутафаккир ўзининг мадрасаларида индивидуал машғулотлар тизимини бекор қилади ва “жамоа” синф-дарс тизимига яқин бўлган шаклини жорий қилади. Умумий маърузани 50-70 нафар кишидан иборат катта гуруҳга одатда ўз соҳасида машхур бўлган олим мударрис (ўқитувчи-профессор) ўқийди, амалий машғулотларни эса 10-15 кишидан иборат кичик гуруҳда кичик мударрис (ўқитувчи) олиб боради. Ўқитишнинг муҳим методлари мунозара ва тортишувлар ҳисобланган. Самарқанд мадрасасида маърузаларни алломанинг ўзи ва қозизода Румий, Мавлоно Муҳаммад, Али қушчи, Аваз Кирмани каби ва бошқа машхур олимлари ўқиганлар. Муҳаммад Тарағай Улуғбек ва унинг издошлари

¹ Авесто. +адимги Шар= адабиёти. – Москва, МДНМ, 1984, -с. 352.

² Рашимов С.Р. Абу Али ибн Синонинг психологик-педагогик =арашлари. – Тошкент, Ў=итувчи, 1978, - 103-бет.

¹ Анатомия педагогической мысли Узбекистана. – Москва, 1986.

томонидан математика, метафизика, астрономия, география, тарих фанларидан янги дарсликлар яратилди, бу дарсликлар оддий ва тушунарли шаклда ёзилган. Лекин “жамоа” усулида ҳам ўзининг салбий томонлари бўлган. Жамоа усулида ХХ аср мактабида машҳур бўлган гуруҳли-лаборатория методида бўлгани каби ўзлаштиришни индивидуал хусусияти ҳисобга олинмаган. Яхши ўзлаштирмаган баъзи шогирдлар ҳам илғорлар қаторида бир қўлланмани ўрганишдан бошқасини ўрганишга ўз-ўзидан ўтаверган, керакли билимни эгаллай олмаган ҳолда мадрасани битириб чиқадилар².

Индивидуал-гуруҳли шаклининг мазмуни машғулотларни ўқитувчи бир ўқувчи билан эмас, балки тайёрлик даражаси турлича бўлган турли ёшдаги болалар гуруҳи билан олиб боришидан иборат эди. Ўқитувчи навбат билан ҳар бир ўқувчидан ўтилган материални сўрайди, янги саволларни тушунтиради, мустақил ишлаш учун индивидуал топшириқлар беради, қолган болалар ўз ишлари билан шуғулланадилар. Ўқишни бундай ташкил этишда болалар машғулотларга йилнинг турли даврларида ҳамда куннинг турли вақтларида келишлари мумкин бўлган.

ХВ ва ХВИ асрлар давомида Европада ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кузатилди. Ушбу ўзгаришлар болаларга таълим беришнинг оммавий шакли юзага келишига замин яратди.

Улардан бири болаларни гуруҳли (жамоали) таълим саналади. У ғарбий Россия (ҳозирги Белоруссия ва Украинанинг ғарбий қисмлари) биродарлик¹ мактабларида илк бор қўлланилган ва ўқиш синф-дарсли шаклининг асоси бўлиб қолган. Бу тизимлар ХВИИ асрда Ян Амос Коменский томонидан “Буюк дидактика” асарида назарий жҳатдан асослаб берилди ва оммавийлаштирилди. Олим педагогикага ўқув йили, ўқув кун, дарс, машғулотлар орасидаги танаффус, ўқув таътиллари каби тушунчаларни киритди. куёш ит юлдузлари туркумида бўлганида болаларни дам олишга юборадилар («таътил» лотинчада – кунларнинг энг қизиган даври деганини билдиради).

Синф-дарс тизими гарчи 350 йил аввал асосланган бўлсада бугунги кунда ҳам кенг қўламда қўлланилиб келинмоқда.

Синф-дарс тизимининг мазмуни ўқув ишларини ташкил этиш ўзига хос шакли сифатида қуйидагиларда иборат:

- бир хил ёшдаги ва тахминан бир хилдаги тайёргарлик даражасига эга бўлган ўқувчилар синфни ташкил этади. Бу синф мактабда ўқишнинг умумий даврига асосан доимий тартибини сақлаб қолади;
- синф фаолияти ягона йиллик режа ва дастур асосида, доимий дарс жадвали бўйича ташкил этилади, бунинг натижасида болалар мактабга йилнинг бир вақти ва олдиндан белгиланган кун соатларида келишлари керак бўлади.;

² М.Тоҳиров. Мирзо Улу\бекнинг педагогик =арашлари. – Тошкент, Фан, 1984.

¹ XVI-XVII асрларда ғарбий Русияда биродарлик ва диний-маърифатпарварлик деб аталувчи ташкилотлар пайдо бўлади.

- машғулотларнинг асосий бирлиги дарс ҳисобланади;
- дарс одатда бир фан ёки мавзуга бағишланган бўлади, шу боис ўқувчилар синфда битта материал устида ишлайдилар;
- дарсда ўқувчиларнинг ишига ўқитувчи раҳбарлик қилади, у ўз фани бўйича ўқиш натижалари, ҳар бир ўқувчини алоҳида билимини баҳолайди ва йил охирида ўқувчини кейинги синфга ўтиши ҳақида қарор қабул қилади.

Синф-дарс тизими К.Д.Ушинский томонидан янада ривожлантирилади. У бу шаклнинг ҳамма устунликларини илмий асослаб берди. Дарс, айниқса, унинг ташкилий қурилиши ва типологиясининг ихчам назариясини яратди. К.Д.Ушинский ҳар бир дарснинг бир-бири билан кетма-кет боғланган қуйидаги учта қисмини ажратиб кўратади:

1) илгари ўрганилган билимлар асосида янги билиларни англашни амалга ошириш ва ўқувчиларда материални жадал қабул қилишга мақсадли кўрсатмани яратишга қаратилади. Дарснинг бу қисми К.Д.Ушинскийнинг фикрича дарсга гўёки “эшик” ҳисобланади.

2) асосий масалани ҳал этишга йўналтирилади ва дарснинг муҳим, марказий қисми ҳисобланади.

3) амалга оширилган фаолиятга яқун яшаш ва билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга қаратилади.

Дарсни ташкил этиш илмий асосларини ишлаб чиқишга А.Дистервег ҳам катта ҳисса қўшди. У ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятига тааллуқли ўқитиш тамойиллари ва қоидалари тизимини ишлаб чиқди, ўқувчиларнинг ёши имкониятларини ҳисобга олишни зарурлигини асослаб берди.

Таълимнинг синф-дарс тизими алоҳида ўқув фанларини ўқитиш методикаси ва дидактикасига оид асарларида унинг афзаллик ва камчиликларини кўрсатиб берди.

Афзалликлари: яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг тартибли кетишини таъминловчи аниқ ташкилий тизим; жараёнларнинг оддий бошқарилиши; муаммонинг жамоа бўлиб муҳокама қилиниши, масаланинг ечимини биргаликда излаш жараёнида болалар ўртасида ўзаро муносабатларнинг шаклланиш имконияти; ўқитувчининг ўқувчилар ва уларнинг тарбиясига доимий эмоционал таъсир кўрсатиши; таълимнинг эмоционаллиги (зеро, ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ўқувчиларнинг катта гуруҳи билан иш олиб боради), ўқув фаолиятига мусобақаланиш элементларини киритиш учун шароитнинг яратилиши, билимсизликдан билимларни ўзлаштириш сари ҳаракатларнинг мунтазамлиги ва кетма-кетлиги.

Камчиликлари: тизимнинг асосан билимларни ўртача даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар учун мўлжалланганлиги, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун қийинчиликларнинг юзага келиши ва кучли ўзлаштирувчи ўқувчилар қобилиятларининг ривожланиш суръатининг ортга сурилиши; ўқитувчи учун ўқитиш мазмуни ва ўқитиш суръатлари ҳамда методлари бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш, шунингдек, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишда қийинчиликнинг юзага

келиши; катта ва кичик ёшли ўқувчилар ўртасидаги муносабатларнинг қарор топмаслиги.

ХИХ аср охири ХХ аср бошларида ақлий ривожланишида фарқи бўлган ўқувчиларни ўқитишда индивидуаллаштиришга аҳамият қаратиш масаласи айниқса долзарб хусусият касб этди. Шунга мос равишда танлаб ўқитиш шакли юзага келди (АҚШда Батов, Европада Маингеймс тизими).

Европа ва АҚШда ХХ аср бошида ўқувчиларнинг индивидуал, фаол, мустақил ўқув ишларини таъминлашга қаратилган кўплаб таълим тизимларининг самарадорлиги синаб кўрилган. 1905 йили Дальтон шаҳрида (Массачусетс штати) ўқитувчи Елена Парк Херст томонидан биринчи бор қўлланилган таълимнинг индивидуаллаштирилган тизими улар орасида энг радикал ҳисобланган. Бу тизим дальтон-режа номи билан педагогика ва мактаб тарихига кирди. У баъзан лаборатория ёки устахоналар тизими деб ҳам атайдилар.

Бу тизимнинг мазмуни қуйидагилардан иборат: ўқув фаолиятининг муваффақияти мактабда ишлаш суръатининг ҳар бир ўқувчининг имкониятлари, уларнинг қобилиятларига мослаштирилишига боғлиқ; таълим фаолияти устун турадиган ўқишни анъанавий ташкил этиш ўқувчининг мустақил ўқув фаолиятининг марказий ҳисобланиши, ўқитувчи вазифасининг фаолиятни одоб билан ташкил этишдан иборатлиги, синф лабораторияларининг устахоналар билан алмаштирилиши, дарсларнинг бекор қилиниши, ўқитувчининг янги материални тушунтирмаслиги, ўқувчининг лаборатория ёки устахоналарда ўқитувчидан олинган топширик асосида мустақил шуғулланишлари ва зарур бўлган пайтда ўқитувчидан ёрдам сўрашлари.

Мазкур тизим бир қатор камчиликларига кўра кескин танқи дга учраган.

ХХ аср 20-йилларида мактаб ишлари Илмий текшириш институти таълимнинг лойиҳали тизимини тарғиб қила бошлади. Уни америкалик У.Кильпатрик ишлаб чиққан. Ўқитиш бу тизимининг мазмуни ўқувчиларнинг ўзлари лойиҳа ишлари мавзуни танлаб олишларидан иборат. У мавжуд ҳақиқий ҳаёт билан боғланган бўлиши ва ўқув гуруҳи ихтисослашишларига қараб (йўналишлари) ижтимоий-сиёсий, хўжалик-ишлаб чиқариш ёки маданий-турмуш томонларини акс эттириши керак бўлган.

60-йилларда Трамк режаси жуда машҳур бўлди. Уни америкалик профессор педагог Льюд Трамк ишлаб чиққан. Ўқитишни ташкил этишнинг бу шакли катта аудиторияларда (100-150 одам) машғулотларни, 10-15 кишилиқ гуруҳларда ва ўқувчиларнинг индивидуал ишларини биргаликда олиб боришни таклиф этади. Турли хилдаги техник воситалардан фойдаланиб умумий маърузаларни олиб боришга ўқув вақтининг 40 % и ажратилади. Кичик гуруҳларда машғулотларга (семинарлар) – 20 % и кабинет ва лабораторияларда индивидуал мустақил ишларни бажаришга 40 % и ажратилади.

70-йилларда ўқишни ташкил этиш ноанъанавий шакллари излаш давом эттирилади. Тажриба ва синов мактабларини излаш биринчи навбатда синф-дарс тизимини модернизациялаштириш фикри билан боғлиқ бўлган. Изланишлар асосий масаласи – ўқишни индивидуаллаштириш эди.

Биринчи университетлар пайдо бўлиши билан таълимнинг маъруза-семинар тизими юзага кела бошлайди. У яратилган пайтдан бери хали деярли ҳеч бир катта ўзгаришларга эга эмас. Маъруза, семинар, амалий ва лаборатория ишлари, консультация ва танлаган касби бўйича амалиёт ҳозиргача лекцион-семинар тизим сифатида ўқишнинг асосий шаклларида бири бўлиб келмоқда. Лекцион-семинар тизими ўзининг соф кўринишида олий ва олий мактабдан кейинги таълим амалиётида қўлланилади. Ўзбекистонда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини тадбиқ этилиши билан лекцион-семинар тизимидан академик лицей ва касб-хунар коллежларида фойдаланила бошланди. Охириги пайтларда лекцион-семинар тизими элементларидан ўрта мактаб катта синфларида ҳам қўлланила бошланди.

Дарсда ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил этиш замонавий шаклларининг турлари. Турли дарс тузилмаларидан янада самаралироқ фойдаланиш йўллари излашда дарсда ўқувчилар ўқув фаолиятларини ташкил этиш шакллари алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Педагогик адабиётлар ва мактаб амалиётида асосан учта шундай шакллари қабул қилинган – оммавий, гуруҳли ва индивидуал.

Таълимнинг оммавий шакли синфдаги жами ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлиги остида биргаликда ҳаракатларини кўзда тутди. Гуруҳли шаклида эса ўқувчилар 3-6 кишидан иборат гуруҳлар ёки жуфтликларда иш олиб борадилар. Гуруҳлар учун топшириқлар бир хил ёки турлича бўлиши мумкин. Индивидуал шакли ҳар бир ўқувчининг алоҳида мустақил ишлашини кўзда тутди.

Ўқитиш фронтал шаклида ўқитувчи бир вазифа устида ишлаётган бутун синф ўқув фаолиятини бошқариб боради. У ўқувчиларнинг ҳамкорликларини таъминлайди ва ҳамма учун бир бўлган иш суръатини белгилайди. Фронтал ишлашнинг педагогик самаралилиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг бутун синфни назорат қила билишига ва шу билан бир вақтда ҳар бир ўқувчининг ишини кўздан қочирмаслигига боғлиқ бўлади. Агарда ўқитувчи ижодий жамоали ишлаш муҳитини ярата олса, ўқувчилар диққатини ва фаолликларини таъминлаб тура олса самараси яна ошади. Аммо фронтал ишлаш индивидуал фарқларни ҳисобга олмайди, у ўрта ўқувчига мўлжалланган. Шунинг учун баъзи ўқувчилар берилган иш суръатидан ортда қоладилар, бошқалари эса зерикиб қийналиб кетадилар.

Ўқиш гуруҳли шаклида ўқитувчи синф ўқувчилари гуруҳлари ўқув-ўрганиш фаолиятларини бошқаради. Ўқувчиларни звеноли, бригадали, бирлаштириш-гуруҳли ва дифференцияланган гуруҳларга тақсимлаш мумкин. Ўқиш звеноли шакли ўқувчилар доимий гуруҳи ўқув фаолиятини ташкил этишни кўзда тутди.

Бирлаштириш-гуруҳли шаклида синфни одатда катта умумий топшириқни ҳар бири фақатгина бир қисмини бажарадиган гуруҳларга ажратишни кўзда тутлади.

Дифференциялашган-гуруҳли таълим шакли доимий гуруҳлар ҳам, бир хилдаги ўқув имкониятларига эга ва ўқув кўникмалари бир хил даражада шаклланган ўқувчиларни бирлаштиришини кўзда тутлади. Гуруҳли шаклларига ўқувчиларнинг жуфт бўлиб ишлашларини ҳам киритилади. Ўқув гуруҳлари фаолиятларини ўқитувчи ўзи бевосита ҳамда ўз ёрдамчилари – ўқувчилар фикрига қараб тайинланган звенолар ва бригадар орқали бошқаради.

Индивидуал таълим ўқувчиларнинг бошқа ўқувчилар билан бевосита алоқаларини кўзда тутмайди. Ўз моҳиятига кўра синф жамоаси ёки муайян гуруҳлар билан ишлашдан тубдан фарқ қилмаса-да, бироқ ўқувчи ўзининг шахсий имкониятларига мувофиқ ўқитувчи томонидан берилган топшириқни мустақил бажаради. Бу мақсад йўлида махсус тайёрланган карточкалардан фойдаланиш мумкин.

Дарсда ўқитувчининг эътибори бир неча ўқувчига қаратилса, бу вақтда қолган ўқувчилар мустақил ишласалар таълимнинг бундай шакли индивидуал-гуруҳли шакл деб аталади.

Замонавий таълим амалиётида кўпроқ икки ташкилий шакл: оммавий ва индивидуал шакллардан фойдаланилади. Айни вақтда гуруҳли ва жуфтли ўқиш шаклидан амалиётда анча кенг фойдаланилади.

Таълимнинг оммавий шакли ҳам, гуруҳли шакли ҳам жамоавий ҳисобланмаса-да, лекин айрим педагоглар уларни оммавий таълим деб кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Жамоавий ишлаш фақатгина дифференциялашган гуруҳли ишлар асосидагина ташкил этилади. Ўқув ишларини ташкил этишнинг жамоавий шакли ўқитувчи ва ўқувчиларнинг динамик ёки ўзгарувчан тартибли жуфтликларида кечаётган муносабатларидир.

Таълим мақсадлари ва фойдаланшнинг қулайлиги нуқтаи назаридан таълим шакллари қуйидагича даражаланади: асосий, қўшимча ва ёрдамчи таълим.

Дарс - таълимни ташкил этиш асосий шакли. Дарс таълим жараёнининг яхлитлиги нуқтаи назаридан таълимнинг асосий ташкилий усули ҳисобланади. Унда синф-дарс тизимининг хусусиятлари акс этади, унда ўқувчиларни оммавий қамраб олиш, ташкилий тартиб ва ўқув ишларининг мунтазамлиги таъминланади. Дарс иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Ўқувчилар ҳамда синф жамоасининг индивидуал хусусиятларини билиши ўқитувчи учун ҳар бир ўқувчи фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишга имкон беради. Дарс доирасида оммавий, гуруҳли ва индивидуал таълим шакллари бирлаштириш имконияти унинг рад этиб бўлмайдиган устунлиги ҳисобланади.

Дарс бевосита ўқитувчи раҳбарлигида аниқ белгиланган вақт давомида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим

жараёнининг асосий шакли саналади. Дарсда ҳар бир ўқувчи хусусиятларини ҳисобга олиш, барча ўқувчиларнинг машғулоти жараёнида ўрганилаётган фан асосларини эгаллаб олишлари, уларнинг идрок этиш қобилиятлари ва маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш ҳамда ривожлантириш учун қулай шароитларни яратилади.

Дарс таълимнинг бошқа шакллари билан фарқ қилувчи ўзига хос белгиларга эга, чунончи: ўқувчиларнинг доимий гуруҳи, ўқувчилар фаолиятига уларнинг ҳар бири хусусиятларини ҳисобга олиш билан раҳбарлик қилиш, ўрганилаётган фан асосларини бевосита дарсда эгаллаб олиш (бу белгилари дарснинг фақат мазмунини эмас, балки ўз хусусиятини ҳам акс эттиради).

Дарснинг тузилиши оддий ва анча мураккаб бўлиши мумкин. Бу ўқув материалининг мазмуни, дарснинг дидактик мақсади, ўқувчилар ва жамоа сифатида синфнинг хусусиятларига боғлиқ..

Замонавий дидактикада дарс қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилган:

- аралаш дарслар;
- янги маълумотлар, аниқ ҳодисалар билан танишиш бўйича ёки умумлаштиришларни англаб етиш ва ўзлаштириш мақсадига эга дарслар;
- билимларини мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари;
- ўрганилганларни умумлаштириш ва тизимлаштириш асосий мақсадига эга дарслар;
- малака ва кўникмаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш дарслари;
- билимларни текшириш ва текшириш ишларини ўрганиш дарси;
- ўз тузилиши бўйича оддий бўлган, яъни битта асосий дидактик мақсадга эга бўлган дарс турлари (ўрта ва катта синфларда қўллаш учун мос келади).

Бошланғич синфларда ўқувчилар ёшларини ҳисобга олиб ўқув ишлари турли хилларидан фойдаланишга, янги билимларни беришни аввал илгари ўрганилганни мустаҳкамлаш, такрорлаш билан бирга олиб боришга тўғри келади. Ҳатто текшириш дарслари ҳам бу ерда кўпинча ишлар бошқа турларини ўз ичига олади: материални оғзаки етказиш. қизиқарли ҳикояни ўқиш. Дарснинг айнан мана шу тури аралаш (комбинациялашган), ёки мураккаб тузилишли деб аталади. Комбинациялашган дарснинг тахминий тузилиши: уй вазифаларини текшириш ва ўқувчилар билан савол-жавоб, янги материални ўрганиш, ўзлаштиришини дастлабки текшириш, машқ мисоллари давомида янги билимларини мустаҳкамлаш, илгари ўрганилганларни суҳбат кўринишида такрорлаш, ўқувчилар билимларини текшириш ва баҳолаш, уйга вазифа бериш.

Ўқувчиларнинг янги материаллар билан танишиш дарси ёки янги билимларни бериш (ўрганиш) дарси нисбатан кенг доирадаги саволларни ўз ичига олган ва уни ўрганишга кўп вақтини талаб қилувчи, ўқувчиларга таниш бўлмаган янги материал унинг мазмуни бўлган таълим жараёни. Бундай дарсларда унинг мазмуни, аниқ мақсади ва ўқувчиларнинг мустақил иш бажаришга тайёргарликларига қараб баъзи ҳолларда янги материални ўзи баён этади. Бошқа ҳолларда эса – ўқитувчи раҳбарлиги остида

ўқувчиларнинг мустақил ишлари олиб борилади, учинчи ҳолда – униси ҳам бунисидан ҳам фойдаланилади. Янги материал билан танишиш дарсининг тузилиши: янги материални ўрганиш учун асос бўлган аввалги материални такрорлаш. Ўқитувчининг янги материални ва дарслик билан ишлашни тушунтириши, билимларни тушунишларини текшириш ва дастлабки мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш.

Билимларни мустаҳкамлаш дарсларида ўқув ишининг асосий мазмуни илгари ўзлаштирилган билимларни мустаҳкам ўзлаштириш мақсадида уларни иккинчи бор тушуниб олиш ҳисобланади.

Ўқувчилар ўз билимларини янги манбалар бўйича англаб оладилар ва чуқурлаштирадилар ёки уларга маълум бўлган қоидага янги масалалар ечадилар, илгари олган билимларини оғзаки ва ёзма такрорлайдилар ёки илгари ўрганганларини янада чуқурроқ ва мустаҳкам ўзлаштириш мақсадида улардан алоҳида масалалар бўйича ахборот берадилар. Тузилиши бўйича бундай дарслар қуйидаги босқичлардан ўтишни кўзда тутаяди: уй вазифасини текшириш, оғзаки ва ёзма машқларни бажариш, топшириқни бажаришни текшириш, уйга вазифа бериш.

Кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш дарслари билимларни мустаҳкамлаш дарслари билан боғлиқдир. Бу жараён бир неча махсус дарслар жараёнида амалга оширилади. Бошқа дарсларда янги мавзуларни ўрганишда давом эттирилади. Шу билан бирга аввалига машқни бажариш ишлари болалар томонидан ўқитувчи ёрдамида ва улар топшириқни қандай тушунганларини даслаб жиддий текшириш билан бажарилса, кейинчалик эса қаерда қандай қоида қўлланилишини ўқувчиларнинг ўзлари белгилайдилар. Улар турли вазиятларда малака ва кўникмаларини қўллаш, шу жумладан, ҳаётий амалиётида қўллашни ўзлаштириб олишлари керак.

Умумлаштирувчи дарслари (билимларини умумлаштириш ва тизимлаштиришлар) илгари ўтилган материалдан энг муҳим саволлари қайта такрорланадиган ва тизимлаштириладиган, ўқувчилар билимларида мавжуд камчиликларни тўлдириладиган ва ўрганилаётган курснинг муҳим ғоялари очиқ бериладиган дарслар ҳисобланади. Умумлаштирувчи дарслар мавзу, бўлим ва ўқув курсларининг якунида ўтказилади. Кириш ва якунлаш дарсининг таркибий элементи ҳисобланади. Такрорлаш ва умумлаштиришнинг ўзи ҳикоя, қисқача хабарлар, дарсликни ўқиб бериш ёки ўқитувчининг ўқувчилар билан суҳбатлашиши шаклида ўтказилиши мумкин.

Текшириш (назорат) дарслари ўқитувчига ўқувчиларнинг маълум соҳадаги билим, малака ва кўникмалари шаклланганлик даражаси, ўқув материалини эгаллашдаги камчиликларни аниқлаш, шунингдек, навбатдаги топшириқларнинг бажариш йўллари белгилаб олишга ёрдам беради. Текшириш дарслари ўқувчидан ушбу мавзу бўйича унинг ҳамма билим, кўникма ва малакаларини қўллашини талаб этади. Текшириш оғзаки ҳамда ёзма шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Юқорида ифодаланган ҳамма дарсларнинг мажбурий элементи ташкилий ва якуний босқич ҳисобланади. Ташкилий босқич мақсадларни

қўйиш ва уларни ўқувчилар томонидан қабул қилиш шароитлари таъминлаш, иш шароитини яратиш, ўқув фаолияти мотивларини долзарблаштириш ва материални идрок этиш, англаш, эслаб қолиш юзасидан бериладиган кўрсатмаларни шакллантиришни кўзда тутати. Дарсга яқун яшаш босқичида мақсадларга эришиш қайд этилади, уларга эришишда барча ёки яққа ўқувчиларнинг алоҳида иштироки белгиланади, ишлари баҳоланади ва истиқболлари белгиланади.

Таълимнинг ташкилий шакли сифатида дарс динамик ҳодисадир. У педагогик жараённинг яхлитлигини таъминлайди ва таълимий-тарбиявий-ривожлантириш вазифаларини ижобий ечимини топишга имкон беради.

Дарс ривожланишининг асосий тенденциялари дарсга бўлган талабларда ўзининг аниқ ифодасини топади.

Замонавий дарслар қуйидаги талабларга жавоб бера олиши лозим:

- фаннинг илғор ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш;

- дарсда барча дидактик тамойил ва қоидаларнинг оптимал нисбатларини таъминлаш;

- ўқувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

- ўқувчилар англаб етадиган фанлараро боғлиқликларни ўрнатиш;

- илгари ўрганилган билим ва малакалари, шунингдек, ўқувчиларнинг ривожланиш даражасига таяниш;

- шахснинг ҳар томонлама ривожлантиришни мотивациялаш ва фаоллаштириш;

- ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантикийлиги ва эмоционаллиги;

- педагогик воситалардан самарали фойдаланиш;

- зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш;

- мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш;

- ҳар бир дарсни пухта лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташҳис ва тахмин қилиш.

Ҳар бир дарс қуйидаги учта асосий мақсадга эришишга йўналтирилади: ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш. Ана шуларни ҳисобга олиб дарсга умумий талаблар дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи талабларда аниқ ифодаланади.

Дидактик (ёки таълим)ий талабларга ҳар бир дарснинг таълим вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш энг янги технологияларини киритиш, турли хилдаги шакли, методлари ва кўринишларидан мос равишда фойдаланиш, дарс тузилишини шакллантиришга ижодий ёндошиш, жамоавий фаолият усуллари билан бирга

ўқувчилар мустақил фаолиятларини турли шаклларида бирга фойдаланиш, оператив қайта алоқани таъминлаш, амалий назорат ва бошқарувни амалга ошириш, илмий мўлжал ва дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш кабилар қиради.

Дарсга нисбатан қўйилмайдиган тарбиявий талаблар ўқув материалнинг тарбиявий имкониятларини аниқлаш, дарсдаги фаолият, аниқ эришилиши мумкин бўлган тарбиявий мақсадларни шакллантириш ва қўйиш, фақат ўқув ишлари мақсадлари ва мазмунидан табиий равишда келиб чиқадиган тарбиявий масалаларни белгилаш, ўқувчиларни умуминсоний кадриятларда тарбиялаш, ҳаётини муҳим сифатлар (тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, иш бажаришга қобилиятлилик, эътиборлилик, ҳалоллик ва бошқалар)ни шакллантириш, ўқувчиларга диққат-эътиборли муносабатда бўлиб, педагогик одоб талабларига амал қилиш, ўқувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлишдан иборат.

Барча дарсларда доим амалга оширилиб бориладиган ривожлантирувчи талабларга ўқувчиларда ўқув-ўрганиш фаолияти ижобий сифатлари, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаоллик шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ўқувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш, ривожланишидаги янги ўзгаришларни рағбатлантириш, ўқувчиларнинг интеллектуал, эмоционал, ижтимоий ривожланишларидаги «сакраш»ларни олдиндан кўра билиш, бошланаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш асосида ўқув машғулотларини оператив қайта қилиш кабилар қиради.

Ностандарт дарслар. XX аср 70-йиллари ўрталарида миллий мактабларда ўқувчиларнинг машғулотларга қизиқишларининг пасайиш хавфи аниқланди. Муаммони бартараф этиш мақсадида ностандарт дарсларнинг ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ностандарт дарс анъанавий тузилишдаги импровизацион ўқув машғулоти дидир.

Педагогик адабиётларни таҳлил қилиш ностандарт дарсларнинг ўнлаб турлари мавжудлигини кўрсатди. Улар орасида “берилиш” дарси, амалий ўйинлар, матбуот конференциялари, ижодий ҳисоботлар, мусобақалар, КВН туридаги ўйинлар, танлов, театрлаштирилган дарслар, бинар, компьютерли дарслар, фантазиялар, “судлар”, ҳақиқатни излаш, “парадокслар”, аукционлар, диалоглар ва бошқалар кўзга ташланади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги. Дарснинг самарадорлиги унинг пухта тайёрланганлиги ва самарали ташкил этилганлиги билан боғлиқ. Яхши режалаштирилмаган, етарлича ўйлаб чиқилмаган, шошилишч тузилган ва ўқувчилар имкониятларига мослаштирилмаган дарс сифатли бўла олмайди. Дарсга тайёргарлик аниқ шароитларда энг юқори якуний натижага эришилишни таъминловчи ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этилишини таъминлаш, комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлигида қуйидаги учта босқич кўзга ташланади: ташҳислаш, башоратлаш, лойиҳалаштириш (режалаштириш). Шу

билан бирга ўқитувчи амалий материалларни яхши билиши, ўз фанини эркин олиб боришга эришиши лозим. Дарсга тайёргарлик асосини бўлажак машғултнинг алгоритмлари, самарадорлиги боғлиқ бўлган омиллар ва ҳолатларни ҳисобга олишни таъминловчи кадамларни кетма-кет тартиб билан бажариш ташкил этади.

Алгоритмни амалга ошириш аниқ шароитларни диагностика қилиш билан бошланади. Ташҳис дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилашдир. Унда ўқувчиларнинг имкониятлари, уларнинг фаолиятлари ва хулқлари, мотивлари, талаб ва лаёқатлари, қизиқиш ва қобилиятлари, билимдонлик даражаси, ўқув материалининг хусусияти, унинг амалий аҳамияти, дарс тузилиши, янги ахборотни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва тизимлаштириш, билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда тузатиш каби ҳолатлар намоён бўлади.

Башоратлаш бўлажак дарсни ташкил этилишининг турли вариантларини баҳолаш ва улардан қабул қилинган мезонларга мувофиқ энг маъқулини танлаб олиш.

Лойиҳалаштириш (режалаштириш) ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш бўлиб, у дарсга тайёрланишнинг якуний босқичи ҳисобланади. Лойиҳа (бошқариш дастури) қисқа ва аниқ, эркин тузилган, педагог ўзи учун бошқариш жараёни муҳим вазиятлари (кимдан ва қачон сўраш, қаерда мавзунини киритиш, машғулот кейинги босқичига қандай ўтиш, олдиндан кўзда тутилмаган қийинчиликлар юзага келганида жараённи қайси схема бўйича қайта ўзгартириш)ни белгилаб олишга имкон берувчи ҳужжатдир. Бошқариш дастури дарснинг анъанавий режасидан бошқариш таъсир кўрсатишларини аниқ ва тушунарли белгилаб олиш билан фарқ қилади.

Таълимнинг ёрдамчи шакллари. Таълимнинг ёрдамчи шакллари: тўғарак, практикум, семинар, конференция, маслаҳат (консультация), факультатив машғулот, ўқув экскурсиялари, ўқувчиларнинг мустақил уй ишлари ва бошқалар саналади.

Мактабдан ташқари машғулотларнинг асосий ва барқарор турларига ўқиш жараёнининг таркибий қисми сифатида қараладиган, ўқувчиларнинг мустақил уй ишлари киради. Унинг асосий мақсади – дарсда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, уларни эсан чиқаришнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг индивидуал лаёқати, истеъдод ва қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Бу ишлар ўқув дастури талаблари, ўқувчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари ҳамда уларнинг ривожланиш даражаларини ҳисобга олиб қурилади. Ўқувчиларнинг мустақил уй ишлари маълум дидактик вазибаларни бажаради. Чунончи, дарсда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, синфда ишлаб чиқилган ўқув материалини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, машқларни мустақил бажариш кўникмаларини шакллантириш, дастурли материал доирасига кирувчи ҳажмда индивидуал топшириқларни бажариш асосида мустақил фикрлашини ривожлантириш, индивидуал кузатишлар,

тажрибалар, гербарий, табиий намуналар, открыткалар, расмлар, газета ва журнал лавҳалари статистик маълумотлар каби ўқув қўлланмаларини тўплаш ва тайёрлаш ва бошқалар.

Дарсларда педагогнинг ўқувчилар томонидан уй вазифаларининг ҳалол бажаришларига кам эътибор бераётганликлари, уларни синфда текширишга унингмасликлари, яхши ўзлаштираётган ўқувчиларни рағбатлантириб бормасликлари таълим амалиётда кенг тарқалган камчилик ҳисобланади. Уй вазифаларини тушунтириб беришга кўпинча вақт етмайди, улар шошилиш берилади. Педагоглар камдан-кам ҳолларда ўқувчилар уй вазифасини бажараётганда дуч келадиган қийинчиликларини кўрсатиб берадилар, уларни бартараф этиш йўлини эса кўрсатмайдилар. Натижасида мустақил уй вазифаларининг бажарилиши самарасиз бўлиб қолди.

Фан тўғараклари йўналиши, мазмуни, иш методи, ўқиш вақти ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради. Улар ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш, ўқишга ижобий муносабатни шакллантиришга ёрдам беради. Тўғараклар ўқишни ҳаёт билан алоқасини кучайтиради, фанларро боғлиқликни ривожлантиради. Фан тўғаракларида ўқувчиларнинг ишлари ўқув жараёнини фаоллаштиради, ўқиш сифатини оширишга ёрдам беради.

Таълимнинг ёрдамчи шаклларига экскурсиялар ҳам киради. Улар оммавий, гуруҳли ва кичик гуруҳли бўлиши мумкин. Ўқув экскурсиялари алоҳида фанлар ҳамда бир қанча фанлар бўйича ҳам режалаштирилади. Экскурсияни муваффақиятли ўтказиш учун ўқитувчи унга пухта тайёрланиши: объект ва маршрут билан олдиндан танишиб чиқиши, тўла режани ишлаб чиқиши, ўқувчиларни бўлажак топшириқларни бажаришга жалб эта олиши керак. Экскурсия режасида мавзу ва мақсад, объект, у билан танишиш тартиби, ўқувчилар идрок этиш фаолиятларини ташкил этиш, топшириқни бажариш учун зарур бўлган воситалар ва ускуналар, яқун яшаш кўрсатилади. Экскурсияни ўтказиш методикаси мавзу, дидактик мақсад, ўқувчиларнинг ёши, уларнинг ривожланиши ҳамда экскурсия объектига боғлиқ бўлади.

Мактаб ўқув режаси турли факультатив ва танлови бўйича курсларни ташкил этишни кўзда туттади. Улар ўқувчилар, уларнинг ота-оналари истак ва қизиқишларини ҳисобга олиш билан ишлаб чиқилади. Амалиётда фермерлик, иқтисод, электро ва радиотехника, электроника, полимерлар химияси, астрофизика, психология, этика, антик тарих, ботаника баъзи соҳалари, иккинчи чет тили, этнография, стенография, кутубхона иши, рассомчилик, мусиқа каби курсларни факультатив сифатида ўрганилади. Факультатив ва фанларни рўйхатини аниқлашда фақат ўқувчилар истаклари эмас, балки ижтимоий талаблар ва мактаб имкониятидан келиб чиқилади. Факультатив ва танлови бўйича машғулотлар мажбурий ва умумий ўрта таълим фанлари билан узвий боғлиқликда ўтказилиши керак.

Маслаҳат (консультация - ўқув суҳбати)га талаблар кўпинча ўқувчиларнинг маълум ўқув материали ёки топшириғи устида мустақил ишлаши сабабли юзага келади. Бунда кўпроқ ўқувчи савол беради. Тўғри

ташқил этилган консултация ўқувчиларга ўқув материални эгаллашда қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Консултация давомида ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини у ёки бу масалани тўғри тушунишга мустақил келадиган, улар учун қийин топшириқни тушуниб оладиган қилиб, ўрганилаётган материални моҳиятини очишга ўрганадиган қилиб йўналтиради. Консултация ўқитувчига ўқувчилар билимларидаги камчиликларни аниқлаш, алоҳида эътибор беришни талаб этувчи вазиятларга уларнинг диққатини жалб этишга имкон беради. Тўғри ташқил этилган консултация ўқувчиларда ўзини назорат қилиш, билимларга танқидий кўз билан қарашни тарбиялайди. Ўқимишлилик даражасини тўғри аниқлашга ёрдам беради.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълимнинг маъруза-амалий тизими, унинг белгилари ва хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадралар тайёрлаш миллий дастури”да кўзда тутилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга муайян соҳа йўналиши бўйича чуқур, дифференциациялашган касбий билимлар бериш имкониятини яратади.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълимнинг маъруза-амалий тизимидан фойдаланилади. Машғулотлар иккита бирлаштирилган дарслар кўринишида 90 минут давом этади. Уларнинг ўзига хосликлари қуйидагилардан иборат:

- маъруза ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун тахминий асос сифатида катта ҳажмдаги тизимлаштирилган ахборотларни беришнинг асосий шакли (90 минут ташқил этилади);

- амалий машғулот академик лицей, касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси раҳбарлиги остида олган ўқув ахборотлари (лекция ва мустақил ишлари)ни чуқурлаштириш, таҳлил қилиш, кенгайтириш, қўллаш ва ўзлаштирилишини назоратни ташқил этиш шакли;

- академик лицей, касб-ҳунар коллежида ўқиш асосий шакли сифатида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятлари амалга оширилади;

- ўқув гуруҳи ўқувчиларни уюштиришнинг асосий шакли (унинг доимий тартиби одатда бутун таълим давомида сақланиб қолади);

- ўқув гуруҳлари тўплами академик лицей, касб-ҳунар коллежида курслардан иборат бўлади;

- курсларда ўқув машғулотлари жадвалга биноан ягона ўқув режаси ва дастурлари бўйича амалга оширилади;

- ўқув йили икки семестр, аттестация даври ва таътилларга бўлинади;

- ҳар бир семестр ҳамма ўқув фанлари бўйича якуний аттестация (имтиҳон топшириш) билан якунланади;

- академик лицей, касб-ҳунар коллежида ўқиш муҳим фанлар бўйича аттестация (битирув имтиҳонларини топшириш) ва мутахассислиги бўйича битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш билан якунланади.

Академик лицей, касб-ҳунар коллежларда таълим маъруза, семинар, лаборатория иши, ўқувчиларнинг илмий тадқиқотчилик ишлари (ЎИТИ), ўқувчиларнинг мустақил ўқув ишлари, ишлаб чиқариш амалиёти, чет элда иш тажрибасини ошириш каби шаклларда ташкил этилади. Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш шакли сифатида кундалик, оралик ва якуний назорат, баҳолаш рейтинги тизимидан, рефератив ва курс, битирув ишларидан фойдаланилади.

Назорат учун саволлар:

1. Замонавий таълимнинг асосий турларини таърифлаб беринг.
2. “Таълимнинг ташкилий тизими” тушунчаси моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Таълимнинг индивидуал шакли афзалликлари нимадан иборат?
4. Синф-дарс тизимининг афзалликлари нималардан иборат?
5. Замонавий дарсга қандай талаблар қўйилади?
6. Ўқувчилар билиш фаолиятининг индивидуал, гуруҳли, фронтал шаклларидан фойдаланиб мутахассислик фани бўйича дарс режаси ва конспектини ишлаб чиқинг.
7. Ҳар бир дарсда ўқувчилар фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш ва баҳолаш керакми? Агарда зарур деб ҳисобласангиз мумкин бўлган методик вариантларини кўрсатиб беринг.

Тест топшириқлари:

1. Ўқув муаммоларини ҳал этиш жараёнида билимларни мустақил эгаллаш йўли билан таълимни ташкил этиш, ўқувчиларнинг ижодий фикрлари ва идрок этиш фаолликларини ривожлантириш. Бу таъриф қайси ўқиш турига тегишли?
 - а) компьютерли таълим;
 - в) тушунтириш–намойишли таълим;
 - с) масофали таълим;
 - д) муаммоли таълим;
 - е) инновацион таълим.
2. Тинглаш, ўқиш, механик ёд олиш, эслаб қолиш ва матнни сўзма-сўз такрорлаш қайси ўқишда асосий фаолият турлари ҳисобланган. Бу ерда ўқишнинг қайси тури тасвирланган?
 - а) тушунтириш;
 - в) соқратча;
 - с) архаик;
 - д) компьютерли;
 - е) догматик.

3. Бу дарснинг тузилиши қуйидагича: янгиси учун асос ҳисобланган илгариги материални такрорлаш, ўқитувчининг янги материални тушунтириб бериши ва дарслик билан ишлаш, тушунишини текшириш ва билимларини, дастлабки мустаҳкамлаш, уйга вазифа. Дарснинг қайси тури ҳақида гап бормокда?

- а) билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарси;
- в) кўникма ва малакаларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш дарси;
- с) янги материал билан танишиш дарси;
- д) билимларини умумлаштириш ва тизимлаштириш дарси;
- е) билимларни текшириш дарси.

4. Ўқитувчининг дарсга тайёрланишида қуйидаги босқичлар кўрсатилади:

- а) ёрдамчи, синфдан ташқариш;
- в) консультация, инструктаж, конференция;
- с) фронтал, гуруҳли, индивидуал;
- д) диагностика (ташҳис қилиш), башорат (прогноз) қилиш, лойиҳалаштириш (режалаштириш);
- е) дидактик, тарбиявий, ривожлантирувчи.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ёғБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ёғБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.

4. Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001.

5. Подласый И.П. Педагогика. Новўй курс. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.

ТАЪЛИМНИ ТАШҲИС ЭТИШ


Ўқувчилар билимини ташҳис этишнинг моҳияти¹. Таълим ташҳиси моҳияти ҳақида гапиришдан олдин ташҳисни умумий ёндашув ҳамда ташҳислашни амалий педагогик фаолият жараёни сифатида қабул қиламиз. Ташҳис – бу дидактик жараён кечадиган барча шароитларни

¹ Ушбу мавзу моҳиятини очиб беришда И.П.Подласый =арашларидан фойдаланилди (Подласый И.П. Педагогика. В 2-х кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 2001).

ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш демак. Ташҳиссиз дидактик жараёни самарали бошқариш, мавжуд шароит учун оптимал натижаларга эришиш мумкин эмас.

Таълим ташҳисидида оқибатлар, эришилган натижалар ва таълим олганлик фарқланади. Шунингдек, таълим олганликни ташҳислаш вақтида белгиланган мақсадни амалга оширишда эришилган даража сифатида ҳам каралади. Дидактик ташҳиснинг мақсади ўқув жараёнини унинг самарадорлиги билан боғлиқ ҳолда аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ташҳис таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини анъанавий текширишга нисбатан кенгрок ва чуқуррок маъно касб этади. Таълимни баҳолаш ёки текшириш фақат натижаларни қайд этади, бироқ уларнинг келиб чиқишини изоҳламайди. Ташҳис натижаларини уларга эришиш йўллари ва воситалари, усуллари билан алоқадорликда баҳолайди, таълим самарасини таъминловчи жараён ва босқичларни аниқлайди:



17 - чизма. Ташҳислашнинг асосий таркибий қисмлари

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, баҳолаш ташҳислашнинг зарурий таркибий қисмлари саналади. Улар педагогик технологиянинг анча қадимий усуллари дидир. Назорат ва баҳолаш мактаб амалиёти ривожининг доимий ҳамроҳи бўлиб келган. Шунга қарамай, бугун ҳам баҳолашнинг мазмуни, технологиялари ҳақида қизғин мунозаралар давом этмоқда. Аввал бўлгани каби педагоглар баҳо нимани қайд этиши лозимлигини аниқлашга уринмоқдалар. Уларнинг фикрларича, баҳонинг:

- 1) таълим олувчининг ўзлаштириш даражасини қатъий белгиловчи – сифат кўрсаткичи, ёки;
- 2) у ёки бу таълим тизимининг устунлиги, камчиликларини кўрсатувчи кўрсаткич эканлиги аниқ белгиланиши зарур.

Таълимни баҳолашда зиддиятли қарашларнинг туғилишини буюк педагог Я.А.Коменский ҳам таъкидлаб ўтган эди. У педагогларни ўзлари эга бўлган баҳолаш ҳуқуқидан ақл билан фойдаланишга чақирган. Таълим олувчиларга нисбатан назоратнинг объектив бўлишига эришиш дидактик тизимларнинг асосида ётади.

Олимларнинг таъкидлашича, демократлашган таълим тизимида юзаки (формал) назорат бўлмаслиги лозим, Дидактик назорат таълимнинг ўзига хос методи сифатида аниқ ифодаланган таълим берувчи, ривожлантирувчи хусусиятга эга бўлиши ўз-ўзини назорат қилиш билан бирлашиши, энг аввало, таълим олувчининг ўзи учун зарур ва фойдали бўлиши лозим.

Таълим тизимини демократлаштириш билим, кўникма ва малакаларни назорат ва баҳолашдан эмас, балки баҳо ёрдамида ўқишга ундашнинг мураккаб шаклларида воз кечишни талаб қилади. Ўқувчиларнинг ўқув меҳнатини рағбатлантиришнинг янги усуллари излаш, таълим ва тарбия соҳасида куч тўплаб бораётган шахсий фойда тамойили янгича ёндашувларни белгилаб беради. Ташхислаш тизимида баҳо рағбатлантириш воситаси сифатида бир қатор афзалликларга эга. Биринчи навбатда, баҳоловчи фикрлар (баллар) қўлланиши мумкин бўлган ташхислаш натижалари шахснинг етуклик даражасини белгилашга кўмаклашади, бу эса рақобатли таълим шароитларини яратишда муҳим омил саналади. Таълим (шунингдек, назорат)нинг ихтиёрийлиги тамойили билан бойитилган баҳо ўтмишда ўқувчилар учун мажбурий бўлган таълимнинг зарурий воситасидан шахсий рейтинг – шахснинг жамиятдаги мавқеи кўрсаткичини тадрижий аниқлаш усулига айланади.

Таълим жараёнида назорат ва ҳисобга олишнинг вазифалари. Таълим жараёнининг муҳим тарқбий қисмларидан бири - назорат ва ҳисобга олишдир. Бу тушунчалар ўзига хос моҳият ва хусусиятларга эга. Ўқитувчи назорат ва ҳисобга олишни тўғри ташкил этса, таълим жараёнининг самарадорлиги ортади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчининг ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини аниқлаб бериши лозим.

Назорат (таълим жараёнида) таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёнини англатади. Аниқлаш ва ўлчаш текшириш деб ҳам аталади.

Текшириш – назоратнинг тарқбий қисми бўлиб, унинг асосий дидактик вазифаси ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида тесқари алоқани таъминлаш, педагог томонидан ўқув материални ўзлаштириш ҳақида объектив ахборот олиниши, билимлардаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни таъминлашдир. Текширишнинг мақсади нафақат ўқувчининг билим даражаси, сифати, шунингдек, унинг ўқув меҳнати ҳажмини ҳам аниқлашдан иборат.

Текшириш тизимидаги биринчи босқич таълим олувчиларнинг билим даражасини олдиндан аниқлаш ҳисобланади. Одатда, у ўқув йили бошида ўқувчилар томонидан аввалги ўқув йилида ўзлаштирилган билимлари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бу каби текшириш, шунингдек,

ўқув йилининг ўртасида янги бўлим (курс)ни ўрганишга киришилганда ҳам ўтказилиши мумкин ва ўринли.

Билимларни текширишнинг иккинчи босқич ҳар бир мавзуни ўзлаштириш жараёнидаги жорий текширишдир. Жорий текшириш таълим олувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган айрим алоҳида элементларни ўзлаштириш даражасини ташҳислаш имконини беради. Мазкур текширишнинг асосий вазифаси алоҳида олинган муайян вазиятни ўрганишдир. Бундай текшириш шакл ва методлари турлича бўлиб, улар ўқув материали мазмуни, мураккаблиги, ўқувчиларнинг ёши ва тайёргарлиги, таълим босқичи ва мақсадлари, муайян педагогик шароитларга мувофиқ белгиланади.

Оралик текшириш билим, кўникма ва малакаларни текширишнинг учинчи босқичи саналиб, ўқувчиларнинг ўқув материалининг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли. Янги мавзуни ўрганиш билан бирга ўқувчилар аввал ўзлаштирилганларни такрорлайдилар. Такрорий текшириш билимларни мустаҳкамлашга кўмаклашади, бироқ ўқув ишлари босқичини тавсифлаш, билимларнинг мустаҳкамлик даражасини ташҳислаш имконини бермайди. Ташҳиснинг бошқа шакл ва методлари билан бирга қўлланилсагина ушбу текшириш кутилган самарани беради.

Тизимнинг тўртинчи босқичи –ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини яхлит бўлим ёки курснинг алоҳида мавзуси бўйича даврий текшириш ҳисобланади. Мазкур текширишнинг мақсади – курснинг турли қисмларида ўрганилган ўқув материалининг структуравий элементлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўзлаштириш сифатини ташҳислаш. Даврий текширишнинг асосий вазифаси – тизимлаштириш ва умумлаштириш.

Текширишни ташкил этишда бешинчи босқич таълим олувчиларнинг таълим жараёнининг барча босқичларида эгалланган билим, кўникма ва малакаларини яқуний текшириш ва ҳисобга олишдир. Ўзлаштиришнинг яқуний ҳисоби ҳар бир чорак ва ўқув йили охирида ўтказилади. У олинган баҳоларни қўшиб, ўртача арифметик баллни механик тарзда чиқаришдангина иборат бўлмаслиги лозим. Бу, аввало, мазкур босқичда белгиланган мақсадга мувофиқ тарзда мавжуд билим даражаси (сифати)ни ташҳислашдир.

Текширишдан ташқари назорат ўз ичига баҳолаш (жараён сифатида) ва баҳо (натижа сифатида) ҳам олади. Ўзлаштириш табеллари, синф, гуруҳ журналлари, рейтинг дафтарчалари ва шу кабиларда баҳолар шартли белгилар, код сигналлари, хотиралаш белгилари ва ҳоказолар баҳо кўринишида қайд этилади. Ўқувчининг ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун назорат яқунлари (натижалари) асос бўлади. Бунда ўқувчилар ишининг ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Миқдор кўрсаткичлари кўпроқ баллар ёки фоизларда. Сифат кўрсаткичлари эса аъло, яхши, қониқарли ва ҳоказо баҳоловчи фикрлар ёрдамида қайд этилади. Ҳар бир баҳоловчи фикрга олдиндан келишилган (белгиланган) маълум балл, кўрсаткич (масалан, ўрин – 1, 2, 3, 4 ва ҳоказо) тайинланади. Бунда баҳо ўлчаш ва ҳисоблашлар натижасида олинандиган сон эмас, балки баҳоловчи

фикрга юкланган маъно эканини унутмаслик муҳим. Баҳоловчи сон сифатида қўллашга берилиб кетишнинг олдини олиш учун бир қатор мамлакатларда баҳолар ҳарфли (А, В, С, Д ва ҳоказо) ифодага эга.

Баҳони амалда эгалланган билим, кўникма ва малакалар билан давлат таълим стандартига кўра ўзлаштирилиши белгиланган билим, кўникма ва малакалар умумий ҳажми ўртасидаги нисбат сифатида тушуниш (таърифлаш)дан таълим даражасининг миқдорий мазмуни келиб чиқади. Ўзлаштириш (таълим самарадорлиги) кўрсаткичи БқАғТ юз фоиз нисбат асосида ҳисобланади. Бунда:

Б – ўзлаштириш (таълим самарадорлиги) баҳоси;

А – амалда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми;

Т – ўзлаштириш назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ҳажми.

Кўриниб турибдики, ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо) бу ўринда 100 фоиз – ахборотни тўлиқ ўзлаштириш ва 0 фоиз – унинг умуман мавжуд эмаслиги ўртасида бўлади. Маъдлумки, баҳолаш функцияси таълим даражасини қайд этиш билангина чекланмайди. Баҳо – таълим олувчиларга уларнинг таълим олиши, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндошишини рағбатлантириш мақсадида таъсир кўрсатиш воситаси. Айнан холис (объектив) баҳолаш таъсирида ўқувчиларда адекват ўз-ўзини баҳолаш, шахсий муваффақиятларга танқидий муносабат юзага келади. Шу боис баҳонинг аҳамияти, вазифаларининг хилма-хиллиги ўқувчилар ўқув фаолиятининг барча жиҳатларини акс эттирадиган ва уларни аниқлашни таъминлайдиган кўрсаткичларни излаб топишни тақозо этади.

Ҳисобга олиш таълимнинг муайян даврида ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириш, хулосалаш демакдир.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:


1) ўқув дастури асосида мавзу ва булимни ўрганишда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳар томонлама назорат қилиш;

2) ҳар бир яқунланган мавзу бўйича ўқувчиларнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш;

3) ўртача арифметик маълумотларга таянибгина ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳоламаслик;

4) ўқувчиларнинг мавжуд билимларига аниқ, батафсил маълумот (тавсиф) бериш учун уларнинг бир неча ўқув йилидаги статистик ўзлаштириш маълумотларга асосланиб таҳлил этиш.

Демак, ўзлаштиришни назорат қилиш ва ҳисобга олиш назорат, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради:



Назорат қилишнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш ва баҳолашдан иборат. Бу ўқув материалларини ўрганишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини аниқлаштиради ва ўқитувчининг ўқув метод ҳамда усулларини тўғри танлаганини назорат қилади. Назорат қилиш вазифаси ўқув материалларини ўрганишнинг мақбул йўллари топиш билан боғлиқдир.

Таълим вазифаси ўқувчиларнинг билимини текширишда аниқ кўринади. Янги мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида ёки уй вазифаларини текширишда ўқувчиларнинг ўтилган мавзуни такрорлашга, улар учун тушунарсиз бўлган маълумотларни билиш олишларига имкон туғилади. Чунки гуруҳдаги бошқа ўқувчилар жавоб бераётган ўқувчининг фикрларини диққат билан тинглашади ва аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаб, кўшимча маълумотлар билан бойитишади. Ўртоқларининг жавобларига кўшимча қилишга ёки еилмай қолган саволларга жавоб беришга шайланиш орқали ўрганилган мавзуни аниқлаштиришга ҳаракат қилади.

Назоратнинг тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, ўқувчилар текширишга тайёр бўлиш учун дарсларни ўз вақтида тайёрлайдилар, бўш вақтларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар, интизомга ўрганадилар.

Шунингдек, текшириш ва баҳолаш ўқувчининг ўз билимлари ва қобилиятларини ўзи мустақил аниқлашига ҳам ёрдам беради. Ўзидаги камчиликларни кўра олишга ва уни тугатиш йўллари излашга кўмаклашади. Лекин ўқувчининг билимини баҳолашда ўқитувчи ноҳақликка йўл қўйса, ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида зиддият келиб чиқади. Уй вазифаларининг эса ҳаддан зиёд кўп бўлиши ҳам ўқувчиларнинг юзаки дарс тайёрлашига олиб келади.

Энг асосийси ўзлаштиришни ҳисобга олиш шахснинг ижобий фазилатларини шакллантириш, яхши ўқишга хоҳиш уйғотиш, ўқув ишларига виждонан ёгдашиш, жавоб беришга тайёрланишда мустақил бўлиш ҳамда билиш фаолиятини чуқурлаштиришга йўналтирилмоғи лозим.

Агар назоратнинг ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари тўғри амалга оширилса, шахснинг тафаккурини ривожлантириш ҳамда ҳис-туйғулари ва ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон туғилади. Бу ўз-ўзидан назоратнинг ривожлантирувчи вазифаси саналади.

Ўқитувчи мазкур вазифалардан хабардор бўлиш асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини ҳисобга олишни тўғри ташкил этади.

Таълим натижаларини текшириш ва баҳолашга қўйиладиган талаблар. Ўқувчиларнинг таълим натижаларини текшириш ва баҳолашга қўйиладиган педагог талаблар (буни педагог олим Н.А.Сорокин таърифида беришни маъқул деб топдик) таълим назарияси ва амалиётида қуйидагича белгиланган:

1) ҳар бир ўқувчининг ўқув фаолиятини назорат қилишни талаб этадиган, синф ёки гуруҳнинг ўқув иши натижалари ўқувчининг шахсий натижаларининг ўрнини алмаштиришга йўл бермайдиган назоратнинг индивидуал тавсифи;

2) назоратни таълим жараёнининг барча босқичларида: бошланғич идрок этишдан то билимларни амалда қўллашгача бўлган босқичларида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларининг бошқа томонлари билан биргаликда олиб боришнинг тизимлилиги;

3) назоратнинг ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини ҳал этадиган, уни олиб боришга ўқувчиларни қизиқтирадиган турли шакллари;

4) ўқув дастурининг барча қисмларини қамраб олган, ўқувчиларнинг назарий билимлари, интеллектуал ҳамда амалий кўникма ва малакаларини текширишдан иборат назоратнинг кенг кўламлилиги;

5) ўқувчиларни ҳар жиҳатдан билиб олмасдан туриб, ўқитувчининг хато хулосалар чиқариш, субъектив муносабатда бўлишига йўл қўймаслиги, шунингдек, ўзлаштириш натижаларини баҳолашда баҳо мезонларига қатъий риоя қилишни талаб этадиган назоратнинг холислиги (объективлиги);

6) ҳар бир фан, унинг бўлимларининг махсус хусусиятлари, шунингдек, ўқувчиларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда турли назорат методларини танлашнинг табақалашганлиги;

7) муайян синф (гуруҳ) ўқувчиларининг ўқув ишларини назорат қилишда барча ўқитувчилар томонидан қўйиладиган талабларнинг бир хил бўлиши.

Юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилиш орқали назоратнинг ишончлилиги ортади ва ёқув жараёнида ўз вазифаларини ҳал қилишга имкон яратилади.

Ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш турлари, шакл ва методлари. Педагогика фани билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини алоҳида уқтиради:

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига қараб давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганлиги назорат қилинади ва вазифалар белгиланади.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчиларда билимлар янада кенгаяди. Бу билан таълим муассасалари олдида турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасида яхши натижалар ёшлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатади, уларда кўтаринки руҳ, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқиш пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш таълим тизимининг ажралмас қисмидир.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб ўқувчилар ўқув фаолиятини ҳисобга олишнинг бир қатор шакл ва методлари асосланган.

Ҳар бир фан бўйича ўқувчининг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш чорак ёки ярим йиллик давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади:

- жорий назорат;
- оралик назорат;
- якуний назорат.

Жорий назорат – бу таълим жараёнида ўқувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган муайян мавзуларни ўзлаштирилиш бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича кундалик баллар қўйиб боришни назарда тутади.

Оралик назорат ўқувчилар томонидан ўқув материалининг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Якуний назорат – таълим олувчиларнинг чорак ёки ярим йиллик учун белгиланган ўқув материаллари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли бўлиб, ўрганилган мавзулар бўйича ёзма, оғзаки, тест шаклида ўтказилади.

Ўқувчиларнинг фаолиятини ҳисобга олиш методлари оғзаки, ёзма, тест ҳамда амалий топшириқларни бажаришга асосланган бўлиши мумкин.

Оғзаки текшириш. Бу метод билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг анча кенг тарқалган анъанавий усулларидан биридир.

Оғзаки текширишнинг моҳияти шунда кўринадикки, ўқитувчи ўқувчиларга ўрганилган мавзунинг мазмунидан келиб чиқиб, уларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлайди. Оғзаки текшириш ўқувчиларнинг билимларини текширишни савол-жавоб усули асосида амалга оширилади. Ушбу усул айрим ҳолларда суҳбат усули деб ҳам аташади. Оғзаки текширишда ўқитувчи ўрганилаётган мавзунини алоҳида қисмларга ажратади ва уларни ҳар биридан ўқувчиларга саволлар беради. Бироқ, ўқувчиларнинг нутқини ўстириш ҳамда уларнинг чуқур ва мустаҳкам билимга эга бўлишлари учун улардан шу ёки олдинги мавзунини бутунлай эсга туширишни талаб қилиш мумкин. Кўпгина фанларда оғзаки текшириш ўқувчиларнинг жавобларини ёзма машқларни ташкил этиш асосида тўлдириб борилади. Масалан, ўқувчиларнинг «қўшма гаплар» мавзусини қандай ўзлаштирганликларини текширишда ана шундай йўл тутиш мумкин. Улар ўз жавобларини исботлаш учун мисол келтирадилар. Бу мисолларни доскага ёзиб, синтактик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қиладилар. Математика, физика ва химиядан оғзаки текшириш қоидага мувофиқ мисол ва

топтирикларни амалий кўникма ва малакалар баҳолаш мақсадидан келиб чиқиб ҳал этилади. Кенг тарқалганлиги ва самарали эканлигига қарамай ўқувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолашда оғзаки текшириш айрим камчиликларга ҳам эга. Чунончи, уни қўллаш жараёнида:

- нисбатан кўп меҳнат сарфланади;
- дарс мобайнида 3-4 нафар ўқувчинигина билимини текшириш мумкин.

Шу боис ўқувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолашнинг муваффақиятини таъминлаш учун турли шакллардан фойдаланилади.



19 - чизма. Билимларни текшириш ва баҳолаш шакллари

Оғзаки оммавий текшириш ўқувчилардан оғзаки сўраш бўлиб, улар гуруҳга қаратилган саволларга жавоб берадилар. Бундай текширишда жавоблар қисқа бўлади. Мазкур сўраш кўпчилик ўқувчиларни назорат қилишни таъминлайди ва бутун гуруҳни фаоллаштиради, аммо ўқувчиларнинг нутқини ўстирмайди. Бундай нуқсонлар индивидуал сўрашда кўзга ташланмайди. Аммо сўрашнинг бу шаклида гуруҳдаги бошқа ўқувчиларнинг тўлақонли ишлашларига эришиш жуда қийин.

Комбинацияланган (тезлаштирилган) текширишда ўқитувчи бир неча ўқувчини бир вақтда доскага чақиради, бири оғзаки жавоб беради, 3-4 нафар ўқувчи эса карточкалар бўйича ёзма ишни бажаришади ва ҳоказолар. Бу текширишнинг мураккаб усули бўлиб, ўқитувчидан етарлича тажриба ва диққатларини гуруҳдаги ҳамма ўқувчиларга тақсимлай билишни талаб қилади.

Ёзма текшириш – ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг энг самарали усулларида бири бўлиб, уларнинг ижодий қобилиятларини баҳолаш имконини беради. Мазкур усулнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи алоҳида мавзу ёки ўқув дастурининг маълум бўлимини ўтиб бўлганидан сўнг ўқувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолашни ташкил этади. Ёзма текшириш топширик, яъни, иншо ёзиш ҳамда турли назорат ва мустақил ишларни бажаришни уйда ҳам амалга оширишга имкон беради. Ушбу жараёнда ўқитувчининг бажарилган иш билан танишиб чиқиши, унинг сифатини текшириши учун кўп меҳнат ва вақт сарфланади.

Амалий топширикларни бажаришга асосланган текшириш. Бажарилаётган амалий ҳаракатлар (спорт, меҳнат ҳаракатлари)нинг тўғрилигини кузатиш ёки олинган натижаларга таянишдан иборат бўлиши мумкин.

Ўқувчининг бутун дарс давомидаги барча фаолиятларини назорат қилиш текширишнинг махсус тури бўлиб, у ўқувчининг дарсдаги иштироки учун балл қўйиш билан яқунланади. Бу ўқувчини доимо ҳаракат қилишга ва фаолликка ундайди.

Маълумки, бугун таълим тизимида рейтинг назоратидан кенг фойдаланилмоқда. Рейтинг деганда баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш, биронта ходисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш тушунилади.

Шкалалаш – аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириш. Унинг турли услублари сифат тавсифларини миқдорий ўзгаришларга айлантиришга ёрдам беради.

Рейтинг назорати асосида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳисобга олишнинг юқорида келтирилган методлари билан бирга тест усулидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Тест сўровидан нафақат ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, балки 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида абитуриентларни олий ўқув юртларига танлов асосида қабул қилиш жараёнида ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Тест – аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси.

Педагогик амалиётда тестнинг бир қатор афзалликлари кўзга ташланади. Улар қуйидагилардир:

- 1) назорат учун вақтнинг кам сарфланиши;
- 2) назарий ва амалий билим даражасини объектив шароитда аниқлаш имконининг мавжудлиги;
- 3) бир вақтнинг ўзида кўп сонли ўқувчилар билан назоратни ташкил этиш мумкинлиги;
- 4) билим натижаларининг ўқитувчи томонидан қисқа муддатда текширилиши;
- 5) барча ўқувчиларга бир хил мураккабликдаги саволлар берилиб, улар учун бир хил шароитнинг яратилиши.

Таълим тизими узлуксиз равишда ислохотларни амалга оширишни талаб этадиган соҳадир.

Таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш жараёнида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш ҳам янги мазмун касб этди. Давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқилганлиги, янги ўқув дастурининг амалиётга жорий этилганлиги, эркин ва мустақил фикрловчи шахсни тарбиялашга нисбатан юқори талабнинг қўйилаётганлиги, таълим амалиётига педагогик технологиялар олиб кирилаётганлиги, ўқувчиларни касбга муваффақиятли йўллаш мақсадида психологик ва педагогик диагностика барча турдаги таълим муассасаларида кенг кўламда амалга оширилаётганлиги каби ҳолатлар кўзга ташланаётган бир вақтда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини энг самарали шакл, метод ва воситалар ёрдамида назорат қилиш ҳамда баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчилар билимини баҳолашнинг беш балли тизимининг эскирганлиги, замон талабларига жавоб бера олмагани уни рейтинг тизими асосида баҳолаш услуги билан алмаштиришни тақозо этди. Шу ўринда «қандай сабабларга кўра беш балли баҳолаш мезони ўзини оқламади?» деган саволга жавоб бериш ўринлидир:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таълимни демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ривожлантиришни назарда тутди. Беш балли баҳолаш тизими каттикқўллик, ўқитувчининг мустабидлиги ҳамда унинг таълим жараёнида яқка ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилиб келган.

Демак, ушбу жараёнда талаб ва амалдаги ҳолат бир-бирига мувофиқ келмайди.

Иккинчидан, баҳолаш мезони ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ихтилофларни келтириб чиқаришга эмас, аксинча, ўзаро фаол ҳамкорлик, бир-бирини тушуна олишлари учун хизмат қилиши лозим.

Учинчидан, баҳолаш мезони фақатгина ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш даражасини назорат қилиш учунгина эмас, балки таълимни ташҳис этишнинг фаол кўмакчисига айланиши зарур.

Баҳолашнинг беш балли тизими бирдан бешгача фарқланувчи дастлабки баҳолар қўйиш тартибини билдириб, моҳиятан баҳолар ўртасида йиғиндисининг ўртача арифметик қиймати асосида чораклик (йиллик) баҳони белгилашдан иборат.

Масалан, ўқувчи бирор ўқув фанидан учта назорат ишини 3, 4 ва 5 га бажарган, жорий назорат бўйича ҳам шундай натижаларни қайд этган бўлса, унга чорак учун «4» баҳо қўйилади. Бу эса ўқувчи жорий, оралик ва якуний назорат пайтида яхши тайёргарлик кўриб, ижобий баҳоланишига, чорак охирида муайян мавзудан олган «5» баҳога берилган жавобларининг мутлақо инобатга олмаслигига шароит яратади.

«Рейтинг» (инглизча баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш) муайян ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш. Рейтинг тизими ўқувчиларнинг билим сифатини назорат қилиш тури, методи ва шакли сифатида эътироф этилиб, унинг ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув фанлари бўйича таълим стандартида белгиланган барча талаблар бўйича ўзлаштирилган билимлари сифати баҳоланади.

Рейтинг тизимида ўзлаштириш натижаси назоратнинг кўрсатилган барча шакллардан ўтиш жараёнида тўпланган балларни қўшиш йўли билан аниқланади. Ҳар бир назорат тури учун 10 баллдан тақсимланганда (ўқув фани учун 100 балл ҳисобида) унга 7, 5, 8, 7 балл қўйилса, ўқувчининг чорак ёки ярим йиллик учун тўплаган бали 27 баллни ташкил этади, бу эса 55 фоиздан кам, шунинг учун у етарлича рейтинг баллини тўпламагунча ва барча назорат шаклидан ўтмаганча аттестация қилинмайди. Демак, рейтинг тизими олинган баҳо билан эгалланган билим ўртасида тафовут келиб чиқишининг олдини олади.

Рейтинг тизими яна бир қатор афзалликларга эга, чунончи:

- таълим жараёнида баҳолаш тизими имкониятларини кенгайтириш;
- ўқувчи билимини энг адолатли мезонлар ёрдамида аниқлаш;
- таълимни стандартлаштириш жараёни учун зарур имкониятларни очиб бериш;

- таълим стандартларида кўзда тутилган ўқув дастурига кирган мажбурий ихтиёрий мавзуларнинг тўлалигича ўзлаштирилиши;

- ўқувчиларда ўз устида мустақил ишлаш интилиш, эркин фикр юритиш, билимларни эгаллашга нисбатан изчил ёндашув юзага келади;

- ўқувчиларда ёмон баҳо олишга бўлган кўрқув йўқолиб, унинг ўрнига билимларни ихтиёрий ўзлаштириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўлида мустақил ишлаш имконияти яратилади. Бошқача айтганда, кўрқув ўрнига интилиш, режалаштириш, ҳаракат қилишга эҳтиёж туғилади, ўрганишга нисбатан қизиқиш ортади.

Бироқ, бугунги кунда ҳам мактаб амалиётида беш балли баҳолаш тизимидан фойдаланилаётганлиги боис педагоглар мазкур тизимнинг рағбатлантирувчи родини ошириш йўллари изламоқдалар. Бу борада бир неча усуллардан фойдаланишмоқда. Хусусан:

1) баҳоларни кўшиш ва айриш аломатлари билан ифодалаш. Синф журналларини юритишнинг амалдаги қоидалари ифодавий белгили баҳоларни қўллашга имкон бермайди. Шу боис педагог мураса қилиб, синф журнаliga аниқ баҳоларни кўяди, плюс-минусларни эса шахсий ён дафтарчасида қайд этиб боради;

2) рақамни балли баҳо (кўшимча баҳо) билан тўлдириши. Бу усул инструктор таъқиқларга эга эмас, бироқ педагоглар томонидан кам қўлланилади, зеро, бу усул дарс давомида шусиз ҳам танқислиги сезиладиган вақтни кўпроқ сарфлашни талаб этади;

3) ўқитувчининг кундалик дафтарга баҳо қўйиш билан бирга ота-оналар учун қайдларни ёзиши. Бу усул ўқувчининг оила олдидаги масъулиятини кучайтиришга асосланади. қуйидаги ҳолат инобатга олинмаса, бунда бирор ғайри оддийлик йўқ. Кундаликда қайд этилган ёзувлар мазмуни билан танишиш уларнинг асосан салбий мазмунда эканлигини кўрсатади. Маълумки, салбий фикрлар ўқувчиларда таълим олишга бўлган рағбатни барбод қилади. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, 5-6-синф ўқувчиларида таълим олишга бўлган рағбатнинг пасайишини таъминловчи омил – айнан кундаликдаги салбий мазмундаги қайдлардир.

4) коммуникатив мотив – тенгдошларининг муносабати, фикри. Ўқувчилар тенгдошларининг муносабати, фикрларига нисбатан эътиборсиз бўла олмайдилар. Педагог ана омилдан фойдалана олиши зарур, бироқ уни суистеъмол қилиш ярамайди, зеро, бундай ёндашув ҳам ўқувчиларда таълим олишга бўлган рағбатни сусайтиради. XIX-XX аср бошларида гимназияларда шундай қоида устун бўлган: ўқувчини жамоа олдида мақташ мумкин, лекин қойиш мумкин эмас. Бугун ҳам таълим амалиётида ана шу қоидага амал қилиш фойдадан ҳоли эмас.

5) коммуникатив таъсирни кучайтириш, бу ўринда ўқувчиларни ўз синфдошларининг муваффақиятлари ва муваффақиятсизликларини хис қилиш, унга ёрдам кўрсатишга ўргатишдан иборат;

6) ўзлаштириш экранларидан фойдаланиш. Синфда экран осиб қўйилиб, унда ўқувчиларнинг барча баҳо кўрсаткичлари қайд этиб борилади. Бунинг камчилиги аълочиларда кибрланиш, паст ўзлаштирувчиларда эса бефарқлик юзага келади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун ўқувчиларни ахборотни тўғри қабул қилишга ўргатиб бориш зарур.

7) ўз-ўзи билан мусобақа ташкил этиш, ҳар ҳафта охирида ўқувчи ўз фаолитини таҳлил этади. Яқунланган ҳафтада ўзлаштириш пасайса, гарчи у аълочи бўлиб қолаверса ҳам ўқувчи мусобақада бой беради. Аксинча, кучсиз ўқувчи яқунланган ҳафтада самарали ишласа, ғолиб чиққан ҳисобланади. Ўз-ўзи билан мусобақада барча ўқувчилар тенг шароитда бўладилар, яъни, паст ўзлаштирувчи ўқувчи битта паст баҳони кам олса, ютган, аълочи ўқувчи эса битта аъло баҳони кам олган бўлса ютқзади. Англанидек, бу усул ўзлаштириш учун эмас, балки ўзлаштиришни яхшилаш учун хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари ҳамма вақт баҳсталаб мавзу бўлиб келган. Шу боис у турли адабиётларда турлича ёритилган. Бироқ мавжуд қарашларни умумлаштириб айтиш мумкинки, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, синф (гуруҳ)даги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таянган ҳолда белгиланади. Шунингдек, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг оғзаки жавоб беришлари, кўникма ва малакаларига алоҳида-алоҳида ёндашилади. Масалан, химия дарсидан баҳолаш мезонларига ўқувчиларнинг оғзаки жавоблари, амалий топшириқларни бажара олишлари ва амалда мавжуд билимларини намойиш эта олишлари инобатга олинади. Буни «4» баҳо мисолида аниқлаштирамиз: оғзаки жавоб бериш жараёнида «4» баҳо қўйилади, қуйидаги ҳолатлар намоён бўлса:

- 1) ўрганилаётган мавзу юзасидан тўғри жавоблар берилса;
- 2) материал мантиқий кетма-кетликда аниқ баён этилса;
- 3) ўқитувчи талаби билан тузатилган икки-учта унчалик аҳамиятга эга бўлмаган хатолар йўл қўйилса ёки тўлиқ бўлмаган жавоб айтилса.

Ёзма топшириқни бажаришда «4» баҳо қўйилади, қуйидаги ҳолатлар намоён бўлса:

- 1) масалани ечишда ва изоҳлашда муҳим хато бўлмаса;
- 2) топшириқни бажариш ва изоҳлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмаган бир-икки хатога йўл қўйилса ёки битта изоҳнинг моҳияти очиб берилмаган бўлса.

Амалда билимларни намойиш этишда «4» баҳо қўйилади, қуйидаги ҳолатлар намоён бўлса:

1) ишни тўлик, муҳим хатоларсиз бажарса, бироқ натижа чиқара олмаса;

2) ишни бажаришда, тажрибани тугаллашда икки-уч муҳим бўлмаган хатоларга йўл қўйилса.

Билдирилган фикрларга таянган ҳолда шундай хулоса чиқариш мумкин: ўқувчиларнинг билимлари учун беш балли тизимда баҳолар қўйидаги ҳолатларда қўйилади:

1. «5» баҳо: а) ўқувчи материални тўлик ўзлаштириб олган бўлса; б) ўрганилган мавзу бўйича асосий маълумотларнинг моҳиятини очиб бера олса; в) эгалланган билимларни амалда қўллай олса; г) ўрганилган мавзунини баён қилишда, ўзга ишларда хатоларга қўл қўймасдан, маълумотларни тушунтириб бера олса қўйилади.

2. «4» баҳо: а) ўқувчи ўрганилган мавзунинг моҳиятини билса; б) ўқитувчининг саволларига қийналмасдан жавоб бера олса; в) эгалланган билимларни амалиётда қўллай олса; г) оғзаки жавоб беришда жиддий хатоларга йўл қўймасдан, ўқитувчининг қўшимча саволлари билан хатоларини тўғрилай олса ҳамда ёзма ишда унча жиддий бўлмаган хатога йўл қўйса;

3. «3» баҳо: а) ўқувчи ўрганилган мавзунини ўзлаштирган, лекин мустақил тушунтириш беришда ўқитувчининг аниқлаштирувчи саволларига эҳтиёж сезса; б) саволларнинг мантиқий тузуилишини ўзгартириб берганда, жавоб беришга қийналса; в) ёзма ишда хатолари бор бўлса.

4. «2» баҳо: ўқувчи ўрганилган мавзу ҳақида тушунчага эга, бироқ мавзунини ўзлаштирмаган, ёзма ишда қўпол хатоларга йўл қўйса.

Назорат учун саволлар:

1. Таълимни ташҳис этиш нима? Унинг моҳияти ҳақида гапириб беринг.

2. Таълимни баҳолаш ёки текшириш ва ташҳис ўртасидаги фарқ нималарда кўринади?

3. Назорат ва текшириш тушунчаларини изоҳлаб беринг.

4. Текшириш тизими қандай босқичлардан ташкил топади?

5. Назорат (текширишдан ташқари) ўз ичига қандай тушунчаларни олади? Улар ҳақида маълумот беринг.

6. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини ҳисобга олишда нималарга эътибор бериш лозим?

7. Таълим жараёнини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг вазифалари нималардан иборат?

8. Таълим натижаларини текшириш ва баҳолашга қўйиладиган педагогик талаблар нималардан иборат?

9. Ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олишнинг турлари ва уларнинг вазифаларини кўрсатиб беринг.

10. Ўқувчилар фаолиятини ҳисобга олишнинг қандай методларини биласиз? Уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот беринг.

11. Рейтинг тизими нима? У қандай афзалликларга эга?

12. қайси сабабларга кўра беш балли баҳолаш мезони ўзини окламади?

13. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари қаҳида маълумот беринг.

Тест топшириқлари:

1. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш қуйидаги функцияларни бажаради:

а) билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш;

в) ўқитиш, ташкил этиш, тизимлаш;

с) назорат қилиш, ўқитиш, тарбиялаш;

д) умуминсоний, гуманистик, демократик.

2. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг якуний назорати нима?

а) ўқувчилардан сўраш;

в) янги билимларни мустаҳкамлаш вақтида сўраш;

с) бўлим якуни, ярим йил ёки ўқув йили охирида сўраш;

д) дарс якунида сўраш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғҒБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғҒБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг «Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашда кўпбалли рейтинг тизимига босқичма-босқич ўтиш ҳақида»ги 121-сонли буйруғи ғҒТаълим тараққиёти ж., 2002. № 4.

4. «Умумий ўрта таълим муассаса (мактаб)ларида ўқувчиларнинг билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги муваққат Низоми ғҒМаърифат г., 2002 йил, 5 август.

5. Шайгайдуллина О.Д. Рейтинговая система контроля качества обучения учащихся. – Тошкент, Ўқитувчи, 1998.

6. Педагогика ғА.қ.Мунавваров таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

7. Подласўй И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн 1. – Москва, ВЛАДОС, 1998.

8. Ортикова Л., Ферелов В. Как разработать школьный рейтинг фҒГ. Учитель Узбекистана. 1997 год, 8 октября.

9. Ферелов В. Школьному рейтингу – прочную основу фҒГ. Учитель Узбекистана. 1997 год, 3 декабря.

2-қИСМ. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ. ТАРБИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тарбия назариясининг моҳияти. Тарбия назарияси педагогика фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганadi. Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқати назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараёни ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Тарбия назарияси Шарқ мутафаккирлари ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология каби фанларнинг маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси ҳамда халқ таълими тизимини бошқариш билан узвий боғлиқ.

Тарбия жараёнининг мазмуни. Тарбия – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни. Бошқачароқ талқин этилганда, тарбия ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва хулқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир.

Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳияти турлича бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган. Тарбия ғояси турлича ифодаланган бўлсада, аммо йўналтирувчанлик хусусияти ҳамда объектига кўра яқдилликни ифода этади.

Тарбия хусусида таниқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний шундай дейди: «Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот - ё фалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур»². Ушбу фикрлардан англаниладики, шахс тарбияси хуссий иш эмас, балки ижтимоий, миллий ишдир. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Ислохотларнинг асосий ғояси республиканинг риожланиш ва

² Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёшуд ахлоқ. – Тошкент, Ё=итувчи, 1992.

тараққийёт йўли деб эътироф этилган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятнинг барпо этиш учун хизмат қилади. Демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятнинг барпо этиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юкланади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўқрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қатор асар ва нутқлари, чунончи, «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққийётининг пойдевори», «Ўзбекистон ХХИ асрга интиломда» номли асарларида мустақил республикада ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш мақсади ва вазифалари белгилаб берилган.

Тарбия - шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради.

Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик жараёнидир. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шакллана боради, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёж ва хоҳишларини ифодалайди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг (хоҳ салбий, хоҳ ижобий) таъсири боланинг уларга муносабатига боғлиқлигини кўрсатади. Бола фаолиятини уюштиришгина эмас, балки тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан турли кечинмаларни қандай англаши, баҳолаши, ҳис қилиши, улардан ўзи учун нималарни олаётганлигини билиши зарур. Зеро, тарбия ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиб бориши асосида кечади.

Тарбия жараёнида ўқувчининг онгигина эмас, балки ҳис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларини ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онги, ҳиссиёти ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қилади. У ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларнинг ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади.

Ижтимоий жараёнда фаол иштирок этиш орқали ўқувчиларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ортиб боради. Фаолият ўқувчилар жамоаси манфаати ва истаги асосида уюштирилса, бу жараёнда боланинг тенгдошлари ва ўзини ўзи англаш жараёни юзага келади. Бола ўз хулқи, хатти-ҳаракати учун жамоа олдида жавобгарликни сезишга эришгач, ижрочи эмас, балки умумий ишнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади.

Тарбияни самарали йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучи, тарбия жараёнининг манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборат.


Тарбияда ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бу жиҳат унутилса, муайян қарама-қаршилиқлар вужудга келади.

Фаолият жараёнида ҳосил бўлган малака ва одатлар ахлоқ меъёрларига риоя қилишни енгиллаштиради.

Демак, тарбиячи бола шахсининг тез ривожланадиган даври – ўқувчилик йилларида унинг онгига турли фаолият (ўқиш, меҳнат, ижтимоий ишлар, ўйин, спорт, бадий ҳаваскорлик) ёрдами билан махсус таъсир этиш муҳимдир. Акс ҳолда хулқ меъёрлари, ахлоқ талабларини яхши тушунмай қолиши натижасида шахс ижтимоий муносабатларда беқарор, тасодифий таъсирга берилувчан бўлиб қолиши мумкин.

Тарбия яхлит жараёнда амалга оширилиб, унинг таркибий қисмлари айти бир вақтда, фаолиятнинг бирор тури асосида намоён бўлади.

Умумий педагогика жараёнида тарбия муҳим ўрин тутди. Шахсни шакллантириш, бошқариш, назорат характериға эға бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий ҳаракатлар орқали эмас, балки олдинда белгиланган ва пухта ўйланган режалар асосида ҳал этиб борилади. Тарбия жараёнида унинг мақсади, шакл ва методлари, шахсининг ўзини-ўзи тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари муҳим ўрин тутди. Тарбия мазмуни ижтимоий тузум буюртмаси асосида белгиланиб, унинг амалга ошиши учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги талаб этилади. Ушбу ғоялар яхлит тарзда қуйидагича акс этади:



20 - чизма. Тарбия жараёнининг умумий моцияти

Ҳар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Тарбия мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган тарбиянинг асосий мақсади комил шахсни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Тарбия жараёнининг натижаси. Тарбиянинг натижаси юксак

маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тарбиялашдир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, уюштириш ва раҳбарлик, шунингдек, ўқувчи шахсининг ўзи томонидан фаоллик кўрсатилишини тақозо этади. Бу жараёнда педагог етакчи рол ўйнайди. Чунки у ижтимоий тарбиянинг умумий мақсадлари моҳиятини тушунади, мақсад йўлида амалга ошириладиган вазифалар тизимидан яхши хабардор, тарбия шакл, метод ва воситаларини асосли, илмий тарзда танлаб олади ва тарбия жараёнига татбиқ этади.

Тарбия жараёнининг моҳиятини тарбияга ҳар томонлама ёндашиш билан муваффақиятли тарзда, илмитй таҳлил қилиш мумкин.

Шахс тарбиянинг натижаси сифатида шаклландиган ижтимоий мавжудотдир.

Шахсининг кўпдан-кўп хислатлари бир-биридан ажратилган эмас, балки ўзаро мустаҳкам боғланган. Тарбия жараёнида боланинг шахсияти айрим-айрим эмас, балки яхлит равишда ривожланади.

Бола ўсиб ва ривожланиб боргани сари тарбия вазифалари мураккаблашиб, чуқурлашиб, табаҳалашиб боради.

Ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш унга изчил равишда ақлий, ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, эстетик, жисмоний, экологик, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий тарбия бериш, ўқувчиларнинг онги, хулқ-атвори ва фаолиятининг бирлиги, шунингдек, тарбия жараёнини ташкил этишнинг яқка, гуруҳли ва оммавий шакллари кўшиб олиб борилишини таъминлайдиган педагогик тизимларни вужудга келтириш ва бу тизим ғояларига амал қилишни талаб этади.

Ижтимоий тарбия жараёни шахсининг ижтимоий фазилатларини шакллантириш, унинг атроф-теварак, жамият, одамлар ҳамда ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтириш ва уни кенгайтиришга қаратилган. Шахс иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар тизими қанчалик кенг, хилма-хил ва чуқур бўлса, унинг маънавий дунёси шунчалик бой бўлади.

Ўз табиатига кўра тарбия жараёни кўп омилли характерга эга. Яъни, бола шахсининг қарор топиши оила, таълим муассасаси, жамоатчилик, ижтимоий муҳит, шунингдек, вазиятлар хилма-хиллиги, бевосита ва билвосита таъсирлар остида рўй беради.

Тарбия жараёнининг натижалари одатда бир хил характерда бўлмайди. Бу нарса ўқувчиларнинг психологик (индивидуал, типологик), физиологик ва жисмоний хусусиятлари, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажрибаси, шахсий позициясига боғлиқ.

Тарбия жараёни, одатда, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш, боланингш атроф-муҳитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва уларнинг хусусиятларини бартараф этиш билан олиб борилади.

Ўзини ўзи тарбиялаш шахсни ўзида ижтимоий қадрга эга бўлган фазилатларни ҳосил қилиш ва такомиллаштиришга ҳамда салбий хислатларни бартараф этишга қаратилган ички фаолият сифатида

таърифланади.

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеридаги зарарли сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга қаратилган ички фаолияти жараёнидир. Бола хулқидаги «оғиш»лар оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатолари, ўқитувчи фаолиятидаги камчиликлар асосида вужудга келади. қайта тарбиялаш жараёнида салбий хулқни ҳосил қилган сабаб, шароит ўзгартирилади, қайта тарбиялашда мактаб ва шахснинг шахсий таъсирини оила, шу жумладан, ота-она ҳам маъқуллаши лозим.

Демак, қайта тарбиялаш ўқувчининг ўзигагина эмас, балки унинг ота-онасига ҳам қаратилиши лозим.

Ижтимоий тарбиянинг асосий вазифалари. Ижтимоий тарбияни ташкил этиш жараёнида бир қатор вазифалар ҳал этилади. Ушбу вазифалар ижтимоий тарбия мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида айтилган вақтда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда:

а) ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, уларда кенг дунёқарашни таркиб топтириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

б) ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар моҳиятидан огоҳ этиш, чуқур билим ва тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш, уларнинг онгини бойитиш;

в) умуминсоний ахлоқ меъёрлари (одамийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам, меҳр-муҳаббат, мурувват, алодатни ёқлаш, инсонпарварлик, ахлоқсизликка нисбатан нафрат ва ҳоказолар)нинг моҳиятини англаш, ўқувчиларда муомала одоби, юксак маданиятни қарор топтиришга эришиш;

г) ўқувчиларда ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат руҳида ёндашиш ҳисси ва фуқаролик туйғуси, ижтимоий бурчга масъуллиқни қарор топтириш;

д) табиатни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни юзага келтириш борасидаги масъулиятни таркиб топтириш;

ж) ватанпарварлик ва байналминаллик туйғусини шакллантириш, ўзга миллат ва халқларни ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини камситмаслик туйғусини қарор топтириш;

з) мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатида тўғри ва холисона баҳо беришга ўрганиш;

и) инсонни олий қадрият сифатида қадрлаш, унинг шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилишга ўргатиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ижтимоий тарбиянинг умумий вазифалари ана шулардан иборат.

Шу билан бирга ижтимоий тарбия йўналишлари – ахлоқий, ақлий, жисмоний, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий тарбиянинг хусусий мақсадидан келиб чиққан ҳолда бир қатор вазифалар амалга оширилади.

Чунончи,

1) ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида – ўқувчиларни ижтимоий-ахлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор этиш, уларга ахлоқий меъёрларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тушунтириш, уларда ижтимоий-ахлоқий меъёрлар (талаб ва таъқиқлар)га нисбатан ҳурмат ҳиссини қарор топтириш асосида ахлоқий онг ва маданиятни шакллантириш;

2) ақлий тарбияни йўлга қўйиш чоғида - ўқувчиларни илм-фан, техника ва технология борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, янгилик ва кашфиётлардан бохабар этиш, уларга ижтимоий ва табиий фанлар асослари хусусидаги билимларни бериш тарзида тафаккурни шакллантириш, дунёқарашини ривожлантириш;

3) жисмоний тарбияни ташкил этиш жараёнида – ўқувчиларни ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиши ҳамда унинг ишчанлик қобилиятини ошириш борасида ғамхўрлик қилиш туйғусини юзага келтириш, уларда янги ҳаракат тўрлари борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан қуроллантириш, ўқувчиларнинг ёши, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлик, сабот, меҳнат, чидам, ирода ва характерни қарор топтириш) асосий ҳаракат сифатларини ривожлантириш, уларда шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатларни тарбиялаш;

4) эстетик тарбияни олиб бориш жараёнида – ўқувчиларда эстетик ҳис-туйғу, эстетик дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятлари, эстетик эҳтиёжлари ва гўзалликни севиш, гўзалликка интилиш туйғуларини ривожлантириш, эстетик маданиятни шакллантириш;

5) экологик тарбияни олиб бориш чоғида – ўқувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириш, уларда экотизимнинг инсон, инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ва моҳияти борасидаги тушунчаларни қарор топтириш, табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулият билан муносабатда бўлиш, табиатни асраш тўғрисида ғамхўрлик қилиш каби туйғуларни қарор топтириш, шунингдек, экологик маданиятни шакллантириш;

6) иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида – ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш асосида мамалакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бозор инфраструктураси қоидаларига амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнесни яратиш борасидаги фаолият жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, инсон меҳнати билан бунёд қилинган моддий бойликларни асраш, уларни кўпайтириш борасида қайғуриш туйғуларини қарор топтириш, иқтисодий маданиятни шакллантириш;

7) ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга давлат Конституцияси, давлат ҳақидаги таълимот, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтириш, улар оғига ижтимоий-ҳуқуқий

меъёрларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги тушунчаларни сингдириш, ҳуқуқий муносабатлар моҳияти юзасидан тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш, уларда ҳуқуқий онг, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

8) ғоявий-сиёсий тарбияни ташкил этиш жараёнида – ўқувчиларга сиёсий билимларни бериш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллий давлат тузилиши, давлат органлари фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати мазмунини ўрганишни таъминлаш асосида ўқувчиларда сиёсий фаолият кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, сиёсий маданиятни шакллантириш ва ҳоказолар.

Тарбия тамойиллари. Тарбия мазмунида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс хулқ-атвори ҳамда сифатлари моҳияти акс этади. Тарбия мазмуни шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳиятидан иборат бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, кишилик муносабатлари моҳияти ва даражаси, шунингдек, жамият мафқураси ғоялари асосда белгиланади. Замонавий тарбия мазмунида куйидаги тамойиллар ётади:

1. Тарбия мақсадининг аниқлиги. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ республикада амалга оширилиши кўзда тутилаётган тарбия мақсади аниқ белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўқрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғояларига кўра ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади – эркин, ижодкор, мустақил фикр эгаси бўлган комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий вазифа - бу шахсда умумий маданият унсурлари, яъни, шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда меҳнат маданиятини тарбиялашдан иборат.

2. Болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти. Ўқитувчиларнинг болалар билан маънавий маданиятини шакллантиришнинг энг яхши намунасини излаш, шу асосида тарбиячи ишининг ҳаётий меъёр ва кадриятларини аниқлаш ўқувчининг тарбия жараёнидаги фаоллигини таъминлашга олиб келади. Дунёқараши ҳали тўла-тўқис шаклланмаган болалар учун катталарнинг ҳаётий тажрибалари, уларнинг шахсий намуналари тарбиявий таъсир кучига эга.

3. Ўз-ўзини англаш. Тарбия инсонда эътиқод, демократик қарашлар ва ҳаётий позициянинг шаклланишига олиб келади. Тарбия мазмунининг энг муҳим унсурларидан бири – бу инсоннинг ҳаётий ўз-ўзини англаши, унинг ўз шахсий ҳаёти ва фаолиятининг субъекти сифатида эътироф этилиши билан тавсифланади. Инсон камолотида фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўз-ўзини англаш жиҳатлари муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Тарбиянинг шахсга йўналтирилганлиги. Мазкур ғоя таълим


муассасаси амалиётининг марказий нуктасида тарбиявий ишлар дастури, тадбирлар, уларнинг шакл, метод ва воситалари эмас. Балки ўқувчи турганлигини англашига хизмат қилади. Тарбия жараёнида унинг шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, ўзига хос характери, ўз кадр-қимматини англаш туйғулари ривожлантирилиб борилиши зарур.

5. Ихтиёрийлик. Тарбияланувчиларнинг ирода эркинлигисиз тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. Тарбия жараёни, агар у оқилона ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи маънавиятининг бойитилишига хизмат қилади. Агар тарбиячи ўқувчининг қизиқиши, фаолияти, ўртоқлик ва фуқаролик бурчини англаш, мустақилликка интилиш туйғуларини кўра ва англай олсагина унинг иродали эканлиги аён бўлади. Тарбияланувчининг иродали бўлиши таъминланган шароитда унинг шахсига таъсир кўрсатишга йўналтирилган фаолият жараёнида самарага эришилади.

6. Жамоа йўналиши. Тарбиявий ишлар мазмунида жамоага нисбатан ижобий муносабатни қарор топтириш ётади. Жамоа ёрдамида шахсни ҳар томонлама камолоти, унинг дунёни англаш, уни тўлақонли талқин этиш, инсонпарварлик ва ўзаро ҳамкорлик туйғуларини юзага келиши ва ривожланиб бориши каби ҳолат амалга оширилади.

Замонавий педагогик жараёнда тарбияланувчига: инсон ақлий, эстетик, ахлоқий, жисмоний, сиёсий-ғоявий, иқтисодий, экологик ҳамда диний тарбия олиши лозимлигини уқтиришининг ўзигина кам самара беради. Ўқувчи учун юқорида қайд этилган тарбия йўналишларининг нима учун кераклиги, уларнинг инсонга нима бера олиши каби масалалар қизиқарлидир. Ривожланган хорижий мамлакатлар тарбия тизимида муаммонинг мана шу жиҳати биринчи ўринга қўйилмоқда. Юқорида қайд этилган ғоялар тўғри ташкил этилган педагогик жараёнда – етук фуқаро, малакали мутахассис ҳамда баркамол оила соҳибини тарбиялаб вояга етказиш учун хизмат қилиши лозим.

Замонавий тарбия мазмуни ва уларда илгари сурилган ғоялар яхлит тарзда қуйидаги кўринишга эга бўлади:



21 - чизма. Тарбия тамойиллари

Тарбия қонуниятлари. Ижтимоий тарбия мақсади ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун тарбия жараёнининг ўзига хос қонуниятларини англаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг энг муҳим хусусияти аниқ мақсадга йўналтирилганлигидир.

Замонавий талқинда тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муайян мақсадга эришишга қаратилган самарали ҳамкорлик демакдир. Зеро, тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятлари ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади. Ягона мақсадга эришиш йўли замонавий тарбия жараёнининг мақсадини тавсифлайди.

Тарбия жараёни кўп қиррали жараён бўлиб, унда тарбия моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи ички ва ташкил (субъектив ва объектив) омиллар кўзга ташланади. Субъектив омиллар шахснинг ички эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳаётий муносабатлари мазмунини англашга ёрдам берса, объектив омиллар шахснинг ҳаёт кечириши, шаклланиши, ҳаётий муаммоларни ижобий ҳал этиш учун шароит яратади. Тарбия фаолиятининг мазмуни, йўналиши ва шакли объектив шароитлар билан қанчалик мутаносиб келса, шахсни шакллантириш борасида шундай муваффақиятга эришилади. Тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва бошқарилишида нафақат ўқитувчи фаолияти, балки ўқувчининг ёш ва психологик шахсий хусусиятлари, ўй-фикрлари, ҳаётий қарашлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг узоқ муддат давом этишидир. Тарбия натижалари тез суръатда ёки яққол кўзга ташланмайди. Ўзида инсоний сифатларни намоён эта олган шахсни тарбиялаб вояга етказишда узоқ муддатли давр талаб этилади. Шахснинг муайян вақтнинг ўзида, турли-туман қарашлар мавжуд шароитда ҳаракат қилиши тарбия жараёнини мураккаблаштиради. Таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбия шахс онги, дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бинобарин, ёшлик йилларида инсоннинг асаб тизими юқори даражада таъсирчан ҳамда беқарор бўлади. Шу боис тарбия муваффақияти айна ўқувчилик йилларида шахсга тўғри тарбия бериш лозимлигини талаб этади.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг узлуксизлиги саналади. Таълим муассасасида олиб борилаётган тарбия жараёни бу – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари жараёнидир. Ўқувчиларда ижобий сифатларни қарор топтиришда ягона мақсад сари йўналтирилган, бир-бирини тўлдирувчи, бойитиб борувчи, такомиллаштирувчи фаолият алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ҳамкорлигида ташкил этилаётган тарбиявий тадбирларнинг узлуксиз ўтказилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Болани тарбиялашда мактаб етакчи ўрин эгалласа ҳам, болаларга узлуксиз тарбиявий таъсир ўтказа олмайди, чунки, болалар маълум

муддатгина таълим муассасасида, ўқитувчининг тарбиявий таъсири остида бўлиб, қолган вақтининг асосий қисмини оилада, кўчада, жамоат орасида ўтказадилар. Кузги, қишки, баҳорги ва айниқса, ёзги таътиллار даврида ўқувчилар таълим муассасаси ўқитувчиси таъсирдан четда қоладилар. Демак, таълим муассасасида болаларни тарбиялаш вақт жиҳатидан чегараланган бўлиб, синфдан ва мактабдан ташқарида амалга ошириладиган тарбиявий ишлардан ҳоли вақтда улар ўқитувчи ёки тарбиячининг таъсири ҳамда назоратида узоклашадилар.

Ўқувчиларга нисбатан таълим муассасасининг таъсирини сусайтирмаслик мақсадида синфдан, мактабдан ташқарида ва таътил даврида ҳам тарбиявий ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. Ана шу мақсадда бир қатор тарбиявий ишлар олиб борилади.

Айни вақтида республикада ўқувчиларнинг таълим муассасаларидан узоклаштирмаслик мақсадида кўшимча таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. кўшимча таълим муассасаларида ўқувчилар хусусий фанлар ҳамда хорижий тилларни мукамал ўзлаштиришлари, техник ва бадий йўналишлар бўйича билим олишлари, амалий фаолият кўникма ва малакаларига эга бўлишлари мумкин. кўшимча таълим муассасаларида ташкил этилаётган тарли йўналиш ва мавзулардаги учравшувлар, кўргазмалар, кўриклар, суҳбатлар ўқувчиларнинг тафаккурини бойитишда, уларда мустаҳкам характер ва иродани таркиб топтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти – бу унинг яхлит ҳолда тизимли ташкил этилишидир. Яхлитлик шундан иборатки, тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни ва методларини бирлиги шахсни шакллантириш ғоясини амалга ошириш учун хизмат қилади. Бизга маълумки. Шахс маънавий-ахлоқий сифатларни навбатма-навбат эмас, балки яхлит тарзда ўзлаштира боради, шу боис педагогик таъсир ҳам яхлитлик, тизимлилиқ характерига эга бўлиши лозим.

Тарбия жараёнининг яхлитлик, тизимлилиқ хусусияти бир қатор муҳим педагогик талабларга амал қилиш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ҳамкорликни қарор топтиришни талаб этади.

Тарбиянинг яна бир хусусияти шундан иборатки, бу жараён икки томонлама алоқа хусусиятига эга бўлиб, унда боланинг ўзи ҳам фаол иштирок этади.


Икки томонлама алоқа икки йўналишда, яъни, ўқитувчининг ўқувчига кўрсатадиган таъсири (тўғри алоқа) ҳамда ўқувчининг ўқитувчига нисбатан муносабати (тесқари алоқа) тарзида ташкил этилади.

Тарбиянинг педагогик технология назарияси ғоясига мувофиқ, эндиликда ўқувчи тарбия жараёнининг объектигина бўлиб қолмасдан, субъекти сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчининг ички имкониятлари, унга нисбатан бўлаётган ташқи таъсирлар ва ахборот манбаларини инобатга олиши зарур. Агарда мазкур талаб унутилса, шахсни тарбиялаш қийинлашади ёки барча уринишлар самарасиз якун топади. Мана шундан тарбия жараёнининг яна бир хусусияти – тарбияда қарама-

қаршиликнинг мавжудлиги келиб чиқади. Ушбу қарам-қаршиликлар ўқувчиларга ўз тушунчаларига мувофиқ пайдо бўлган дастлабки сифатлар ўртасида ёки ўқувчиларга қўйиладиган талаблар билан уларни бажариш имкониятлари ўртасидаги зиддиятларнинг келиб чиқиши учун замин яратади.

Ундан ташқари бу қарама-қаршиликлар кўпинча боланинг онги билан хулқи бир-бирига мувофиқ бўлмаслигидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўқувчилар ёш, психологик, физиологик хусусиятлари (фёъл-атвори, характери, қизиқишлари, жисмоний, рухий ҳамда физиологик жиҳатдан соғломлиги)ни яхши билмасликлари оқибатида келиб чиқади.

Демак, тарбия жараёни ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:



22 - чизма. Тарбия =онуниятлари

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда мавзуга қуйидгича хулоса қилиш мумкин:

1. Тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни бўлиб, ҳар қандай тузум ва замонда ижтимоий муносабатлар мазмунини аниқлаш, уларни ташкил этиш асоси бўлиб келган.

2. Ёш авлод тарбияси турли макон ва замонда муайян мақсад асосида ташкил этилади. Ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш жараёнида бир қатор вазифалар ҳал этилади. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари ижтимоий тузум моҳияти, тараққиёт даражаси, ижтимоий муносабатлар мазмуни, шунингдек, жамият фуқароларининг дунёқарашини, интилишлари, орзу-ниятлари асосида белгиланади.

3. Тарбия жараёнининг хусусиятларини чуқур англаш ва уларни инобатга олган ҳолда тарбияни ташкил этиш олдинга қўйилган мақсадга эришиш, шунингдек, бу борадаги вазифаларни ижобий ҳал этиш имконини беради.

Назорат учун саволлар:

1. Тарбия жараёнининг моҳиятини қисқача тавсифланг.
2. Тарбия мақсади нимадан иборат?
3. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Тарбия жараёнида қандай вазифалар ҳал этилади?

Тест топшириқлари:

1. Тарбия нима?
 - а) шахсга касбий билимлар бериш жараёни;
 - в) ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат жараёни;
 - с) шахснинг муайян мақсад асосида ижтимоий ҳаётга тайёрловчи, тарихий-ижтимоий тажрибага суянган ҳолда олиб бориловчи фаолият жараёни;
 - д) бола тарбиясига нисбатан технологик ёндашувни ифода этувчи қараш;
 - е) барча жавоблар тўғри.

2. Тарбия қонуниятлари қайси жавоб вариантыда тўғри кўрсатилган?
 - а) диалектик жараён;
 - в) кўп қиррали, узоқ муддатли, узлуксиз, яхлит тизимли, икки томонлама алоқа, қарама-қаршиликлардан иборат жараён;
 - с) динамик жараён;
 - д) технологик жараён;
 - е) ижтимоий муносабатлар жараёни.

Адабиётлар:

7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
8. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғўБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
10. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, Халқ мероси нашриёти, 1993.
11. Педагогика ғўА.қ.Мунавварованинг умумий таҳрири остида. - Тошкент, Ўқитувчи, 1993.
12. Зиёмуҳаммедов Б. Маърифат асослари. – Тошкент, Чинор ЕНК, 1998.
13. Подласўй И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн. 2. – Москва, Владос, 1999.

БОЛАЛАР ТАРБИЯ ЖАМОАСИ ВА ЯГОНА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ АСОСИЙ ШАКЛИ

Мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш таълим ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий мақсади. Ижтимоий муносабатлар кўламининг кенгайиши ўсиб келаётган авлодни ўта мураккаб хусусиятга эга муносабатлар жараёнига ҳар томонлама етук этиб тайёрлаш вазифасини кўймоқда. Психологик, интеллектуал ва физиологик жиҳатдан етук инсон ҳаётини қарама-қаршилик, хусусан, турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш, носоғлом турмуш кечириш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этишдан ўзини сақлаб қола олади. Шунингдек, шахснинг ақлий салоҳиятга эгаллиги жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи асосий омилдир. Ўзбекистон Республикасида демократик ва ҳуқуқий жамият барпо этилаётган мавжуд шароитда ёш авлоднинг мустақил ва эркин фикрлай олиши рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабатини билдиришга имкон беради. Ижтимоий борлиқда кечаётган ўзгаришларга нисбатан шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши шахс фаоллигини кўрсатувчи муҳим жиҳатлардан биридир. қолаверса, мустақил фикр эгаси бўлган шахс ўз имкониятлари, қобилиятини эркин намоён эта олади. Муваффақиятли равишда олиб борилаётган таълимий ислоҳотларнинг ҳам асосий мақсади эркин, мустақил фикрига эга баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидагиларни эътироф этади: «Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳар бир фуқаронинг шахс сифатида шаклланиши учун, ўз қобилиятини, ўз талантини ишга солиб ҳаётини янада яхшилаши, маънан бойитиши учун барча имкониятни яратиб беришдан иборатдир»¹.

Комил инсонни шакллантириш масаласи барча даврда ҳам муҳим ижтимоий вазифа сифатида кун тартибига кўйилган. Хусусан, зардуштийлик динида комилликнинг асоси эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал (ҳаракат)дан иборат эканлиги таъкидланса, ислом таълимоти ғояларига кўра етукликнинг бош мезони – илмлилик, билимли бўлишдир.

Шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам комил инсон қиёфасининг ёритилишига алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, Абу Наср Форобий комил инсонни шакллантириш ва фозил жамоа (етук жамият)ни шакллантириш тарбиянинг бир бутун, яхлит икки йўналиши эканлигига урғу беради. Алломанинг фикрича, фозил жамият комил инсон саъйи-ҳаракати билан барпо этилиши мумкин. Шу боис мамлакатни бошқарувчи шахс ўзида энг олий инсоний фазилатларни мужассам эта олиши зарур, деб ҳисоблайди. «Ақл тўғрисидаги» рисоласида Абу Наср Форобий раҳбар шахс қиёфасида намоён бўлиши лозим бўлган ўн икки фазилатни келтириб ўтади. Бизнинг фикримизча, мазкур фазилатлар ҳар бир замонавий шахсда ўз аксини топа олиши керак, зеро, улар инсон ҳаётини мўътадил кечиши ҳамда муайян

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йылидан. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 116-бет.

касбий фаолиятларни ташкил этишда муваффақиятларга эришишни кафолатлайди.

Абу Райҳон Беруний ҳам комилликнинг асосини илмли бўлишда деб ҳисоблайди ва барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизликдир, дея урғу беради. Алломанинг фикрича, ахлоқийлик, тўғрилиқ, одиллик, тадбиркорлик, ўзини вазмин тутиш, камтарлик, инсоф, эҳтиёткорлик, шунингдек, адолатли ва виждонли бўлиш комил инсон қиёфасида акс этиши зарур бўлган энг асосий сифатлардир.

Абу Али ибн Сино ҳам камолотга эришишнинг биринчи мезон сифатида билимли бўлишни алоҳида қайд этади. Билимли инсоннинг адолатли бўлиши эса унинг янада юксалишини таъминлайди, дея баҳолаб аллома, адолатни руҳий лаззат (руҳий хотиржамлик)нинг муҳим кўрсаткичи эканлигини уқтиради.

Алишер Навоий асарларида комил инсон муаммоси марказий ўринни эгаллайди ва ўз орзусидаги комил инсон шахсини асарларининг қаҳрамонлари тимсолида гавдалантиришга уринади. Мутафаккир қарашларида комил инсон қуйидаги сифатларга эга бўлиши борасидаги ғоя илгари сурилади: ақлли, ахлоқли, билимли, ижодкор, қобилиятли, доно, камтар, инсонпарвар, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, мурувватли, соғлом, жисмонан бақувват, мард ва жасур¹.

Абдулла Авлоний комил инсонни тарбиялаш борасидаги қарашлари билан Шарқ мутафаккирларининг фикрларини бойитар экан, комил инсон қиёфасида, яна шунингдек, ватанпарварлик, ҳамда интизомлилик сифатлари ҳам намоён бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Аллома миллат тақдирининг жонкуяри сифатида миллий тил тараққиёти жамият маънавий ривожини таъминловчи асосий омил, дея баҳолайди.

Шахснинг жамоада қарор топиши. Шахс психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи муайян жамият аъзоси бўлиб, унинг шаклланиши ижтимоий муносабатлар жараёнида кечади. Мазкур жараёнда катнашиш асосида у жамият томонидан тан олинган маънавий-ахлоқий, шунингдек, ҳуқуқий меъёрлар моҳиятини ўзлаштиради. Жамиятнинг аъзоси сифатида унинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини таъминловчи меҳнат фаолиятини йўлга қўяди. Шунингдек, шахсий эҳтиёжлари, манфаатларини кондиритиш йўлида ҳам атрофдагилар билан муносабатга киришади.

Шахс ижтимоий муҳитдан узилган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Бунинг мисоли сифатида Р.Киплинг томонидан яратилган асардаги Мауглини келтириш мумкин. Гарчи, инсон боласи бўлсада, ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакалари шаклланмаганлиги боис одамлар ҳаётига мослаша олмайди.

¹ Шошимов К. ва бош=алар. Педагогика тарихи //Олий ы=ув юртлари ва унив-тлар талабалари учун ы=ув =ылл. – Тошкент, Ы=итувчи, 1996, - 191-бет.

Бола ёшлигидан ўйин, меҳнат ва ўқиш фаолиятларини тенгдошлари билан биргаликда ташкил этиш асосида ижтимоий муҳитга мослаша боради. Ижтимоий муҳит болага борлиқни англаш учунгина эмас, балки ўзлигини англаш учун ҳам имконият яратади. Боланинг доимий равишда жамоа орасида бўлиши, унинг жамоа таъсирида шаклланиши унда ижтимоий фаолликни юзага келтиради.

Шарқ мутафаккирлари жамоанинг шахс камолотини таъминлашдаги ўрни ва ролига алоҳида эътибор берганлар. Хусусан, Абу Али ибн Сино ижтимоий муҳитнинг шахсни шакллантиришдаги ролини юқори баҳолайди. Ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг борлиқ, унда кечаётган ўзгаришлар, жараёнлар моҳиятини англашгагина эмас, балки унинг хулқида яхши ва ёмон сифатларнинг шаклланишига ҳам сезиларли таъсир этиши, шу боис болаларни тарбиялашда у мансуб бўлган микромуҳит хусусиятини инобатга олишни таъкидлайди. Болани ёмон таъсирлардан сақлаш зарурлигини уқтиради.

Шунингдек, аллома ўқитиш самарадорлигини таъминлашда болаларга жамоа асосида билимларни беришни мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Абу Наср Форобийнинг уқтиришича, инсон блшқалар билан муносабатда бўлиш, уларнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашларини ҳис этиш эҳтиёжига эга. Ана шу эҳтиёжни қондириш йўлидаги амалий ҳаракатлар инсонни камолотга етаклайди, деб ҳисоблайди. Абу Райҳон Беруний эса шахснинг ривожланишида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, одамларга нисбатан хайрихоҳлик унинг ижтимоий муҳитдаги роли ва ўрнини белгилаб беради.

Жамоа ҳақида тушунча. Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ) бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ демакдир. Замонавий талқинда «жамоа» тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, жамоа деганда бир неча кишиларнинг муайян мақсад йўлида бирлашувидан иборат ташкилий гуруҳи тушунилади (масалан ишлаб чиқариш жамоаси, завод жамоаси, ўқув юрти жамоаси, хўжалик жамоси ва ҳоказо). Иккинчидан, жамоа деганда юқори даражада уюштирилган гуруҳ тушунилади. Чунончи, ўқувчилар жамоаси юқори даражада уюштирилган бирлашма ҳисобланади.

Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш - тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир. Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи рол ўйнаши тўғрисидаги фикрлар педагогика фанининг илк ривожланиш даврларидаёқ билдирилган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатнинг алоҳида шакли юзага келади, бу эса шахснинг жамоа билан биргаликда ривожланишини таъминлайди. Лекин ҳар қандай гуруҳни ҳам жамоа деб ҳисоблаб бўлмайди. Жамоа бир қатор белгиларга эгадирки, мазкур белгилар жамоани кишиларнинг етарли даражада уюшган ҳар қандай гуруҳдан ажратиб туради.

Ўқувчилар жамоаси ўзига хослик касб этувчи муҳим белгиларга эгадир. қуйида жамоа ва унинг хусусиятлари (белгилари) борасида сўз юритамиз.

Жамоа ижтимоий жамиятнинг бир қисми ҳисобланади, унда ижтимоий ҳаёт ва кишилик муносабатларининг барча меъёрлари ўз ифодасини топади. Зеро, жамоа жамиятдаги мавжуд муносабатлар тизимида намоён бўлар экан, жамоа ва ижтимоий жамият мақсади, интилишида ўзаро бирлик, узвийлик, алоқадорлик юзага келади.

Шу боис жамоа ҳаётининг аниқ (ягона) мақсадга қаратилганлиги ва ижтимоий-ғоявий хусусият касб этиши унинг етакчи белгиси саналади.


Ҳар бир жамоа бошқа жамоалар билан узвий алоқадорликда мавжуд бўлади. Муайян жамоанинг ҳар бир аъзоси жамият ижтимоий фаолиятини ташкил этиш жараёнида ўз жаомаси билан биргаликда иштирок этади. Жамоа аъзоларини интилишларини тушуниш, жамоа олдига қўйилган мақсад моҳиятини чуқур ҳис этиш ҳамда унинг шахсни шакллантиришдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олиш жамоа аъзоларининг умумий ва хусусий (шахсий) мақсад, қизиқиши, эҳтиёж ва фаолиятлари ўртасидаги бирликни намоён этади ҳамда жамоанинг бўлинишга йўл қўймайди.

Ҳар бир жамоа ўз-ўзини бошқариш органига эга ва умумий жамоанинг узвий қисми саналади. Шунингдек, у мақсаднинг бирлиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умуммиллий жамоа билан боғланади. Ижтимоий жамият эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган биргаликдаги фаолият жамоанинг навбатдаги муҳим хусусиятидир. Жамоа фаолиятининг ижтимоий-ғоявий йўналиши ҳам жамоанинг фаолияти мазмунида ўз аксини топиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамоа хусусиятини аниқлашда кишилар гуруҳининг ягона ижтимоий тизимини ўрната олишдаги усули, яъни, жамоани ташкил қилиш усули ҳам муҳим ҳисобланди.

Педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этилган жамоа, хусусан, унинг аъзолари ўртасида ўзаро руҳий яқинлик, ишчанлик, бир-бири учун ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, жамоа манфаати учун қайғуриш, мазкур йўлда амалий ҳаракатларни ташкил этиш ҳамда жавобгарлик ҳисси қарор топади.

Демак, жамоа ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:



Биргаликдаги фаолият умумжамият иши учун маъсулият ҳиссини уйғота бориб, жамоа аъзоларини бир-бирига яқинлаштиради, аъзоларда жамоага мансублик ҳиссини пайдо бўлишига кўмаклашади, жамоа билан муносабатда бўлиш эҳтиёжини оширади. Жамоа аъзолари орасида ўзаро ҳиссий бирлик (бир-бирини ёқтириш ҳисси) юзага келади. Ушбу муносабат кўпинча ўз-ўзидан пайдо бўлади ҳамда улар ўқитувчиик таъсир кўрсатиш учун кўл келади. Жамоа аъзолари ўртасидаги руҳий бирлик мазмуни улар орасида ҳосил бўлган ишчанлик фаолиятининг характериға бевосита боғлиқдир.

Жамоанинг расмий (ишчанлик) ва норасмий (ҳиссий) тузилишини бир-биридан фарқлаш лозим. Жамоанинг расмий тузилиши деганда жамоа фаолиятининг турли кўринишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган ташкилий жиҳатлари кўзда тутилади. Мазкур жиҳат бир томондан жамоа аъзолари ўртасида юзага келган ишчанлик муносабати мазмунини ифода этса, иккинчи томондан, раҳбарлик вазифасини бажарувчи шахслар томонидан жамоа аъзоларининг хатти-ҳаракатлари ва интилишларини мувофиқлаштириш йўлида ташкил этилаётган бошқарув фаолияти моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Норасмий тузилма жамоанинг барча аъзолари ўртасидаги шахслараро маънавий-психологик муносабатларнинг умумий тизими ва микрогуруҳни ташкил қилувчи айрим аъзолар ўртасидаги танлаш муносабатлари мазмунини ифодалайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси мавжуд муносабатлар тизимида у ёки бу ўринни эгаллайди. Ўқувчининг жамоадаги ўрни унинг шахс сифатида шаклланиши ва камолотга эришишига муҳим таъсир кўрсатади. Мактаб ёки синфдаги расмий ва норасмий тузилмалар бир-бирига мувофиқ бўлганда, жамоанинг расмий етакчилари норасмий муносабатлар тизимида кўзга кўринган ўринни эгаллаган ҳолдагина у чинакам жамоа бўла олади. Шунингдек, норасмий гуруҳлар (микрогуруҳлар) умумжамоа ижтимоий манфатлари учун курашувчи гуруҳлар бўлгандагина жамоа ўзини чинакам жамоа тарзида намоён этиши мумкин.

Яшаш жойларида ўзаро бириккан болалар гуруҳлари қанчалик аҳил ва иноқ муносабат асосида ташкил топган бўлмасин ҳақиқий жамоа бўла олмайди. Чинакам жамоа ижтимоий аҳамиятга мойиллик фаолиятини ташкил эта олиши, жамоа аъзолари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ишчанлик характеридаги алоқа ва муносабаларни қарор топтириши лозим. Жамоанинг мажбурийлик белгиси унга ўқитувчиик раҳбарликнинг йўлга қўйилишидир.

Шундай қилиб, жамоа бир неча (аъзо) кишидан иборат гуруҳ бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган умумий мақсад асосида ташкил топади. Жамоа томонидан амалга оширилаётган фаолият унинг олдиға қўйилган мақсад мазмунини ифода этади. Жамоа аъзолари ўртасида қарор топган ўзаро бирлик, шунингдек, улар ўртасида ташкил этилувчи муносабат жараёнидаги тенглик жамоаға раҳбарлик қилиш, жамоа аъзоларининг гуруҳ етакчиларига бўйсунуишлари, шунингдек, улар томонидан жамоа олдидаги жавобгарлик ҳиссини англашлари учун замин яратади.

Жамоа ва уни шакллантириш ўқитувчиик фаолиятининг мақсади ҳисобланди. Муҳим тарбиявий таъсир кучига эга бўлган субъектларнинг алоҳида намуна кўрсатишлари жамоани шакллантиришнинг муҳим воситаси бўлиб, ушбу восита ёрдамида жамоанинг барча ёки муайян аъзосини тарбиялаш ижобий самаралар беради.

Жамоа томонидан ҳал этилиши кўзда тутилган етакчи тарбиявий вазифа шахсни ҳар томонлама тарбиялаш, унда ижобий сифатларни тарбиялаш ҳамда мустаҳкам ҳаётий позицияни қарор топтиришдан иборатдир.


Умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида жамоани шакллантириш масъулиятли вазифа саналади.

Мактаб жамоаси таркибида энг барқарор бўгин - бу муайян синфлар негизида шаклланган жамоалар саналади. Синф жамоаси таркибида ўқувчилар томонидан амалга оширилувчи асосий фаолият ўқиш фаолияти саналади. Айнан синф жамоасида шахслараро алоқа ва муносабатлар таркиб топади. Шунингдек, синфлар жамоалари негизида мактаб жамоаси шаклланади. Мактаб жамоаси икки муҳим бўгин – ўқитувчилар жамоаси ҳамда ўқувчилар жамоаси асосида таркиб топади. Ўқув юртлари жамоаси таркибида ўқувчилар жамоаси асосий қисмни ташкил этади. Ўқувчилар жамоаси - бу ижтимоий аҳволи шунингдек, умумий сайлов органлари олдидаги умумий жавобгарлик, барча аъзоларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тенглиги асосидаги ўзаро бирликка эга ўқувчилар гуруҳидир.

Ўқувчилар жамоаси унга раҳбарликни олиб боровчи ўқитувчилар ҳамда болалардан иборат жамоанинг мураккаб бирлашмаси бўлиб, ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи, шунингдек, ўзига хос психологик муҳит ва анъаналарига эга бўлади.

Жамоани шакллантириш муайян қонуниятларга бўйсунадиган узок муддатли мураккаб жараёндир.

Болалар жамоасининг шаклланиш босқичлари. Жамоанинг вужудга келиш учун тўрт босқич зарур. Жамоанинг шаклланиш босқичларида дастлаб ўқитувчи бутун гуруҳга талаб қўяди ҳамда мазкур жараёнда жамоа фаолларининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратади. Навбатдаги босқичда муайян даражада шаклланган жамоа фаоллари (активи) жамоа аъзолари олдига маълум талабларни қўяди. Учинчи босқичда эса жамоа умумий ҳолда жамоанинг ҳар аъзосидан муайян тарздаги фаолиятни олиб боришни талаб қилади. Сўнгги (тўртинчи) босқичда эса жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз олдига мустақил равишда жамоа манфаатларини ифода этувчи талабни қўйиш лаёқатига эга бўлади. Ушбу жараён моҳиятини қўйидагича баён этиш мумкин:



Жамоага қўйилаётган талаблар мазмунидаги фарқ жамоа ривожланиши босқичини аниқловчи ёрқин ташкилий кўрсаткич саналади. Жамоанинг амалий фаолияти мазмуни, жамоа аъзоларининг жамоа олдидаги жавобгарлиги, улар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, шунингдек, уларнинг хулқ-атвори ахлоқий камолот даражаларини кўрсатувчи муҳим белгилар сифатида намоён бўлади. Жамоани шакллантиришда унинг ҳаётини белгиловчи ички жараённинг моҳиятини инобатга олиш зарур.

Жамоанинг шаклланиш босқичларини белгилаш шартли ҳисобланади, зеро, жамоанинг шаклланиши муайян чегара ёки ораликқа эга эмас. Шунга қарамай ўқитувчиик нуқтаи назардан жамоанинг шаклланишини муайян босқичларга ажратиш жуда муҳимдир. Болалар жамоасини маълум ривожланиш босқичларга ажратиш алоҳида аҳамият касб этади. Болалар жамоаси ривожланишининг ҳар бир босқичи жамоа аъзоларига нисбатан самарали ўқитувчиик таъсир кўрсатишнинг мақбул шакл ва методларини танлаш имконини беради.

Жамоа ривожланишининг биринчи босқичи. Мазкур босқичда талаб фақат ўқитувчилар томонидан қўйилади. Бу жамоа ривожланишининг бошланғич нуқтасидир. Ушбу даврдаги жаммоа ҳали тарбияловчи жамоа бўлмай, балки «ташкил этувчи бирлик» (синф ёки гуруҳ) ҳисобланади. Ушбу босқичда ўқувчилар ўқитувчи томонидан талабларнинг қўйилишига эътиборсиз қарайдилар. Жамоа аъзоларининг узлуксиз ижодий фаолиятини ташкил қилиш ва уларни муайян (ягона) мақсад атрофида бирлаштиришга эришиш орқалигина жамоа қарор топади. Ўқувчиларнинг жамоа фаолиятида иштирок этиши туфайли аста секин бойиб борадиган тажриба, фаолият натижасини биргаликда муҳокама қилиш, қилинажак ишларни режалаштириш жамоа аъзоларида масъулият, жавобгарлик, фаолият бирилиги, шунингдек, ишчанлик муносабатининг пайдо бўлиши, шунингдек, ўқувчиларда жамоа фаолиятига нисбатан қизиқишни пайдо бўлишига олиб келади. Болаларнинг жамоа фаолиятини ташкил этиш борасидаги тажрибага эга эмасликлари боис сўз юритилаётган босқичда ўқитувчининг асосий мақсади жамоа аъзоларини оддий тарзда уюштиришдан иборат бўлади.

Ушбу босқичда ўқитувчининг талабчанлиги, жамоанинг барча аъзоларига бирдай талабни қўя олиши, у томонидан қўйилаётган талабнинг қатъийлиги, изчиллиги ҳамда муросасизлиги муҳим омил ҳисобланади. Бу вазиятда ўқитувчининг «ҳукмдорлик» даври узоқ давом этиши мумкин эмаслиги, бир қарашда интизомнинг вужудга келганлиги маълум бўлсада, айтилиши вақтда гуруҳ аъзоларининг фаолликларини ривожлантириш учун зарур бўлувчи шароитнинг ҳали мавжуд бўла олмаганлигини ҳисобга олиш зарур.

Жамоа ҳаётининг биринчи босқичида жамоа фаолининг пайдо бўлиши ушбу давр учун характерли ҳодисадир. Жамоа фаоли (активи) муайян гуруҳнинг шундай аъзоларидирки, улар жамоа манфаатига мувофиқ тарзда ҳаракат қиладилар, ўқитувчи фаолияти ва талабига нисбатан хайрихоҳлик билан муносабатда бўладилар. Фаоллар ўқитувчининг яқин ёрдамчилари сифатида иш олиб борадилар.

Жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи. Ушбу босқич жамоа фаолининг ўқитувчи талабини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўз навбатида унинг ўзи бу талабларни жамоа аъзолари зиммасига қўйиши билан тафсиқланади. Эндиликда ўқитувчи жамоада пайдо бўлган ва у билан боғлиқ муаммо, масалаларни ёлғиз ўзи ҳал қилмайди. Жамоа фаоли билан махсус тарбиявий иш олиб бориш орқали бу ишга уни жалб этади. Ушбу босқичда жамоа ҳаётини ташкил қилиш усули мураккаблашиб боради, яъни, жамоа ўз-ўзини бошқаришга ўтади.

Ўқувчилар амалий фаолиятининг доимий равишда мураккаблашиб бориши мазкур даврининг муҳим хусусияти саналади. Иккинчи босқичда жамоанинг муҳим ишларини ўқувчилар томонидан мустақил режалаштирилиши, тадбирларни ўтказишга тийёргарлик, уни ўтказиш ҳамда фаолият натижаларини муҳокама қилиш жамоа фаолиятининг ижодий хусусият касб этишини кўрсатувчи омиллар саналади.

Жамоанинг ижобий ривожланиши унинг аъзоларида мотив (рағбат)ларнинг пайдо бўлиши, ижодий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларининг тез суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

Жамоада мустақил фаолиятнинг юзага келшида жамоа фаолининг роли бекиёсдир. Аммо жамоа фаолининг жамоа аъзолари орасида ҳурмат қозона олиши, уларга намуна бўлиши, ўз бурчларини аниқ ва пухта бажариши ҳамда ўз мавқеларидан ноўрин фойдаланмасликлари жуда муҳимдир. Бу ўринда А.С.Макаренконинг жамоа фаолига нисбатан «жамоа виждони» дея берган таърифини эслаб ўтиш жоиздир. Жамоа фаоли бирмунча имтиёзлар (ҳуқуқлар)га эга бўлсада, айтилиши пайтда унинг ўзига ҳам оширилган талабларнинг қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамоанинг ривожланиши бу босқичда тўхтаб қолиши мумкин эмас, чунки фаолият кўрсатаётган куч жамоанинг бир қисмигина холос. Борди-ю, жамоанинг ривожланиши ушбу босқичда тўхтатиб қолинса, жамоа фаолининг гуруҳнинг бошқа аъзолари билан қарама-қарши қўйиш хавфи туғилиши мумкин. Бу босқичда жамоанинг барча аъзоларининг алоҳида фаоллик кўрсатишга эришишлари зарур саналади.

Жамоа ривожланишининг учинчи босқичи. Жамоа фаолиятида бу босқич анчагина сермахсул ҳисобланади. А.С.Макаренконинг аниқлашига кўра, бу даврда бутун жамоа «айрим ўзини четга олиб қолувчи, инжиқ шахс»ларга талаб қўя бошлайди.

Жамоа ишига ушбу босқичда фақат фаолгина эмас, балки унинг бутун аъзолари қизиқади. Жамоа ҳаётидаги учинчи босқич, ижтимоий фикр мавжудлиги билан ифодаланади. Ўқитувчи мазкур йўналишда мақсадга мувофиқ ва изчил иш олиб борган шароитдагина ижтимоий фикрни шакллантиришга эришиши мумкин. Шу мақсадда у ёки бу тадбир режаси, жамоанинг биргаликдаги фаолияти ва унинг аъзолари хатти-ҳаракати жамоа бўлиб муҳокама қилинади, турли мавзуларда суҳбатлар ва маърузалар уюштирилади, ўқувчилар ўртасида самарали ахборот воситалари ёрдамида ижтимоий-ғоявий, ахлоқий, эстетик, экологик, ҳуқуқий, иқтисодий ва ҳоказо билимларнинг тарғиботи ташкил этилади. Ўқитувчи жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этар экан, жамоа аъзоларининг ижодий тажрибасига ҳисса қўшиш имконини берадиган ўзаро муносабатларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган шакл ва методлардан фойдаланади.

Жамоанинг ҳар бир аъзосида ижтимоий аҳамиятли фаолиятни мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш кўникмасини ҳосил қила олиши жамоа аъзолари орасида барқарор инсоний муносабатларнинг таркиб топишига ёрдам беради.

Жамоада барқарор инсоний муносабатларнинг юзага келишининг сабаби - унинг аъзоларини ижобий, маданий-маърифий мазмунга эга бўлган ишларни ташкил этишда фаол иштирок этишларидир.

Жамоа ривожланишининг учинчи босқичда кўрсатиб ўтилган хусусиятлар шундан далолат берадики, ушбу босқичда жамоа фаолигини эмас, балки жамоанинг ҳар бир аъзоси бир-бирларига нисбатан ахлоқий мазмундаги талабларни қўя бошлайдилар.

Жамоа ривожланишининг тўртинчи босқичи. Бу босқич унинг барча аъзолари жамоа олдида турган вазифалар асосида ўз-ўзларига талаблар қўя олишлари билан тавсифланади. Шунини айтиш жоизки, ҳар бир босқич жамоа аъзоларининг ўзига нисбатан муайян талаб қўйиши билан тавсифланади, аммо қўйилган ҳар бир талаб ўзига хос йўналиши (масалан ўйиндан умуминсоният бахти йўлида курашишига интилиш ўртасидаги фарқ) билан ажралиб туради.

Тўртинчи босқич жамоа аъзоларининг ўзига нисбатан юксак ахлоқий талаблар қўя олишлари билан аҳамиятлидир. Жамоанинг ҳаёти ва фаолияти мазмуни жамоа аъзоларининг ҳар бири учун шахсий эҳтиёжга айланади. Жамоадаги тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига айланади. Бирок бу ҳолат жамоанинг муайян шахсни янада ривожлантиришдаги роли ва ўрнини пасайтирмайди. Тўртинчи босқичда амалга ошириладиган вазифалар анча мураккаб ва масъулиятлидир. Мазкур босқичда жамоа олдида истиқболли, юксак ва мураккаб талабларни қўйиш учун мутлақо қулай шароит яратилади.

Бугунги кунда ўқитувчи-олимлар (Л.И.Никова ва бошқалар) болалар жамоасининг ривожланиш жараёнининг моҳиятини таҳлил қилар эканлар, уни қўйидаги уч босқичга бўладилар:

а) жамоани дастлабки жипслаштириш;

б) жамоани шакллантириш асосида унинг ҳар бир аъзосини индивидуал ривожлантириш;

в) жамоанинг умумий фаолиятини йўлга қўйиш.

Жамоа ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ҳар бир босқични ажратиб кўрсатиш юқорида баён этилган фикрларга зид эмас, балки шахснинг ривожланишида жамоанинг етакчи аҳамиятини таъкидлайди.

А.С.Макаренко жамоа аъзолари ўртасида юзага келувчи муносабатларининг ички хусусиятларига катта аҳамият берган эди. Педагог жамоада шаклланган энг муҳим қўйидаги белгиларни ажратиб кўрсатган эди:

1) мажор - доимий тетиклик, ўқувчиларнинг фаолият (ҳаракат)га тайёрликлари;

2) ўз жамоасининг қадриятлари моҳиятини тушуниш, унинг учун гурурланиш асосида ўз кадр-қимматини англаш;

3) жамоа аъзолари ўртасидаги дўстона бирлик;

4) жамоанинг ҳар бир аъзосида қарор топган дўстона бирлик;

5) тарбияли, ишчан ҳаракатга йўлловчи фаоллик;

б) ҳиссиётни бошқара олиш ҳамда мулоқот одобига амал қилиш кўникмаси.

Жамоани шакллантиришда жамоа аъзолари ва уларнинг фаолиятларига қўйиладиган ягона талаблар муҳим аҳамият касб этади.

Ягона талаб ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги, танаффус, синфдан ташқари ишлар вақтидаги, шунингдек, жамоат жойлари ҳамда оиладаги хулқ-атвор қоидаларни ўз ичига олади.

Пухта ўйлаб қўйилган талаблар тизимининг мунтазам амалга оширилиши мактабда муайян тартибнинг ўрнатилишини таъминлайди.

Ўқитувчилар томонидан қўйилган талаблар қўйидаги шароитларда ижобий натижа беради:

1. қўйилаётган талаблар ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш туйғуси билан уйғунлашган бўлиши керак.

2. Талаблар муайян мактаб ёки синфдаги мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда қўйилиши лозим.

3. Жамоага нисбатан қўйилаётган талаблар аниқ бўлиши лозим.

4. Ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, юриш-туриши ҳамда муомаласига нисбатан қўйилаётган талаблар, уларда маънавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилиши шарт.

Ўқувчи қўйилаётган талаблар ҳажми ва тизимини билибгина қолмасдан, талаб қўйиш методикасини ҳам ўзлаштира олган бўлиши керак.

Ўқувчилар жамоасига нисбатан талабларни қўйиш методикаси болаларни талаблар мазмуни билан таништириш, талабларнинг аҳамиятини тушунтириш, тажриба орттириш ҳамда ўқувчилар фаолият, шунингдек,

қўйилаётган талабларнинг бажарилиш ҳолатини мунтазам суратда назорат қилиб туришдан иборат.

Ўқувчиларни талаблар билан таништириш кўпинча умумий мажлисларда амалга оширилади, бунда таълим муассасасининг директори ёки ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари истиқбол режалари ва уларни амалга ошириш жараёнидаги талаблар мазмуни билан ўқувчиларни таништиради. Батафсил таништириш айрим ҳолларда амалда кўрсатиш, кейинроқ синфлар бўйича синф мажлислари ёки махсус суҳбатларни уюштириш асосида амалга оширилади.

Хулқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган талаблар билан таништириш мазкур талаблар устида машқ қилдириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Хулқ-атворни тарбиялаш онгни тарбиялашга қараганда анча мураккаб иш. Ўқувчилар талаблар моҳиятини яхши англашлари мумкин, бироқ аксарият ҳолларда уларга риоя қилмайдилар. Шу боис мунтазам равишда машқ қилдириш маданий хулқ-атворни одатга айлантиради.

Талабларнинг қўйилиши жараёнида уларга ўқувчиларнинг амал қилиши устидан назорат ўрнатиш лозим. Назорат қилиб бориш турли шакллар ёрдамида амалга оширилади, чунончи, хулқ-атвор журналининг юритиш, синфдаги навбатчилик учун стендда баҳоларни қайд этиб бориш ва бошқалар. қўйилаётган талабларнинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган назорат мунтазам равишда, изчил олиб борилиши ва ҳаққоний бўлиши зарур. Олиб борилган назорат натижаларидан ўқувчиларни огоҳ этиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жамоани уюштириш ва жипслаштириш унда фаол (актив)ни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчининг жамоани шакллантириш борасидаги ҳаракати жамоанинг таянч ядросини танлашдан бошланади.

Жамоа фаолини шакллантириш жамоанинг у ёки бу фаолиятига нисбатан эҳтиёжи мазмунидан келиб чиқади.

Ишончли, ишчан жамоа фаолини яратиш учун ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини уларнинг жамоа ишларидаги иштироки, хулқ-атворини кузатиб бориши ҳар бир ўқувчининг ижтимоий фаолиятни ташкил этиш лаёқатини аниқлаш зарур.

Жамоа фаолини шакллантиришда ўқувчиларнинг жамоадаги обрўсини ҳам инобатга олиш лозим. Жамоа фаоли таркибини болаларнинг ўзлари, албатта, ўқитувчи иштирокида ва раҳбарлигида танласа мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчи жамоа фаоли билан маслаҳатлашиш асосида тарбиявий фаолиятни ташкил этади.

Жамоа фаолининг ҳар бир аъзоси зиммасига муайян вазифани юклаш, уларнинг маълум даврда ана шу вазифалар юзасидан ҳисобот бериб боришларига эришиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи айнан фаолга оширилган талаб қўяди. Ўқувчилар жамоасида фаол раҳбарлигида ўз-ўзини бошқариш жамоа аъзоларидан айримларининг бошқаси устидан устун келишига олиб келмаслиги керак.

Шу боис ўқитувчи фаолни мақсадга мувофиқ фаолият юритишини назорат қилиб бориши лозим.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши бу ўқитувчилар томонидан ташкил қилинадиган жамоа ишини уюштириш ва бошқаришда ўқувчиларнинг фаол иштирок этишидир. Ўз-ўзини бошқаришнинг шакллари орасида жамоа аъзоларининг йиғилиши, конференцияси ҳамда турли комиссиялар (масалан, ўқув комиссияси ёки тозалик комиссияси) фаолияти муҳим ўрин тутди.

Ўқувчилар жамоасини шакллантиришда анъаналар муҳим ўрин тутди. Жамоа анъаналари жамоа аъзолари томонидан бирдек қўллаб-қувватланувчи барқарорлашган одатлар бўлиб, уларнинг мазмунида муносабатлар хусусияти ҳамда жамоанинг ижтимоий фикри ёрқин ифодаланади.

Жамоа анъаналари шартли равишда иккига бўлинади:

- а) кундалик фаолият анъаналари;
- б) байрам анъаналари.

Кундалик фаолият анъаналари ўқувчиларнинг ўқув фаолияти (ўзаро ёрдам турлари), ва меҳнат фаолияти (кўчатлар ўтказиш, хашарлар уюштириш ва бошқалар)ни ўз ичига олади.

Байрам анъаналарига ижтимоий аҳамиятга эга турли воқеа ҳамда ходисалар билан боғлиқ саналар (хусусан, «Алифбе байрами», «Мустақиллик байрами», «Наврўз байрами», «Хотира ва қадрлаш куни» ва бошқалар)ни нишонлаш мақсадида ташкил этилган фаолият киради.

Анъанавий байрамлар ўқув муассасаларида турлича ўтказилади. Ўқувчилар анъаналар моҳиятини англасалар, уларга нисбатан онгли муносабатда бўлсаларгина унинг таъсир кучи юқори бўлади.

Анъаналарнинг юзага келишида ўқувчиларнинг унга нисбатан муносабати катта аҳамиятга эга. Мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар ўқувчилар жамоасига муайян саналарга бағишлаб ҳаддан зиёд ортиқча тадбирни уюштириш талабини қўймаслиги зарур.

Тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда ўқитувчилар жамоаси ёки ўқитувчи томонидан ушбу жараёнда ўқувчилар жамоаси билан биргаликда иш олиб бориш, уларни анъаналарни давом эттиришга ўргатиш масаласига алоҳида эътибор қаратишлари педагогик жиҳатдан ижобий натижаларни беради.

Жамоа ва унинг шахсни шаклланишидаги ўрни ва роли муаммоси юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шахс ва жамоа ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши борасида қуйидаги андозанинг яратилишини таъминлайди:



Ўқувчилар жамоаси ижтимоий-фойдали аҳамият касб этувчи умумий мақсад ва биргаликдаги фаолиятга асосан жипслашган ўқувчилар бирлашмаси, гуруҳидир. Ўқувчилар жамоаси (шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари жамоаси)га расмий сайланган (тайинланган) ўқувчи ҳамда ўқитувчилар йўлбошчилик қилади. Улар сирасига гуруҳ раҳбари, гуруҳ фаоллари (хусусан, гуруҳ етакчиси (староста), «Камолот» ташкилотининг гуруҳ бўлими раиси, тозалик комиссияси раиси, деворий газета муҳаррири ва бошқалар).

Болалар жамоаларида расмий етакчилар билан бирга норасмий йўлбошчиларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Одатда расмий йўлбошчилар таркибини аъло баҳоларга ўқийдиган, жамоа ишларида фаол иштирок этувчи ўқувчилар ташкил этса, норасмий лидерлар гарчи бу каби сифатларни намоён этмасаларда, айрим сифатларига кўра тенгдошларини ўз ортларидан эргаштира оладилар. Бундай ўқувчилар бошқалардан жисмонан кучлилиги, қатъиятлилиги, ҳеч нарсадан чўчимаслиги, ўзига бўлган ишончи билан ажралиб турадилар. Норасмий лидерларнинг маънавий-ахлоқий киёфаси бошқа ўқувчиларга жиддий таъсир кўрсатади. Шу боис синф раҳбари ҳамда мактаб педагогик жамоаси бундай лидерларнинг фаолиятини бевосита ва билвосита назорат қилиб боришлари зарур.

Ўқувчилар уюшмасига педагогик раҳбарлик, юқорида қайд этилганидек, аксарият ҳолатларда синф раҳбари томонидан амалга оширилади. Шу сабабли синф раҳбари гуруҳнинг умумий ҳамда ҳар бир аъзосининг индивидуал хусусиятларини билиши, уларни инобатга олган

ҳолда жамоага ёндашиши зарур. Синф раҳбарининг норасмий лидерлар ва уларнинг шахси ҳақида тўлақонли маълумотларга эга бўлиши педагогик фаолиятни самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Юқорида билдирилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Жамоа бир неча аъзо (киши)лардан ташкил топган муайян гуруҳ бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган умумий мақсад асосида бирлашади ҳамда мазкур мақсадни амалга ошириш учун йўналтирилган фаолиятни ташкил этади.

2. Жамоа ўзида бир неча хусусият (белги)ларни намоён этади.

3. Жамоани шакллантириш муайян қонуниятларга бўйсунадиган узок муддатли, мураккаб жараён бўлиб, у кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларига кўра тўрт босқичдан иборат бўлади.

4. Жамоани шакллантириш ўзига хос методика асосида амалга оширилади. Ушбу методика доирасида жамоага нисбатан талабларнинг қўйилиши, жамоа фаоли (активи)ни тарбиялаш масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир.

5. Жамоанинг мустаҳкам бўлиши, унинг аъзолари ўртасида ўзаро ёрдам ҳамда ҳамкорликнинг қарор топишида жамоа анъаналари муҳим аҳамият касб этади.

Назорат учун саволлар:

1. Жамоа нима?
2. Ўқувчилар жамоасининг ишлаб чиқариш жамоаларидан фарқи нимада?
3. Жамоанинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.
4. Жамоани шакллантириш босқичларини сананг ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига батафсил тўхталинг.
5. Жамоани ташкил этиш методикаси мазмунини сўзланг.
6. Жамоа анъаналари деганда нимани тушунаси?

Тест топшириқлари:

1. Болалар (ўқувчилар) жамоасининг шаклланиши қандай босқичларда кечади?
 - а) уч босқичда;
 - в) икки босқичда;
 - с) тўрт босқичда;
 - д) бир босқичли бўлади;
 - 5)беш босқичда.
2. Болалар (ўқувчилар) жамоаси шаклланишининг қайси босқичида гуруҳ (синф) фаоллари шахсга нисбатан талаблар қўяди?

- а) иккинчи босқичда;
- в) тўртинчи босқичда;
- с) бешинчи босқичда;
- д) биринчи босқичда;
- е) учинчи босқичда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
2. Педагогика. Жисмоний тарбия институтлари учун дарслик – Тошкент, Ўқитувчи, 1990.
3. Подласый И.П.. Педагогика. Новўй курс. – Москва, Владос, 1999.
4. Иванов И.П. Воспитатель коллективистов. – Москва, Педагогика, 1992.
5. Педагогика ғА.қ.Минавваровнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
6. Ҳошимов К. ва бошқ. Педагогика тарихи (педагогика олий ўқув юртлиари ва унив-тлар талабалари учун қўлл. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ МЕТОДЛАРИ

Тарбия методлари ҳақида тушунча. Мақсад, мазмун, шакл, метод ва воситалар каби тушунчалар тарбия жараёнининг моҳиятини очиб беради. Бироқ, тарбия моҳиятини ёритишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган яна бир тушунча ҳам мавжуд, бу тарбия методлари тушунчасидир.

Тарбия методи (юнонча «методос» – йўл) тарбия мақсадига эришишнинг йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари. Мактаб амалиётига татбиқ этилганда, методлар – бу тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари дир.

Тарбиянинг мутлақо янги методларини яратишга биронта тарбиячининг кучи етмайди. Методларни такомиллаштириш муаммоси доимо мавжуд, ҳар бир тарбиячи ўзининг имкониятига кўра уни ҳал қилади, тарбия жараёнининг аниқ шарт-шароитларига мос равишда ўзининг хусусий қарашларини ифода этиш асосида умумий методикани бойитади.

Методнинг ижобий ва салбийси бўлмайди, тарбия жараёнида маълум йўлни юқори даражадаги самарали ва самарасиз дея баҳолаш мумкин эмас. Методнинг самарадорлигини у қўлланилаётган шароит нуқати назаридан баҳолаш мумкин.

Тарбия методларини мақсадга мувофиқ танлаш бир қатор омилларга боғлиқ.

Тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Тарбия мақсади ва мазмуни методларни тўғри танлашга имкон беради. Мақсад қандай бўлса, унга эришиш методлари унга мувофиқ бўлиши зарур.

Тарбиянинг мазмуни шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳиятидан иборат. Унутмаслик керакки, айнан битта вазифа турли хил фикрлар билан тўлдирилган бўлиши мумкин. Шунинг учун методларни умуман мазмун билан эмас, балки аниқ фикр билан боғлаш ғоят муҳимдир.

Тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятлари. Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Ёш хусусиятлари муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлардир. Айтайлик, масъулият туйғусини бошланғич таълим, ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларда ҳам шакллантириш мумкин. Бироқ ҳар бир босқичда мазкур сифатни шакллантириш борасида турли методлар қўлланилади.

Халқ педагогикасида тарбия методлари. Халқ педагогикаси ўзбекона ахлоқ, одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган. Халқ педагогикасида турлича тарбия методлари ҳамда воситаларидан фойдаланилади. Бу метод ва воситалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп жиҳатлари билан илмий педагогикадан устунлик қилади. Бинобарин, ушбу методлар илмий педагогиканинг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Халқ педагогикасида қўлланилган хилма-хил тарбия методларини қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ҳикоя қилиш, ўргатиш).
2. Машқлантириш (одатлантириш, машқ қилдириш).
3. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўраш, ўрнаткич бўлиш).
4. Насиҳат қилиш, ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориб, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар).
5. қоралаш ва жазо (таъкидлаш, таъна, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, қўрқитиш, нафратланиш, онт-қасам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар).

Агар эътибор берилса, юқоридаги бешта метод умумий яхлитликни ифодалайди. Олдин болага умумий жараённинг моҳияти тушунтирилади. Болалар нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятига тушунмаганларида тарбиячи намуна воситасидан фойдаланади, яъни, ёшларнинг мустақил кузатувчанлигига эътибор берилади. Бу ҳолатда ҳам тушунмаганлар катталарнинг насихати, ўғити асосида нарса, ҳодиса ёки жараёнларнинг моҳиятини англайдилар. Бордию, бу ҳолатда ҳам кутилган натижага эришилмаса ёки болалар эътибор қаратилган ҳолатнинг моҳиятини тушунишни истамасалар, энг сўнгги чора сифатида қоралаш ва жазо методида фойдаланишга тўғри келади. Бироқ, бу энг сўнгги чора. Замонавий педагогика ғояларига кўра қоралаш ва жазо методларини сўнгги, аниқроғи кам самара берадиган чора эканлигини исботланган.

Халқ педагогикаси намуналари, тарбия методлари ва тарбиявий таъсирлар муайян воситалар ёрдамида қўлланилган. Меҳмон кутиш, меҳмонга бориш, турли меҳнат жараёнлари, ҳашарлар, турли гурунглар (чойхона, тўй маросимлари), сайиллар, оилавий анъаналар (туғилган кун, фуқаролик паспорти, умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий маълумотга эгалик тўғрисидаги аттестат ва диплом, шунингдек, давлат мукофотларини олиш каби ҳолатларни нишонлаш) ва мусобақалар ўзига хос тарбия воситасисаналади.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод ҳамда дунёқарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари саналади.

Бу гуруҳ усулларининг моҳияти шундаки, улар орқали ўқувчилар онгига жамиятда устувор ўрин тутувчи ижтимоий ғоя ва мақсадлар сингдирилади. Ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларнинг ҳаёт мазмунини тушуниб олишларига кўмаклашиш учун ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар қўлланилади.

Ўқувчиларда ғоявий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни, давлатнинг ички ва халқаро сиёсати мазмунини тушуниш ва идрок қилиш кўникмаларини тарбиялаш лозим. Тушунтириш ижтимоий онгни шакллантиришда энг кўп ишлатиладиган усулдир. Тушунтиришнинг вазифаси ўқувчиларни юксак маданиятли, миллий ғурур туйғусига эга бўлиб вояга етишларини тарбиялашга ёрдам беришдан иборат.

Тушунтиришда ўқувчиларга мамлакат фуқаросининг давлатга нисбатан муайян ҳуқуқ ва бурчлар асосида боғланганлиги борасида маълумотлар берилди. Бунда давлат байроғи, герби, мадҳияси ҳамда Конституциясига садоқат руҳида тарбия беришнинг аҳамияти катта. Шу сабабли давлат байроғи, герби, мадҳияси ҳамда Конституциясининг моҳияти тушунтирилади.

Сухбат. Ўқувчи шахсини ғоявий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирчан усул ҳисобланади. Сухбат учун мавзу танлашда унинг мазкур синф ўқувчилари учун долзарблиги, ўқувчиларда маънавий-ахлоқий ишонч уйғотишнинг сухбат мазмунига бўлган муносабатлари ва сухбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш зарур. Сухбат қуйидаги мавзуларда уюштирилиши мумкин:

а) этик мавзулар (ижтимоий маънавий-ахлоқий меъёрлар, жамиятда устувор ўрин тутувчи ижтимоий муносабатлар, жамоа орасида ўзини тутиш қоидалари ва бошқалар);

б) эстетик мавзулар (табиат гўзаллиги, шахслараро муносабатлар, инсон гўзаллиги);

в) сиёсий мавзулар (давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, дунё воқеалари, халқаро муносабатлар ва бошқалар);

г) таълим ва билишга оид мавзулар (қоинот, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, электроника ва бошқалар).

Суҳбатларнинг, шунингдек, ижтимоий-фойдали меҳнатни ташкил этиш, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва гигиеник мавзуларда ҳам ташкил этилиши ўзининг ижобий натижаларини беради.

Суҳбат давомида ўқувчиларга уларнинг ўз фикрларини эркин ифода этишлари ҳамда мустақил фикрлашларига имкон берувчи саволлар билан муурожаат қилиш жуда муҳимдир. Бу борада баҳс-муноазараларнинг аҳамияти катта.

Ҳикоя. Ўқувчилар одатда ҳаёт ва турли адабиётлардан олинган аниқ мисоллар билан бойитилган ҳикояларни катта қизиқиш билан тинглайдилар. Уларга ахлоқ меъёрлари, халқ ўтмиши, табиий бойлар, қаҳрамонлар ҳаёти ва жасорати, шунингдек, тарих, адабиёт ва санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Бадиий адабиёт намуналари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари - радио, телевидение, газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинган маълумотлар ҳам ўқувчилар учун қимматли материал бўлади. Суҳбат ҳам, ҳикоя ҳам ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда улар тушунадиган сўзлар воситасида адабий тилда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Суҳбат ёки ҳикоя мавзусининг ўқувчилар томонидан белгиланиши, уларнинг самарали кечишини таъминлайди, бунинг натижасида ўқувчилар илгари сурилаётган мавзуга бефарқ қарамайдилар.

Намуна. Ўқувчилар ўз атрофидаги кишиларда ҳамма яхши ахлоқий сифатларни кўришлари ва ибрат олишлари ниҳоятда муҳим.

Ўқитувчининг шахсан ўзи намуна бўлиши, айниқса, ёшларга катта таъсир кўрсатади. Улар ўқитувчининг дарсида ва ҳаётда ўзини қандай тутишини, атрофдаги кишилар билан қандай муомала қилишини, ўз вазифаларини қандай бажаришини кузатиб юрадилар.

Ўқувчилар ўзларига яқин кишиларнинг хулқ-атворида тақлид қиладилар, Хулқ-атворлар болаларда яхши сифатларнинг, баъзан эса ёмон сифатларнинг ҳам таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-оналар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини тута билишлари керак. Улар қаерда бўлишмасин, атрофларида болалар борлигини ҳис этишлари лозим. Катталарнинг сўзи билан юриш-туриши ва хатти-харакатларида тафовут бўлмаслиги керак.

Илғор кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятидан олинган маълумотлар, адабий асар, кинофильм ва спектакллар қаҳрамонларининг хатти-харакатидаги яхши намуналар болаларнинг онгига кучли таъсир қилади.

Мактабларда ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказилади. Ўқувчилар ўз ота-оналарининг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари билан фахрланадилар, уларга тақлид қилишга интиладилар.

Намунада халқ педагогикаси ғояларидан ҳам фойдаланилади. Ота-оналар ўз фарзандларини ҳамиша катта ҳаётий тажрибага эга, дунёқараши ва билим доираси кенг кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келганлар. Масалан, «қуш уясида кўрганини қилади». Жуда оддий хулоса. Шу оддий хулоса остида қанча фикрлар жамланиб ётганлигини ҳамиша ҳам фаҳмига боравермаймиз. Бу билан халқ халқ «уйингда тартибли бўл, акс ҳолда боланг

кўчада тартибсиз бўлади», «бола олдида бировларнинг ғийбатини қилма, боланг ғийбатчи бўлади», демокчи.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари. Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга, яъни, ўз устида онгли, бартартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисоблаш мумкин. Тарбия жараёнида ўз-ўзини тарбиялаш методларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш методлари ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усуллардир.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилиш ва ўқувчиларнинг турли органлари фаолиятида фаол иштирок этишни таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеини оширишнинг таъсирчан воситасидир. Ўқувчилар ўқиш, тарбия ва дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усулларида фойдаланадилар, бу усуллар ўқувчиларни ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усули.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий фазилатларининг ортиб бориши ва аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

Ўз-ўзини баҳолаш мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули.

Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, таҳсил ва тарбия олиш учун сабабли асос бўлиши, яъни, тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқлари, атрофдагиларнинг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчи учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига четдан туриб ҳолисона баҳо бериш, ўзидан қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

Изоҳлаш – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули. Изоҳлашнинг ҳикоя ва тушунтиришдан фаркланадиган муҳим белгиси муайян гуруҳ ёки алоҳида шахсга йўналтирилганлигидир. Ушбу методни қўллаш синфнинг ўқувчиларининг умумий ёки жамоа аъзоларининг шахсий хусусиятларини билишга асосланади. Бошланғич синф ўқувчилари билан иш олиб боришда изоҳлашнинг элементар усул ва воситалари қўлланилади: «Шундай ҳаракат қилиш керак», «Ҳамма шундай қилади». Ўсмирлар билан ишлаганда маънавий-ахлоқий тушунчаларнинг ижтимоий аҳамияти ва

маъносини изоҳлаш зарур. Изоҳлаш куйидаги ҳолатларни юзага келтириш учун қўлланилади:

1) янги маънавий-ахлоқий сифатлар ёки хулқ кўникмаларини таркиб топтириш ва мустаҳкамлаш;

2) тарбияланувчиларнинг содир этилган муайян ҳодиса (масалан, синф ўқувчилари оммавий равишда дарсга келмаганлари)га тўғри, онгли муносабатни ҳосил қилиш.

Мактаб амалиётида изоҳлаш ишонтиришга таянади. Ишонтириш воситасида ўқувчи руҳиятига сезиларсиз ҳолда таъсир этилади. Бошланғич синф ўқувчилари ҳамда ўсмирлар ишонувчан бўлишади. Педагог ишонтиришдан тарбияланувчи маълум кўрсатмани қабул қилиши зарур бўлган вазиятларда фойдаланади. Мазкур методдан бошқа методларнинг таъсирини кучайтириш учун ҳам фойдаланилади.

Мунозара тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий, эстетик ва ҳуқуқий мавзулар («Дид ҳақида баҳс», «Машҳур бўлиш йўллари», «Биз маданиятли кишилармизми?» ва ҳоказолар)да ўтказилади. Мунозара турли нуқтаи назарлар тўқнашган вазиятда ўқувчиларда маълум ҳодисага нисбатан ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

Мунозара асосида турли қарашлар ётади. Баҳс ижобий натижа бериши учун пухта тайёргарлик кўриш мақсадга мувофиқ. Мунозара учун мустақил мулоҳаза ва қарашни юзага келтирувчи 5-6 та савол тайёрланади. Ушбу саволлар билан мунозара иштирокчилари олдиндан таништириладилар. Баъзан тарбиячи мунозара иштирокчиларини ўзи тайинлаши ҳам мумкин. Чиқишлар жонли, эркин ва қисқ бўлиши зарур. Матнни ёзиш керак эмас, агар шундай ҳолат юз берса мунозара зерикарли тус олади. Педагог мунозара иштирокчиларига фикрларини ихчам, асосли ва далиллар асосида баён этишга ёрдам беради.

Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари муайян машқёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантиришдир. Одатлар болалиқдан таркиб топади ва шахс ривожланишининг кейинги босқичларида мустаҳкамланиб боради.

Ўқитувчи ҳамда ота-оналар болаларда ижобий одатларнинг тарбияланиб бораётганлигини кузатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатларни ўз яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар атрофдагилар билан фаол мулоқотга киришишлари туфайли тақлид қилиш, узлуксиз тарбияни йўлга қўйиш асосида таркиб топтиради. Натижада одат характерга айланади.

Машқ муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротаба такрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли, тжобий жараёндир. Машқ натижасини кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг

аклий қобилияти ривожланади, маънавий-ахлоқий сифатлари бойийди, ҳаётий тажрибаси ортади.

Ўргатиш тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндисиدير. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериши, тушунтириши, кузатиши лозим.

Тарбия амалиётида машқ қилишнинг турли хили мавжуд:


- 1) фаолиятда машқ қилиш;
- 2) кун тартиби машқлари;
- 3) махсус машқлар.

Фаолиятда машқ қилиш меҳнат, ижтимоий ҳамда жамоа фаолиятини ташкил этиш ва ўзаро муносабатни йўлга қўйиш одатларини тарбиялашга қаратилгандир. Кун тартиби машқлари белгиланган кун тартибига амал қилиш, шу билан боғлиқ истак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади. Махсус машқлар маданий хулқ кўникма ва малакаларини ҳосил қилади, мустаҳкамлайди.

ТОПШИРИҚ ЎҚУВЧИЛАРДА МЕҲНАТ, ИЖТИМОЙ ХУЛҚ ВА ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛ. ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТОПШИРИҚЛАРНИ ЖАМОА БЎЛИБ БАЖАРИШЛАРИ УЛАРДА ИЖТИМОЙ ХУЛҚ ТАЖРИБАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА. ЎҚУВЧИЛАР ЎЗ КУЧЛАРИНИ УМУМ ИШИГА САРФЛАШГА, ЖАМОА УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШГА ЎРГАНАДИЛАР, МЕҲНАТ ҚИЛИШ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ, МУСТАҲКАМЛАЙДИ.

ПЕДАГОГИК ТАЛАБ ТУРЛИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРНИ БАЖАРИШ ҲАМДА ФАОЛИЯТДА ИШТИРОК ЭТИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИ ТОМОНИДАН АМАЛ ҚИЛИНИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОР МЕЪЁРЛАРИ. ПЕДАГОГИК ТАЛАБ ТАРБИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСУЛЛАРИДАН БИРИДИР. ПЕДАГОГИК ТАЛАБ МАЪЛУМ ҲАРАКАТЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ЁКИ ТЎХТАТУВЧИ ҲАМДА ЎҚУВЧИНИ ОҚИЛОНА ҲАРАКАТЛАРНИ БАЖАРИШГА УНДОВЧИ ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛИШИ МУМКИН.

Рағбатлантириш тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилени кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш усулидир. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи шахсида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни англаш олиши зарур. Шундагина ўқувчи ўзининг камолга етаётганлигини ҳис қилади, унда ўз кучига нисбатан ишонч пайдо бўлади. Уни ҳурмат қилишади, унга ишонишади, унинг фикрлари билан қизиқишади, унга қулоқ солишади, демак, у жамоада ўз ўрнига эга. Ўқитувчи ана шундай ҳолатнинг юзага келиши учун рағбатлантирувчи усуллардан фойдаланади. Ўқувчининг янада ижобий сифатларга эга бўлишга интилишига ёрдам беради. Мактаблар тажрибасида рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари қўлланилади:




26 - чизма. Ра\батлантириш турлари

Ҳар қандай рағбатлантириш мавжуд педагогик талабларга мувофик бўлиши, кетма-кет бўлмаслиги зарур, шунингдек, ўқувчини ёки унинг хатти-ҳаракатларини ҳаддан ошириб мақташ, бошқа ўқувчиларга таққослаш, уларни камситмаслик, талабчанликни бўшаштирмаслик каби шартларга мувофик қўлланилади.

Жазолаш тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир.

Жазо ҳам ўқувчининг индивидуал хатти-ҳаракатлари ва умумжамоанинг фаолияти учун қўлланиладиган энг сўнгги тарбия усули. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо, уриш, калтаклаш каби усуллардан фойдланиш мумкин эмас, ўқувчини қўрқитиш, ғазаблантириш ҳам ижобий натижа бермайди. Аксинча, ўқувчи қўрққанда ёлгон гапиришни ўрганadi, икки юзламачи бўлиб қолади.

Мактабларда қўллаш мумкин бўлган жазо чораларига қуйидагилар киради:



27 - чизма. Ра\батлантириш турлари

Танбеҳ бериш – энг муҳим жазо чораси. Ўқитувчи ўқитувчига юзма-юз туриб танбеҳ беради, буни кундалигига ёзиб қўйиш мумкин.

Огоҳлантириш – содир этилиши мумкин бўлган муайян хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Хайфсан бериш – ўқувчининг маълум хатти-ҳаракатларини қатъий чоралар асосида баҳолаш. Агар танбеҳ ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса, унинг айби қай даражада бўлиши ва интизомни қандай шароитда бузганлигини инобатга олиб унга хайфсан эълон қилиш мумкин.

Уялтириш - ўқувчининг маълум хатти-ҳаракатларига жамоа ёки унинг тарбияси учун масъул бўлган субъектлар (ота-оналар, васийлар, жамоатчилик вакиллари ва бошқалар) олдида баҳо бериш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус ва шарм-хаёдир. Одамда инсонда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало, ўзини ҳурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳис-туйғуларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизиртиравериш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Жазо пухта ўйлаб қўлланилиши лозим, аксинча, жаҳл устида жазолаш мумкин эмас. Жазолар якка характерда, яъни, биргина усулни қўллаш асосида бўлсин, ўқувчининг айбига мос, мувофиқ бўлиши, тез-тез қўлланилмаслиги, жазоланувчида жазонинг тўғри белгиланганлигига нисбатан шубҳа туғилмасин ва улар ўз айбларини сезсин. Жамоада муҳокама қилиш ва жамоа томонидан қўллаб-қувватланган жазо берилса, унинг таъсир кучи янада ошади. Барча ҳолатларда ҳам жазо тарбияланувчининг жисмоний ва руҳий азоб-уқибатларига солмаслиги, уни таҳқирламаслиги, шаънини ерга урмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда юқорида таърифланган тарбиянинг умумий методлари ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш соҳаларини қамраб олмайди.

Педагогика фани ва амалиёти ҳар доим ривожланиб борар экан, унга мувофиқ равишда тарбия жараёни ҳам такомиллашиб бораверади.

Тарбия жараёнининг умумий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тарбия методларини қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:



Бу гуруҳлар ўз навбатида бир қатор тарбия элементларидан ташкил этади. Чунончи, шахс онгини шакллантириш методларига: ҳикоя, тушунтириш, изоҳлаш, маъруза, этик суҳбат, ишонтириш, насихат, йўриқнома, мунозара, маъруза, намуна; фаолиятни ташкил этиш ва ижтимоий хулқни шакллантириш методларига машқлантириш, одатлантириш, педагогик талаблар, жамоат фикри, топшириқ, тарбияловчи вазият; хулқ ва фаолиятни рағбатлантириш методларига: мусобақа, рағбатлантириш ва жазолаш киради.

Назорат учун саволлар:

1. Тарбия методларининг мақсади ва тамойилларини тушунтириб беринг.
2. Тарбия методларидан ҳикоя, суҳбат, намуна ҳамда маъруза қандай ҳолларда қўлланилади?
3. Халқ педагогикаси қандай тарбия методларига эга?
4. Рағбатлантириш ва жазолаш методлари ҳақида гапириб беринг.

Тест топшириқлари:

1. Тарбия методининг моҳияти қайси жавоб вариантыда тўғри кўрсатилган?
 - а) ота-оналар ва ўқитувчилар ҳамкорлигида болада ахлоқий сифатларни тарбиялаш усули;
 - в) ўқитувчининг намунаси асосида ўқувчини тарбиялаш усули;
 - с) тарбияланувчиларда ижобий сифатларни ҳосил қилиш усули;
 - д) тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари, хулқига таъсир этиш усуллари;
 - е) тарбияланувчи шахсига ижобий таъсир этиш усули.
2. қайси жавоб вариантыда халқ педагогикасида қўлланилувчи тарбия методлари тўғри кўрсатилган?
 - а) амалий машғулотлар методи, экскурсия, саёҳат;
 - в) моделлаштириш, шкалалаш; оғзаки баён қилиш;
 - с) тушунтириш, намуна, насихат қилиш, ўғит, қоралаш ва жазо;
 - д) огоҳлантириш, жазолаш, ундаш;
 - е) намуна, экскурсия, суҳбат, кўрсатиш.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
2. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1993.
3. Ҳошимов К. ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
4. Подласўй И.П. Педагогика. И-ИИ т. – Москва, ВЛАДОС, 1999.
5. Педагогика ғА.К.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1999.
6. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. – Тошкент, Ўқитувчи, 2001.

ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИ АҚЛИЙ ТАРБИЯЛАШ

Илмий дунёқараш ва тафаккурни шакллантириш. Дунёқараш табиат, ижтимоий жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимидир. Мазкур тизим доирасида ижтимоий-ғоявий, фалсафий, иқтисодий, табиий-илмий, маънавий-ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва экологик билимлар негизида шаклланган эътиқодлар асосий таркибий унсурлар сифатида намоён бўлади.

Муайян дунёқарашга эга бўлиш шахсда атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни, субъектларга нисбатан маълум муносабатнинг қарор топиши, шунингдек, шахс томонидан зиммасидаги ижтимоий бурчларини тўлақонли англаш ва уларни бажаришга нисбатан масъулият туйғусига эга бўлиши учун замин яратади.

Шахсда дунёқараш изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади. Ёш авлод дунёқарашининг шаклланишида таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар асосларининг улар томонидан пухта ўзлаштирилиши муҳим ўрин тутди.

Шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, ҳаётий ёндошувлари, унинг учун устувор аҳамиятга эга бўлган кадриятлар ҳамда ахлоқий тамойиллар моҳияти у эга бўлган дунёқараш мазмунини ифодалайди. Ўз навбатида дунёқарашнинг бойиб бориши шахснинг шахсий сифат ва фазилатларининг тобора барқарорлашувини таъминлайди. Ўз мазмунида эзгу ғояларни ифода этган дунёқараш шахс қиёфасида намоён бўлаётган ижобий фазилатларнинг бойиб боришига ёрдам беради.

Дунёқараш ўз моҳиятига кўра, илмий (муайян фалсафий тизимга эга) ва оддий (муайян фалсафий тизимга эга бўлмаган) дунёқараш тарзида фарқланади. Илмий дунёқараш асосида узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлик касб этган ғоялар ётади.

Шахс дунёқарашини шакллантириш узок муддатли, динамик хусусиятга эга мураккаб жараён саналади.

Ақлий тарбия ва илмий дунёқарашнинг асосий белгилари ва моҳияти. **Шахс дунёқарашининг шаклланишида ақлий тарбия муҳим ўрин тутди. Ақлий тарбия шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият бўлиб, уни самарали йўлга қўйиш асосида дунёқараш шаклланади.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ёшларга ақлий тарбияни беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ҳам юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигига урғу берилди. Юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадр бўлиб етишиш мавжуд илмий, шунингдек, касбий билимларни пухта эгаллаш демакдир. Бинобарин, чуқур билимларга эга бўлиш табиий ҳамда ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини англаш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини кўра ва баҳолай олишга имкон беради.

Ақлий тарбия ўқувчиларни илм-фан, техника, технология ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар билан таништириш, уларда ижодий, эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга замин яратади.

Ақлий тарбия жараёнида қуйидги вазифалар ҳал этилади:

1. Тарбияланувчиларга илмий билимларни бериш.
2. Уларда илмий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли муносабатни қарор топтириш.
3. Мавжуд билимлардан амалиётда фойдаланиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.
4. Билимларини доимий равишда бойитиб боришга интилиш туйғусини шакллантириш.
5. Билимларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган психологик қобилиятлар (нутқ, диққат, хотира, тафаккур, ижодий хаёл) ва хусусиятлар (аниқ мақсадга интилиш, қизиқувчанлик, кузатувчанлик, мустақил фикрлаш, ижодий тафаккур юритиш, ўз фикрини асослаш,

мавжуд маълумотларни умумлаштириш, гуруҳлаштириш, мантикий хулосалар чиқариш ва ҳоказолар)ни ривожлантириш.

Ақлий таълим ва тарбия бирлиги асосида шахсда тафаккур (ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли) ривожланади. Манбаларнинг кўрсатишича, ақлий тафаккурнинг мавжуд даражасини белгилаш бир қадар мураккаб бўлиб, қуйидаги белгиларга кўра аниқланиши мумкин:

1. Илмий билимлар тизимининг мавжудлиги.
2. Мавжуд илмий билимларни ўзлаштириб олиш жараёни.
3. Фикрлаш кўникмасига эгаллик.
4. Билимларни эгаллашга бўлган қизиқиш ҳамда эҳтиёжнинг юзага келганлиги.

Ақлий тафаккур узок муддат ҳамда тинимсиз изланиш натижасида юзага келади. Унинг шаклланишида илмий қараш ва эътиқод ўзига хос ўрин тутди.

Илмий қараш (юнонча «идеа»)- ғоя, тасаввур, тушунчалар йиғиндиси) - муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя бўлиб, у шахс томонидан мавжуд илмий билимлар тизими пухта ўзлаштирилганда, билимларни бир-бири билан таққослаш, солиштириш, предмет, ҳодиса ёки жараён моҳиятини таҳлил қилиш натижасида юзага келади. Ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш, ихтирочилик кўникмаларини шакллантириш улар томонидан илмий изланишларни олиб бориш ва маълум илмий қарашларни илгари сурилишига замин яратади.

Ақлий тарбияни самарали ташкил этиш шахсда илмий тафаккурнинг юзага келишини таъминлайди. Илмий тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жараёнларга нисбатан илмий ёндашувни англатади.

Эътиқод дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий- фалсафий, табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч бўлиб, унинг шаклланиши бир неча босқичда кечади. Биринчи босқичда улар беқарор ва вазият тақозосига кўра ўзгарувчанлик хусусиятини касб этади. Иккинчи босқичда маънавий-ахлоқий қарашларнинг барқарор тамойилларига айланади. Мавжуд талаб, жамият томонидан тан олинган ахлоқий қоидалардан четга чиқиш қийин, зиддиятли вазиятларда онгли ҳаракатни ташкил этиш, иродавий сифатларга таянган ҳолда иш кўриш тақозо этилади. Учинчи босқичда эътиқод барча вазиятларда ҳам устувор маънавий-ахлоқий тамойил бўлиб қолади. Ўқувчи томонидан ўзлаштирилган илмий билимлар ҳаётий муносабатлар жараёнида кенг қўлланилганда, уларнинг асл моҳияти чуқур ҳис қилинган ва англагандагина эътиқодга айланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ёшларнинг билимли, юксак тафаккур эгаси бўлиш борасидаги қарашлар муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, уларнинг интеллектуал

салоҳиятини жамият тараққиётини таъминловчи омил эканлигига алоҳида урғу берилади. Чунончи, «... илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. ХХИ асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаймиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар онгига сингдириш учун ҳаракат қилаймиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзод ёруғ кунларга эришиши муқаррар»¹.

Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида билиш ҳамда инсон ақлий тафаккури масалаларига алоҳида ўрин берган. Хусусан, Абу Наср Форбий инсон томонидан борлиқни англаниши, табиат сирларини англашида илм-фаннинг ролини ҳал қилувчи омил сифатида баҳолайди. Алломанинг фикрича, инсон танаси, мияси, сезги органлари у туғилганда мавжуд бўлган бўлса, ақлий билими, маънавияти, руҳияти, интеллектуал ва ахлоқий сифатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти ташқи олам, ижтимоий муҳит таъсирида, одамлар билан ташкил этаётган муносабатлари жараёнида шаклланади.

Абу Наср Форобийнинг эътирофича, инсон ақли, фикри унинг руҳий жиҳатдан юксалишининг маҳсулидир. Инсон билимларни ўзлаштирар экан, борлиқда тирик мавжудотнинг яратилиш тарихигача бўлган маълумотларни ўзлаштира олади, уларни яратади, илмий жиҳатдан асослайди.

Алломанинг мазкур фикрларини давом эттирган ҳолда Абу Райҳон Беруний куйидагиларни илгари суради: «Инсон нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи сифати ҳамда хусусиятлари ҳақида билим олмай, балки тафаккури, ақли туфайли нарса ва ҳодисаларни таққослайди, бир-бири-билан солиштириб кўради, ўз билимларининг чинлигини аниқлайди»². Мутафаккир, шунингдек, одамлар томонидан билимларни ўзлаштирилиб бориши янги билимларнинг яратилишига олиб келишини айтади: «Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳллари хурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини хурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади»¹.

Абу Али ибн Сино ўз асарларида билим тушунчасига шарҳ бериш билан бирга билимнинг чуқур ўзлаштирилиши донишмандлик эканлигини алоҳида қайд этади: «Илм нарсаларнинг инсон ақли ёрдами билан ўрганилишидир. Билим деб эса, нарсаларни идрок қилишга айтилади. Бу шундайки, инсон ақли уни хато ва йўлдан тоймасдан туриб унга эришиши

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси //Тузувчилар Ш.+урбонов, Р.Ашқлиддинов, Ш.Саидов. – Тошкент, Шар= нашриёт-матбаа концерни, 1999. – 57-бет.

² Беруний Абу Райшон. Танланган асарлар. III жилд. – Тошкент, Давлат нашриёти, 1966. – 7-бет.

¹ Беруний Абу Райшон. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент, Давлат нашриёти, 1965. – 125-бет.

керак бўладиган нарсадир. Бордию, бу далиллар очик-ойдин бўлсаю, исботлар чинакамига бўлса, у ҳолда бунга ҳикмат – донишманлик дейилди»².

Юсуф Хос Ҳожибнинг «кутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим») асари таъбир жоиз бўлса, билимнинг моҳияти, унинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, инсон камолотини таъминлашдаги роли, ёзувликларни бартараф этувчи восита эканлиги тўғрисидаги қомус саналади. Алломанинг фикрича, билимли бўлиш эзгу ишлар тантанасини таъминловчи гаров бўлиб, унинг ёрдамида хатто осмон сари йўл очилади:

Ҳамма эзгуликлар билим нафи туфайлидур,
Билим туфайли, гўё кўкка йўл топилади.

Ушбу фикрларни ифода этганда аллома нақадар ҳақ эди. Зеро, орадан тўққиз-ўн аср вақт ўтгач, инсон нафақат осмонга уча олди, балки коинотни ҳам забт этишга муваффақ бўлди.

Баҳовуддин Нақшбандий тариқатида авлиёлик куч-қувватини эзгуликка, илм-маърифатни ривожлантиришга йўналтириш етакчи ўрин тутди. Бинобарин, илм-маърифат зулм ва бидъатдан фориг бўлиш йўлидир. Аллома томонидан илгари сурилган «Хилват дар анжуман», «Сафар дар ватан» ғоялари мавжуд билимларни суҳбат ҳамда амалиёт ёрдамида ўзлаштириш мақсадга мувофиқлигига ишорадир. Зеро, баҳс-мунозараларда, доимий изланишларда ҳосил бўлган илм пухта ва мустаҳкам бўлади.

Алишер Навоий билимларни изчил, узлуксиз ўзлаштириш зарурлигини уқтиради. Шунингдек, илм ўрганиш машаққатли юмуш бўлиб, уни ўрганишда айрим қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келиши, бу йўлда чидамли, қаноатли, бардошли бўлиш орқалигина мукамал билимга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди.

Абдулла Авлоний эса инсон ақлий камолоти хусусида тўхталар экан, куйидагиларни баён этади: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдур, зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз одам мевасиз дарахт кабидур»¹. Аллома билим инсонни жаҳолатдан қутқаришнинг энг самарали воситаси эканлигига ҳам урғу беради: «Илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқарур, маданият, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб соҳиби қилур. Бугун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур»².

Ўқувчи дунёқарашини шакллантиришнинг бир неча мақбул шакл, метод ва воситалари бўлиб, улар сирасида маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ғоявий, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик ва экологик мавзуларда ташкил этилувчи суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, маърузалар, муаммоли вазиятларни

² Ўзбек педагогикаси антологияси //Тузувчи-муаллифлар: Шошимов К., Сафо Очил. – Тошкент, ЎИТУВЧИ, 1995. – 137-бет.

¹ Авлоний А. Одоб быстони ва ахлоқ гулистони. – Тошкент, ЎИТУВЧИ, 1994. – 10-бет.

² Авлоний А. Туркий гулистон ёшуд ахлоқ. – Тошкент, ЎИТУВЧИ, 1992. – 22-23-бетлар.

яратиш асосида ўқувчиларни фикрлашга ундовчи амалий тренинглари, дебатлар, мустақил ишлар, шунингдек, ишчанлик ўйинлари янада самарали саналади.

Мустақил ишларни ташкил этиш, хусусан, муайян мавзу асосида ўқувчиларни кичик илмий изланишларни олиб боришга йўллаш уларнинг дунёқарашларини янада бойиб боришида пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ўсмир ҳамда ўспиринларни маълум назария ёки таълимотларнинг ғояларига нисбатан танқидий муносабат билдириш, методологик моҳиятини очиб бериш, шахсий фикрларини баён этишда асосли далилларга таянган ҳолда иш кўришга ундаш ҳам ўзининг ижобий натижаларини беради.

Таълим-тарбия жараёнининг изчил, узлуксиз, тизимли ҳамда аниқ ижтимоий мақсад асосида ташкил этилиши, мазкур жараёнда фанлараро алоқадорлик, шунингдек, дунёқарашни шакллантиришда самарали саналувчи барча мавжуд омилларнинг бирлигига таянган ҳолда иш кўриш кўзланган мақсадга эришишнинг кафолатидир. Мазкур ҳолат маълум ижтимоий воқеа-ҳодисалар моҳиятини турли нуқтаи назардан баҳолаш, уларнинг ривожини кўра билиш, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини кузатиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, бир-бирини тақозо этишини тушуна олиш имконини беради.

Таълим-тарбияни ташкил этиш жараёнида фанлараро алоқадорлик, ижтимоий ва табиий омилларнинг ўзаро мувофиқ келишига эришиш омиллари, атроф-муҳит ҳамда ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс камолотини таъминлашга эришиш имкониятларидан унумли фойдаланишга интилиш мақсадга мувофиқдир. Таълим муассасаларида ўқув предметлари сифатида тавсия этилган фанлар асосларининг ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилиши уларда кенг дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради. Ўқитувчилар ўқувчиларда илмий дунёқарашни шаклланиши хусусида ғамхўрлик қила бориб, доимий равишда улар томонидан ўзлаштирилган илмий билимларни амалиётда қўллай олинишига эътибор беришлари зарур. Фан ўқитувчилари у ёки бу қонуниятлар ва уларнинг моҳияти билан ўқувчиларни таништириб борар эканлар, ўқувчиларга турли ҳаётий вазиятларда улардан фойдаланиш ёки уларга таяниб иш кўриш лозимлигини тушунтириб боришлари керак.

Дунёқарашнинг шаклланишида жамиятда устувор ўрин тутган мафкуравий ғоялар ва уларнинг моҳиятидан тўлақонли хабардор бўлиш ўзига хос аҳамиятга эга. Шу боис таълим муассасаларида йўлга қўйилаётган таълим-тарбия, хусусан, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар асослари моҳияти билан ўқувчиларни таништириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ҳаётида бош мезон сифатида эътироф этилган миллий истиқлол ғояси ва мафкура мазмунида илгари сурилган қарашлар хусусида батафсил маълумотлар бериб бориш, уларга нисбатан ўқувчиларда муайян муносабатни шакллантириш педагогик жиҳатдан самарали йўл ҳисобланади.

Иқтисодий тарбия ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг таркибий қисми. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш ва уларда иқтисодий фаолиятни юрита олиш кўникма, малакаларни шакллантириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Иқтисодий тарбия - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, оила хўжалигини юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми саналади.

Иқтисодий тарбия таълим муассасаларида йўлга қўйилаётган иқтисодий таълим билан чамбарчас ҳолда олиб борилади. Иқтисодий тарбияни ташкил этишда оила, таълим муассасаси ва жамоатчилик ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка таяниш ижобий натижаларни кафолатлайди.

Иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- ўқувчиларга иқтисодий билим асослари (иқтисод, оила хўжалигини юритиш ва бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш, капитал, тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, кичик ва ўрта бизнес, ижара, шартномалар ва уларни тузиш, банклар, банк операциялари, бюджетни шакллантириш, даромад, банкрот, бизнес-режа ва бошқалар) борасида чуқур билимлар бериш ва уларни такомиллаштириш;

- ўқувчиларда иқтисодий онг ва тафаккур, хусусан, мавжуд моддий бойликларга нисбатан оқилона муносабатни тарбиялаш;

- уларда муайян касбий ёки ишлаб чиқариш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- уларни иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш;

- ўқувчиларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга нисбатан эҳтиёж ва лаёқатни юзага келтириш;

- улар томонидан тор доирада бўлсада тадбиркорлик фаолиятининг йўлга қўйилишига эришиш.

Иқтисодий мавзулардаги суҳбат, баҳс-мунозара, ҳамда тренинглари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, ишлаб чиқариш корхоналарига уюштирилувчи экскурсиялар, тадбиркорлик ёки муайян касбий фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини шакллантирувчи ишчанлик ўйинлари, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш борасидаги ижодий қобилиятларини намойиш этишга имкон берувчи кўрик-танловлар, уларнинг иқтисодий тафаккурини ўстирувчи иқтисодий йўналишдаги конференция, семинар ва мунозараларни ташкил этиш иқтисодий тарбия самарадорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Халқимизнинг йўли – мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир» номли асарида қуйидагиларни баён этади: «Бозор муносабатларига ўтиш даврида ўқувчиларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида

бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларниг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир», - дея таъкидлаган эди.

Иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни самарали ташкил этиш унинг илмий асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида Президенти И.А.Каримов асарларида республика иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишлари, омиллари ҳамда тамойиллари батафсил кўрсатиб ўтилган. Муаллиф бозор муносабатларини шакллантиришнинг қуйидаги тамойилларига алоҳида урғу беради:

1. Иқтисодиётнинг ҳар қандай сиёсий мафкуралардан озод қилиш асосида ижтимоий барқарорликни таъминлаш¹.

2. Иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш –иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим шarti².

3. Бозор иқтисодиётига ўтишда халқнинг туб манфаатларини кўзлаш, давлатнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ташкилотчиси ва етакчиси бўлиши³.

4. Пул сиёсатини олиб боришда мустақил бўлиш, валюта захираларини бойитиш⁴.

5. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қонун устуворлигига эришиш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши⁵.

6. Бозор муносабатлари шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш⁶.

7. Иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич, эволюцион тарзда амалга оширилиши⁷.

Иқтисодий тарбияни узлуксиз амалга оширишда таълим муассасаларида дарс ва дарсдан ташқари шароитлар, шунингдек, оилада амалга оширилаётган ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мазмундаги суҳбатлар, учрашувлар, экскурсиялар, тўгараклар кўринишидаги амалий тадбиркорлик фаолияти (у ёки бу ҳунар йўналишидаги ижодий ишлар)ни ташкил этиш ўқувчиларда иқтисодий тафаккурнинг шаклланишига ёрдам беради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Тошкент, Ўзбекистон, 1993. – 5-бет.

² Ёша асар, 7-бет.

³ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан =олсин. – Тошкент, Ўзбекистон, 1994. – 5-бет.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Тошкент, Ўзбекистон, 1993. – 48-49-бетлар.

⁵ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан =олсин. – Тошкент, Ўзбекистон, 1994. – 271-273-бетлар.

⁶ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг шу=у=ий кафолати. – Тошкент, Шар= нашриёт-матбаа концерни Бош таъширияти, 1993, - 15-бет.

⁷ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан =олсин. – Тошкент, Ўзбекистон, 1994. 273-бетлар.

Экологик тарбия ўқувчилар дунёқарашини шакллантиришнинг таркибий қисми. «Экология» тушунчаси илк бор немис зоологи Э.Геккел томонидан қўлланилган. Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Экологик тарбия (грекча «оикос» -турар жой, макон, «логос» -фан) ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган педагогик жараён дир.

Ўзбекистон Республикасида табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда амалга оширилувчи ижтимоий-экологик ҳаракат мазмуни «Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий ҳаракат режаси»да ўз ифодасини топган.

Табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, экологик муаммоларнинг ижтимоий хавфи хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидаги фикрни қайд этади: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқ дир»¹.

Ўқувларда табиатга нисбатан тўғри муносабатни қарор топтириш, меҳр-муҳаббатни уйғотиш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим босқич саналади.

Экологик таълим ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараёни дир.

Назарий экологик билимлар (экологик онг) ҳамда атроф-муҳит ва табиат муҳофазаси йўлида олиб борилаётган фаолият бирлиги экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Экологик онг табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси бўлиб, у мураккаб ижтимоий-психологик ходиса сифатида намоён бўлади. Экологик фаолият эса экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи демак дир.

Экологик маданият ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик тарбия ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлиб, уни ташкил этиш жараёнида куйидаги вазифалар ҳал этилиши зарур:

1. Ўқувчиларнинг таълим жараёнида ўзлаштирган экологик билимларини янада ошириш.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср быса\асида: хавфсизликка ташдид, бар=арорлик шартлари ва тара==иёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997.- 137-бет.

2. Уларнинг табиат ва атроф-муҳит экологияси тўғрисидаги тасаввурини бойитиш.

3. Ўқувчиларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисидаги эътиқодни шакллантириш.

4. Ўқувчиларда экологик фаолият кўникма ва малакаларни тарбиялаш ҳамда уларнинг табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишларига эришиш.

Оила ва жамиятда ташкил этилаётган экологик тарбиянинг сухбат, давра сухбати, экскурсия, баҳс-мунозара, ижодий танловлар, учрашув, ижтимоий-фойдали меҳнат (шанбалик, ҳашар, кўкаламзорлаштириш) каби шакл ҳамда сухбат, кузатиш, амалий фаолиятни ташкил этиш, рағбатлантириш ва жазолаш каби методлар ёрдамида ташкил этиш ўқувчиларда экологик маданиятни қарор топишини таъминлайди.

Ўқувчи тарбиясида иштирок этаётган субъектларнинг шахсий намуналари, ўқув манбалари, бадиий адабиётлар, оммавий ахборот воситалари (шу жумладан, Интернет) материаллари ва уларнинг ғоялари ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим воситалари саналади.

Маънавий-ахлоқий тарбия шахс дунёқарашини шакллантиришнинг муҳим омили. Шахс дунёқарашининг шаклланишида маънавий-ахлоқий тарбия ҳам муҳим ўринга эга бўлиб, уни самарали ташкил этиш ўқувчида маънавий-ахлоқий онгни шакллантиришга ёрдам беради. Ахлоқий тарбия муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онгига сингдириш уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ҳамда ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади.

Ахлоқий тарбиянинг асоси ахлоқ ва ахлоқий меъёрлардир. Ахлоқ (лотинча «моралис» хулқ-атвор маъносини билдиради) ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йиғиндиси. Ахлоқий меъёрлар тўғрисидаги билимлар ўқувчилар онгига таълим ва тарбия жараёнида сингдирилиб борилади. Ахлоқий тарбиянинг натижаси ўқувчиларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ва ахлоқий маданиятнинг шаклланишида кўринади.

Ахлоқий онг - ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари, шунингдек, миллий истиқлол ғоясининг ўқувчилар онгида акс этишидир.

Ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ҳамда ахлоқий маданият таълим-тарбия жараёнида йўлга қўйилаётган ахлоқий, ижтимоий-ғоявий, иқтисодий, ҳуқуқий, эстетик ва экологик мавзулардаги сухбат, баҳс-мунозара, дебатлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган, илм-фан, маданият, ишлаб чиқариш ҳамда спорт соҳаларида

Юксак даражадаги муваффақиятларни кўлга кириш билан Ўзбекистон Республикаси номини жаҳонга машҳур қилаётган, унинг обрў-эътиборининг ошишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган шахслар ҳаёти ва фаолият тўғрисидаги маълумотлардан самарали фойдаланиш, ватанпарварлик намуналарини кўрсатган, халқ қаҳрамонлари намунасида шакллантирилади.

Ахлоқий тарбия ўқувчиларда дунёқарашни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни самарали ташкил этишда онг, ҳис-туйғу ҳамда хулқ-атвор бирлигига эришиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар бирлигида маълум камчиликларнинг юзага келиши ҳам ўқувчиларнинг комил шахс бўлиб камол топишларига салбий таъсир кўрсатади. Дунёқараш табиат, жамият, инсон тафаккури ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизимидир.

Юксак маънавий комиллик, юрт озодлиги, ободлиги ва халқ фаровонли йўлида фидокорона меҳнат қилиш, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан талабчан бўлиш, ўзида иродавий сифатларни тарбиялай олиш, интилувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ижодкорлик ҳамда мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш каби хислатларни мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаётида устувор бўлган тамойиллар сифатида эътироф этиш мумкин.

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асослари таянч омиллар сифатида намоён бўлади.

Ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида ахлоқий мазмундаги суҳбат, маъруза, баҳс-мунозара, конференция, семинар ҳамда дебатлардан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради.

Назорат учун саволлар:

1. Дунёқараш нима?
2. Илмий дунёқараш тушунчаси қандай маънони англатади?
3. Шарқ мутафаккирларининг шахс дунёқарашини шакллантириш борасида қарашлардан намуналар келтиринг.
4. Ақлий тарбия моҳияти нималардан иборат?
5. Иқтисодий тарбия ўқувчи дунёқарашини шакллантиришда қандай ўрин тутади?
6. Ўқувчи дунёқарашининг шаклланишига экологик тарбия қандай таъсир кўратади?

Тест топшириқлари:

1. Моҳиятига кўра қандай дунёқарашлар мавжуд?
 - а) табиий ва нотабиий;
 - в) оддий ва мураккаб;

- с) оддий ва илмий;
- д) кенг ва тор;
- е) барқарор ва беқарор.

2. Нутқ, диққат, хотира, тафаккур ва ижодий хаёл каби психологик қобилиятларни ривожлантиришда ижтимоий тарбиянинг қайси йўналиши муҳим аҳамиятга эга?

- а) экологик тарбия;
- в) ҳуқуқий тарбия;
- с) ахлоқий тарбия;
- д) ақлий тарбия;
- е) иқтисодий тарбия.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997.
2. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси. – Маърифат г., 1999 йил, 3 март.
3. Маҳкамов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. – Тошкент, Ўзбекистон, 1993.
4. Сариқов Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари ғўмумўрта таълим мактабларининг IX-XII синфлар учун ўқув қўлл. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа кнцерни, 1997.
5. Тўхтаев М. ва бошқ. Иқтисодий билим асослари ғўмумтаълим мактаблари ва коллежлар учун. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
6. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш,- Т.: Ўқитувчи, 1991.
7. Мухаммадиев А. Табиат муҳофазаси ва экология. –Т.: Ўқитувчи, 1986.
8. Тўхтаев А., Хамидов А. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш.- Т.: Ўқитувчи, 1994.
9. Тўхтаев А.С. Экология ғўқувчилар учун қўлл. – Т.: Ўқитувчи, Зиё-ношир КШК, 2001.
10. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998.

ФУҚАРОЛИК ТАРБИЯСИ

Фуқаролик тарбиясининг мазмуни ва вазифалари. Мустақил Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган миллий истиқлол ғоялари фуқароларни Республика Конституциясида эътироф этилган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишдек эзгу мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Ҳар бир фуқаронинг ижтимоий-

сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини юзага келтириш, ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш – фуқаролик (ҳуқуқий) жамиятнинг асосий талаби саналади.

Жамият томонидан қонунчилик йўли билан белгиланган талаблар фуқаро хулқини баҳолаш, хатти-ҳаракатлари моҳиятини таҳлил қилиш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Ана шу талабларга мувофиқ фуқаронинг хулқ-атворидаги айрим кўринишлар, ҳаракатлар ёки одатлар маъқулланади ёки қораланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мақсади эркин, демократик, инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва жамиятни қуришдир. Бу жамиятни бунёд этиш жараёнида янги ижтимоий фуқаролик тарбиясини ташкил этиш вазифаларини янада мураккаблаштиради. Зеро, демократик, ҳуқуқий жамият барпо этилишининг муваффақияти фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онглилик даражаси, фуқаролик фазилатларининг қарор топганлиги ва ижтимоий фаоллик кўрсаткичларига боғлиқ.

Фуқароликнинг ижтимоий асоси янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлиб, унда фуқароларнинг шахсий манфаати жамият манфаати билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар мазмунида акс этган ғоялар, демократик талаблар ҳамда ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ фаолият юритиш ижтимоий фуқаролик муносабатларининг муҳим қоидасига айланади.

Фуқаролик тарбияси фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англашиш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият манфаатлари йўлида курашувчи фуқаролар этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён. Фуқаролик тарбиясининг марказий объекти фуқаро саналади.

Фуқаро фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахсдир.

Фуқаролик эса ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга онгли риоя этиш, маълум ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажаришга масъуллик билан ёндошув, меҳнат жараёни ва жамоадаги фаоллик, маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансублик.

Фуқаролик тарбиясининг вазифалари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

1. Ёш авлодни доимий равишда жамиятда устувор мавқега эга бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга ўргатиб бориш.

2. Ўқувчиларга фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумотлар бериб бориш, уларда фуқаролик фаолиятини ташкил этиш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.

3. Ўқувчиларда давлат рамзларига нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни қарор топтириш, Республика Президенти шаъни, ор-номусини ҳимоя қилишга тайёрлик ҳиссини шакллантириш.

4. Ўқувчиларда халқ ўтмиши, миллий қадриятларга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиш, улардан ғурурланиш, фахрланиш ва ифтихор ҳисларини ошириш.

5. Ватан, халқ ва миллат ишига содиқлик, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштира олишга эришиш, фидойий фуқарони тарбиялаб вояга етказиш.

6. Ватан, юрт озодлиги ва мустақиллигини эъзозловчи, ардоқловчи, уни ҳимоя қилишга тайёр фуқарони тарбиялаш ишига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш.

Ўқувчиларнинг фуқаролик тарбиясини ташкил этишда шахсга давлат Конституциясида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажариш хусусида маълумотлар бериш, уларда ижтимоий фаолиятни ташкил этишда ҳуқуқлардан фойдаланиш ва бурчларни бажариш бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республика Бош қонунида шахснинг қуйидаги ҳуқуқлари кафолатланади: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, айбланаётган шахс ишининг судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиши, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига таҳдид қиладиган тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш ва турар-жой дахлсизлиги, Республика ҳудудида бир жойдан икки жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги, давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, қонуний митинглар, йиғилишлар ва намойишларда иштирок этиш, касаба уюшмаларида, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат қилиш лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминотдан фойдаланиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги.

Ўқувчиларга ҳуқуқлари борасидаги билимларни бериш билан бирга фуқароларнинг бурчлари нималардан иборат эканлиги ҳақида маълумот бериш, бу хусусида ўқувчиларда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш кўзланган мақсадга эришишда муваффақият омили бўлади.

Фуқароларнинг бурчлари қуйидагилардан иборатдир: фуқаролар Конституция ва қонунларда кўзда тутилган талабларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиш; Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий-маданий меросини авайлаб асраш; фуқаролар табиий атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш; қонунлар билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш; Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш. Юқорида қайд этилган бурчларни бажариш Ўзбекистон Республикасининг фуқароси саналувчи ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

Фуқаро. Фуқаролик ва унинг моҳияти. Ижтимоий ҳаётда фуқаролик маданиятнинг шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш: жамият ва шахс (фуқаро) манфаатларига тўла мос келади. Шу сабабли Республика мустақиллиги шароитида фуқаролик тарбиясини ташкил этиш мазмунини тубдан янгилаш зарурияти юзага келди. Фуқаролик

тарбиясини кенг кўламли (комплекс) тарзда ташкил этиш – бугунги кун даъвати ва талаби бўлиб қолмоқда. Ушбу талабни ижобий равишда ҳал этиш оила - таълим муассасалари - жамоатчилик - давлат - жамият ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаро – фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахс. Ўз фуқароларига эга бўлиш ҳар бир давлатнинг зарур ва муҳим белгиси саналади. Фуқароларнинг мавжудлиги сабабли давлат мавҳум тушунча бўлмай, муайян механизмга эга субъект сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқий ўрни қонун йўли билан кафолатланган шахснинг давлат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъий назар, маълум бир давлатга қарашлилиги ҳолати фуқаролик дейилади. Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган тегишли қоидалар, белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана олади, қонунларда кўрсатилиб ўтилган бурчларни бажаради.

Фуқаролик ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга онгли риоя этиш, маълум ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажаришга масъуллик билан ёндошув, меҳнат жараёни ва жамоадаги фаоллик, маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансубликдир. Демак, «фуқаролик ўз давлатига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлар билан боғланган, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга онгли риоя этишни, меҳнат ва жамоада фаолликни, маънавий етукликни назарда тутуди»¹.

Фуқароликнинг асосий таркибий қисмлари куйидагилардир:

- муайян давлат (жамият) аъзоси эканлигини ҳис этиш, шахс тақдири давлат ва жамият ҳаёти билан узвий, чамбарчас боғлиқ эканлигини тушуниб етиш;
- халқ, давлат олдидаги фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини қонунчилик асосида билиш, уларга сўзсиз, қатъий амал қилиш;
- ўз халқи, давлати ўтмишига ҳурмат туйғусини қарор топтириш, шахсий манфатларидан Республика (Ватан) манфаатларини устун кўя билиш, халқ ва Ватан равнақи, истиқболи учун курашишга тайёрлик, юрт тинчлигини ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш;
- давлат рамзларига нисбатан чексиз муҳаббатни қарор топтириш, уларнинг муҳофазаси учун тайёрлик, давлат рамзларининг миллат, халқ орномуси, шаъни, қадр-қиммати эканлигини англаш;
- ижтимоий-сиёсий онглилик, ижтимоий фаоллик, давлатнинг ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрок қилиш;
- миллий ва умуминсоний ахлоқ ҳамда ҳуқуқ меъёрларини бузилишига нисбатан муросасиз курашиш.

Ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялашда давлат рамзларининг аҳамияти. Давлат рамзлари муайян миллат, элатнинг

¹ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси. – Маърифат газетаси, 1993 йил, 3 март.

этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ҳамда мақсади, худудий, ижтимоий-ғоявий бирлик моҳиятини англатишга хизмат қилувчи тасвирий белгилар мажмуидир.

Муайян давлатнинг байроғи, герби (тамғаси) ҳамда мадҳияси давлат рамзлари мажмуини ифодалайди.

Давлат рамзлари ўзларида чуқур сиёсий ва ижтимоий-ғоявий мазмунни ифода этади. Давлат рамзлари (байроқ, герб)да тасвирланган ранглар, тасвирлар муайян халқ, миллат ўтмиши, қадим анъаналари, халқнинг турмуш тарзи, орзу-умидлари, мақсади, ҳаётини интилишларини ифода этишга хизмат қилади. Давлат мадҳиясида эса халқ, миллат, давлат ва жамиятнинг ягона мақсади, бирлиги ғоялари тараннум этилади.

Давлат рамзлари давлатнинг мавжудлигини кўрсатувчи белгилар саналади. Рамзлар – бу шартли белгилар бўлиб, улар қадим даврлардаёқ турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини, уларнинг қарашларини ифодалаган.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ижтимоий-сиёсий мустақилликни ифода этувчи рамзларни яратишни тақозо этди. Шу муносабат билан 1990 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қарор қабул қилинди ва бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда бўлиб ўтган XII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси қабул қилинди. Ушбу мадҳия муаллифлари Ўзбекистон Халқ шоири ва таниқли бастакор Мутал Бурхоновдир.

Таълим муассасаларида фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга давлат рамзлари, уларнинг моҳияти борасидаги маълумотларни бериш, уларнинг онгига давлат рамзларининг халқ, миллат ор-номуси, шаъни, кадр-қимматининг тимсоли эканлиги тўғрисидаги ғояларни сингдириш орқали уларда мазкур рамзларга нисбатан ҳурмат туйғусини қарор топтириш каби вазифаларни ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ саналади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат Мадҳиясининг куйидаги матни ўқувчилар томонидан нафақат ёд олиниши, балки мадҳия мазмунида ифода этилган ғоялар моҳиятини чуқур таҳлил эта олиш лаёқатини шакллантириш учун маълум шарт-шароитларни яратиб бериш таълим муассасалари жамоаси, уларнинг раҳбарияти олдида турган асосий вазифалардан биридир:

Серкуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон,
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ худрати жўш урган замон,

Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиклол машъали, тинчлик посбони,
Халқсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ ҳудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Давлат мадҳияси каби унинг байроғи, герби (тамғаси) ҳам жаҳон миқёсида мавжуд бўлган муайян давлатнинг ўз халқи, миллати номидан фаолият юритиш имкониятига эга эканлигини англатади. Шу боис 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон ССРнинг давлат рамзлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ 1991 йил 18 ноябрда Республика байроғи, 1991 йил 2 июлда Республика герби (тамғаси) қабул қилинган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғида оқ, кўк, яшил ва қизил ранглар ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян маънони англатишга хизмат қилади. Оқ ранг қизил ранг билан ҳошияланган. Республика байроғида юрт тарихи, ўзбек халқининг миллий руҳи ва юрт табиатининг жамоли акс эттирилган. Байроқнинг чап томони юқорида қисмида ярим ой ва ўн икки юлдузнинг тасвири туширилган. Кўк ранг ва юлдузлар тасвири тиниқ, мовий осмон белгисидир. Ўртадаги оқ ранг эса ёруғ кун ва покиза, оқ кўнгилли ўзбек халқининг тилаги, қизил ҳошиялар эса томирларда жўш ураётган қон каби тириклик ва ҳаёт рамзидир. Яшил ранг эса қадим-қадимдан табиат белгиси, ой (янги ой) рамзининг берилиши мустақиллик шароитида ҳаёт кечириш халқимиз учун ўзига хос янги давр эканлигининг ифодасидир. Юлдузлар сонининг ўн иккиталиги йил ойлари, мучал ҳисобига нисбатдир. Умуман, юлдузлар қадимданок абадиёт тимсоли сифатида қадрланиб келинган. ХВЙИИ асрдан бошлаб эса, буюк интилиш ҳамда улуғ ғояларнинг ифодаси сифатида талқин этила бошланган.

Республика миллий байроғининг ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган. Миллий байроқ ва унинг моҳияти тўғрисидаги маълумотларни ўқувчиларга етказиш синф соатларида, шунингдек, тарбиявий тадбирларни ўтказиш чоғида амалга оширилади.

Байроқ давлат мустақиллигининг белгисигина бўлмай, у Ўзбекистон Республикаси номини халқаро майдонда рамзий равишда ифода этиш учун хизмат қилади. Давлат байроғи Президентлик аппарати, Республика Олий Мажлиси ва ҳукумати, қорақалпоғистон Республикаси Жўқориғи Кенгеши ва ҳукумати, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, турли давлатларда Республика номидан иш олиб борувчи Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхоналари биноларида кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик меҳмонлар Республика байроғини хурмат қилишлари шарт. Давлат байроғига нисбатан хурматсизлик қонун йўли билан жазоланади.

Давлат рамзларининг яна бири – бу Давлат герби (тамғаси)дир. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг қабул қилиниши «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонун қоялари ҳамда ўзбек халқининг минг йиллик бой тажрибасига асосан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида тоғлар, дарёлар, буғдой бошоқлари (чап томонда), очилган ғўза шоҳларининг (ўнг томонда) гулчамбар ҳолидаги тасвири акс эттирилган. Герб ўртасида серкуч юрт рамзи бўлган куч ўзининг заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юқоридаги қисмида Республика мустақиллигининг рамзи сифатида саккиз бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой (янги ой – янги тузум) ва юлдузлар (абодият тимсоли) жойлаштирилгандир. Гербнинг марказида бахт ва эркесварлик рамзи бўлган кумуш рангли Хумо қуши қанотларини ёзиб турган ҳолда тасвирланган. Хумо қуши инсонга бахт келтирувчи, уни турли офатлардан ҳимоя қилувчи, меҳрибон жонзот сифатида ўзбек халқ оғзаки ижодида кенг талқин этиб келинган. Гербнинг пастки марказий қисмида Давлат байроғи рангларидаги чамбар лента ўзагида «Ўзбекистон» сўзи ёзилган. Гербда ифода этилган саккиз қиррали бурчак – масаммандир. Ушбу белги ижтимоий ҳаётнинг маълум бир қоя, куч бирлаштиради деган қояни аңлатишга хизмат қилади. Пахта ва буғдой бошоқларининг тасвири ризқурўзнинг нишонасидир.

Давлат гербининг ҳуқуқий мақоми ҳам махсус қонун билан ҳимояланади. Давлат гербидан фойдаланиш ҳуқуқи махсус давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларига берилган бўлиб, уларга Ўзбекистон Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг маҳаллий идоралари, вазирликлар, давлат қўмиталари, барча тоифадаги судлар, прокуратура, дипломатик ва консуллик ваколатхоналари киради.

Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрлар, хужжатларнинг бланкалари ва улардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда йўқотиш тартиби Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус хужжати асосида тартибга солинган.

Давлат гербининг тасвири, шунингдек, фуқаролик паспорти, корхона, ташкилот, муассасаларнинг иш қоғозлари, муҳрларида ўз аксини топган. Республика фуқароси шахс сифатида ўз шаъни, ор-номусини қанчалик муқаддас билса, фуқаро сифатида давлат рамзларини шу қадар муқаддас билиши, уни асраш, муҳофаза қилиш учун ўзида масъуллик туйғусини қарор топтириши лозим. Фуқаролик тарбиясини йўлга қўйиш жараёнида давлат рамзларидан ноқонуний ҳамда ахлоқсиз равишда фойдаланаётган кимсаларга нисбатан мурасимсиз бўлиш лозимлигини уқтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» номли асарида шундай ёзади: «Ўзбекистонни

янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик»¹.

Фуқаролик тарбиясининг асосларидан бири миллат, халқ ўтмишини ўрганиш орқали миллий ўзликни англаш туйғусини қарор топтириш саналади.

Шахс ҳам, жамият ҳам ўтмишни ўрганиш, унинг ҳар бир босқичини таҳлил қилиш асосида келгуси ҳаёт режасини ишлаб чиқади.

Ўтмиш мутафаккирларининг қарашлари, бой маънавий мерос ғоялари бугунги авлод учун дастуриламал бўлиши лозим.

Алломалар, халқ қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиш, миллат ва шахсга инсон сифатида ким эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Миллий қадриятлар ғояларини ўрганиш асрлар давомида ардоқланиб келган анъана, урф-одат, маросимлар миллатни бу қадар жипслашганлиги сиридан воқиф этади. Фуқаролик тарбияси негизида халқ ўтмиши, тарихини ўрганиш миллий қадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятга ўқувчиларни жалб этиш ижтимоий мақсадни амалга оширишга йўналтирилган йўл саналади.

Ўқувчиларни ҳақиқий фуқаро этиб тарбиялаш, уларда фуқаролик туйғусини қарор топтириш, фидоий, ватанпарвар фуқаро сифатида тарбиялаш эвазига таъминланади.

Ёш авлодда фуқаролик ҳисси ва эътиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий, хулқий одатлар ва кўникмаларни шакллантириб бўлмайди.

Фуқаролик туйғусини қарор топтириш мураккаб жараён. Бунда дастлаб ўқувчиларга фуқароликнинг моҳияти ва меъёрий қоидалар мазмунига оид билимлар берилади. Аввало, ўқувчига фуқаролик одоби ва маданияти ҳақида тушунчалар берилади, бу хилдаги хатти-ҳаракатларга оид намуналар келтирилади, сўнгра фаолият уюштирилади. Ана шу асосида уларда фуқаролик тушунчаси шаклланади ва фуқаролик хулқий одатлари ҳосил қилинади.

Бадий ва илмий адабиётлар, матбуот янгиликлари, кинофильм, спектакл ғоялари, турли суҳбатлар мазмунини тушунтириш, тарғиб этиб бориш орқали ўқувчилар онгига фуқаролик тушунчалари сингдирилади. Фуқаролик туйғусини болаларда мактабгача таълим ёшидан бошлаб ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун «Республика байроғида нималар акс эттирилган?», «Республика гербида нималар тасвирланган?», «Ҳимо куши тасвири қандай маънони англатади?», «Сен Давлат мадҳиясини биласанми?» каби мавзуларда суҳбатлашиш муҳимдир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ыз исти=лол ва тара==иёт йыли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992. – 65-бет.

Ўқувчига фуқаро сифатида ўз хулқ-атвори мазмунини таҳлил этиш имконини бериш лозим. Яъни, «Бугун халқ фаровонли, Ватан тараққиёти учун нима қила олдим?», «Зиммамдаги бурчни қандай адо этдим?» тарзидаги саволларга жавоб топишга ўргатиш керак.

Ёш авлодга турли фанлар асосларини чуқур ўзлаштириш уларнинг тафаккури ва дунёқарашини бойитишга, шунингдек, фуқаро сифатида ўз мажбуриятларини тўлақонли англашлари учун имконият яратишини тушунтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Фидойилик, интилувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, қатъият, матонат, уюшқоқлик каби хислатлар ўқувчиларда фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнида тарбияланади.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги тақозо этилади. Булар:

1) ўқув юртида ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёни юксак даражада уюштирилиши керак;

2) фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнининг муваффақияти ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ;

3) тарбиявий ишнинг режали, узлуксиз, тизимли бўлишига эришиш;

4) оила, мактаб ва маҳалла ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг юзага келиши фуқаролик тарбиясининг муваффақиятини таъминлайди;

5) ўқувчиларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, умумий тартибга қатъий риоя этишга ўргатиш, зиммасидаги бурчни тўлақонли адо этишларига эътиборни қаратиш.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этишда суҳбат, мунозара, маъруза, баҳслардан фойдаланиш, машқ, тест, анкета саволларга жавоблар олиш кутилган натижани қўлга киритишга имкон беради.

Фуқаролик тарбиясида унинг натижасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқувчининг тарбияланганлик даражаси асос қилиб олинади. Ушбу мақсадда диагностик (ташҳис қўйиш), статистик ва қиёсий таҳлил таҳлилни олиб бориш лозим.

Ижтимоий фуқаролик тарбиясининг ташкил этилиши натижасида камол топган фуқаро ўзида қуйидаги сифатларни намоён эта олиши лозим:

- фуқаролик бурчини бажара олиш (ўз Ватани, халқи, ота-онаси олдидаги мажбуриятни ҳис эта олиш) қобилиятига эгалик;

- миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусига эга бўлиш;

- давлат Конституцияси, давлат ҳокимияти органлари, мамлакат Президенти ҳамда давлат рамзлари (герб, байроқ ва мадҳия)га нисбатан ҳурматда бўлиш;

- мамлакат тақдири ва истиқболи учун жавобгарлик, масъуллик;

- ижтимоий ҳуқуқий ҳамда ахлоқий меъёрларга нисбатан ҳурмат ва итоатда бўлиш;

- мамлакат миллий бойликларини асраш, уларни кўпайтириш ҳақида қайғуриш;

- давлат тили, миллий маданият ва анъаналарга содиқ, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш;

- ижтимоий фаоллик;
- демократик тамойилларга амал қилиш;
- табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулиятли муносабатда бўлиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш;
- ҳуқуқий онг ва фуқаролик маданиятига эга бўлиш;
- тўғрисиқ, адолатли, мурувватли, меҳрибон бўлиш;
- ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатига нисбатан масъулиятли бўлиш;
- байналминаллик, ўзга мамлакатларнинг халқларига нисбатан ҳурматда бўлиш ва бошқалар.

Ватанпарварлик ва байналминаллик – фуқаролик тарбиясининг асослари. Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнида шахсда ватанпарварлик (лотинча «патриотес» – ватандош, «патрис» – ватан, юрт) туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бинобарин, фуқаро муайян давлатнинг аъзоси сифатида унинг шаъни, обрў-эътиборини таъминлаши, унинг манфаатлари учун кураша олиши зарур.

«Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради, Ватан тушунчаси кен ва тор маънода қўлланилади. Бир халқ вакиллари жумулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир»¹.

Ватанпарварлик шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истиқболга бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат саналади.

«Ватанпарварлик – ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боқлаган барча кишиларга хос фазилат. Миллат тараққиётининг имкониятлари, шон-шухрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилар ватанпарварлик туйсусининг даражаси билан боғлиқдир»².

Ватанпарвар шахс қиёфасида қуйидаги сифатлар намоён бўлади:

1. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, унга садоқат.
2. Ўзи мансуб бўлган миллат ўтмиши, урф-одатлари, анъаналари ва кадриятларига содиқлик.
3. Ватан ва миллат тарихидан ғурурланиш.
4. Юртнинг моддий, шунингдек, миллат томонидан яратилган маънавий бойликларини асраш, уларни кўпайтириш борасида ғамхурлик қилиш.
5. Ватан равнақи ва миллат тараққиёти йўлида меҳнат қилиш.

¹ Иброҳимов А., Султонов Х., Жыраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 139-бет.

² Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент, Университет, 1998. – 148-бет.

6. Ватан озодлиги ва миллат эркига қилинаётган ҳар қандай таҳдидга қарши курашиш.

7. Ватан ва миллат обрўи, шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш.

8. Ватан раўнақи ва миллат тараққиётига нисбатан ишончга эга бўлиши.

Ватанпарвар шахс ўз ватанини унинг бойликлари ёки ватанининг қулай географик ҳудудда жойлашганлиги учун эмас, балки, ўзи унинг бир бўлаги, ўзи мансуб бўлган миллатнинг эса унда истикомат қилиши учун қадрлай олиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ватанпарварлик, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига кенг ўрин берилган. Хусусан: «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги бу қайта ўзгариш йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ерига, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жиқлаштирувчи асоси ҳисобланади»¹.

Эрка интилиш, озод яшашга бўлган эҳтиёж инсонга хос бўлган туйғудир. Инсон ўз ватанидагина озод ва эркин яшай олади. Шу боис ватан озодлиги учун курашиш масаласи қадим-қадимдан алломаларнинг асарлари ҳамда эзгу ғояларни ифода этувчи таълимотларнинг бош мавзуси бўлиб келган. Чунончи, Ҳадиси Шарифда ватанни севиш иймондан эканлиги таъкидланади.

Алишер Навоий қуйидаги мисраларда ватандан айрилиш инсон учун оғир жудолик эканлигига уруғ беради:

ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Алломанинг фикрларини ривожлантирган ҳолда ватандан жудо бўлиш оғир жудоликкина эмас, балки «юзи қаролик» эканлигини Заҳириддин Муҳаммад Бобур қуйидагича ифодалаган эди:

Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишниқи, айладим - хатолик бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Абдулла Авлоний ўз асарларида «ватан» тушунчасига таъриф бериб, унинг раўнақи учун курашиш ватанпарвар инсонга хос хусусият эканлиги қуйидагича қайд этади: «Ҳар бир кишининг туғулуб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсгон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси – туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас. ...

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ыз исти=лол ва тара==иёт йыли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992. – 76-бет.

Биз туркустонликлар вэ ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби. Араблар Арабистонларини, кумлик, иссиқ чўлларини, эскумулар шамол тарафларини, энг совуқ ва музлик ерларини бошқа ердлардан зиёд суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб хижрат қилур эди»¹.

Инсон ўзи туғилиб ўсган ватанда орзу-умидлари, ниятлари, ҳаётий интилишлари билан ўзига яқин бўлган кишилар даврасида бўлади, ўзи кўниккан турмуш тарзи бўйича кун кечиради, болаликдан ўзи кўниккан ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этади, ҳаётининг бир қисмига айланган тилда сўзлашади ва у шу муҳитдагина ўзини эркин ҳис қилади. Бегона юртларда у ўзига таниш бўлган, ўзи кўниккан муҳитни топа олмайди. Шу боис гарчи иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатга сафар уюштирган бўлса-да, ўз юртини тезда соғинади.

Байналминаллик («интер» – орасида, ўртасида, аро, «натио» – халқ) ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-хуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили ҳамда виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилатлардан биридир.

Ўқувчилар ўртасида ватанпарварлик ва байналминаллик тарбияси уларга оид мавзуларда суҳбат, давра суҳбати, матбуот конференцияси, викторина, учрашув, кўрик-танлов, баҳс-мунозаралар ташкил этиш каби шаклларда амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, музейларга экскурсиялар уюштириш, ватанпарварлик ва байналминаллик мавзуларида яратилган асарлар мазмунини биргаликда ўрганиш, кинофильмлар томоша қилиш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради.

Ўқувчиларда байналминаллик туйғусини шакллантиришда таълим муассасалари қошида фаолият юритувчи «Дўстлик клуби»нинг таъсири каттадир. Бинобарин, турли миллатларга мансуб болалар ўртасида дўстлик алоқаларининг боғланиши уларда бир-бирларига нисбатан ҳурматни қарор топтирибгина қолмай, ўзга миллат ёки элатларнинг урф-одатлари, анъаналари, тили, маданияти ва қадриятларини пухта ўрганишга кўмаклашади. Бу борадаги билимлар эса уларда шовинистик (миллатчилик) кайфиятининг шаклланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, ўқувчиларни Республика Байналминал маркази ёки жойлардаги Миллий-маданий Марказларнинг фаолияти билан яқиндан таништириш, айна вақтда республика ҳудудида турли миллат ва элат вакилларини бирлаштирувчи 138 та Миллий-маданий марказлар фаолият юритаётгани тўғрисида маълумотлар бериб, улар томонидан уюштирилаётган тадбирларга ўқувчиларни фаол жалб этиш ҳам ижобий натижаларни беради.

Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлигида ҳарбий ватанпарварлик ғоясини тарғиб этувчи «Ватанпарвар» ўйинлари, мусобақаларининг

¹ Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёшуд ахлоқ. – Тошкент, Ё=итувчи, 1992, - 230-бет.

Ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларни ижтимоий-ғоявий, маънавий-ахлоқий, психологик-иродавий, жисмоний ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этиш улар томонидан Ватанни ҳимоя қилиш дек муқаддас бурчни англашларига ёрдам беради.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсади ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат бўлиб, мазкур жараёнда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1) ўқувчиларга фуқаро мудофааси ҳамда ҳарбий билим асосларини бўйича дастлабки назарий билимларни бериш ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;

2) ўқувчиларни миллий мустақиллик, Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилиши ҳамда конституциявий тузумига қарши уюштирилувчи таҳдидларнинг олдини олишга тайёрлаш;

3) ўқувчиларда ғоявий онглиликни тарбиялаш асосида уларда терроризм ва диний экстремистик ғояларга қарши нафрат туйғусини тарбиялаш;

4) ўқувчиларнинг Ватан ҳимоясини таъминлаш борасидаги ҳарбий-техник тайёргарликка эга бўлишлари учун зарур шарт-шароитни яратиш;

5) ўқувчиларда фавқулотда вазиятларда тегишли чора-тадбирларни кўра олиш, шунингдек, қуроли хуружлардан ҳимояланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

6) уларда ҳушёрликни ошириш ва ҳоказолар.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишда таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўртасида БХТ (бошланғич ҳарбий таълим ўқув фани) бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни намойиш этиш имконини берувчи мусобақанинг ташкил этилиши бу борада ижобий натижа бера олади. Ўқитувчи раҳбарлигида «Шон-шухрат» музейларига уюштирилувчи экскурсиялар ҳам ўқувчиларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Ҳуқуқий тарбия. Ҳуқуқий тарбия ўқувчилар ўртасида фуқаролик тарбиясини ташкил этишда ўзига хос ўрин тутади. 1993 йил март ойида эълон қилинган "Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси"да қайд этилганидек: "Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари Конституцияни, давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи, фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат қонунларини юксак даражада ҳурмат қилиш, уларга сўзсиз риоя этиш, адлиявий билимларни эгаллашга эҳтиёж сезиш, тартиб ва интизомни бузувчиларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш, халқаро ҳуқуқнинг аҳамиятга молик масалалари, халқаро ташкилотлар (БМТ, Хавфсизлик

Кенгаши ва ҳоказо) фаолияти ҳақида ўқувчиларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан иборатдир¹.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" ғоялари жамият ва шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уни ривожлантириш борасида қимматли назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш гарови ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий таълим ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

Ҳуқуқий тарбия шахс томонидан ўзлаштирилган назарий-ҳуқуқий билимлар негизида ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, унда ижобий мазмундаги ҳуқуқий сифатларни қарор топтириш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён ҳисобланади. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнини муҳим босқичидир.

Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш;

- ўқувчиларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни қарор топтиришга эришиш;

- ўқувчиларда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

- уларда ижобий мазмундаги ҳуқуқий сифатлар (ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий эътиқод ва ҳуқуқий салоҳият)нинг қарор топишини таъминлаш;

- ўқувчилар ҳуқуқий маданияти (ҳуқуқий меъёрлар, қонунларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тўғри баҳолаш, ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг қонуний бўлишига эришиш, давлат Конституцияси ва рамзларини, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш, юридик хизматларга нисбатан эҳтиёжни қарор топтириш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз курашни ташкил этиш)ни шакллантириш.

¹ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси. – Маърифат г., 1993, 3 март.

Ҳуқуқий маданият – шахс томонидан ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

- кенг кўламли ижтимоий – ҳуқуқий ахборотли муҳитнинг мавжудлиги;

- шахс ҳуқуқий онгини шакллантириш;

- шахс ҳуқуқий фаолиятини йўлга қўйиш.

Педагогик жараёнда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг самарадорлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланганлиги қуйидаги ҳолатлар билан ўлчанади:

-ўқувчилар томонидан "Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари", "Конституциявий ҳуқуқ" каби ўқув фанларининг ўзлаштирилиш даражаси, яъни, ҳуқуқий билимларнинг муайян даражаси;

- уларнинг умумжамият ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларига амал қилишлари ҳамда мактаб ва бошқа ўқув юртлари ички тартиб-қоидалари, шунингдек, ўқувчилар қоидаларига риоя қилишлари, тартиб-интизомни бузиш ҳолларининг камайганлиги, ўз-ўзини назорат қилиш, хатти-ҳаракатлари моҳиятини онгли таҳлил этиш қобилиятига эга эканликлари – ҳуқуқий онгнинг муайян даражаси;

- ижтимоий-ҳуқуқий фаолликлари (ўқувчилар ўз-ўзини бошқарув органлари, ёшлар уюшмалари, табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолиятини уюштиришдаги иштироклари) – амалий-ҳуқуқий фаолият кўлами.

Ўқувчилардаги қизиқишни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий мазмундаги, хусусан, "Бизнес фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари", "Маиший хизмат турларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий моҳияти", "Олди-сотди муносабатларининг ҳуқуқий-ахлоқий негизлари", "Ёшлар жиноятчилиги ва унинг оқибатлари", "ХХИ асрга наркотикларсиз кадам ташла!", "Сенинг ҳуқуқ ва бурчларинг", "Ёшлар ижтимоий меҳнатини ташкил этиш шартлари", "Никоҳ-муқаддас битим", "Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари", "Терроризм – мудҳиш жиноят", "қонуний ҳаракат ва ҳаракатсизлик нима?" каби мавзуларда маъруза ва семинарлар ташкил этиш, мустақил равишда ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш мақсадида уларни ҳуқуқий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш, жинойий хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари хусусида давра суҳбати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашув ва конференциялар ўтказиш, шунингдек, ҳуқуқий мавзудаги кинофильмлар намойиш этиш ғоят муҳим.

Шахсда ҳуқуқий сифатларни қарор топиши унинг ижтимоий – ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги иштироки даражаси ва сифатига боғлиқ. Доимий равишда, мақсадли тарзда ҳуқуқий муносабатларга киришиш шахсда ҳуқуқий маданият унсурларининг шаклланишига олиб келади. Шу боис жамият мафқураси, ижтимоий тузумда қарор топган ҳуқуқий муносабатлар

мазмунни, унинг ғоялари ўқувчилар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда етакчи ўрин тутди.

Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш даврида ўқувчилар фаолияти мазмунини таҳлил этиш, уларда ўз фаолиятларига нисбатан танқидий ёндошувни қарор топтириш, шунингдек, ўз фаолиятларини реал баҳолашга ўргатиб бориш талаб этилади.

Ўқувчилар "Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари", "Конституциявий ҳуқуқ" ўқув предметлари асосларини ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллий давлат тузилиши, давлат органлари тизими, вакиллик ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва давлат қўмиталари, маҳаллий бошқарув органлари, фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари, қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши каби органлар фаолиятини ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати моҳиятини ўзлаштириш, халқаро ҳуқуқий муносабатларни йўлга қўйилиши тартиби билан танишиб борар эканлар, айти вақтда уларда нафақат ҳуқуқий онг балки сиёсий онг ҳам шаклланади. Зеро, жамият тизими, унинг амал қилиши учун асос бўлган ғоя ва қарашлар ўз навбатида ҳуқуқий ғоя ва қарашларнинг вужудга келишини таъминлайди.

Р.Маҳмудов ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этувчи қисмлар моддий, маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ва бошқа мафкуравий омиллардан иборат эканлигини, демакки, моддий ҳамда маънавий хусусиятга эга бўлган асосий, бир-бирига мувофиқ қисмларни ажратиб кўрсатади¹. Ҳуқуқшунос олимлар Ш.Ўразаев, М.қориевлар эса ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билимларни эгаллаш, ҳуқуқий меъёрларнинг амалиётда ўз исботини топиши ҳамда бошқа муаллифлардан фарқли равишда ҳуқуқнинг обрўси ва қонуннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни билан белгиланишини қайд этиб ўтадилар: "Ҳуқуқий маданият тушунчаси—ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунчиликнинг аҳволи, ҳуқуқнинг обрўси ва шу сингари унсурлардан ташкил топади"¹.

А.Ф.Никитин эса шахс ҳуқуқий маданияти таркибини тушунишга ўзига хос тарзда ёндашади ҳамда шахс ҳуқуқий маданиятини мураккаб психологик ҳодиса деб баҳолайди. У. чунончи, унинг таркибий қисмларини: ҳуқуқий билимлар ва уларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси; қонунга нисбатан шахс муносабати ва ниҳоят шахснинг ҳуқуқий мазмунга эга бўлган вазиятлардаги фаолиятидан иборат"деб таъкидлайди².

Демак, шахс ҳуқуқий маданияти негизида қуйидагилар акс этади:

¹ Маҳмудов Р. Шу=у= ва маданият /З.С.Зарипов ташрири остида. – Тошкент, Ўзбекистон, 1993. –56-бет.

¹ Таджиханов У., Саидов А. Шу=у=ий маданият назарияси. 2-томлик. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998.-182-бет.

² Никитин А. Ответственность несовершеннолетних. – Москва, Просвещение, 1990. – 109-бет.

1) ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизим борасида етарли маълумотга эга бўлиш, ҳуқуқий билим асосларини ўрганиш, уларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишнинг ҳосил бўлиши, эгалланган назарий-ҳуқуқий билимларни амалиётга тадбиқ этиш борасидаги кўникмани шакллантириш ҳамда малакага эга бўлиш;

2) ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларни уюштириш чоғида ўз фаолияти тимсолида ҳуқуқий маданият унсурларини намоён этиш, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий фаолликни юзага келтира олишда кўринади.

Шахс ҳуқуқий маданиятини қуйидаги икки асосий қисмга ажратиш мумкин;

1) ҳуқуқий онг;

2) ҳуқуқий фаолият.

Ҳуқуқий онг – ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, у жамият тараққиётнинг маълум босқичида – давлат, мулк ва мулкӣ муносабатларнинг пайдо бўлиши, аҳолининг кескин суръатда табақалашуви, ҳуқуқ, ҳуқуқий муносабатлар тушунчаларининг пайдо бўлиш жараёнида уларга ёндош тушунча сифатида қўлланилган ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни ташкил этиш чоғида кўзга ташланади.

Ҳуқуқий онг муайян жамиятнинг моддий ҳаёт тарзи билан белгиланадиган тасаввур, идрок, тафаккур ва эътиқодлар тизими бўлиб, ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида мураккаб тузилишга эга.

Ҳуқуқий фаолият ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга қатъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, уларни шахс эркини ҳимоя қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилган амалий хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Шахс ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисмлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади: ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий эътиқод, ҳуқуқий салоҳият.

Назорат учун саволлар:

1. Фуқаро деб кимга айтилади?
2. Фуқаролик тушунчасининг мазмунини шарҳланг.
3. Фуқаролик тарбиясини ташкил қилишдан кўзланган мақсадни шахсий мулоҳазаларингиз асосида баён этинг.
4. Давлат рамзларини билиш ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиш фуқаролик тарбиясини ташкил этишда қандай аҳамиятга эга?
5. Сизнинг фикрингизча, фуқаролик тарбияси қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилиши керак?
6. Ватанпарварлик нима ва шахсда ватанпарварлик хислати қандай шакллантирилади?

7. Байналминаллик тарбиясининг моҳияти нимадан иборат?
8. Ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий моҳиятини очиб беринг.

Тест топшириқлари:

1. Фуқаролик тарбиясининг мақсади нимадан иборат?
 - а) фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англантиш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият учун фидойий инсонлар этиб тарбиялаш;
 - в) комил инсон ва малакали мутахассисни тарбиялаш;
 - с) етуқ ақлий салоҳиятга эга шахсни тарбиялаш;
 - д) техник ижодкорлик лаёқатига эга шахсни тарбиялаш;
 - е) ҳарбий-ватанпарварлик туйғусига эга инсонни тарбиялаш.
2. Ватанпарварлик нима?
 - а) ватанга хизмат қилиш;
 - в) ватан равнақи учун курашиш;
 - с) ватан тавнақи ва миллат тараққиётига ишонч;
 - д) шахсга хос бўлган юксак фазилат бўлиб, ватанга бўлган муҳаббат, ўзи мансуб бўлган миллат ҳамда ватан тарихидан ғурурланиш, бугуни тўғрисидаги қайғуриш ҳамда истиқболига бўлган ишончга эгалик;
 - е) барча жавоблар тўғри.

Адабиётлар:

1. Педагогика ғўқув қўлланмаси. А.Мунавваров таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
2. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси. - Маърифат г., 1993 йил, 3 март.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
4. Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. – Тошкент, Адолат, 1995.
5. Маҳмудов Р. Ҳуқуқ ва маданият ғЗ.С.Зарипов таҳрири остида. – Тошкент, Ўзбекистон, 1993.
6. Никитин А. Ответственность несовершеннолетних. – Москва, Просвещение, 1990.
7. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томлик. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998.
8. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент, Университет, 1998.

МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Меҳнат тарбиясининг моҳияти, мақсад ва вазифалари. Меҳнат тарбияси ўқувчиларга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англашти, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни бўлиб, ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Меҳнат тарбиясини шундай ташкил этиш керакки, инсон меҳнат жараёни ва унинг натижасидан қаноатланишини таркиб топтиришга кўмаклашсин. Меҳнат тарбиясининг провард мақсади шахс характерининг асосий хислати сифатида унинг меҳнатга бўлган эҳтиёжини шакллантиришдир.

Ўқувчиларнинг ижтимоий ривожланишини таъминлашда меҳнат тарбияси муҳим шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий сиёсат мазмуни билан белгиланади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришнинг асосий тамойиллари жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг асоси саналади.

Ҳозирги даврда техника ва технологиялар ривожланишини юксак босқичга кўтариш учун ишлаб чиқаришни кенг кўламда компютерлаштириш, истеъмол маҳсулотларини жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқишни йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Буларнинг барчаси юксак интеллектуал ва жисмоний камолотга эга бўлиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг илмий-техникавий ва иқтисодий асосларидан тўлақонли хабардор бўлиш, меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўладиган ёшларни тарбиялашни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, таълим муассасаларида меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишга нисбатан улкан талабларни қўяди.

Меҳнат тарбиясининг мақсади ўқувчиларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантиришдир. Мазкур мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

- ёш авлодда меҳнат қилиш истагини қарор топтириш ва уларни замонавий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият юритишга тайёрлаш;
- ўқувчиларда умумжамиат манфаати йўлида меҳнат қилиш эҳтиёжини ҳосил қилиш;
- уларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг мавжуд билимларини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришлари учун зарур шарт-шароитни яратиш;
- уларда меҳнат кўникма ва малакаларини таркиб топтириш;
- ўқувчилар фаолиятида юқори маданият, мақсадга интилиш, ташкилотчилик, меҳнат интизоми, тадбиркорлик, тежамкорлик, ишни сифатли бажариш, моддий бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ҳаётий фаолият йўналишини белгилаш малакаларини шакллантириш;

- ўқувчиларда давлат иқтисодий сиёсати мазмунига таянган ҳолда улар яшаб турган ҳудудлар ишлаб чиқариш хусусиятларига мувофиқ касбларни эгаллашга бўлган қизиқишни ошириш;

- ўқувчиларни касбга йўллаш, уларни меҳнат фаолиятининг барча турлари, шунингдек, улар яшаётган ҳудудда эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар билан таништириш.

Мазкур вазифалар тизимида ўқувчиларни меҳнатга психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлаш уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш орқали амалга оширилади.

Меҳнат тарбияси ўқувчиларнинг ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний ва эстетик тарбияси билан ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизимда амалга оширилади. Чунончи:

1. Ақлий тарбия ўқувчилар меҳнат тарбияси, уларни касбга тайёрлашнинг асоси саналади. Зеро, меҳнат – назарий ва амалий билимларни эгаллашга ёрдам беради, билим эса ўз навбатида шахсни меҳнатга тайёрлашни такомиллаштиради. Меҳнат тарбиясининг самарадорлиги ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш вазифаси билан белгиланади.

2. Меҳнат тарбияси ахлоқий тарбиянинг асосий воситаси ҳисобланади. Чунки меҳнат фаолияти ёрдамида ўқувчида меҳнатсеварлик, интизомлилик, иродалилик, ташаббускорлик, мустақил ҳаракат қилиш каби ахлоқий хислатлар ҳам шаклланади.

3. Меҳнат тарбияси эстетик тарбия билан мустаҳкам алоқада олиб борилади. Меҳнат тарбияси мазмунига эстетик элементларни сингдириш асосида уни амалга ошириш ўқувчилар меҳнат тарбиясида катта аҳамият касб этади. Меҳнатда гўзаллик ва ўз меҳнатида завқланиш унинг янада самарали кечишига ёрдам беради.

4. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» риволасида миллий истиқлол мафкурасининг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳақида фикр юритилар экан: «Миллий истиқлол мафкураси ўз моҳиятига кўра, ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаёт кечиришга чорлайди. Ҳар бир инсонни, у қайси шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланмасин, шахсий манфаатларини халқ ва ватан манфаати билан ўзаро уйғунлаштириб яшашга ундайди. ... Ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги – бутун жамиятнинг фаровонлигидир, ғоясини илгари суради»¹, - деб таъкидланиши ҳам бежиз эмс.

Юқоридагиларга асосланиб, ўқувчилар меҳнат тарбиясида қуйидаги мезонларни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Булар:

- ўқувчилар томонидан меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини тушунилиши;

- уларнинг ихтиёрий равишда меҳнат қилишлари;

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000.

- уларда меҳнат қилмай ҳаёт кечирувчиларга нисбатан нафрат уйғотиш;
- ўқувчиларда меҳнат ва меҳнат аҳлига ҳурмат туйғуларини қарор топтириш;
- уларда меҳнатда жавобгарликни ҳис этиш туйғусини тарбиялаш;
- уларнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлишларига эришиш;
- меҳнатда ижодкорликни қўллаб-қувватлаш;
- ўқувчиларда жамият ва умумхалқ мулкани кўз қорачиғидай асраш туйғуларини шакллантириш;
- меҳнатда дўстлик, ўртоқлик ва ҳамкорликка эришиш;
- ўқувчиларнинг меҳнатни гўзаллик манбаи сифатида тушунишларига эришиш ва бошқалар.

Юқоридаги мезонлар асосида ўқувчиларни бўлғуси касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини барча таълим-тарбия ишларини мустаҳкам алоқада, ҳозирги замон талабларига мос ҳолда олиб бориш тақозо этилади.

Шарқ мутафаккирлари меҳнат тарбияси ҳақида. Таълим-тарбия тарихига назар ташлар эканмиз, дастлабки халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, буюк мутафаккирлар ижодигача ёшларни меҳнатсевар бўлиб етишиши, касб-ҳунар ўрганиш, меҳнат аҳлини ҳурмат қилиш ҳамда меҳнат инсонни улуғлаш масалаларига алоҳида эътибор берилганлигига гувоҳ бўламиз.

Буни биз турли даврларда яратилган таълимий-ахлоқий асарлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари топишмоқ, халқ кўшиқлари, масал, мақол, эртақ ва дostonларда меҳнат ва касб-ҳунар одоби, ахлоқи ва қоидаларини ўзлаштириш муҳим ҳаётий зарур эканлиги таъкидланади.

Бундан ташқари «Авесто», Кайковуснинг «қобуснома», Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Геодезия», «Минерология», Маҳмуд қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «кутадғу билиг», Алишер Навоийнинг бир қатор асарлари ва шу каби маърифий мерос намуналарида меҳнатсеварлик, касб-ҳунарнинг аҳамияти ҳақида муҳим фикрлар баён этилган. Булар дастлабки халқ оғзаки ижоди намуналаридаги халқ эпослари, эртақ, мақол ва топишмоқлардан бошланган.

Мана шундай эртақлардан бири «Ақл ва бойлик» эртагидир. Бунда чол тўрт ўғлига қарата «Ким ақлли ва давлатманд бўлса, ўша оила бошлиғи бўлиб қолади», деган сўзларига ўғилларидан бири зумрад кўзли олтин узуги, иккинчиси зарбоф чопонини, учинчиси эса қимматбаҳо камарини кўрсатади.

Кенжа ўғил эса отасининг саволига «Менда зумрад кўзли узук ҳам, зарбоф чопон ҳам, қимматбаҳо камар ҳам йўқ. Лекин меҳнаткаш қўлим, ботир юрагим, ақлли бошим бор», - дейди ва отаси уни оила бошлиғи қилиб, уй-рўзғорини мерос қолдиради.

Кўриниб турибдики, халқ бу эртақ воситасида ёшларга инсонни ҳаётда бахтли қила оладиган нарса қ меҳнат деган ғояни илгари сурган.

Фақат эртақларда эмас, халқ мақолларида ҳам меҳнатсеварлик, меҳнатда ҳамкорлик, меҳнатнинг инсонни бахтли-саодатли қилиши ифодаланган. Маслан:

Дарё сувини баҳор тоширар,
Инсон қадрини меҳнат оширар.

Олтин ўтда билинар,
Одам меҳнатда.

Меҳнатда дўст ортар,
ғийбатдан душман.

каби мақоллар шулар жумласидандир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «қутадғу билиг» асарида эса шаҳар ва қишлоқ халқини ижтимоий табақаларга ажратиб, деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар, олимлар, табиблар ва бошқалар ҳақида сўзлаб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади. Турли касблар, айниқса, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачиликка оид фикрларини баён этади. У деҳқон, ҳунарманд ва чорвадорларни жамиятнинг моддий бойликларини яратувчи сифатида таърифлайди.

Масалан, аллома деҳқонлар ҳақида:

... қалуғ тебранурка булардан асўғ,
Тузук тэбир йэ ичимдан татўғ.

(Ҳамма қимирлаган жонга булардан манфаат (бўлади),
Ҳаммасига ейим (ва) ичимдан ҳаловат етади)¹.

Деб деҳқонлар меҳнатини улуғлаш билан бирга, ҳунармандлар ҳақида ҳам «жуда зарур кишилардир ... темирчи, тикувчи, этикдўз, сувчи, эгарчи, тошчи, ўқчи, камончиларнинг фойдаси катта. Уларни санай бериб кўзим узайиб кетди. ... Бу дунёга улар яхшилик келтирадилар, Улар жуда кўп ажойиб нарсаларни ишлайдилар», - деб ўзининг хайрихоҳлигини баён этади ва ҳукмрон доираларга меҳнаткашлар билан муносабатда бўлиш шартлари хусусида ўз тавсияларини баён қилади.

Деҳқонларга нисбатан:

Буларга қатилғил, қарилғил ўзун
Тилин йўқши созла, ачуқ тут йузун.
(Ўзинг булар билан аралашгин, қўшилгин,
Тилда яхши сўзла, юзингни очиқ тут).

Ҳунармандларга нисбатан:

Кераклик кишилар йэма бу сэна,
Йўқўн тут буларўғ тосулғай тона.
(Булар ҳам сенга керакли кишилардир,

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. +утаду били\ (Саодатга йылловчи билим) //Нашрга тайёрловчи +.Каримов. – Тошкент, Фан, 1971. 659-бет.

Буларни яқин тут, фойдаси тегади (эй) баҳодир)¹.

Чорвадорларни ҳам ҳақиқий меҳнаткаш инсон сифатида улуғлаб:
қатўлғил, қарўлғўл, йэтур ҳам ичур,
Кўнчилик узала тириғлик кэчур.
Неку қулса бэргил, кэрэк бўлса ал,
Кўни кўрдим ушбу қуту билмас ал.
(Аралашгин, қўшилгин, едир ҳам ичир,
Тўғрилиқ ичра тирикчилик кечир.
Нима сўраса бергил, керак бўлса ол
Чиндан кўрдим ушбу одамлар
Ҳийла-найрангни билмайди(лар)².

Юсуф Хос Ҳожибнинг меҳнат аҳли ҳақидаги бу фикрлари ҳақиқатан ҳам уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни англатади. Юсуф Хос Ҳожибнинг меҳнат тарбиясига оид прогрессив қарашлари тарбиявий жиҳатдан диққатга сазовордир.

ХВ асарнинг йирик мутафаккири Алишер Навоийнинг меҳнаткаш инсонни улуғловчи, меҳнат тарбияси ҳақидаги фикрлари «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Маҳбуб-ул қулуб» асарлари ҳам мавжуд.

Алишер Навоийнинг ҳақиқий инсон учун энг яхши фазилатлардан бири меҳнатсеварлик деб кўрсатади. У «Ҳайратул аброр»нинг бешинчи мақолатида кишиларнинг саховатиға кўз тикишдан кўра ўз қўли билан ҳаёт кечириш улуғроқ ва олийжаноброқ эканлигини «Ҳотам Тойи»³ ҳикоятида келтиради.

Ҳотам Тойи бир куни қўй-қўзилар сўйдириб, халққа катта зиёфат беради. Сўнг бироз дам олиш учун далага чиқади. Унга елкасида ўтин кўтариб келаётган бир чол учрайди. Ҳотам Тойи унга «Даштда юриб беҳабар қолгандирсан, ташла бу оғир юкни, Ҳотам ўйига бориб зиёфаида иззат кўргил», - дейди. Шунда чол кулиб: «Эй, оёғига ҳирс банд солган, ғайрат водийсига қадам урмаган киши, сен ҳам бу тикан меҳнатиғни чеккин ва Ҳотамнинг миннатидан қутулгин», - деб жавоб қилади.

Ҳотам Тойи чолнинг бу сўзларига тан беради ва ҳалол меҳнат билан кун кечириши унинг ҳимматидан баланд эканлигини англайди.

Алишер Навоий меҳнатнинг инсонни гўзаллаштириши, фақат меҳнат туфайлиғина инсоннинг камол топиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу мақсадда у қатор меҳнатсевар бадиий образларни яратади. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонининг асосий қаҳрамони Фарҳод ана шундай қаҳрамонлар жумласидандир.

Фарҳод Арманистон ўлкасига қадам қўйганда, ўз юртида қорандан ўрганган тош йўниш хунарини ишлатиб, оғир меҳнатдан эзилган халққа

¹ Ыша китоб, 666-667-бетлар.

² Ыша асар, 664-665-бетлар.

³ Навоий, Алишер. Хамса. –Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, - 70-71-бетлар.

ёрдам беради. Ўз хунари, меҳнати туфайли бир томондан халқнинг оғир меҳнатини енгиллаштирган бўлса, иккинчи томондан севгилиси Шириннинг хурматиغا сазовор бўлади.

Фарҳоднинг меҳнатсевар ва ижодкорлигидан илҳомланган Алишер Навоий ўз достонининг иккинчи номини «Меҳмоннома» деб атайти.

Меҳнатга муҳаббат, ижодкорлик достоннинг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарида эса турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётидаги ўрнини белгилайди, фазилат ва нуқсонларини кўрсатади. Дехқонлар тўғрисида фикр юритар экан, «Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. ... Олам маъмурлиғи алардин ва олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаёнки, қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот»¹, - деб дехқонларни, яъни, меҳнаткаш инсонни улуғлайди. Шу билан бирга шоир бу асарида текинхўрларни, ножўя иш тутувчи кишиларни, очкўз ва таъмагирларни, меҳнат қилмай ҳаёт кечирувчи шахсларни танқид қилади.

Маърифатпарвар шоир Фурқат ҳам ўзининг маърифий шеърларида илм, ҳунар ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ҳунар эгаллашга даъват этади, ҳунарга меҳр кўйган, уни ўрганишни даъват этган кишининг жаҳонда қадри баланд бўлажагини уқтиради.

Педагог-шоир Ҳ.Ҳ.Ниёзий эса мактаб ёшларни илмли, одобли қилиб тарбиялаши ва ҳунарга ўргатиши керак, - деб таъкидлаган экан, ёшлар маънавий фазилатларининг шаклланишида меҳнатнинг ролини юқори баҳолайди. Шеърларида болаларни ота-оналарининг меҳнати қадрига етишга ундайти.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ёшлиқда илм олишнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, «Ўқи», «Китоб», «қалам» каби шеърларида илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмаслиги тўғрисидаги ғояни илгари суради.

У ёшларга келажакда ўз орзуларига етишиш, илм-фанни эгаллаш учун ёшлиқдан меҳнат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Юқоридаги фикрлар ўқувчи-ёшларнинг меҳнат тарбиясида муҳим восита саналади.

Меҳнат тарбиясининг мазмуни, шакл ва методлари. Меҳнат тарбиясини ташкил этиш жараёнида ўқувчилар дастлаб ишлаб чиқариш жараёнларининг илмий асослари билан танишадилар.

Меҳнат тарбияси мақсадга мувофиқ, тизимли, изчил ташкил этилади. Меҳнат таълими синф хоналари, ўқув-тажриба майдони, машина-трактор саройи, ўқув-тарбиявий тадбирлар жараёни, ишлаб чиқариш корхоналари ва хўжаликларнинг далаларда олиб борилади.

¹ Навоий, Алишер. Асарлар. Ын беш томлик. Учинчи нашр. – Тошкент, /./улом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1977, - 29-30-бетлар.

Натижада маълум қийматга эга бўлган ижтимоий-фойдали маҳсулотлар яратилади ҳамда илғор касб соҳибларига хос бўлган шахслик фазилатлари шаклланади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда бугунги кунда меҳнат таълимининг мазмуни, мақсад ва вазифалари ўзгарди, технологик таълим устуворлик касб этди, ўқувчиларни касбга йўналтириш тизими янгиланди. Меҳнатни илмий ташкил этишнинг биринчи дарсини ҳам ўқувчи таълим жараёнида олади.

Меҳнат тарбияси билан меҳнат таълими бир-бири билан ўзаро боғланган. Меҳнат фаолияти маълум билимга эга бўлишни талаб этади. Зеро, билим ва кўникмалар ўқувчини меҳнат фаолиятига тайёрлайди.

Таълим жараёнида олган билимларини амалиётда синаб кўрадилар, Умумий меҳнат жараёнида ўқувчиларнинг комбинатлар, жамоа ҳамда фермер хўжаликлари, корхона, завод ва фабрикаларда техник ва технологик билимлари мустаҳкамланади, шунингдек, улар ташкилотчилик малакаларига ҳам эга бўладилар.

Синфдан ташқари ишлар жараёнида меҳнат тарбияси айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Синфдан ташқари машғулотларнинг турли шакллари ўқувчининг техник ижодкорлигини ривожлантиради, у ёки бу билим соҳасида билимга бўлган қизиқишини шакллантиради. Тўғарақларда ўқувчининг қизиқиш ва қобилятлари намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг тўғарқлардаги фаолияти маълум педагогик талабларга риоя қилганда самарали бўлади. Чунончи:

- тўғарак фаолияти ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим, яъни, ўқувчилар тайёрлаган буюмлар кишилар учун амалий қийматга эга бўлиши зарур;

- техник ижодкорлик ўқув муассасасидаги ўқув-меҳнат жараёни билан узвий алоҳада бўлиши керак (мактаб, коллеж, олий таълим ва бошқалар);

- ижтимоий-фойдали, унумли меҳнат жараёнида ўқувчининг техник ижодкорлигини ташкил этишда фаолиятни ижтимоий буюртмадан ижодкорликка айлантириш керак бўлади.


Тўғарак фаолияти жараёнида ўқувчилар ўз коллежлари учун ўқув-кўрсатмали қуроллар: жадваллар, расмлар, диаграммалар, коллекциялар, оддий моделлар, юқори синфларда – стендлар, ҳаракатдаги моделларни яратиш мумкин.

Табиатшунослик, ботаника, зоологиядан амалий машғулотларда ўқувчилар ўқув-тажриба участкаларида ишлайдилар, жонли бурчаклар ташкил этадилар, ўқув масканини кўкаламзорлаштирадилар.

Меҳнат тарбияси оилада табақалаштирилган ҳолда олиб борилади: болалар ўз-ўзига хизмат қиладилар, уй ҳайвонларини парваришлайдилар, рўзғор техникаларини таъмирлаш билан шуғулланадилар. Оила бюджети ва уни юритиш билан боғлиқ топшириқларни бажарадилар, Оилада болалар ва катталар меҳнатини ҳамкорликда ташкил этишнинг имкониятлари чексиз.

Сўнги йилларда ўқувчилар меҳнат тарбиясига жамоатчилик катта эътибор бермоқда. Йирик фермер хўжаликлари, кўшма корхоналарнинг жамоалари мактабларни оталиққа олмоқда, уларнинг моддий базасини яратиш, ўқувчиларнинг билим олишлари, ижтимоий-фойдали меҳнатни ташкил этишда ёрдам бермоқдалар.

Меҳнат фаолиятининг асосий турлари қуйидагилардир:



29 - чизма. Меҳнат фаолиятининг асосий турлари

Ўқув меҳнати ўқувчиларнинг илмий билимлар ҳамда турли фанлар асосларини ўзлаштиришга йўналтирилган фаолияти туридир.

Ижтимоий-фойдали меҳнат шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамда унинг муайян ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳамда ижтимоий меҳнат характеридаги фаолияти туридир.

Ҳозирги даврда таълим муассасаларида ўз-ўзига хизмат кенг йўлга қўйилмоқда. Ўз-ўзига хизмат ўқувчиларнинг ижтимоий ва ўқув эҳтиёжларини қондириш мақсадида уларнинг ўзлари томонидан амалга оширилувчи меҳнат фаолияти туридир. Ўқувчиларнинг навбатчилиги ўз-ўзига хизмат қилишни таркиб топтиришнинг муҳим шаклидир.

Унумли меҳнат турлари хилма-хилдир. Масалан, ўқувчиларнинг меҳнат ҳафталиги, чорвага ем-хашак тайёрлаш ва ширкат хўжаликларида фаолият юритиш ва бошқалар. Унумли меҳнат – ўқувчилар меҳнатининг энг оммавий шакли саналади.

Ўқувчилар ҳозирги даврда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида иштирок этадилар, Доривор ўсимликлар, уруғларни йиғиш, мактаб биноларини таъминлашда қатнашмоқдалар, фермер, ширкат ва жамоа хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил этишда иштирок этмоқдалар.

Айни вақтда жуда кўплаб мактабларда ёрдамчи хўжалик мавжуд. Корхона ва хўжаликлар таълим муассасасига мажмуавий ёндашув асосида меҳнат тарбиясини ташкил этишга кўмаклашмоқдалар. Ўқувчилар ишлаб чиқариш субъектларининг иқтисодий ривожланиши билан танишадилар, Бу жараён уларни турли касбларни эгаллаш шартлари ва шароитлари билан таништиришга ёрдам беради.

Меҳнат тарбияси ўқувчиларни меҳнатга психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлашни назарда тутди. Зеро, мавжуд шароитда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шахс камолотига нисбатан жуда катта талабларни қўймоқда. Хусусан, меҳнатга муҳим ижтимоий бурч сифатида

караш, маълум фаолиятни бажаришда масъулиятни ҳис этиш, меҳнатга ва унинг натижаси, шунингдек, меҳнат жамоасига ҳурмат, меҳнат фаолиятини ташкил этишда ташаббускорлик, фаоллик кўрсатиш, ўз ақлий ва жисмоний қобилиятини тўлиқ намоён этишга бўлган ички эҳтиёж, меҳнатни илмий ташкил этиш йўлида амалий ҳаракатни олиб бориш шулар жумласидандир.

Меҳнатга психологик жиҳатдан тайёр бўлиш эса тарбиявий ишлар тизимида амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ўқувчилар томонидан меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти, меҳнатни ташкил этиш ҳаётий зарурият эканлигининг англаб етилишига эришиш;
- уларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга нисбатан рағбат уйғотиш;
- ўқувчиларда меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш ва хоказолар.

Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мулкка эгалик, хусусий мулкни яратиш йўлида қонун доирасида олиб борилаётган амалий фаолиятни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий ҳаракатлар меҳнат тарбиясига янгича ёндашувни талаб этмоқда.

Меҳнат тарбиясининг янги технологиялар асосида ўқув дастурлари, таълим методларининг вариативлиги тамойили ётади. Дастурлар касб-ҳунар коллежлари ихтисослашган турли касблар бўйича яратилади. Уларда касбий таълимни ўзлаштиришга нисбатан қўйилган давлат талаблари ўз ифодасини топади.

Таълим жараёнида эгалланган билим, кўникма ва малакалар меҳнат тарбиясида педагогик фаолиятнинг якуний натижаси эмас, балки инсон қобилиятининг ривожланиши, яъни, меҳнатга бўлган лаёқатини ривожлантиришнинг самарали воситасидир. Бу эса меҳнат тарбиясида анъанавий методларни эмас, балки билим олишнинг фаол методларидан фойдаланиб, ўқувчиларда тадқиқотчилик ҳамда ихтирочилик малакаларини ривожлантириш методларини қўллашни назарда тутади.

Бундан ташқари муаммоли, изланувчан тадқиқот методлари, конструкторлаш, лойиҳалаш, техник моделлаштириш, меҳнатни ташкил этиш жараёнида унинг энг яхши вариантларини излаб топиш, ижодий топшириқларни тўғри танлай олиш, шунингдек, танловлар, ёшларнинг ижодий кўргазмаларни ташкил этиш ҳам энг самарали методлардан саналади.

Меҳнат таълими ва тарбиясининг ташкилий-методик шакллари ўқитувчи томонидан танланади. Бу шундай шакл ва методлар бўлиши керакки, у ўқувчига меҳнати муваффақиятидан қувонч бахш этсин, ўз меҳнатидан ўзи фахрлансин.

Меҳнат тарбиясининг технологиялари ўқувчининг назарий билимларини амалиётда қўллаш имкониятини яратиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат таълими мазмунини ҳам такомиллаштиради. У комплекс характер касб этиб, ўқувчиларда ўқув техника ва технологиялари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши, амалий масалаларни ҳал этиш малакасини

шакллантириши, сифат натижаларини таъминлаши лозим. Айниқса, ўқув топшириқларини ҳал этишга ижодий ёндашиш, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий, ижтимоий кўрсаткичларини юқорига кўтаришга интилиш ҳосил қилиши мақсадга мувофиқдир.


Меҳнат тарбиясида синфдан ташқари тарбиявий ишлар режасида меҳнат тарбияси йўналишидаги тадбирларнинг ўрин олишини таъминлаш муҳим педагогик вазифалардан биридир. Меҳнат тарбияси турли анъанавий ва ноанъанавий шаклларда ташкил этилади (30 - чизма).

Демак, ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

Ўқувчиларнинг меҳнат таълими жараёнида уларнинг меҳнатга қизиқишларини ошириш, касбий ёки меҳнат фаолиятига тайёр бўлишни таъминлаш.

Ўқувчилар кучини тўғри тақсимлаш, фаолият турлари ва уни ижро этишда ўрин алмаштириш воситасида уларда раҳбарлик ва ижрочилик малакаларини ҳосил қилиш.

Ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятига рағбатлантиришнинг самарали метод ва воситаларидан фойдаланишга эътиборни қаратиш.



30 - чизма. Меҳнат тарбиясининг ташкилий шакллари

Меҳнат фаолиятининг туридан қатъий назар меҳнат маданиятини шакллантириш, касбий фаолиятни режалаштириш, вақтдан оқилона фойдаланиш, ўз жойини тартибли сақлаш ҳамда меҳнат қуролларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Меҳнат тарбиясининг иқтисодий тарбия билан алоқадорлиги. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб ўқувчиларга иқтисодий билим бериш ҳамда уларда меҳнат ва касбий фаолиятни ташкил этиш кўникма, малакаларини шакллантириш масаласига жиддий эътибор берилди. Ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда ишчанлик, тартиблилик,

эҳтиёткорлик хислатларини шакллантириш тарбиявий ишларнинг таркибий қисмларидан саналади.

Ҳозирги даврда кадрлар тайёрлаш масаласи энг муҳим вазифа сифатида қўйилиб, таълим сифатини ошириш билан бирга ўқувчиларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган мавжуд шароитда муҳим ва зарур.

Иқтисодий таълим ўқувчиларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Иқтисодий тарбия ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда хўжалик юритиш фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик фаолият жараёни.

Бинобарин, иқтисодий тарбия ёш авлодда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш, уларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиш тўғрисида фикрлашга ўргатади.

Иқтисод, иқтисодиётнинг ўзи нима? Бу тушунча юнон олими Гелиот томонидан киритилган бўлиб, бу – «уй хўжалигини бошқариш санъати» маъносини англатади. Кейинчалик бу тушунчанинг моҳияти кенгайиб, маъноси ҳам тўлдириб борилган. Иқтисодиёт – бу жуда кенг ва мураккаб тушунча. Иқтисод атамаси тор маънода инсон яратган барча бойликларни тежаш, шунингдек, инсон меҳнатини қадрлаш маъносини англатади. Кенг маънода иқтисодиёт инсоннинг тирикчилигини ўтказишга қаратилган хўжалик фаолияти бўлиб, бу фаолият ишлаб чиқаришдан бошланиб, яратилган маҳсулотларни истеъмол этиш билан якунланади.

Демак, иқтисод инсон фаолиятининг асосий жиҳати бўлиб, жамиятнинг энг муҳим негизи, унинг пойдевори ҳисобланади. Чунки, энг аввало, инсоннинг инсон сифатида талаб-эҳтиёжининг қондирилиши, албатта, унинг иқтисодий фаолияти асосида эришилади.

Булардан маълумки, инсон ўз ҳаётида иқтисодиёт билан доимий муносабатда бўлади. Иқтисодий тарбия, аввало, оиладан бошланади. Оилада иқтисодий тарбия замирида ҳам меҳнатсеварликни тарбиялаш ётади. Болалар ўз меҳнати натижаларини кўргандагина ўз имкониятларидан тўғри фойдаланаётганини англаб етади, мустақил фаолият юритишни ўрганади, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳислатлари таркиб топади.

Оилада йўлга қўйиладиган болалар меҳнати ҳовли ва хоналарни тартибли сақлаш, кийим-кечакларни асраб-авайлаш, уй жиҳозларини таъмирлаш, рўзғор юмушларига ёрдам бериш қабилар кўринишларда намоён бўлади.


Ота-оналар болаларни меҳнат фаолиятини кузатиб бориб, уларга зарур ўринда маслаҳат берадилар. Айниқса, ўқувчи-ёшларда оилада ҳам, таълим муассасаларида ҳам тежамкорликка риоя қилишга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий тарбия ўз ичига ўқувчилар томонидан иқтисодиёт асосларини ўрганиш, уларнинг унумли ва ижтимоий меҳнатнинг турли кўринишларида иштирок этиш, режалаштиришга доир билим ва малакаларга эга бўлиш, ишлаб чиқариш маҳсулотларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш қабиларни олади.

Иқтисодий тарбиянинг инсон ва жамият, иқтисодий география, тарих, математика, химия, биология, меҳнат таълими дарсларида амалга оширилиши янада ижобий самараларни беради. Энг муҳими «Иқтисодиёт асослари» ўқув фани асосида ўқувчилар иқтисодий тушунчалар, категориялар ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш қонуниятларини ўрганадилар.

Жамиятда кенг кўламли иқтисодий ислохотлар амалга ошириляётган шароитда Республика иқтисодиётини ривожлантириш, хўжаликни оқилона ташкил этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини такомиллаштириш, молия операцияларни тўғри ташкил этиш, режалаштириш, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш

самарадорлиги, корхоналар рентабеллиги, кичик ва ўрта бизнес, ижара, бозор инфраструктураси, маҳсулот қиймати, соф даромад, қўшимча даромад, бюджет, харидор, товар, товарлар импорти ва экспорти, шартнома, биржа, рақобат, менежмент, маркетинг, пул, банк, банкнот ва бошқалар ҳақида тўла маълумотларнинг берилиши ўқувчиларнинг иқтисодий онгини шакллантиришга ёрдам беради.



31 - чизма. Иқтисодий тарбияни ташкил этиш шакл ва методлари

Синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар ҳамда тарбиявий соатларда иқтисодий мавзуларда тарбиявий суҳбат, баҳс ва мунозаралар уюштирилади, оғзаки журнал яратилади, викторина ташкил этилади, тўгарак ёки клублар фаолияти йўлга қўйилади.

«Меҳнати фаолиятининг сифати ва самарадорлиги нималарга боғлиқ?», «Хўжалиkning қиймати қанча туради?», «Ҳар биримиз иқтисодчи бўлишимиз мумкин», «Ўқув юртимизнинг иқтисодий аҳволи ва бюджети қандай аҳволда?», «Иқтисод бизнинг ҳаётимизда», «Бўш вақтдан унумли фойдаланиш мумкинми?», «Тажамкорлик нима?» ва ҳоказо мавзуларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилиши ўзининг ижобий натижаларини беради. «Ёш иқтисодчи» маркази фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир Буларнинг барчаси ўқувчиларда қуйидаги хислатларнинг шаклланишига замин яратади:

- меҳнат фаолиятига нисбатан масъулият билан муносабатда бўлиш, меҳнатсеварлик, виждонлилик, жамият ва давлат олдида ўз бурчини ҳис этиш;
- тежамкорлик, режалилик;
- интизомлилик, уддабуронлик;

- уюшқоқлик, ишчанлик;
- тартибсизликка нисбатан мурасиз бўлиш ва бошқалар.

Назорат учун саволлар:

1. Меҳнат тарбиясининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Меҳнат тарбиясининг мазмуни ҳақида гапириб беринг.
3. Шарқ мутафаккирлари ёш авлоднинг меҳнат тарбияси, касб-хунар эгаллаши ҳақида қандай қарашларни илгари сурганлар?
4. Ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этишда қандай шакл ва методлар самарали саналади?
5. Меҳнат тарбиясида таълим ва тарбия бирлигининг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?
6. Меҳнат тарбияси ва ижтимоий тарбиянинг бошқа йўналишлари ўртасидаги алоқадорлик ҳақида сўзлаб беринг.
7. Меҳнат тарбиясининг иқтисодий тарбия билан алоқадорлиги нималарда кўринади?
8. Коллеж боғида ҳашар ташкил этилди. Ҳашарнинг самарали бўлиши учун гуруҳ раҳбари қандай йўл тутиши зарур (берилган жавоб вариантлари орасидан тўғри жавобни топинг):
 - ўқувчиларнинг ташаббусига таяниши;
 - ўқувчиларни мажбур қилиши;
 - ҳашардан аввал тушунтириш ишларини амалга ошириши;
 - меҳнат, экологик, иқтисодий ва ахлоқий тарбияни ўзаро алоқадорликда олиб борилиши.
9. куйидаги жадвални тўлдиринг:

А)	Меҳнат тарбиясининг ижтимоий тарбиянинг бошқа йўналишлари билан алоқаси	В)	Меҳнат тарбияси самарадорлигини белгиловчи асосий мезонлар
1.		1.	
2.		2.	
3.		3.	
...		...	
9.		9.	

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
2. Алметов Н.Ш. Педагогика ғўқув қўлланма. – Алмаатў, 2001.
3. Подласўй И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.

4. Педагогика ғғА.К.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ

Маънавий-ахлоқий тарбия моҳияти, асосий тушунчалари. Жамиятда кечаётган ижтимоий ислохотларнинг самарадорлиги унинг фуқаролари эга бўлган маънавиятга боғлиқ. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизларини аниқ белгилаб берди. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик¹.

Зеро, жамият ривожланиши фақат унинг иқтисодий тараққиётинигина эмас, балки маънавий юксалишини ҳам тақозо этади.


Ҳар қандай мафкура каби Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири ҳам жамиятда маънавий-ахлоқий қарашларнинг устуворлигига эришиш саналади.

Ижтимоий тарбиянинг бошқа турлари каби маънавий-ахлоқий тарбия асосини ҳам илғор миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар, халқ педагогикаси ғоялари ташкил этади.

Маънавият шахс, халқ, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати, тараққиёти, имкониятлари ва истиқболларини белгилаб берувчи ички ижобий, руҳий омилдир.

Маънавият (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) моҳиятига кўра ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи ҳисобланади.

Жамият маънавияти уч муҳим соҳа йўналишида амалий фаолиятни ташкил этиш асосида шакллантирилади:



32 - чизма. Жамият маънавиятини

шакллантирувчи омиллар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг Ўз истиқлол ва тараққиёт йили. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 65-бет.

Маданият («султура» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Маърифат шахс онгига илмий билим, ахлоқ қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни сингдириш, таълим-тарбияни такомиллаштириш, миллий мерос ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, уларни тарғиб этиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Мафкура (арабча «мафкура» - нақтаи назар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, шунингдек, маънавий-ахлоқий юксаклиш, маърифий-тарбиявий ишларнинг ривожини таъминловчи, уларнинг мақсад ва йўналишларини аниқлашда етакчи ўрин тутувчи ғоялар тизими.

Ҳар учала соҳанинг узвий бирлиги асосида жамият маънавияти юксалади.

Маънавият соҳасида ижобий ечимини таъминлаш зарур бўлган асосий вазифани кўрсатар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйидагиларни таъкидлайди: «Бу соҳадаги асосий вазифамиз – миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир. ... Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат»¹.

Демак, маънавиятли инсон билимли, маълум касб-ҳунар соҳиби, ўз Ватанининг содиқ фуқаросидир. Ўз давлати қонунларини билладиган ва уларга амал қиладиган, юрти билан ғурурлана оладиган инсон. Ўз Ватани бойликларини сақлайдиган, уни янада бойтадиган, гўзалликларидан баҳраманд бўладиган шахс. У ҳар қандай зарарли иллатларга қараши курашадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаб асрайдиган инсондир.

Ахлоқ эса шахснинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, ҳаёт кечириш тамойиллари, қоидалари, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодалайди.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон шаёт пировард маъсадимиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000. – 19-20-бетлар.

Ахлоқ ижтимоий ҳодиса сифатида жамият маънавий-руҳий ҳаётида ўзига хос ўрин тутди.

«Ахлоқ» (лотинча – хулқ-атвор маъносини билдиради) ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-харакатини тартибга соладиган қонун-қоидалар мажмуидир.

Ахлоқ - маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро, ахлоқ, ахлоқий меъёрларсиз шахснинг руҳий ва жисмонан етуқлигининг мезони бўлган маънавий камолотга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий тарбияда узвийлик, алоқадорлик диалектик характерга эга бўлиб, шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланишида муҳим саналади.

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмуни. Маънавий-ахлоқий тарбия ва унга қўйиладиган талаблар бу жамиятда маълум ижтимоий-ахлоқий талабларга мос ахлоқий хислатларни шакллантириш мақсадида ўқувчилар онги, ҳиссиётлари ҳамда хулқига мувофиқ ва тизимли таъсир этишдир.

Маънавий-ахлоқий тарбия вазибалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш.
2. Уларда маънавий-ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш ва ривожлантириш.
3. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий хулқ-атвор кўникма ва одатларини таркиб топтириш.

Маънавий-ахлоқий тарбия моҳиятига кўра инсон онгининг жамият билан алоқадорлиги, жамият олдида бурчли эканлиги, ўз хулқ-атворини жамият тараққиёти даражасига боғлиқлигини тушуниши, жамият томонидан тан олинган ахлоқий меъёр, идеал ҳамда талабларни бажаришда масъулиятни ҳис этиши, маънавий-ахлоқий билимларнинг эътиқодга айланиши ва бу эътиқодларнинг тизимлилиги, мустаҳкам маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу ва хислатларни шакллантириш, ўқувчилар томонидан маънавий-ахлоқий хулқ-атвор жамият аъзоларига бўлган ҳурмат-эътиборни намоён этувчи мезонлардан эканлигининг англаб етилиши, маънавий-ахлоқий одатларнинг шаклланиши ва бошқалардан иборат.

Маънавий-ахлоқий тарбия мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш масаласининг кун тартибига қўйиш заруриятининг юзага келганлиги муносабати билан туб ўзгаришлар юз берди.

Энг муҳим қадрият инсон омили ҳисобланади. Ҳаёт инсонга бир марта берилади, Шунинг учун ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларда уни мазмунли, ўзгалар ва ўзининг ҳаёти маъносини англаган ҳолда ўтказиш кераклиги ҳақида кўплаб ривоят, ҳикмат ва панд-насихатлар мавжуд.

Бундан ташқари таълим муассасасида ўқувчиларга қадрият сифатида муносабатда бўлиш ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Зеро, таълим тамойилларида энг муҳим, асосий тамойиллардан бири таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш бўлиб, унинг асосий моҳияти

ўқувчи шахсига инсоний муносабатда бўлишни, таълим жараёнини эркинлаштиришни талаб этади.

Маънавий-ахлоқий тарбияда яна бир энг қимматли қадрият эркинликдир. Таълимни демократлаштириш билан бирга шахс эрки ва ҳуқуқини ҳурмат қилиш ривожланади. Бу эса ўз навбатида ўқувчи шахсида масъулиятни ҳис этиш, онгли интизомга риоя этиш кўникмаларини тарбиялайди. Шунингдек, втанпарварлик, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, масъулиятни ҳис этиш, бурч, ор-номус, виждонлилик, тартиблилик, адолатлилик ва бошқа хислатлар тарбияси катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жинсий тарбия, меҳнат тарбияси янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш, айниқса, зарурлигини кундалик ҳаёт тарзи янада яққол намоён этмоқда.

Текинхўрлик, наркомания, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, фаҳш, жоҳиллик каби салбий иллатлар ҳам ҳаётда учраб туради. Бу иллатлар инсоннинг ахлоқий қиёфасинигина эмас, балки ўзини ҳам емириб боради. Инсон ҳам маънавий, ҳам жисман ҳалоқ бўлади. Шу боис инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш ижтимоий тарбиянинг бошқа йўналишларидан устун қўйилиши зарур. Бинобарин, маънавий-ахлоқий тарбия ёш авлод тарбияси билан боғлиқдир. Агар тарбиянинг бошқа йўналишларида муайян тарбия (масалан, жисмоний, ҳуқуқий ва бошқалар) у ёки бу тарбиявий тадбирлар тизимига асосланса, маънавий-ахлоқий тарбияда эса ҳар бир тарбияланувчининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, тарбиявий вазиятни инобатга олган ҳолда, яхлит тарбиявий ишлар режалаштирилади ва унга мос метод ҳамда усуллар танланади.

Тарбиявий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тадбирларни ташкил этишда маънавият, ахлоқ инсон онгининг шакли, инсон маданиятининг бир қисми эканлиги ҳақидаги тушунга эга бўлиш назарда тутилади. Маънавият ва ахлоқнинг моҳияти, унинг меъёрлари ва тамойиллари мазмунини тушуниш ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан фикр юритишларига имкон беради. Натижада улар ўзлари ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини ана шу нуқтаи назардан баҳолайдилар. Маънавий-ахлоқий тушунчалар, баҳолаш ва муҳокама юритиш асосида маънавий-ахлоқий эътиқод шаклланади ва ниҳоят инсон хатти-ҳаракати ва хулқи аниқланади. Маънавий-ахлоқий эътиқодга эга инсон ахлоқий меъёрлар, талабларни онгли бажаради ва уларга ҳурмат билдиради. Лекин маънавий-ахлоқий меъёрлар ҳақида билимга эга бўлиш ва уни тушуниш ҳали эътиқодни фаолиятга айлантиради деган гап эмас, маънавий-ахлоқий билимлар қачон ҳаётий тажрибаларда қўлланилиб, ўқувчилар томонидан уларнинг фаолиятида намоён бўлгандагина шаклланган дейиш мумкин.

Маънавий-ахлоқий тарбия тизимида маънавий-ахлоқий ҳис-туйғулар инсон томонидан, унинг ҳовеа-ҳодисалар, кишилар ҳамда ўз хулқига нисбатан ҳис-туйғуларни уйғотишга рағбат пайдо қилувчи тарбиявий ишлар тизимли ташкил этилгандагина самарали кечади. Мазкур тизимда хулқ-атворни шакллантиришга оид тарбиявий ишлар акс этади. Шунга кўра

маънавий-ахлоқий хулқ-одобга доир хислатларни шакллантиришга ундовчи рағбат билан ҳосил бўладиган фаолият энг асосий бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, ўқувчида маънавий-ахлоқий хислатларни шакллантиришга нисбатан эҳтиёж бўлиши шарт. Демак, маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида уюштирилувчи тадбирлар хулқ-одобга доир хатти-ҳаракатлар занжиридан иборат бўлади. Маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатлар эса ўқувчи томонидан ахлоқий меъёр ва тамойиллар моҳиятини ўрганиш, уларни англаб етишдан иборатдир.

Хатти-ҳаракатлар тизими маънавий-ахлоқий одатларни таркиб топтиради. Бу борада қуйидаги талабларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- маънавий-ахлоқий тарбия ахлоқсизликка қарши курашдаги «компания»га айланмай, мақсадга мувофиқ, узлуксиз, тизимли ва изчил амалга оширилиши зарур;

- ўқувчиларда маънавий-ахлоқий хислатлар ва фазилатларни тарбиялаш фаол ҳаётий вазиятлар, ахлоқий меъёрлар бузилган ҳолатларда тарбияланувчиларнинг ўз нуқати назарларини ифодалашлари билан амалга оширилиши;

- шахсда ўз идеалига интилишига бўлган ҳис-туйғуларини уйғотишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни ташкил этиш борасидаги кўникмаларни тарбиялаш;

- маънавий-ахлоқий тарбияга доир ишларни тарбияланувчиларнинг тажрибаси, тарбия қоидаларини қабул қилишлари ва бунга тайёрликлари, яхши ва ёмон хатти-ҳаракатларнинг моҳиятини тушунишларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;

- тарбияланувчиларда юксак маънавий-ахлоқий сифатлар – инсонийлик, инсонга ҳурмат, меҳр-саховат, хушмуомалалик, ижтимоий муносабатларни ташкил этишда муомала маданияти ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш каби ҳолатларни таркиб топтириш;

- фуқаролик маданияти, онгли интизом, жамоани ҳурмат қилиш ва бошқа жуда кўп маънавий-ахлоқий сифатлар – бошқарга ғамхўрлик қилиш, одамларнинг ғам-ташвиши, қувончини тушуна олиш, ўз манфаатидан ўзгалар манфаатларини устун қўйиш, ахлоқий меъёрлар ҳамда мавжуд қонунларга зид хатти-ҳаракатларни тўхтатаолиш, маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишда жамоа аъзоларининг фикри билан ўртоқлашиш, масъулиятни ҳис этиш кабиларга асосланиши керак.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда ўқувчилар хатти-ҳаракатларида кўзга ташланадиган салбий одатлар – жамоа жойларида каттиқ гапириш, кўпол сўзларни ишлатиш, ҳиссиётга берилиш, ўйламай гапириш, ишонли бўлмаган ҳамда далиллар билан тасдиқланмаган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр юритиш, бошқаларнинг суҳбатини бўлиш, қўлини силкитиб гапириш кабиларнинг бартараф этиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Арзимас бўлиб кўринган, лекин шахснинг келажак ҳаёт ва ксбий фаолиятни ташкил этишда муваффақиятга эга бўлиш йўлида зарурли бўлган

бу каби одатлардан холи бўлишда ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидан саналади.

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисмлари, шакл ва методлари. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ахлоқ «инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдур», - дейди. Айнан ахлоқ, унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида маълумот берувчи мазкур манбада аллома яхши ва ёмон хулқларга тўхталиб ўтади¹. Алломанинг нуқати назарича, яхши хулқлар қўйидагилардан иборат: фатонат (ақл), диёнат (эътиқод), назофат (поклик ва тозалик), ғайрат, риёзат (савоб ишлар), қаноат, шифоат, илм, сабр, ҳилм (юмшоқ табиат) интизом, нафс меъёри, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон (тил ва адабиёт), иқтисод, виқор (ғурур), муҳаббат, авф (кечиримли бўлиш). Бу хислатлар маънавий-ахлоқлиликнинг асосий сифатлари саналади. Улар асосида Ватанга муҳаббат ва садоқат, меҳнатга ахлоқий муносабат, ўз атрофдагиларга ахлоқий ёндашув, шунингдек, ҳар бир ўқувчининг ўзи ва шахсий хулқ-атвориغا муносабатни қарор топтиради.

Абдулла Авлний ёмон хулқлар сирасига қўйидагиларни киритади: ғзаб, айш-ишрат, жаҳолат, сафоҳат (умри ва молини бекорчи нарсаларга сарф этиш), ҳамоқат (ўзбилармонлик, манманлик), адолат (дангаса, ялқов), ҳасосат (таъма, хирс), раҳоват (ғайратсизлик), анонийят (худбин, мутақаббир, манман), адоват (кек сақлаш), намимат (чақимчилик), ғийбат, ҳақорат, жибонат (кўрқоқлик), ҳасад, кизб (ёлғон), нифоқ, таъма, зулм ва бошқалар.

Ўқувчиларда ижобий сифатларни тарбиялаш уларнинг салбий хислатлардан холи бўлишларига ёрдам беради. Бу эса дастлаб ўқувчиларга хулқ-одоб меъёрлари ва қоидаларини англаш ва шахс онгини шакллантиришга доир методлар асосида амалга оширилади.

Бунга бадиий ва илмий-оммавий адабиётларни ўқиш, кинофильм ва спектаклларни томиша қилиш, махсус ташкил этилган маънавий-маърифат кунларида турли мавзуларда суҳбатлар ташкил этиш натижасида ахлоқий тушунчалар ва хулқ-одатлар пайдо бўла бошлайди. Ўқувчилар ўзлари ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай бошлайдилар. Бунинг учун турли маънавий-ахлоқий мавзуларда ўтказиладиган суҳбат ва мунозараларда ўқувчини фикр юритиш, ўйлашга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, «Дўстимиз Камол қангдай қилиб наркоманлар даврасига тушиб қолди?», «Сиз эркинлик деганда нимани тушунасиз?», «Замонавийлик – бу нима?» каби мавзулардаги суҳбат, баҳс ва мунозаралар ўқувчиларни ўйлаш, фикр юритишга йўллайди, уларда салбий хислатлардан сақланиш, яхши одатларни ўрганишга бўлган интилиш ва қизиқишлари таркиб топа бошлайди. Уларнинг, айниқса, ўз хатти-ҳаракатларини баҳолашга бўлган интилишлари ва ишонч, эътиқодлари шаклланади.

¹ Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992.

Дебат, мунозара ва суҳбатлар маънавий-ахлоқий тарбиянинг энг долзарб муаммоларига бағишланиши зарур.

Бунда ўқувчиларни қизиқтириш ва уларни жонли мулоқотга ундаш муҳимдир.

Ўқувчи фаолиятини ташкил этиш ва хулқ-одобни шакллантириш методларидан машқлантириш, ўргатиш, педагогик талаб қўйиш жамоа фикрини ҳисобга олиш, топшириқлар бериш, тарбиявий вазиятлар ҳосил қилиш ва бошқа методлардан фойдаланиш самарали натижалар бериши мумкин.

Лекин ўқувчиларни фаол, мақсадга йўналтирилган фаолиятга жалб этмасдан туриб, ахлоқнинг бирор турига мос тарбиялаб бўлмайди. Бунда машқлантириш муҳим аҳамият касб этади. Машқлантириш асосида шахснинг у ёки бу ахлоқий хислати шаклланади ва амалий фаолиятга айланади.

Рағбатлантириш методларига мукофотлаш ва маъқуллаш киритилади.

Бугунги кунда шартномалар тузиш, ўз-ўзини шакллантиришга доир шахсий дастурларни лойиҳалаш, ўқувчиларни қизиқишларига кўра табақалаштириш мониторинги, тестлар, жарималар (балл ҳисобида) каби тарбиянинг замонавий технологияларидан фойдаланиш ҳам ижобий натижаларга олиб келмоқда.

Ҳозирги даврда ёшлар ўртасида тобора оммавийлашиб бораётган «Заковат», «Интеллектуал ринг», «қизлар давраси», «Ўйла, изла, топ!» каби ўйинлар ҳам мазмун, ҳам моҳияти, ҳам методик жиҳатдан ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантиришда самарали шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш бой миллий маданий, тарихий ва педагогик анъаналар, урф-одатлар ва умумбашарий қадриятларга асосланади.

Бу борада тарбия жараёнида ўқувчининг ахлоқий, ижодий, маънавий, жисмоний жиҳатдан шакллантиришга қаратилган инновацион методлар самарали натижалар беради. Бундай тарбия ўқувчиларда воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш, ўзини реал воқеаликда англаш, келгуси ҳаёт йўлини тўғри белгилаш, ахлоқ, эътиқод, ишонч, ахлоқий қадриятларни тўғри англаш, ижтимоий ҳаётда турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга йўллайди.

Айниқса, баҳслашиш, ишонтириш тренингларида ўқувчи-ёшларнинг фаоллиги, лидерлик сифатлари, жамоада ишлаш кўникмалари шаклланади. Ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш, ишонтириш, ўз фикрини асослаш, мунозарада қатнашиш маҳорати пайдо бўлади. Шунингдек, мулоқот маданияти, ҳис-туйғуларини жиловлай олиш, фикр юритиш маҳорати шаклланади. Ўз ишига масъулият ҳиссини шакллантириб, ижодий тасаввурини ривожлантиради, маънавий-ахлоқий тадбирларни лойиҳалаштириш, кўнгилочар, ташҳисли, ишчан ва ҳаракатли ўйинлар, зиддиятларни ҳал этишнинг турли услублари (танқид усуллари – руҳлантирувчи, таънали, умидли, қиёсий), рағбатлантирувчи (танқид, вазиятни юмшатувчи, гина, танбеҳ берувчи танқид) - буларнинг барчасини инсонпарварлик ғоялари асосида олиб бориш ижобий натижалар беради.

Назорат учун саволлар:

1. «Маънавият», «ахлоқ» тушунчаларининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Маънавий-ахлоқий тарбия нима? Унинг моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.
3. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг вазифалари нималардан иборат эканлигини айтинг.
4. Маънавий-ахлоқий тарбия мазмуни нималарни ўз ичига олади? Унинг асосий талаблари нималардан иборат?
5. Маънавий-ахлоқий тарбия методларини санаб беринг.
6. «Заковат клуби», «Интеллектуал ринг», «Ўйла, изла, топ!» ўйинларидан бирининг сценарийсини тузинг ва икки жамоага бўлиниб, танланган ўйинни ташкил этинг.
7. қуйидаги муаммоли вазиятни ижобий ҳал этинг:
Коллежнинг ИИИ курсида ўқувчилар ўртасида чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, ўқитувчилар ва тенгдошларига қўпол муомала қилиш ҳолатлари кўзга ташлана бошлади. Шунда гуруҳ баҳбари ўқувчилар билан шифокор учрашувини ташкил этишга қарор қилди. Ичиш ва чекишнинг зарарли оқибатлари ҳақидаги мазкур суҳбатда ўқувчилар фаол иштирок этдилар. Улар томонидан берилган саволларга шифокор ва ўқувчилар ўртасидаги фаол мулоқоти асосида жавоблар топилди. Бирок ўқувчиларнинг амалий ҳаракатларида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмади. Бунинг сабаби нима эди?

Тест топшириқлари:

1. Жамият маънавиятини шакллантирувчи омиллар қайси жавоб вариантыда тўғри кўрсатилган?
 - а) ахлоқий меъёрлар, сиёсий қарашлар, фалсафий назариялар;
 - в) маданият, маърифат, мафкура;
 - с) маърифат, иқтисодиёт, сиёсат;
 - д) моддий маданият, маънавий маданият, ахлоқий қадриятлар;
 - е) барча жавоблар тўғри.
2. қуйидаги таъриф қайси тушунча моҳиятини англатади: «Маънавий-ахлоқий юксаклиш, маърифий-тарбиявий ишларнинг ривожини таъминловчи, уларнинг мақсад ва йўналишларини аниқлашда етакчи ўрин тутувчи ғоялар тизими»?
 - а) маънавият;
 - в) маданият;
 - с) сиёсат;;
 - д) мафкура;

е) иқтисодиёт.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000.
3. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992.
4. Педагогика ғА.Ғ.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
5. Подласўй И.П. Педагогика ғҒНовўй курс. Кн. 2. Процесс воспитания. – Москва, ВЛАДОС, 1999.

НАФОСАТ ТАРБИЯСИ

Нафосат тарбияси ҳақида тушунча. Нафосат тарбияси (эстетик тарбия - лотинча «естезио» гўзалликни ҳис қиламан) - ўқувчиларни воқелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ва турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш ва тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, улар томонидан гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

Нафосат тарбияси «бадий тарбия» сифатида ҳам қўлланилади. Умуман, нафосат тарбияси кенг маънога эга бўлиб, фақат санъат воситасидагина эмас, балки, ҳаёт, меҳнат, ижтимоий муносабатлар, табиат ва бошқалар воситасида гўзалликни ҳис қилишга йўналтирилган педагогик фаолиятни ўз ичига олади. Бадий тарбия эса санъат (адабиёт, мусиқа, кўшиқ, тасвирий ва санъатнинг бошқа йўналишлари) воситасида шахсда эстетик ҳис-туйғуларни шакллантиришни назарда тутди.

Нафосат тарбияси инсонда гўзалликни ҳис қилиш туйғусини шаклланишига ёрдам беради, ури ривожлантиради. Инсон доимо ўз ҳаётини гўзаллик асосида қуришга интилади. Нафосат тарбияси ахлоқий, ақлий, ҳуқуқий, экологик, жисмоний ва меҳнат тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Табиат, адабиёт, театр, мусиқа, шеърят, тасвирий санъат ва бошқаларга бўлган муҳаббат шахснинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади. Нафосат тарбияси ахлоқий тарбияни самарали ташкил этишда катта аҳамиятга эга. Нафосатдан роҳатланишда фақат санъат асарларигина эмас, балки эзгу ишлар, жамоага ҳурмат, садоқат, виждонан меҳнат қилиш муҳим ўрин тутди. Нафосат тарбиясининг моҳияти шундан иборатки, у гўзалликка бўлган муносабатни қарор топтиради. Гўзалликка бўлган туйғуни ривожлантирмай туриб, юқори меҳнат маданиятига эришиб бўлмайди. Меҳнат фаолиятида пайдо бўлган гўзаллик бутун тарихий тараққиёт босқичларида ривожланиб борди, у меҳнат фаолиятининг ўзига ҳам таъсир

кўрсата бошлади. Меҳнат жараёнида тайёрланган ҳар бир буюм (товар)нинг аҳамияти, функцияси, зарурилиги инсоннинг табиий эҳтиёжларини қондириши жиҳатидангина эмас, балки унинг қанчалик гўзаллиги билан ҳам баҳоланади. Гўзаллик бу ҳаётнинг ўзи, табиат ҳамда инсон меҳнати натижалари, инсоний муносабатларнинг мукамаллигидир.

Нафосат билимлари аниқ тарбиявий ишлар – танлов, викторина, байрам, кўргазма ва ҳоказоларни ташкил этиш асосида ҳосил қилинади. Ўқувчилар ўз қобилиятларини турли хил бадиий-ижодий фаолиятларда намоён этадилар. Кичик ёшда «барча болалар истесъносиз расм солувчилардир» (К.Д.Ушинский), «ҳар бир бола – шоир» (В.Сухомлинский).


Ўсмирларда гўзаллик ижодкорлигига бўлган эҳтиёж ортиб боради. Бундай ҳолат илк ёшлик даврида ҳам сақланиб қолади. Бирок, бу даврда бадиий қобилият, аксарият ўқувчиларда ўзгача бўлади. Улар кўпинча мусиқа ва рақсга қизиқа бошлайдилар. Демак, ўқувчиларнинг нафосат билан ошнолиги турли ёш даврларида ўғил ва қиз болаларда ўзига хос хусусият касб этади.

Нафосат тарбияси – шахснинг эстетик онги, муносабатлари ҳамда нафосат фаолиятининг вужудга келиши ва такомиллашуvidан иборат узок давом этадиган жараён бўлиб, бу жараён ёш ва ижтимоий омиллар билан белгиланадиган турли босқич ҳамда даражаларга эга. Нафосат тарбияси шахснинг нафосат маданиятини эгаллашига йўналтирилган бўлиб, турли шакл ва методлар ёрдамида амалга оширилади.

Нафосат маданияти. Жамият ва айрим шахснинг нафосат маданияти тушунчалари мавжуд. Жамиятнинг нафосат маданияти деганда инсоният бутун ривожланиш тарихи жараёнида тўпланган моддий ва маънавий кадриятлари мазмуни тушунилади. Ўқувчи шахсининг нафосат маданияти унинг жамият маданий меросини фаол, ижодий ўзлаштириши натижасида ҳосил бўлади. Шахснинг гўзаллик билан ўзаро муносабати, шунингдек, шахснинг айрим сифатларини ўзаро таъсири натижасида нафосат маданияти доимо ўзгариб туради. Шахс нафосат маданиятининг асосий таркибий қисмлари бу нафосат онги, нафосатни ҳис этишга бўлган эҳтиёж, уни қондириш йўлида ташкил этилган муносабатлардир.

Нафосат онги гўзаллик, гўзалликни ҳис этиш, унинг моҳиятини англаш, нафосат ҳис-туйғуси, нафосат диди каби тушунчаларнинг онгда акс этиши.

Нафосат онгининг таркибий қисмлари ўзига хос мураккаб тузилишига эгадир:



Нафосат маданияти гўзалликни ҳис этиш, ундан завқланиш, мавжуд гўзалликларни асраш ва бойитиш йўлида ўзлаштирилган билим ҳамда амалга ошириладиган нафосат фаолиятини ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичидир. Нафосат онги гўзалликни кадрлаш ва уни бойитиш йўлидаги амалий ҳаракатни кенг кўламда ташкил этиш асосида такомиллашиб боради.

Нафосатнинг асосий хусусиятлари. Тарбиявий ишларни ташкил этишда нафосат идрокнинг психологик қонуниятларини ҳисобга олиш лозим. Бу хусусиятлар илк ёшдаги болаларга хос ҳамда ривожланиш, нафосат тажрибаси, тасаввурларнинг шаклланганлик даражасига боғлиқ. Атроф-олам ҳодисалари дастлаб нафосат сифатида намоён бўлмайди. Бундай бўлишдан олдин улар идрок этилувчан, мазмунли, тушунарли бўлиши лозим. Демак, тарбиячи, ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, энг мураккаб ҳодисалар ҳамда гўзаллик шакллари, нафосат муаммоларини англаб етиши лозим. Нафосатни идрок этишнинг муҳим унсури – ҳиссиётлилик. Санъат, борликни ёрқин акс эттирувчи юқори бадиий асар мазмунини идрок этишда ўқувчилар қувонч ёки ғазаб, қўрқинч ёки ишончни ҳис этадилар. Бу туйғу гўзаллик қонуниятлари ғояси билан яшашга ундайди.

Бундан ташқари нафосат воситалари хилма хилдир. Табиат меҳнат, инсоний муносабатлар, санъат нафосат тарбияси воситасидир. Табиат нафосат тарбиясининг муҳим манбаидир. К.Д.Ушинский табиатни ёш авлод нафосат туйғуларининг ривожланишига чуқур таъсир кўрсатадиган ажойиб тарбиячидир, деган эди. Саёҳат, сайр, юриш, табиатга бағишланган санъат асарларини ўрганиш мазкур йўналишдаги анъанавий ишдир. Бироқ табиат ичида бўлишнинг ўзи етарли эмас. Табиатдаги гўзалликни кўра билиш, ҳис этиш лозим. Бундай қобилият аста-секин ривожланиб боради. Сайр, экскурсия ҳамда мактаб участкасида ишлаш пайтида тарбиячилар эътиборини табиат бойликларига, унинг шаклидаги мукамалликларга қаратиши, болаларга нафосат, табиатни севиш эҳтиёжигина бўлмай, шунингдек, уни эҳтиётлашдан ҳам иборатлигини тушунтириб бориши лозим.

Нафосат тарбиясининг воситалари. Нафосат тарбиясининг воситалари ўқувчиларнинг гўзалликни севиш руҳида тарбиялаш мақсадида теvarак-атрофдан танлаб олинган турмуш, табиат, санъат гўзаллиги ва болаларнинг бадиий фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган педагогик жараёнда қўлланилувчи омиллар саналади.

Оила гўзалликнинг биринчи мактабидир. Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, уй-жиҳозлари, уларнинг ягона бирлиги, уйғунлиги, тартибли жойлаштирилиши, саранжом-саришталик, мактабнинг безатилиши, мактабдаги ёдгорлик ва аълочилар бурчаги кабиларнинг барчаси бевосита болаларда гўзалликни тарбиялашда катта таъсир кўрсатади.

Турмуш гўзаллигининг асосини тозалик ва тартиблилик ташкил этади. Синфхоналарида тозалик сақланиши, табиат бурчагининг ташкил этилиши, ўқувчилар ижодий ишлари кўрғазмаси, аълочилар тахтаси тизимининг янгилашиб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бадиий адабиёт нафосат тарбиясида чексиз имкониятларга эга. У ўқувчиларга ҳаётни чуқурроқ англашни ўргатади. Ўқувчиларга ўзбек ва чет эл адабиёти ҳақида кўпроқ маълумот берилади. Ўқувчилар шеърлар, ҳикоялар, халқ оғзаки ижоди намуналари – мақол, матал, эртақ, дoston, кўшиқ, қисса ва романларни қанчалик кўп ўқиса уларда гўзалликка бўлган интилиш шунчалик кучли бўлади. Шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарлари билан танишиш таҳлил қилиш ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиради, ҳис-туйғулари ва тил бойлигин такомиллаштиради. Шунингдек, адабиёт дарслари ўқувчиларда гўзалликни идрок этишни таъминлайди. Ўқувчилар насрий асарлар, шеърлардан парчалар ёд оладилар, бунинг натижасида ўқувчиларнинг бадиий нутқ маданияти ҳам шаклланади. Ўқувчиларнинг мумтоз адабиётимиз вакиллари – Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Муқимий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Абдулла қаҳҳор, ғофур ғулom, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, замондош адиблар – Примқул қодиров, Одил Ёқубов, Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Маҳмуд Тоир асарлари, шунингдек, жаҳон адабиётининг ноёб намуналари билан танишишлари уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб ўсишларига ёрдам беради.

Бундан ташқари ўқувчилар бастакор - Юнус Ражабий, Муҳаммаджон Мирзаев, Дони Зокиров, Дилором Омонуллаева, рассомлар - Камолиддин Бехзод, Ўрол Тансиқбоев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев, Ортиқали қозоқовлар томонидан санъат асарлари билан танишиб борсалар уларнинг нафосат онги янада бойийди.

Олам ва инсон гўзаллиги, мардлик, жасорат, юксак инсоний ғояларни ўзида акс эттирган санъат асарлари инсонларни гўзалликни ҳис қилиш, уларга интилиб яшашга ундаб келган. Аксинча, ғоявий жиҳатдан савияси паст асарлар ўқувчилар онгини саёзлаштиради, уларни чинакам гўзалликдан чалғитади, гўзалликни севишга бўлган интилишларини сусайтиради, дидини пастайтиради.

Ўқувчиларнинг гўзаллик билан бевосита мулоқотда бўлишлари уларга кўпроқ ҳиссий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи, тарбиячилар тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларни бадиий жиҳатдан юксак бўлган асарлар ва табиат манзаралари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Тасвирий санъат, ҳайкалтараошлик ва меъморий асарлар намуналари билан ўқувчиларни таништириш уларда симметрия,

мутаносиблик, чизиклар, ранг ва колорит уйғунлигини идрок этиш туйғуларига эга бўлишларини таъминлашга хизмат қилади. Ўқувчилар эътиборига эзгу ғояларни тараннум этувчи мусикий асарларнинг ҳавола этилиши, улардан олинаётган таассуротлар билан ўртоқлашиш уларда мусикий оҳанг, ритм, товушларнинг ифодавийлиги ва суръатини ҳис этиш кўникма ва малакаларига эга бўлишларини таъминлайди. Адабий асарлар эса ўқувчиларнинг нутқ бойлиги ошириш, фикрлаш қобилиятини ўстириш, шахсий қарашларини эркин баён этишга имкон беради.

Ўқувчиларда нафосатни шакллантириш. Нафосат онги ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида ўқувчиларни турли назария, қарашлар моҳияти билан таништириш, улар ўртасида нафосат таълими ва тарбиясини ташкил этиш ҳисобига шакллантирилади. Нафосат онги асосини нафосат идроки ташкил этади. Нафосат идроки – бу ижтимоий воқелик, буюм ва ҳодисаларнинг гўзаллигини онгда яхлит акс этиши бўлиб, у гўзаллик ҳис этилганда юзага келади ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан тавсифланади.

Нафосат тарбиясининг вазифалари қуйидагилардан иборатдир: ўқувчиларда нафосат ҳис-туйғуси, фикр-мулоҳаза, дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятлари, гўзалликни севишга бўлган ҳаётий эҳтиёжини ўстиришдан иборат. Кишилар гўзалликни идрок қилиш қобилиятига эга бўлганликлари учун ҳаяжонланиш, кўйғуриш, дарғазаб бўлиш, қувониш, завқланиш каби ҳис-туйғуларни бошдан кечирадилар. Бундан ташқари киши юксак бадий маҳорат билан яратилган образни ёки табиат, ҳаётдаги гўзал ҳодисани идрок қилганидан завқ-шавққа тўлади.

Ўқувчиларда кузатиш маданиятини тарбиялаш уларнинг гўзалликка бўлган интилишларини ўстириш учун жуда муҳим. Кўп ҳолларда боллар бирор нарсага қараб турадилар-у, унинг ўзини кўрмайдилар, кулоқ соладилар-у, эшитмайдилар. Шунинг учун уларга табиатда, ўрмонда тоғлар ва чўлларда турли товушларни фарқ қилишни ўргатиш лозим. Юқори синф ўқувчиларига гўзаллик, хунуклик, нафосат иделали сингари тушунчаларни ёритиб бериш жуда муҳим, зеро, бу тушунчаларсиз гўзалликка нисбатан муносабат, воқелик ва борлиққа гўзал муносабат тизимини таркиб топтириб бўлмайди.

Нафосат ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштириб олиш, ажаойиб санъат асарини саёз, паст савияда ёзилган асардан фарқлаш, ўз фикр-мулоҳазаларини тўғри эканлигини қаттиқ туриб, ҳимоя қилишга ёрдам беради. Юқори синф ўқувчилари ҳаёт ва санъатда гўзаллик, хунуклик, завқ-шавқнинг хилма-хил турларига дуч келадилар. Улар ғоявий йўналиши ва мазмуни жиҳатдан турлича бўлган бадий ҳамда санъат асарларни ўқийдилар, томоша қиладилар ва тинглайдилар. Ижтимоий ҳаёт ва санъатга оид ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри тушунишда ўқувчиларга гўзаллик ва уни севиш мавзусидаги дарслар, шунингдек, синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган хилма хил машғулотлар ёрдам беради.

Нафосат диди ўз табиатига кўра шахсга хос бўлган психологик ходисадир. Аммо шахс ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси бўлганлиги учун у гўзалликни баҳолаш мезонларини пухта ўзлаштира олади. Нафосат диди шахснинг буюм ёки ходисага нисбатан муносабат билдириш тури, объектив нафосат ўлчови бўлиб, гўзаллик, хунуклик ва тубанликка баҳо беришда субъектив ёндашувни ифодалайди. Дид саналади. Хуллас, мактаб ўқувчилари ўртасида нафосат тарбиясини ташкил этишда самарали шакл, метод ва воситалардан оқилона фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Жисмоний тарбия ҳақида тушунча. Жисмоний тарбия ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади.

Ёшларни соғлом бўлиб вояга етишларини таъминлаш масаласи халқ педагогикаси, оғзаки ижоди ҳамда мутафаккирлар асарларининг бош ғояларидан бири бўлиб келган. Жумладан, «Алпомиш», «Гўрўғли» каби дostonларда ҳам ўз ифодасини топган. «Алпомиш» дostonида Ҳакимбек (Алпомиш)нинг жисмоний машқ қилиши, табиат кўйнида вояга етганлиги, унинг алплиги қуйидагича тасвирланади: «Алпинбойнинг бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли ёйи бор эди. Шунда етти яшар бола Ҳакимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни қўлга ушлаб кўтариб тортди, тортиб кўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб кетди, овозаси оламга ёйилди. Шунда барча халойиқ йиғилиб келиб айтди: «Дунёда бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами дoston, охири бу Алпомиш алп бўлсин».

Абу Али ибн Сино ҳам инсонга хос бўлган ижобий фазилатларидан санаб ўтар экан, қуйидагиларга алоҳида урғу беради:

1. Жасурлик – бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги, чидамлилиги, инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват.
2. Ақллилик – бирор ишни бажаришда шошма-шошарлик қилишдан сақловчи қувват.
3. Зийраклик – сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунтиришга ёрдам берувчи қувват.

Алишер Наоий «Фарқод ва Ширин» дostonида Фарҳоднинг жисмоний қобилиятларини алоҳида кўрсатиб ўтади. Дostonда таърифланишича, Фарҳод ақлий камолотга эришиш билангина чекланиб қолмай, жисмоний ва ҳарбий машқлар ёрдамида чиниқади. Сувда сузиш, чавандозлик, қиличбозлик ва бошқалар унинг кундалик машғулотига айланган. Фарҳод, мутафаккирнинг фикрига кўра, 10 нафар 20 ёшли йигитнинг қувватига эга бўлган.

Абдулла Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва илм-маърифатга эга бўлмоқ учун бадантарбия билан шуғулланиши зарур: «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунку ўқимок, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз

вужуд лозим. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларида, ишларида камчиликка йўл кўюрлар. ... Бадан тарбиясини фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини кўйиб асатрини ювиб овора бўлмак кабидирки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун меҳнат ва соғлом бир вужуд керакдур».

Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Спорт ҳар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбия қилиш куч-қувватини сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида спорт, шу жумладан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ёшларни жисмоний тарбиялашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилди. «Соғлом авлод дастури» ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур дастур талабларига мувофиқ республика миқёсида қуйидаги уч босқичли спорт мусобақаларининг ўтказилиши йўлга қўйилди:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилар ўртасидаги «Умид ниҳоллари» беллашуви.

2. Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ўртасидаги «Баркамол авлод» беллашуви.

3. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар ўртасидаги «Универсиада» беллашуви.

Шунингдек, спортнинг турли йўналишлари бўйича жойларда оммавий спорт байрамлари, мусобақаларнинг ташкил этилиши оммавий тус олди.

Янги турдаги ўқув муассасаларда ҳам ўқувчилар ўртасида жисмоний тарбияни самарали ташкил этилишига эътибор қаратилмоқда. Жисмоний тарбия мазмуни ўқувчиларнинг ҳарбий чақириққача тайёргарлигига эришиш билан узвий боғлиқдир.

Мактабдан ташқари шароитларда жисмоний тарбияни ташкил этувчи муассасаларнинг сони ортиб бормоқда. Бугунги кунда ёшлар ўртасида спортнинг футбол, шахмат, сувда сузиш, теннис, бокс, каратэ, ушу ва таквандо каби турлари тобора оммалашиб бормоқда. Республикада спортнинг оммалашуви турли йўналишларда халқаро майдонларда мамлакат шарафини ҳимоя қилувчи спортчилар сонининг ўсишига имкон берди. Бугунги кунда спортчиларимиз орасида олимпиада чемпионлари етишиб чиқмоқда. Ўқувчиларга олимпиада совриндорлари ҳамда халқаро мусобақаларнинг ғолиблари бўлган М.Абдуллаев, Л.Черязова, А.Григорьян, Р.Чагаев, Б.Султонов, Ў.Ҳайдаров, А.Докторашвили, А.Таймазовлар ҳақида ҳикоя қилиб бериш, уларнинг ишларини давом эттиришга рағбатлантириш ўзининг самарали натижаларини беради.

Ўқувчиларнинг жисмоний маданиятга эга бўлишлари жисмоний тарбия самарадорлигини белгиловчи муҳим омил саналади. Шунингдек, жисмоний маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисмидир. Жисмоний маданият мазмунида қуйидагилар акс этади:

Жисмоний маданият

1. Инсон аъзоларининг функционал камолоти. Ички аъзолар, нерв ва шаракат, суяк-мушкул тизими, тана уй\унлиги ва уларнинг функционал фаолиятини бош=ариш лаё=атига эгалик.
2. Ё=увчиларнинг со\лигини мустацкамлаш.
3. Уларни гигиена =оидаларига амал =илишга кыниктириш.
4. Ё=увчилар моцирлигини шар томонлама ыстириш.
5. Былажак касб-шунар эгаларининг жисмоний ва физиологик сифатларини касбий ну=таи назардан шакллантириш, уларнинг ишчанлик =обилятини ошириш.
6. Ё=увчиларнинг жинсий жицатдан ты\ри камолга етишлари учун шароит яратиш.
7. Ё=увчиларда мустацкам ирода, =атый характер, интизомга сызсыз амал =илиш кыникмаларини шакллантириш

34 - чизма. Жисмоний маданият мазмуни

Жисмоний тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларни гигиена қоидалари билан таништириш, уларга сўзсыз амал қилиш кўникмаларига эга бўлишларига эришиш муҳимдир. Буюк педагог Абдулла авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида бу борада қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Назофат (гигиена) деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмоқни айтилуру. Поклик зехн ва идрокингни кенг ва ўткир қилуру. Халқ орасида эътибор ва шуҳратга сабаб бўлуру. Поклик ила ҳар хил касалликлардан қутулиб, жонимизнинг қадрин билан бўлурумиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадуру. Йиртиқ эски кийимлар киймоқ айб эмас, янги кийимларни кир қилиб, ёғини чиқариб юрмак зўр айб ва гуноҳдуру. ... Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак». Демак, инсон жисмонан бақувват ва ақлан зийрак бўлишни истаса, у биринчи навбатда покликка катта аҳамият бериши лозим. Айни пайтда поклик тарбияси устувор бўлган инсонларда кишига яхши яшаш учун зарур бўлган барча фазилатларда таркиб топади ҳамда ахлоққа зид бўлган нуқсонлар йўқолади.

Жисмоний тарбия болаларга фақат оилада ёки таълим муассасаларида таълимни ташкил этиш жараёнидагина эмас, балки синфдан ҳамда мактабдан ташқари ўтказиладиган машғулотлар, турли мусобақалар, тадбирлар чоғида ҳам самарали ташкил этиб борилиши мақсадга мувофиқ. «Соғлом танда соғ ақл» деган мақолда жисмоний

тарбияга оид маъно лўнда қилиб ифода этилган. Жисмоний тарбияни бугунги кун талабларига мувофиқ юқори даражага кўтариш ўқувчилар ўртасида салбий ҳолатлар - ка-андалик ва алкоғолизмнинг кенг тарқалиши олдини олади.

Назорат учун саволлар:

1. Нафосат тарбиясининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳақида сўзлаб беринг.
2. Нафосат тарбиясининг воситаларини кўрсатинг.
3. Гўзаллик ва хунуклик тушунчаларининг моҳиятини изоҳланг.
4. Бадиий жиҳатдан савияси паст асарларни қандай аниқлаш мумкин?
5. Сизга манзур бўлган шеърлардан намуналар айтиб беринг.
6. Ўзбек рассомларидан кимларни биласиз?
7. Жисмоний тарбия деганда нимани тушунаси?
8. Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
9. Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига берилаётган эътибор нималарда кўзга ташланади?
10. Ўқувчилар гигиенаси нима? Бу ҳақида буюк педагог Абдулла Авлоний қандай фикрларни билдирган?
11. «Жисмоний тарбия – кашандалик ва алкоғолизмнинг душмани» иборасининг мазмунини изоҳлаб беринг.

Тест топшириқлари:

1. Нафосат онгининг таркибий қисмлари қайси жавоб вараантида туғри кўрсатилган?
 - а) гўзалликни ҳис этиш ва уни англаш қобилияти;
 - в) тасвирий санъат, мусикий ёки хореографик лаёқат;
 - с) нафосат ҳис-туйғуси, идроки, билими, мулоҳазаси, баҳси ҳамда идеали;
 - д) нафосат онги, нафосат фаолияти;
 - е) нафосат маданияти, гузалликка интилиш, гўзалликни ҳис этиш.
2. қайси жавоб вараантида Ўзбекистон Республикасида ёшлар ўртасида уч босқичда ташкил этилувчи спорт мусобақалари туғри кўрсатилган?
 - а) «Соғломжон-Полвонжон», «қувноқ стартлар», «Умид ниҳоллари;
 - в) «Умид ниҳоллари», шаҳар биринчилиги, Осиё чемпионати;
 - с) ўртоқлик учрашуви, Республика чемпионати, Олимпиада мусобақалари;
 - д) «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада;
 - е) барча жавоблар туғри.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000.
2. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992.
3. Педагогика ғА.қ.Мунавваров таҳрири остида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
4. Подласўй И.П. Педагогика. Новўй курс. Кн. 2. Процесс воспитания. – Москва, Владос, 1999.

ОИЛАДА ТАРБИЯ АСОСЛАРИ

Оила ҳақида тушунча. Оила – кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гуруҳи. «Жамият» ва «оила» тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқлик жамиятнинг оилаларсиз мавжуд бўлмаслиги ҳамда ўз навбатида оиланинг маълум бир жамият таркибида вужудга келиши ва яшовчанлигида кўринади. Оила ҳамда жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар икки томонлама алоқадорлик хусусиятига эга. Ҳар бир оила умумжамят талаблари асосида фаолият юритади. Жамият таракқиётининг ривожига эса унинг бағрида мавжуд бўлган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қиёфасининг шаклланганлик даражасига бевосита боғлиқдир. Чунончи, ижтимоий борлиқнинг оилалар зиммасига қўядиган талаблари уларнинг манфаатларига зид бўлмаса, аксинча, оилалар фаровонлиги, тинчлигини таъминлашга ёрдам берса, оилалар томонидан ижтимоий талабларнинг қўллаб-қувватланиши, уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш кўрсаткичи шунча юқори бўлади.

Илмий-педагогик, психологик, физиологик ҳамда фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, оила бола учун энг асосий тарбия муҳити бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода, характер ва дунёқараш шаклланади. Бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий-маънавий қиёфасини кўради, жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида, оилавий муносабатларни ташкил этиш жараёнида англайди.

Оилавий муносабатлар – ота-оналар ёки боланинг камолоти учун масъул бўлган шахслар (бува-бувилар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил этилувчи муносабатлардир.

Оилавий муносабатлар фарзандларнинг ақлий, руҳий камолотини таъминлаб, ота-оналарда ўзига хос фаолликни ҳам юзага келтиради. Хусусан, фарзандларнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг қизиқиш ҳамда фаолиятлари доираси кенгайди, ўзаро алоқалари мазмунан бойиб боради,

реал ҳаёт моҳиятини чуқурроқ англаш, яъни, фарзандлар камолоти, келажаги тимсолида ўз умри давомийлигини куриш ҳолати рўй беради.

Шахсинг маънавий сифатларга эга бўлиши, унда маънавий билимларни эгаллашга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишнинг пайдо бўлишида оила тарбияси асосий ролни бажаради. Оилада қарор топган соғлом маънавий-руҳий муҳит фарзандларнинг етук, баркамол бўлиб вояга етишлари учун беқиёс аҳамиятга эгадир.

Шарқда азал-азалдан оила тарбиясига юксак баҳо бериб келинган. Тоталитар тузум даврида эса оиланинг шахс тарбиясида тутган ўрни инкор этилиб, уни ижтимоий борлиқ воситасида тарбиялашга ҳаракат қилинди.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида фуқароларда миллий ўзликни англаш туйғусининг қарор топганлиги, ўтмиш ҳадриятларини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортганлиги оиланинг шахс камолотида тутган ўрни ва ролини холисона баҳолаш имконини берди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидаги фикрларни баён этади: «Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига курилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади. Оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекистоннинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиланинг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, кўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».

Давлатнинг оилага нисбатан ғамхўрлиги қабул қилинаётган қонун ва қарорларда ўз ифодасини топмоқда. Республикада «Оила» илмий-амалий Маркази ташкил этилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Оила ва ислом. Донишмандлар оила ҳақида. Маълумки, Ислом динининг муқаддас манбалари – «қуръони Карим» ва «Ҳадиси Шариф»да оила, оилавий муносабатларга оид қарашлар ўз ифодасини топган. «қуръони Каримда»: «Хотинларингиз зиротгоҳингиздир» дейилади. Бунинг маъноси оила қуришдан кўзланган асосий мақсад – фарзанд кўриш, уларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш эканлигидир. Шунингдек, Ислом маънавиятида оилани ҳалол, пок сақлаш, эркак ва аёлнинг бир-бирига бўлган садоқати, маиший бузукликнинг катта гуноҳ эканлиги такрор-такрор уқтирилади. Чунончи, «Агар бир шаҳарда лоқал бир аёл бир марта бузуғлик кўчасига кириб, ҳаром орттирса, бу шаҳардан қирқ йил файзу баракат кўтарилиб кетади» дейилган. Шундай экан, маънавий жиҳатдан камолотга етишмай туриб, иқтисодий фаровонликни таъминлаш мумкин эмас.

Оила қуриш балоғатга етган ҳар бир йигит-қиз учун ҳаётий зарурият бўлиб, уларнинг ўзаро аҳду-паймони асосидаги ижтимоий бирлик сифатида намоён бўлади. Оиланинг мустаҳкамлиги оила аъзоларининг тотувлиги, эр-хотиннинг оила юритиш кўникма ва малакаларига эгалик даражасига боғлиқ. Оиланинг мустаҳкамлигида аёлнинг алоҳида роли бор. Зеро, оила ташвишларининг аксарияти унинг зиммасида бўлади. Бу борада буюк

мутафаккир Алишер Навоий куйидагиларни қайд этади: «... Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур. Уй безаги ундан ва уйланганнинг тинчлиги ундан. Хусни бўлса кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса эон озиғидир. Ақлли бўлса турмуш интизомли ва рўзғор керак ёроғи тартибли ва саранжомли бўлади.

Киши бу хилдаги жуфтга эришса, балки бундай бахт қўлга тушса, яширин ғам ва кулфатда сирдош ва ҳамдаминг бўлур. Турмушдан ҳар жафо ерса, ҳасратдошинг ул ва айланувчи осмондан ҳар бало келса кўмакдошинг ул. Кўнглинг ғамидин ул ғам чекади, баданинг заифлиги ҳорғинлигидан у қийналади. ... Носоз жуфт уй учун ҳам очик ҳам яширинг кўрқинчли касалликдир. Уятсиз бўлса кўнгил ундан озорланади, ярамас бўлса ундан азоб тортади. Тили ёмон бўлса куёвнинг кўнгли яраланади, ёмон ишлик бўлса эрга юз қоралик келади. Майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади ва бузуқи бўлса, уй ичи расвогарчиликка айланади.

Оила тарбиясининг моҳияти. Оила тарбияси, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ота-оналар ёки шахс камолоти учун масъул шахслар томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён. Ота-оналар ўзларининг ижтимоий бурчларини бажарар эканлар, фарзандларида меҳнатга, уни ташкил этувчиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғусини шакллантириш, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлаш, турли кўринишдаги муносабатларни уюштириш вақтида тартиб-интизомга амал қилиш, ижтимоий меъёрларга оғишмай риоя этиш, соғлом турмуш тарзини яратиш, ўз шахсий ҳаётлари мазмунини белгилашда мақсад, сўз ва фаолият бирлигини таъминлаш борасида ҳар томонлама ижобий ибрат намунасини кўрсатади.

Шахс шаклланишига таъсир этишининг ижтимоий-руҳий асосига эга оила жамиятнинг ажралмас бўлаги сифатида ижтимоий вазифаларни бажариш билан бирга ўзига хос хусусиятларни ҳам акслантирадики, бундай хислат психологик қарама-қаршилиқ ҳамда характерлар тўқнашувидан иборат ижтимоий муносабатлардан толиққан инсон организми нинг ишчанлик қобилятини қайта тиклаш учун зарур бўлган мўътадил иқлимни ҳосил қила олади. Бу туйғу халқимиз руҳиятидаги ўзига хос хусусиятлардан биридир.

Оила тарбиясида объектив ва субъектив омилларнинг роли катта. Оиланинг моддий таъминоти ва фаровонлик (маиший турмуш) даражаси, оила бюджетининг мавжуд ҳолати, ундан оқилона фойдаланиш борасидаги тажриба, соғлом руҳий муҳитнинг барқарорлиги ва ҳоказолар объектив омиллар саналса, оиладаги шахслараро муносабатлар мазмуни, оила аъзоларининг физиологик, психологик, маданий жиҳатдан комиллик ҳамда маълумот даражаси, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари ўртасидаги мутаносиблик, оилавий ҳаётни тартибга солиш борасидаги ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, бирлик тамойилларига таяниш кабилар субъектив омиллар сирасига киради.

Болаларда ижтимоий-дунёвий билимларни эгаллашга бўлган интилиш, ижтимоий фаолиятнинг шаклланишида ота-оналарнинг самарали иштирок этишлари ҳал қилувчи омил бўлиб, бу оила тарбиясини мувафиқиятли амалга оширишнинг зарур шартларидан бири.

Оила тарбиясида болалар ҳаётини тўғри юритиш уларни вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишларининг асосий гаровидир. Болаларнинг оиладаги вақтини ўйин, меҳнат ва ўқиш фаолиятлари бўйича тўғри тақсимлаш ниҳоятда муҳимдир.

Оила жисмоний ва психологик жиҳатдан соғлом, маънавий баркамол, меҳнат, ижтимоий ҳамда оилавий ҳаётга тайёр шахсни шакллантириб бериши лозим. Оила тарбиясининг мазмуни болаларга ижтимоий тарбиянинг мазкур йўналишлари – жисмоний, ахлоқий, ақлий, эстетик, меҳнат, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий-ғоявий ҳамда жинсий таълим бериш, уларда фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Оила муҳотида ташкил этиладиган жинсий тарбия ўзида болани жинсий жиҳатдан чиниқтириш, уларни тозалик ва озодаликка ўргатиш, ўз соғлиги учун ғамхўрлик қилиш ва масъулиятли бўлишни таъминлашга қаратилган ҳаракатларнинг мазмунини ифода этади. Болаларнинг соғлом бўлишларида уларнинг кундалик ҳаётий режимга амал қилишлари ниҳоятда муҳимдир. Ота-оналар ёки оиланинг катта вакил авлодлари болаларнинг меҳнат қилишлари ва дам олишларини тартибга солишга аҳамият беришлари керак.

Организмнинг бир маромда ишлаши бола саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашгагина ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга унинг барча юмушларни тартибли ва сифатли бажариши учун имкон яратади.

Марказий асаб тизимининг мустаҳкамланиши учун яхши дам олиш талаб этилади. Тиниқиб ухлаш бош мия асаб хужайраларини тўла ором олишини таъминлайди. Бу эса бутун организмнинг мўътадил ўсишига, унинг иш қобилиятини сақлаш ва қайта тиклашга ёрдам беради.

Инсон саломатлигини сақлашда эрталабки бадан тарбиянинг аҳамиятини болаларга тушунтириш ҳамда уларнинг эрталабки бадан тарбия билан шуғулланишга кўниктириб бориш ота-она назоратини талаб этади. Бадан тарбия болани саранжомлик, интизомга ҳам ўргатиб боради.

Овқатланишнинг тўғри ташкил этилиши ҳам боланинг соғлом бўлиб ўсишининг асосий омилларидан биридир. Ота-оналар томонидан боланинг белгиланган муайян соатларда овқатланиш, овқатланишдан аввал қўлни ювиш, овқатдан кейин оғизни чайиш, шунингдек, кунига икки марта (эрталаб ва кечқурун) тиш тозалаш, ҳафтада бир марта ванна (ёки душ, ҳаммом)да чўмилиш, қўл ва оёқ тирноқларини олишга одатлантириб боришлари зарур. Ушбу ҳолатлар болаларда жисмоний маданият унсурларини шакллантиради.

Оила тарбиясида болаларни ақлий жиҳатдан тарбиялаш ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борадаги дастлабки ва муҳим вазифа ота-она томонидан боланинг қизиқиш ва эҳтиёжларини кўра билиш асосида тасаввур, идрок, тафаккур, хотира ҳамда диққатни такомиллаштиришга ёрдам берувчи машғулотларга жалб этишдан иборат. Шунингдек, маълум йўналишлар

бўйича болада қўзиқишни уйғота олиш, уни ривожлантириб бориш ҳам талаб этилади. Бу борада ота-она ёки оиланинг бошқа аъзоларининг дунёқараш, эҳтиёж ва қизиқишлари доираси ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган намуна муҳим тарбиявий омил бўлиб хизмат қилади. Оила муҳитида боланинг ақлий жиҳатидан тарбиялаб боришда конструкторлик ўйинлари (кубиклар ёрдамида уйлар қуриш, кесмалар асосида фано (тасвир)лар ҳосил қилиш ва бошқалар), фикр доирасини кенгайтиришга ёрдам берувчи спорт ўйинлари (шахмат, шашка)ни ташкил этиш, турли мавзулардаги кроссворд, чайнворд ва ребус топишмоқларини ҳал қилиш, театр, музей ва кўргазмаларга ташриф буюриш ҳамда илм-фан, техника ва технология тараққиёти юзасидан суҳбатларнинг уюштирилиши бу борада ўзининг ижобий самарасини беради.

Ахлоқий тарбия оила тарбиясининг ўзагини ташкил этади. Оилада уюштириладиган ахлоқий тарбиянинг мақсади болаларда энг олий ахлоқий сифатлар ота-она ҳамда оиланинг бошқа аъзолари, шунингдек, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, катталарга хурмат, кичикларга мурувват, камтарлик, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик, саҳоват, инсонпарварлик, адолат, виждон, ор-номус, ғурур, интизом, ижтимоий бурчни англаш ва ҳоказоларни шакллантиришдан иборатдир. Шахсда мазкур сифатларнинг қарор топишида оиладаги соғлом муҳит, оила аъзоларининг психологик жиҳатдан ўзаро яқинликлари, эҳтиёж, қизиқиш ва ҳаётий ёндошувиларидаги умумийлик, бир-бирларини ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлай олишлари, ота-оналар томонидан барча фарзандларига нисбатан қўйилаётган талаблар, шунингдек, уларга кўрсатилаётган эътиборнинг бир хил бўлиши оила тарбиясида ижобий натижаларга эришишнинг омиллари саналади. Оилада муайян анъананинг қарор топганлиги, унга оила аъзолари томонидан билдирилаётган хурмат, шунингдек, кекса авлод вакилларининг шахси, уларнинг ижобий сифатлари, меҳнатда эришган (гарчи у оддий бўлса ҳам) ютуқлари, атрофдагилар билан муносабати борасидаги суҳбат ёки хотираларнинг ташкил этилиши болаларда ҳаётий эътиқоднинг шаклланишини таъминлайди.

Оилада ташкил этиладиган эстетик тарбия болаларда гўзалликни ҳис қилиш, ундан завқланиш, табиат гўзалликларидан баҳра олиш асосида ҳис-туйғу, идрок, тасаввур ҳамда қарашларни юзага келтириш, уларни ҳаётни севишга ўргатишдек вазифаларнинг ижобий ҳал этилишини назарда тутди. Ахлоқий ва эстетик қарашлар мазмуни ўзгарган бир шароитда оилада ахлоқий ва эстетик тарбияни тўғри ва самарали ташкил этилиши айниқса муҳимдир. Болалар жуда ёшлигиданоқ сохта гўзалликлар (ярим яланғоч ёки яланғоч бадан, меъёридан ортиқ қўлланилган пардоз, урфга кириб бораётган косметик операциялар «махсули», ўта даражадаги ялтироқ мато ёки тақинчоқлар) гўзалликнинг тимсоли эмаслигини англаб етишлари лозим. Бола тасаввурида ҳақиқий, табиий гўзаллик (ям-яшил табиат, нафис қор учқуни, нозик гуллар, беғубор осмон, виқорли тоғлар, тиниқ зилол сув, тоза, мусаффао ҳаво, бепоён далалар, қушларнинг ёқимли овози, шарқироқ сув, «чучвара»лар ҳосил қилаётган ёмғир томчилари, камалак жилоси,

шунингдек, очиқ, хушсурат, чиройли табассум, ширали овоз, таъсирчан бадий ва санъат асарлари, юксак маҳорат билан яратилган ўйинчоқлар (боланинг асабини жунбушга келтирадиган электрон ўйинчоқлар эмас), ярашқили либослар ва бошқалар)нинг намоён бўлиши учун шарт-шароит яратиб бериш мақсадга мувофиқдир. Болаларда ҳақиқий гўзалликни ҳис этиш туйғуси табиат бағрида, музей, кўرғазма, кино ва театрларда бўлиш туфайли шаклланади. Шу боис мактабгача таълим муассасалари ҳамда бошланғич синф ўқувчилари билан табиат бағрига, музей, кўрғазма, кино ва театрларга уюштириладиган экскурсия ва ташрифлар катта тарбиявий кучга эгадир.

Меҳнат тарбияси ҳам оила тарбиясининг асосий йўналишларидан бири саналади. Шахснинг мустақкам характер ва қатъий ирода эгаси бўлиб вояга етишида меҳнатнинг роли каттадир. Болаларни оилада тўғри тарбиялашда оила хўжалигининг одилona ташкил этилиши, болаларни оила хўжалигини юритиш ишига жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Болалар томонидан бажариладиган оилавий юмушлар уларнинг жисмоний ва ақлий камолоти даражасидан ортиқ бўлмаслиги, уларнинг тезда толиқишлари ёки майиб бўлишларига сабаб бўлмаслиги лозим. Болалар зиммасига уларнинг ёши, ривожланиш даражаси, жисмоний қувватига мувофиқ юмушларнинг тақсимлаб берилиши, берилган топшириқларнинг бажарилиши ва уларнинг сифатини катталар томонидан назорат қилиб туриш, бажарилган топшириқларнинг ҳаққоний баҳосига эга бўлган ҳавасини оширади, унда ўз кучига бўлган ишончни юзага келтиради.

Оилада мустақил равишда, айрим юмушларнинг ҳамжиҳатликка асосланган ҳолда бажарилишига эришиш катта аҳамиятга эга.

Меҳнатни ташкил этишда ота-оналарнинг шахсий намунаси, ака-опаларнинг ибрати, шунингдек, ота-онанинг бола билан бирга ишлашлари катта тарбиявий кучга эгадир.

Оилада ташкил этилган меҳнат болаларни фаросатли бўлиш, ишни режали олиб бориш, вақтдан унумли фойдаланиш, тежамкор бўлиш, шунингдек, ўзгалар меҳнати, инсон меҳнатининг маҳсули бўлган неъматларни асраб-авайлашга ўргатади.

Оилада, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазаси (экологияси)га оид тарбиявий ишлар ҳам ташкил этиладики, бу жараёнда болаларда «инсон-табиат-жамият» тушунчалари ўртасида юзага келувчи ўзаро мувофиқлик борасидаги ғояларнинг қарор топишига замин ҳозирлайди. Оила муҳитида ташкил этилаётган ҳовли саҳнини супириб-сидириш, гулзорларни ташкил этиш, кўчатларни ўтказиш ва уларни парвариш қилиш, маиший чиқиндиларни бартараф этишга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби ҳаракатлар болаларда табиатни асрашга нисбатан масъуллик туйғусини шакллантиради.

Оилавий ҳаётнинг меъёрида бўлиши кўп жиҳатдан оила бюджетининг ҳолатига ҳам боғлиқ. Шу боис оила аъзолари меҳнати эвазига яратилаётган моддий маблағларни тежаб-тергаб, улардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис болаларни ҳам ёшликдан пул билан муомала қилишга

ўргатиш, ўзининг шахсий ҳамда оила аъзоларининг буюмлари, шунингдек, оила мулкига нисбатан масъулиятли ёндашишга кўниктириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Болаларга пулнинг инсон меҳнатига тўнадиган қиймат эканлигини тушунтириб бериш, уни оиланинг энг муҳим эҳтиёжлари учун ишлатиш лозимлигини уқтириш, улар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди. Оилада ташкил этиладиган иқтисодий тарбия болаларда иқтисодий саводхонлик ҳамда тафаккурнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Болаларда иқтисодий тафаккурни ҳосил қилишда ота-она, оиланинг катта ёшли аъзоларининг намунаси катта тарбиявий таъсир кучига эгадир (иқтисодий тарбия).

Оила тарбиясини ташкил этиш шакл, метод ва воситалари. Оила шароитида уюштирилаётган суҳбатлар алоҳида диққатга сазовордир. Оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган ҳуқуқий мавзулардаги мақолалар, кўрсатув, эшиттириш, шунингдек, оммавий-ҳуқуқий адабиётлар ҳамда уларда илгари сурилган ғоялар юзасидан ўтказиладиган суҳбатлар болаларда ҳуқуқий тасаввур, идрок, саводхонлик, тафаккур, фаоллик, масъуллик, эътиқод ва салоҳиятни қарор топишига олиб келади.

Оила муҳитида болаларга уларнинг бурчлари тўғрисидаги маълумотларни бериб бориш, ўз навбатида ҳуқуқларидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш бу борада яхши самара бера олади.

Оила болаларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини ҳосил қилувчи ўзига хос маскан саналади. Болалар «Ватан», «халқ» тушунчаларининг моҳиятини дастлабана шу масканда ўзлаштирадilar. Бинобарин, оиланинг ўзи Ватаннинг бир бўлагидир. Оила шаънини ҳимоя қилиш, уни сақлаш тўғрисида қайғуришнинг Ватаннинг шаъни, эл-юрт манфаати учун курашиш туйғулари билан узвий боғлиқ бўлишига эришиш оилада ташкил этилаётган ижтимоий-сиёсий тарбиянинг асоси бўлиши лозим.

Юқорида қайд этилган тарзда оила тарбиясини ташкил этиш комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш муваффақияти учун пойдевор бўлади. Фарзандларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларида ота-она, оиланинг бошқа аъзоларининг дунёқарашлари, ҳаётий ёндошувлари ва маънавий дунёси ўзига хос ўрин тутди.

Шунингдек, ота-оналарнинг муайян даражада педагогик билимларга эга бўлишлари ҳам аҳамиятлидир. Оила ва таълим муассасалари ўртасида ташкил этилган ҳамкорликнинг бош ғояси ота-оналар учун педагогик ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Фарзанд дастлабки маълумот ва ижтимоий меъёрларга амал қилиш борасидаги кўникмаларга оилада эга бўлади. Чунки оилавий ижтимоий муносабатлар, хусусан, маданий-маиший, иқтисодий-молиявий, мулкий муносабатлар ҳамда меҳнат фаолиятини ташкил этишда фарзандлар ўзлари сезмаган, моҳиятини тушуниб етмаган ҳолда мазкур муносабатлар жараёнида иштирок этадилар, демакки, ижтимоий масалалар билан тўқнаш келадилар,

натижада бу тарзидаги мулоқотларнинг доимий, қисқа муддатларда такрорланиб туриши улар учун ота-оналар, фарзандларнинг ҳуқуқ, бурч, мажбурият ва масъулиятларини тушуниб етишга ёрдам берувчи ижтимоий объектив шарт-шароитларни яратади.

Шу жиҳатдан педагогика фани олдига миллий ва ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда тарихан таркиб топган оила - таълим муассасаси – жамоатчилик тарзидаги учликнинг ижтимоий-маърифий роли улар ўртасидаги ўзаро бирлик, алоқадорлигини асослаш, болаларда идрок ва тафаккурни шакллантиришда оила ва жамоатчилик имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш талаби ўртага қўйилмоқда.

Оила тарбиясининг фарзандларга тарбия бериш, уларда маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш имкониятларини аниқлаш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилади. Шу борада ота-оналар билан олиб борилган ишлар ҳамда ўтказиладиган тадбирлардан айримларини намуна сифатида келтирамиз:

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар:

И. Ота-оналар билан ўтказиладиган суҳбатлар.

Суҳбатлар яққа ва умумий тарзда олиб борилади. Илк суҳбат чоғида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий маданият унсурларини қарор топтириш муваффақиятини таъминлаш кафолати бўлган ота-оналар ва фарзандларнинг ижтимоий онглилик ҳамда фаоллик даражасини аниқлашга ёрдам берувчи анкета сўровларини ўтказиш мумкин. Сўровномалар икки турда бўлиб, улардан биринчиси ҳар бир ўқувчининг умумий портретини тасвирловчи, диагностик тавсифга эга, иккинчи турдаги сўровнома эса ота-оналарнинг ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш, фарзандлар маънавий маданиятини шакллантиришга нисбатан уларнинг шахсий муносабатларини аниқлашга хизмат қилувчи сўровномалардир. куйида биринчи турдаги сўровноманинг умумий мазмунини келтирамиз:

«Сиз ўз фарзандингизни қай даражада биласиз?» номли сўровнома мазмуни куйидагича:

1. Фарзандингиз ушбу ўқув масканида нечанчи йил таҳсил олмоқда?
2. Фарзандингизни сўнгги ўқув йилидаги ўзлаштириш даражаси Сизни қониқтирадими?
3. Фарзандингизнинг фанларга бўлган муносабати қандай?
4. Унинг фанларга бўлган қизиқишини баҳолай оласизми?
5. Ижтимоий муносабатлар (оила, жамоа ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида ташкил этиладиган муносабатлар) жараёнидаги иштироки қандай?
6. Фарзандингиз мансуб бўлган микро ҳамда макро муҳитнинг маънавий-ахлоқий иқлими қандай? У кимлар билан дўстлашган, уларнинг маънавий қиёфаси Сизнинг талабларингизга жавоб бера оладими?
7. Сиз фарзандингизга нисбатан салбий алоқа ёки таъсир кўрсатганликларининг гувоҳи бўлганмисиз?
8. Унинг оилада тутган ўрни қандай?

9. Ўқув юрти ёки оила ўртасида вужудга келган шахсий зиддиятлари борми?

Дастлабки суҳбат ҳамда ота-оналар томонидан тўлдирилган сўровномалар натижаларини таҳлил этиш улар билан ташкил этиладиган тадбирлар йўналиши ва мазмунини белгилаб беради.

ИИ. Мактабнинг ўқув йили давомида ота-оналар билан олиб борадиган ишлари:

1. Синф ота-оналар мажлиси. Мажлис ўқув йили давомида беш марта ўтказилади, яъни, ўқув йили бошланиши олдида, И, ИИ, ИИИ ва ИВ чораклар якунида. Мажлисларда ўқув юрти ички-тартиб қоидалари, умумжамоа ижтимоий меъёрларига риоя этиш ҳолатлари, юзага келган зиддиятлар таҳлил этилади, навбатдаги давр учун белгиланган ишларни режалаштириш, уларни ҳал этиш йўллари, чора-тадбирлари белгиланади. Мактабда таълим олаётган, жамоа ҳаёти, шунингдек, тарбиявий тадбирлар фаоллик кўрсатаётган, ўқишда, меҳнатда алоҳида ўрнатилган бўлаётган ўқувчиларнинг ота-оналарига миннатдорчилик изҳор этилади.

Айрим ўқув юртида ташкил этилаётган тадбирларда фаол иштирок этмасликлари айтиб ўтилади ва бунинг сабаблари аниқланади, бундай ҳолатларга барҳам бериш борасида фикрлашиб олинади.

2. Умуммактаб ота-оналар мажлиси. Ота-оналарнинг умумий йиғилишида ўқув йили давомида ўқувчилар, ота-оналар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг бориши ва якуни муҳокама қилинади. Ота-оналар мактаб ҳаёти ва ўқувчиларнинг интизоми, ҳуқуқ-атвори, ижтимоий меъёрларга амал қилишлари, ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш борасида эришаётган натижалар билан таништирилади.

Ўқув йили якунида бўлиб ўтган умуммактаб ота-оналар мажлисида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этган, турли фанлар бўйича уюштирилган тадбирларда алоҳида ибрат кўрсатган, шунингдек, муайян фанлар бўйича олимпиадаларда муваффақиятли қатнашган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини раҳматномалар билан тақдирлаш мақсадга мувофиқдир. қуйидаги бундай раҳматномаларнинг намунасини келтираемиз:

Намуна

“Ҳурматли Собиржон Рўзиев!

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 22-мактаб маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси “Камолот” ёшлар уюшмаси Сизга фарзандингизнинг тарбиясига алоҳида эътибор бераётганингиз учун ташаккур изҳор этади.

Фарзандингиз Нодиржон Рўзиев 2004-2005 ўқув йилини аъло баҳолар, намунали ҳуқуқ, шунингдек, математика фани бўйича билимлар танловига фаол иштироки билан якунлади.

Фарзандингиз мустақил Республикамиз ва халқимизга муносиб фуқаро бўлиб етишаётганлигидан хурсандимиз.

Сизга ва оила аъзоларингизга соғлиқ, оилангизга тинчлик тилаймиз.

Мактаб маъмурияти
Касаба уюшмаси қўмитаси

2005 йил 6 июн”.

3. Ижтимоий-маънавий мазмундаги суҳбат ва маърузалар. Бундай маъруза ва суҳбатлар ота-оналарда ижтимоий, шунингдек, таълим-тарбияга оид билимларни эгаллаш, фарзанд тарбияси ишига жиддий эътибор бериш, бу борада таълим муассасаси билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга.

Оила муаммолари. Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби таълим-тарбия ва оила тарбиясини ташкил этишда ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Мавжуд шароитда оилада болалар тарбиясини ташкил этишда муайян қийинчиликлар кўзга ташланмоқда. Булар қуйидагилардан иборат:

- ота-оналарнинг педагогик билимлардан етарли даражада хабардор эмасликлари;
- ўтиш даври шароитида юзага келган иқтисодий қийинчиликлар натижасида мактаб ёши болаларнинг муайян қисмининг бозор билан боғланиб қолиб, ўқишга бўлган қизиқишларининг сусайганлиги;
- замонавий ахборот воситалари, шу жумладан, компьютернинг ижтимоий ҳаётга тобора чуқур кириб бораётганлиги, натижада унинг ижобий таъсири билан бирга болаларда бадиий адабиётларни ўқишга бўлган қизиқишларининг сезиларли пасайиши;
- ахборот воситалари саҳифаларида жангари кайфиятдаги томошалар сонининг ортиб бораётганлиги ва бунинг оқибатида болаларда бераҳмлилик кайфиятининг пайдо бўлаётганлиги;
- ўқувчиларнинг ўқув адабиётлари билан тўла қуроллантирилмаганлиги;
- нотўлиқ оилаларнинг мавжудлиги ҳамда улар сонининг ортиб бораётганлиги ва ҳоказолар.

Оиланинг фарзандлар ўқув фаолиятига ғамхўрлик қилиши тарбиядаги бош масалалардан биридир. Ота-оналар фарзандларининг таълим жараёнида билимларни муваффақиятли ўзлаштиришлари йўлида масъулиятни чуқур ҳис этишлари зарур.

Ота-оналарнинг бу борада қуйидагиларга риоя этишлари мақсадга мувофиқдир:

- болаларнинг машғулотларга кечикишлари ва уйга ўз вақтида қайтмасликларига йўл қўймасликлари;
- уларнинг дарс тайёрлашлари учун уйда қулай шароитни яратиб беришлари;
- болаларда уй вазифаларини бажаришга нисбатан масъулиятли ёндашувни қарор топтиришлари;
- болаларга ўқув топшириқларини бажариш ҳаётий зарурият эканлигини уқтиришлари, вазифаларни мустақил, виждонан бажариш кўникмаларига эга бўлишларига кўмаклашишлари;

- болаларнинг кун тартибига амал қилиш кўникмаларига эга бўлишларига эътибор қаратишлари;
- бўш вақтдан унумли фойдаланишларини назорат қилиб боришлари.

Оилада бола тарбиясига ижодий ёндашиш, болаларда ижобий сифатларни шакллантиришга эришиш уларнинг шахс сифатида тўлақонли шаклланишларида муҳим аҳамиятга эга.

Назорат учун саволлар:

1. Оила нима? Уни ўз фикрингиз билан изоҳлаб беринг.
2. Оила тарбиясининг моҳияти нимадан иборат?
3. Оила тарбияси қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилади?
4. Оила ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик мазмунидан нималар акс этади?
5. Шарқ мутафаккирларининг оила ва фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш борасидаги қарашларида қандай ғоялар илгари сурилади?
6. Ўзбекистон Республикасида оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш йўлида қандай қандай ишлар амалга оширилмоқда?
7. Оила тарбияси борасидаги мавжуд муаммолар нималардан иборат?

Тест топшириқлари:

1. қуйидаги сатрлар қандай тушунча моҳиятини ёритишга хизмат қилади: «Ота-оналар ёки шахс камолоти учун масъул шахслар томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён»?
 - а) оила тарбияси тушунчасининг;
 - в) оилавий муносабатлар тушунчасининг;
 - с) оила тушунчасининг;
 - д) оила тарбияси мақсадининг;
 - е) оила тарбияси вазифаларининг.
2. Оила тарбияси самарадорлигини таъминловчи субъектив омиллар қайси жавоб вариантыда тўғри кўрсатилган?
 - а) оиланинг моддий таъминоти ва фаровонлик (маиший турмуш) даражаси, оила бюджетининг мавжуд ҳолати, ундан оқилона фойдаланиш борасидаги тажриба, соғлом руҳий муҳитнинг барқарорлиги ва ҳоказолар;
 - в) оила тарбиясининг мақсади, мазифалари, мазмуни;
 - с) оиладаги шахслараро муносабатлар мазмуни, оила аъзоларининг физиологик, психологик, маданий жиҳатдан комиллик ҳамда маълумот

даражаси, уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари ўртасидаги муносабатлик, оилавий ҳаётни тартибга солиш борасидаги ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, бирлик тамойилларига таяниш ва бошқалар;

д) самарали шакл, метод ва воситалар;

е) оила тарбиясининг тамойиллари, оила тарбиясини ташкил этиш жараёни, мазкур жараён моҳияти.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000.

2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент, Ўзбекистон, 2000.

3. Кайковус, Унсурулмаолий. қобуснома. – Тошкент, Ўқитувчи, 1986.

4. Навоий, Алишер. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн учинчи жилд. – Тошкент, ғ.ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966.

5. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992.

6. Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. –Тошкент, Маънавият, 1998.

7. Педагогика ғА.қ.Мунавваров таҳрири остида. –Тошкент, Ўқитувчи, 1996.

ИИИ БЎЛИМ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ. ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълими тизимини такомиллаштириш устувор йўналиш сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида узлуксиз таълим тизимининг моҳияти, йўналишлари, таълим мазмуни, таълимнинг ҳуқуқий асослари батафсил очиқ берилган. Мазкур меъёрий ҳужжат мазмунида қуйидагилар ифодасини топган:

1) фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асослари;

2) таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари;

3) ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқи;

4) педагог фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи;

5) таълим муассасасининг ҳақуқий мақоми;

- 6) таълим тизими ва турлари;
- 7) таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- 8) таълим тизимини бошқариш.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида алоҳида урғу берилганидек, таълимни ташкил этишнинг асосий мақсади – жамиятда интеллектуал ва илмий потенциални ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги бурчи, жавобгарлигини англайдиган баркамол ва мустақил фикрли шахсни шакллантиришдан иборат.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари кўрсатиб ўтилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- таълим-тарбиянинг инсонпарвар ва демократик характерда бўлиши,
- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг йўналишларини танлашнинг ихтиёрлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стандарти доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндошув;
- билимли бўлишни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири таълим ва тарбиянинг инсонпарвар ва демократик характерда бўлиши кўрсатилган. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлашуви инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутди. Таълимни инсонпарварлаштириш шахснинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга имкон яратади. Шунингдек, таълим жараёнида унинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари ва ҳизқишларини ҳисобга олишни назарда тутди. Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия жараёни шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлашга йўналтирилади, унинг шахсига нисбатан ҳурмат билан ёндашилади.

Таълим ва тарбияни демократлаштиришнинг мазмуни шундан иборатки, таълим-тарбия мазмунининг очиклиги, ўқув материаллари, таълим шакл ва методларининг хилма-хиллиги, миллий ва ҳудудий хусусиятларнинг инобатга олиниши, ҳамманинг ва ҳар кимнинг маданий жиҳатдан юксак натижаларга эришишини таъминлашга имкон беради. Мазкур тамойилга амал қилиш ўқувчиларнинг хоҳишларига кўра ўқув жадвалидан қўшимча фанларнинг ўрин олиши, юқори синфларда муайян фанларнинг чуқурлаштирилиб ўргатилиши, факультатив машғулотлар ҳажмининг кенгайтириш, турли йўналишларда тўғаракларни ташкил этиш, дарсларнинг яқка ва гуруҳ асосида ўтказилишига эътибор берилишини англатади.

Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги тамойили республикада узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик асосида фаолият юритишларини ифодалайди. Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув дастурлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг, ўз навбатида уларнинг ўқув дастурлари олий ўқув юрти ўқув дастурлари билан мутаносибликда яратилиб, бири ўзидан аввалги босқичда ўзлаштирилган маълумотни бойитади ва ривожлантиради.

Шунингдек, давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ фаолият олиб бораётган узлуксиз таълим тизими мазмунига кўра бир типдаги ўқув юртларининг биридан иккинчисига ўтиб ўқиш имконияти мавжуд. Чунончи, таълим олувчилар бир мактабдан иккинчи мактабга, бир академик лицейдан иккинчи академик лицейга бир шаҳарда фаолият юритаётган олий ўқув юртидан иккинчи шаҳарда жойлашган олий ўқув юртига ўтиб таълимни давом эттириш ҳуқуқига эгалар.

Умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги тамойили ўзида, биринчидан, фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари, уларнинг билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжлари, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билилар, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатлар, меҳнат, ижодий фикрлаш ва касб танлаш кўникмалари шакллантириш; иккинчидан, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, чуқур, соҳалаштирилган, табаҳалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишни таъминлаш; учинчидан, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш имкониятини яратишни ифодалайди.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг ихтиёрийлиги тамойилининг асосий моҳияти ўқувчиларнинг янги турдаги ўқув муассасаларида таълим олиш йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга эканликларини англатади. Бу ики турдаги уч йиллик махсус таълим йўналишларини ўқувчилар ўз иқтидорлари ва хоҳиш-истакларига таянган ҳолда танлайдилар. Ана шу тарзда ўқувчиларнинг бирон бир шаклда билимларини такомиллаштириш, муайян касб-ҳунар эгаси бўлиб етишишлари учун шароит яратилади.

Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги мамлакатда таълим тараққиётининг ривожини илмий асосларга эга бўлиб, у фан-техника, маданиятнинг юксала бориши билан чамбарчас ҳолда ривожланиб боришини назарда тутаяди.

Инсоният мавжуд экан, ҳар доим тараққиёт сари интилади ва янгидан-янги фан ютуқларини қўлга киритиб боради. Таълим тизими эса ана шу фан янгиликларини келажак авлодга етказиб беришни таъминлайди. Шу боис таълим тизимининг дунёвий характерда бўлиши талаб этилади. Шунингдек, таълим олувчиларнинг ушбу ютуқлардан оқилона фойдаланган ҳолда улардан тўғри хулосалар чиқариб, келажакда ўзларининг муносиб ўринларини топишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ни қонунининг 4-моддасида белгилаб қўйилганидек, фуқаролар миллати, тили, жинси, ёши, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи, хизмат тури, турар жойи, Ўзбекистон Республикасида ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар билим олиш ҳуқуқига эгалар. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги тамойили айнан мана шу ҳолатни ёритишга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган моддада, яна шунингдек, чет эллик фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эгалликлари таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар эса билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга эканлиги бу тамойилнинг инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилишини билдиради.

Республикамизда таълим, ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз ва тожик тилларида олиб борилаётган умумий ўрта таълим муассасалари мавжуд бўлиб, бундай йўл билан барча миллатларнинг тенглик асосида билим олишига шароит яратилган. Бундан ташқари мамлакатнинг барча ҳудудларида «якшанбалик мактаблари» ташкил қилинган бўлиб, ҳар бир миллат вакиллари дам олиш кунини ихтиёрий равишда ўз она тилида таълим олиш имкониятига эгалар.

Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасида ўз ифодасини топган. Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар ҳамда олий таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир таълим тури учун алоҳида давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади, уларда кўзда тутилган талабларга амал қилиш эса мазкур босқичдаги таълим муассасаларидан бирдай талаб этилади. Аммо давлат таълим стандарти асосида таълим муассасалари ўзларининг ўқув дастурлари вариантини ишлаб чиқиб, ундан фойдаланишлари мумкин. Бу таълим олиш мақсади ягона бўлгани ҳолда, унга эришиш йўллари турлича эканлигини кўрсатади.

Билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири саналиб, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ушбу тамойилга тўла амал қилинади. Таълим олувчиларнинг истеъдод ва қобилиятлари давлат томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилади. Бундай рағбатлантиришлар сирасига истеъдодли ўқувчиларни фахрий ёрликлар, стипендиялар ҳамда мукофотлар билан тақдирлашни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши ушбу тамойилни

хуқуқий жиҳатдан кафолатланишини таъминлади. Мазкур қарорга мувофиқ ҳар йили ўқувчи ва талабалар ўртасида фан олимпиадалари ўтказилиб, ғолиблар турли имтиёзларни қўлга киритмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралда қабул қилинган «Ўзбекистонда ўқувчи-ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармониغا биноан илмий салоҳият, иқтидорга эга талабалар (бакалавр ва магистратура йўналишлари бўйича) ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётган аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари таъсис этилди ва ҳар йили ўн бир таълим йўналиши (техника ва информатика, тиббиёт, физика-математика, иқтисодиёт, журналистика, гуманитар, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар, педагогика, маданият ва санъат, чет тиллар, кишлоқ хўжалиги) бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси учун танловлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, иқтидорли талабалар учун «Беруний», «Улуғбек» ҳамда «Навоий» номидаги стипендиялар жорий этилган бўлиб, уларнинг совриндорлари бўлган талабаларнинг фаолияти моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Бундан ташқари истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид», «Истеъдод», «Республика болалар фонди», «Соғлом авлод учун», «Улуғбек» ва бошқа жамғармалар ташкил этилган. Айни вақтда давлат томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам туфайли 2000 нафардан ортиқ талабалар хорижий мамлакатларда таҳсил олиб, ўз билимларини оширишга муваффақ бўлдилар.

Юқорида билдирилган фикрлар республикада билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш тамойилининг тўлақонли равишда амалиётга татбиқ этилаётганлигининг ёрқин исботидир.

Таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш тамойили таълимни ташкил этиш ва унинг сифатини оширишда давлат ва жамиятнинг таълим муассасаларини бошқаришда ҳамкорликка эришишни назарда тутди. Таълим тизимида давлат ва жамият бошқаруви таълим самарадорлигини оширишга замин яратади.

Таълим тизими ва турлари. Таълим тизими давлат сиёсатининг асосий тамойиллари асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида фаолият юритувчи барча турдаги таълим муассасалари мажмуи демакдир. Ҳар бир мамлакатнинг таълим тизими унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари, таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бошқарувчи илмий-педагогик муассасалар, таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва

ташкiлотларни ўз ичига олади. Республиканинг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Республика «Таълим тўғрисида»ги қонунда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида таълим қўйидаги турларда амалга оширилади:

Мактабгача таълим – боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминловчи, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотувчи, уни мунтазам таълим олишга тайёрловчи ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилувчи таълим босқичи.

Умумий ўрта таълим икки босқичда амалга оширилади. Улар қўйидагилардир:

- 1) бошланғич таълим (1-4-синфлар);
- 2) умумий ўрта таълим (1-9-синфлар).

Бошланғич таълим ўқувчиларга мураккаб бўлмаган илмий билимларни бериш асосида уларда ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашга оид дастлабки билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш асосида уларда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи элементларини ҳосил қилиш босқичи.

Умумий ўрта таълим ўқувчиларнинг фан асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлаш кўникмаларини шакллантириш¹ босқичи. Умумий ўрта умумий ўрта таълим муассасаларида амалга оширилиб, ўқувчиларга И-ИХ синфлар ҳажмида давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ фан асослари бўйича мажбурий таълим берилади.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослашган мактабларнинг ташкил этилиши эса уларнинг истиқболларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус касб-хунар таълими амалга оширилади. Мазкур таълим узлуксиз таълим тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган мустақил тур ҳисобланади. Ўрта махсус касб-хунар таълими – умумий ўрта таълим негизида мажбурий-ихтиёрий равишда ташкил этилиб, ўқувчиларга уларнинг имкониятлари ва қизиқишлари асосида танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисослик асосларига оид билимларни бериш босқичи. Мазкур муассасаларда таълим олиш ўқувчилар томонидан мажбурий-ихтиёрий равишда танланади.

Академик лицей ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим

¹ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури //Олий таълим: меъёрий шужжатлар тыплами. – Тошкент: Шар= нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таъширияти. 2001. – 35-бет.

олишларини таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Академик лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом ҳамда ўрта маълумотга эга бўлганлик тўғрисидаги гувоҳномалар берилади. Улар битирувчиларга таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисослик ва касб-хунар йўналиши бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Олий таълим - ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланиб, икки босқич (бакалаврият ҳамда магистратура)да ташкил этиладиган ҳамда мутахассисликлар йўналишлари бўйича халқ хўжалигининг турли соҳаларига олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаб берувчи таълим босқичи.

Бакалаврият – мутахассислик йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир. Бакалаврлик дастури тугатилгандан сўнг битирувчиларга «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи диплом топширилади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизига таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

«Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шахснинг ижодий таълим – касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилиб, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида аспирантура, адъюнктура ва докторантурада таълим олиш, шунингдек, мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш асосида амалга ошириладиган таълим босқичи.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичларида тахсил олиш (аспирантура, докторантура) муайян илмий даража (фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси)ни олишга имкон берувчи диссертация ҳимояси билан яқунланади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли мутахассислик йўналишларида фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси

берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилувчи таълим босқичи.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ва сертификат топширилади.

Мактабдан ташқари таълим маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда йўлга қўйилувчи, болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида ташкил этиладиган таълим босқичи.

Мактабдан ташқари таълим давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларида олиб борилади.

Ҳозирги даврда жаҳонда таълим тизимининг аҳволи. Ривожланган хорижий давлатлар таълим тизимини ўрганиш мақсадида АҚШ, Франция, Япония давлатларининг таълим тизими таркибини ёритмоқчимиз.

И. Америка қўшма Штатларида таълим тизими қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- мактабгача тарбия муассасалари – 3 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларни тарбиялашга хизмат қилади;

- бошланғич мактаблар (1-8-синфлар) – 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар;

- ўрта мактаблар (9-12-синфлар) – 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг таълим олишлари учун имконият яратади. Ўрта мактаб қуйи ва юқори босқичдан иборат.

- олий таълим - 2 ёки 4 йил мобайнида коллежлар ҳамда университетларда амалга оширилади.

- университетлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этиладиган аспирантура ва докторантурадир.

АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Мамлакатда фаолият юритаётган ўқув юртлари давлат, жамоа, хусусий тасарруфлар ҳамда диний муассасаларга тегишли бўлиши мумкин.

Америка қўшма Штатларининг мактаблари учун ягона ўқув режаси йўқ. Ҳар бир штат ўз ўқув режасига эга. Шунга кўра Штатларда бошланғич таълим 4, 5, 6 ва 8 йиллик бўлиши мумкин.

ИИ. Япония таълим тизими ўз ичига мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич мактаблар, юқори ўрта мактаблар ҳамда олий таълим берадиган университетларни олади.

Болалар боғчаларига болалар 3-5 ёшларида борадилар ва 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар.

Бошланғич мактабга болалар 6 ёшдан боради ва 6 йил ўқийди. Бошланғич мактабни тугатгандан кейин кичик ўрта мактабда 3 йил таълим оладилар. Японияда 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб, барча болалар бепул ўқитилади, улар текин дарсликлардан фойдаланадилар.

Юқори босқич ўрта мактаб Японияда ихтиёрий бўлиб, унинг кундузги, кечки ва сиртқи турлари мавжуд. Ўқиш муддати 3 йил.

Олий таълимга юқори босқич ўрта мактабларни тугатган битирувчилар қабул қилинадилар. Олий таълимни университетларда олиш мумкин. Олий таълим тизимига кирган бўлсада, ўрта махсус таълим берадиган кичик коллеж, техник коллеж, махсус тайёргарликдан ўтиш имконини берувчи коллежлар ҳам мавжуд. Японияда фаолият олиб бораётган 460 та университетнинг ярмидан кўпи хусусийдир.

ИИИ. Францияда таълим тизими қуйидаги босқичлар асосида шаклланган:

1. Мактабгача тарбия – 2 ёшдан 6 ёшгача болаларни ўз ичига олади.

2. Бошланғич таълим – 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларнинг 3 босқичда таълим олишларига имкон беради. Тайёрлов босқичи учун 1 йил, элементар курслар учун 2 йил таълим муддати белгиланган. Бошланғич таълимнинг 3-босқичи 2 йиллик чуқурлаштирилган босқичдир.

3. Ўрта таълим икки босқичда берилади. Ўрта таълимнинг биринчи босқичи 4 йиллик таълим берувчи коллежлар, иккинчи босқич эса 3 йиллик таълим берувчи лицейларда амалга оширилади. 3 йиллик лицейни тугатган битирувчилар «Бакалавр» даражасини олиш учун имтиқон топширадилар.

4. Олий таълим университетлар ва олий ихтисослик мактабларида олиб борилади.

Назорат учун саволлар:

1. Таълим соҳасидаги Давлат сиёсатининг асосий тамойиллари моҳиятини изоҳлаб беринг.

2. Таълим тизими деб нимага айтилади?

3. Узлуксиз таълим тизими босқичларини санаб беринг.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг асосий вазифалари нималардан иборат?

5. Олий таълим босқичлари, уларнинг моҳиятини ёритиб беринг.

6. Риожланган хорижий мамлакатларнинг таълим тизими Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидан фарқ қиладими? Фарқли жиҳатларни кўрсатинг.

Тест топшириқлари:

1. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими қандай босқичлардан иборат? Тўғри жавоб вариантыни топинг:

а) мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич мактаб, ўрта мактаб, олий таълим, аспирантура ва докторантура;

в) мактабгача тарбия, умумий таълим, мактабдан ташқари таълим, хунар-техника таълими, олий таълим, илмий ва илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш, кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, оиладаги таълим, мустақил таълим;

с) мактабгача тарбия, бошланғич таълим, ўрта таълим, олий таълим, мактабдан ташқари таълим;

д) мактабгача тарбия, бошланғич мактаб, асосий мактаб, махсус мактаб, реал билим юрти, гимназия, умумтаълим мактаби, хунар-техника таълими, олий таълим;

е) мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юридан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га асосан ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайдиган, уларга ўрта махсус таълим берадиган янги типдаги таълим муассасасини кўрсатинг:

а) гимназия;

в) академик лицей;

с) университет;

д) касб-хунар коллежи;

е) умумий ўрта таълим мактаби.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғғБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғғБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.

4. Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаби)нинг муваққат намунавий Устави ғғХалқ таълими ж., № 1. 1999.

5. «Ўрта махсус касб-хунар таълими тўғрисида»ги Низом ғғХалқ таълими ж., № 6. 1999.

6. Йўлдошев Ж.ғ. Хорижда таълим. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1995.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ МЕНЕЖМЕНТИ

Таълим муассасасини бошқаришнинг педагогик-психологик асослари. Бошқариш фақат ишлаб чиқаришгагина хос бўлган жараён эмас. Балки ижтимоий соҳалар, шунингдек, таълим тизимида ҳам бошқаришни тўғри ташкил этилиши жуда муҳим.

Ҳозирги пайтда ягона педагогик жараённи бошқаришга илмий ёндашиш ҳаракати кучайди. Бу эса интеллектуал салоҳияти юқори кадрларни шакллантириш учун ўта муҳим ҳисобланади.

Аввало, бошқаришнинг ижтимоий моҳиятини англаб олайлик. Бошқариш маълум бир объектга ташкилий, режали, тизимли таъсир кўрсатиш демакдир.

Таълим муассасасининг педагогик фаолиятини бошқариш таълим муассасасининг фаолият хусусиятига кўра педагогик жараённи режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш, натижаларни назорат ва таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилувчи бошқарув фаолиятидир.

Бугунги кунда педагогика фанига таълим муассасаларини бошқариш бўйича янгидан-янги тушунчалар кириб келяпти, уларнинг моҳияти аввалгилардан ҳам теранроқдир. Масалан, «таъсир этиш» тушунчасининг ўрнига «ўзаро ҳаракат», «ҳамкорлик», «рефлексив бошқариш» каби тушунчалар қўлланилмоқда.

Таълим муассасаларини бошқариш назарияси таълим муассасаларининг менежменти назарияси билан бойитилди. Менежмент назарияси ходимларга нисбатан ишонч, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиш ҳамда ўзаро ҳурмат билан тавсифланади.

Хўш, менежмент ва менежер атамаларининг асл моҳияти нимани англатади?

Биз ушбу тушунчаларнинг моҳияти, таълим муассасида давлат-жамоа бошқарувининг педагогик-психологик асосларини тушунишимизда ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган педагог Р.Аҳлиддиновнинг қарашлари алоҳида диққатга сазовор.

«Менежмент» ва «менежер» атамалари ҳозирги талқинда корхона ва муассаса эгалари ўз мулклари ва ходимларни ўзлари бошқарганларидан кўра танланган йўналиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган мутахассисларни жалб этиш афзал эканлигини тушуниб етганларидан сўнг пайдо бўлди. Бугунги кунда менежер ривожланган демократик мамлакатларда нуфузли касблардан бири ҳисобланади.

Менежмент деганда, одатда раҳбарлик лавозимига расман тайинланган шахсларнинг ишигина тушунилади. Бошқаришга, шунингдек, мураббийлик иши ҳам тааллуқли ҳисобланади. Менежмент (ёки бошқариш) мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга эришиш мақсадида муайян ходим ёки гуруҳга таъсир этиш, улар билан ҳамкорлик қилиш жараёнидир. Таълим муассасаси менежменти ҳақида сўз юритилганда, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг 4.6-бандида сўз юритилаётган жараённинг моҳияти ҳақида батафсил

тўхталиб ўтилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ушбу ҳужжатда қайд этилгача, таълим муассасаси менежментида қуйидаги ҳолатлар назарда тутилади:

- узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилиши;

- барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади;

- таълимнинг норматив-ҳуқуқий базаси ривожлантирилади;

- молия-хўжалик фаолиятини олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланади;

- таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади;

- муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомий вакилларни ўз ичига олувчи васийлик ва кузатиш кенгашлари тизими орқали таълим муассасаларининг самарали, жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

Бундан ташқари, олимлар таълим менежментининг бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишади. Улар орасида қуйидаги хусусиятлар асосий ҳисобланади:

- таълим менежменти «мақсадга мувофиқлик» сўзи билан аниқланадиган маънавий ўлчовга эга;

- таълим менежменти – бу фан ва санъат (чунки бунда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар катта роль ўйнайди);

- менежмент мазмунида ўз аксини топадиган шахс, давлат ва жамият манфаатларининг ўзаро диалектик бирлиги;

- таълимни бошқаришда жамоатчиликнинг фаол қатнашуви.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эндиликда таълим тизимини давлат томонидан бошқаришдан давлат-жамоатчилик бошқарувига ўтилади. Давлат-жамоатчилик бошқарувининг мақсади –таълим муассасаларининг долзарб масалаларини давлат ва жамоатчилик ҳамкорлигида ҳал қилиш, ўқитувчилар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарга таълим дастурларини, турларини, таълим муассасаларини танлашда ҳуқуқ ва эркинлик беришни кенгайтиришдан иборат.

Таълим тизимини давлат томонидан бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг (1997 йил) 3-моддасида белгиланган таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларига мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистонда таълим соҳасини бошқариш республика тасарруфидаги юқори ҳукумат ва унинг бошқариш органлари

хамда маҳаллий ҳукумат ва унинг бошқариш органлари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Халқ таълими Вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги Ўзбекистон Республикасида таълимни бошқаришнинг давлат юқори органлари ҳисобланади. Вазирликлар ўзини ваколатлик доирасида:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаради; таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилади;

- давлат таълим стандартлари, мутахассисларининг билим савияси ва касбий тайёргарлигига бўлган талабларнинг бажарилишини таъминлайди;


- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этади, ўқув ва ўқув-усулбий адабиётларни яратади ва нашр этишни ташкил қилади;

- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларини тасдиқлайди;

- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

- педагог ходимларни тайёрлаш, уларнинг маласини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этади.


Халқ таълими Вазирлигининг маҳаллий органлари қуйидагилар саналади:



35 - чизма. Халқ таълими Вазирлиги тасарруфидаги маҳаллий органлар

Халқ таълими бўлимлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимлик органлари тасарруфига қиради ва унга бўйсунди.

қорақалпоқ республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолияти икки юқори орган назорати остида ташкил этилади:



36 - чизма. +ора=алпо\истон Республикаси халқ таълими Вазирлиги фаолиятини назорат қилувчи ҳамда унинг тасарруфига қирувчи маъжаллий органлар

Юқорида қайд этилган органлар мактаб фаолияти юзасидан давлат назоратини олиб боради ва унинг ривожини таъминлаш учун кўмаклашади. Уларнинг ваколатига мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларини тайинлаш ҳам икради.

Мактабни бошқариш ишига мактаб инспекцияси, яъни, вазирликлар ва халқ таълими бўлимларининг мактаб инспекторлари хизмати ёрдам беради. Улар мактаб фаолиятини ўрганади, таълим-тарбия жараёнининг натижаларини таҳлил қиладди, илғор тажрибаларини аниқлайди ва уларни оммалаштириш чора-тадбирларини белгилайди, камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўллариини излайди, мактаб директорлари ва ўқитувчиларга методик ва моддий ёрдам кўрсатади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ташкилий, ўқув-услугий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув-таълим ва касб-ҳунар дастурларини бирлаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги (Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази), унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тармоқ вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан биргаликда амалга оширилади¹.

Таълим тизимини жамоатчилик асосида бошқариш ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик вакилларииндан иборат педагогик Кенгашнинг умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган фаолиятидир.

¹ «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини янада яхшироқ қилиш»га Низом, 1998.

Бир йилда бир марта ўтказиладиган мактаб конференцияси ҳам жамоатчилик бошқарувига киради. Конференцияда мактаб Кенгаши, унинг раиси сайланади, мактабнинг Устави қабул қилинади.

Давлат таълим муассасалари билан бир вақтда нодавлат таълим муассасаларининг фаолият кўрсатиши ҳам таълимни бошқаришнинг жамоатчилик характери ифодалайди.

Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳақидаги Низом, таълим муассасаларининг Устави – таълим муассасаларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилишнинг асосий ҳужжати. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган. Ушбу Низомда қуйидаги масалалар ёритилган:

1. Умумий қоидалар.
2. Умумий ўрта таълимнинг мақсади ва вазифалари.
3. Умумий ўрта таълимни ташкил этиш.
4. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни.
5. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
6. Умумий ўрта таълимни бошқариш.
7. Маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти.
8. Халқаро ҳамкорлик.

Низомга асосан, умумий ўрта таълимнинг мақсади ўқувчиларни давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда шахснинг таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мазмунини ёритиш Низомнинг асосий қояларидан бири бўлиб, мажбурий ва қўшимча компонентлар умумий ўрта таълим мазмунининг асосини ташкил этади.

Мажбурий компонент давлат таълим стандарти билан белгиланади ва ўқувчиларни тайёрлашнинг ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида билимлар асосларини янада пухта ўрганиш ва касб эгаллаш учун етарли бўлган зарур даражасини белгилайди.

қўшимча компонент ўқувчининг эҳтиёжлари ва қобилияти, мактабнинг моддий-техника ва кадрлар билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб белгиланади. қўшимча ўқув юкланмаларининг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган нормативларига мувофиқ белгиланади. Ўқувчилар билим сифати ва таълим натижаларининг давлат таълим стандартига мувофиқлигини назорат қилишни таъминлаш учун жорий, оралик ва якуний назорат билан бирга босқичли назорат ўтказиш ҳам назарда тутилади.

Босқичли назорат ўқув йили тамом бўлгандан кейин имтиҳонлар, тест синовлари, синовлар шаклида амалга оширилади. Унинг асосида рейтинг

аниқланди ва ўқувчини навбатдаги синфга ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Мактабга бевосита раҳбарлик бошқаришнинг юқори органлар томонидан тайинланадиган директор, давлатга қарашли бўлмаган таълим муассасаларида эса муассис томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим халқаро ҳамкорлик асосида ҳам ташкил этилади. «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низомнинг саккизинчи бўлимида қайд этилганидек, умумий ўрта таълимни бошқариш органлари ва уларнинг маҳаллий органлари саналган таълим муассасалари халқаро ҳамкорликни педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимларнинг тажриба ўрганиш ва малака ошириш мақсадида прогрессив халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг грантларини олиш соҳасидаги давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар ҳамда шартномалар асосида амалга оширадilar.

Мазкур Низом умумий ўрта таълим (мактаб)ни ҳар томонлама бошқариш моҳиятини ўзида ифода этади.

«Академик лицей ва касб-хунар коллежлари тўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган. Ушбу Низом мазмунида қуйидаги маслалар ёритилган:

1. Умумий қоидалар.
2. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил этиш.
3. Академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни.
4. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.
5. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини бошқариш.
6. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини маблағ билан таъминлаш ва моддий-техника таъминоти.
7. Халқаро ҳамкорлик.

Умумий қоидаларда ўрта махсус, касб-хунар таълими умумий ўрта таълим негизида ўқитиш муддати 3 йил бўлган узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури ҳисобланиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ амалга оширилиши, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг юридик шахс ҳисобланиши, қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилиши баён этилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ва касб-хунар дастурини бажариш;
- ўқувчиларнинг узлуксиз таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш, танлаган мутахассисликлар бўйича меҳнат фаолияти билан

шуғулланиш учун зарур ва етарли бўлган билимлар ҳам касб тайёргарлиги даражасини чуқурлаштириш;

- республика иқтисодиётининг малакали кичик мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Низомда академик лицейларнинг олий таълим муассасалари ҳузурида, касб-ҳунар коллежларининг эса ҳудудларнинг демографик ва географик шароитлари, тегишли соҳа мутахассисликларига бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишлари кўрсатиб ўтилган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг асосий вазифалари сирасига ўқувчиларни қабул қилиш, умумий ва касб-ҳунар дастурларини амалга ошириш, назорат турларини ташкил этиш, курсдан-курсга, ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг бир туридан бошқасига ўтказиш ҳамда диплом бериш кабилар киради.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар, таълим муассасасига профессор-ўқитувчилар ва муҳандис педагогларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бериб ўтилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини бошқариш тартиби академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ташкилий, ўқув-услугий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, ўқув таълим ва касб-ҳунар дастурларини бир хиллаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тармоқ вазирликлари, идоралар ва корхоналар билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази), уларнинг ҳудудий бошқармалари, шунингдек, таълим муассасаси директори томонидан амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини маблағ билан таъминлаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ таъминланади. Таълим муассасасининг молиявий маблағлари унинг тасарруфида бўлади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари белгиланган тартибда хорижий шериклар билан битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлиб, хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлаши мумкин.

Таълим муассасаларининг фаолияти, шунингдек, меъёрий ҳужжатлардан бири саналган Устав ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Таълим муассасининг Устави таълим муассасаси фаолиятига раҳбарлик ва бошқариш тизимини аниқловчи ҳужжатдир.

Таълим муассасасининг Уставида таълим жараёнининг қуйидаги икки муҳим таркибий жиҳати ажратиб кўрсатилади:

1) давлат таълим стандартида белгиланган билимлар захирасини эгаллаш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш тартиби;

2) билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни ташкил этиш (саводхонлик, мустақил фикрлаш ҳамда масалаларни еча олишга ўргатиш).

Шунингдек, таълим муассасасининг Уставида муассасани бошқаришга қўйилувчи талаблар, ўқитувчи, ўқувчилар ҳамда таълим муассасаси раҳбарларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам аниқ баён этиб берилган.

Мазкур ўқув юртида ўқувчилар таълим стандартлари асосида таълим олиш учун интилишлари, таълим муассасасининг педагогик ходимлари эса юқори даражада таълим беришлари, таълим олувчиларнинг ўқув дастурларини давлат таълим стандартлари даражасида ўзлаштиришларини таъминлашлари зарур. Таълим муассасаси раҳбари (директори) эса ўқув-тарбия жараёнининг муваффақиятли кечишини таъмин этади, ўқув дастурлари талабларининг бажарилишини назорат қилади, таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги, болалик ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига тўлақонли риоя этилиши, маънавият ишларининг самарали ташкил қилиниши учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Уставда ўз-ўзини бошқариш, жамоада ўзаро муносабатнинг ўрнини каби масалалар моҳияти ҳам ёритиб берилади. Чунончи, таълим муассасасининг директори ўқитувчилар билан баланд овозда, уларнинг нафсониятига тегадиган сўзлар билан муомала қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган «Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаби)нинг муваффақ намунавий Устави» Халқ таълими Вазирлигининг 221-сонли (1998 йил 17 декабр), «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Устави» эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5-сонли (1998 йил 5 январ) қарорлари билан тасдиқланган. Мазкур Уставлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаси Уставини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Таълимни бошқаришнинг ваколати масъул давлат органи томонидан тасдиқланади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг идораларида рўйхатдан ўтказилади.

Таълим муассасасининг Уставида таълим муассасасининг жойлашган ўрни, унинг тури, таълим тили, гуруҳ рақбарлари, ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналарининг ҳуқуқ ва бурчлари, шунингдек, таълим муассасасининг иқтисодий тузилиши ва хужалик фаолияти, бошқариш тартиби аниқ белгиланиши кўрсатиб берилган.

Таълим муассасасининг Устави қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

1. қисқача таълим муассасаси ҳақидаги маълумотлар.
2. Таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари.
3. Таълим муассасасини бошқариш;
 - а) таълим муассасасини бошқаришнинг ошкоралик, демократик ва ўз-ўзини бошқариш асосида амалга оширилиши;
 - б) педагогик-жамоа Кенгаши;
 - в) директор, унинг ҳуқуқ ва бурчлари;
 - г) директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарининг ҳуқуқ ва бурчлари;
 - д) маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарининг ҳуқуқ ва бурчлари.
4. Ўқув-тарбия ва илмий-услубий ишларни ташкил этиш:
 - а) таълим мазмунининг Давлат таълим стандартлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида белгиланиши;

- б) ўқув жараёнини ташкил этиш;
- в) иқтидорли ёшлар билан ишлаш;
- г) ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тартиби;
- д) кўшимча пулли машғулотларни жорий этиш;
- ж) кунлик иш тартиби (семинар, машғулотларнинг давом этиши, танаффуслар, уй вазифаларини бериш тартиби ва ҳоказолар).

5. Ўқитувчи. Ҳуқуқ ва бурчлари.

6. Ўқувчи. Ҳуқуқ ва бурчлари.

7. Ўқув-ишлаб чиқариш таълими усталари, маъмурий ва ёрдамчи ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.

8. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятлари.

9. Таълим муассасасининг моддий ва молиявий хўжалик таъминоти.

Таълим муассасасини бошқаришнинг тамойиллари ва вазифалари. Ҳар қандай фаолият сингари бошқариш фаолияти ҳам ўз вазифаларини бир қатор тамойилларга асосланиб амалга оширади. Педагогик адабиётларда таълим тизимини бошқаришда асос бўлиб хизмат қилувчи тамойилларни улар томонидан бажариладиган вазифалар (режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш)га таянилган ҳолда белгиланишига алоҳида урғу берилган. Мазкур ўринда таълим муассасасини бошқаришнинг ҳар бир тамойилига алоҳида-алоҳида таъриф беришга ҳаракат қиламиз¹. Таълим муассасаси бошқарув назарияси ва тарихида бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

Таълим муассасасини бошқариш тамойиллари

- педагогик тизимни бошқаришни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш;
- бошқаришнинг тизимлилиги ва ягоналиги;
- бошқаришнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган шолатларининг рационал уй\унлиги;
- яқка шокимлик билан жамоатчилик бошқарувининг бирлиги;
- таълим тизимини бошқаришда ахборотларнинг объективлиги ва тыли=лиги

37 - чизма. Таълим муассасасини бошқариш тамойиллари

Педагогик тизимни бошқаришни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш. Педагогик кадрларни танлов ва шартнома асосида ишга қабул қилиш, қабул қилинаётган қарорларни очиқ муҳокама қилиш, ахборотларнинг барча учун очиқ ва тушунарли жорий этиш, таълим

¹ Слостенин В.А. Общая педгогика. – Москва, Педагогика, 2003.

муассасаси жамоатчилиги олдида маъмуриятнинг мунтазам ҳисобот бериши, ўқитувчи ва ўқувчиларга таълим муассасаси ҳаётига оид ўз фикрларини билдиришга имкон бериш, таълим муассасасида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутишини англатади.

Таълим тизимини бошқаришда шахсга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унга ишониш, педагогик фаолиятда субъектнинг субъектга муносабати даражасига эришиш, ўқувчи ва ўқитувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз истеъдодлари ва касбий маҳоратларини эркин намоён этиш учун шароит яратиш инсонпарварлик тамойилига асосланган бошқарув моҳиятини англатади.

Бошқаришнинг тизимлилиги ва ягоналиги. Таълим муассасасини бошқаришга нисбатан тизимли ёндашув асосида раҳбар таълим муассасасини бир бутун яхлит тизим сифатида ва унинг белгилари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Тизимнинг биринчи белгиси ягоналиги ҳамда уни бўлақлар, таркибий қисмларга ажратиш мумкинлигидадир. Иккинчи белгиси тизимнинг ички тузилишининг мавжудлигини англатади. Учинчи белгиси тизимнинг интеграциялана олишидир. Тизимнинг ҳар бир таркибий қисми ўзига хос сифатга эга бўлгани билан, ўзаро ҳаракат орқали тизимнинг янги интеграциялана олиш сифати ҳосил бўлади. Тўртинчи белгиси таълим муассасаларининг ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқлигидир. Чунки таълим муассасалари ташқи муҳитга мослашиб, ушбу таълим жараёнини қайта куради ҳамда ўзининг мақсадларига эришиш учун ташқи муҳитни ўзига бўйсундиради. Бошқарувдаги тизимлилик ва ягоналик раҳбар билан педагогик жамоа ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва алоқани таъминлайди, бир ёқлама бошқарувнинг олдини олади.

Бошқаришнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳолатларининг рационал уйғунлиги. Бошқарувни марказлаштириш керагидан ортиқ бўлганда, албатта, маъмурий бошқарув кучаяди. Бу ҳолат ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истакларини ҳисобга олмасликка, раҳбар ва ўқитувчиларнинг кераксиз меҳнат ва вақт сарфлашларига олиб келади.

Шунингдек, марказлаштирилмасликка ҳам керагидан ортиқ эътибор берилса, педагогик тизим фаолиятининг сушлашиши кўзга ташланади.

Таълим муассасаси ичидаги бошқарувда марказлаштириш ва марказлаштирмасликни уйғунлаштириш маъмурий ва жамоатчилик бошқаруви раҳбарларининг фаолиятини жамоа манфаатига қаратади ҳамда касб малакаси даражасида қарорларни қабул қилишга шароит яратади.

Якка ҳокимлик билан жамоатчилик бошқарувининг бирлиги тамойили педагогик жараёни бошқаришда якка ҳокимликка йўл қўймасликка қаратилган. Бошқариш фаолиятида ўқувчиларнинг тажрибаси ва билимига таяниб, турли қарашларни таққослаб, оқилona хулосалар чиқариш ўта муҳимдир. Вазифаларни коллегиял ҳал қилиш ҳар бир жамоа аъзосининг жавобгарлигини йўққа чиқармайди.

Ўз навбатида яккаҳоқимликнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Яккаҳоқимлик педагогик жараёнда тартиб-интизом, ваколат доираси ва унга амал қилишни таъминлайди.

қарорни қабул қилишда коллегиял ёндашув маъқул бўлса, қарорнинг ижросини таъминлашда яккаҳоқимликка бўйсунуш маъқулдир.

Таълим тизимини бошқаришнинг давлат-жамоатчилик характери ушбу тамойилни амалга оширишга шароит яратади.

Таълим тизимини бошқаришда ахборотларнинг объективлиги ва тўлиқлиги. Таълим тизимини бошқаришнинг самарадорлиги ахборотларнинг қанчалик аниқ ва тўлиқлигига ҳам боғлиқ. Агар ахборотлар аниқ, тўлиқ йиғилса ёки ҳаддан зиёд кўп бўлса, қарор қабул қилишда чалкашликка олиб келади.

Биз таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳақидаги маълумотларни йиғамиз, лекин уларнинг қизиқишлари, хулқ-атвори, шахс сифатидаги йўналишига эътибор берамиз. Ана шунинг учун ҳам тарбия жараёнида кўплаб оғишлар кузатилади.


Таълим муассасасининг раҳбари ўзининг фаолиятида менежер вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун у ўз фаолиятида кузатиш, анкета, тест, инстуктив ва методик материаллардан кенг фойдалана билиши лозим. Таълим муассасаси маъмурияти мактаб ичидаги ахборотли бошқарув технологиясини ишлаб чиқиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Бошқарув жараёнида ахборотдан самарали фойдаланиш таълим муассасаси фаолиятининг муваффақиятли амалга оширилишига ёрдам беради. Таълим муассасасини бошқаришда фойдаланиладиган ахборотлар турличадир (38-чизма).

Ахборотлар жамғармасини шакллантириш ва ундан жадал фойдаланиш бошқарув ишини илмий ташкил этишни юксалтиради.

Мактаб ички бошқарувининг ўзига хослиги қуйидаги вазифаларда аниқ кўринади:

1. Таълим-тарбия жараёнини педагогик таҳлил қилиш.
2. Мақсад қўйиш ва режалаштириш.
3. Ташкил қилиш.
4. Мактаб ички бошқарувини назорат қилиш.
5. Тартибга солиш.



38 - чизма. Бош=арув ахборотининг турлари

Таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва ривожланишини таҳлил қилмасдан, аввал эришилган натижаларни ҳозиргилари билан таққосламасдан туриб, уни бошқариб бўлмайди.

Таълим муассасасини бошқариш самарадорлиги раҳбарнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам педагогик таҳлил услубиятини теран билишларига боғлиқ. Агар ўз вақтида, профессионал даражада педагогик жараён тўғри таҳлил қилинмаса, жамоа орасида ўзаро бир-бирини тушунмаслик, ишончсизлик келиб чиқади. Ҳозирги пайтда педагогик таҳлилнинг қуйидаги уч тури мавжуд:

- 1) кундалик таҳлил;
- 2) тизимли таҳлил;
- 3) якуний таҳлил.

Кундалик таҳлил ўқув жараёнининг бориши ва натижаси ҳақида ҳар куни маълумот йиғиб, ундаги камчиликларнинг сабабини аниқлашга қаратилади. Кундалик таҳлил натижасида педагогик жараёнга ўзгартиришлар ва тузатишлар киритилади. Кундалик таҳлилнинг предметига ўқувчиларнинг ҳар кунги ўзлаштириш ва интизомлари даражаси, таълим муассасаси раҳбарининг дарсга ҳамда синфдан ташқари дарсларга қатнашиши, мактабнинг тозалик ҳолати, шунингдек, дарс жадвалига риоя қилиш каби ҳолатлар киради.

Тизимли таҳлил дарслар ва синфдан ташқари машғулотлар тизимини ўрганишга қаратилади. Тизимли таҳлил мазмуни таълим методларини тўғри уйғунлаштириш, ўқувчилар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш, ўқитувчиларнинг сифатли тарбиявий ишларни

олиб боришлари, уларнинг педагогик маданиятини кўтариш ҳамда таълим муассасасида инновацион муҳитни ташкил қилишда педагогик жамоанинг ҳиссасини таъминлаш кабилардан иборат.

Яқуний таҳлил ўқув чораги, ярим йиллик ва ўқув йили якунида амалга оширилади ҳамда асосий натижаларга эришиш йўлларини ўрганишга қаратилади. Яқуний таҳлил учун маълумотлар кундалик ва тизимли таҳлиллар, жорий ва оралиқ назорат яқунлари, ўқувчиларнинг ва синф раҳбарларининг ҳисоботларидан олинади.

Ҳар қандай педагогик жараёни бошқаришнинг асоси мақсад қўйиш ва режалаштиришдан иборат.

Бошқарув фаолиятининг мақсади – ишнинг умумий йўналиши, мазмуни, шакли ва методларини аниқлаш. Демак, мақсад – режанинг асоси. Бошқарувда асосий мақсад аниқланганидан кейин, унга эришиш учун қўшимча мақсад қўйилади. Таълим муассасасини бошқаришни режалаштириш педагогик таҳлил асосида белгиланган дастурий мақсадга мувофиқ қарор қабул қилишдир. Бундай қарорлар маълум бир муддат давридаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали ёки яқуний ишларни бажариб бўлгандан сўнг қабул қилиниши мумкин.

Таълим муассасасини бошқариш амалиётида режалаштиришнинг қуйидаги учта асосий шакли қўлланилади:

- 1) муддатли (перспектив);
- 2) йиллик;
- 3) яқуний.

Муддатли режалаштириш қоидага мувофиқ сўнгги йилларда таълим муассасасида амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиш асосида бир неча йилга мўлжаллаб қабул қилинади.

Таълим муассасасида қабул қилиниши мумкин бўлган муддатли режа қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

1. Режалаштирилган муддатда таълим муассасаси олдида қўйилган вазифалар.

2. Гуруҳларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг йиллик ўзлаштириш даражаси муддатлари.

3. Таълим жараёнига педагогик инновация (янгилик)ларни олиб кириш муддатлари.

4. Таълим муассасасини педагогик кадрларига қўйилган талаблар.

5. Педагог кадрлар малакасини турли шакллар (курслар, семинарлар, тренинглар) орқали ошириш.

6. Таълим муассасасини техника ҳамда ўқув-методик (қурилиш ишлари, ахборотлаштириш, кўргазмали куроллар, кутубхона фондини бойитиш) кўламини ривожлантириш.

7. Ўқитувчи ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

Йиллик режалаштириш бутун ўқув йили ҳамда ёзги таътилни қамраб олади. Йиллик режалаштириш ўқув йили давомида амалга оширилади ва таълим жараёнини ташкил этилиши (чорақ, семестр)га қараб бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Якуний режалаштириш ўқув чораклари учун тузилади, у бир йиллик режанинг аниқлашган кўриниши ҳисобланади. Шу тарзда режалаштиришнинг бундай аниқлашган кўринишлари ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар қўмитасининг фаолиятини бошқаришга ёрдам беради. Бу режалар ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг иш режалари билан алоқадорликда аниқлаштирилиб борилади. Умуман олганда, бошқариш фаолиятида режалаштириш вазифасининг тўла амалга оширилиши таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини оширади.

қабул қилинган режаларни тўлиқ амалга ошириш учун тизимли ҳаракатнинг бошқарувчилари унинг таркибий қисмларини бир-бири билан алоқада бўлишини ташқил этишлари керак. «Ташқил этиш» тушунчаси бир қанча маъноларда қўлланилади.

Биринчидан, баҳо сифатида ақлий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган ҳамда дарсдан ташқари тадбирларнинг уюштирилишини таъминлайдиган ўқув-тарбия жараёнининг мақсадида намоён бўлади.

Иккинчидан, ташқил этиш деганда белгиланган режаларни амалга оширувчи, олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун бутун педагогик жараёни бошқарувчи таълим муассасаси раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти тушунилади.

Бошқаришни ташқил этувчи асосий бошқармалар сифатида таълим муассасасининг кенгаши, педагогик Кенгаш, директор бошқарадиган мажлис, директор ўринбосарларининг мажлиси, тезкор йиғилишлар, методик семинарларни қайд этиш мумкин.

Педагогик Кенгаш фаолияти демократик ва ошқоралик тамойилларига асосланиб олиб борилади. Педагогик Кенгашларда анкеталар, савол-жавоблар, назорат ишлар, танлов ишлари кўрилади. Бундан ташқари педагогик Кенгаш йиғилишларида таълим муассасаси ҳаёти ва фаолиятига доир долзарб масаллар ҳал қилинади. Шунинг учун педагогик Кенгашни турли муҳокамали, муаммоли масалалардан озод қилиш учун таълим муассасалардан директор йиғинлари ташқил этилади. Директор йиғилишларида раҳбарият ва ўқитувчилар иштирок этиб қолмай, бошқа ишчи ходимлар ҳам қатнашишлари мумкин.

Таълим муассасаси ўринбосарларининг йиғилишларида кундалик саволлар ва маъмурий бошқаришга оид масалалар муҳокама қилинади. Бундай мажлислар таълим муассасаси режаси бўйича ўқув йилининг чораги (семестри)да ёки ҳар ойда бўлиб ўтади.

Тезкор ахборий мажлислар таълим муассасасида таълим жараёнини ташқил этишнинг зарур шаклидир. Тезкор ахборий мажлисларнинг мавзуси мавжуд шароитлардан келиб чиқади. Бу каби мажлислар педагогик ходимлар, ўқувчиларнинг барчаси учун ташқил қилинади.

Ички назорат ҳам таълим муассасасини бошқаришда алоҳида ўрин тутди. Назоратни ташқил этишда етишмовчиликларни бартараф этиш учун бир қанча талабларни билиш зарур. Бундай талабларга тизимлилик, объективлик, ҳаракатлилик, тўлдирувчилик кабиларни кўрсатиш мумкин.

Педагогик бошқарувга доир адабиётларда таълим муассасаси ички назоратининг куйидаги йўналишларда ташкил этилиши баён этилган:

1. Педагогик ташкилотчиликка доир саволларнинг кўйилиши.
2. Таълим дастурлари, ДТСнинг бажарилиш сифати.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг сифати.
4. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси.
5. Ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларининг бажарилиш ҳолати.
6. Дарсдан ташқари тарбия ишларининг ташкил этилиш ҳолати ва сифати.
7. Педагогик кадрлар билан ишлаш.
8. Таълим муассасаси фаолиятининг ўзига хос самарадорлиги.
9. қабул қилинган қарорлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган талабларнинг бажарилиши.

Таълим муассасаси ички назоратининг турлари, шакллари ва методларини туркумлаштириш ҳозирги вақтда муаммоли масала бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, ички назоратнинг куйидаги турлари ажратилиб кўрсатилади:



39 - чизма. Таълим муассасаси ички назоратининг асосий турлари

Мавзули назорат қандайдир аниқ масалани ўрганишда таълим муассасаси жамоаси, ўқувчилар гуруҳи ёки алоҳида ўқитувчининг педагогик фаолияти тизими, таълим муассасасидаги таълим даражаси, шунингдек, ўқувчиларнинг экологик ва эстетик тарбияси тизимига эътибор қаратилади.

Фронтал назорат бутун педагогик жамоа, методик кенгаш ёки алоҳида ўқитувчи фаолиятини ўрганишга қаратилади.

Алоҳида назорат бирор бир ўқитувчининг фаолияти, синф (гуруҳ) раҳбарларининг тарбиявий ишларини мавзули, фронтал тқширишга асосланади.

Синф-мулоқот назорат шаклида синф жамоасининг дарс ва дарсдан ташқари жараёнида шаклланишига таъсир этувчи ўзига хос омиллар эътиборга олинади.

Предметли назорат шакли битта ёки бир неча синф (гуруҳ)ларда, бутун таълим муассасасида таълим олинганлик даражасини аниқлашда қўлланилади.

Мавзули назорат шаклининг бош мақсади турли фан ўқитувчилари ва синфларнинг алоҳида ўқув-тарбия жараёнини бошқаришдаги ишларини ўрганишдан иборат.

Мажмуавий (комплекс) назорат шакли бир неча ўқув фанлари бир ёки бир неча синф (гуруҳ)ларда турли ўқувчиларнинг ишларини ўрганишни ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

Тартибга солишнинг асосий мақсади таълим-тарбия жараёнини педагогик таҳлил қилишда таълим муассасасининг олдида қўйилган мақсад ва режаларини амалга ошириш, бошқарув ишини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда йўл қўйилган ҳолатларни тузатишдан иборат.

Тартибга солиш бошқарув фаолиятида катта аҳамият касб этади. У ўтган ўқув йилида эришилган натижаларни, йўл қўйилган камчиликларни ҳисоб қилади. Ана шу асосдан келиб чиқиб, янги ўқув йилида таълим муассасаси олдида мақсад ва асосий вазифаларни қўяди.

Педагогик Кенгаш – таълим муассасасининг жамоатчилик бошқарув органи. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш, такомиллаштириш, муассаса фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг касбий маҳорати ва ижодкорликларини ўстириш мақсадида педагогик ходимларни бирлаштирувчи педагогик Кенгаш фаолият кўрсатади. Педагогик Кенгаш таълим муассасаси жамоасининг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Педагогик Кенгашнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- таълим муассасаси (умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей, касб-ҳунар коллежи)нинг тайёрланган муҳим ҳужжатларини муҳокамадан ўтказилади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қилади;

- таълим муассасасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилайди;

- таълим муассасасида ўқув, тарбия жараёнини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини оширишда мақбул шарт-шароитлар яратишга қаратилган қарорларни қабул қилади;

- таълим муассасаси бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича йўл-йўриқларни ишлаб чиқади;


- педагогик жамоанинг маълум йўналишлардаги фаолиятини таҳлил қилади ва якуний хулоса чиқаради;

- таълим муассасаси педагогик жамоаси учун ўз ваколати доирасида меъёрий талабларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қилади.

Педагогик Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- таълим муассасасини ривожлантириш йўналишларини истиқбол режасини белгилаш;
- таълим муассасаси жамоаси олдига қўйилган мақсад ва вазифаларининг бажарилишини амалга ошириш;
- ўқув режада мактаб ихтиёрига берилган соатларни тақсимлаш, йиллик ва тақвимий иш режаси мазмуни ҳамда дарс жадвалини муҳокама қилиш;
- ўқув жараёнини ташкил қилишнинг турли шакл ва методларини муҳокама қилиш, амалиётга татбиқ этиш;
- таълим муассасаси таълим жараёнига оид барча масалаларни ўз ваколати доирасида муҳокама этиш ва тегишли қарор қабул қилиш;
- педагоглар малакасини ошириш тизими, уларнинг ижодий ташаббускорликларини ривожлантириш бўйича ўз таклифларини бериш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашда оралиқ назорат бўйича қарор қабул қилишда қатнашиш, уни ўтказиш шакли ва вақтини белгилаш;
- таълим олувчиларни синфдан-синфга, курсдан-курсага кўчириш ва битувчиларни якуний аттестацияга қўйиш бўйича қарор қабул қилиш;
- таълим дараёнини ташкил қилиш ҳамда таълим муассасасини ривожлантиришга доир масалалар бўйича мактаб раҳбариятининг ҳисоботларини тинглаш;
- таълим мақсадига мувофиқ ҳолда ўқувчиларни рағбатлантириш ва жазолаш бўйича масалаларни ҳал этиш;
- чорак, ярим йиллик «семестр», йил якунига доир хулосалар чиқариш;
- педагогик Кенгаш аъзоларидан педагогик фаолиятни бир хил тамойилларга асосан амалга оширишни талаб қилиш;
- таълим-тарбия жараёнида алоҳида хизмат кўрсатган таълим муассасаси ходимларини рағбатлантиришга тавсия қилиш;
- якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган ўқувчиларга ўрнатилган тартибда ҳужжатлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Педагогик Кенгаш йиғилишлари қарорлаштирилиб, қабул қилинган ҳужжатлар таълим муассасаси иш юритиш ҳужжатлари билан бирга сақланади. Педагогик Кенгаш фаолияти бир қатор ҳужжатларда ўз акини топади:



40 - чизма. Педагогик Кенгаш ҳужжатлари

Таълим муассасаси ҳужжатлари беш йил давомида таълим муассасасида сақланади.

Директор ва унинг ўринбосарлари вазифалари. Таълим муассасасининг ўқув-тарбия жараёни ва кундалик фаолиятига бевосита раҳбарликни таълим муассасаси директори олиб боради.

Таълим муассасаси директорининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- давлат ва жамоат ташкилотлари олдида таълим муассасасининг манфаатларини ифодалаш;

- ўқув-тарбия жараёни муваффақиятини таъмин этиш;

- ўқув дастурларининг бажарилишини назорат қилиш, таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги, болалик ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг риоя қилиниши, шунингдек, таълим муассасасидан ташқарида маънавият ишларини ташкил қилиниши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- педагогик ва раҳбар кадрларни танлаб жой-жойига қўйиш, уларнинг вазифаларини белгилаш, педагогик кадрлар, кабинет ва устохона мудирларини белгилаш, синф ва гуруҳ раҳбарларини танлаш, педагог ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда бўшатиш;

- таълим муассасаси педагогик ходимларини аттестациядан ўтказувчи комиссияга раҳбарлик қилиш;

- таълим муассасаси педагогик ходимларининг ижодий ишлари, таълим-тарбиянинг илғор шакл ва усулларини қўллашлари учун шарт-шароитларни яратиш;

- таълим муассасасига ажратилган молиявий маблағлар, сарф-харажат ҳисобини юритиш;

- таълим муассасаси меъёрий ҳужжатларининг тўғри юритилишини таъминлаш;

- таълим муассасаси педагогик Кенгаши, маҳаллий ҳокимлик органлари олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳисоб бериб туриш.

Таълим муассасаси директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарининг вазифалари:

- ўқув ҳафтаси ва ўқув машғулотларининг давомийлигини таъминлаш;

- дарс жадвалини тузиб чиқиш ва шу жадвалга биноан дарсларнинг ўз вақтида самарали ўтказилишини таъминлаш;

- ҳар бир чорак охирида, семестр давомида директор ва таълим муассасаси педагогик Кенгаши аъзоларига ўқув жараёнининг бориши хусусидаги ахборот ва маълумотларни бериб бориш;

- ёш мутахассисларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

- синф ва гуруҳ журналларини тўғри юритиш ва сақланишига жавоб бериш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини режа асосида таҳлил қилиб бориш;
- ўқувчилар томонидан давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарининг вазифалари:

- таълим муассасасида ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш, жамоат ташкилотлари ва маҳалла, ота-оналар билан алоқани таъминлаш;
- таълим муассасаси ва ундан юқори миқёсда ўтказиладиган дарсдан ташқари тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаси ўқувчиларининг синф, гуруҳ ёки таълим муассасасидан ташқари олиб бораётган машғулотларини кузатиб бориш, уларга амалий ва методик ёрдам уюштириш;
- таълим муассасасидаги «Ёш етакчи»нинг ишини назорат қилиш ва унга йўл-йўриқ кўрсатиш.

Таълим муассасасида методик ишлар, педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш, ёш ўқитувчилар билан ишлаш. Таълим жараёнининг сифати ҳар жихатдан ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий жихатдан тайёргарлиги, педагогик ва методик маҳорати даражасига боғлиқдир. Ана шу мақсадда таълим муассасасида методик Кенгаш ва фан методик бирлашмалари иш олиб боради. Методик Кенгаш таълим муассасасида таълим жараёнининг сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий жихатдан тайёргарлиги ҳамда педагогик ва методик маҳоратларини такомиллаштирилиб боришига назарий-методик жихатдан раҳбарлик қилувчи органдир.

Методик Кенгашнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талабларини рўёбга чиқариш мақсадида таълим муассасасида таълим жараёнини методик таъминлаш ва мувофиқлаштириш ҳамда педагогик кадрларнинг методик жихатдан билимларини ошириб боришга қаратилади.

Методик Кенгашнинг фаолият доираси кенг бўлиб, у томонидан қуйидаги вазифалар¹ амалга оширилади:

- таълим жараёнининг методик таъминот ҳолатини ўрганади, таълим муассасаси методик ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради;
- таълим муассасасида олиб борилаётган методик ишларнинг истиқболини аниқлайди;
- йўналиш ва фанлар бўйича методика бирлашмаларига умумий раҳбарлик қилади ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- таълимга доир меъёрий ва методик ҳужжатларни ўрганади, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш усуллари юзасидан тавсиялар беради;

¹ «Умумий ырта таълим мактаби Методика Кенгаши ты\рисида»ги Низомдан.

- таълим муассасаси ўқув-методик ишларига эксперт сифатида баҳо беришни амалга оширади;

- ўқитувчиларнинг ғоявий-назарий билим даражасини оширади, уларни фан ютуқлари, педагогик инновациялар, илмий-оммабоп адабиётлар билан мунтазам таништириб боради;

- ўқитувчиларга иш режаларининг тузилиши ва бўлимлари мазмуни бўйича тавсиялар беради;

- таълим муассасаси таълим жараёнида қўллаш учун илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқади ва уларнинг амалиётга жорий этилишини назорат қилиб боради;

- ўқитувчиларнинг педагогик ва методик маҳоратини оширишга доир ишларни амалга оширади;

- давлат таълим стандартлари талаблари, ўқув режаси ва дастурларининг бажарилиш ҳолатини таҳлил қилади ва тегишли тадбирларни белгилайди;

- ташқи ва ички назорат натижаларига Давлат таълим стандарти талабларининг бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

- ўқув жараёнига ўқитиш методикасининг замонавий ва самарали усуллари олиб кириш, педагогик кадрларни методик жиҳатдан билимларини ошириш мақсадида ўқув семинарларини ташкил қилиш;

- таълим жараёнида миллий мафкура ва ёшларда сиёсий онгни шакллантиришга доир кўрсатмалар бериб бориш;

- ўқувчилар билимини назорат қилиш ва уларнинг мустақил ишларини ташкил қилишга доир кўрсатмалар бериш;


- йўналиш ва фанлар бўйича методика бирлашмалари ҳисоботини эшитиш, муҳокама қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

- ўқитувчиларнинг самарали меҳнатларини инобатга олган ҳолда маънавий ва моддий рағбатлантиришга тавсия қилиш;

- педагогик ходимларнинг аттестациядан ўтказиш бўйича материалларни тайёрлаш;

- таълим муассасаси миқёсида фан ойликлари (ҳафталиклари), фанлар бўйича дарсдан ташқари (факультатив, тўгарак) ишлари, фан олимпиадаларининг 1-босқичлари, кўрик-танловларнинг ўтказилиши ва уларнинг самарасини назорат қилиб бориш.

Методика Кенгаши йиғилишлари қарорлаштирилиб, Кенгашнинг қуйидаги ҳужжатлари таълим муассасаси иш юритиш ҳужжатлари билан бирга сақланади (-чизма).



41 - чизма. Методик Кенгаш шужжатлари

Таълим муассасасида фанлар ёки бир-бирига яқин бўлган фанлар туркумлари бўйича Методика бирлашмалари¹ фаолият кўрсатади. Методика бирлашмаларининг мақсади ўқитувчиларнинг методик ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш, ўқувчиларга таълим-тарбия беришга қўйилган ҳозирги замон талабларининг бажарилишини таъминлаш борасида ўзаро ёрдамни ташкил этиш, ижодий ташаббусларни уйғунлаштириш ва таълим-тарбия беришнинг замонавий усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Методика бирлашмалари ўзида Методика Кенгашининг вазифаларини акс эттиради. Шу билан бирга Методика бирлашмалари қуйидаги вазифаларни ҳам амалга оширади:

- фанлар бўйича тақвимий мавзуй режаларни тасдиқлашга тавсия этиш;
- оралиқ ва якуний назоратлар учун ўқитувчилар томонидан тайёрланган синов материалларини тасдиқлаш;
- илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганишни ташкил қилиш ва оммалаштириш;
- тегишли йўналиш ёки фан бўйича таълим муассасасида методик таъминотга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- дарсларни ўзаро кузатишларни ташкил қилиш, натижаларни таҳлил этиш ва мутахассисларга амалий ёрдам бериш;
- таълим методларини ўрганиш мақсадида очик дарсларни ташкил этиш, илғор педагогик тажрибаларга доир таклифларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш;
- ёш мутахассисларга методик ёрдам бериш;


¹«Умумий ырта таълим мактаби фан Методик бирлашмалари тўрисида»ги Низомдан.

- кўргазма ва кўрсатмали воситалардан фойдаланиш бўйича методик тавсияларни бериш;

- фан хоналарининг меъёрий хужжатлар талаблари асосида жиҳозланишини ташкил этиш.

Умумий ўрта таълим мактабларида Методика бирлашмалари бошланғич таълим йўналиши бўйича битта, В-ХИ синфларда эса ўқув режасидаги алоҳида фанлар бўйича ташкил этилади. Агар у ёки бу фан бўйича ўқитувчилар сони уч нафардан кам бўлса, у ҳолда фан ўқитувчилари шу туркумдаги фан ўқитувчилари билан биргаликда битта Методика бирлашмасига бирлашадилар, Академик лицейларда ҳам Методика бирлашмалари худди шу тарзда ташкил қилинади. Касб-хунар коллежларида эса кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича Методика бирлашмалари тузилади.

Методика бирлашмасига таълим муассасаси Аедагогика Кенгаши қарорига асосан ижодкор ва тажрибали ўқитувчилардан таълим муассасаси директорининг буйруғи билан раҳбар тайинланади. Методика бирлашмаларининг фаолияти куйидаги хужжатлар асосида тартибга солинади (348-бетга қаранг).





42 - чизма. Методика бирлашмасининг шужжатлари

Педагог кадрлар малакасини ошириш. Фан-техника тараққий этиб, ижтимоий муносабатлар мазмуни ахборотларга тобора бойиб бораётган, фан оламидаги янгиликлар, психология-педагогика фани ривож топаётган бир даврда ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил равишда ишлашлари, малакаларини ошириб боришлари, мустақил изланиш кўникмасига эга бўлиш ва ижодкор бўлишларини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгилаб қўйилганидек, ҳар жиҳатдан баркамол, мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялаш учун бугунги кун ўқитувчиси сиёсий, илмий-методик ва умумпедагогик савия, ўз ишиг ижодий ёндашиш, ўз бурчига нисбатан фидоий бўлишга боғлиқдир. Бу долзарб масалани самарали ҳал қилиш кўп жиҳатдан таълим муассасаси раҳбари, уларнинг таълим-тарбияни бошқариш лаёқатлари ҳамда педагог кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш ва назорат қилишга боғлиқдир.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан мақсад ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш, уларнинг касбий билимларини такомиллаштириш натижала эса ўқувчиларга таълим-тарбия



- ишлаб чи=аришдан ажралган шолда марказ, вилоят ва туманда ытказиладиган курслар;
- мураббийлик асосидаги курслар;
- экстернат кыринишдаги курслар;
- =ис=а муддатли курслар;
- эркин тингловчилар курслари;
- сиртдан, =атнаб таълим олинадиган курслар;
- шахсий режа асосида ташкил этиладиган курслар;
- муаммоли (ма=садли) курслар;
- муаллифлик курслари;
- доимий щаракатдаги курслар

- илмий-методик, педагогик ёки амалий конференция, семинар, семинар-кенгашлар;
- муайян муаммо ёки мавзу асосида ташкил этилган доимий щаракатдаги семинарлар;
- туман фан ы=итувчиларининг методика уюшмалари;
- таянч ва ил\ор тажриба
- муассасаси ишлари;
- таълим муассасалари ращбарларининг Методик уюшмалари;
- педагогик ы=ишлар

43 - чизма. Педагогларнинг малакасини ошириш шакллари

Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш. Педагог кадрлар аттестацияси уларнинг касбий маҳоратларининг ўсишини рағбатлантириш, таълим-тарбияда илғор педагогик технологияларни яратиш ва уларни қўллаш, маънавий-маърифий йўналишлардаги натижаларни холис баҳолаш, эгаллаб турган ёки даъвогарлик қилинаётган тоифа ва лавозимларга муносибликни аниқлаш, таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш мақсадида ўтказилади.

Педагог кадрлар аттестацияси 5 йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест Маркази таркибидаги «Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси ҳамда Халқ таълими Вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган жадваллар асосида ташкил этилади. Халқ таълими тизими педагог кадрлар таркибига профессор-ўқитувчи, ўқитувчи, методист, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, спорт инструктори, мусиқа ва тўғарак раҳбарлари киради.

Педагог кадрлар аттестациясини ташкил этиш жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- педагог кадрлар ўз мутахассислиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест синовидан, суҳбатдан ўтказиладилар;

- педагог ўқитаётган фан бўйича ўқувчиларнинг билим ва ўзлаштириш даражаси ўрганилади;

ўқувчилар ўртасида социологик сўровлар ўтказилади.

Педагогнинг умумий бали тест, суҳбат натижалари, ўқувчиларнинг билим даражаси, илмий, ўқув-методик ишлари ва ихтиролари, ижодий ишлари, иш стажы, педагогнинг комиссия томонидан ўрганилган касбий маҳорати ва раҳбарият томонидан берилган баҳолар йиқиндисидан иборат бўлади.

Махсус мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари, маданият, спорт, санъат соҳалари педагог кадрлари, муҳандис-педагог кадрлар ва ишлаб чиқариш усталари ўз мутахассисликлари бўйича суҳбатдан ўтказиладилар.

Педагог кадрлар учун меъёрий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий йўналишлар бўйича тест саволлари тўплами Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Давлат таълим стандартлари, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, янги педагогик технологияларга оид масалалардан иборат бўлади.

Комиссия аттестация натижаларига кўра педагогнинг ушбу жараёндаги фаолияти «Аттестациядан ўтди», «Аттестациядан шартли ўтди» ва «Аттестациядан ўтмади» тарзида баҳоланади.

Мутахассис тоифага эга педагог «Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилганда, шунингдек, таянч маълумоти дарс бераётган фанига мос келмайдиган педагог кадрлар қайта тайёрлаш курсларидан ўтмаган бўлса,

тегишли таълим муассасаси раҳбари педагогга ўз мутахассислигига кўра аттестациядан ўтишни ҳамда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсида малака оширишни таклиф қилади. Мазкур таклифларга рози бўлмаган ўқитувчиларнинг меҳнат шартномаси (амалдаги қонунчилик асосида) бекор қилинади.

«Аттестациядан ўтмади» деб топилган педагоглар ҳамда қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига юборилган педагоглар бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтказиладилар.

Ёш ўқитувчилар билан ишлаш. Ёш ўқитувчиларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишишлари бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Ҳақиқатан ҳам ёш ўқитувчи таълим муассасаси (умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими)га ишга келди дейлик: уни ўқувчилар билан ишлашга тайёр деб айта оламизми?

Тўғри, олий ўқув юртида у яхши назарий билимларга эга бўлади ва шу билан бир вақтда педагогик амалиётдан ҳам ўтиб келади. Бироқ, у олий ўқув юртини тамомлаши билан ўқитувчи деган номга эга бўлади. Табиийки, унда ўқувчилар билан ишлаш тажрибаси етарли эмаслиги боис меҳнат фаолиятининг биринчи йилидаёқ бир қатор муаммоларга дуч келади. Зеро, ёш ўқитувчига характери турлича бўлган ўқувчилар гуруҳи билан ишлаш осон кечмайди. У ўз ўқувчиларининг қобилият даражаси, ўзлаштиришдан ортда қолаётган ўқувчилар шахсини ўрганишда уларнинг ҳар бири ўзига хос хотира, фикрлаш лаёқати ва диққатга эга бўлишларини ҳисобга олмаганлиги сабабли ўқувчиларда билимларни ҳосил қилишни тартибга олиш имкониятини қўлдан бой беради. Ёш ўқитувчининг энг ката хатоси, у ўзини билими саёз ўқувчилар билан ишлашдан олиб қочади. Унинг учун билими юқори бўлган ўқувчилар билан ишлаш осон туюлади. Натижада қолоқ ўқувчиларнинг тенгдошларидан ортда қолишлари кучаяди, уларнинг ривожланиши таълим жараёнида тартибсиз кечади.

Ёш ўқитувчиларга ёрдамни ташкил этишда асосий бўғин – бу улар билан бевосита ишлашни йўлга қўйишдир. Уларга маърузалар ўқиш, назарий машғулотларни ташкил этиш шарт эмас, чунки улар олий таълим муассасасида етарли маълумотларни оладилар. Ёш ўқитувчи амалий маслаҳатларга эҳтиёж сезади. Бундай ёрдамни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- 1) барча ёш ўқитувчиларни жалб этиш орқали;
- 2) огоҳлантириш орқали ҳар бир ўқитувчининг дарсини кузатиш йўли билан;
- 3) ёш ўқитувчининг иши билан яқиндан танишиш орқали.

Бундан ташқари олий ўқув юртлирини тамомлаб, мактабда ишлаётган ёш мутахассислар ва улар олиб бораётган таълим-тарбияишларини ўрганиш, уларга тегишли методик ёрдам кўрсатиш, йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар бериб бориш, турли мавзуларда ижодий кечалар, тажрибали ҳамда фахрий ўқитувчилар билан учрашувларни уюштириш мақсадида туман Методика

кабинети қошида «Ёш мутахиссислар мактаби»ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат учун саволлар:

1. Таълим муассасасининг педагогик фаолиятини бошқаришга таъриф бериш?
2. Менежмент, таълим муассасаси менежменти деганда нимани тушунаси?
3. Таълим соҳасини бошқариш қайси субъектлар томонидан амалга оширилади? Уларнинг ваколатларига нималар киради?
4. Таълим муассасасида жамоатчилик бошқаруви қандай амалга оширилади?
5. «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низомга таъриф беринг.
6. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида»ги Низом ҳақида гапириб беринг.
7. Таълим муассасаси Уставига таъриф беринг
8. Таълим муассасасини бошқариш тамойилларини айтиб беринг.
9. Таълим муассасасида ички бошқарувнинг вазифаларини кўрсатинг.
10. Педагогик Кенгашнинг вазифалари нималардан иборат?
11. Директор ва унинг ўринбосарлари вазифаларини айтинг.
12. Таълим муассасасида методик ишлар қай тарзда амалга оширилади?
13. Методик Кенгаш ва методик бирлашмаларнинг фаолияти ҳақида гапириб беринг.
14. Педагог кадрлар малакасини оширишдан мақсад нима? У қандай амалга оширилади?
15. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш мақсадини баён этинг.
16. Ёш ўқитувчилар билан олиб бориладиган методик ишлар нималардан иборат бўлиши зарур?

Тест топшириқлари:

1. қайси жавобда ўқитувчиларнинг профессионал малакасини оширишнинг самарали шакллари кўрсатилган?
 - а) мактаб кенгаши, педагогик кенгаш, методик кенгаш;
 - б) дарс, практикумлар, семинарлар, лаборатория ва факультетив машғулотлар;
 - в) методбирлашмалар, педагогик ўқишлар, малака ошириш институтлари, илмий-амалий анжуманлар, муаммоли семинарлар;
 - г) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Умумий ўрта таълим мактаби тўғрисида»ги Низом, «Умумий ўрта таълим мактаби Устави»;
 - д) педагогик олий ўқув юртлари.

2. Мактабда методик ишларнинг асосий шакллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- а) методбирлашмалар, методик Кенгаш, методик оператив ёрдам;
- б) метод кабинет, илғор тажриба мактаби, индивидуал методик иш, очик дарслар;
- с) мактаб кенгаши, Педагогик Кенгаш, Методик Кенгаш;
- д) ўқув дастури, ўқув қўлланмаларини ўрганиш, методик қайта ишланмалар, мустақил таълим;
- е) илғор педагогик тажрибаларни тўплаш, психологик-педагогик ва ўқув-методик адабиётлар, дастурлар ва дарсликларни ўрганиш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ғғБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ғғБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.
3. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида»ги Низом ғғХалқ таълими ж., № 6, 1999.
4. «Умумий ўрта таълим мактаби Педагогика Кенгаши тўғрисида»ги Низом ғғТаълим тараққиёти ж., № 3, 2002.
5. «Умумий ўрта таълим мактаби Методика Кенгаши тўғрисида»ги Низом ғғТаълим тараққиёти ж., № 3, 2002.
6. Умумий ўрта таълим мактаби фан Методика бирлашмалари тўғрисида»ги Низом ғғТаълим тараққиёти ж., № 3, 2002.
7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари аттестацияси тўғрисида»ги Низом ғғМаърифат г., 2004 йил, 16 октябрь.
8. О мерах по организации среднего специального профессионального образования в Республике Узбекистане ғОт 13 мая 1998 г. ғғУчитель Узбекистана. 1998 год, 16 мая.
9. Педагогика ғғА.қ.Мунавваровнинг таҳрири остида . – Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
10. Аҳлиддинов Р. Узлуксиз таълимда педагогик бошқарув масалалари ғғУзлуксиз таълим ж., « 3, 2002.
11. Подласўй И.П. Педагогика. В 2 кн. Кн. 1. – Москва, Владос, 1999.
12. Обхая педагогика ғПод ред. В.А.Сластенина. В 2 ч. Ч. 2. – Москва, Владос, 2003.


ИВ БЎЛИМ. КОРРЕКЦИОН (МАХСУС) ПЕДАГОГИКА

КОРРЕКЦИОН (МАХСУС) ПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ

Коррекцион педагогиканинг предмети, вазифалари ва моҳияти. Ривожланишида турли нуқсон (камчилик)лар бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш билан коррекцион педагогика (дефектология) шуғулланади. Коррекцион (махсус) педагогика (дефектология - юнонча дефестус – нуқсон, камчилик, логос – фан, таълимот) – ривожланишида жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, саломатлик имкониятлари чекланган боланинг индивидуаллиги ҳамда шахсини ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, қонуниятларини ўрганувчи фан саналади.

Илмий тушунча сифатида коррекцион педагогика замонавий педагогика фанида расман эътироф этилганига у қадар кўп вақт бўлмади. Узоқ вақт давомида педагогикада «дефектология» тушунчаси қўлланиб келинган.

Коррекцион педагогика (дефектология) таркибига қуйидаги соҳалари киради:



44- чизма. Коррекцион педагогика (дефектология) сощалари

Педагогик луғатда «коррекция» тушунчаси (юнонча «соррестиио» - тузатиш) педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида

аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланиш камчиликларини тузатиш (қисман ёки тўлиқ) сифатида тушунилиши таъкидлаб ўтилади¹.

Ана шу луғатда «коррекцион педагогика»нинг жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига муҳтож бўлган, соғлиғи имкониятлари чекланган боланинг индивидуаллиги ва шахсини ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, қонуниятларини ўрганувчи фан эканлиги қайд этилади.

Коррекцион педагогиканинг асосий мақсади – белгиланган (нормал) ва (мавжуд камчилик) фаолият ўртасидаги номувофикликни йўқотиш ёки камайтиришдан иборат.

Коррекцион-педагогик фаолият яхлит таълим жараёнини қамраб олувчи ҳамда мураккаб психофизиологик ва ижтимоий-педагогик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутувчи педагогик тизим.

Диагностика коррекцион, коррекцион-ривожлантирувчи, коррекцион-профилактик фаолиятлар билан бир қаторда тарбиявий ва коррекцион-ўқитиш, психокоррекцион фаолиятни ҳам амалга оширилишини таъминлайди. Коррекцион-педагогик фаолият махсус таълим дастурига мувофиқ мутахассислар ёрдамида аномал ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришга йўналтирилган яхлит жараён.

Коррекцион педагогиканинг асосий вазифалари. Турли категорияли аномал болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялашнинг умумий қонуниятлари мавжуд. Коррекцион педагогиканинг асосини аномал болаларни ҳар томонлама, физиологик ва психологик ўрганиш ташкил этиб, унинг вазифалари сирасига қуйидагилар киради:

1) ривожланишида турли камчиликлар бўлган боланинг нуқсонларини тузатиш ва коррекцион-компенсаторли имкониятларини аниқлаш;

2) дифференцияли ўқитиш ва тарбиялашни амалга ошириш мақсадида аномал болаларнинг муаммоларини ҳал этиш;

3) аномал болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;

4) ривожланиш аномалиясини эрта диагностика қилиш методларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш;

5) болаларда ривожланиш нуқсонларини тузатиш, йўқотиш ёки камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

6) аномал болаликнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

7) аномал болани ривожлантириш ва уни ижтимоийлаштириш жараёнининг самарадорлигини ошириш.

Коррекцион педагогиканинг категориялари. Коррекцион педагогика қуйидаги педагогик категорияларга эга:

¹ Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999.

1. Аномал болаларни ўқитиш ва ривожлантириш уларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган мақсадли жараёндир. Аномал болалар учун таълим тизими ва методларини танлашда боланинг ёши ва нуқсоннинг келиб чиқиши вақти ҳисобга олинади. Эшитиш ёки кўриш қобилиятини йўқотиш вақти алоҳида аҳамиятга эга.

Аномал боланинг ривожланиши нормал боладан кўра кўпроқ даражада ўқитишга боғлиқ. Шунинг учун аномал болалар ўқитилмаса ёки ўқитиш кеч бошланса унинг ривожланишига жиддий зарар етказилади, психик функцияларнинг шаклланиши ортда қолади, нормал тенгдошларидан ортда қолиши даражаси ошади, нуқсонлар ўта жиддий бўлса ақлий ривожланиши имкониятлари юзага чиқмай қолиши мумкин.

Махсус дидактиканинг марказий муаммоси меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этиш масаласи ҳисобланади. Махсус мактабларда уни ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, ушбу жараёнда ўқувчилар ижтимоий ҳаёт, шунингдек, имконият даражасида касбий фаолиятга тайёрлаш бузилган функцияларини тиклаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний ривожланиш нуқсонларининг даражасини пасайтиришга ёрдам беради.

2. Аномал болаларни тарбиялаш - коррекцион педагогиканинг асосий тушунчаси бўлиб, унинг мақсад ва вазифаси нуқсоннинг даражаси ва тузилишига мос келадиган метод ҳамда воситалар ёрдамида аномал болаларни фаол ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда фуқаролик сифатларини шакллантиришдан иборат. Аномал болаларни тарбиялаш оила ва таълим муассасаси ўртасидаги яқин алоқа, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, бир-бирига ёрдам кўрсатиш, талабчанлик ҳамда оқилона меҳрибонлик асосида амалга оширилади.

Тарбиявий ишлар аномал болаларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини инобатга олиш асосида уларда мустақиллик, ўзига хизмат кўрсатиш, меҳнат кўникмалари, хулқ маданияти, шунингдек, ижтимоий муҳитда яшаш ва ишлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилади. Аномал болани тарбиялаш атрофдагиларнинг унинг психик ёки жисмоний камчиликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб этади. Бундай болаларда оптимизм ва ишончни тарбиялаш, қобилиятини шакллантириш ёки унинг ўрнини босувчи имкониятни ривожлантириш, ижобий сифатларини тарбиялаш ҳамда ҳаракатлари ва хулқини танқидий баҳолаш қобилиятини ривожлантириш жуда муҳим.

3. Коррекция (юнонча тузатиш) боланинг психик ва жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш, йўқотиш ва пасайтиришни назарда тутди.

4. Коррекцион-тарбиявий ишлар категория сифатида шахснинг аномал ривожланиши хусусиятларига кўра умумий педагогик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тизимидан иборат. Коррекцион-тарбиявий масалаларида синф ва синфдан ташқари ишларнинг барча тур ва шаклларида фойдаланилади. Коррекцион –тарбиявий ишлар аномал болаларни ўқитиш жараёнида амалга оширилади ва меҳнат тарбиясини

самарали ташкил этиш учун катта имкониятлар яратади. Меҳнат таълими жараёнида фақат касбий малакалари эмас, балки ўз ишларини режалаштириш кўникмалари, оғзаки кўрсатмаларга амал қилиш малакаси, ишнинг сифатини танқидий баҳолаш ва бошқа малакалари тарбияланади. Камчиликларини тузатиш ёрдамида аномал болаларнинг нормал ривожланган болалар билан алоқалари учун шароитлар яратиш муҳимдир. Бир қатор ҳолларда аномал болалар учун даволаш-коррекцион тадбирлар (даволаш жисмоний машқлари, масала, артикуляр ва нафас олиш гимнастикаси, дори-дармонлар қабул қилиш ва бошқалар) ни ташкил этиш зарур бўлади.

5. Компенсация (юнонча «сомпенсатио» – ўрнини тўлдириш, тенглаштириш) организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш ёки қайта қуришдир. Компенсация жараёни олий нерв фаолиятининг захира имкониятларига таянади.

6. Ижтимоий реабилитация (юнонча «реҳабилитас» – лаёқати, қобилиятини тиклаш) тиббий-педагогик мазмунида аномал боланинг психофизиологик имкониятлари даражасида ижтимоий муҳитда иштирок этиши учун шароит яратиш, уни ижтимоий ҳаёти ва меҳнатига жалб этишни англатади. Бу коррекцион педагогика назарияси ва амалиётида асосий вазифа ҳисобланади.

Реабилитация нуқсонларини йўқотиш ва юмшатишга йўналтирилган махсус тиббий воситалар ҳамда махсус таълим, тарбия ва касбий тайёрлаш ёрдамида амалга оширилади. Реабилитация жараёнида касаллик оқибатида бузилган функцияларнинг ўрни тўлдирилади. Реабилитация вазифалари аномал болаларнинг турли категориялари учун махсус ўқув муассасалари тизимида ҳал этилиб, унда ўқув жараёнини ташкил этиш хусусиятлари болаларнинг аномал ривожланиши хусусиятларига қараб белгиланади.

7. Ижтимоий адаптация (юнонча «адапто» - мослашиш) – аномал болаларнинг индивидуал ва гуруҳли хулқларини жамоатчилик қоидалари ва қадриятлари тизимида мос келишини таъминлаш. Аномал болалар учун ижтимоий муносабатларни ташкил этиш қийин, содир бўлаётган ўзгаришларга мос равишда жавоб қайтариш қобилияти паст, шу боис мураккаб талабларни бажаришга уларнинг лаёқати етмайди. Ижтимоий адаптация болаларга ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштирок этиш учун имконият яратади.

8. Оилавий тарбия реабилитацияни самарали ташкил этиш омили. Оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари аномал болани ижтимоий фаолиятга жалб этиш, унинг меҳнат қобилиятларини аниқлаш ва имконият даражасида касб кўникмаларни шакллантиришни таъминлайди.

Аномал ўқувчилар билан олиб бориладиган коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари. Психофизиологик ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш – мураккаб ижтимоий-педагогик муаммо ҳисобланади. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан коррекцион ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

1. Болаларнинг ривожланиши ва хулқидаги нуқсонлар табиати ва моҳиятини аниқлаш, уларнинг юзага келиши сабаблари ва шароитларини ўрганиш.

2. Ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болалар билан коррекцион-педагогик фаолиятнинг ташкил этиш ва ривожланиши тарихини ўрганиш.

3. Болаларнинг ривожланиш ва хулқидаги нуқсонларнинг олдини олишга хизмат қилувчи ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар ва психофизиологик ривожланиши этимологияси (сабаб-оқибатли асослари)ни аниқлаш.

4. Ривожланишида камчилик ва хулқида нуқсонлар бўлган болаларга коррекцион-педагогик таъсир кўрсатиш технологияси, шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш.

5. Оммавий умумий ўрта таълим манбалари шароитларида ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болаларнинг умумий ва махсус таълими мазмунини таҳлил қилиш.

6. Болаларни реабилитация қилиш ва ҳимоялаш марказлари, махсус муассасаларининг мақсади, вазифа ва асосий йўналишларини аниқлаш.

7. Аномал болалар билан коррекцион-педагогик фаолиятни ташкил этувчи ўқитувчиларни тайёрлашда зарур ўқув-методик базаси яратиш.

Коррекцион-тарбиявий ишлар аномал болаларнинг ривожланишидаги камчиликларни йўқотиш ёки камайтиришга қаратилган махсус педагогик чора-тадбирлар тизимидир. Коррекцион-тарбиявий ишлар фақат алоҳида нуқсонларни тузатишга йўналтирилган бўлмай, балки умумий ривожлантиришга қаратилган.

Ўқувчиларнинг ривожланиши ва хулқидаги нуқсонларни тузатиш боланинг шаклланаётган шахсини ўзгартиришга қаратилган яхлит педагогик ҳодиса саналади.

Коррекцион-тарбиявий фаолият боланинг идрок этиш имкониятларини ўзгартириш, унинг эмоционал-иродавий, индивидуал-шахсий сифатларини яхшилаш, қизиқиш ва лаёқатлари, меҳнат, бадиий, эстетик ва бошқа қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган педагогик хатти-ҳаракат.

Коррекцион-ривожлантирувчи таълим ўқишда ва мактабда аномал болаларга ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатишни таъминловчи дифференциал таълим тизими бўлиб, унинг асосий вазифаси бола ривожланишининг умумий даражасини оширишга қаратилган билимларни тизимлаштириш, унинг ривожланиши ва ўқишидаги камчиликларни йўқотиш, етарлича шаклланмаган малака ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда боланинг идрок этиш борасидаги камчиликларни тузатиш.

Коррекцион-педагогиканинг пайдо бўлиши, ташкил топиши ва ривожланиши. Ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик фаолият бой тарихий тажрибаларга эга. Аномал (юнонча аномалос - нотўғри) болаларга жисмоний ёки психик

нуқсонлари умумий ривожланишини бузилишига олиб келадиган болалар киради.

Ижтимоий жамият тараққиёти тарихи аномал болаларга бўлган муносабатларнинг узоқ вақт давомида эволюцион тарзда шаклланиб келганлигини кўрсатади.

Антик даврда қадимги Спартада бир неча юз йилликлар давомида соғлом тана, куч, чидамлик юқори ўринга қўйилиб, ривожланишида нуқсонли бўлган болалар йўқ қилинарди. Мазкур даврда янги туғилган чақалоқларни қабила бошлиқларига олиб келардилар, улар болаларни синчиклаб кўриб агарда ижтимоий талабларга жавоб бера олсалар, улар ота-оналарига тарбиялаш учун қайтарилар эди. Агарда болада бирорта нуқсон топилса уни қабила бошлиқлари Тайгет жарлигига ташлаб юборар эдилар (эраמידан аввалги ИВ-В асрлар).

Европада ўрта асрларда боланинг ривожланишидаги ҳар қандай нуқсон қора, ёвуз кучларнинг намоён бўлиши сифатида эътироф этилиб, психик касалликлари бўлган кишилар инквизиция гулханида ёндирилганлар.

Уйғониш давридан бошлаб XIX асрнинг ўрталаригача Европа дефектология фани ва амалиётида боланинг ақлий ривожланишидаги нуқсонлар муаммоси борасидаги қарашларнинг эволюцион характери аниқлаш мумкин.

Руҳий касалларга нисбатан инсонпарварлик ёндашуви илк бор француз шифокори, психиатори Филипп Пинел (1745-1826 йиллар) томонидан илгари сурилган. У руҳий касалликларни классификациялаган (турларга ажратган).

Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларга нисбатан педагогик ёндашув ХVIII аср охирида – XIX аср бошларида юзага келади. Ақли заиф болаларни махсус усуллар ёрдамида ўқитиш ва тарбиялаш ғоясини Иоган Генрих Песталоцци (1746-1827 йиллар) асослаган бўлсада, бироқ, ўз даврида бу фикр қўллаб-қувватланмади. И.Г.Песталоцци “ақли заифлар” билан ишлаш тамойилининг моҳиятини асослаб берди: боланинг имкони етган билимларни бериш, дидактик материаллардан фойдаланишда ақлий ва жисмоний тарбия уйғунлигига эришиш, таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш.

Ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялашга нисбатан тиббий-педагогик ёндашув асосчиси француз психиатори Жан Итар (1775-1838 йиллар) ҳисобланади. У ақли заифлиги мураккаб бўлган болага таълим ва тарбия беришга уринди. Гарчи қутилган натижага эриша олмасада, бундай тоифа болаларни сезги ва моторика органларини машқ қилдириш ёрдамида ривожлантириш йўлини кўрсатиб берди.

Анатомик-физиологик ёндашув ривожига немис психиатри Эмил Крепелин (1856-1926 йиллар) катта ҳисса қўшди. У биринчи бўлиб “психик ривожланишдан ортда қолиш” (ПРОК (ЗПР)) ҳамда “олигофрения” (юнонча ойлгос – кам ва пхрен-ақл) тушунчаларини қўллади.

Француз психологи Альфред Бине ва врач-психиатр Томас Симон тест синовлари методини асослайдилар. Шу боис улар интеллектуал

заифликни ўрганишнинг психометрик йўналиши асосчилари ҳисобланадилар.

Юқорида қайд этилган ёндашувлар асосида ХХ аср бошига келиб кўйидаги уч асосий ёндашув қарор топди:

1. Тиббий-клиник ёндашув ақли заифларнинг этимологиясини билиш, интеллектининг бузилишига сабаб бўлган омиллар, шунингдек, анатомик-физиологик ва генетик бузилишни ўрганиш ғоясини илгари суради.

2. Психологик ёндашув психикаси бузилган болаларнинг психик фаолияти, эмоционал ҳолати ҳамда шахсини ўрганишга йўналтирилган.

3. Педагогик ёндашув интеллекти бузилган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялашнинг педагогик тамойиллари, методлари, шунингдек, нуқсонларни бартараф этиш йўллариини ўрганиш ғоясига таянади.

Россия коррекцион педагогикаси тарихи Европа дефектологик фани билан узвий боғлиқ.

Петр И, Екатерина ИИ лар аномал болалар учун даволаш муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактабларни барпо этиш ҳақида фармон чиқарганлар.

ХИХ аср охири - ХХ аср бошларида аномал болаларни ўқитиш ва тарбиялашни йўлга қўйувчи кўплаб жамият ҳамда ижтимоий ташкилотлар ташкил этилди.

Собиқ Шўро даврида болаликни ҳимоя қилиш ва болалар нуқсонлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

1918 йили Совнарком томонидан махсус декрет қабул қилинди. Унда аномал болаларга ёрдам беришда асосий вазифа уларни алоҳида ажратиш эмас, балки уларни ўқитиш ва тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шу йилнинг Россияда биринчи махсус таълим-тарбия муассасаси (В.П.Кашенко уйи) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида коррекцион педагогика (дефектология)нинг ривожланиш тарихи Россия дефектология фани билан узвий боғлиқ бўлиб, айна вақтда у ўз хусусиятларига ҳам эга. Бу хусусиятлар диннинг ўзбек халқи ҳаёти ва турмушига чуқур сингганлиги ва ўзбек миллий менталитети билан тавсифланади. Ўзбек халқи аномал болаларга нисбатан инсонпарвар муносабатда бўлиб, уларга раҳмдиллик, меҳрибонлик кўрсатган.

Айни вақтда республикада аномал болалар учун махсус ўқув муассасалари (кўзи ожиз ҳамда кар болалар учун мактаб-интернатлар, ақли заифлар учун ёрдамчи мактаб-интернатлар) фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни (1997 йил)нинг 23-бандида психик ёки жисмоний ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш ва даволаш махсус (ихтисослаштирилган) таълим муассасаларида йўлга қўйилиши таъкидлаб ўтилган.

ХХ асрнинг 60-70 йилларида республикада коррекцион педагогика бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳамда дефектолог педагогларни тайёрлаш йўлида ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1967 йили Низомий

номидаги Тошкент давлат педагогика институти педагогика ва психология факультетида дефектология бўлими очилиб, ихтисослаштирилган муассасалар учун педагог-дефектологларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда республика олим дефектологлари оммавий умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион-ривожлантириш синфларини ташкил этиш, аномал болаларнинг мактабга мослашишлари учун ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги муаммоларни ўрганмоқдалар.

Ривожланишидаги нуқсонларни классификациялаш, уларнинг сабаблари ва омиллари. Олиб борилган тадқиқотнинг кўрсатишича, ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг сони кўп бўлиб, айтилиши вақтда янада ошиб бормоқда.

«Аномалия» тушунчаси юнончадан таржима қилинганда меъёрдан, умумий қонуниятлардан четланиш, нотўғри ривожланишни англатади.

Ривожланишида муаммолари бўлган болаларда жисмоний ёки психик камчиликлар (нуқсонлар) бўлади, улар болаларнинг умумий ривожланишида четланишларнинг содир бўлишига сабаб бўлади. Нуқсоннинг хусусияти, пайдо бўлишига қараб айрим камчиликларни тўла йўқотиш, айримларини эса тузатиш, учинчи хилларининг ўрнини тўлдириш мумкин. Аномал боланинг ривожланишида уни ўқитиш ва тарбиялаш асосий муаммо ҳисобланади.

Айтилиши вақтда ривожланишидаги четланишларнинг классификацияси бўйича ягона қараш мавжуд эмас.

М.А.Власова ва М.С.Певзнерлар аномал болаларнинг қуйидаги гуруҳлари кўрсатадилар:

1. Сенсор хислати етишмайдиган (норасо) болалар (эшитиш, кўриш, нутқи қобилиятлари, таянч-ҳаракат аппарат ва сенсомоторикасининг функцияси бузилган).

2. Психик ривожланиши ортда қолган болалар.

3. Астеник ёки реактив ҳолати ҳамда низоли ташвишланишга эга бўлган болалар.

4. Психопатик хулқли болалар (хулқнинг эмоционал бузилиши).

5. Ақли заиф болалар (дебиллик, имбециллик, идиотия даражасидаги олигофренлар).

6. Психик касалликнинг бошланғич кўриниши (шизофрения, эпилепсия, истерия ва бошқалар) намоён бўладиган болалар.

О.Н.Усанова аномал болаларни қуйидаги гуруҳларга ажратишни таклиф этади¹:

1. Органик бузилишлар сабабли ривожланишида четланиш бўлган болалар.

2. Функционал етук эмаслиги сабабли ривожланишида камчилик бўлган болалар.

¹ Усанова О.Н. Психик ривожланишида муаммолари бўлган болалар. – Москва, Педагогика, 1995.

3. Психик депривациялар асосида ривожланишида камчиликлар бўлган болалар.

Дефектолог В.С.Рахманова ривожланишида нуқсонлар бўлган болаларни қуйидагича гуруҳларга ажратишни таклиф этади²:

1. Интеллектуал бузилишга эга болалар (ақли заиф ва психик ривожланишидан ортда қолган болалар).

2. Нутқи бузилган болалар.

3. Сенсорли нуқсонларга эга болалар (кўриш ва эшитиш қобилиятлари бузилган)

4. Таянч-ҳаракатли аппарати бузилган болалар.

5. Ривожланишида комплекс бузилиш бўлган болалар.

Аномал болаларда нутқий қобилиятнинг бузилиши умумий қонуният ҳисобланади.

Болага коррекцион таъсир кўрсатишнинг самарадорлиги мавжуд нуқсон хусусияти, айрим психик жараён ёки функцияларининг бузилганлик даражаси, боланинг ёши, нуқсонлар ўрнини тўлдиришга имкон берувчи қобилияти, тиббий-педагогик таъсир кўрсатиш, бола яшаётган муҳит ҳамда уни тарбия шароитларининг мавжуд аҳволи ва бошқа омилларга боғлиқ. Аномал болаларнинг маълум гуруҳи фақат психологик-педагогик таъсирга муҳтож бўлсалар, бошқа гуруҳлари уларга эса даволаш–соғломлаштириш тадбирларининг амалга оширилишини талаб этади. Ривожланишдаги нуқсонларнинг барвақт диагностика қилиниши маълум муваффақиятларга эришишнинг гаровидир.

Бола ривожланишидаги нуқсонларни диагностика қилишда коррекцион ишлар тамойиллари ва методлари. Ривожланишида камчиликлар бўлган болалар махсус, коррекцион-ривожлантирувчи таълим ва тарбияга муҳтож бўладилар. Аномал болаларга ёндашишда у ёки бу нуқсонни аниқлаш эмас, балки унинг хусусияти, тузилиши, болани тегишли муассасага жойлаштириш, коррекцион ишларни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган сонли ва сифатли кўрсаткичларини аниқлаш муҳимдир.

Аномал болаларни махсус муассасаларда ўқитиш ва тарбиялаш, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион-ривожлантирувчи синфларни ташкил этиш масаласи билан психологик-тиббий-педагогик комиссиялар (ПМПК) шуғулланадилар. Бу борада мутахассисларнинг қуйидаги тамойилларга амал қилишлари мақсадга мувофиқдир:

1. Инсонпарварлик тамойили ҳар бир бола учун ўз қобилиятларини максимал даражада ривожлантира оладиган зарур шароитларни ўз вақтида яратиб беришдан иборат бўлиб, у болани изчил ва батафсил ўрганиш, унинг йўлида учрайдиган қийинчиликларни йўқотиш йўллари ва воситаларини излашни талаб этади.

2. Болаларни комплекс ўрганиш тамойили болага ташҳис қўйишда зарур мутахассисликлар (тиббий, дефектологик, психологик ва педагогик)

² Рахмонова В.С. Дефектология ва логопедия асослари. –Тошкент, Ё=итувчи, 1990.

бўйича олинган маълумотларга танишни назарда тутати. Агар шифокор, дефектолог, психолог ва педагогларнинг фикрлари турлича бўлса, бола қайта текширувдан ўтказилади.

3. Болани ҳар томонлама ва яхлит ўрганиш тамойили боланинг идрок этиш, эмоционал-иродавий сифатлари ва хулқини текширишни кўзда тутати. Унга кўра боланинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жисмоний ҳолати ҳам ҳисобга олинади. Болани ҳар томонлама ва яхлит ўрганиш унинг ўқув, меҳнат ва ўйин каби фаолияти жараёнидаги ҳаракатларини кузатишга асосланади.

4. Болани динамик ўрганиш тамойилга биноан текшириш давомида улар биладиган ва бажара оладиган ишларни эмас, балки уларнинг ўқитишдаги имкониятларини ҳам ҳисобга олиш муҳим эканлигини назарда тутати. Л.С.Вүготскийнинг “яқин ривожланиш зонаси” - болаларнинг ўқишдаги мавжуд имкониятлари ҳақидаги таълимоти мазкур тамойилнинг асосини ташкил қилади.

5. Сифатий-миқдорий ёндашув тамойили бола бажарган топшириқни баҳолашда яқиний натижанигина эмас, балки усули, масалани ечиш учун танланган йўлнинг рационаллиги, ҳаракатларнинг мантиқий кетма-кетлиги, мақсадга эришишдаги қабтилийлик ва тиришқоқликни ҳам ҳисобга олиш зарурлигини асослайди.

6. Маълум турдаги патологияли болаларни бошқа болалар гуруҳларидан ажратиш тамойили ҳар бир махсус таълим муассасаси ўзи коидаларига эгаллигини тавсифлайди.

7. Ривожланишида мавжуд бўлган четланишлар даражасига кўра дифференциялаштирилган таълимни ташкил этиш тамойили ривожланишида бир хил, лекин даражасига кўра турли четланишга эга болаларни ажратган ҳолда ўқишларини назарда тутати, бинобарин, уларни ўқитиш методикасида сезиларли фарқлар мавжуд (масалан, кўзи ожиз болалар тактил асосда (Брайн тизими бўйича), ёмон кўрувчилар эса кўриш асосида ўқитилади).

8. Ёши тамойили ҳар бир гуруҳ ёки синфга маълум ёшдаги болаларнинг қабул қилинишини ифодалайди. Турли ёшдаги ривожланишида нуқсонлар бўлган болаларни текшириш ва уларга коррекцион ёрдам кўрсатиш малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади.

ПМПКнинг таркибида қуйидаги мутахассислар фаолият кўрсатадилар: педагог, психолог, шифокор, психиатр, невропатолог, отоларинголог, ортопед, офтальмологлар, олигофренопедагог, сурдопедагог, тифлопедагог ҳамда логопед. ПМПК ишларига дефектологик таълим ва аномал болалар билан ишлашда амалий тажрибага эга мутахассис раҳбарлик қилади.

Психологик-педагогик текширишлар қуйидаги методлари ёрдамида ташкил этилади:

1. Сухбат методи. Сухбат бола билан алоқа ўрнатиш воситаси бўлиб, аномал боланинг шахси, эмоционал-иродавий сифатлари, хулқи, шунингдек, ривожланишидаги четланишларнинг сабаблари ҳақидаги

маълумотни тўплашга имкон беради. Агарда боланинг нутқида, эшитиш қобилиятида нуқсонлари бўлса, ёки муносабатга қийин киришса суҳбатни ташкил қилиш тавсия этилмайди. Бундай ҳолларда болани қизиқтирадиган кўргазмалардан материалдан фойдаланиш мумкин.

2. Кузатиш методи. Кузатиш боланинг консультацияга келишидан аввал бошланади ва яхлит текширишларни ўтказиш жараёнида давом эттирилади. Кузатиш ҳар доим аниқ мақсад асосида ўтказилади. Болани ўйин фаолиятини ташкил этиш жараёнида кузатиш алоҳида аҳамиятга эга, улар бола билан алоқа ўрнатишга имкон беради. Айрим ҳолларда ўйинчоқлар ёрдамида махсус текширишлар ўтказилади.

3. Расмларини ўрганиш методи. Расмлар болани ўрганишда муҳим дифференциал-диагностик восита ҳисобланади. Болада педагог томонидан тавсия этилган расмлар хавотир уйғотса, болага эркин расм чизишни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Унинг мавзу танлай олиши, тасвирлаш хусусиятлари, расм чизиш жараёни якуний ташҳис учун қимматли маълумот ҳисобланади. Ақли заиф болалар одатда мавзунини танлашга қийналадилар, улар сюжетлар яратмай, алоҳида одатий предметларни тасвирлашга ҳаракат қиладилар.

4. Тажриба-психологик тадқиқотлар методлари. Улар махсус ўрганилиши керак бўлган психик жараённи кўзгатувчи маълум вазиятларни яратишни кўзда тутаяди. Тажриба методикалари ёрдамида у ёки бу ҳолатларнинг сабаблари ва механизмларини очиқ кўрсатиш мумкин бўлади.

5. Тестлар методи. Бу метод болаларнинг психодиагностик мақсадларда текширишда қўлланилади. Д.Векслер томонидан асосланган мослаштирилган тест оммавийлашгандир. Ундан фойдаланиш индивидуал-психологик текширишларни ўтказишда бола ҳақида зарур қўшимча маълумотларни олишга имкон беради.

Ақлий ва психик ривожланишида нуқсонлари бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Психик ривожланишдан ортда қолувчи болаларнинг психологик-педагогик тавсифномалари. Тадқиқотлар предметларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчилар орасида психик ривожланиши ортда қолган, яққол ифодаланмайдиган сенсорли, интеллектуал, нутқий бузилишларга эга болалар мавжудлиги, бунинг сабаби марказий нерв тизими шикастланишининг асорати, минимал мия диафункциялари эканилигини кўрсатади. Психик ривожланиши ортда қолган болалар предметларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларнинг тахминан 50 фоизини ташкил этади.

ПРОқни болалар ривожланишини кўрсатувчи аномалия сифатида ўрганиш XX асрнинг 50-йилларнинг охирида бошланиб, 60-70-йилларда кенг оммалашди.

Тадқиқотчилар (Г.Б.Шоумаров, К.С.Лебединская) ПРОқнинг қуйидаги тўрт вариантини келтирадилар:

- 1) конституционал келиб чиқиш;
- 2) соматоген келиб чиқиш;

- 3) психоген келиб чиқиш;
- 4) церебрал–органик келиб чиқиш.

Психик ривожланиши ортда қолган мактабга бораётган болалар ўзига хос хусусиятларга эга бўладилар. Улар мактабда ўқишга тўла тайёр эмаслар, уларда мактабда ўқиш учун зарур бўлган кўникма ва малакалар шаклланмаган, дастур талабларини ўзлаштириш учун лаёқати етарли эмас. Улар махсус ёрдамсиз ҳисоблаш, ўқиш ва ёзишни, шунингдек, мактабдаги тартибни ўргана олмайдилар. Фаолиятларни ташкил этишда қийинчиликни ҳис этадилар. Уларда руҳий толиқиш кузатилиб, тез чарчаш, иш бажариш қобилиятининг пасайиши, бошлаган ишини бажармаслик каби ҳолатлар кузатилади. Кўпинча бошлари оғрийди.

Психик ривожланиши ортда қолган болаларнинг ҳулқи ҳам ўзига хос. Мактабда улар ўзларини мактабгача ёшдаги болалар каби тутишади. Уларда ўқишга нисбатан қизиқиш йўқ ёки жуда паст бўлиб, мактабга нисбатан ижобий муносабат кузатилмайди. Ўйин улар учун асосий фаолият бўлиб қолади.

ПРОқли болаларни кўпинча ақли заиф деб ҳисоблаб хато қиладилар. Уларни ўзаро фарқлашда айрим омиллар кўл келади. Чунончи, ПРОқ болаларда оддий билимларни ўзлаштириш, ҳисоблаш кўникмаларини эгаллаб олишда қийинчилик кўзга ташланиши билан бирга шеър ёки эртақларни эслаб қолиш қобилияти ва идрок этиш фаоллиги анча юқори бўлади. Бундай хусусиятлар ақли заиф болаларда кузатилмайди.

Кўпчилик ҳолларда ПРОқ (ЗПР) ўқувчилар оммавий умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладилар. Улар билан индивидуал коррекцион ишлар олиб борилмайди, шу боис улар амалда ўқув жараёнидан четда қоладилар ва предметларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчилар қаторига киритиладилар. Улар махсус ташкил этилувчи коррекцион-ривожлантирувчи таълимга муҳтожлар. Уларга алоҳида эътибор кўрсатиш талаб этилади.

Психик ривожланиши ортда қолган болалар билан коррекцион ишлар олиб боришнинг хусусиятлари. Ўзбекистонда ХХ асрнинг 60-йилларида илк бор психик ривожланишдан ортда қолган болалар билан махсус педагогик ишлар амалга оширилган.

Ҳозирги кунда психик ривожланишдан ортда қолган болалар учун мактаб интернатлар ва махсус таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, улар оммавий умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган коррекцион-ривожлантирувчи синфларда ҳам ўқитишлари мумкин.

Таълим жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Бошланғич умумий ўрта таълим (таълим муддати – 4-5 йил).
2. Асосий умумий ўрта таълим (таълим муддати - 5 йил).

Болаларни коррекцион муассасаларга қабул қилиш ПТПКнинг ҳулосаси бўйича ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилигига кўра амалга оширилади. Синф 12 нафар ўқувчидан иборат бўлади. Улар ривожланишидаги нуқсонларнинг бартаф этилишига кўра оммавий умумий ўрта таълим муассасаларига ўтказилишлари мумкин.

Иккинчи босқичда таълим (В-ИХ синфлар) айрим ўзгартиришлар (муайян ўқув мавзулари ёки улардаги материаллар ҳажмини қисқартириш) билан оммавий умумий ўрта таълим мактабларининг дастурлари асосида амалга оширилади. Коррекцион-ривожлантирувчи синфларда таълимнинг 1-босқич муддати зарур ҳолатларда 1 ёки ҳатто 2 йилга узайтирилиши мумкин.

Улар билан ишлашда асосий вазифа - болалар томонидан атроф-муҳит ҳақидаги билимларни эгаллаб олинishiга ёрдам бериш, уларда кузатувчанлик ва амалий ўқув фаолияти тажрибасини ҳосил қилиш, мустақил равишда билимларни эгаллаш ва амалиётда улардан фойдаланиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Бундай ўқувчилар индивидуал ёндашишни талаб этадилар. Уларни коррекцион ўқитиш даволаш-соғломлаштириш тадбирлари билан бирга амалга оширилиши зарур. Ўқув материали ҳамда таълим методи ПРОК болаларнинг ривожланиш даражаларига мос ҳолда танланиши зарур.

Ақли заифликнинг психологик-педагогик хусусиятлари, унинг пайдо бўлиши сабаблари. Ақли заифликни ўрганиш билан боғлиқ масалалар коррекцион педагогикада (дефектологияда) энг муҳим масалалар каторига киради.

Ақлий ривожланиши бузилган болаларни ўқитиш, тарбиялаш, ижтимоий мослаштириш ва ўрганиш муаммолари коррекцион (махсус) педагогиканинг муҳим соҳаси - олигофренопедагогика томонидан ўрганилади. “Олигофрения” (юнонча олийгос – кам ва пхрен - ақл) термини XIX асрда машҳур немис психиатри Эмиль Крепелин томонидан қўлланилган.

Олигофрения – бу натал (туғилиш пайти) ёки постнатал (хаётий ривожланишнинг эрта босқичи) даврларда марказий нерв тизимининг зарарланиши натижасида юзага келадиган ақлий ёки психик ривожланмаслик.

Олигофрениaning сабаблари бош мияни бузилишига олиб келувчи экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар бўлиши мумкин. Экзоген омиллар сирасига онанинг ҳомиладорлик даврида турли инфекцион касалликлар билан касалланиши (вирусли касалликлар, қизилча, қизамиқ, кор, Боткин касаллиги ва бошқалар), чақалоқнинг она организмидаги турли паразитлар билан зарарланиши (токсоплазмоз) ҳамда турли туғма шикастлар (асфиксия) киради. Онанинг юрак-қон томир тизими, буйрак, жигар касалликлари билан оғриши, ҳомиладорлик даврида рухсат этилмаган дори-дармонларни қабул қилиши, ҳомиладорлик даврида турли жисмоний ва психик жароҳатларни олиши, аёлларнинг зарарли ишлаб чиқаришда ишлашлари, атроф-муҳитнинг ёмон шароитлари, чекиш, алкоголизм, ота-оналари гиёҳванд моддаларни исьтемом қилишлари ҳам чақалоқ бош миясининг зарарланишига сабаб бўлиши мумкин.

Ақли заиф шахслар ривожланиш ва нуқсон даражасига кўра турлича бўлади. Уларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Она қоринидалиги мияси шикастланган болалар.

2. Туғилиши пайтида ёки туғилгандан кейин уч йил давомида мияси шикастланган болалар.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) 1994 йилда ақли заифликнинг қуйидаги тўрт даражасини эътироф этган: сезилмас (кам), ўртача, оғир ва чуқур даражалар.

Кам даражадаги ақли заифлик ўқувчилар мактабни битириш даврида ўзларининг психометрик ва клиник намоён бўлиши билан нормал ривожланаётган одамлардан кам фарқ қиладилар ҳамда муваффақият билан ишга жойлашадилар.

Ақли заифлик тузатиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида эътироф этилса ҳам, уни коррекция қилиб бўлмайди деган маънони англатмайди. Аксарият тадқиқотларда махсус (коррекцион) таълим муассасаларида методик жиҳатдан тўғри йўл тутилиши ақли заиф болаларнинг ривожланишида ижобий натижага эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ақли заиф болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар.

Ақли заиф бола билан коррекцион ишларни эрта бошлаш нуқсонни максимал даражада тузатиш ва иккиламчи четланишларнинг олидини олишга имкон беради. Ақлий қолоқликни психологик-педагогик диагностика қилишни ўз вақтида ўтказиш жуда муҳимдир.

Ақли заиф болалар оила ёки соғлиқни сақлаш тизимида қарашли махсус яслиларида тарбияланадилар. Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар ақли заиф болалар учун махсус болалар боғчаларида амалга оширилади. Ақли заиф бўлган мактабгача ёшдаги болалар оммавий болалар боғчаларидаги махсус гуруҳларга қабул қилинишлари мумкин. Уларда ўқитиш махсус болалар боғчасидаги каби махсус дастур бўйича олиб борилади.

Мактаб ёшидаги ақли заиф болалар махсус (коррекцион) мактабларда ўқитиладилар, бу ерда ўқитиш давлат таълим стандарти асосида махсус дастур бўйича олиб борилади. Бундай мактабларда умумий ўрта таълим фанлари (она тили, ўқиш, математика, география, тарих, табиат, физкультура, расм, мусиқа, чизмачилик) билан бирга махсус коррекцион фанларни ҳам ўқитилади. Махсус мактабларда меҳнат таълими муҳим ўрин эгаллайди. Меҳнат таълими ИВ синфдаёқ профессионал хусусиятга эга бўлиб, болалар ўзлари бажара оладиган касбни ўзлаштирадилар. Тарбиявий ишлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, асосий мақсад тарбияланувчиларни ижтимоийлаштириш, болаларда ижобий сифатларини тарбиялаш, атрофдагилар ва ўзларига тўғри баҳо беришга ўргатиладилар. Айни вақтда республикада ақли заиф болалар учун махсус мактабларнинг 90 % ини мактаб-интернатлари ташкил этади.

Гоҳо ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган боланинг оммавий умумий ўрта таълим мактабига жаоб этилиш ҳолати кўзга ташланади. Бундай ҳолатда боланинг тақдири, уни ўқитиш ва тарбиялаш масъулиятини оналар ўқитувчи-дефектологлар билан келишиб олишлари зарур. Нормал ривожланувчи болалар билан бир синфда ўқийдиган ақли заиф бола алоҳида муносабатни талаб этади. Бола кучи етганича, дарснинг боришига ҳалақит

қилмай синф фаолитида иштирок этиши керак. Унга бирор нарсанинг тушунарсиз бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Бу ҳолат кейин ўқув материалининг мутлақо тушунмаслигига олиб келади. Ақли заиф болани оммавий умумий ўрта таълим мактабида ўқитиш ота-оналарининг бевосита иштирокларини талаб этади,

Нутқида нуқсон бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Нутқий бузилишлар сабаблари ва уларнинг турлари. Нутқ – фақатгина инсонга хос бўлган муҳим психик функциядир. Нутқий муносабатлар ёрдамида шахс онгида борлиқни ақс эттирувчи билимлар доимий равишда тўлдирилиб ва бойитиб борилади.

Нутқий нуқсонларни ўрганиш, олдини олиш ва коррекция билан коррекцион педагогика (дефектология)нинг муҳим соҳаси - логопедия (юнонча логос – сўз ва паидея - тарбиялаш) шуғулланади. Патоген омил таъсирида юзага келган нутқий бузилишлар ўз-ўзи билан йўқолмайди ва у махсус ташкил этилган коррекцион-логопедик чораларсиз боланинг кейинги ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Нутқий бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар орасида экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар асосий рол ўйнайди. Бундан ташқари (анатомик-физиологик, морфологик), функционал (психоген), ижтимоий-психологик (атроф-муҳитнинг салбий таъсири), психоневрологик (психик функцияларининг бузилиши (ақли заифлик, хотира ёки диққатнинг бузилиши ва бошқалар) сабабларнинг ҳам таъсири сезиларли бўлади.

Экзоген-органик омиллар сирасига: боланинг марказий нерв тизими ва унинг организмга салбий таъсир этувчи омиллар (инфекция, жароҳатлар, интоксикация), турли акушерлик патологиялари (бел торлиги, туғилишнинг чўзилиб кетиши ёки тез содир бўлиши, йўлдошга ўралиб қолиши, боланинг нотўғри жойлашиши ва бошқалар), малакали акушерлик ёрдамнинг кўрсатилмаслиги, чала туғилиш каби ҳолатлар сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда логопедияда нутқий бузилишларни икки тури ажратилади:

- 1) тиббий-психологик нутқий бузилиш;
- 2) психологик-педагогик нутқий бузилиш.

Тиббий-психологик турда кўриладиган ҳамма нутқий бузилишларни қуйидаги икки йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) оғзаки нутқнинг бузилиши;
- 2) ёзма нутқнинг бузилиши.

Оғзаки нутқнинг бузилиши ўз навбатида қуйидаги икки турга ажратилади:

- 1) нутқ ифодаланиши фонацион тузиши (нутқ талаффузи) нинг бузилиши;
- 2) фикр структурали-семантик (ички) тузилиши (нутқнинг тизимли ёки полиморф)нинг бузилиши

Психологик-педагогик (педагогик) классификациялаш уни педагогик жараёнда қўллашга йўналтирилган бўлиб, болалар жамоаси билан нутқий

нуқсонларни тузатишга йўналтирилган коррекцион-ривожлантирувчи таъсир кўрсатиш методларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Психологик-педагогик (педагогик) классификациялашга кўра нутқнинг бузилиши қуйидаги икки гуруҳга ажратилади:


1. Муомала воситалари (фонетик-фонематик ва нутқнинг умумий ривожланмаганлиги)нинг бузилиши.

2. Муомала воситаларини қўллашдаги бузилишлар.

Мактаб ўқувчиларида нутқи бузилишини психологик-педагогик тузатиш. Нутқий бузилиши бўлган болаларнинг психологик-педагогик хусусиятлари. Нутқий бузилиш, нутқий бузилишнинг сабаблари, механизмлари, симптоматикаси, бориши ва тузилиши унинг олдини олиш, махсус (коррекцион) ўқитиш ва тарбия масаласи билан логопедия шуғулланади. “Логопедия” термини юнончадан таржимаси “тўғри нутқни тарбиялаш” маъносини англатади. Нутқий бузилиш турли мутахассислар - физиолог, невропатолог, психолог, лингвист ва бошқалар томонидан ўрганилади.

Нутқий бузилиши бўлган болаларнинг марказий нерв тизими фаолиятида функционал ёки органик четланишлар кўзга ташланади. Миянинг органик зарарланиши сабабли иссиқ, транспортда юриш, арғимчоқда кўп вақт тебраниш болаларга ёмон таъсир кўрсатади, бошлари оғрийди кўнгиллари озади ва бошлари айланади. Тез чарчаб қоладилар, каттиқ таъсирланишлари, жаҳллари чиқиш билан ажралиб турадилар. Улар эмоционал барқарор эмаслар, уларнинг кайфиятлари тез ўзгаради, сержаҳл, агрессив, безовта бўладилар. Шунингдек, уларда сустлик ва ланжлик кузатилади. Бундай болалар тинч ўтира олмайдилар, бутун дарс давомида ишчанлик ва диққатини сақлаб туриш қийин бўлади. Жуда тез хафа бўладилар, гапга қулоқ солмайдилар. Танаффусдан кейин эса дарсда диққатларини жамлашлари қийин бўлади. Одатда бундай болаларда диққат ва хотира, айниқса, нутқий хотиранинг бўшлиғи, яхши тушунмаслик ҳолатлари кузатилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари қошида логопедик пункт фаолият юритади. Логопедик пункт вазифалари қуйидагилардан иборат:



45- чизма. Логопедик пункт томонидан амалга ошириладиган вазифалар

Ўқувчилар билан логопедик пунктда коррекцион ишлар бутун ўқув йили давомида индивидуал ва гуруҳли шаклда олиб борилади. Нутқи бузилганлик ўта жиддий бўлса ўқитиш махсус таълим муассасаларида олиб борилади. Бунда ўқувчи билан даволаш-соғломлаштириш ва психологик-педагогик ишларни бирга олиб бориш нутқий бузилишни тузатишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Логопедик ёрдам кўрсатиш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий таъминлаш тизимларида ҳам амалга оширилади. Поликлиникаларда ва психоневрологик диспансерларда логопедик кабинетлари мавжуд бўлиб, бу ерда нутқида бузилиши бўлган болаларга логопедик ёрдами кўрсатилади.

Эшитиш қобилияти бузилган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Эшитиш қобилиятининг бузилиши сабаблари, уларни турларга ажратиш. Аномал болалар орасида эшитиш қобилияти турли даражада нуқсонли бўлган болалар кўпчилиқни ташкил этадилар. Эшитиш – борлиқни товушли ҳодисалар шаклида акс эттирилиши, инсон (тирик жонзод)нинг товушларни англаш ва фарқлаш қобилияти. Эшитиш эшитиш органи ёки товуш анализатори (товуш таъсирини қабул қилувчи ва ажратувчи мураккаб нерв тизими) ёрдамида амалга оширилади.

Эшитиш қобилиятининг бузилиши кўп ҳолларда муддатли бўлади. Масалан, ўрта қулоғнинг ташкил топиши, шамоллаш, олтингугурт тўсиқларининг юзага келиши, ташқи ва ўрта қулоғининг аномал тузилиши (қулоқ супрасининг бўлмаслиги ёки етарлича ривожланмаганлиги, эшитиш йўллариининг битиб қолиши, қулоқ пардасидаги нуқсонлар ва бошқалар) каби ҳолатларда. Замонавий медицина уларни даволашнинг самарали методларига эга. Улар қаторига консерватив ва оператив методларни киритиш лозим. Одатда самарали даволаш, баъзан узоқ вақт даволаш тадбири олиб борилганда эшитиш қобилияти тикланади.

Эшитиш қобилиятининг бузилишига юқумли касаллиқлар билан оғриш, захарланиш, акустик ёки контузияли жароҳатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. қулоғи оғирлик ёки карлик келиб чиқиш сабабларига кўра: наслий, туғма ва келиб чиққан тарзда турларга ажратилади. Ёшлиқда эшитиш қобилиятининг бузилишига олиб келувчи сабаблар орасида қуйидагилари алоҳида кўрсатилади: ҳомиладорликнинг биринчи уч ойида онанинг вирусли касаллиқлар билан оғриши (қизамиқ, корь, грипп, гепатит вируслари ва бошқалар), ривожланишдаги туғма нуқсонлари (масалан, лаби ва танглайидаги ёриқ), чала туғилиш, кичик вазнли туғилиши (1500 дан кам) ҳамда ёмон туғилиши кабилар. Эшитиш қобилиятининг бузилишига ҳомиладорлик даврида онанинг спиртли ичимлик, гиёҳванд моддалар

истеъмол қилиши, антибиотикларни қабул қилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Карликнинг наслий ўтиши ҳолати жуда кам кузатилади.

Эшитиш қобилиятидаги камчиликларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) эшитиш қобилиятининг зарарланганлик даражаси;
- 2) эшитиш қобилияти зарарланганда нутқий ривожланиш даражаси;
- 3) эшитиш қобилиятида бузилишнинг юзага келиш вақти.

Юқорида кўрсатилган мезонларга кўра эшитиш қобилиятининг бузилиши қулоғи оғирлик ва карлик каби гуруҳларга ажратилади.

Карлик бу эшитиш қобилиятининг қаттиқ йўқотилиши бўлиб, бола мустақил равишда нутқни эгаллай олмайди ва қулоғига жуда яқин масофадан гапирилганда ҳам аниқ эшитмайди. Аммо баланд товушлар, яқин масофадан нутқнинг баъзи товушларини қабул қилишга имкон берувчи эшитиш қобилияти сақланиб қолади.

қулоғи оғирлик – бу эшитиш қобилиятининг қаттиқ пасайиши (80 децибалдан кам) бўлиб, эшитиш қобилияти қолдиғи ёрдамида қулоғи олдида баланд овоз билан гапирилганда бола нутқни эшита олади. Бола минимал нутқ бойлигини мустақил равишда эгаллай олади.

Карлар ва қулоғи оғирлик (ёмон эшитувчилар) нутқни қабул қилиш усули бўйича фарқ қиладилар. Карлар сўз нутқини кўриб (сухбатдошининг лаблари ва юзига қараб) ва эшитиб кўриш (товушни кучайтириш аппарати ёрдамида) қабул қиладилар.

Ёмон эшитадиганлар атрофдагилар билан табиий муносабатлар жараёнида баланд оҳангда сўзлашиш асосида нутқни эшитиб қабул қиладилар.

Эшитиш қобилияти бузилган болаларни оммавий умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион ўқитиш. Эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалалари билан сурдопедагогика шуғулланади. Сурдопедагогика (юнонча «сурдус» – кар) - эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганувчи коррекцион (махсус) педагогиканинг яна бир муҳим соҳаси.

Эшитиш анализаторининг нормал ишлаши боланинг умумий ривожланиши учун алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Эшитиш анализатори бузилганда боланинг нутқи, психологик ривожланиши ёмонлашади, идрок этиш фаолияти, умумий ривожланиши ортда қолади. Статистик маълумотларига қараганда эшитиш органи функцияси бузилган ва эшитмайдиган болалар сони доимий равишда ортиб бормоқда.

Айни вақтда сурдопедагогика олдида қуйидаги вазифалар турибди:

- эшитиш қобилияти бузилган шахслар, уларнинг индивидуал хусусиятлари, шунингдек, эшитиши, нутқи бузилиши хусусиятига кўра уларни ўқитиш қонуниятларини педагогик жиҳатдан ўрганиш;

- эшитиш қобилияти бузилган турли категориядаги болалар учун махсус таълим мазмунини ишлаб чиқиш, уни илмий жиҳатдан асослаш ва амалий амалга ошириш;

- эшитиш қобилияти бузилган шахсларни ўқитишнинг дидактик ва махсус методикаларини яратиш;

- қолдиқ эшитиш қобилиятини ривожлантириш бўйича махсус таълим технологияларини яратиш, педагогик соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш ва бошқалар.

Оммавий умумий ўрта таълим мактабида эшитиш қобилияти бир оз пасайган болалар ўқиши мумкин. Ўқитувчи бола томонидан дарсда билдирилаётган фикрларни яхши эшита олишига эътибор бериши, бунинг учун болани биринчи ёки иккинчи партага, иложи бўлса ўрта қаторга ўтказиш керак. Шунингдек, ўқитувчи бола унинг гапларини тўғри тушуна олганлиги, топшириқни тўғри бажараётганлигини назорат қилиб туриши керак. Баъзида эшитмайдиган ёки ёмон эшитадиган болалар оммавий умумий ўрта таълим мактабларида эшитадиган тенгдошлари билан бирга муваффақиятли ўқийдилар.

Ўқитувчи эшитмайдиган ёки ёмон эшитадиган бола синфга қабул қилинганда уларнинг психофизиологик ҳамда нутқ ривожланиши хусусиятларини билиши талаб этилади.

Кўриш қобилияти бузилган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Кўриш қобилияти бузилиши турлари, уларнинг сабаб ва оқибатлари. Кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш хусусиятлари билан тифлопедагогика шуғулланади (юнонча «тйпхлос» – кўр) – коррекцион педагогика (дефектология)нинг муҳим соҳаси.

Кўриш кўриш анализатори ёрдамида борлиқни сезиш ва қабул қилишдир. Мия кўриш орқали ташқи дунё ҳақидаги маълумотларни олади.

Боланинг кўриш қобилияти бузилганда уни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларида жиддий қийинчиликлар юзага келади.

Болаларда кўриш қобилияти бузилишининг сабаблари турлича бўлиб, улар наслий касалликлар, ҳомила она қоринида ривожланаётганда кўриш органлари патологиясининг юзага келиши, ҳомиладорлик пайтида онанинг токеплазмоз, қизамиқ ва бошқа оғир касалликлар билан оғриши ва ҳоказо омиллардан иборат бўлиши мумкин.

Кўриш қобилиятининг бузилиши туғма ёки орттирилган бўлади.

Туғма кўр бўлиш ҳомиланинг зарарланиши сабабли юзага келади. Кўриш нуқсонларининг юзага келишида наслийлик ҳам кўзга ташланади.

Орттирилган кўрлик одатда кўриш органлари – тўр пардаси, шох парда ёки марказий нерв тизимининг касалланиши (менингит, мия шиши, менингоэнцефалит), организмнинг умумий касалланишидан кейинги асоратлари (кор, грипп, скорлатина), шунингдек, мия ёки кўзнинг жароҳатли шикастланиши (боши яраланиши, шикастланиши) оқибатида бўлиши мумкин.

Кўриш қобилиятининг бузилган болалар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Кўр туғилганлар.
2. Эрта кўр бўлиб қолганлар.
3. Уч ёшидан кейинги кўр бўлиб қолганлар.

Оммавий мактабларда таълим олганда ёмон кўрувчи бола жиддий кийинчиликларга дуч келадилар. Идрок этишнинг аниқ эмаслиги, секинлиги, торлиги каби хусусиятлар предметларни таниб олиш, уларнинг шаклини ажратиш, ўзига хос белгиларини билиб олишда маълум кийинчиликларига олиб келади. Болалар сатрлар, ҳарфлар ва рақамларни адаштирадилар. Булар ўқиш техникаси эгаллаб олиш, ўқилганларнинг мазмунини тушунишга ҳалақит беради. Оддий мактабда ёмон кўрувчи болалар доскада нима ёзилганлигини кўрмайдилар, қараб бажариладиган ишларни ташкил этишда ёмон кўрадиган болалар тез чарчайдилар, бу уларнинг иш қобилиятларини пасайтиради. Педагогларнинг олдидаги энг муҳим вазифа - ёмон кўрадиган болани ўз вақтида аниқлаш, унга махсус таълим ва тарбия бериш масаласини ҳал этиш учун ПМПКга юборишдан иборат. Ёмон кўрадиган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш асосан махсус (коррекцион) мактабларда амалга оширилади.

Кўриш қобилияти бузилган болаларни оммавий умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш. Кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалалари билан тифлопедагогика (юнонча «тйпхлос» – кўр) – коррекцион педагогика (дефектология)нинг яна бир соҳаси шуғулланади.

Кўриш қобилияти бузилган болалар билан иш олиб бораётган ўқитувчи коррекцион ишларнинг ўзига хос жиҳатларини билиши зарур.

Рефракцияси аномалияли болалар тузатувчи кўзойнак тақишлари керак. Лекин кўзойнак тақишда болалар педагогнинг уларга диққат билан муносабатда бўлишларига муҳтожлик сезадилар. Мактабда ва уйда ўқув ишларини бажаришда санитар-гигиеник талабларга амал қилиш лозим. Кўришида нуқсонли бўлган бола учун иш ўрни тўғри ва етарлича ёритилган бўлиши керак. Бундай бола дераза ёнидаги биринчи ёки иккинчи қаторга ўтказилиши керак. Яқинни кўрадиган бола ҳам доскага яқинроқ биринчи ёки иккинчи партага ўтказилиши зарур. Узоқни кўрадиган бола эса, аксинча, доскадан узоқроққа охириги партага ўтказилиши талаб этилади.

Ўқитувчи ўқувчининг доска, жадвал ва харитадаги ўқув материалларини қабул қилиши ва тушунишини назорат қилиб бориши керак. Аномал рефлексияли болаларда кўзи чарчаши кўп кузатилади. Шунинг учун дарс пайтида уларга кўриш ишларини бошқа турдаги ишлар уйғунлаштириб бериши зарур. Аномал рефлексияли бола 10-15 минут давомида интенсив кўриш ишларини бажаргандан кейин бир неча минут узоққа (доска ёки деразага) қараши керак, бу кўриш чарчоғининг бартараф этилишига ёрдам беради.

Кўриш қобилияти анча оғир бўлган – кўр ва ёмон кўрадиган болаларни ўқитиш махсус таълим муассасаларида амалга оширилади. Баъзан кўриш қобилияти оғир бузилган болалар оммавий умумий ўрта таълим мактабларига қабул қилинадилар. Бундай вазиятда аномал болалар учун махсус шароитларни яратиш зарурияти юзага келади.

Ўз синфларида оғир кўриш қобилияти бузилган бола бўлган ўқитувчилар болага дифференциал ёндашув асосида муносабатда бўлишлари зарур. Бунинг учун синфдаги ўқувчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги, синф хонаси яхши ёритилган, кўриш қобилиятида нуқсонни бўлган боланинг иш ўрни эса кўшимча ёритилган бўлиши керак. Ўқув-тарбиявий ишлар жараёнида ўқитувчининг нутқи катта аҳамиятга эга бўлади. Унинг нутқи аниқ, тушунарли, ифодали бўлиши зарур. Ўқитувчи ўзининг ҳар бир ҳаракати моҳиятини сўз ёрдамида шарҳлаб бориши,

Синфида кўр ёки ёмон кўрадиган бола бўлган ўқитувчи уларнинг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини билиши, улар нормал кўрадиган тенгдошларидан фарқ қилишларини яхши англаши мақсадга мувофиқдир.

Таянч-ҳаракат аппарати бузилган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Таянч-ҳаракат аппаратлари бузилишининг турлари ва юзага келиш сабаблари. Таянч-ҳаракат аппаратидаги турли бузилишлар болаларни ўқитиш ва тарбиялашда муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Таянч-ҳаракат аппарати функцияларининг бузилиши туғма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Таянч-ҳаракат аппарати патологияси қуйидаги турларга ажратилади:

1) нерв тизимининг касалланиши (болалар церебрал параличи (БЦП), полиомиелит);

2) таянч-ҳаракат аппаратининг туғма патологияси; соннинг туғма чиққанлиги; бўйин қийшиқлиги; қийшиқ оёқлик ва оёқнинг бошқа нуқсонлари; умуртқа поғонаси ривожланишидаги нуқсонлар (сколиоз); қўл ёки оёқларнинг ривожланмаганлиги ва нуқсонлари; қўли бармоқларининг аномал ривожланиши; артрогрипоз (туғма майиблик);

3) орттирилган касалликлар ва таянч-ҳаракат аппаратининг зарарланиши; орқа мия, бош мия ва қўл-оёқларнинг травматик жароҳатланиши; полиатрит; скелет касалликлари (туберкулез, суяклардаги шишлар, остеомиелит), скелет тизими касалликлари (рахит, хондодистрофия).

Таянч-ҳаракат аппарати патологияси бўлган болаларда асосий бузилиш ҳаракатланишдаги нуқсон ҳисобланади. Бундай нуқсонларга эга болаларнинг 89 % ини церебрал параличли болалар ташкил этадилар. Уларда ҳаракат бузилиши психик ва нутқий бузилишлар билан бирга намоён бўлади. Шу боис бу каби болалар нафақат даволаш ва ижтимоий ёрдамга, балки психологик-педагогик ва логопедик коррекцияга ҳам муҳтож бўладилар.

Ҳаракатланиш бузилишлари ўртача даражада бўлган болалар юришни ўрганиб олсаларда, бироқ, шонч билан юра олмайдилар, улар учун махсус мосламалар зарур. Ҳаракатланиш бузилишининг енгил шаклида болалар уйда ва кўчада мустақил, кўркмай юра оладилар, ўзларига тўла хизмат кўрсатадилар.

Назорат учун саволлар:

1. Ривожланиши ва хулқида четланишлари бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалалари билан қайси фан шуғулланади?
2. Коррекцион педагогиканинг вазифаси нимадан иборат?
3. “Коррекция”. “коррекцион педагогик фаолият” тушунчалари қандай маънони англатади?
4. Аномал ўқувчилар билан қандай коррекцион ишлар олиб борилади?
5. Коррекцион педагогика (дефектология) фаннинг ривожланиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?
6. “Ривожланишдаги четланишлар” тушунчаси қандай маънони англатади?
7. Ақли заиф болалар билан қандай коррекцион ишлар олиб борилади?
8. Логопедия нима?
9. Ўқувчилар нутқий бузилиши қандай психологик-педагогик хусусиятларига эга?
10. Оммавий умумий ўрта таълим мактабларида эшитиш қобилияти бузилган болалар билан қандай коррекцион-педагогик ишлар амалга оширилади?
11. Оммавий умумий ўрта таълим мактабларида кўриш қобилияти бузилган болалар билан қандай коррекцион-педагогик ишлар амалга оширилади?
12. Оммавий умумий ўрта таълим мактабларида таянч-ҳаракат аппарати бузилган ўқувчилар билан коррекцион-педагогик ишлар амалга оширилади?

Тест топшириқлари:

1. Бу фан ривожланиши ва хулқида турли четланишлар бўлган ўқувчиларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш билан шуғулланади?
 - а) коррекцион педагогика;
 - в) мактаб педагогикаси;
 - с) ҳарбий педагогика;
 - д) спорт педагогикаси;
 - е) ижтимоий педагогика.
2. Аномал болаларда педагогик усул ва чора-тадбирлар тизими ёрдамида психик ҳамда жисмоний ривожланишидаги камчиликларни тузатиш (қисман ёки тўла) тушунчаси нима деб аталади?
 - а) аномалия;
 - в) коррекция;
 - с) компенсация (ўрнини тўлдириш);
 - д) мослаштириш;

е) реабилитация.

3. Аномал болаларни ўқитиш ва ривожлантириш, аномал болаларни тарбиялаш, коррекцион-тарбиявий ишлар, компенсация, ижтимоий мослаштириш, оилавий тарбия каби тушунчалар нимани ифодалайди?

- а) коррекцион педагогика масалаларини;
- в) коррекцион педагогика вазифаларини;
- с) коррекцион педагогика категорияларини;
- д) коррекцион педагогика методларини;
- е) коррекцион педагогика тамойилларини.

4. Коррекцион педагогика (дефектология)нинг қайси соҳаси нутк бузилишларини ўрганиш, олдини олиш ва тузатиш билан шуғулланади?

- а) сурдопедагогика;
- в) олигофренопедагогика;
- с) тифлопедагогика;
- д) дефектология;
- е) логопедия.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ёғБаркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, Шарк нашриёт-матбаа концерни, 1997

2. Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999.

3. Усанова О.Н. Психик ривожланишида муаммолари бўлган болалар. –Москва, Педагогика, 1995.

4. Рахмонова В.С. Дефектология ва логопедия асослари. –Тошкент, Ўқитувчи, 1990.

АСОСИЙ ПЕДАГОГИК ТУШУНЧАЛАР ЛУҒАТИ

Академик лицей - ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишларини таъминлаш мақсадида давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Академия - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Амалий ишлар методи – ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини шакллантирувчи усул.

Аномалия (юнонча – аномал) - меъёрдан, умумий қонуниятлардан четланиш, нотўғри ривожланиш.

Аномал болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш- коррекцион педагогиканинг асосий тушунчаси бўлиб, нуқсоннинг даражаси ва тузилишига мос келадиган метод ҳамда воситалар ёрдамида аномал болаларни фаол ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда фуқаролик сифатларини шакллантириш.

Ахлоқ (лотинча «моралис» - хулқ-атвор маъносини билдиради) - ижтимоий муносабатлар ҳамда шахс хатти-ҳаракатини тартибга солувчи, муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган хулқ-атвор қоидалари, мезонлари йиғиндиси.

Ахлоқий онг – шахсга ахлоқий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги назарий билимларни бериш асосида ҳосил қилинувчи онг шакли.

Ахлоқий тарбия – муайян жамият томонидан тан олинган ва риоя қилиниши зарур бўлган тартиб, одоб, ўзаро муносабат, мулоқот ва хулқ-атвор қоидалари, мезонларини ўқувчилар онгига сингдириш асосида уларда ахлоқий онг, ахлоқий фаолият кўникмалари ва ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Ақлий тарбия - шахсга табиат ва жамият тараққиёти тўғрисидаги билимларни бериш, унинг ақлий (билиш) қобилияти, тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Байналминаллик («интер» – орасида, ўртасида, аро, «натио» – халқ)– ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-хуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили ҳамда виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилат.

Бакалавриат - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълим.

Башоратлаш - бўлажак дарсни ташкил этилишининг турли вариантларини баҳолаш ва улардан қабул қилинган мезонларга мувофиқ энг маъқулини танлаб олиш.

Баҳо – таълим олувчиларга уларнинг таълим олиши, билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижодий ёндошишини рағбатлантириш мақсадида таъсир кўрсатиш воситаси.

Билим – шахснинг онгида тушунчалар, схемалар, маълум образлар кўринишида акс этувчи борлиқ ҳақидаги тизимлаштирилган илмий маълумотлар мажмуи.

Билим олиш – борлиқни идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.

Билиш - объектив борлиқнинг инсон онгида акс этиш шакли; илмий билимларни ўзлаштириш жараёни.

Бошланғич таълим - ўқувчиларга мураккаб бўлмаган илмий билимларни бериш асосида уларда ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашга оид дастлабки билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш асосида уларда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи элементларини ҳосил қилиш босқичи.

Бошланғич таълим педагогикаси – бошланғич синфлар ўқувчиларини тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг ўзига хос психологик ҳамда физиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, шунингдек, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

Ватанпарварлик (лотинча «патриотес» – ватандош, «патрис» – ватан, юрт) - шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истикболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилят.

Вербал – билим (маълумот, ахборот)ларни сўз ёрдамида (оғзаки) етказиб бериш, ифода этиш.

Гносеология (юнон тилидан гносис – билим, онг, ўрганиш) – билиш, илмий билимларнинг шаклланиши, хусусиятлари, қонуниятлари, услублари, илмий тафаккур шакллари, шунингдек, инсонга хос бўлган борлиқни англаш қобилияти ҳақидаги назария, таълимот.

Давлат рамзлари - муайян миллат, элатнинг этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ва мақсади, ҳудудий, ижтимоий-ғоявий бирлик моҳиятини англантишга хизмат қилувчи тасвирий белгилар мажмуи.

Давлат таълим стандарти – 1) таълим олиш шаклидан қатъий назар битирувчилар эришишлари зарур бўлган таълим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат; 2) ўқув фани бўйича таълимнинг яқуний натижаларини белгиловчи асосий ҳужжат; 3) таълим дастурлари мазмунининг минимуми, ўқувчилар томонидан бажариладиган ўқув ишларининг максимал ҳажми, шунингдек, битирувчиларнинг тайёргарлик даражаларига қўйилувчи талаблар.

Дарс - бевосита ўқитувчи раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли.

Дарслик – муайян фан бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий билимлар тўғрисидаги маълумотларни берувчи манба.

Дидактика (таълим назарияси) – (юнонча «дидактикос» “ўргатувчи”, «дидаско» – “ўрганувчи”) - таълимнинг назарий жиҳатлари (таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти мазмуни, таълим мақсади, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари ва ҳоказо муаммолари)ни ўрганувчи фан.

Дидактика тамойиллари (лотин тилидан «принсипиум» - ҳар қандай назариянинг асосий, бошланғич, дастлабки ҳолати) – таълимни ташкил этишга қўйилган меъёрий талабларни ифодаловчи, шунингдек, таълим жараёнининг асосий мақсади ва қонуниятларига мувофиқ унинг дастлабки ҳолатини белгиловчи қарашлари.

Дидактик ташҳис мақсади – ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Дидактик тизим (юнонча «система» – яхлит, қисмларда ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнининг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш.

Дидактик ўйин – ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

Дунёқараш - табиат, жамият, тафаккур ҳамда шахс фаолияти мазмунининг ривожланиб боришини белгилаб берувчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими.

Жазолаш - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо бериш усули.

Жамоа (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ каби маъноларни англатади) - бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ.

Жамоа анъаналари – жамоа аъзолари томонидан бирдек қўллаб-қувватланувчи барқарорлашган одат.

Жамоаниннг норасмий тузилмаси - жамоа аъзолари ўртасидаги шахслараро маънавий-психологик муносабатларнинг умумий тизими, шунингдек, жамоада микрогуруҳни ташкил қилувчи айрим шахслар ўртасидаги танлаш муносабатларининг мазмуни.

Жамоаниннг расмий тузилиши - турли кўринишдаги жамоа фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий жиҳатлари.

Жинсий тарбия - ўзида шахсни жинсий жиҳатдан чиниқтириш, уларни тозалик ва озодаликка ўргатиш, ўз соғлиги учун ғамхўрлик қилиш ва масъулиятли бўлишни таъминлашга қаратилган педагогик фаолият мазмуни.

Жисмоний тарбия - ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган

педагогик жараён; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.

Жорий назорат – таълим жараёнида ўқувчилар томонидан ўқув дастурида белгиланган муайян мавзуларни ўзлаштирилиш бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Идрок – аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни.

Ижтимоий адаптация (юнонча адапто - мослашиш) – аномал болалар индивидуал ёки гуруҳли хулқларининг ижтимоий қадриятлар ва хулқ-атвор қоидалари тизимига мос келиши.

Ижтимоийлашув – ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

Ижтимоий онгни шакллантирувчи методлар - ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатлар, эътиқод ҳамда дунёқарашни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғуси ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари.

Ижтимоий педагогика – **ижтимоий муносабатлар жараёнида педагогик ғояларнинг тутган ўрни ва роли, шахсни касбий ва ижтимоий фаолиятга йўналтириш муаммоларини ўрганади.**

Ижтимоий реабилитация (юнонча реҳабилитас – лаёқати, қобилиятини тиклаш) - аномал боланинг психофизиологик имкониятларига таянган ҳолда унинг ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этиши учун зарур шароит яратиш, ижтимоий фаолият ва меҳнатга жалб этиш.

Изоҳлаш (тарбия методи сифатида) – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули.

Илмий дунёқараш - узлуксиз, изчил равишда мавжуд фанлар асосларини пухта ўзлаштириб бориш, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиш натижасида барқарорлашган дунёқараш шакли.

Илмий тафаккур – **инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли саналиб, ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жараёнларга нисбатан илмий ёндашув.**

Илмий қараш (юнонча «идеа» - ғоя, тасаввур, тушунчалар йиғиндиси) - муайян ҳодиса, жараённинг моҳиятини ёритувчи, илмий жиҳатдан асосланган фикр, ғоя.

Индивид (лотинча “индивидуум” бўлинмас, яғна, алоҳида деган маъноларни англатади) – хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта олувчи биологик мавжудот.

Индивидуаллик - шахснинг ўзига хос хусусиятлари.

Институт - билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олий ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Иқтисодий тарбия - ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Иқтисодий таълим - ўқувчиларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотик муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ёш хусусиятлари - муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш - мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилувчи таълим босқичи.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» - «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ, миллий тажрибанинг таҳлили ҳамда таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқлол

вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш мазмунини белгилаб берувчи юридик ҳужжат.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели - шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини ақс эттирувчи андоза, лойиҳа Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргалик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

Касб-хунар коллежи - ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантирувчи, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини яратиш мақсадида тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Категория - фаннинг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим, асосий тушунча.

Компенсация (юнонча «сoмпенсатиo» – ўрнини тўлдириш, тенглаштириш) - олий нерв фаолиятининг захира имкониятларига таянган ҳолда организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш ёки қайта қуриш.

Коррекция (юнонча «соррестио» - тузатиш) - педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш.

Коррекцион (махсус) педагогика (дефектология - юнонча «дефестус» – нуқсон, камчилик, «логос» – фан, таълимот) – ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликка эга, махсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, саломатлик имкониятлари чекланган боланинг индивидуаллиги ҳамда шахсини ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, қонуниятларини ўрганувчи фан.

Коррекцион-педагогик фаолият - яхлит таълим жараёнини қамраб олувчи ҳамда мураккаб психофизиологик ва ижтимоий-педагогик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутувчи педагогик тизим.

Коррекцион-тарбиявий ишлар - шахснинг аномал ривожланиши хусусиятларига кўра умумий педагогик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тизими.

Кўникма – шахснинг муайян ҳаракат ёки фаолиятни ташкил эта олиш қобилияти.

Кўргазмали методлар - предмет, ҳодиса ёки жараёнлар моҳиятини табиий ҳолатда намоёиш қилиш, уларнинг макетларини кўрсатишда қўлланилувчи усуллар.

Лицей (коллежда) маъруза – ўқув материални ўқувчиларнинг идрок этиш фаолиятларини фаоллаштириш услублари билан биргаликда давомли оғзаки баён этиш (80-90 минут), берилаётган материалнинг схематик моделини тузиш (асосий фикрни тезис ёки лойиҳа кўринишида ёзиб олиш) ва бошқалар.

Лойиҳалаштириш (режалаштириш) - ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш.

Логопедия (юнонча «логос» – сўз, назария, таълимот, «паидеиа» -тарбиялаш) - нутқий нуқсонларни ўрганиш, улар келиб чиқишининг

олдини олиш ва уларни қисман ёки тўлиқ тузатиш масалаларини ўрганувчи фан; коррекцион педагогика (дефектология)нинг муҳим соҳаси.

Магистратура - аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муаддати камида икки йил давом этадиган олий таълим.

Маданият («султура» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Мазмун (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий кўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуллари тизими.

Мактабгача таълим - боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминловчи, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотувчи, уни мунтазам таълим олишга тайёрловчи ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилувчи таълим босқичи.

Мактабгача таълим педагогикаси – **мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.**

Мактабдан ташқари таълим - маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда йўлга қўйилувчи, болалар ҳамда ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида ташкил этиладиган таълим босқичи.

Малака – муайян ҳаракат ёки фаолиятни бажаришнинг автоматлаштирилган шакли.

Материални оғзаки баён қилиш методлари – ўқув материали моҳиятини оғзаки (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси каби шаклларда) ёритишда қўлланилувчи усуллар.

Мафкура (арабча «мафкура» - нақтаи назар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, шунингдек, маънавий-ахлоқий юксаклиш, маърифий-тарбиявий ишларнинг ривожини таъминловчи, уларнинг мақсад ва йўналишларини аниқлашда етакчи ўрин тутувчи ғоялар тизими.

Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари— муайян машқёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуллари.

Маълумот – таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

Маънавият (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) – моҳиятига кўра ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи.

Маърифат – шахс онгига илмий билим, ахлоқ қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни сингдириш, таълим-тарбияни такомиллаштириш, миллий мерос ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш, уларни тарғиб этиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Маъруза – йирик ҳажмдаги ўқув материални оғзаки баён қилиш шакли.

Менежмент – мавжуд минимал имкониятлардан максимал натижаларга эришиш учун шахс (ҳодим) ёки гуруҳга таъсир ўтказиш асосида уларнинг фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, шакллари, методлари ва усуллари.

Метод - юнонча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маъноларни англатади.

Методика (фан сифатида)— хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

Меҳнат тарбияси - шахсга меҳнатнинг моҳиятини чуқур англашиш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини

шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Мунозара (тарбия методи сифатида) - тарбияланувчиларга ҳиссий-оғзаки таъсир кўрсатиш асосида уларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган баҳс-мунозара усули.

Назорат (таълим жараёнида)– таълим олувчининг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, ўлчаш ва баҳолаш жараёни.

Нафосат диди - шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабат билдириш тури, объектив нафосат ўлчови.

Нафосат маданияти - гўзалликни ҳис этиш, ундан завқланиш, мавжуд гўзалликларни асраш ва бойитиш йўлида ўзлаштирилган билим ҳамда амалга ошириладиган нафосат фаолиятини ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

Нафосат онги - гўзаллик, гўзалликни ҳис этиш, унинг моҳиятини англаш, нафосат ҳис-туйғуси, нафосат диди каби тушунчаларнинг онгда акс этиши.

Нафосат тарбияси (эстетик тарбия- лотинча «естезио» гўзалликни ҳис қиламан) - ўқувчиларни воқелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ва турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш ва тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, улар томонидан гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисми.

Оила – кишиларнинг никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдамга асосланувчи кичик гуруҳи.

Оилавий муносабатлар – ота-оналар (ёки боланинг камолоти учун масъул бўлган шахслар) ҳамда фарзандлар ўртасида турли йўналишларда ташкил этилувчи муносабатлар.

Оила тарбияси – ота-оналар (ёки бола камолоти учун масъул шахслар) томонидан ташкил этилувчи ҳамда фарзандларни ҳар томонлама етук, соғлом этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён.

Олигофрения (юнонча «олигос» – кам, «пхрен» - ақл) - бу натал (туғилиш пайти) ёки постнатал (хаётий ривожланишнинг эрта босқичи) даврларда марказий нерв тизимининг зарарланиши натижасида юзага келадиган ақлий ёки психик ривожланмаслик.

Олий таълим - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланиб, икки босқич (бакалаврият ҳамда магистратура)да ташкил этиладиган ҳамда мутахассисликлар йўналишлари бўйича халқ хўжалигининг турли соҳаларига олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаб берувчи таълим босқичи.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шахснинг ижодий таълим – касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилиб, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида аспирантура, адъюнктура ва докторантурада таълим олиш, шунингдек, мустақил тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш асосида амалга ошириладиган таълим босқичи.

Оралик назорат – ўқувчилар томонидан ўқув материалининг муайян боб ёки бўлимлари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Педагогика (юнонча «паидагогике» бўлиб, «паидагогос» - бола, етаклайман) – ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан.

Педагогика тарихи – таълим ва тарбиянинг юзага келиши, тараққий этиши, муайян тарихий даврларда етакчи ўрин эгаллаган педагогик фикрлар тараққиёти масалаларини ўрганади.

Педагогик илмий-тадқиқот методлари – шахсни тарбиялаш, унга муайян йўналишларда чуқур, пухта илмий билимларни бериш тамойиллари, объектив ва субъектив омилларини аниқловчи педагогик жараённинг ички моҳияти, алоқа ва қонуниятларини махсус текшириш ва билиш усуллари.

Педагогик маҳорат – бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини ошириш, такомиллаштириш муаммоларини ўрганади.

Педагогик парадигма (юнонча «парадеигма» - мисол, намуна) – педагогика фани ривожининг маълум боскичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (моделли, стандарти) сифатида илмий педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами; таълимнинг концептуал модели.

Педагогик талаб - турли хатти-ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятда иштирок этиш жараёнида ўқувчи томонидан амал қилиниши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрлари.

Педагогик технология – таълим ва тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш муаммоларини ўрганади.

Педагог кадрлар таркиби – ўқитувчи, методист, тарбиячи, психолог, дефектолог, логопед, спорт инструктори, мусика, бадий ижодиёт, радиотехника, спорт ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатувчи тўғаракларнинг раҳбарларидан иборат мутахассислар.

Педагогик маҳорат – таълим-тарбия жараёнига онгли, ижодий ёндашув, методик билимларни самарали қўллаш олиш қобилияти, юксак педагогик тафаккур.

Педагогик талаб - турли ҳаракатларни бажариш, муайян фаолият жараёнида иштирок этишда ўқувчи амал қилиши зарур бўлган ижтимоий хулқ-атвор меъёрларини ифодаловчи вазифа; тарбиянинг энг муҳим усули.

Рағбатлантириш - тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига ижобий баҳо бериш асосида унга ишонч билдириш, кўнгилини кўтариш ва уни қўллаб-қувватлаш усули.

Ривожланиш – шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён.

Рейтинг (баҳолаш, тартибга келтириш, классификациялаш) - муайян ходисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш.

Синф - ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган, маълум ўқувчилар гуруҳи.

Сурдопедагогика (юнонча «сурдус» – кар) - эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини ўрганувчи фан; коррекцион (махсус) педагогиканинг яна бир муҳим соҳаси.

Сухбат – савол ва жавоб шаклидаги диалогик таълим методи.

Тамойил (юнонча «принсипиум») – бирор-бир назариянинг асоси, негизи, асосий бошланғич қондаси; бошқарувчи ғоя, фаолиятнинг асосий қондаси; умумлаштирилган талаб.

Тарбия – муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида шахсни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёни.

Тарбия жараёни - ўқитувчи ва ўқувчи (тарбиячи ва тарбияланувчи)лар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ҳамкорлик жараёни.

Тарбия мазмуни - шахснинг шаклланишига қўйилувчи ижтимоий талаблар моҳияти.

Тарбия методи (юнонча «методос» – йўл) – тарбия мақсадига эришиш йўли; тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усуллари.

Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисми; тарбиявий жараён мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари ҳамда уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Тафаккур (ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг онгда тўлақонли акс этиши, инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли).

Ташҳис –дидактик жараён кечадиган барча шароитларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш.

Таълим – ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён.

Таълим ва тарбия мазмуни – шахснинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқараш, одоби, хулқи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти.

Таълим воситалари – таълим самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув куроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитофон, видеомагнитофон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар) ва субъектив (ўқитувчининг нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва хоказолар) омиллар.

Таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Таълим менежери – таълим муассасаси фаолиятини замонавий менежмент қонуниятларига мувофиқ бошқарувчи мутахассис.

Таълим методлари – таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи усуллар мажмуи.

Таълим муассаси Устави – таълим муассасасига раҳбарлик моҳиятини ёритувчи ҳамда унинг фаолиятини бошқариш тизимини аниқловчи ҳужжат.

Таълим концепциялари (лотин тилидан «сонсептио» – тизим) – таълим-тарбия мазмуни, истиқболини ёритувчи яхлит қарашлар тизими; узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида таълим муассасалари фаолияти йўналиши, мақсад ва вазифаларини белгилашнинг алоҳида усули.

Таълим мазмуни – давлат таълим стандартлари асосида белгилаб берилган ҳамда маълум шароитда муайян фанлар бўйича ўзлаштирилиши назарда тутилган илмий билимлар моҳияти.

Таълим мақсади (ўқиш, билим олиш мақсади) – таълимнинг аниқ йўналишини белгилаб берувчи етакчи ғоя.

Таълим натижаси (таълим маҳсули) – таълим якунининг моҳиятини қайд этувчи тушунча; ўқув жараёнининг оқибати; белгиланган мақсадни амалга ошириш даражаси.

Таълимни бошқариш – таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда истиқболларини белгилаш масалаларини ўрганади.

Таълимнинг синф-дарс тизими - дарс шаклида муайян ўқувчилар гуруҳи билан ўқув режасига мувофиқ тузилган аниқ жадвал бўйича олиб бориладиган таълим жараёни.

Таълим тизими – давлат сиёсатининг асосий тамойиллари асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида фаолият юритувчи барча турдаги таълим муассасалари мажмуи.

Таълим шакли – таълим жараёнининг ташкилий тузилмаси.

Тизим (мустақил тушунча сифатида) - ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги мустақкам бирлик ва ўзаро яхлитлик.

Тифлопедагогика - (юнонча тйпхлос – кўр) – кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш муаммоларини ўрганувчи фан; коррекцион педагогика (дефектология)нинг муҳим соҳаси.

Тест - аниқ мақсад асосида муайян ҳолат даражасини сифат ва миқдорий кўрсаткичларда белгилашга имкон берувчи синов воситаси.

Топширик - ўқувчиларда меҳнат, ижтимоий хулқ ва ҳаётий тажриба кўникмаларини шакллантириш мақсадида қўлланиладиган усул.

Тушунтириш - ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилиш.

Тўғарак - ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида синфдан ёки мактабдан ташқари шароитда уюштирилувчи қўшимча таълим шакли.

Умумий педагогика – мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларини ўрганади.

Умумий ўрта таълим - ўқувчиларнинг фан асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлаш кўникмаларини шакллантириш босқичи.

Университет - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи, юридик мақомга эга таълим муассасаси.

Усул - муайян ўқув материални ўзлаштиришда қўлланилаётган асосий таълим методи билан бирга иккинчи бир таълим методининг айрим элементларидан фойдаланиш.

Фаолият - шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши.

Фуқаро – фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахс.

Фуқаролик – ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга оғли риюя этиш, маълум ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларни бажаришга масъуллик билан ёндошув, меҳнат жараёни ва жамоадаги фаоллик, маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансублик.

Фуқаролик тарбияси – фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англашиш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият учун фидоий фуқаролар этиб тарбиялашдан иборат.

Шахс - психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва ҳагги-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян ҳулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамият аъзоси.

Шахсни ижтимоийлаштириш - уни жамият томонидан тан олинган ҳулқ-атвор меъёрлари, билим ҳамда қадриятлар тизимини ўзлаштиришдан иборат ижтимоий ҳаётга жалб этиш жараёни.

Шкалалаш - аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириш.

Экологик маданият - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик онг - табиат ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати, уларни муҳофаза этиш борасидаги тушунчаларнинг онгдаги ифодаси.

Экологик маданият - ўқувчининг ижтимоий талабларга мувофиқ табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш қобилияти.

Экологик тарбия - ўқувчиларга дастлабки экологик билимларни бериш, уларнинг мавжуд экологик билимларини бойитиш, уларда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён.

Экологик таълим - ўқувчига аниқ мақсадга мувофиқ, изчил, тизимли ва узлуксиз равишда назарий экологик билимларни беришга йўналтирилган таълимий жараён.

Экологик фаолият - экологик билимларга таянилган ҳолда табиат ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Эстетик тарбия - ўқувчиларни табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, турмуш гўзаллигини идрок этиш, тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзаллик олиб кириш қобилиятини тарбиялаш жараёни; ижтимоий тарбиянинг таркибий қисми.

Эътиқод - дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий- фалсафий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик иқтисодий, ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган кўриниши; муайян ғояга чексиз ишонч.

Якуний назорат – таълим олувчиларнинг чорак ёки ярим йиллик учун белгиланган ўқув материаллари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш шакли.

Ўз-ўзини баҳолаш - мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият усули.

Ўз-ўзини тарбиялаш методлари - ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилишлари, турли ўқувчилар органлари фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мавқеларини ошириш мақсадида қўлланилувчи усуллар.

Ўз-ўзини таҳлил (назорат) қилиш - ўз шахси, мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш, мавжуд сифатларни

бойитиш ёки салбий одатларни бартараф этишга қаратилган фаолият усули.

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш – шахснинг ўзидаги салбий одатлар, характеридаги зарарли сифатларни йўқотиш, уларни бартараф этишга қаратилган ички фаолияти жараёни.

Ўзлаштириш – таълим жараёнида устувор ўрин тутувчи ижтимоий талабларга мувофиқ шахс томонидан муайян хатти-ҳаракат ва хулқ усулларининг эгалланиши.

Ўргатиш - тарбияланувчилар ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари, одатларини шакллантириш мақсадида режали ва изчил ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлар.

Ўқитувчи (педагог) – педагогик, психологик ва мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маълумот, касбий тайёргарлик ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс.

Ўқиш – маълум усуллар ёрдамида ташкил этилган билимларни ўрганиш жараёни; ўқувчилар томонидан ўқув фаолияти усулларини эгаллаб олишга йўналтирилган фаолият.

Ўқув дастури – муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни, умумий вақтнинг мавзуларни ўрганилиши бўйича тақсимланиши, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув режаси – таълим муассасида ўқитиладиган ўқув фанларининг тартиби, уларнинг ўқув йили бўйича тақсимланиши, ҳар бир ўқув фанига ажратиладиган ҳафталик ва йиллик ўқув соатлари, шунингдек, ўқув йили тузилишини белгиловчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув фани – таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ёш, идрок этиш имкониятларига мувофиқ уларга муайян фан соҳаси бўйича умумий ёки мутахассислик билимларини бериш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминловчи манба.

Ўқувчилар жамоаси – ижтимоий-фойдали аҳамият касб этувчи умумий мақсад ва биргаликдаги фаолиятга асосан жипслашган ўқувчилар бирлашмаси, гуруҳи.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши - ўқувчиларнинг жамоа фаолиятини уюштириш ва бошқаришдаги фаол иштироклари.

Ўқув қўлланмаси – 1) маълум ўқув фанлари бўйича методик материаллар, тушунтиришлар, тавсияларни ёритувчи ҳамда ўқитувчи ёки ўқувчилар учун мўлжалланган манба; 2) муайян фан бўйича тайёрланган ҳамда методик жиҳатидан ўқув-тарбиявий жараёнда бевосита фойдаланиш имконини берувчи қўшимча ўқув материаллари.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси - ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ҳикоя – ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилиниши.

Ҳисобга олиш – таълимнинг муайян даврида ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятини умумлаштириш, хулосалаш.

Ҳуқуқий маданият – шахс томонидан ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи.

Ҳуқуқий онг - муайян жамиятнинг моддий ҳаёт тарзи билан белгиланадиган тасаввур, идрок, тафаккур ва эътиқодлар тизими бўлиб, ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида мураккаб тузилишга эга.

Ҳуқуқий тарбия - шахс томонидан ўзлаштирилган назарий-ҳуқуқий билимлар негизида ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, унда ижобий ҳуқуқий сифатларни қарор топтириш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ҳуқуқий таълим - ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисидаги тизимланган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни.

Ҳуқуқий фаолият - ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга қатъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, уларни шахс эркини ҳимоя

қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилган амалий хатти-ҳаракатлар мажмуи.

МУНДАРИЖА

Кириш _____

1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Ҳозирги даврда ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни _____

И БЎЛИМ. ПЕДАГОГИКАНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ _____

2. Педагогика фан сифатида. Унинг предмети, мақсад ва вазифалари. Педагогик тадқиқот методлари _____

3. Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви _____. 4. Тарбия мақсади ва вазифалари _____

ИИ БЎЛИМ. ЯГОНА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН _____

1-ҚИСМ. ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ (ДИДАКТИКА) _____

5. Дидактика – таълим назарияси сифатида. Таълим парадигмалари _____

6. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим тамойиллари _____

7. Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими мазмуни _____.

8. Таълим методлари ва воситалар _____.

9. Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари. Дарс-таълимни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида _____

10. Таълимни ташҳис этиш _____

2-ҚИСМ. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ _____

11. Тарбия жараёни жараёни моҳияти ва мазмуни. тарбия тамойиллари _____

12. Болалар тарбия жамоаси – ягона педагогик жараённинг асосий шакли _____

13. Тарбиянинг умумий методлари _____.

14. Илмий дунёқарашни шакллантириш ва ўқувчиларни тарбиялаш _____

15. Фуқаролик тарбияси _____

16. Меҳнат тарбияси _____

17. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш _____

18. Нафосат тарбияси _____

19. Оилада тарбия асослари _____

ИИИ БЎЛИМ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ _____

20. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими. Таълим _____

соҳасидаги Давлат сиёсатининг асосий тамойиллари _____

21. Таълим муассасаси менежменти _____

ИВ БЎЛИМ. КОРРЕКЦИОН (МАХСУС) ПЕДАГОГИКА _____

22. Коррекция (махсус) педагогика _____